

*Н. Махмудов, Д. Худойберганава*

ЎЗБЕК ТИЛИ  
ЎХШАТИШЛАРИНИНГ  
ИЗОҲАИ ЛУҒАТИ

А Б В Г

Д Е Ё Ж

З М Н

**НИЗОМИДДИН МАҲМУДОВ  
ДУРДОНА ХУДОЙБЕРГАНОВА**

**ЎЗБЕК ТИЛИ  
ЎХШАТИШЛАРИНИНГ  
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

УЎК: 811.512.133(038)

КБК 81.2Ў36-4

М 32

Ўзбек тилининг бой ифода имкониятларини ўрганувчи илмий ходимлар учун луғат, албатта, ўзига хос манба вазифасини ўтайди. Шоир-ёзувчи, таржимон, журналист, умуман, сўз билан ишлайдиган кишиларга луғат халқ миллий-маданий идрокининг кўзгуси бўлмиш воситалар тизимини тугал тасаввур қилиш, уларни нутқ мақсадига, матндаги бадий-эстетик ниятга мувофиқ тарзда танлашда яхши ёрдамчи бўлади. Қолаверса, ўзбек тилининг таъсир ва тасвир кучига бефарқ бўлмаган, кўнглида гўзал нутққа ошуфталик туйғуларини ҳис қилган ҳар бир кишининг ўз нутқи такомилга дахлдор саъй-ҳаракатларида луғат, албатта, қўл келади.

Луғатдан гуманитар йўналишдаги таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари бадий асар тили ва услубини, нутқнинг коммуникатив сифатларини таҳлил қилишда қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

*Китоб «ФА–И9–Г07» рақамли инновация лойиҳаси асосида тайёрланган.*

**Маҳмудов, Низомиддин.**

М 32

Ўзбек тили ўқшатишларининг изоҳли луғати / Н. Маҳмудов, Д. Худойберганова. – Тошкент: «Маънавият», 2013. – 320 б.

1. Худойберганова Д.

УЎК: 811.512.133(038)

КБК 81.2Ў36-4

М 4702620204–11  
М25(04)–13

ISBN 978-9943-04-218-6

© «Маънавият» 2013.

## ЎХШАТИШЛАР – ОБРАЗЛИ МИЛЛИЙ ТАФАККУР МАҲСУЛИ

*(Муқаддима ўрнида)*

Тил сиру синоатга лиммо-лим, бениҳоя мураккаб, мукаммал ва мухташам бир хилқатдир. Бу залворли сифатларнинг мазмун-моҳияти шундаки, мазкур хилқатнинг ичида ўзининг бутун тил-симоти билан инсон яшайди, халқ истиқомат қилади ва айни пайтда одам боласи шу хилқатни ортмоқлаб, замон ва макон пучмоқларида туртиниб-суртиниб топган-тутганларини унга идаосиз жойлаб, яхлит қавм ўлароқ бутунлашиб, тамаддуннинг баланд-паст пиллапояларидан олға интилади. Сирасини айтганда, халқнинг ўзига хос сажияси, миллий менталитети, маданияти, маънавияти, руҳияти, тафаккур тарзи ва тахайюл тамойили, идрок интизоми каби фавкуллода муҳим хусусиятлари бевосита ана шу хилқатда тажассум топади. Дарҳақиқат, одам боласи ана шу хилқатдан туриб, унинг темир низомига мутлақо мувофиқ ҳолда ташқи дунёни кўради, эшитади ва идрок этади. Бундай ёндашув дастлаб тилда халқ руҳи акс этиши ҳақидаги ғояга асос солган олмон алломаси В. Гумбольддан бошланганини, кейинчалик кўплаб тилшунослар томонидан ривожлантирилганини мутахассислар яхши билади.

Дунёда тил ҳақидаги таълимотлар тараққиётининг турли даврларида гоҳ эътироф этилган, гоҳ рад қилинган ёки унутилган (ёхуд унуттирилган) бу ҳақиқат ўтган асрнинг охири ва асримизнинг бошларида, хусусан, бугун тилшуносликнинг турли йўналишларидаги ҳаққоний тадқиқотларнинг чинакам тамал тошига айланди. Жумладан, антропоцентрик тилшунослик, соддароқ айтганда, марказида инсон турадиган тилшунослик мазкур ҳақиқатга асосланган, унинг намоён бўлиш йўллари тадқиқ этиш ва асослашга қаратилган энг истиқболли йўналишдир. Бу йўналишнинг тармоқларидан бири – лингвокультурология ёки лисоний маданиятшунослик бўлиб, у тилни «тил – маданият – инсон» учлиги доирасида ўрганади, бу фан бугун кенг истемолда бўлган миллий онг, миллий тафаккур, миллий маданият, миллий маънавият, миллий менталитет, миллий характер каби тушунчаларнинг негизини тил ташкил этиши,

тилсиз уларнинг моҳияти барқарор бўла олмаслигини очиб беришни асосий мақсад деб билади.

Бинобарин, халқнинг тийнати ва табиатинин, руҳияти ва менталитетини тилдан айри ҳолда тасаввур қилиб ҳам, тадқиқ этиб ҳам бўлмайди. Тилдаги бирликларда, айниқса, образли сўз, ибора-ифодаларда халқнинг ментал ўзига хослиги муайян тарзда инъикосини топади. Зотан, бундай образли ифодалар халқнинг теран дунёқараши, образли нигоҳи, идроки ва тафаккури маҳсули ўлароқ дунёга келган.

Мутахассислар ҳақли равишда таъкидлаганидек, «халқнинг маданияти ва менталитети ҳақидаги маълумотларнинг энг қимматли манбаси фразеологизмлар, метафоралар, рамзлар ва ш.к.лардир, уларда асотирлар, афсоналар, урф-одатлар гўёки консервацияланган ҳолатда сақланган бўлади»<sup>1</sup>. Бошқача айтганда, халқнинг бениҳоя бой тарихий-маданий, этник-маънавий тажрибалари, яъни унинг ўзигагина хос «оламнинг лисоний манзараси» (Л. Вейсгербер) тил воситасида шакллангани каби мазкур тажрибаларнинг барчаси айнан халқнинг тилида ўз ифодасини топади, шу тилда яшайди ва мунтазам равишда аждоддан авлодга ўтиб келади.

Мантиқ илмида хулоса чиқаришнинг турли шакллари, хусусан, унинг махсус шакли – аналогияга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бу фан мутахассисларининг таъкидлашича, «аналогия деб ўхшатиш орқали бир белгининг икки буюмда борлигини аниқлаб, бу буюмларнинг бошқа ўхшаш белгиларга эга эканини кўрсатишга айтилади. Биринчи нарса ёки ҳодисанинг ҳамма белгилари биз учун таниш. Иккинчи нарса ёки ҳодисанинг фақат баъзи бир белгиларинигина биламиз. Биз бундай вақтда бу икки нарса ёки ҳодисани бир-бирига ўхшатамиз»<sup>2</sup>.

Демак, айтиш мумкинки, инсоннинг дунёни билишида ўхшатиш-қиёслаш бениҳоя катта ўрин тутади. Икки ёки ундан ортиқ предмет ёки тушунчани ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини аниқлаш мақсадида қиёслаш, таққослаш ташқи дунёни билишнинг энг кенг тарқалган мантиқий усулларида бири сифатида инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида кузатилади. Бу беҳад муҳим мантиқий категория, табиийки, тилда ҳам ўз аксини топади<sup>3</sup>. Таъкидлаш лозимки, қиёслаш билинган нарса-хусусият

<sup>1</sup> В. Маслова. Лингвокультурология. – М., «Academia», 2001, 3-б.

<sup>2</sup> М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. Логика. Предмети ва қисқа тарихи. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1984, 247-б.

<sup>3</sup> Н. Махмудов. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Дисс. ... док-ра филол. наук. – Тошкент, 1984, 259-б.

воситасида билинмаган нарса-хусусиятни осонлик билан билиш имкониятини беради, масалан, тошнинг қаттиқлиги билинган хусусият бўлса, энди бошқа нарсаларнинг шу хусусияти тошга қиёсан (*тошдан қаттиқ*) ёки тошга ўхшатиш орқали (*тошдай қаттиқ*) осонлик билан идрок этилавериши мумкин.

Тилшуносликда, одатда, қиёслашнинг мақсадидан келиб чиқиб, унинг икки тури фарқланади. Агар икки предмет ёки тунча улар ўртасидаги фарқни кўрсатиш мақсадида қиёсланган бўлса, соф қиёсий конструкция шаклланади (масалан, *ер тошдан қаттиқ*), қиёслаш ўхшатиш мақсадини кўзда тутганда эса ўхшатиш конструкцияси шаклланади (масалан, *ер тошдай қаттиқ*)<sup>1</sup>.

Айтиш жоизки, соф қиёсга қараганда ўхшатишлар нутқда сезиларли даражада катта бадий-услубий ва лингвопоэтик имкониятларга эга бўлган конструкциялардир. Шунинг учун ҳам ўхшатишлар дунё филология илмида энг қадимги даврлардан бошлаб нутқ таъсирчанлигини таъминлайдиган алоҳида восита сифатида тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Панини грамматикасидан бошлаб (эрамиздан олдинги IV аср) қадимги ҳинд поэтик-грамматик трактатларида ўхшатишлар поэтик фигура сифатида ўрганилган ва ўхшатишнинг мунтазам тўрт унсурдан таркиб топиши таъкидланган, яъни: 1) ўхшатиладиган нарса ёки субъект, 2) унга ўхшаш бўлган нарса ёки объект, 3) ўхшатиш белгиси ёки ўхшатиш асоси ва 4) ўхшатишнинг формал кўрсаткичи<sup>2</sup>. Ўзбек тилида ҳам, бошқа барча тилларда бўлгани каби, ўхшатишлар тўрт унсурдан таркиб топади ва биз уларни ўхшатиш субъекти, ўхшатиш эталони, ўхшатиш асоси ва ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи, деб номлаймиз.

Авалло, таъкидлаш лозимки, ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади. Шунинг учун ҳам улар нутқда ҳамиша бадий-эстетик қимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўхшатишларнинг икки тури, яъни: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар фарқланади.

Бадий-эстетик қиммат, лингвопоэтик салмоқ нуқтаи назардан эркин ўхшатишлар ёзувчининг маҳоратини намоён этувчи

<sup>1</sup> Н. Маҳмудов. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1984, 68-б.

<sup>2</sup> С. Невелова. Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса. Эпитет и сравнение. – М., «Наука», 1979, 38-б.

воситалардан бири сифатида бадий нутқда алоҳида ўрин тутди. Ёзувчи ўзининг бадий тасвир мақсадига мувофиқ равишда хилма-хил оригинал ўхшатишлар яратади, бу ўхшатишлар кутилмагани, оҳорлилиги билан ўқувчини ром этади, муайян руҳий ёки жисмоний ҳолат-хусусият-предметларни ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиради. Масалан: *Сўфининг тани шу топда Арабистон тоғларининг саратондаги тошларидай қизиб ёнарди* (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Бу гапдаги ўхшатиш конструкцияси эркин ўхшатиш бўлиб, у Эшонга ишониб, расво бўлган, ҳаж илинжида кун ўтказган Раззоқ сўфининг руҳий ҳолатини фавкулудда аниқлик билан ифодалаш мақсадида Чўлпон томонидан яратилган. Мана бу мисолларда ҳам ана шундай ўзига хос, эркин ўхшатишларни кўриш мумкин: *Мирёқуб ...икки кишининг пичирлашиб гаплашганини эшитди, юраги обжувоз ликопидай ура бошлади* (Чўлпон. Кеча ва кундуз). *Булар қийқириқ солишиб, тобига келган чойдишдек шарақлашиб... кампир билан ўйнашаркан...* (Чўлпон. Кеча ва кундуз). *Хаёллар қўймайди ўз ҳолимизга – Лўливаччалардек ёпишқоқ, кир-чир* (И. Мирзо. Эй дил). *Ҳилол янглиз очиқ қолган саволларим, Еллар қувнаб-қувнаб титди вароқларим* (И. Мирзо. Азобларим).

Турғун ўхшатишларнинг моҳияти шундан иборатки, уларда ўхшатиш эталонида ифодаланган образ барқарорлашган бўлади, бундай ўхшатишлар, гарчи муайян шахс ёки ижодкор томонидан қўлланган бўлса-да, вақт ўтиши билан тил жамоасида урфга кириб, доимий ифодалар сифатида турғунлашган, умумхалқ тили лексиконидан жой олиб улгурган бўлади. Бундай ўхшатишлар худди тилдаги тайёр бирликлар каби нутққа олиб кирилади.

Юртбошимиз Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидай, «халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўраимиз»<sup>1</sup>. Ана шу хусусиятлар ҳам ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларда муайян тарзда ифодаланади, қолаверса, ўхшатишлар халқнинг ўзига хос кўриш ва идрок йўсини, образли тафаккур ва тахайюл интизомини ҳам акс эттиради. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар қайд этишича, объектив оламдаги нарса-ҳодисалар ўртасидаги компаратив алоқаларни ижодкорлар образли қиёслаш асосида сон-саноксиз ва хилма-хил ўхшатишлар яратсалар-да, уларнинг жуда ҳам оз қисми тил-

<sup>1</sup> И. Каримов. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, «Маънавият», 2008, 8-б.

да турғунлашади. Чунки бундай ўхшатишлар тилда халқнинг тажрибалари, урф-одатлари, маданияти ва тарихининг ўзига хос жиҳатларига мувофиқ равишда сараланиши боис турғун ўхшатишлар ҳам миллий тус касб этади<sup>1</sup>. Рус тилидаги турғун ўхшатишлар луғатини яратган проф. В.М. Огольцев уларнинг эркин ўхшатишлардан фарқли равишда нутқ ҳодисаси эмас, балки тил тизимининг тайёр ҳолда қўлланадиган бирликлари эканини таъкидлаб, унинг жами рус тили фразеологиясининг алоҳида, компаратив қатламини таркиб топтиришини таъкидлайди. Айни пайтда у турғун ўхшатишларнинг аксарияти кўп маъноли эканини, улар синонимик ва антонимик қаторларни ҳам ташкил қилишини уқтиради. У рус тили фразеологиясининг энг тўлиқ луғати бўлмиш А. И. Молотков таҳрири остидаги луғат (М., 1967; 1978) 4000 дан зиёд мақолани ўз ичига олган бўлсада, атиги 100 та атрофидаги турғун ўхшатишнинггина акс эттирилганини қайд этади, бу ҳолни, энг аввало, махсус тил бирлиги бўлган турғун ўхшатишларнинг тузилмавий-семантик ўзига хослиги билан изоҳлайди<sup>2</sup>.

Тилдаги ўхшатишларни тадқиқ этган тилшуносларнинг аксарияти турғун ўхшатишларнинг идиомаларга яқин туришини ёки идиома мақомида бўлишини, улар кўп асрлар мобайнида кишилар нутқида қўлланиш натижаси сифатида турғунлашиб, сўзловчилар онгида муайян моделлар шаклида мустаҳкамланиб қолишини, ўхшатиш эталонининг, яъни ўхшатиш асосидаги образнинг муайян белги-предмет билан мунтазам ва қатъий боғлиқ бўлишини таъкидлайди<sup>3</sup>.

Мазкур мулоҳазалардан келиб чиқилса, турғун ўхшатишларнинг тил ва нутққа муносабати бир қадар ойдинлашгандек бўлади. Айтиш мумкинки, турғун ўхшатишлар тил тизимидаги фразеологик ибораларнинг алоҳида, ўзига хос бир гуруҳини ташкил этади ва улар айтарли тайёр ҳолда нутққа олиб кирилади. Бундай ўхшатишлар турли даражадаги экспрессияга эга бўлган бирликлар сифатида нутқнинг таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида сўзловчининг коммуникатив-эстетик ниятига

---

<sup>1</sup> В. Огольцев. Словарь устойчивых сравнений русского языка (синонимо-антонимический). – М., Русские словари. АСТ. Астрель, 2001, 5-б.

<sup>2</sup> В. Огольцев. Кўрсатилган луғат, 5-б-б.

<sup>3</sup> Е. Некрасова. Сравнения общеязыкового типа в аспекте сопоставительного анализа художественных идиолектов / Лингвистика и поэтика. – М., «Наука», 1979, 225-б.; Л. Лебедева. Устойчивые сравнения русского языка. – Краснодар: Кубанский ГУ, 2003, 3-б.; Ф. Хакимзянов. О словаре устойчивых сравнений татарского языка // Российская тюркология. – Москва–Казань, 2010, №2. 80-б.

уйғун ҳолатда танланиб, нуткий жараёнда қўлланади. Қуйидаги бир неча мисолда ҳам бунни кўриш мумкин: *Унинг бу хислати ҳам ҳаммага отнинг қашқасидай маълум* (Чўлпон. Кеча ва кундуз). *Болалари... кўрққанларидан бақадек қотиб қолишди* (М. Низанов. Охират уйкуси). *Фақат шуни қулогинга кўргошиндек қуйиб олишингни истардим* (П. Сэлкудяну. Гумроҳ).

Ўзбек тилшунослигида турғун ўхшатишлар ёки В. М. Огольцев таъбири билан айтганда, компаратив ибораларнинг ўзига хосликлари, уларнинг фразеологик ибораларга, умуман, тил ва нутққа муносабати аниқ белгиланган эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, аслида улар ҳам айти фразеологик иборалар қаби тил бирликлари бўлиб, нутқнинг экспрессивлиги учун хизмат қилади. Ҳозирга қадар турғун ўхшатишлар ҳам худди эркин (индивидуал-муаллиф) ўхшатишлар каби одатдаги синтактик структура сифатида ўрганилган, уларнинг турғунлашиб, яхлит ифода мақомида тил бирлигига айланиш жараёнлари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган.

Рус тилшунослигида ҳам ҳар қандай ўхшатиш конструкциясини муайян синтактик структура сифатида ўрганиш анъанага кириб қолган. Айрим тадқиқотчилар ҳатто эркин ўхшатиш конструкцияларини ҳам, турғун ўхшатиш конструкцияларини ҳам синтактик тузилишлар сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. М. И. Черемисина 1976 йилгача рус тилшунослигида ўхшатиш конструкциялари тадқиқига бағишланган 100 дан ортиқ иш эълон қилинган бўлишига қарамай, ҳали-ҳамон бундай конструкцияларнинг синтактик моҳияти етарли даражада очиб берилмаганини қайд этади. Шу муносабат билан у бундай деб ёзади: «Тан олиш керакки, ўхшатиш – бу синтактик категориядир ва унинг тадқиқи синтаксис доирасида олиб борилиши лозим. Ўхшатиш тилшуносликнинг шу бўлими методлари ва усуллари воситасида ўрганилиши, синтаксиснинг махсус тили, яъни унинг терминлари ва тушунчалари асосида тавсифланиши керак»<sup>1</sup>. Тўғри, у айти пайтда ўхшатиш конструкцияларининг бениҳоя хилма-хил турлари мавжуд эканини, мавжуд синтактик систематика доирасида уларни ягона бир синфга бирлаштириб бўлмаслигини ҳам айтади, аммо барибир синтаксис бу ҳодиса талқинида етакчилик қилиши лозимлигига урғу беради.

Ўхшатиш, метафора каби ҳодисалар тилшуносликда компаратив троплар деб ҳам юритилади<sup>2</sup>. Бунда, албатта, ўхшатишнинг

<sup>1</sup> М. Черемисина. Сравнительные конструкции русского языка. – Новосибирск, «Наука», 1976, 5–7-б.

<sup>2</sup> М. Черемисина. Кўрсатилган асар, 3-б.

асосида ҳам, метафоранинг асосида ҳам қиёслаш-ўхшатиш усули ётгани эътироф этилади. Аслида метафора ҳам ўхшатиш, фақат у – яширин<sup>1</sup> ёки қисқарган ўхшатишдир. Буни ўз вақтида Аристотель жуда аниқ ва содда қилиб кўрсатиб берган. Унинг фикрича, ўхшатиш ҳам метафорадир, чунки улар ўртасида арзимаган фарқ мавжуд, холос. Масалан, *у шердай ташланди* тарзидаги ифодада ўхшатиш бор, агар ифода *шер ташланди* тарзида ўзгартирилса, метафора юзага келади<sup>2</sup>. Баъзи тадқиқотчилар ҳатто «метафора-ўхшатиш» терминини ҳам қўллайдиларки<sup>3</sup>, бунда улар ўртасидаги умумий жиҳатлар эътироф этилади, уларнинг заминидаги асосий омил ўзининг аниқ ифодасини топади. Ўхшатишга ана шундай жуда яқин ҳодиса бўлган метафораларнинг ҳам турғун ва эркин турлари фарқланади. Турғун метафораларга нисбатан В. В. Виноградов «узвал метафоралар» терминини қўллаган<sup>4</sup>.

Бадий тасвир воситаларидан бўлмиш эпитетларнинг ҳам умумтил ва индивидуал-муаллиф эпитетлари турлари фарқланади. «Рус адабий тили эпитетлари луғати» муаллифларининг тавсифича, анъанавий, умумтил эпитетларининг асосий характерли белгилари сифатида аниқловчи (эпитет) ва аниқланмиш (эпитетланмиш) ўртасидаги алоқанинг барқарорлиги, бундай бирикмаларнинг адабий тилда кўп қўлланиши ва қайта тиклаш имконининг мавжудлиги, доимийлигини таъкидлаш мумкин, индивидуал-муаллиф эпитетлари эса нутқий, яъни окказионал бўлади, аммо улар ҳам вақт ўтиши билан умумтил гуруҳига ўтиши мумкин<sup>5</sup>.

Кўринадики, метафораларнинг ҳам, эпитетларнинг ҳам худди ўхшатишлар каби турғун ва эркин турлари фарқланади. Уларнинг турғунлари тилда барқарорлашган, умумтилга хослашган, эркинлари эса нутққа хос бўлиб, ҳар бир нутқ жараёнида янгидан яратилади.

Лингвокультурологик нуқтаи назардан, айниқса, турғун ўхшатишлар, яъни фразеологик ибораларнинг компаратив тури алоҳида диққатга сазовордир. Чунки «турғун ўхшатишлар миллий онг жумбоғини ечишга имкон берадиган ёрқин об-

---

<sup>1</sup> И. Арнольд. Стилистика современного английского языка. – Л., «Просвещение», 1973, 146-б.

<sup>2</sup> Аристотель. Риторика / Античные риторика. – М., МГУ, 1978, 134-б.

<sup>3</sup> В. Григорьев. Поэтика слова. – М., «Наука», 1979, 200-б.

<sup>4</sup> В. Виноградов. Основные типы лексических значений слова // Вопросы языкознания. – 1953. – №5, 3 – 29-б.

<sup>5</sup> К. Горбачевич, Е. Хабло. Словарь эпитетов русского литературного языка. – Л., «Наука», 1979, 7-б.

разли воситалардан бири ҳисобланади», «дунёни ўзига хос, миллий тарзда кўриш ўхшатиш семантикасида акс этади»<sup>1</sup>. Турғун ўхшатишлар дунё тилларининг деярли барчасида турли миқдорда мавжуд бўлиб, улар ягона компаратив модель асосида айтарли бир хил лисоний-мантиқий таркибда тузилган бўладики, бу ҳолат мазкур ибораларни кенг тарқалган лисоний универсалиялар қаторига киритиш учун замин ҳозирлайди. Аммо бундай ўхшатишлар тил эгаларининг дунёни миллий кўриши ва миллий англашини акс эттиргани учун ҳар бир тилда ғоят бетакрор ва ноёб ҳодисадир<sup>2</sup>.

Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидламоқ жоизки, турғун ўхшатишлар таркибида ўхшатиш образи, яъни ўхшатиш эталони алоҳида аҳамият касб этади. Бу унсур ўхшатишнинг марказини, мағзини ташкил этади, бошқа унсурлар (ўхшатиш субъекти, ўхшатиш асоси) айни шу эталон атрофида бирлашади. Айни пайтда бошқа унсурлар имплицит ифодалана олгани ҳолда ўхшатиш эталони фақат эксплицит ифодаланмоғи шарт, аниқроқ айтганда, ўхшатиш эталони бевосита лисоний ифодага эга бўлмаса, ўхшатиш мазмунидаги ибора шакллана олмайди. Энг муҳими шуки, халқнинг дунёни тасаввур этиши ва англашидаги ўзига хослик, яъни миллий-маданий ва миллий-коннотатив маълумот бевосита айни шу ўхшатиш эталонида тажассум топади. Халқнинг миллий образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида турғунлашган, эталонлашган образлар миллий идрокни акс эттиради. Мазкур муаммо билан жиддий шуғулланган мутахассисларнинг аксарияти қайд этганларидек, ўхшатиш эталонлари анъанага кирган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган образлар сифатида халқнинг дунёни ўзига хос идрок этишининг ифодачиси бўлгани учун эталонлар компаратив иборалар таркибида алоҳида ўрин тутади ва лингвокультурологик, яъни тил, миллий маданият ва менталитет муносабатларини белгилаш жиҳатидан фавқулודда муҳимдир<sup>3</sup>. Айтайлик, ўзбек тилидаги *мусичадай беозор (одам)* ўхшатишини бошқа тилларда учратиш қийин. *Мусичадай* ўхшатиш эталонида миллий-маданий коннотация

<sup>1</sup> В. Маслова. Кўрсатилган асар. 133–134-б.

<sup>2</sup> Л. Лебедева. Устойчивые сравнения русского языка во фразеологии и фразеографии: Автореф. дисс. ...док. филол. наук. – Краснодар, 1999, 20-б.

<sup>3</sup> В. Телия Русская фразеология. – М., Школа «Языки русской культуры», 1996, 241–242-б.; В. Маслова. Кўрсатилган асар. 40–41-б., Н. Потанишкин. Фразеологические единицы в русском языке в лингвокультурологическом аспекте. – М., 2000, 67–68-б.; М. Румянцева. Типологические особенности компаративных конструкций (на материале русского и немецкого языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Челябинск, 2007, 6-б.

мавжуд, унда «беззорлик» белгисининг ўзбекка хос таъкиди яққол ўз ифодасини тошган. Мусичага хос юмшоқ табиат ва ҳаракат ўзбек идрокида ижобий талқин топишидан ташқари, бу мушфиқ қуш ҳақидаги исломий ривоят ҳам *мусичадай* эталонининг анъанага киришига таъсир этгани эҳтимолдан холи эмас. Ана шу тариқа *мусичадай беззор* турғун ўхшатиши беззорликнинг ўзбекча ўлчови сифатида тамоман миллий образ мақомини олган. Ёки *қўйдаи ювош (одам)* турғун ўхшатишини олиб қўрайлик. Айни *қўйдаи* ўхшатиш эталонида ҳам ўзбекча миллий-маданий қараш ва тасаввур ёрқин акс этган. Аммо бундай ўхшатиш эталони бошқа миллий маданиятларда, демакки, тилларда ҳам мавжуд бўлса-да, уларда бу эталон «ювошлик» эмас, балки бошқа белгилар учун ўлчов ўлароқ қўлланади. Масалан, рус тилида қўй (овца) эталони қуён (заяц), кийик, буғу (лань) каби ҳайвонлар қаторида, асосан, «қўрқоқлик» белгиси учун ўхшатиш ўлчови сифатида турғунлашганки<sup>1</sup>, бу ҳам ўзига хос миллий-маданий нигоҳ маҳсулидир.

Табиийки, турли лингвомаданиятларда муайян бир нарса-нинг, масалан, ҳайвоннинг турғун ўхшатиш эталони сифатида қўлланиши ҳам учрайди. Шу маънода бир-биридан мутлақо фарқли лингвомаданиятларда ҳам учрайдиган тулки алоҳида диққатга сазовордир. Аксарият тилларда бу ҳайвон айёрлик, алдоқчилик, ёлғончиликнинг рамзи, эталони сифатида жуда фаол қўлланади, ҳатто *тулкидай айёр (одам)* ўхшатишининг турғунлиги *тулки (одам)* муқим метафорасигача етиб борган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ғарб ва славян лингвомаданиятларида, хусусан, инглиз ва рус тилларида *as false as fox* (инглизча), *хитрый как лиса* (русча) турғун ўхшатишларининг ҳар иккаласи ҳам мифопоэтик манбаларга асосланади, чунки қадимги тасаввурларга қўра тулки жодугар ҳисобланган, унда йўқолиш, кўринмайдиган бўлиб қолиш қобилияти мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Шубҳасизки, бундай тасаввур ўзбекларда бўлгани маълум эмас. Ҳарҳолда, ўзбек тилида тулкининг айёрлик, алдоқчилик каби салбий сифатлар учун эталон бўлиши бу ҳайвоннинг тутқич бермаслиги, абжирлиги билан боғлиқ бўлиши ёки турли лингвомаданиятларнинг муайян даражадаги таъсири натижаси бўлиши мумкиндир. Аммо ҳар қандай

---

<sup>1</sup> Л. Бойко. Культурно маркированное содержание устойчивых сравнений русского языка: Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Волгоград, 2000, 11-б.

<sup>2</sup> Н. Панченко. Сравнение как средство дескрипции лжи и обмана / Основное высшее и дополнительное образование: проблемы дидактики и лингвистики. – Волгоград, изд-во ВГУ, 2000, 138–143-б.

ҳолатда ҳам мазкур ўхшатиш эталонида муайян миллий-маданий коннотацияни инкор этиб бўлмайди.

Албатта, ўхшатиш эталонларининг айримлари турли халқлар ҳаёти ва маданиятидаги умумий жиҳатларни ҳам ифода этади. Масалан, «ширинлик» белгиси рус, украин, инглиз, мўғул, хинд, ўзбек, турк, қозок, қирғиз ва бошқа бир қанча тилларда шакар, қанд эталонлари орқали таъкидланади, айти пайтда «озгинлик» белгиси япон тилида чивиннинг скелети, вьетнам тилида қуриган цикада (гул), инглизчада бенберий пишлоғига ўхшатиш ҳолда ифода этилади<sup>1</sup>. Ўзбек тилида эса мазкур белги учун *арвоҳдай*, *чўндай*, *чиллакдай* каби эталонлар қўлланади. Уларнинг бари, албатта, образли миллий тафаккур ҳосиласидир.

Дунёни билиш ва англашда ўхшатишлар, умуман, қиёс, таъкидланганидек, фавқулодда муҳим ўрин тутса-да, дунёни ҳар қандай билиш аксиологиядан, яъни билинган нарсани бирон-бир тарзда баҳолашдан холи бўлиши мумкин эмас. Зотан, бугун инсон онгининг аксиологик хусусиятлари ҳақидаги қоида кенг эътироф этилган. Унга кўра муайян нарса-қадрият англонавар экан, унга нисбатан инсоннинг, демакки, жамиятнинг баҳоси, муносабати ҳам муайян тарзда ифодаланади, ана шу жиҳатдан лингвистика ва аксиология бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, ўхшатишни баҳо категориясидан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди, чунки одам атрофидаги оламни ва, албатта, ўзини қиёслаш-ўхшатиш ва баҳолаш йўли билан англаб боради<sup>3</sup>.

Ҳар қандай эс-ҳушли одам нарса-ҳодисаларнинг қимматини, камида манфий-мусбатлигини фарқламоғи, буни бирон шаклда ифодаламоғи лозим. Бир нарса-ҳодиса бошқа бир нарса-ҳодисага ўхшатишлар экан (ва, албатта, бу ҳолат тилда турғунлик касб этар экан), бундан кўзланган мақсад мазкур ўхшашликни қайд этишдангина иборат бўлмайди. Шубҳасиз, бундаги мақсад ана шу ўхшашлик асосида сўзловчининг мазкур объектга субъектив муносабатини ҳам ифодалашни назарда тутати. Масалан, тилда *бақадай қотмоқ* турғун ўхшатиши мавжуд, бу компаратив

---

<sup>1</sup> Чжао Цюе. Исследование национально-культурной специфики эталона сравнения в психолингвистическом аспекте (на материале китайского и русского языков) // Вопросы психолингвистики. – М., 2012, №1(15), 205-6.

<sup>2</sup> Е. Серебренникова. Аспекты аксиологического лингвистического анализа / Лингвистика и аксиология. Этносемиотрия ценностных смыслов. – М., Тезаурус, 2011, 17-б.

<sup>3</sup> К. Михнюк. О взаимосвязи категорий сравнения и оценки // Ярославский педагогический вестник. – 2011, №1, 1-жилд (Гуманитар фанлар), 131-б.

ибора контекстда, масалан, бундай қўлланиши мумкин: *Зайнаб бақадай қотиб ўтирарди* (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Бу иборанинг семантикаси Зайнабнинг ҳолатини бақага ўхшатишдангина иборат эмас, балки айтилган пайтда Зайнаб (ва унинг ҳолати)га ўта салбий субъектив муносабатни ҳам ифодалашдан иборат, бу муносабат айтилган ўхшатиш образи асосида жуда қабарик тарзда намоён бўлган. Мазкур контекстдан ана шу ўхшатиш чиқариб ташланса, яъни жумла *Зайнаб бақадай қотиб ўтирарди* тарзида эмас, балки *Зайнаб қотиб ўтирарди* тарзида тузилса, мазкур субъектив муносабат тамоман йўқолади. Табиийки, айтилган пайтда *бақадай* турғун ўхшатиши иштирак этмаган ҳолатда мазкур матнда «қотиш» белгисининг даражаси ҳам пасаяди. Айтиш керакки, турғун ўхшатишлар ифодаланаётган белги (хусусият, ҳаракат, ҳолат)нинг кўп-камлик жиҳатидан даражаланиши, градациясининг ифодаланишида ҳам алоҳида роль ўйнайди. Қиёсланг: *қотмоқ – таёқдай қотмоқ – тарашадай қотмоқ – тахтадай қотмоқ – шамдай қотмоқ – тарракдай қотмоқ – бақадай қотмоқ – ҳайкалдай қотмоқ – тошдай қотмоқ*. Бу турғун ўхшатишлар қаторида «қотиш» белгисининг даражаси бир-биридан фарқли экани кўриниб турибди.

Турғун ўхшатишлар воситасида ифодаланадиган градация фақат шундан, яъни денотатгагина тегишли даражаланишдан иборат эмас. Ўхшатиш эталонларида ўхшатиш субъектига бўлган коннотатив, яъни субъектив-эмоционал, экспрессив муносабатлар ҳам даражаланган ҳолда ифодаланиши мумкин. Юқорида келтирилган ўхшатишлар қаторидаги, масалан, *бақадай қотмоқ – ҳайкалдай қотмоқ – тошдай қотмоқ* турғун ўхшатишларидаги субъектив-эмоционал муносабат даражасининг бир-биридан фарқли эканини сезмаслик мумкин эмас. Бундай ҳолат бошқа тилларда ҳам кузатилади, масалан, рус тилида инсонни эстетик баҳолашнинг лексик-грамматик ифода воситалари тизимида градуаллашганлик алоҳида хусусият сифатида қайд этилади<sup>1</sup>.

Мутахассислар ҳақли равишда қайд этганларидек, баҳо универсал категория ҳисобланади, ер юзида «яхши – ёмон» ҳақидаги тасаввурлар мавжуд бўлмаган бирон-бир тил йўқ. Демак, лисоний баҳо категориясини қадриятлар тизимини тилда акс эттиришнинг асосий усули, нуткий алоқанинг ажралмас қисми сифатида тавсифлаш мумкин. Дунёни билишда, хусусан,

---

<sup>1</sup> Е. Мякишева. Эстетическая оценка человека в современном русском языке: лингвистический и лингвокультурологический аспекты: Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Омск, 2009, 5–12-б.

нарса-ходисаларни баҳолашда уларнинг реал хусусиятлари эмас, балки кўпроқ тил субъектининг лисоний-миллий таассуротлари, ҳиссий ва ақлий тажрибалари асос бўлади<sup>1</sup>.

Яна шу нарса ҳам муҳимки, баҳо «яхши – ёмон» бинар оппозициясидаги икки тушунча орасида баҳолаш ўлчови (шкаласи) мавжуд бўлишини тақозо этади. Бу ҳолатни қайд этган Е. Ф. Серебренникова мазкур оппозициянинг қадимдан «юқори – куйи» оппозицияси билан боғлиқлигини ҳам таъкидлайди, яъни «юқори» тушунчаси «яхши» билан, «куйи» эса «ёмон» билан ассоциатив боғланади. Тадқиқотчи айна пайтда «яхши – ёмон» ва «юқори – куйи» оппозитив жуфтликлари орасидаги мутаносибликнинг барча лингвомаданиятларда айнан бир хил эмаслигига, фарқли жиҳатларнинг мавжудлигига ҳам эътиборни қаратади, яъни, масалан, Россияда билим 1, 2, 3, 4, 5 тарзидаги ўсиб боровчи шкала билан баҳоланади, Германияда эса, аксинча, билимнинг юқори баҳоси 1, паст баҳоси 5 тарзида белгиланади<sup>2</sup>.

Бир қадар ғайритабиий туюладиган юқоридаги мулоҳазалар жиддий илмий асосга эга, албатта.

Муайян тушунчаларга муносабат, уларни баҳолаш меъёрлари ва ўлчовлари турли халқларда, демакки, тилларда бири-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Масалан, хол ўзбекларда, умуман, Шарқда аёл гўзаллигининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади, аёл гўзаллиги васфида Шарқ шуароси айтирли ҳеч бир замон ёр чехрасидаги бу кичик нуқтани четлаб ўтмаган, ҳатто бу нозик нуқта бадали бобида ҳайратни шоширган муболағалар яратган. Ҳофиз Шерозийнинг куйидаги мисралари машҳур:

*Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,  
Қаро холига бахи этгум Самарқанду Бухорони.*

Ўзбек халқ оғзаки ижоди дурдоналарида ҳам хол гўзалликнинг муҳим унсурларидан бири экани бот-бот таъкидланади. Масалан, ўзбек халқ назмида мана бундай сатрлар бор:

*Хотин бўлган билан барин тенг дема,  
Лабда боли, бетда холи бўлмаса («Оқ олма, қизил олма»).*

Аммо Шарқ миллий менталитети учун азалдан анъанавий гўзаллик рамзларидан бири сифатида идрок этиладиган хол

<sup>1</sup> К. Михнюк. Кўрсатилган мақола, 131–132-б.

<sup>2</sup> Е. Серебренникова. Кўрсатилган мақола, 80, 87–88-б.

Гарб, хусусан, славян миллий идрокига кўра инсоннинг жисмоний нуксони ўлароқ баҳоланади<sup>1</sup>.

Халқларнинг миллий-этник ва антронологик ўзига хосликларига мутлақо мувофиқ равишда турли миллатларда, масалан, кўзнинг айнан бир хил ранги эмас, балки бир-биридан фарқли ранглари гўзаллик билан боғланади. Русларда кўк, инглизларда яшил<sup>2</sup>, ўзбекларда эса қора кўз миллий қиёфа тўқислиги, гўзаллигининг асосий унсурларидан ҳисобланиши маълум. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Объектив борлиққа бундай фарқли миллий-этник муносабат, баҳолаш меъёрлари ва ўлчовларидаги сезиларли тафовутларга кўра ўхшатиш эталонларининг танланишида ҳам турли тилларда ўзига хосликлар кузатилади, албатта.

Бу ўринда биргина *ой* ўхшатиш эталонини олиб кўрайлик. Ўзбек тилида *ойдай* ўхшатиш эталони жуда кенг қўлланади. Бу ўхшатиш эталонини семантик ва лингвокультурологик жиҳатдан қуйидагича изоҳлаш мумкин: 1. Чиройли, гўзал. Асосан, аёллар ҳақида (Исмига муносиб тўлин *ойдай гўзал* аёл эди Тўлун оқа (М. Али. Улуғ салтанат)). Нечун *ойдек* юзингиздан қайғу кетмас, Ҳажр азобин сиз ҳам энди тотдингизми? (М. Юсуф. Келинчак). 2. Порламоқ, балқмоқ, ажралиб турмоқ, кучаймоқ (Олтмиш ёшин кутлаб деймиз: – Соғ бўлсин Ойбек, Шеърятнинг осмонида *порласин ойдек* (Х. Салоҳ. Устоз Ойбекка). 3. Тўлмоқ, янада гўзаллашмоқ (Фараҳли бир ойдин кеча, Ё фараҳли субҳидам, *Ойдек тўлиб*, тушларингга, Кирар зебо бир санам (Ж. Камол. Тилак)). 4. Равшан, аён, маълум, шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ билинган (Зеби суд раисининг бола эмаслигини қайдан билсин? Шу ерда ўтирган шунча эркакнинг *ойдай равшан* бир нарсани англамасликларини қайдан билсин? (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Бундан ташқари, аёлнинг гўзаллигини таъкидлайдиган *ун тўрт кунлик ойдай* турғун ўхшатиши ҳам кўп учрайди.

Аммо рус лингвомаданиятида *ой* ўхшатиш эталонининг ўзбек тилидаги мазкур тўрт мазмунидан бирортаси ҳам мавжуд эмас, бу лингвомаданиятда *ой* образи кўпроқ ғамгин, маъюс, совуқ манзара билан боғланади, шу ҳолат рус ментал тасаввуротида аёнанага кирган. Хитой ва корейсларда эса *ой* эталони

<sup>1</sup> В. Маслова. Кўрсатилган асар, 134-б.

<sup>2</sup> И. Окунева. Прототипы и стереотипные представления о красоте человека в системе устойчивых сравнений русского и английского языков / Вестник ВГУ, серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2008, №3, 108-б.

фақат мусбат ўлчовларда талқин этилади, гўзал аёлнинг ойга ўхшатилиши жуда кенг тарқалган<sup>1</sup>, худди ўзбеклардаги каби ой образи гўзаллик, ёрқинлик, ёқимлилиқ каби сифатларни тамсил этишга хизмат қилади. Ёки хитой ва корейларда аёл юзининг ўрикка, мажнунтол новдасига ўхшатилиши, гўзал юз айланаси (овал шакли)нинг ошқовоқнинг уруғидан иборат эталон воситасида таъкидланиши мавжудки<sup>2</sup>, улар ўзбек, рус ва бошқа лисоний ментал анъаналарига бегонадир. Демак, турли тилларда ўхшатиш эталонларининг танланишида ҳам фарқли миллий-этник идрок ҳал қилувчи ўрин тутади.

Турғун ўхшатишлар ўзбек тилининг тамомила ўзига хос бойлиги, халқ миллий-маданий тасаввуроти ва анъаналарининг бетакрор кўзгуси, бежирим ва таъсирли нутқ имкониятларига куч берадиган туганмас манба, авлодлар ўртасидаги образлар ворисийлигини таъминлашга хизмат қиладиган ғоят муҳим восита сифатида жуда катта этнопсихологик, лингвокультурологик ва лингвопоэтик қимматга эга. Лекин ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар деярли тавсифланмаган, уларнинг тилимизнинг лексик-фразеологик хазинасидаги ўрни белгиланмаган, ҳатто бирон-бир шаклда тўпланган ҳам эмас.

Ўзбек тилидаги мингдан ортиқ фразеологик иборани ўз ичига олган луғатда *томдан тараша тушгандай (қўққисдан), бир қошиқ сув билан ютгудай (нозик), ёғ тушса, ялагудек (тоза), ичаги узилгудай, кўзига ўтдай кўринмоқ, кўнгли тоғдай кўтарилмоқ, кўнглига зигир ёғдай урмоқ, юраги дарёдай кенг, сув қўйгандай (жимжит), хамирдан қил сузургандай, қушдай енгил бўлмоқ* каби 11 тагина турғун ўхшатиш ёки компаратив ибора берилган<sup>3</sup>, холос. Ўзбек тилининг 80 минг сўз ва иборани ўз ичига олган беш жилдли изоҳли луғатида ҳам юз-икки юз атрофидаги *бордондай, булутдай, гулдай, гумбаздай, гунчакдай, давангидай, данакдай, девдай, муздай, она сутидай, Рустамдай, тариқдай, тангадай, туядай, тўтидай, чиннидай, қўғирчоқдай, мош еган хўроздай, оёғи куйган товўқдек, томдан тараша тушгандай* каби турғун ўхшатиш эталонлари ва *бўздай оқармоқ, бўтадай бўзламоқ, бўзчининг моксидай югурмоқ (қатнамоқ), бўрсиқдай семирмоқ, деворга танбур чертгандек, сувдек ичмоқ,*

<sup>1</sup> Е. Филимонова. Портрет дальневосточной красавицы / Язык. Сознание. Коммуникация. Вып.32. – М., «Макс-пресс», 2006, 7-б.

<sup>2</sup> Е. Филимонова. Кўрсатилган мақола, 16-б.

<sup>3</sup> Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1978.

маймундай ўйнатмоқ, тарракдек қотмоқ каби турғун ўхшатиш ибораларгина берилган. Кўринадики, ўзбек тили захирасидаги жуда катта миқдордаги турғун ўхшатишлар лексикографик тавсиф доирасидан ташқарида қолган.

Бошқа тилшуносликларда, масалан, рус тилшунослигида бу борада, хусусан, рус тилининг турғун ўхшатишлардан иборат бойлигини турли даражада тавсифловчи анча-мунча лексикографик ишлар, изоҳли, изоҳли-тематик луғатлар яратилган бўлиб, уларнинг баъзиларида минг-бир ярим минг, баъзиларида ҳатто ўн бир минг бирлик изоҳланган<sup>1</sup>. Бу луғатларнинг аксариятида ўхшатиш эталони луғат мақоласи сифатида тавсифланган.

Бу соҳада жиддий назарий ва амалий ишлар олиб борган тилшунос А. О. Долгованинг қайд этишича<sup>2</sup>, 1965 йилда француз тили турғун ўхшатишларининг луғати (А. Г. Назарян), 1966 йилда украин тилининг (И. Гурич), 1973 йилда белорус тилининг (Ф. М. Янковский) ана шундай луғатлари нашр этилган, кейинроқ эса чех (1983), болгар (1986), поляк (2004) ва бошқа тилларнинг турғун ўхшатишлари луғатлари, шунингдек, бир қатор тиллар турғун ўхшатишларининг таржима (муқобиллар) луғатлари чоп этилган.

Умуман, образли миллий тафаккур маҳсули бўлмиш турғун ўхшатишлар ўзбек тилида ҳам батафсил ўрганилиши, унинг тузилмавий-семантик, лингвокультурологик ва лингвоэтик хусусиятлари атрофлича тадқиқ ва тавсиф этилиши лозим. Бунинг учун эса, аввало, ўзбек тили турғун ўхшатишларини бир жойга тўплаш, системалаштириш, мазмунан, лисоний, лингвокультурологик изоҳлаш мақсадга мувофиқ. Жами 530 дан ортиқ турғун ўхшатишни ўз ичига олган қўлингиздаги луғат ана шу мақсад йўлидаги дастлабки уриниш маҳсули сифатида юзага келган.

Луғатдан гуманитар йўналишдаги таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари бадиий асар тили ва услубини, нутқнинг коммуникатив сифатларини таҳлил қилишда қўлланма

---

<sup>1</sup> Л. Лебедова. Постоянные сравнения русского языка. – Краснодар, 1975; Л. Лебедова. Устойчивые сравнения русского языка. Краткий тематический словарь. – Краснодар, Кубанский ГУ, 2003; В. Огольцев. Словарь устойчивых сравнений русского языка (синонимно-антонимический). – М., Русские словари, АСТ. Астрель, 2001; В. Мокиенко. Словарь сравнений русского языка. – СПб., 2003.

<sup>2</sup> А. Долгова. Лексикографирование устойчивых сравнений (к проекту составления словаря русских устойчивых сравнений с английскими и немецкими эквивалентами) / [www.gumf.bs.u.by/hum/docs/dolgovalex.doc](http://www.gumf.bs.u.by/hum/docs/dolgovalex.doc).

сифатида фойдаланишлари мумкин. Ўзбек тилининг бой ифода имкониятларини ўрганувчи мутахассислар учун луғат, албатта, муҳим манба вазифасини ўтайди. Шоир-ёзувчи, таржимон, журналист, умуман, сўз билан ишлайдиган кишиларга луғат халқ миллий-маданий идрокнинг кўзгуси бўлмиш воситалар тизимини тугал тасаввур этиш, уларни нутқ мақсадига, матндаги бадиий-эстетик ниятга мувофиқ тарзда танлашда яхши ёрдамчи бўлади. Қолаверса, луғат ўзбек тилининг таъсир ва тасвир кучига бефарқ бўлмаган, кўнглида гўзал нутққа ошуфталик туйғуларини ҳис қилган ҳар бир киши нутқининг такомиллашувиغا хизмат қилади.

**Низомиддин Маҳмудов,**  
*филология фанлари доктори,*  
*профессор*

## ЛУҒАТНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Турғун ўхшатишдаги энг муҳим қисм ўхшатиш эталони ҳисобланади, шунинг учун луғатда ўхшатиш эталонлари луғат мақолаларининг сарлавҳаси сифатида берилган. Муайян сўз фақат бир ёки бирдан ортиқ ўхшатиш эталонлари таркибида таянч сўз сифатида келиши мумкин, масалан, *итдай, кучала еган итдай, мусофир итдай, ит қувгандай* каби ўхшатиш эталонларида таянч сўз *ит*дир. Ана шу ҳолатлар инобатга олиниб, бу ўхшатишларнинг барчаси *ит* таянч сўзи остида берилган, луғатда таянч сўз битта ўхшатиш таркибида бўладими ёки бир неча ўхшатиш таркибида бўладими, барибир, мазкур таянч сўзлар алоҳида ажратилган ва алифбо тартибида жойлаштирилган.

Ўхшатиш эталонларини изоҳлашда, асосан, ўхшатиш асосига суянилган, яъни изоҳ сифатида ўхшатиш асосидаги белги (хусусият, ҳаракат, ҳолат)ни ифодаловчи сўз берилган, ўхшатиш учун асос бўлган маъно батафсил тавсифланган. Бу изоҳлар ўзбекча, асосан, бадий матндан олинган мисоллар билан далилланган. Агар ўхшатиш асоси иллюстратив мисолларда бевосита ифодаланган бўлса, уни ифодаловчи сўз изоҳда (мисолларда ҳам) курсив билан берилган. Ўхшатиш бирдан ортиқ маъно-мазмунга эга бўлса, улар араб рақами билан алоҳида-алоҳида ажратиб келтирилган. Шунингдек, аксарият ҳолатларда ўхшатиш эталони воситасида таъкидланадиган маънонинг реаллашиши билан боғлиқ семантик-стилистик нозикликлар, бу ўхшатиш эталонининг қўлланишидаги чекланишлар, нимага ёки кимга нисбатан кўнроқ ишлатилишига дахлдор жиҳатлар (хусусан, ўхшатиш субъектининг кўпроқ нимадан иборат бўлиши), субъектив-хиссий муносабатни ифодалаш даражалари каби маълумотлар ҳам изоҳ таркибидан жой олган.

Ўзбек тилида ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи сифатида *-дай* қўшимчаси жуда кенг қўлланади, унинг *-дек* фонетик варианты эса нисбатан кам ишлатилади. Шунинг учун луғат мақоласи сарлавҳаси сифатида берилган ўхшатиш эталонлари таркибида айти шу *-дай* қўшимчаси (*авлиёдай, ангишвонадай, арслондай, асалдай, зигирдай* каби) келтирилган. Шунингдек, ўхшатишларда *каби, сингари, янглиз, мисол, -га ўхшаб* каби аналитик шакллар ҳам иштирок этиши мумкин, аммо ўхшатиш бел-

гиси, масалан, ҳажм, ўлчов каби тушунчалар билан алоқадор бўлганда мазкур аналитик шакллар деярли қўлланмайди. Масалан, *авлиёдай* ўхшатиш эталони таркибида *-дай* қўшимчаси эмас, *каби, сингари, сифат* аналитик шакллари ҳам нутқ талабига кўра қўлланаверади, *ангишвонадай, зигирдай* каби ўхшатиш эталонларида *-дай* ўрнида аналитик шакллар айтарли қўлланмайди. Шунинг учун ўхшатиш эталонларида мазкур аналитик шакллар қўлланиши мумкин бўлган ҳолатларда бу шакллар луғатда қавс ичида кўрсатилган, аксинча бўлса, мазкур шакллар эталонларда кўрсатилмаган. Айни пайтда ўхшатиш эталонлари олдидан келиб, ўхшатиш мазмунини янада кучайтирадиган *худди, миқсоли* каби унсурлар ҳам, айниқса, улар далилловчи иллюстратив мисолларда иштирок этган бўлса, ўхшатиш эталонлари таркибида қавс ичида келтирилган.

Айрим ўхшатиш эталонлари бир неча лексик-тузилмавий вариантга эга, луғатда бу вариантларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида эмас, балки бир луғат мақоласида изоҳланган. Масалан, *боши кесилган илондай, калласи кесилган илондай, боши янчилган илондай, боши эзилган илондай* каби ўхшатиш эталони вариантларидаги ўзгарувчи бирликлар қавс ичида кўрсатилиб, бир луғат мақоласи сарлавҳаси шакллантирилган, яъни: *боши (калласи) кесилган (янчилган, эзилган) илондай*. Албатта, мазкур вариантларда сезиларли семантик-эстетик фарқ бўлмагани сабабли барчаси учун бир изоҳ билан чегараланилган.

Луғатни тузиш билан боғлиқ техник-амалий ишларни амалга оширишда яқиндан ёрдам берган ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходимлари Д. Раҳматуллаева, Ё. Ҳайдаров ва Ф. Мусаеваларга муаллифлар самимий миннатдорчилик изҳор этади.

## А

### А В Л И Ё

(МИСОЛИ) АВЛИЁДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -СИФАТ)

1. *Беғуноҳ, азиз, табаррук*, имон-эътиқодли.

Энди, айбга буюрмайсан, – деб кулди Яхшибоев. – Энди мен мисоли **авлиёдай беғуноҳ** бўлиб қолдим, хаддим сиғадики, сеидан сўрайман (М. М. Дўст. Лолазор). Ойбек Миртемир домла учун **авлиёдек азиз ва табаррук** инсон эди (Н. Каримов. Тўрғай). Сакко жуда пок, **авлиёсифат** йигит эмиш, Ҳумоюн унинг яхшилигига жавобан шу ишни қилиб, ўз гуноҳларидан покланмоқчи (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Мен учун сиз поклик тимсоли эдингиз, соҳиб Низом!.. Ҳазратим ҳам сизни **авлиёдек** софдил йигит деб улуғлар эдилар (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Тоғ қоровули умрида биринчи марта ғалати тортиб кетди. Ўзини бу **авлиёдек** одамнинг олдида ҳақирдан-ҳақир туйиб, кимирлашга-да, йўл бошлашга-да ожиз сезди (М. Мансур. Жудолик диёри).

2. Диёнатли, азиз одам сифатида *эъзозланмоқ*, хурмат кўрсатилмоқ.

Мен уни **авлиёдай эъзозлаб** юрдим-у, тўсатдан йўқотиб қўйдим (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Китоб муаллифлари эса **авлиёдай эъзозланарди**. Ҳозир китоб кам нусхада босилади ва жуда қиммат (С. Ўнар. Китоб ифори). Кўрганларимни гапириб тугатолмасман, эшитиб ҳамма хайратда ёқасини ушлар, мени **авлиёдай** билиб, келиб зиёрат қилишар деб ўйлаган Холхўжани ҳеч ким тузукроқ гапга ҳам солмади (А. Мухтор. Фано ва бақо).

### А В Т О М А Т

АВТОМАТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Тез ва бир маромда *ишламоқ*; тез *гапирмоқ*.

Калла ишламапти, – деди у охири, – қорин очқаб кетдида, қорин. Бирор нарса еб олайлик, кейин **автоматдай ишлаб кетади** (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида). Ассалому алайкум, Валижон ака, – деди кўшқўллаб сўрашиб. – Яхши кетиб қолмаган экансиз, – у **автоматдай** тариллаб *гапира кетди*

(С. Анвар. Қишлоғимиз қизиқчилари). Жуссаси ўртача, пастки лабига ёпишган холи ярашган, кулиб боқувчи олдиндаги қиз, саволларини ўзи ечмай бошқага берганиданми, орқасига билдирмай қараб олади. Юзи қизаради. Махсус дастурланган **автоматдай** саволларни ечиб кетаётган азаматнинг юзига тикилиб қолади (Т. Азимов. Дилшоджоннинг хангомаси).

## А Ж Д А Р // А Ж Д А (Р) Х О (Р)

(МИСЛИ) АЖДА(Р)ҲОДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Зўр*, бениҳоя кучли, паҳлавон.

Бизнинг Самарқанддаги душманларимиз етти бошли **аждар-ходай зўр** эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Отим Аваз, ўзим **мисли аждахор**, Ишқирсам дамимга кетар душманлар (Малика айёр). Ботирларга эди сардор, Дамга тортар **мисли аждар**, Икки ёқлаб ишлатади, Қўлиндадир кескир ханжар (Гулшан боғ). Жўнайверди шеру қайсар, Ҳар қайсиси **мисли аждар**, Жўнаб ётир сатта ботир Дуо он ёшу қаридан (Гулшан боғ).

2. Қўрқинчли овоз чиқармоқ, даҳшат солувчи ҳаракатлар қилмоқ.

Қора кечаларнинг қора қўйнида Қора **аждар каби пишқирган** Аму (Ғ. Ғулом. Аму). Полвоннинг қаҳри келиб, **аждардай тўлғониб**, кўзлари оловдай ёниб, Гўрўғлибек отасига қараб... бир сўз айтаётир (Равшан). Самарқанд кўрғонига ўралиб, унинг олти дарвозасини олти бошли **аждарходай қўриқлаб** ётган ёв қўшинининг бутун диққат-эътибори хон қароргоҳидан келаётган карнай-сурнай товушига ва қалъадан гўё сулҳ тимсоли бўлиб чиққан маликага жалб бўлган эди. (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Лекин орада дину мазҳаб низоси **аждахога ўхшаб оғзини очиб турарди** (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Қамал пайтида кўрғонни **аждаходай ўраб ётган** минглаб мўғул аскарлари энди ўз сардорларидан ажралиб, боши кесилган илондек талваса ичида гўё думалаб кетмоқда эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар).

3. *Ямламоқ*, *ютмоқ*, *комига тортмоқ*, ваҳшат билан емоқ, маҳв этмоқ, йўқ қилмоқ.

Нимқоронгилик ичидан даҳшатли аланга кўтарилиб, кўк сари ўрлаётгани хаёл янглиғ туманли кўзга ташланар, яна бирдан равшан тортиб, **аждаходай** теваракни **ямлаётган эди** (Ж. Абдуллахонов. Хонадон). Барг етмаса, **аждаходай ямлаб**, *яна ютаман*, деб бошини кўтариб турса (С. Нуров. Нарвон). Зилзила ҳам юта олмаган болалик юртимизни **аждаходек комига тортаман** деб турган бошқа нарса боракан. Сезмаган эканмиз аввалига (М. Мансур. Жудолик диёри).

## АЗРОИЛ

(МИСОЛИ, ХУДДИ) АЗРОИЛДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Жонини олмоқ*, одамни қийнокқа солмоқ. Бировга азоб берувчи одам ва унинг ҳаракати ҳақида.

Кўринишим кўр-пўрга ёқмаса, сизга ёқмаслиги аниқ, – деди Яхшибоев кулиб. – Сиз **мисоли Азроилсиз**, хоним, ҳар чошгоҳда *жонимни олгани* келасиз (М. М. Дўст. Лолазор). – Ҳа! Ўлдиравер, кир, деб ёзилган! Тилини тиймаганларнинг оғзига кўрғошин эритиб қуй, деб битилган! – Астағфирулло, манови турган-битгани худонинг бир балоси-ку, **худди азроил-а**, – шивирлади Бобокул (С. Анорбоев. Оксой шалолалари).

2. Жуда кўрқинчли, хунук, ёқимсиз *кўринмоқ*. Одам ҳақида.

Аммо дафъатан **азроилдай кўришиб кетди** кўзимга (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Ўшанда у кўзимга **азроилдек кўришиб**, бўғибгина ўлдиргим келгани рост (Э. Аъзам. Чапаклар мамлақати).

## АЙИҚ

АЙИҚДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Бақувват, зўр*, кучли. Эркак киши ҳақида.

У, таъбир жоиз бўлса, **айиқдай бақувват**, хушчакчак инсон экан (О. Ёқубов. Хотиралар). Шу пайт аллақардан **айиқдай бақувват** эркак сотувчи пайдо бўлди-да, Бойхонни осонгина кўлтиқлаб ташқари томон судраб кетди (Л. Бўрихон. Кутилган кун). Мен мана шу айиқ терисига ўраниб ётаман. **Айиқдай бақувватлигим** шундан (М. Исмоил. Миллат юрагининг дурдоналари). –Тўхта, нобакор! – деб мулла Фазлиддин битгасининг қаршисидан чиққан эди, юзига қора ниқоб тутган **айиқдай зўр** йигит уни елкаси билан уриб четлатди-да, кўчага отилди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар).

2. *Бефаҳм, бесўнақай*, кўпол; ўхшовсиз ҳаракат қилмоқ.

Сўнг худди тутиб бўлмайдиган кўзёшдай котибни бекатда илк марта кўргани, эғнидаги оқ мўйнадан тикилган пўстини эсига тушди – у котибни **айиқдай бефаҳм** одам бўлса керак деб ўйлаганди (Н. Эшонкул. Бевақт чалинган бонг). Бетончи Сафар ақа **айиқдек лапанглаб** вагонча томонга биринчи бўлиб юрди. (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). **Айиқдай бесўнақай**, юнглари хурпайган оқ ит конверт тишлаб келди (Ҳ. Назир. Сўнмас чакмоқлар). Аҳмад бригадир рулда **айиқдай беўхшов** ўтириб, бошини ёнга бурганида бўйин найлари бўртиб чиқди (С. Нуров. Нарвон).

3. *Бўқирмоқ, ўқирмоқ, оғриқ ёки бошқа таъсирдан қаттиқ, бўғиқ овоз чиқармоқ.*

Терилган ғиштдай текис тишлари қарсиллаб кетди-ю яраланган **айиқдай бўқирганича** эшик олдидаги ҳожат учун қўйилган чўян идиш устига йиқилди (О. Ёқубов. Адолат манзили). Калтакнинг зарбидан у **айиқдай ўқириб**, ўзини турли томонга ташлаб йиғларди (Сўзлашувдан). Варанглаган ўқдан **айиқдай бўқирворар** баҳайбат ўрмон (Ш. Раҳмон. Ўрмонда). Фазилат кексалар тугул, уруш йиллари **айиқдай ўқириб** йиғлаган йигитларни ҳам кўрган (О. Ёқубов. Диёнат).

### А Й И Қ Ч А

(МИСЛИ) АЙИҚЧАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Ўхшовсиз, тартибсиз ҳаракат қилмоқ. Кўпроқ болалар ҳақида.

Кичиги **айиқчадай** лапанглаб, қийқириб-қийқириб қочади. (А. Кўчимов. Ҳовлидаги майдонча). Ўгирилиб қарайман, маъсум мўъжиза: Бу – менинг набирам! Бошлабди қадам. **Мисли шўх айиқча**, полапон жўжа – овдир-довдир йўлни бошларкан одам (Зулфия. Тонг билан шом аро). Учовимиз каравотга ағанаб, тўполон қилиб ҳазиллашардик, Самад эса **айиқчадек** у ёқдан бу ёққа ўрмалаб, бизни тепкилар эди (Ч. Айтматов. Сарвқомат дилбарим).

### А К А-У К А

(ХУДДИ) АКА-УКАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қадрдон*, жуда яқин, ўзаро қариндошлардай қалин муносабатда; *яхши танимоқ*.

Ахир, Мирвали билан Лукмонов **ака-укадек қадрдон** ку! (С. Аҳмад. Жимжитлик). Ўрмонжоннинг отаси Омон ака Сидиқжоннинг отаси Соҳибжон ака билан қалин ўртоқ эди, икки ошна ўлиб кетгандан кейин Ўрмонжон билан Сидиқжон чинакам **ака-укадай** бўлиб қолишган эди (А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари). Бу одам Избоскан районида кўп йиллардан бери ижрокомга раислик қилар, аҳолининг каттадан-кичигини **худди ака-укаларидек яхши танирди** (С. Аҳмад. Уфқ). – Демак, булар ака-ука эканлар-да? – Ҳа, **ака-укадек** бўлиб қолишганди (Х. Тўхтабоев. Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи).

## А Л А Ф

### АЛАФДЕК (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ўриб ташламоқ, юлиб олмақ.* Кераксиз нарсадек узиб, тамоман йўқ қилмоқ. Салбий муносабат ифодаланади.

Иккинчи ойлардан бошлаб Хушрўй кундошини бўғиб уриш одатини чиқарадир ва ўрим-ўрим кундош сочини **алафдек юлиб олишдан** ҳам тортинмайдир (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Орқадаги немис обер-лейтенантининг ўлиб-тирилиб, томоғини йиртар даражада бақириб-ўқиришига қарамай, битта ҳам немис илгариламади. Аксинча, обер-лейтенантни Петронинг пулемёти сассиқ **алафдек ўриб ташлади** (М. Исмоилий. Озодлик гулини хидлаган киши).

## А Л И Ф

### АЛИФДАЙ

Тик, адил, расо. Инсоннинг гавдасига, қадди-қоматига нисбатан.

**Алифдай** қоматинг, хипча белингдан, Менга баён айла ўсган элингдан (Рустамхон). Баъзан ўйчанлиги, баъзан шўхлиги, Тенгсиз назокати, **алифдек** қомат, Жиндек ясамалик, ёт ранг йўқлиги, Жилмайиб қўйиши бирам қиёмат (Миртемир. Абдулҳаққа айтганим). Не синоатки, тирик жонни оғзига қаратадиган, баъзида ҳеч иккиланмасдан Умаралибекка-да насихат қиладиган имомнинг **алифдай** қадди дол тусини олди (Б. М. Али. Кўктўнлилар). **Алифдек** қоматинг бор эди ажаб, Маъюс эдинг, лекин мунаввар хаёл... (Ж. Камол. Эшиқда ой тўлқини).

## А Л П

### АЛП(ЛАР)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Зўр, паҳлавон, ботир.*

Негадир, мактабда бир ўқитувчимиз айтган гап эсимга тўшар эди: «Табиат **алпдай** зўр бўлади, лекин техника одамни шу алпдан ҳам зўр қилади» (П. Қодиров. Қадрим). – Амирзодамга кўз тегмасин, **алплардай паҳлавонлиги** бор! – деб қўйишарди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Қирқ йигитинг бари **алпдай** қовматли, Шу йигитлар бир подшонинг давлати (Нурали). Йигит ҳам ўзи келишган, қора кўз, қора қош, **алпдек** йигит экан-да (Ў. Умарбеков. Кимнинг ташвиши йўқ). Азизнинг мош-гуруч соқолларига меҳр билан боқди. **Алпдек** қоматига қараб кўзлари ўйнади (С. Аҳмад. Азиз ва Бонапарт).

## А Л П О М И Ш

### АЛПОМИШДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Бақувват, паҳлавон, гавдали, жуда ҳам кучли, баҳодир.*

Девдек гавдали, **Алпомишдек бақувват** одам совуқ тушар-тушмас, бўйнига шарф ўраб олар, Шахноза «вой-бў, қорбобо бўп кетинг-э!» деса, «Хайронман, Шахноз, шу қор деган нарса ёғмаса, кимнинг кўнгли қоларкин?» деб гапини ҳазилга бурарди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Ҳозиргина келинчакнинг олдида ўзини **Алпомишдай паҳлавон** сезиб турган Мирза Ҳамид тили калимага келмай, чулдираб қолди (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши). **Алпомишдай** келбатидан гапирмай, Ўн саккиз ёшга ҳам кириб ё кирмай (М. Юсуф. Ўғлонлар). **Алпомишдай** йигит экансиз, асли сизга кўз тегибди, шекилли, – деди у ҳазиллашиб (А. Абдуллаев. Дард). Ҳар бир йигит шу пайтда ўзини нақ **Алпомишдек** ҳис қилиб турибди (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши).

## А М М А М Н И Н Г Б У З О Ғ И

### АММАМНИНГ БУЗОГИДАЙ (-ГА ЎХШАБ)

Ландавур, фойда-зиённи билмайдиган; амалий иш қилмасдан, *лаллаймоқ*, маъносиз қарамоқ.

Гапир! Балодан қайтмайдиган бола эдинг-ку, нимага **аммаминг бузоғига ўхшаб** қолдинг? (Т. Малик. Шайтанат). Қараб турасиз, эрта-индин Болтиқ бўйидаги учала давлат ажралиб чиқади. Биз ўтираверамиз **аммаминг бузоғига ўхшаб**. (Т. Малик. Шайтанат). Тўғриси, бизнинг қорхонада ишчиларга бирон ишни тушунтириш анча қийин. Битта мисолга ўнта масала келтирмасангиз, **аммаминг бузоғидай** бақрайиб тураверишади (А. Абдуллаев. Дард). Нега *лаллайяпсиз аммаминг бузоғидек?!* Ёки кўрқадиган жойингиз борми? (Ў. Усмонов. Гирдоб).

## А Н Г И Ш В О Н А

### АНГИШВОНАДАЙ

*Бежирим, кичкина, мўъжазгина.*

Худди ўзининг юзига ўхшаган пуштиранг музқаймоққа жажжи қошиқ учини ботиради-да, **ангишвопадек бежирим** оғзига олиб бориб, бир лаҳза иккиланиб қолгандек бўлади: «Есамми-емасамми?» (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Лекин одамлари ҳар хил: бирови **ангишвонадек кичкина**, пақ-пакана, бирови бақатеракдек новча, дароз (Х. Тўхтабоев. Қуёнлар салтана-

тининг шаҳаншоҳи). Бунақа чиройли қизни умрим бино бўлиб кўрмаганман! Қаламда тортилгандек қошлари, ёниб турган қопқора хумор кўзлар, сутдай оппоқ юз, ингичка иягидаги митти холи, **ангишвонадек оғзи** – ҳаммаси атайлаб чизиб кўйилган суратга ўхшайди (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Докага **ангишвонадек ёғми**, нонми ўраб чақалоқнинг оғзига солиб кўйишади (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

## А Н О Р

### АНОРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

*Қип-қизил*, қон рангида; *қизармоқ*, қизил тусини олмоқ. Кўпроқ юз, бет, ёноқ ҳақида.

Мирусуф Хилватий банорас тўнининг кенг этаклари орасида оёқлари чалишиб, ўрнидан турди, қўлтиғидан ипак матога ўралган бир китобчани олиб очди ва **анордай қип-қизил**, юм-юмалоқ юзи илҳомдан лов-лов ёниб, овози ҳаяжондан титраб, ўқий кетди (О. Ёкубов. Улуғбек хазиnasi). Унинг ҳам қизлик ҳаваслари уйғонади, юраклари мулойим ва ёқимли бир талваса билан дук-дук ура бошлайди: икки юзи дастурхон устидаги **анор сингари қип-қизил бўлади** (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Жалолиддин Хоразмшоҳми? – юзлари **анордай қизариб кетди** Робияхонимнинг (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Рақс ва шароб таъсирида ёноқлари **анор янглиғ қизарган**, кўкраклари кўш каптардай патирлаб турган қизни бағрига босиб эркалаган бўлдида, мақсадга кўчди Ҳожиб (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Ҳамма гапни ўзларинг айтяпсизлар-у, яна чўзиш шартми-кан?.. – қимтиниб, юзлари **анордек қизариб** аранг сўзлади Сабо (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар).

### АНОР ДОНАСИДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Сочилмоқ*, ҳар томонга тартибсиз тарқалмоқ.

Аммо, у ноёб кашфиёти лаззатидан завқланиб, **анор донасидай сочилган** хаёлларини ҳадеганда жамлай олмади (А. Абдуллаев. Дард). Пастликда, тоғ ёнбағирларида ястанган боғ-роғлар, шудгорланган бўрсилдоқ ер, адирликда **анор донасидек сочилган** қўй-эчкилар кичрайиб-кичрайиб кўринади (И. Зойир. Қисмат ўчи). У минора тепасига етай деганида ғиштлар **анор доналаридай тўқилди** (Т. Малик. Шайтанат). Кўнгли бўш отаю шафқатли онадан тарқалган фарзандларнинг бари узоқда, турли жойларга **анор доналари каби** сочилиб кетишган, у доналардан бошқа анор буталари ўсиб чиқиб, мева ҳам солиб улгуришган (И. Султон. Озод).

## АРВОХ

### АРВОХДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Жуда *озгин*, *ориқ*; *сассиз* ҳаракат қилмоқ. Одамнинг жисми ва унинг ҳаракати ҳақида.

Зинадагилар орасидан **арвоҳдек** *озгин*, заҳил юзли чол ажралиб чиқди. Бошида қора шляпа, эгнида қора плаш, оёғида яп-янги, ялтироқ туфли (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). **Арвоҳ сингари** *ориқ*, Боши ҳам сарак-сарак (Миртемир. Шумғия). Оч **арвоҳдай** *озгин* ва новча бу одам тоғларнинг тошларигача кўриқларди (Н. Норқобилов. Тоғ одами). У изимдан **арвоҳдай** *сассиз-шарпасиз* эргашиб келарди. Мен ишхонага кириб кетгач, у муюлишда бир оз айланиб юрди, сўнг қайрилиб хиёбонга кириб кетди (Н. Эшонқул. Хаёл тузоғи). Хотиним ўладиган кунлари **арвоҳдай** бўлиб қолганди (Н. Эшонқул. Қора китоб).

## АРИ

### АРИДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ЎХШАБ)

*Гувулламоқ*, *гингилламоқ*, ғовур-ғувур шовқин чиқармоқ, та-саввурда шундай овоз эшитилмоқ, ёқимсиз минғирламоқ.

Букрининг вазоҳати шундай кўрқинчли эдики, ғала-ғовур бирдан сўниб, **аридай** *гувуллаган* оломон сув куйгандай жим бўлиб қолди (О. Ёкубов. Кўҳна дунё). Йўл-йўлакай Хайринисонинг бошини хаёллар **аридай** *гувуллаб* талай бошлади (Мирмуҳсин. Сурат). Директор «**Арига ўхшаб** *гингилламай* ўл» деб кўйди ичида (Н. Аминов. Тарбиявий соат). Самолёт хийла баланд кўтарилгани учун салондаги бояғи иссиқдан энди асар ҳам қолмаган, одамлар ўзларини елпишдан қутулиб, бир-бирлари билан қовоққа қамалган **арилардек** ғўнғир-ғўнғир қилиб кетишяпти (Т. Пўлат. Ичкуёв).

(ХУДДИ) (ЧЎП СУҚИЛГАН) АРИ УЯСИ (/ИНИ)ДАЙ (КАБИ)

1. *Гувуллаган* овоз чиқармоқ, ғала-ғовур, шовқин-сурон солмоқ.

**Ари уясидек** *гувуллаб турган* аудитория бирдан сув куйгандек жимжит бўлиб қолди (О. Ёкубов. Муқаддас). Бошқарма тонгданок **арининг** *инидай* *гувуллаб қолган* эди (А. Мухтор. Давр менинг такдиримда). Аҳолиси курд, форс, озарбайжон ва туркманлардан иборат бўлган бу шаҳар **арининг** *инидек* *гувуллаб эди* (М. Осим. Аждодларимиз қиссаси). Сафарқул ўз дастаси билан кишлокнинг шимол томонидан кирди. Эгри-бугри

тор кўчалар ёнига қурилган кичкина-кичкина ҳовлилар **чўп суқилган ари уясидай гувуллашмоқда эди** (С. Айний. Қуллар). Оқара бошлаган даштда от чоптириб юрган одамлар кўринди, қароргоҳ **чўп суқилган ари уясидай гувуллаб қолди** (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

2. Тасаввурда *гувуллаган* каби овозни туймоқ. Инсоннинг боши, миясига нисбатан.

Боши худди **ари уясидай гувуларди** (А. Абдуллаев. Дард). Мияси **ари уясидай** тинимсиз *гўнгишлар*, хаёли бодрокдай сочилганди (А. Абдуллаев. Дард). Аммо Темиржоннинг мияси **ари уясидай гувулар эди** (Ж. Абдуллахонов. Орият). У **ари уясидай гувуллаётган** бошини кўтариб, овоз келган томонга қаради (А. Жўраев. Тегирмон қаршисидаги уй). **Ари уясидай гувуллаётган** бошимни кўрпага буркайман (А. Жўраев. Чоррахалар). Жобирбекнинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Боши **арининг уясидек гувулар**, хаёлида ечимсиз саволлар чарх урарди (Ф. Тиловат. Қора қузғун).

3. Тўп, тўда ҳолида тартибсиз ва тифиз ҳаракат қилмоқ, *ғужгон* (урмоқ, ўйнамоқ).

Неъматжон Солиевич нима қилишини билмай, боши қотиб гурганида божхонанинг ихчам биноси **ари уяси каби ғужгон урди**. (А. Абдуллаев. Дард). Пастида нимқоронғи, қандайдир сирли йўлақлар, залворли нақшин дарвозалари ҳамиша ёпик, иккинчи қаватида **арининг уясидек ғужгон** алоқа бўлими жойлашган эди (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Тошкент автовокзали **ари уясидай гавжум** (Тошкент оқшоми). Бутун шаҳар **арининг уясидек қайнайди** (Ш. Бошбеков. Фалакнинг гардиши).

#### АРИ ЧАҚҚАНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Тўсатдан, қутилмаганда қаттиқ таъсирни сезмоқ, *сесканмоқ*.

Ҳикматиллони эслаши билан Бегимқул **ари чаққандай** ирғиб ўрнидан турди (О. Ёқубов. Биллур қандиллар). Акбар фавқулодда ажиб бир ҳикмат эшитгандай кўзлари чакнади. Рубия опа эса **ари чаққандек сесканди** (И. Зойир. Қисмат ўчи).

#### АРСЛОН

АРСЛОНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ЎХШАБ)

1. Кучли, қўркмас, бақувват, *азамат*. Асосан, эркак киши ҳақида.

У ҳозиргина ёдига олган кишлоқи Хушрўйбибини ҳам, унинг камтарин, меҳнатқаш марҳум эрини ҳам, қутилмаган вақтда

йўқлаб келган бу **арслондай** қишлоқи жиянчани ҳам унутган, унинг фикрини ёлғиз ўз ишлари ишғол этган эди (Ойбек. Қутлуғ қон). Унинг **арслондай** кўркам гавдаси, кенг пешонаси, чуқур самимият ифодаси билан тўла йирик, хушёр кўзлари, кир яктаги ичидан қавариб турган кенг кўкраги, бакувват қўллари... унга жуда ёқди (Ойбек. Қутлуғ қон). Ёнида **арслондек**, тоғни урса толқон қиладиган *азамат* эри турганда ташвиш қилишга ҳожат йўқ эди (С. Аҳмад. Уфқ). Катта Фарғона канали қурилишида қатнашдим. Ўшанда кучга тўлган **арслондек** йигит эдим (Ў. Усмонов. Гирдоб). Унда суюнчингни беравер, **арслондек** ўғил туғасан (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Кўрқув билмас, чарчамас **Арслон каби** юракли (Ойбек. Ёш кўнгил).

2. Мардлик, жасорат билан *олишмоқ, ҳамла қилмоқ, ташланмоқ*.

Қарноқ йигитлари **арслондай** *олишиди*, лекин ғанимлар кўплик қилди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Полвон гоҳ от чоптириб, гоҳ қилич ўйнатиб душман устига **арслондай** *ҳамла қиларди* (Ж. Шарипов. Хоразм). Йўлчи: «Ур!» деб ҳайқирдида, овига чанг солган **арслондек** миршаблар устига ташланди (Ойбек. Қутлуғ қон). Ойим **арслонга ўхшаб** иш тутадилар. Бир кадам орқага чекиниб туриб, сакраб *ҳамла қиладилар* (С. Аҳмад. Келинлар кўзғолони). Чиндан, мудофаадан кўра ёвга **арслондек ташланган** афзал, – деди Ҳақим (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси).

3. *Наъра тортмоқ, ҳайқирмоқ, ўқирмоқ*, баланд овоз чиқармоқ.

Зум ўтмай ён эшик шарақлаб очилди-ю, **арслондай** *наъра тортиб* Гулмат отанинг қирқ йиллик қадрдони Сирбой қозоқ кирди (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Йигирмада йигит бўлар бўридай, Ўттизида *ҳайқирishi* **арслондай** (Ойсулув). Бўрон, сен шам узра гувлайверма, бас, **Арслондек** *ўқириб* чекаверма сас. Шамни ўчирмоқлик жуда ҳам осон, Унга етар битта «пуф» деган нафас (А.Орипов. Куш тили). Кенг Чирчиқ суви, кўпир, **Арслондек** сен-да *ҳайқир* (Ойбек. Чирчиқ бўйларида).

## А С А Л

(МИСОЛИ) АСАЛДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ширин, тотли*, одамга хуш ёқадиган, ёқимли.

Али Қушчи, айниқса, қовун сайлни яхши кўрар, полизлар тепасига тикилган қамиш капаларни, **асалдай ширин** қовунлар кўнглига текканда палак оралаб хом сапча топиб, тошга ёриб ейишларни... севар, қиши билан боққа кўчиб чиқадиган бу завқли дамларни соғиниб кутарди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). **Асал-**

дўи нок, бир ёқдан, ажаб хузурлар берса, иккинчи ёқдан, билакларим, сонларим биров гармдори сургандек лов-лов ачишадиёнади (М. Мансур. Жудолик диёри). Шу топда олма **асалдай** туюлиб кетади (А. Кўчимов. Бир жуфт олма). Сизни **асалдай** оққатизни топиб бўладими?! – деб, мақтай-мақтай ича кетди (М. Мансур. Жудолик диёри). Ғамлар – тахир, бағир тиглайди, Қувонч – *тотли мисоли асал* (Ф. Тангриберганова. Ёлғизлик). Аёл меҳри – **асалдек тотли**. Аёл макри – захардек хавфли (Ҳ. Ҳошимов. Меҳр ва макр).

## А С К А Р

(ХУДДИ) АСКАР(ЛАР)ДЕК (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

1. Ватан хизматиға *ҳамиша тайёр* турмоқ, *ҳимоя қилмоқ*.

Ахир Ватанининг ҳар бир хизматиға **аскардек** *ҳамиша тайёр*, уни рози қилиш учун чақмоққа айланиб, ҳаётини қурбон қилишга рози бир оташин шоирни қандай қилиб, қайси инсоф, қай диёнат билан душман дейиш мумкин бўлади! (Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар). Миртемир юрагида жўш урган ана шу қон даъвати билан ўзбек шеърятини қўрғонини **аскар янглиғ** *ҳимоя қилиб*, унинг янада кўркам, мустаҳкам ва мухташам бўлишига муносиб ҳисса қўшди (Н. Каримов. Тўрғай).

2. Қатъий *сафға тизилмоқ*, *тик турмоқ*, қотиб турмоқ, ўлчовли шаҳдам қадам ташламоқ. Одам ва нарсалар ҳақида.

Аввалига дарвозахонасида олов кўринди. Кейин бир тўп одам **аскарлар каби сафға тизилиб** кириб кела бошлашди (Т. Малик. Шайтанат). Кўчани тўлдириб, **аскарлардек саф торттиб** ёниб турган чироқлар ёғдусида ўйнаб тушаётган қор бирам хуш, бирам фусункор эдики, асти кўяверасиз (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Сал ўтмай, асфальт йўлнинг икки ёнидаги кум уюмлари чекиниб, **худди аскардай саф тортган** ниҳоллар кўринди (О. Ёқубов. Диёнат). Аммо дадаси унга шиддаткор тикилганча жасаднинг шундоқ оёғи олдида **аскардек тик турарди** (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Йўл бўйида **аскарлардек саф тортган** тераклар учига тикилганча, шоир ўзига ўзи гапиргандек сўз қотди (Ғ. Каримий. Нобель мукофоти).

## А Т Л А С

(ХУДДИ) АТЛАСДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Товланмоқ*, *лов-лов ёнмоқ*, турфа рангларда жилоланмоқ.

Согинган кўзларда қолади қотиб, **Атласдай** *товланган* уфқ бўёғи (Ҳ. Карим. Уфққа қараганча...). Инсон меҳнати билан яра-

тилган антиқа боғлар, чаманзорлар адирлар ёнбағрида **атласдай товланади** (Назармат. Жўрлар баланд сайрайди). Кўм-кўк осмон билан туташ мовий денгиз тинч, сокин эди. Ботиб бо- раётган куёш нурларидан у **атласдек товланиб**, кўзни оларди (Ў. Умарбеков. Уруш фарзанди). **Атласдай товланади** ранглар чаманда, Олтин ёмғир ювади гуллар тожини (Ойбек. Ой нури- нинг мавжлари ёйилар майин...). Турли-туман чироқлар, минг хил реклама чироқларидан кенг кўча **худди хонатласдек лов- лов ёниб** турарди (Ў. Умарбеков. Одам бўлиш қийин). **Атласдек** қанотларини париллатиб силкинди-ю иккинчи қават балкони- дан пастга учиб тушди. Товуқ катаги олдида ошиқона герда- йиб, товланиб-товланиб, у ёқдан-бу ёққа безовта юра бошлади (С. Аҳмад. Тонгги товушлар).

## А Ф С О Н А

(ХУДДИ) АФСОНАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Сирли-синоатли*, ишониб бўлмайдиган, тасаввур қилиш қийин бўлган.

Қизнинг **худди афсонадай** қиссаси ҳайит куни эрталаб жами маликалар Шохизиндага бориб, Қусам ибн Аббос мозо- рини зиёрат этганларида ҳам ...бағоят мутаассир бўлган мали- ка хаёлидан чиқмади (М. Али. Улуғ салтанат). Оҳ, у оқшом менга доим *Сирли* бир **афсонадек**, Ёндим илк илҳом ўтида, Айтди афсун соялар (Ж. Камол. Соялар). Четдан қараган ё эшит- ган киши бунини унчалик пайқамасди-ю, ичида қоришиб юрган Абдулҳафизга бу **афсонадек** туюларди (Р. Файзий. Ҳазрати ин- сон). Боғу бўстонларни кездим, Эртагу **афсонадек**, Ҳар чечак шаҳбону бўлса, Пойида шаҳзода сув (Ж. Камол. Сув).

## Б

### БАЛИҚ

#### БАЛИҚДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Сузмоқ, сув ичида эркин ҳаракат қилмоқ; сирғалмоқ, сирпанмоқ, сирғалиб чиқиб кетмоқ, кутулмоқ.*

У кўзларнинг тошқинида **балиқ каби сузган** мен, айрилиқни ўйлайми? Бошқа дунё, бошқа ўйдан боғланишни узган мен, сенга қараб тўйайми? (Чўлпон. Сендан йироқда) Тош чатнар... Тошлар сув остида **балиқдай сузар** (С. Ҳаким. Саратон). Ҳознинг бу сўзини бир Қурбақа эшитиб, «Биродар, сан мунча мақтанмасанг ҳам бўлур эди. Чунки **балиқдек сузолмайсан...**» деди (А. Авлоний. Мақтанчоқ ғоз). Ўйнагил сўнг марта, чайқал, эркалан! Армоним қолмасин кетар олдимда. Бағрингда **балиқдай юзган** оқ елкан Бир умр сайр этгай менинг ёдимда... (У. Носир. Денгизга). Айб устида қўлга тушириш қийин, кўпинча **балиқдек** қўлдан *сирғалиб чиқиб кетади* ҳам! (О. Мухтор. Муҳаббат ўлимдан кучли). Қўйиб юбор, солдат! – Морико худди боягидай ақл бовар қилмайдиган нозик бир ҳаракат билан **балиқдай сирпаниб**, кучоғимдан чиқди (О. Ёкубов. Қайдасан, Морико?). Мана! – у бир талпинди-да, худди хўл **балиқдай сирпаниб**, кучоғимдан чиқиб кетди ва болаларча севиниб кулди (О. Ёкубов. Қайдасан, Морико?). Неники мангу деб ушлаган пайтим, **балиқдай сирғалиб** чиқди қўлимдан (Ҳ. Худойбердиева. Сиз билан миннатдор хайрлашаман).

2. *Оғизни каппа-каппа очмоқ, оғизни бир маромда сассиз катта-катта очиб юммоқ. Асосан, одам ҳақида.*

Иброҳим Дўлдай унинг тепасига етиб келганида, одан кулаб ерда ётган нотаниш бу тоғлик йигитнинг кўксига ўқ қадалиб, *оғзини балиқдек каппа-каппа очарди* (Мирмуҳсин. Темур Малик). Гита сувдан чиққан **балиқдек оғзини каппа-каппа очиб**, нафас олар эди (А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат). Семизлар сувдан чиқиб қолган **балиқдек каппа-каппа оғиз очиб**, нафас олишарди (Мирмуҳсин. Умид).

(ХУДДИ) СУВДАГИ БАЛИҚДАЙ

Ўзини яхши ҳис қилмоқ, эркин ҳаракат қилмоқ.

У ҳам кучоғимда ўзини **сувдаги балиқдек** осуда ва хотиржам сезарди (Р. Жабборов. Интиҳо). Аммо Моҳим энага давлат ишла-рида ўзларини **сувдаги балиқдек** яхши сезадилар (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Ҳозирги кунда ёзиш-чизишга бўлган ҳавасни истейдод деб ўйлайдиганларнинг сони шу қадар кўпайиб кетди-ки, улар адабиётда ўзларини **сувдаги балиқдай** эркин сезадиган бўлиб қолди (И. Ҳаққул. Абдулла Қаҳҳор жасорати).

БАЛО

БАЛОДАЙ

Ёмон, кўрқинчли кўринмоқ.

Энди «қизингни каттакон қиламан» деса, кўзингга **балодай кўриняптими?** (И. Зойир. Қисмат ўчи). Плаш кўзимга **балодай кўринди-ю**, дарров комиссиян магазинга топшириб келдим (К. Қаҳҳорова. Чорак аср ҳамнафас). Кечагина кўзига **балодай кўринган** қизнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир сўзи йигитчага жозибали бўлиб кўрина бошлади. (М. Абдурахмонова. Қизил олма). Атрофдаги уни ўраб турган борлик кўзига **балодай кўринди** (С. Вафо. Телефон). Билдимки, кўзига ҳамма нарса **балодай** бўлиб кўринади. Хуллас, бу ёруғ оламдан кўнгли узилган (Н. Раҳмат. Ҳазордан Ялламагача). У ерни ўзи топиб, ўзи гаплашиб, бечора аммамни ташлаб келди-ку! Ўшандан бери кўзимга **балодек кўринади** у. Тошбағир! (Э. Аъзам. Жаннат ўзи кайдадир).

БАЛО-ҚАЗОДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Бостириб келмоқ, ёпирилмоқ, кўрқинч солиб, ваҳшат солиб келмоқ; жуда ҳам ёмон.*

Акбарнинг назарида, ёв филлари ер тагидан қайнаб чиқаётганга ўхшар, қанчаси замбарак ўқига учиб, чуқур хандақларга қулаб йиқилса, ундан ҳам кўпроғи орқадан **бало-қазодай бостириб келарди** (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). **Бало-қазодай ёпирилганда**, ҳўлу куруқ баравар ёнади (М. Али. Улуғ салтанат). Шу тун Ҳусайн **бало-қазодай ёпирилиб келган** қирғинлардан унсиз оҳ тортаётган Бухоро каби жудолик оловида ёнаётган Сафармурод сингари ярадор охудек тўлғаниб чикди (А. Жўраев. Юлдузлар уйғонди). Мезон оийи бошланганда Амударё томондан Абусаид ўттиз минг кўшин билан **бало-қазодай**

Ҳиротга яқинлашиб *келаётгани* маълум бўлди (П. Қодиров. Шоҳруҳ ва Гавҳаршод). Бечоранинг ичмаган куни йўқ эди. Расомни эслаб Матрасулнинг кўнгли бузилди. Арақ **бало-қазодай** кўринди (А. Жўраев. Ваъда). Индамасанг, ука, онт ичаман, кечгача сени уришим, уриб ўлдиришим мумкин. Ишонасанми? Ҳали кўзимга **бало-қазодай** кўриндинг (Ш. Холмирзаев. Озодлик).

## Б А Р Г

(МИСЛИ) БАРГДАЙ (КАБИ, ЯНГЛИҒ)

1. Енгил *титрамоқ*, оҳиста *қалтирамоқ*; *тифроқ*. Инсоннинг руҳий-ҳиссий ҳолатлари ҳақида.

Бир **баргдайин** *титрадим*, толдим (А. Орипов. Оилада туғилса гўдак...). Қора тарих қонунлари ёнди, қиз! Қора турмуш дўзахлари сўнди. Қиз! Юракларинг *титрамасин барг янглиғ*, Ёз қушлари бутуқларга кўнди, қиз... (Миртемир. Ана, боғлар...). Сенинг остонангда **баргдай қалтираб**, Йиқилдим оқибат беҳуш, бедармон (Ж. Камол. Бўронлар танимни отди ҳар тараф). Мактубингиз **баргдай титроқ** кўксимга босиб... (Х. Худойбердиева. Шукр, тагин мактубингиз...). Икки қошинг ўсма бирлан Бўлди жуфт нарғисли барг, Икки баргинг қошида мен *Титрагайман мисли барг* (Э. Воҳидов. Барг). Уруш деган сўзни эшитсалар, **баргдай титрайдиган** бўлиб қолганди боёқиш (А. Жўраев. Юлдузлар уйғонди).

2. Бирдан *узилмоқ*, *учмоқ*, тамом узилиб тушмоқ. Одам ва унинг умри, бевақт ўлими ҳақида.

Ҳа, мен шоҳидайдим, агар силкинсам, **Баргдай узилишинг** аниқ эди, ҳа (Миртемир. Тутқун қиз). **Баргдай узилиб** кетсам, Унутмас мени боғим (У. Носир. Боғим). Йигирма уч гул фасли **Баргдай** умримдан *учди* (У. Азим. Бойчечак). О, **баргдек** *учди* йиллар, учиб кетди ҳар ёққа. Бўртиб чиққан куртаклар айланди гул-япроққа (А. Суюн. Ойдалада).

## Б А Р З А Н Г И

БАРЗАНГИДАЙ

*Бақувват*; гавдаси жуда ҳам катта, бесўнақай. Одам ҳақида.

Тоштемирга негадир, эҳтимол, мўридан чиққандай қоп-қора ва *бақувват барзангидай* бир йигит бўлгани учундир – Тошқора лақабини тақишган (О. Ёкубов. Тилла узук). Қишлоқда яна тўпаланг бошланди. Тўпалангни қамоқда ётган Ёдгорхўжанинг **барзангидай** икки ўғли билан нариги – калтакланган Умарали бойнинг бир ўғли бошлайдилар (Чўлпон. Кеча ва кундуз).

Эшик очилиб, **барзангидай** йигит чикди, гавдаси билан эшикни коплади (Ойбек. Кутлуғ кон). Эллик қадамлар орқада **барзангидай** навкарнинг қораси кўринди (М. Али. Улуғ салтанат). «Кўзингизни мошдек очиб кўяман, жўжахўрозлар, **барзангидай** эрим бор, айтиб кўйсам...» дейди-я (А. Абдуғафуров. Аччик йўтал).

## БАРКАШ

### БАРКАШДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. Думалоқ, олтинранг гардишсимон. Қуёш, ойга нисбатан.

Ҳар ким уй-уйига тарқалди. Икки кўшни пича юрган жойида Чимбой кўчанинг шундоққина қаншарида **баркашдай** куёш чарақлаб кўринди (Х. Дўстмуҳаммад. Чимбойкўчалик кўшнилари). Оппоқ чўкки ортидан ярми кўриниб турган кипкизил **баркашдай** куёшнинг заррин нурлари кўзларини камаштиргандай туюлди (М. Ҳазратқулов. Кўккўл). Тоғ ортидан кўтарилган **баркашдек** ой бир гала оқ булутни ҳайдаб чикди (С. Аҳмад. Жимжитлик). Эндигина ранг олиб келаётган **баркашдек** куёш тоғлар ортидан кўтарилмоқда эди (Ў. Умарбеков. Баҳор нафаси).

2. Катта, одатдаги ҳажмидан кўполроқ.

Қаранг, Матқовул, камбағалнинг ҳам жонини суғуриб олаёздингиз, – деди Барот полвон, Матқовулнинг елкасига **баркашдай** шапалоғини ташлаб (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Унинг катта-катта тошларни кўчириб, томорқасига сув ҳайдаётганини, Бухор полвоннинг **баркашдай** кетмони баланд кўтариб, лой қориётганини... кўришиб, унинг бунчалик куч-қудратни қаердан олаётганига ҳайрон қолишарди. (Н. Эшонкул. Уруш одамлари). Ичиб олган, шекилли, **баркашдек** башараси қизариб кетган йигит илжайиб келиб, Шаҳнозанинг ёнига ўтирди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Лўппи юзи янаям шишиб, **баркашдек** бўлиб кетган. (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Поччамнинг айтишларича, Гиждувоннинг бозорида сотиладиган **баркашдай** кетмон эмиш (А. Жўраев. Шакарнинг мактублари).

Қип-қизил гардишсимон. Асосан, ой, қуёш ҳақида.

Ҳозиргина адир орқасидан кўтарилган катта **мис баркашдек** қип-қизил ой унинг қонга беланган кийимларини янада қизил қилиб ёритарди. (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Фақат унда-бунда широк милтилларди. Лекин **мис баркашдек** бўлиб, атрофида улкан нурли доира ясаб турган ой нурларида гала миноралар, Мусалло, Гавҳаршодбегим, Мирзо мадрасаларининг кошинлари арқираб кўриниб турарди (Мирмуҳсин. Меъмор). Ой **мис баркашдек** қизариб уфқда турарди (Мирмуҳсин. Чўри).

## БАРМОҚ

### БАРМОҚДАЙ

*Кичкина*, арзимаган.

Шоир **бармоқдай** шамнинг хира нурида ҳар вақтдаги каби тақир пўстақда ўтирар эди (Ойбек. Навоий). – Вой, Нурунисо, – қошларини маънодор чимириб жавоб берар эди қайнана, – эшитмаганмисиз, қадимгилардан қолган бир гап бор: қизга олтин тахт эмас, **бармоқдай** бахт тила (Ойбек. Қутлуғ қон). **Бармоқдай** илонлар, билақдай илонлар, йўғон одам сонидай илонлар! Сарик илон, кулранг илон, қора илон, айниқса, тошрангли чипорлари кўп бўлди! (Т. Мурод. Ойдинда юрган одамлар). Соҳиби каромат игнасини топиб чиқишларини сўради. Хиёл ўтмай, **бармоқдай кичкина** балиқча игнани оғзида тутиб, Иброҳим Адҳам қўлига тутқазди (А. Абдуллаев. Ҳазрати Аттор).

### БАРМОҚДАЙ-БАРМОҚДАЙ

Одатдагидан йўғон, бўртган. Асосан, томир, соч ва шу кабиларга нисбатан.

У ҳар тош кўтарганда билагидаги, бўйинларидаги томирлари **бармоқдек-бармоқдек** бўлиб шишиб чиқади (С. Аҳмад. Йўлда). Маҳамат ака ўткир, қув кўзлари чақнаб, Азизга ўгирилди. Бўйнидаги **бармоқдек-бармоқдек** томирлари яна ҳам бўртиб кетгандек бўлди (Ў. Усмонов. Гирдоб). Юк машинаси бир жиғиллаб кўзғалди-да, чирокларининг ёруғи йўл ёқасидаги теракларни, пахса деворни, икки тавақали сарик дарвозани ва шу дарвозага йўналган Маъсуманинг хипча қоматини, **бармоқдай-бармоқдай** ўрилган сочини бир зум олтин пурга бурқади (А. Ибодинов. Қуёш ҳам олов). Бузоқни эмдириб, сигирни ийдирди, хурманинг четига суртиб қўйилган қаймоқ би-

лан тирсиллаган елиндаги **бармоқдай-бармоқдай** эмчакларни мойлади (С. Нуров. Нарвон). Мармар сағанада она си исми шарифи билан таваллуди битиклик бўлди. Она си исми шарифи **бармоқдай-бармоқдай** қоп-қора чизик билан ўраб қўйилди (Т. Мурод. Юлдузлар мангу ёнади).

#### БЕШ БАРМОҚДАЙ

Мукаммал, икир-чикиригача *билмоқ*; ҳар тарафлама маълум, билинган, *аён*. БЕШ ҚЎЛДАЙ вариантига қараганда кам қўлланади.

– Ҳа? – деди отасини, ўзича, **беш бармоғидек биладиган**, аммо ҳамон унга ҳайрат ила қарайдиган қизи Александра (Ш. Холмирзаев. Танҳолик). Бу ишларнинг барчаси каминига **беш бармоқдай аён** (Ойбек. Навоий). Дунёдаги тилларни ку, **Беш бармоқдай билишар**. Керак бўлса кушлар билан Хандон суҳбат қилишар (А. Орипов. Йиллар армони). Ҳа, ҳозирги пайтда касб-корга оид унча-мунча билим кифоя қилмайди. Ижтимоий тараққиёт қонуниятини **беш бармоқдай билиши** керак (С. Анорбоев. Оқсой шалолалари).

#### Б А Р Р А

#### БАРРАДАЙ

Ёш, нозик, *юмшоқ*, *покиза*.

Фарзандларимизни йўлдан ургувчи, ҳар хил ножўя фикрларни уларнинг **баррадай покиза**, нозик кўнгилларига жойлашни истагувчилар йўқ дейсизму? (М. Али. Улуғ салтанат). Шохгадо бир неча йиллардан бери қўйдек ювош, **баррадек юмшоқ** ходим эди (Шухрат. Жаннат кидирганлар). **Баррадек** юрагига биров чўғ босгандек Аҳмаднинг юзи аламли буришди (Ф. Мусажонов. Ҳиммат). Танасида муздай бир нарса югурди. Эрта баҳор ели ўйнаган **баррадай** қалбидаги титроқни босиб, аранг деди: – Қанақа яқинлик? (Шухрат. Шинелли йиллар).

#### Б А Х М А Л

#### БАХМАЛДАЙ

1. *Майин*, *юмшоқ*. Дағал бўлмаган, кишига хуш ёқадиган.

Тупроқ **бахмалдай майин**, ундан баҳор ва ёшликнинг ҳиди келади (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Робия Тоҳирнинг **бахмалдай майин** мўйлови тагида хиёл титраб турган лабига ва изтироб билан чакнаётган кўнғир кўзларига тикилди (П. Қодиров.

Юлдузли тунлар). Дуркун вужудини сириб турган понбархат халатга, **бахмалдай майин** соч турмагида жилоланиб турган шокилалани сочбезакка рашкинг келади киши (И. Оллаберганов. Тўй нони). Тиник, **бахмалдек майин** осмонни тўлдирган юлдузлар ҳам бугун одатдагидан бошқачароқ кўринар, муз парчаларини эслатиб совуқ чақнарди (О. Ёкубов. Муқаддас). **Бахмалдек юмшоқ** лаблари аранг қимирлади-ю, «Сув», дея олди, холос (С. Аҳмад. Ялпиз ҳиди). Тегирмонариқдан **бахмалдек майин** овоз эшитила бошлади: Шоир... Шоиржон, қаердасан? (Н. Қилич. Жумбок).

2. *Товланмоқ, жылваланмоқ, ялтирамоқ.* Нур бериб жилоланмоқ.

Дам олиш уйининг ҳовлисида сарвлар, магнолиялар, самшитлар, пальмалар, самбитгуллар майин шабадада яшил **бахмалдай товланиб** ётади. (М. Ҳазраткулов, Кўккўл). Қирлар ям-яшил тусда, **бахмалдай товланади** (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Кўмкўк шиша ранг осмон қаърида куёш кезар, унинг нурига ғарқ далалар **бахмалдай товланарди**. (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Ядро-физика институтининг ётоқхонаси шаҳар четида бўлиб, бешинчи қаватдан Нева қора **бахмалдек жылваланиб** кўринарди (Ў. Умарбеков. Одам бўлиш қийин). Доимо қора **бахмалдек ялтираб турадиган** канал суви ҳозир лойқа эди (Ў. Умарбеков. Одам бўлиш қийин).

## БАҚА

(МИСОЛИ) БАҚАДАЙ

*Қотмоқ, қотиб қолмоқ, ҳаракатсиз турмоқ.* Одамга, жонли мавжудотларга нисбатан.

Зайнаб **бақадай қотиб** ўтирарди (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Кумуш **бақадек қотиб** ўтирган Зайнабга қаради ва уялинқираб жавоб берди: – Мен ҳам кечирдим (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Жондошнинг ўта қалтис хатти-ҳаракатларини **мисоли бақадай** кузатиб ўтирган Башир чандир, у арчазорга омон-эсон етиб олгач, «Қойил!» дея хитоб қилди-да, сўнг бирдан ташвишга тушиб қолди (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Роҳибнинг бағрида ҳузурнинг зўридан кўзларини юмиб, мушукка ўхшаб миёвләтган хизматкор қиз Мишелни кўриб аввалига **бақадек қотди**, сўнгра овозининг борича чинқириб юборди (Э. Норсафар. Зулмат ва аланга). Шержоннинг бир сонияда кайфи тарқаб, **бақадай** бўлиб **қотиб қолади** (С. Вафо. Телефон).

## БАҲОР

### БАҲОРДАЙ (КАБИ, ЯНГЛИҒ)

*Яшинамоқ, барқ урмоқ, гўзал кўринмоқ.*

Тўй-гантанада **бахордек яшинаб**, қайғу кунларида мотамсаро онадек маънос тортади (И. Зойир. Қисмат ўчи). Бу ерларда турли ўсимликлар, **бахор янглиғ барқ урган** майса-гиёҳлар, ажойиб тоғ гуллари жуда кўп (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). **Баҳордай барқ уриб** очилган чоғда, Қолдириб кетдинг сен бизларни доғда (Т. Сулаймон. Қолмиш). У (аёл) хоҳласа, **бахордек яшинаб**, борлиқни гулу гиёҳга буркайди. Баъзида ўз ғурури, номус-ори, Ватан, фарзанд ҳимояси учун жонини, қаҳрини ҳам аямайди (С. Рихсиева. Олам чироғи).

### (ХУДДИ) БАҲОР ҲАВОСИДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ўзгарувчан, тез ўзгарадиган, барқарор бўлмаган; тез ўзгармоқ.* Одамнинг табиати, феъли, кайфияти ҳақида.

Қолаверса, Яхшибоевнинг феъли ҳалигиндай ... **бахор ҳавосидай** ган – *тез ўзгаради* (М. М. Дўст. Лолазор). Яширмайман. Бугун негадир бахтиёрман. Аммо билиб кўйинг, аёлларнинг табиати **бахор ҳавосидай ўзгарувчан** (А. Абдуллаев. Дард). Кайфияти, ўй-хаёллари **бахор ҳавосидай ўзгариб**, бир фикр иккинчисини чалкаштирарди, аниқ ва равшан кўринган нарса бирпасдан сўнг маъносиз бўлиб чиқарди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Одамнинг табиати қизик, ҳаётда рўй берган яхши ва ёмон ҳодисага қараб, **худди баҳор ҳавосидай ўзгариб туради**: гоҳ чароғон, гоҳ булутли осмон мисол (Н. Фозилов. Дийдор).

## БЕГОНА

### (ХУДДИ) БЕГОНАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

Эътиборсиз муносабатда бўлмоқ, *совуқ* қарамоқ; яқинлик туймаслик.

Бу хонадонга ўғил, энг камида, ука мақомида бўлган Жамшид энди **худди бегонадай** кириб, **бегонадай** омонат ўтирди (Т. Малик. Шайтанат). Шундан кейин Олма келин мени кўрганда **худди тамом бегонадек** *совуқ назар ташлаб* ўтадиган бўлди (Э. Аъзам. Гули-гули). У Дарвишали хотинини эркалатмай кўйганини, у билан гаплашишини, дастурхон тепасида ҳам **худди бегонадай** ўтиришларини эслаб, хижолати ошиб, кечқурун

ўғлига танбех беришни кўнглига тугиб қўйди (Й. Сулаймон. Армон). Бу сертаманно келинчак Аҳмадга сал **бегонадек**, бошқа дунё кишисидек туюлди (Ф. Мусажонов. Ҳиммат). Яна **бегоналар янглиғ** турарман, Мезбонларга ўхшар отам ҳам онам (А. Ўктам. Оралиқда).

## Б Е Д А Н А

### БЕДАНАДАЙ

*Сайрамоқ*, кераксиз ва кўп гапирмоқ. Одам ҳақида.

У гапга анча чечан экан, йўлга тушишлари ҳамона туллак **беданадай сайраб кетди** (И. Зойир. Қисмат ўчи). – Укагинам-ей, бирам сергапсанки! – Айтувдим-ку, тўрқовоқда катта бўлганман деб. **Беданадек сайраб турмасам** бўлмайди (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши). Холбек кулимсираб эгизак сингилларининг навбатма-навбат **беданадек** отиб *сайрашларини* кузатиб турди (Х. Аҳмедова. Бегона).

## Б Е З Г А К

### БЕЗГАК (ТУТГАН)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Қаттиқ *титрамоқ*, *қақшамоқ*, *қалтирамоқ*. Асосан, одам, унинг аъзойи баданига, шунингдек, ҳиссий ҳолатига нисбатан.

Бой ўз жойига бориб ўтиради. **Безгакдай** шақ-шақ *титрайди*, қариндоши уни юпатишга киришади (Ойбек. Қутлуғ қон). Нури бу воқеанинг учини эшитган ҳамон **безгакдай қалтираб** кетди, кўзлари жинни кўзидай кўрқинчли бир ғазаб билан олайди (Ойбек. Қутлуғ қон). Отабек азбаройи бўғилиб кетганидан кўкимтир товланган, қутидор **безгаклардек титрай бошлаган эди** (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Маратнинг сўнги сўзлари унга қаттиқ таъсир қилиб, лаби лабига тегмай титрар, аъзойи бадани **безгак тутгандай қақшарди** (Ж. Абдуллахонов. Хонадон). Аввалига кўрққанимдан **безгак тутгандек дағ-дағ қалтирадими** (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). Бувижоним бўлса нима қиларини, шунча йил алданиб келгани учун аламини кимдан оларини билмай, **безгак тутгандек дағ-дағ қалтираяпти** (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). Не сир, қоронғи, бир қоп ёнғоқдек шалдираб келган ота ўша алфозда йўқолгандан кейин **безгак тутган каби** Латиф *титради*, тўлғонди, тун бўйи жимжит ховлида уф тортиб кезинди (Ёшлик).

## Б Е Ш И К

БЕШИКДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Бир маромда *чайқалмоқ, тебранмоқ, тебратмоқ.*

Кема ҳам шу – гоҳ тинч сузади, гоҳо **бешикдай** *чайқалади* (М. Ҳазраткулов. Кўккўл). Ҳилол **бешик каби** *чайқалди* аста, Гулчин дарбозага суяндим хаста (И. Мирзо. Телба хаёл). Дунёни **бешикдек тебратаётганга** ўхшайди-ку, бешикда бола йўқ (О. Мухтор. Майдон). Вагон **бешикдек тебранмоқда** (Л. Бўрихон. Ялангоёқ).

## Б Е Ш И К Т Е Р В А Т А Р

БЕШИКТЕРВАТАРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ЎХШАБ)

Оҳиста, мунтазам *тебранмоқ, чайқалмоқ.*

«ЖИП» **бешиктерватардай тебранади** (Қ. Кенжа. Буюклар изидан). Учар махсум ҳақиқатан елдай келиб уйга кирди, юзига дока тутган аямдан берирокка чўккалаб, **бешиктерват сингари тебраниб**, майин товуш билан ўқий кетди (А. Қахҳор. Ўтмишдан эртақлар). Шоҳмуроднинг ҳаяжонланганида, дарғзаб бўлганида турган жойида **бешиктерватарга ўхшаб чайқалиш** одати бор (Мирмуҳсин. Темур Малик). Бизани оёқлар хизмат пайтида қотиб кетган, мустаҳкам, – деди **бешиктерватардай тебраниб** (А. Жўраев. Қайтим). У «дев» шу ҳолига қайси аскар ёки асирдан қолган рўдапо шинелининг енгини юз-кўзларига босганча улкан жигарранг **бешиктерватдек чайқалиб**: – Шул шўришлар-да, вар эканму, эй қудай? – дея бош тўлғаб-тўлғаб, мишиг-тупугига беланиб борар эди (М. Мансур. Жудолик диёри).

## Б И Й

БИЙДАЙ

Очик, яланг, *бепоён*. Дала, дашт, чўлга нисбатан.

Жийдали... ўн-ўн беш йилгина бурун хув **бийдек бепоён** даштда бино бўлиб..., йилдан-йилга бойиб-битиб бораётган машғал Кўшдарё туманига қўшилди-юборилди (Э. Аъзам. Гулигули). Уч ойдирки, **бийдай** чўлда кетиб борадурбиз (М. Али. Улуғ салтанат). Суратда кенг ва **бийдай** дала қайдандир қўнғир рангли тоққа бориб туташар, кун шафақ пайти, тоғ чўкқилари ортида сўнаётган ярим қуёшнинг атрофга хира нур сочиб тургани тасвирланганди (Н. Эшонкул. Қора китоб). Шу кунгача чолнинг қўрғонида яшаган эдим ва ҳозир бу қўрғон эшигидан

**бийдай** кимсасиз дараларга чиқиб қолгандай ҳис этдим ўзимни (Н. Эшонкул. Маймун етаклаган одам). **Бийдай** даштда ўз эркига қўйиб берилган Қоракўз анча вақт қир-сой оралаб бемақсад югуриб юрди (Ғ. Шермуҳаммад. Саман той).

## БИЛАК

### БИЛАКДАЙ

*Йўгон.*

Аброр онаси билан уйдан беш-олти қадам нарида **билакдек йўгон** чинор илонга тўқнаш келди (О. Мухтор. Эгилган бош). Ҳар биттаси **билакдай** келадиган кўк-сарғиш илонлар бир-бирига чирмашиб, худди одамлардай офтобшувоққа чиқиб ётар, дарахт илдизлари, ҳатто тегирмон парраklarини ўраб оларди (О. Ёқубов. Диёнат). Султон нориллаб ёниб турган **билакдай йўгон**, ярим газлик заъфарон шамларга бир-бир разм солди (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Кузовнинг тўрт бурчига боғланган тўртта сим баландроқдаги **билакдай** арқонга туташади (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида). Қиз Фаридага жуда-жуда ўхшарди: туриши, қадди-қомати, ҳатто **билакдай** сочи ҳам (И. Зойир. Қисмат ўчи). Ҳа, дарвоқе, шуни деб, *йўгонлиги билакдек* келадиган узун сочимни кестирдим (Н. Аминов. Монолог).

## БИЛЛУР

### БИЛЛУРДАЙ (КАБИ)

1. *Тиниқ*; беғубор. Асосан, сув, кўз ёши, тонг кабиларга нисбатан.

Ўнгирдан **биллурдай тиниқ**, ичсанг, тишингни сирқиратиб юборадиган сув жилдираб оқиб чиқади (С. Анорбоев. Оқсой шалолалари). Бу ерда юлдузлар тоғ чўққиларига тегиб туради, кўлларнинг суви ғоят сокин ва **биллурдай тиниқ** (З. Эшмирзаева. Ватан оҳанрабоси). Ниҳоят, қиз бошини кўтариб, оёқларидаги гулдор хипча чуваklarини ечди, ҳовучини тўлатиб сув олиб, юзига босди. **Биллурдайин** сув томчилари юзида сирпандилар (Н. Жалололдин. Умар Хайём). Томчи-томчи **биллурдай** бегард, Йигилгандир, кўз ёшингни тўқ. Гоҳ мени ҳам куйдира-у дард, Йиғлолмасман, кўз ёшларим йўқ (Ҳ. Худойбердиева. Тинч фонтан қошида). Наврўзинг муборак, муқаддас юртим, Жонгинам садоға баҳорларингга. Қуёш уйқусидан кечиб, парвона, Сенинг **биллурдайин** наҳорларингга (М. Каримжон қизи. Наврўзинг муборак). Унинг мижжаларида икки томчи

**биллурдай** ёш қалқиб турар, менинг кўз ўнгимдан эса бир хил кийинган кўк тўнли йигитлар Миржумон кўчасидан кўтариб келаётган тобут ва унинг олдидаги Кўқон арава кетмасди (М. Мансур. Жудолик диёри).

2. *Товланмоқ. Ёғдуланмоқ, жилваланмоқ.*

Зайниддин чалғиш ва бирпас овуниш ниятида майда-майда томчилар инган, неон чироқлари ёруғида **биллур каби товланайётган** қизил-сарик атиргул япроқларига тикилди (А. Дилмурод. Кунсулув). Айниқса, олтиндай сарғайиб, офтобда **биллурдек товланган** хусайниларни уза бошлаганларида кампирнинг қовурғаси қайишиб кетди (М. Осим. Карвон йўлларида). Булут тўсган Қуёшу Ер ўртасида бир томчи оби раҳмат **биллурдай товланади** (Л. Бўрихон. Бир томчи ёш).

## БОДРОҚ

### БОДРОҚДАЙ

*Бодрамоқ, сочилмоқ.* Асосан, осмонда бодраб, дувиллаб чиққандай сочилган саноксиз юлдузлар ҳақида.

**Бодроқдек бодраб кетган** осмон юлдузлари ғашни келтирар даражада ярқирар, нимқоронғу кўкдан адашган тун куши чулдираб ўтиб борарди (М. Мансур. Жудолик диёри). Карим деразадан бошини чиқариб тепага қаради: осмонда юлдузлар **бодроқдай сочилиб кетган**, жуда кўп эди (А. Аъзам. Алмисокдан қолган Карим). Назарида, осмондаги **бодроқдай сочилган** сон-саноксиз юлдузлар йириклашиб, тўлин ой янада тўлишиб қолгандай эди (Х. Шайхов. Оловдан чиққан одам). Тун бепоён чўлни оғушига олган, осмонга юлдузлар **бодроқдек сочилган** (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси). Оқ **бодроқдек** кўкка *сочилган* юлдузлар дала оқшомига ҳусн бермоқда (И. Раҳим. Ҳаёт булоқлари).

## БОЛ

### (ХУДДИ) БОЛДАЙ (КАБИ)

*Тотли, ширин,* инсонга хуш ёқадиган.

Туғилган ериннинг тупроғи зар, тикони гул, тахир суви **болдай тотли** бўлар экан (С. Сиев. Яссавийнинг сўнги сафари). Болалиқда **бол каби Тотли** экан ҳатто ғам (С. Ҳаким. Пишиқчилик). **Болдай** нима тутсам, дейсизки: «Аччик», Аччиғин келтирсам, дейсиз: «Бу нордон» (Миртемир. Қўлингизга тутдим бир ғужум чилги...). Сувлари мисли зилол, мевалари худди **бол**. Ғирқираб ўтгай шамол, роҳатижон Мирзачўл (Ҳабибий. Девон).

## БОЛА

(ХУДДИ, ГҮЁ) (ЁШ) БОЛАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Ишонувчан, бегубор, беозор, содда; инжиқ; алданмоқ, жўн фикрламоқ, содда ўйламоқ.* Катта ёшдаги одамлар ҳақида.

Аёл киши аксар содда бўладими, гўлми, **боладек ишонувчанми...** (О. Мухтор. Эгилган бош). Бу қадар **бола каби бегубор** бўлмаса бу Боботурк дегани (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Унинг кулгиси ҳам илгариги Наимжонга, меҳнатдан бошқани билмайдиган, **ёш боладай беозор**, қўйдаи ювош Наимжоннинг кулгисига сира ўхшамас эди (О. Ёқубов. Диёнат).

Унинг **боладек соддалиги**, самимияти мени мафтун этгани (О. Мухтор. Эгилган бош). Ғафур Ғуломдек бесаранжом, мулоимлигидан кўра тажанглиги кўп, **ёш боладек инжиқ** одам билан бир умр яшаб келаётгани учун ҳам яхши кўрасиз, демоқчисан (С. Аҳмад. Назм чорраҳасида). Эсимни таниганимдан бери амал демай, мансаб демай, фақат мусулмонлар манфаатини кўзлаб келиб, оёғида ўзини кушбеги, мингбоши олган уч-тўрт манфаатпарастлардан **гўё ёш бола каби алдандим.** (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Ботир, яқинда олий маълумотли муҳандис бўласиз-у, ҳалиям **ёш болалардай фикрлайсиз** (А. Абдуллаев. Дард).

2. *Хуркмоқ, уялмоқ, тортинмоқ, жавдирамоқ, хайрон бўлмоқ, бошқалар олдида ўзини ноқулай сезмоқ.* Катта ёшдаги одамлар ҳақида.

Йигит Матлубанинг қўлтиғидан олмоқчи бўлиб қўлини чўзди, Матлуба **худди ёш боладай хуркиб**, Самиғжоннинг орқасига яширинди (О. Ёқубов. Матлуба). Шундай пайтларда Ҳикматилло унинг олдида ўзини **ёш боладай** сезиб, эсанкираб қоларди (О. Ёқубов. Биллур қандиллар). Каримберди худди уят иш қилиб қўйган **ёш боладек, уялиброқ, тортиниброқ** ўрнидан турди (Х. Тўхтабоев. Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи). Собиқ раис аждарҳогами, қўрқинчли девгами қараб қўрқиб кетган **ёш боладек** кўзларини катта-катта очиб, бир оз анграйиб турди (Х. Тўхтабоев. Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи). «Худо хоҳласа, қишни ҳам чорбоғда ўтказаман, кетманг, сиз ҳам қолинг», дерди у менга **боладай жавдираб** (М. Раҳмон. Шавкат Раҳмоннинг анори).

3. *Шўхлик қилмоқ, ўйнамоқ, эркалик қилмоқ, тўполон қилмоқ.* Катта ёшдаги одамлар ҳақида.

Зухра ҳар гал уларни кўрганида Шерзоднинг елкасига туртар, кўзларида ўт ёниб, ўтирган жойида **ёш болалардек иргшилар**,

лолаларга имо қилар эди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Қудратилла **ёш боладай ирғишлаб** кўрпага кириб кетди (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Унинг муҳаббати ҳам қандайдир ўзгача: у бирда меҳри нурдай товланиб, ўзи **ёш боладай эркаланса**, бирда Меҳринисонинг висоли-ю севгисига тўймай, асов эҳтиросдан шердай жўшиб эркалайди (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Кўз олдидан оқиб ётган Зарафшон **Ёш боладек эркалайдир, ўйнайдир** (Чўлпон. Зарафшон).

4. *Севинмоқ, қувонмоқ, содда қувончдан чопқилламоқ, чапак чалмоқ* ва шу каби ҳаракатлар қилмоқ. Катта ёшдаги одамлар ҳақида.

Юнус бувам менинг жавобимдан **ёш боладай севиниб** кетар эди. (И. Султон. Боғи Эрам). «Ҳадемай хоҳлаганингизча ташиб олаверасиз» десалар **ёш боладай севиниб кетибман**, оғзимнинг таноби қочиб, зўр бериб, аравалаб, қоплаб, қанорлаб ташиб оламиз-ей, деб юборибман (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Темурга кўзи тушганда у беихтиёр **бола каби қувониб кетди** (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Шуни ўйласам, ўрмон ҳам, янги йил ҳам, туғилган куним ҳам, қиш ҳам, ҳаммаси сирли бўлиб кўринарди, **ёш боладай қувонар эдим** (Ш. Холмирзаев. Қорбобо келади). Унсин **худди** дадасидан катта ҳайитлик олиб бозорбошига кетаётган **ёш боладай чопқиллаб**, қаршисидан эсаётган шамолга сўз бермай, баъзан ирғишлаб борар эди (А. Қаҳҳор. Даҳшат). Ана! – деди **ёш боладек чапак чалиб**. – Яна кўшилиб кетишди (Ў. Умарбеков. Одам бўлиш қийин). Учқур машинанинг тортмай тизгинин **Боладай сакрайди** тоғдай улкан зот (Зулфия. Куёшли қалам).

5. Ўзини тутолмасдан, тортинмасдан, баланд овоз билан *ийгламоқ, беозор хафа бўлмоқ*. Катта ёшдаги одам ҳақида.

Бу ҳукуматнинг уйи куйсин! – деб, пешонасига уриб, **боладек ийглайди** (Шукрулло. Тирик руҳлар). Кейин **худди гўдак боладек хўнграб юборди** (Ў. Умарбеков. Юлдузлар). Тамука Баҳодир Темурни кўриб, хурсандлигидан **бола каби хўнграб ийглаб юборди**. (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Бобо шунақа пайтларда **ёш боладай кўнгли чўкиб, хафа бўлиб** қолади. (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида). Пирриев **ёш боладай изза бўлиб**, каловланди (И. Зойир. Қисмат ўчи).

6. Қаттиқ, осуда, хотиржам, *беозор ухламоқ*. Катта ёшдаги одам ҳақида.

Сўнг ечиниб, оппоқ чойшаб ёзилган жойга узала тушиб ётди. **Худди ёш боладай дарров уйқуга кетди** (А. Абдуллаев. Дард). Бахтиёр **худди ёш боладек пиш-пиш қилиб беозор ухларди**

(М. Ҳазратқулов. Чўли ирок). Қолсанг бас, хадикни бир четга кўйиб, *Ухлаймиз* беташвиш боладай тўйиб. (Ў. Хидиров. О), мрамар кечадир...).

7. *Овутмоқ, алдамоқ, суймоқ, юпатмоқ, меҳрибонлик қилмоқ*. Катта одамга нисбатан.

Вазири аъзам баъзан султонни **боладек** *овутарди* (Мирмуҳсин. Темур Малик). Энди эса муҳим жангга отланаркан, уни **боладек** *алдаб*, ташлаб кетяпти (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Бойчечакни **боласидек** *суймаса* ким, Ризку неъмат тупроқ исин туймаса ким (С. Ҳаким. Гарашаликлар кўшиғи).

## Б У Л Б У Л

БУЛБУЛДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

1. *Сайрамоқ, хониш қилмоқ, жон-дили билан куйламоқ, юксак даражада мадҳ этмоқ. Одам ҳақида.*

**Булбулдай сайратиб** кўй Сайёраларни, Мен сендан айланай, ўзимнинг элим (С. Тўйчиева. Мадҳия). Бутоғингга кўниб **булбул каби хониш қилиб** тунлар, Ўпиб гунчангни очмоқликка тонг чоғи шамол бўлсам (Х. Олимжон. На бўлғай бир нафас мен ҳам...). Чалма созингни, муғанний, *Сайрабон булбул каби*, Сеҳр этиб кўнгил чаманни, Уйқудан уйғотмаса (Ж. Камол. Чалма созингни, муғанний). Жуда яхши, **булбул сингари ашула қилар экан**. Овози Довуд пайғамбарники сингари дейдилар (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Миртемир булбул бўлиб туғилган эди. У умрининг охирига қадар она Ватанини, инсонга ҳаёт бағишловчи Онани, севги ва садоқатни, ўзининг ижодий ва жисмоний меҳнати билан кадрдон диёрининг гуллаб-яшнашига буюк ҳисса қўшган замондошларини **булбул янглиғ жўшиб куйлади** (Н. Каримов. Миртемир).

2. *Фигон айламоқ, нола қилмоқ, дарду ғамларини баён қилмоқ.*

Этма мени кўп интизор, Ишқингда мен бахтиёр, **Булбул каби** боғингда, ёр, *Айлай фигон*, айлай садо (У. Исмоилов. Сайланма). **Булбул каби** ун чекишни сен ишқ санама, Ҳар лаҳза ўлиб, чекмаса афғондир ишқ (У. Хайём. Рубоий). Бу тоғларда кийикдай югурган, шамолдек елган, **булбулдек нола қилган...** Бодомгулнинг табиат фақат бир мартагина яратиши мумкин бўлган чегарасига энди парда тортилган эди (С. Аҳмад. Жимжитлик).

3. *Сайрамоқ, суйламоқ, тез, тутилмасдан, эркин, бурро ва равон гапирмоқ.*

Ўз ўгли **булбулдай сайраб** турса ҳам, сўкиб-сўкиб аранг «уч» кўйиб беради (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Сарсон тога яна **булбулдай сайраб**, сўзни бошладилар (С. Сайхон. Юрт соғинчи). Авазхон гулдай жайнаб, **булбулдай сўйлаб**, тароққос бойлаб... подшони хурмат қилиб, бир сўз деди (Қундуз билан Юлдуз). Бугун ёшларимизнинг чет тилларда **булбулдай сайрашларини** кўриб, ҳам ҳавас қиламиз, ҳам ўзимизнинг «тилсизлик» туфайли бошимизга тушган кунларни эслаб ўкинамиз (Э. Воҳидов. Уч соқовнинг саргузашти). Ассалому алайкум, акажон. Соғлиқларингиз, ишларингиз яхшими, акажон? – деди у уйга киришим билан **булбулдай сайраб** (А. Жўраев. Ажабсанда). Қизлар ҳозиргина **булбулдай бийрон сайраётган** Ҳалимага тушунмасдилар (А. Мамарасулов. Телба муҳаббат).

## БУЛОҚ

БУЛОҚ (СУВИ)ДАЙ (КАБИ, ЯНГЛИҒ, СИНГАРИ)

1. *Қайнамоқ, оқизмоқ, отилиб чиқмоқ, мўл-мўл юзага келмоқ.*

**Булоқдай қайнаб**, шариллаб отилиб чиққан қон ҳамма ёғини алвон ранга бўяди (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Лекин бу насиҳатлар мавлононинг қулоғига кирмас, кўз ёшларини **булоқдай оқизиб**, нола чеккани-чеккан эди (О. Ёкубов. Улуғбек хазиnasi). Қачонки, ижодкор қалби сокин бўлса, ундан етти ухлаб тушга кирмаган сатрлар **булоқдек отилиб чиқади** (Т. Мурод. Момо Ер қўшиғи).

2. *Тошмоқ, қайнамоқ.* Инсоннинг рухий-ҳиссий ҳолатлари ҳақида.

Дунёда ягона Ватаним онам – Мехрим *тошар* **булоқдай** сайр чоғида (М. Туробова. Тошкент окшомлари). Ўзлари ҳам баҳордай қувнаб, **булоқдай қайнашади** (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). **Булоқдек қайнаб** ётсам, Сочингни ўйнаб ётсам, Ҳеч ким халал бермаса, Кўзингни ўйлаб ётсам (И. Мирзо. Куйганёрда ёзилган шеър). Хотирангда изтироблар қайнар **булоқдек**, Кечалари оқиб ётар, сени тинч қўймас (Б. Эрали. Аравон).

3. *Жуда тиниқ, покиза, тоза.* Конкрет ва мавхум тушунчаларга нисбатан.

Йўлдан иастроқда оқаётган сойга жуда-жуда ҳавасимиз келди: денгиз суви каби зангори, **булоқ каби тиниқ**, оҳиста мавжланиб оқиши жуда чиройли эди (Қ. Кенжа. Буюклар изидан). Қалblари **булоқ сувидай тоза**, ниятлари кундай ёруғ, инсоният жамоасининг келажаги, бахтини ўйлайдиган, ҳақиқий маърифатпарвар инсон эдилар (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё).

Қизиқувчанлик билан тикилиб турган **булоқ янглиғ тиниқ** кўзларга синовчан назар билан боқди (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Не-не соз қўшиқда ёд этгум ҳали, Эй асов, бепардоз, соғ она тилим, **Булоқдай тинигим**, дурдона тилим, Бешигим, пок дилим, жонона тилим (Миртемир. Лолазор). Эртақдек эзгусан, **булоқ янглиғ пок** (Миртемир. Тошбу).

## Б У Л У Т

### БУЛУТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. Тиниқ оқ, *оппоқ ранг*, покиза, пок.

Узоқдан кўзга ташланган илк таассурот – тиниқ осмондаги оқ **булутдек оппоқ ранг!**.. Мен севган, жонимга жон бағишлайдиган ранг (Х. Дўстмуҳаммад. Мен – сенсиз, сен – менсиз). Барча-барчаси ана ўша асосий сабабдан ранг олгани, яъни ниятларимизнинг бари парку **булутдек**, чаноқни тўлдириб лўппи-лўппи очилган момик пахтадек *оқ-оппоқ* эканлигидан (Х. Дўстмуҳаммад. Мен – сенсиз, сен – менсиз). Агар ўлсам, мендан не қолур? **Булутдай оқ**, чиройли тулпор (У. Азим. Бахшиёна). Теракларнинг барглари шилдирайди. Таналари **булутдай оқ** (И. Султон. Озод).

2. *Баланд*, юксак.

Ўртароқда **булутдек баланд** оқ от миниб бораётган йигитнинг ёши йигирма уч-йигирма тўртда (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши). Ёш йигитнинг... пахтазорга кириб... шавқ билан тез-тез тергиси, **булутдай** хирмон қилгиси келди (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар). Кўрғоннинг етти пахсали девори ҳам битиб, тўрт жойига **булутдек баланд** дарвоза ўрнатилди (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши). Етовнинг бошида турган **булутдай баланд**, қора қашқа отга бир сакраб минди-ю, устма-уст қамчи босди (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши).

### ҚОРА БУЛУТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ЎХШАБ)

*Ёпирилмоқ, қопламоқ, бостириб келмоқ*, шиддат билан босиб келмоқ. Конкрет ва мавҳум тушунчаларга нисбатан.

Тешиктошнинг йўлига чиққанимизда қизиллар изимиздан от кўйишди... **Қора булутдай ёпирилиб** қувладилар (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Мана бугун қамоқдан қутулиб чиқиш ҳақидаги хаёллар ўрнини энди бутунлай ўзга дард-ташвиш **қора булутдек ёпирилиб** эгаллай бошлади (Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар). Убайдуллахон хаёлини **қора булутдек** даҳшатли воқеалар

қоплаб олмоқда эди (Шукрулло. Тирик руҳлар). Унинг бутун юрагини **қора булутдай қоплаган** ғам бир онда йўқолгандай бўлди (Ойбек. Нур қидириб). Қарашларидаги кечаги маҳзунлик, баъзан **қора булут каби бостириб келувчи** қаҳр энди йўқ (Т. Малик. Шайтанат). Дарё билан шаҳар оралигини тўлдириб ваҳимали **қора булутга ўхшаб** келаётган Иброҳим Лодининг кўшини қаршисида ҳаракатсиз тек туриб кутиш оғир эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). ...Ота – колхоз раиси, бир ака – райондаги жами «молия»ларнинг каттаси, бири – прокурор ёрдамчиси, бири – ПМКнинг бошлиғи, уруғларидан чиққан шармандаларнинг иккаласини ҳам бир гўрга тикиш учун **қора булутдай бостириб келишади** (А. Аъзам. Асқартоғ томонларда). У худди офтоб чарақлаб турганда тўсатдан **ёпирилиб келган қора булутдай**, ёзда, ҳеч ким кутмаган бир пайтда ёққан дўлдай кутилмаган бир маҳалда пайдо бўлди (О. Ёқубов. Биллур кандиллар).

## БУРГУТ

(ХУДДИ) БУРГУТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

1. *Чанг солмоқ, ташланмоқ; дадил парвоз қилмоқ*, шиддат билан, юксак даражада фаолият кўрсатмоқ. Асосан, одам ҳақида.

Ҳазрат шаҳид кетатуриб, ёғий байрогига худди **бургутдек чанг солиб эди**, жаллодлар унинг бармоқларини кесмагунча байроқни ола билмадилар (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Илтижоларга қулоқ солмай, бошқа амирлар тортиб олиб кўйишмасин, деган хавотирда ўлжасига човут солган **бургутдай** шартга Шох Мансурга *ташланди* (М. Али. Улуғ салтанат). Тўғри, Иброҳим ака ғоятда нозик дид ва нозик таъб билан ёлғиз **бургут янглиғ** жаҳон адабиёти майдонлари узра *парвоз этиб* юришдан ҳали-ҳануз толиққани йўқ (Х. Дўстмуҳаммад. Ўтаётган биллур вақт). Футболчиларимиз **бургут мисоли** олдинга *ташланиб* биринчи уринишдаёқ тўпни рақиб дарвозасига тушириб кўйишди (О. Йўлдошев. Қуён бўлиш воқеаси).

2. *Ўткир нигоҳли, олғир, жасур*. Одам ҳақида.

Арасту демиш: **бургутдай нигоҳи ўткир** шоҳ шоҳларнинг яхшисидур (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Олий шон амирларим, **бургутдай олғир** баҳодирларим (М. Али. Улуғ салтанат). Экин экмоқ ёки иншоот барпо этмоқдан кўра, савашмоқни яхши биладиган бу қавмлар жангда **бургут каби** эдилар (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Қирқ йигитнинг ҳар бири **Бургутдай**, қарчиғайдай, Кўнгли ўсиб кўк бўйи, Кўкси қорли

Олойдай (Т. Сулаймон. Солнома). Музаффарийлар подшоси нурсиз кўзларини астойдил садоқат кўргизиб, қошида таъзимда турган **бургутдай** икки ўғлига тикаркан, ўзини дунёда энг бахтиёр оталар иккита бўлса – ўшаларнинг бири, борди-ю, битта бўлса ўзидай мамнуну мағрур ҳис этди (М. Али. Улуғ салтанат).

#### (ХУДДИ) БУРГУТНИКИДЕК (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ўтқир, чақноқ*, узоқларни ҳам кўра оладиган. Асосан, кўз ҳақида.

Қиррабурун, кўзлари **бургутникидек ўтқир** Зелихон ўй сурганида ҳам нигоҳини бир нуқтада тўхтатмас эди (Т. Малик. Шайтанат). Ўзи олтмишларни қоралаган бўлса-да, адл қоматини йўқотмаган, кўзлари **бургутники каби ўтқир**, ҳаракатлари кескин Ҳамзатбей ярим соат кечикиб келди (Т. Малик. Шайтанат). Соч-соқоли тикан мисол ўсган, кўзлари **бургутникидай ўтқир**, қиррабурун, оғзи катта бу кимса қай тариқа хилватнишинга чиқиб қолганига ўзи ҳам ҳайрон (А. Абдуллаев. Ҳазрати Аттор). Ярим соатлар ўтар-ўтмас дуркун бўйли, кўкимтир кўзлари **бургутники сингари чақноқ**, қиров кўна бошлаган сочлари хурпайган кирпини эслатовчи малларанг одам кирди (Муштум). Оқсоқол, қани, бир дуо қилинг-чи, – деди у кенг кафтларини очиб. Қоронғида унинг кўзлари **худди бургутникидек чақнар** ва кайфияти чоғлигидан далолат берарди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари).

#### БУҚАЛАМУН

#### БУҚАЛАМУНДЕК (КАБИ)

*Турли қиёфага кирмоқ, тусланмоқ*. Ўз манфаатини кўзлаб, вазиятга қараб ўзгариб турадиган, қатъиятсиз, айёр одам ҳақида. Салбий муносабат ифодаланади.

Кеча машварат пайтида Қувомиддин, Саҳобиддинларнинг **буқаламундай турли қиёфага киришлари** Жалолоиддинни ўйлантириб қўйган эди (Э. Самандар. Султон Жалолоиддин). Одамзоддаги иллатларнинг энг ёмони иккиликдур. Ҳар мақомга йўрғалашдур. Худди кунгабоқар каби нафли томон бурилишдур. **Буқаламун каби тусланишдур** (Э. Самандар. Султон Жалолоиддин). У қандай йўл эканлигини айтмоққа чоғланган эди, аммо, кутилмаганда, гоҳ бошига сўфилардек салла ўраб, гоҳ қора духоба дўппи кийиб, савдо аҳли қиёфасида **буқаламундек** тўнини ўзгартириб турадиган Султон суллоҳнинг кириб кели-

шини кўрган Убайдуллахон қаршисида кутилмаганда жирканч бир махлукқа дуч келиб қолгандек ўзгариб, айтадиган фикрини очик айтиш имкони бўлмай қолди (Шукрулло.Тирик руҳлар). *Тусланиб турамыз буқаламундек*, Ахдида устувор тургувчилар оз... (Ж. Камол. Бизда тарозидан урса устамон...).

## БЎЗ

### БЎЗДАЙ

*Оқ, оппоқ; оқармоқ*, одатдаги рангини йўқотмоқ. Асосан, одамнинг, хусусан, унинг юзининг ранги ҳақида.

Даҳшатдан олайиб кетган кўзларини, *бўздек оппоқ* юзини кўриб, тўсатдан ҳаммасини тушундим (У. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Юзи *бўздек* бўлиб, бояги жойига қайтиб ўтирди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Унинг кетидан эргашган йигирматача отлик навкарлари орасида пешонаси ғурра бўлган, юзи *бўздай оқарган* Мамат ҳам бор эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Турсуной билан Шарофатнинг ранги *бўздай оқарди*. Чунки эрлари бу сирни ҳозирча зинҳор оғиздан чиқармасликка буюришган эди (Ойбек. Қутлуг қон). Бир пайт ранги *бўздек оқарган* жияни чиқиб келади: «Йиқилдим, тоғажон, йиқилдим!» (Э. Аъзамов. Жиян). Нима бўлди, қизим? Нега бақиряпсан? – кўрқиб кетган она бир тўлғониб, ўзига-ўзи гапириб ётган ўғлига, бир эса кўрқувдан ранги *бўздек оқариб кетган* дўхтирнинг ёш тўла кўзларига қараб ташвишли жавдиради (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар).

## БЎЗТЎРҒАЙ

### БЎЗТЎРҒАЙДАЙ

*Бўзламоқ*, қаттиқ нола қилиб йиғламоқ.

Мен сени инжитмайман Ва лекин тинчитмайман. Чарх уриб *бўзтўрғайдай бўзлашим* бор бошингда (Миртемир. Мен сени...). *Бўзтўрғайдек бўзлар* онаси Совиб қолган жасадни кучиб (С. Ҳаким. Олис юлдуз). *Бўзтўрғайдай бўзлаб* сен, Бўғзинг тўла дард кетдинг. Бу уйга қиз келиб сен, Эркак бўлиб, мард кетдинг (З. Мўминова. Бешиқларни асрагин, дунё). Юрак куйгач, кўнгли *бўзтўрғайдек бўзлаб*, охи фалакка ўрлади (Ш. Улуғ. Фақат сен йиғлама). Юрак ўтдек бознайди, *Бўзтўрғайдек бўзлайди* (Ш. Улуғ. Номи Ҳабибим).

## БЎЗЧИНИНГ МОКСИ СИ

### БЎЗЧИНИНГ МОКСИДАЙ

Кўп қатнамоқ, тинимсиз бориб келавермоқ; сарсон бўлмоқ.

Кейин алла-паллага қадар қўргон, ичкари ҳовли эшиги билан шийпон орасида **бўзчининг моксидай қатнади**, меҳмонлар учун дам ясоғлик патнислар, дам чой, дам нон, оч қоринни кемирадиган лаган-лаган мантилар, дам косаларда шўрвалар ташиди (Ойбек. Қутлуғ қон). Оиламиз бошига мусибат тушгунга қадар, у хонадонимизга **бўзчининг моксидек қатнар**, дадамлар билан кечалари узоқ суҳбатлашиб ўтирарди. (О. Ёқубов. Музқаймоқ). Шердорларникига **бўзчининг моксидай гиз-гиз қатнайди** (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Мезбон аёлнинг чехраси очилиб кетганини дарров пайқадим, унинг салқи, рангсиз афт-башарасига қон югургандек – ўзи уй билан ошхона ўртасида **бўзчининг моксидай** югургилаб қолганди (Х. Дўстмуҳаммад. Масковлик яхши одам). **Бўзчининг моксидек** Авлиёота билан Тошкент орасида йўрғалашдан нима фойда? (Ойбек. Қутлуғ қон).

## БЎЙРА

### БЎЙРАДАЙ

Юзаси кичик, кичкина, арзимаган.

**Бўйрадай** жойга шолғом эккан одамга ҳам сувми!.. Эҳ-хе, пахтамизга қанча пул сарф бўлди, буни тушуниш керак (Ойбек. Қутлуғ қон). Ҳаммамиз ҳам бир куни **бўйрадек** жойга бориб ётамиз (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Ўз уйини чет эл мебели билан тўлдириб қўйганида онасига ақалли **бўйрадеккина** гиламча совға қилишни унутмадимикан? (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Шунда четки чинор остида сарғайиб ётган **бўйрадек** жойни кўрдим (Ш. Холмирзаев. Мангу йўлдош). Фор ичи жимжит. Тепадан тунгаб турган **бўйрадек** офтоб нури дурдан ясалган деворларни ғалати ёритган (С. Аҳмад. Сумбул). Хонадон соҳиби **бўйрадек** бир сахнда икки туп хурмо кўкартирибди (Х. Султон. Бобурийнома).

## БЎРДОҚИ

### БЎРДОҚИДАЙ

Семиз; керагидан ортиқ *семирмоқ*. Одам ҳақида; салбий муносабат ифодаланади.

Қирқ йил халқнинг нонини яримта қилган, унинг ҳисобига **бўрдоқидай семирган** бу юлғичлар хануз отда бўлса-ю, элнинг

энг ҳалол, энг адолатли ўғлонлари тухмат балосига дучор бўлиб юрса? (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Туш, туш, очик хавода пиёда юриш фойдали. **Бўрдоқидай лорсиллаб кетяпсан** кундан-кун, озишинг керак (Ж. Абдуллахонов. Хонадон).

### БЎРДОҚИГА БОҚИЛГАН ҚЎЙДЕК

Жуда *семиз*; беҳад *семирмоқ*. Одам ҳақида; кучли салбий муносабат ифодаланади.

Элликни уриб қўйган, **бўрдоқига боқилган қўйдек** биққи *семиз* туршакфуруш алпанг-жалпанглаб эмаклаганича қават-қават тўшалган кўрпачаларни итқитар ...эди (Х. Дўстмуҳаммад. Жажман). Кейин кечқурунлари отаси билан ўзига чала-чулпа бир нарсани пишириб беради ва яна ўзини кўрпага уради. Пировардида **бўрдоқига боқилган қўйдек семириб кетди** (Б. Абдураззоқ. Ришта). Яна емишдан гапирасан-а! – дея ўғлига зардаси қайнаб тикилди Қўзи қассоб. – **Бўрдоқига боқиляётган қўйдек** ялтиллаб кетганингни қара. Тўп-мўп тепиб турсанг, сал пойинг пишармиди? (А. Обиджон. Олтин юракли автобола).

### БЎРИ

#### БЎРИДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ)

1. *Довюррак, ёвқур, мард*. Одам ҳақида.

**Бўридай довьоррак**, бакуват бўлиб ўсармиш (М. Ҳазратқулов. Таътил кунлари). Шовурсиз оламда у ўзини айикдек хотиржам, **бўридек ёвқур**, кийикдек хушёр сезади (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Менинг Нортой болам **бўридай мард**, Худо ундан бир тирнокни аяб турибди (Ғ. Раҳмон. Оқибат сўқмоғида).

2. *Ғажимоқ, тиш қайрамоқ*. Бир-бирига шафқатсизлик билан ҳақсиз равишда ёмонлик қилмоқ ёки шунга уринмоқ.

Шофёри ҳозир олдида бўлса **бўридай ғажиб ташларди** (М. Ҳазратқулов. Момақалди роқ). Бу аҳволда сенлар бир-бирларингни қўлламайсан, шунинг учун йигитларинг ҳам бир-бирларига елка тутмайди. Ҳеч бўлмаганда бир-бирларингни ҳурмат қилишни билмайсанлар, керак бўлса, **бўридай ғажийсанлар** (Т. Малик. Шайтанат). Улуғ шоҳ, мenden хафа бўлма. Лекин ўзинг айт-чи, нега инсонлар бир-бирига ёв, бир-бирини **бўридек ғажийди**? (М. Қориев. Спитамен). Наҳотки, одамлар умрларини бир-бирларини **бўридай ғажиб** яшашга сарфлашса? (И. Зойир. Қисмат ўчи). Зокир Мажидовнинг та-рафдорларидан. Мажлисдан сўнг ҳаммаси **бўридек тишларини**

қайраб юришибди. У ғаламис, ифлосларга энди кўрсатаман! – Қутбиддинов шарт ўрнидан туриб, асабийлашиб, қўлларини мушт қилиб тугди (А. Жўраев. Ҳаёт ўйини).

## ОЧ БЎРИДАЙ

1. Ёвуз, шафқатсиз.

Табиат, тушунтир, не кори ҳол бу, Нима бу – ногаҳон қора тажовуз? Синони йиғлатган кўҳна савол бу, Ўлим бу, **оч қолган бўридек ёвуз** (Ж. Камол. Қалбдан садо). Бу одамларнинг даврасидан тулки каби ҳийлакор бўлсанг жой тонасан, **оч бўридай бешафқат** бўлсанг – ўрин эғаллайсан (Ф. Тиловат. Қора кузгун).

2. *Изгимоқ*, ташланмоқ, ҳужум қилмоқ. Ёмонлик мақсадида турли жойларда кезмоқ, зарар бериш учун ташланмоқ. Асосан, одам ҳақида.

Мўғулларнинг баъзи тўдалари **оч бўридек изгиб юради** (Мирмуҳсин. Темур Малик). Чеғарачилар дарё бўйида кечасию кундузи **оч бўрилардек изгиб**, камишлар орасида пусиб ётишарди. (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Бу нонкўрлар шукур дейиш ўрнига, атрофингизда **оч бўридай изгиб** юрибди (М. Исмоил. Қоядан қулаган каср). Ўз юртида эмишлар қочок, Из қувади қора папкалар. Тоғу тошни юрибди тўриб **Оч бўридай** қизил шапкалар (Х. Раҳим. Боботоғнинг хумори). Равалпиндида ижарада яшашаётганида маҳалладош бир мардумнинг Мазоҳид исмли тўйган куртдай семиз, телватоброқ ўгли ...уни эшикнинг бир қаноти орқасига – қоронғи бурчакка қисиб, барра қўзичоққа ташланган **оч бўридай** тармашганини, шунда қаттиқ кўрқиб кетгани ...ҳақида лом-мим демади (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Сизни ўлжа излаган **оч бўридай** саҳарлаб чиқишингиз тушимга кирибдими? (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари).

## БЎТА

### БЎТАДАЙ (КАБИ)

*Бўзламоқ*, қайғу-аламдан зор-зор йиғламоқ,

Мендан йироқ тушди қизғалдоқдай қиз, Беишқ дил умрбод **бўтадай бўзлар** (Миртемир. Қизғалдоқ). Қайга кетди япроқдек бола, **Бўта каби** қайда *бўзлайди*? (А. Суюн. Баҳодирнинг қиличи). Равшанжонни зиндондан чиқариб, бўйнига ғул-занжир солиб, теварагини кўп душман олиб, **бўтадай бўзлатиб**, кўзини бойлаб, кўп зулмларни айлаб кета берди (Равшан). Она-бола **бўтадек бўзлаб** қолдик (Ў. Умарбеков. Ҳусн). Чикмайин деса, мен **бўтадай бўзлашдан тўхтамасдим** (Ч. Айтматов. Болалигим).

## В

### ВАЙРОНА

#### ВАЙРОНАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Хувулламоқ. Файзсиз, кўрксиз, кимсасиз бир ҳолатда қолмоқ. Асосан, ўрин-жой ҳақида.*

Ота хонадонининг устуни – чол-кампир экан, улардан кейин ҳовли-жой **вайронадек хувуллаб қолди** (Х. Назир. Ҳамият). Доимо файз аримайдиган бу уйдан Юлдузхон кўч-кўронини олиб кетгач, **вайронадек хувуллаб қолди** (Тошкент оқшоми). Насиб этди тилаганим, сўрганларим. Фақат энди пойи жаннат онам йўқдир, **Вайронадек** бу қошонам, қурганларим (Ё. Аҳмаджонов. Бойчечакка боқиб завқинг...). Кўзи тўқнинг кўзларига қулба кўрингай бир қаср, Кўзи очнинг кўзларига **вайронадай** қошонаси (О. Ҳожи. Маърифат дурдонаси).

### ВУЛҚОН

#### ВУЛҚОНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Портламоқ, қайнаб чиқмоқ, шиддат билан отилиб чиқмоқ. Инсоннинг турли, ўта таранг ҳиссий-руҳий ҳолатлари ҳақида.*

Беванинг, айниқса, тирноққа зор беванинг зорли, ғамли охларига тун қандай чидар экан, замину само қандай чидар экан? Ернинг охлари тўплашиб, сўнг **вулқон каби портласа** керак (Т. Малик. Шайтанат). Мехринисо юраги қинидан чиққудек гурс-гурс уриб, Шоқосимнинг ёнидаги стулга аста ўтирди, сўнг қаердандир, юрагининг тагидан **вулқондай қайнаб чиққан** кўз ёшларини тиёлмай, ўзини эрининг кўксига ташладида, овозининг борича уввос солди (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Ана шундагина ичидан қаттиқ, жуда қаттиқ ўкирик келиб, **вулқондай отилиб чиқди** (М. Ҳазратқулов. Чирок ўчмаган кеча). Ҳозиргина қизи Маржонойдан эшитган мудҳиш гапларни эсла, шунда юрагида **вулқондай қайнаган** исёнкор туйғулар аллақандай шубҳа ва ишончсизлик билан алмашарди (О. Ёқубов. Адолат манзили). Кейинги дақиқада кўксини тўлдирган фарёд **вулқондек отилиб чиқди** (У. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Отақўзи юрагининг тагидан дафъатан **вулқондай қайнаб келган** ғазабни зўр-базўр тўхтатиб қолди (О. Ёқубов. Диёнат). Арзигай жонимни қилсам ҳам фидо, **Вулқондай отилар** қалбимдан нидо – Менинг онажоним – Ўзбекистоним (Қ. Дехқон. Ўзбекистоним).

## Г

### Г А В Х А Р

#### ГАВХАРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Бебаҳо, тиниқ.* Ноёб, қадрли нарсалар, юксак туйгуларга нисбатан.

Ҳазрат Алишер – **гавҳардай бебаҳо** истеъдодлар хазинасини очган энг улуғ кашфиётчи эдилар (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Шайх наздида, инсон баданида мудраб ётган **гавҳардек бебаҳо** ҳисларни уйғотиб, одам боласининг кўзини очадиган, унга оби ҳайвондан ичириб, дардига дармон, дилига севинч бағишлайдиган руҳий неъмат – бу жаҳрия, яъни қаттиқ товуш билан айтиладиган зикри самоъ эди (С. Сиев. Яссавийнинг сўнги сафари). Унинг муҳаббатини тўла ифода қиладиган сўз хали одам боласи томонидан ўйлаб тонилмаган, шунинг учун топилмаганки, Лайлоси ҳам, Ширини ҳам, Зулайҳоси ҳам Ҳаёт севгисининг юздан бирини бошдан кечирмаган! Шунинг учун Гуломжонга ўша туссиз сўзни айтиб, **гавҳар каби тиниқ**, соф севгисини ерга уролмайди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

### Г А Д О (Й)

#### ГАДО(Й)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ночор, қашшоқ, мухтож.*

Номард! Бир **гадодек** *ночор* бола эдинг (С. Аҳмад. Жимжитлик). Девор-дармиён акасининг хотини Офият (қўшнилар Офат келин дейишади. Унга Худонинг ўзи тенг келсин) Рофе амакининг **гадодай қашшоқлигини**, хотинининг бозорчилигини (у жияк тўқиб сотади) юзига солган (Н. Раҳмат. Буни ҳаёт дебдилар ёки ўғлим Улуғбекнинг кундалиги). Нега халқи шунча юпун, шунча хокисор? **Гадо каби** юраги хун, қўшиғида зор? (Ж. Камол. Жамила).

#### ТИЛЛА ТОПГАН ГАДО(Й)ДАЙ

Чексиз-чегарасиз севинмоқ, *хурсанд бўлмоқ*. Нописандлик, камситиш муносабати ифодаланади.

Айниқса, Хайрулланнинг мудом тилла топган гадойдаи хурсанд ахволда юриши ҳам кўпчиликни ажаблантиради (А. Йўлдош. Қизил тилла, кип-қизил тилла). Сизни кўрдим-у, тилла топган гадойдаи қувониб кетдим (И. Зойир. Қисмат ўчи). У энди тупроқнинг қизиб кетганини ҳам унутган, тилла топган гадоидек ҳадеб илжаяр, ўқтин-ўқтин «Кўлвор экан» деб кўярди (Ш. Бўтаев. Шоҳона совға). Бир ҳафта тилла топган гадоидек кўнгли тўқ бўлиб юрди (Х. Пардаева. Юлдузини йўқотган одам). Шу болани уруғи Тошкентданмасмикин-а? – деди Турдикул чол тилла топиб олган гадойдаи кўзи чакнаб (О. Йўлдошев. Ўзимизнинг «Махарадзе»). Юрагинг урарди сиғмай сийнага, Қошимда турардинг куёшдай, ойдаи. О, шошиб қолдим-ку зўр хазинага – Тўсатдан йўлиққан маъсум гадойдаи (Шухрат. Сенинг севгинг).

### ТЎРВАСИНИ ЙЎҚОТГАН ГАДО(Й)ДАЙ

Чексиз-чегарасиз хафа бўлмоқ, каловланиб қолмоқ. Нопи-сандлик, камситиш муносабати ифодаланади.

– Ҳа, – деди аммам йўғон товушда. – Тўрвасини йўқотган гадоидек талмовсираб қопсиз, келинпошша?! (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Кўрбоши ҳам тўрвасини йўқотган гадоидек кушбегининг чап ёнига, Кумушбининг юқорисига бориб ўтирди (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Сиз ҳам у ёқ-буёқдан гаплашиб ўтирсангиз бўлмайдими? Бу нима, тўрвахалтасини йўқотган гадоидек шумшайиб ўтирасиз, бағрим қон бўлиб кетди-ку! (Ойбек. Қутлуғ қон). Бу пайтда қутилмаган учрашувдан қарахт бўлиб қолган Машраб тўрвасини йўқотган гадоидек талмовсираб, бошини қуйи солиб боради (Шухрат. Машраб).

### ГИЛАМ

ГИЛАМДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ЎХШАБ)

Тамоман қопламоқ, тўшалмоқ. Кўпроқ ер юзасини зич қоплаган лола, қизғалдоқ, гул ва шу каби нарсалар ҳақида.

Шамолларга эргашиб олисларга кетади, тоғларга тегиб акс садо беради, қирларни гиламдай қоплаб ётган қизғалдоқларни, чучмомаларни, бўтакўзларни эркалайди, жилдираб оқаётган ирмоқларга қўшилиб сойларга югуради (А. Кўчимов. Бир жуфт олма). Кеча олма, ўрик ва шафтолининг ранго-ранг гуллари ерга гиламдек тўшалганини кўриб кўзи қувнаган эди, ҳозир уларни тунги ёмғир ер билан битта қилиб чаплаштириб-

ди (Х. Дўстмухаммад. Нигоҳ). Сап-сарик қоқилар, кўк-қизил нахўтақлар, нопормон эрбаҳолар орасида узокдан қип-қизил **гиламга ўхшаб** кўзга ташланадиган – қийғос очилган долақизғалдоқлар эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Девортошлар рахи, дарвозалар остонасигача **гиламдай** ястаниб ётар, пичиқ нам хиди димоққа урарди (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё).

## ГИЛОС

### ГИЛОСДАЙ (КАБИ)

*Қизил*, қип-қизил. Асосан, лаб ҳақида.

Дилдор **гилосдай қизил**, чиройли лабларига ёйилган табасум билан бошини силкиди (Ойбек. Навоий). **Гилосдай** бир лабдан бўса олгунча, Баъзан бир йигитлик кетади увол (Ғ. Ғулوم. Ёз). Она бағрида ҳам оташда куйиб, **Гилосдек** лаблари курғаб зиёда, Нажоткор сийнага бошини қўйиб, Жон берган гўдақлар йўқми дунёда? (Ж. Камол. Нажот майдони). Олтинранг сочлари елкалари узра сочилиб кетган, қайрилма киприкли кўзларини очиб юмганда **гилосдай қизил** лаблари ўз-ўзидан жилмайиб кўядиган қўғирчоққа, очиғи, ҳаммамизнинг ҳавасимиз келди (М. Ҳамидова. Ўйинчоқдан уялманг).

## ГУЛ

### (МИСОЛИ) ГУЛДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

1. *Яшнамоқ, очилмоқ*. Бениҳоя чирой очмоқ, гўзаллашмоқ.

Ҳаёт **гулдек яшнаб** борар кун сайин, Мен ҳам энди олисларни кўзлайин (С. Ҳаким. Олис юлдуз). У тонгда очилган **гул янглиғ яшнаб** ўтирган Маъсудага ўғринча қараб қўйди, холос (Ёшлик). Мана ҳозир **гулдек очилган**, етилган қиз шу тонг палласида қайси йигитнинг эшигини қоқади-ю, қўлига қоғоз тутқазади (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Салим ота, – деб мурожаат қилди, – келинимиз сизнинг паноҳингизда **гулдай очилиб** кетибдир. Кўриб сизга ихлосим ортди (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Аллоҳим, ҳайратдан айирма мени, Бенасиб қилмагин ифтихорингдан. Ҳавас гунчалари **гулдек очилсин** (А. Орипов. Ҳикоят). Шунда чиройли Ойгул **Яшнаб мисоли бир гул**, Ундан бир сўроқ қилди, Тарашадай қоқ қилди (Х. Олимжон. Ойгул билан Бахтиёр).

2. *Нафис, нозик*, чиройли, гўзал.

Кўзимдан кетмас ҳеч нозик адоси, Сухбати, ўлани, савтисадоси, Кўлдай тиниқлиги, селдай шўхлиги, **Гулдай нафисли-**

ги... бўлдим гадоси (Миртемир. Кўнглим). Бироқ Клара Жамоловна кутилмаган бир чаққонлик билан оппоқ момиқ қўлларини Музаффарнинг бўйнига ташлади-да, **гулдай нозик**, ним пушти ёноқларини унинг пальтосига ишқаб, ўкириб юборди (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Ҳозиргина **гулдай нафис** туйғулар ичида юрган Бобурга ўлим хабари шу гул орасидан чиққан илон бўлиб туюлди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Севгилим, Севгилим, Оғрийди дилим. Жоним оғрийверар сизни ўйласам. **Гулдай** юзингизни силар энди ким? Мени эслармисиз-йўқми ўшал дам (М. Юсуф. Мактуб).

3. Ёш, навқирон; файзли, обод.

**Гулдай** умрлари ҳар замонда бир келиб кетадиган эрнинг дастидан хазон бўлаётгани, айниқса, фарзанд кўрмай ўтаётган ёш хотинлари учун даҳшатли фожиа эканини Акбар уларнинг дил ёриб йиғлаб гапирган пайтларида билиб қолади (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). **Гулдай** умринг кулдай тўзиб кетмоқда, Кимни кутиб ёшинг қирқдан ўтмоқда (М. Юсуф. Айт). Айниқса, онасининг қутқуси билан босган кейинги қадами – **гулдай** бир қизини олтмиш уч яшарли кекса ит ялоғига келтириб ташлаши – мойи тугаган жинчиरोқ сингари лип ёниб, лип ўчиб турган умр чироғини биратўла ўчирди-қўйди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Билки, энди Яхшибоевнинг сариқ чақалик кадри йўқ, бугун мени бўшатишди, эртага сени бўшатишади, ғорат дегин, болам, паторат бу, **гулдай** рўзғоримиз шундайин тарқа-аб кетса-я!.. (М. М. Дўст. Лолазор). Сайхун соҳилида кўчманчилик қилиб юрган Бароқбек ботир Ясси ва Сигноқ шаҳарларини забт этиб, шаҳар теварагидаги **гулдай** кишлоқларни талон-торож қилган эмиш (О. Ёқубов. Улугбек хазинаси). Ўзларининг **гулдек** ватанлари бўлиб, бегона юртларда дарбадар, сарсон-саргардон бўлсалар!.. (Шукрулло. Тирик руҳлар).

4. Жуда яхши, ҳар жихатдан маъкул. Иш-хунарга нисбатан.

Йигитнинг қўлида **гулдай** хунари бор экан, бўйдоқ экан, уй-жойи тайин экан (Ойбек. Қутлуг қон). **Гулдай** хунари бор-а, аммо чолга пўлат сандиқларни қандай очиши-ю, қулфларни қандай усталик билан бузишини айтсинми? (Т. Малик. Шайтанат). Қўлимда **гулдек** хунарим бўлса, умр бўйи хизмат қиламан десам, ҳоким кўнмасмикан? (М. Қориев. Спитамен). Бўлмаса, Шерқўзи **гулдай** хунари – ўқитувчиликни ташлаб таксичиликка ўтармиди! (М. Очил. Солдат ови).

5. Сўлмоқ, кўнгли эзилмоқ, ғам-аламдан азобланиб, ўзини олдирмоқ.

Тошлон ўлди, деган ким, ахир? **Гулдай сўлди**, деган ким, ахир? (Миртемир. Сурат). Тоза **гулдай сўлар** бўлдим мен эмди, Дарёдай бўп тўлар бўлдим мен эмди (Кунтуғмиш). *Кўнглим гулдай эзилиб*, Кўзимга ёш тўляпти. Эҳ, куёшга осилиб, Ботиб кетгим келяпти (М. Юсуф. Ғирот минган...). Келсанг, кундай куларкан, кетсанг, **гулдай сўларкан**. Ойдаи тўлишган жувон Қиздай ширин бўларкан (А. Ўктам. Қизғаниш).

## ГУЛДУРАК

### ГУЛДУРАКДАЙ

Жуда йўғон ва баланд, *қўрқинчли*. Овоз ҳақида.

Ошнонинг майин овозига ўзининг **гулдуракдай** овозини кўшди (М. М. Дўст. Лолазор). Шаҳнозанинг қулоғи остида **гулдуракдек қўрқинчли** овоз янгради (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Девдай бир одам, овози **гулдуракдай**, ўйлаганини шарт-шарт айтаверади. Чўчиш деган гап йўқ (М. М. Дўст. Лолазор). Даминнинг жуссаси кичик бўлгани билан овози **гулдуракдай** эди (Т. Малик. Сўнгги ўқ). Унинг бўйи новча, пешонаси кенг, калласи катта, овози **гулдуракдай** эди (С. С. Бухорий. Табаррук зиёратгоҳлар).

## ГУЛХАН

### ГУЛХАНДАЙ

*Ловуллаб ёнмоқ*, кучли алангаланмоқ, қизармоқ; қизғин тус олмоқ. Конкрет ва мавҳум ҳолат-ҳаракатларга нисбатан.

Уфқ улкан **гулхандай ловуллаб ёнар**, олисдаги қорли тоғлар чиқаётган офтоб нурида кумуш сочилгандай ялтилар, кекса қайрағочлар билан ўралган эски қабристонни кушлар нағмаси тутган эди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Чўпон **гулханидай** чўғланиб турар. Бир туп жонон ўрик ой ёғдусида (Ж. Камол. Бир туп жонон ўрик). Сухбат гўё шабада теккан **гулхандай ловуллаб** кетди (О. Ёкубов. Кўҳна дунё). Кел, юрагинг – коса, ишқингни эт шам, Тилингни **гулхандек** гуруллашиб ёқ (С. Ҳаким. Боғ ичида). Қалбларга муҳаббат ташлаган учкун, **Гулхандай ловуллаб** борарди чунон (Ж. Жабборов. Тоғлар садоси). Инобат кўзларини юмиб, ўзи чалаётган куйдан ўзи таъсирланиб тебранар, гоҳ кўзини очиб офтобда **гулхандек ёнаётган** адирдаги лолаларга қарар, гоҳ бошини сал орқага ташлаб шифтдаги қалдирғоч уясига тикилганича киприк қоқмай туриб қоларди (С. Аҳмад. Хазина).

## ГУМБАЗ

### ГУМБАЗДАЙ

Жуда семиз, бесўнақай. Одам ҳақида. Баъзан: кўп, катта. Нарса ҳақида.

Жавоб берар унга қўшни сўридан Тоғаси, **гумбаздек** кал Бадир (Ж. Камол. Ражаб Ашуров достони). Эшниеъ қари бияда **гумбаздек** бўлиб ўтирипти (Ш. Холмирзаев. Қил кўприк). Шокир бува уни уришмас, аксинча, ялангоёк, қорғи **гумбаздай** Нозимни бағрига босиб, «Бўйларингдан айланай, Нозимхон тўрам» деб, бошини силаб кўярди (Ў. Мирзаёр. Ямок). Улфатлар чойхонада ошни **гумбаздай** қилиб суздилар (Сўзлашувдан). Бир чеккада **гумбаздай** ўтирган Шойим йўғон тўсатдан тилга кирди (Н. Норқобилов. Ғанимлар).

## ГУНОҲҚОР

### (ХУДДИ) ГУНОҲҚОР (ОДАМ)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Бўйинини қисмоқ, бошини эгмоқ* ва шу каби ҳолатлар билан хижолатликни ифода этмоқ.

Ҳикматилло **худди гуноҳқор одамдай** кўзлари жавдираб, стулга омонатгина ўтирди (О. Ёкубов. Биллур қандиллар). Бори-да... – деди **гуноҳқор одамдек бўйинини қисиб** (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Ичкарида Зирилламадан келган хотинлар бировга аралашолмай **худди гуноҳқордек мунгайиб туришарди** (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Йигит остонада **гуноҳқордек бошини эгиб** турарди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Агар ёнида Мастура **гуноҳқор боладай мунгайиб** ўтирмаганда, балки ярим йўлдан қайтиб кетар эди (О. Ёкубов. Матлуба).

## ГУРЗИ

### ГУРЗИДАЙ

Оғир, катта. Асосан, одамнинг мушти ҳақида.

Адолат истаб бақиргани учун ўк емаган тақдирда ҳам бўйинига Владнинг **гурзидай** мушти тушиши тайин (Т. Малик. Шайтанат). Ғуломжон Мирқосимни бўғиб ётган ерида Ҳаёт томонга қаради-да, Ҳаётни Соли совуқ шафқатсиз камчилаётганини кўриб, Соли совуққа ташланди. Ғарданига **гурзидай** мушт билан туширди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Новчанинг **гурзидай** мушти унинг қўлига тегди (М. Ҳазратқулов. Чироқ ўчмаган кеча). Қаландар йигит Матпанонинг **гурзидай** муштирага кўрка-писа разм солди-ю илжайди (С. Сиёев. Аваз).

## ГУРУЧ

### ГУРУЧДАЙ

*Оппоқ, майда*, бир текис, бежирим. Одамнинг тишлари ҳақида.

– Поздравляю, – деди қиз жилмайиб. Унинг тишлари **гуручдек оппоқ** эди (Ў. Умарбеков. Одам бўлиш қийин). Кўрамиз ҳали! – деди **гуручдек** тишларини ярқиратиб. – Шошмай тур, сени кўчада иштонсиз қолдирмасам, отимни бошқа қўяман (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Йўлчи **гуручдек-гуручдек** икки тишини оғзидан олиб Йўлдошнинг хотинига кўрсатган эди (Н. Юсуфий. Ҳаёт сўқмоқларида). Бобо унинг **гуручдек майда**, садафдек текис тишларини аниқ-тиниқ кўраётганидан кўзига ишонмаса-да, жондорни қизиқиб бош-оёқ кузатди (Х. Дўстмуҳаммад. Жажман).

## ГЎДАК

### ГЎДАКДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Беғубор, пок, ёқимтой*. Асосан, катта ёшдагилар ҳақида.

Келинчак ҳар куни уч маҳал ибодатдан олдин оёқдан юзгача яхшилаб ювинар ва олий тангрилари ҳузурига **гўдакдай пок** бўлиб боради (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Кўзлари чўлпондай чараклаб турадиган, юзлари сутга чайилгандек тиниқ, **гўдакдай ёқимтой** бу маъсума фақат ҳуснда эмас, илм ва назм бобида ҳам беназир эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Уларни биламан, улар пок бўлар, Юраги **гўдакдай беғубор** бўлар (Ш. Раҳмон. Гуманоидлар). Баҳор норасида **гўдакдай** ширин, Кўйнида эзгулик армон яширин (А. Орипов. Баҳор тилаклари). Турар у **гўдакдай беғубор** кулиб, Балки, кулгиси ҳам биздан мерос бу (А. Орипов. Генетика).

2. Беозор, тортинмасдан *йигламоқ, ухламоқ, дудуқланмоқ*, кулмоқ ва шу каби ҳаракатлар қилмоқ. Катталар ҳақида.

Қиёмат кунини эслаб **гўдак каби йиглайди** (Х. Султон. Бобурийнома). Худди шу дақиқадаги туйғуларини, онаизорининг юрак уришини, **гўдак каби кўз ёи тўкишини** ўғил ва набираларига сўзлаб берар, ўзи ҳам кўз ёшларини тия олмасди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Унинг кўзи юмилиб, **гўдаклардай** енгил, ёқимли *пишиллай бошлаши* биланок, Салтанат учар гиламга ўтириб, ёстикни кучоқлаганича, сафарга жўнади... фронтнинг у бошидан кириб, бу бошидан чикди, дарёлар кечди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Ҳамдам тили

чиқаётган **гўдакдай** дудуқланди (А. Кўчимов. Қочоқ). Кечалари **гўдакдек** Ухлаб қолганда дунё, Шаҳар тушига кирар Суви сиғмаган дарё (Х. Даврон. Қақнус).

## Г Ҷ Р И С Т О Н

### ГҶРИСТОНДАЙ

*Осуда, жимжит; хувулламоқ, кимсасиз бўлиб қолмоқ. Ҷрин-жой, макон ҳақида.*

Қалъа деворлари ортидаги сарой гумбазлари эски дахмалардай вазмин қорайиб турар, қалъа ҳам улкан гўристонни эслатар, **гўристондай** сирли ва *осуда* эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Кўча юзидаги уйлар, пахса деворлар, қўл чўзса тегадиган болохоналар **гўристондай жимжит** (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Лекин ҳозир боғлари туташиб кетган бу қишлоқлар ҳам ташландиқ **гўристондай хувуллаб қолган**, одамлар қаёққадир қочган, яширинган, икки томони пахса девор билан тўсилган тор кўчалар, ҳатто гулзорлар ҳам кимсасиз эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Мана энди ҳамма ёқ жимжит, гўё ташландиқ **гўристондай хувуллаб қолган**. (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

## Д

### ДАВАНГИР

#### ДАВАНГИРДАЙ

Жуда гавдали, бакуват, бесўнақай. Эркак киши ҳақида.

Ашуртой ака ҳаддан ташқари дароз, сергўшт, суякларини бузуқ, **давангирдай** одам эди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). **Давангирдек** бир йигит гал бермай унга мушт тушириб турипти (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Умид Робертнинг даҳанига бир мушт туширди. Бир зарбдаёқ **давангирдек** йигит полга росмана ағдарилди (Мирмуҳсин. Умид). Ўғли хизматни битириб қайтгач, Элчиев уни таниёлмай қолди: рўпарасида ўзига иккита келадиган **давангирдек** бир йигит турарди (Ёшлик).

### ДАНАК

#### ДАНАКДАЙ

Жуда кичкина, увоқкина.

Еб-ичиб ўтиришни, одатдагича, хушомадгўйлик билан таклиф қилди. Бойвачча **данакдай** нонни оғзига ташлаб, вақти зиклигини билдирмоқчи бўлди (Ойбек. Қутлуг қон). Ана шу потирлаш асносида гўё юрагидан **данакдай** парча ажралиб чиқди-ю, бўғзига келганда қадалиб қолди (Т. Малик. Шайтанат). Узоқ йўлларда шайх Аълойига ўлат юққан экан. Бирдан иситмаси кўтарилиб, бўйнида **данакдай** шиш пайдо бўлди. (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Ноиложликдан тилининг тагига **данакдек** тошчани ташлаб, йўлида давом этди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Тўтидан бўшаб қолган қафасга **данакдек** чўчка ёғи ташлаб қўйса, кифоя (Т. Малик. Шайтанат).

### ДАРЁ

#### (ХУДДИ) ДАРЁДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ЎХШАБ)

1. *Оқмоқ*. Кўп миқдорда оқмоқ. Кўпроқ қон ҳақида.

Саройда султоннинг кунлари шу тариқа ўтарди. Аммо Сайхун бўйида тинимсиз жанг кетар, қон **дарёдай** оқарди (Мирмуҳсин. Темур Малик). Мақотил икки бўлиниб, ағнаб қол-

ди, кони **дарёдай** оқиб кетди (Малика айёр). **Дарёдек** оқувчи қонларнинг таърифи, Шул эди минг йиллаб битилган тарихинг (Чўлпон. Диёрим). Эҳтимол, мана бу хандақ бағрида қон **дарё каби оққандир** (Н. Жалолиддин. Умар Хайём).

2. *Оқмоқ*. Ҳисобсиз даражада муайян жойга тўпланиб келмоқ. Одамлар, бойлик, фойда ва шу кабилар ҳақида.

Жума кунлари Афшона масжидига яқин теварақдаги қишлоқларгина эмас, ҳатто Бухородан ҳам намозхонлар **дарёдай** оқиб келар... эди (О. Ёкубов. Қўҳна дунё). Зиёратчиларнинг янги-янги гуруҳлари **дарёдай** оқиб келиб турибди (Х. Султон. Бобурийнома). Зурриёд қолдириш иштиёқида завқ-шавқ ила жуфтларини излаб чулдирашаётган қушлар **дарёдек** оқиб келаётган тумонат одамдан чўчиб, олис-олисларга учиб кетмоқда эди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Буни кўрган беку аёнлар ва бошқа одамлардан назру ниёзлар **дарёдай** оқиб келарди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Сўнг катта ўғли Ҳакимбойваччанинг нахта савдоси юзасидан ўрис фирмалари билан яқинда тузган шартномаси устида ўйлаб, бу ишнинг қалтис томони сира йўқлигига ва тажрибақор ақлининг кўрсатишига мувофиқ, бу ишдан фойда **дарёдай** тошиб келишига яна чуқурроқ ишонгач, завқланиб кетди (Ойбек. Қутлуғ қон). Ихтиёридаги вақфлардан беҳисоб бойликлар **дарёдай** оқиб келади (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар).

3. *Тошмоқ, тўлқинланмоқ, жўшмоқ*. Инсоннинг ҳаяжонли ҳиссий-руҳий ҳолатлари ҳақида.

Шодлигимдан **дарё каби тошаман**, Сени кўрсам яшаради юрагим (Ҳ. Олимжон. Муқанна). Болалиқдан ўтиб мен ҳам, бўй етиб секин Гоҳо пинҳон, гоҳо асов **дарёдай тошиб**, Бир ёш йигит севганчалик севдим-у, лекин Бошқалардай толе менга бўлмади насиб (А. Орипов. Муҳаббат). Юрагим, бунчалар шошмасанг эди, Ўзансиз **дарёдай тошмасанг** эди (Т. Сулаймон. Қолмиш). Оҳ, бу қандай бахтиқаролик! – дея юракдан ачинади **дарёдай тўлқинланиб** турган оломон, – яна қандай кўргиликлар бор бу муштипар халқ бошида (Ж. Абдуллахонов. Гарки дунё). **Дарёлар сингари** кўнглим *жўшқинди*, Бир тола сочинг-ла боғланиб қолдим (Ойбек. Узоқдан туриб...).

4. *Шовулламоқ*, бир текис шов-шов деган овоз чиқармоқ. Да-рахтлар, боғ, ўрмон ва шу кабилар ҳақида.

Этни жунжиктирувчи совуқ шабада эсар, йўл бўйидаги да-рахтлар ҳамон тундагидай эгилиб-эшилар, рўпарадаги «Боғи майдон» **дарёдай шовулар** эди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Япроқлари сийраклашиб қолган ярим яланғоч боғ **дарёдай** сокин *шовулар*, чирс-чирс узилган хазонлар ҳавода пир-пир учиб

оёқ остидаги «гилам» устига унсизгина кўнар эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Само артилган чиннидай тиник, юлдузлар чарақлаб турар, лекин шаъбон ойи ўз кучига кирган, тоғдан ғасаётган изғирин остида дарахтлар *дарёдай шовулар*, кекса тут ва садалар нола чекаётгандай чийиллар, ғийтилар эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

5. *Оқмоқ, ўтмоқ*. Инсоннинг умри ҳақида.

Замона нотинч, юрт алғов-далғов, ҳаёт ҳамма жойда худди лойқалатилган *дарёга ўхшаб оқади* (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Жоним, умрим ўтди фироқда, Умрим кетди *дарёдай оқиб* (У. Азим. Сен... мен). Ҳаяжону завқдан бегона Тинч *дарёдай жим оқди* умрим (У. Азим. Сен йўқ эдинг...). Яшардим ўзимга муз каби боқиб, Ишқ келди, жўнадим *дарёдай оқиб* (У. Азим. Умримни бир олис ишққа алмашдим...). Кейин аста хира тортди нур, Аралашди оқ, яшил, мовий, Болалиқдан кейинги умр *Дарёдек тинч оқа бошлади* (Х. Даврон. Оппоқ эди бошда бу дунё...). Миртемир дунёдан *дарёдай оқиб* ўтди, алам, ғашликларга ботиб кетди (А. Расулов. Толерантлик ва руҳий покланиш).

## Д Е В

### ДЕВДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Забардаст, бақувват, баҳайбат*, улкан, кучли. Одам, хайвон ва бошқа нарсалар ҳақида.

Гап ўша қимиздами, йўқ, ўша сулув қизда, Наинки маст, *дев каби* норғулман, *забардастман* (Миртемир. Қимиз). Бир аёл кишини *девдек* эркак тутиб олиб, шундай калтаклайдики, унинг оқи-додига чидаб бўлмасди (Шукрулло. Тирик руҳлар). Бўйи паст, суғдиёналиклардан фарқ қилмайдиган бу одамни кўришиб, Искандар одамлари *девдек* бўлади, деб эшитгандик, улар ҳам ўзимизга ўхшар экан-ку, деб таажжубланишарди (М. Қориев. Спитамен). *Девдек* одам уч-тўрт ой ичида чўпдек озиб, ранги заъфарон бўлиб кетди (Э. Аъзам. Ступка). Кўз ўнгига кўк оти келди. У *девдай бақувват* эди (Э. Самандар. Султон Жалолiddин). *Девдек* машина у ёққа бурса, у ёққа бурилади, бу ёққа бурса – бу ёққа (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Ёмғирни севарди у, ёмғир кўтарган – Ўша *девдай баҳайбат* булутларни-да (Ж. Камол. Тош туғён).

2. *Ишламоқ*. Чарчоқ нималигини билмай меҳнат қилмоқ.

Бу одам *девдек ишлайди*. Ёлғиз ҳозирги пайтда теваракдан биронта бойга тўғрилаб қўйиш жуда кийин-да (Ойбек. Қутлуғ кон).

## ДЕВОНА

(МИСЛИ) ДЕВОНА(ЛАР)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ҶХШАБ)

Ғайриодатий, телбаларга хос ҳаракатлар қилмоқ.

Умрида тўртта одамнинг ўртасига чиқиб қўл кўтармаган йигит, дам-бадам **девоналардай** ўзидан-ўзи бармоқларини қисирлатиб ўйинга тушар эди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Бунақа кечаларда **девоналарга Ҷхшаб** дайдиб юрмагин (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Темиржон гаранг бўлиб, **девонадай** довдираб юрган кунлар профессор Жамолов уни ҳузурига чақириб қолди (Ж. Абдуллахонов. Орият). Сўнгги кунларда **девонага менгзаб** галати қилиқлар қилар эди занғар (С. Сиёев. Аваз). Шоир шеър ёзганда ё ўқиганда Гоҳ қулар, гоҳ йиғлар **Мисли девона** (А. Хўжа. Шоир шеър ёзганда).

## ДЕВОР

ДЕВОРДАЙ (КАБИ, ЯНГЛИҒ)

1. *Ўрамоқ, тўсмоқ.* Бир текис, зич ҳолатда чегараламоқ.

Атрофни **девор янглиғ** қалин наъматак *ўраб олган* (А. Кўчимов. Бир жуфт олма). Бироқ дарвозани **девордек тўсиб турган** навкарлар унга йўл бермадилар (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Навкарлар яна **девордек** бўлиб, дарвоза йўлини *тўсиб олган* эдилар (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Ўткир ака узоқда, ўнг томонимизни ердан осмонга довур **девордай тўсиб ётган** ҳайбатли Ҳисор тизма тоғларига бирпас тикилиб қолди (А. Кўчимов. Қовурдоқ). Чўл ўртасини **девордек тўсиб** ўтган дўнгни ошиб ўтганимиздан кейин йўл гавжум бўлиб қолди (С. Аҳмад. Чўл бургути).

2. *Оқармоқ, оппоқ бўлмоқ.* Чарчоқ, кўркув, ғазабдан ранги ўчмоқ ёки одатдаги рангдан бошқа тусга кирмоқ; туйғудан маҳрум, *ҳиссиз*.

Дадасининг **девордай оқарган** сўлғин юзини, кўркув чўкиб аянчли жавдираб турган маҳзун кўзларини кўрганида бонунинг ўпкаси тўлиб, «култ» этиб ютинди (О. Ёқубов. Улуғбек хази-наси). Унинг вазоҳатидан одам кўрқулик, ранги **девордай оқарган**, оппоқ қошлари тагидаги кўкимтир кўзлари қон талашган (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Фуломжон ёқаларини ушлаб, фақат: «Э, тавба! Э, тавба!»гина деяр, марҳамат, ҳақиқат тилагандек ғамгин, эзгин боқиш билан гоҳ **девордек ҳиссиз** Соли Совуққа, гоҳ калтакесакдек совуқ Жуман Писмиққа термилар эди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Ўзинг-чи, нега ўзинг индама-

динг? – деди Зумрад ранги **девордек оқариб** (Э. Усмон. Тузоқ). Ранги **девордай оппоқ** бўлиб, кўли кўксиди, ярим букилганича мени кузатиб колди (С. Кокилов. Жаҳли тез одам).

## ДЕНГИЗ

ДЕНГИЗДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, МИСОЛИ, ЯНГЛИҒ)

1. *Тўлқинланмоқ, чайқалмоқ, гувулламоқ.* Кўп сонли одамлар тўдасининг, оломоннинг маҳобатли ҳаракати, шовқин-сурони, шунингдек, алғов-далғов, нотинч ҳаёт ҳақида.

**Денгиздай тўлқинлаётган** бир неча минг кишилик оломон адолатга ташна эди (П. Қодиров. Шохруҳ ва Гавҳаршод). Шаҳарнинг машҳур Хон Маржон карвонсаройи рўбарўсидаги сайхонлик игна ташланса ерга тушмайдиган даражада одамга тўлиб кетган, **денгиз мисоли тўлқинланарди** (М. Али. Улуғ салтанат). Халқ **денгиздай чайқалди**, ҳали эна сути оғзидан кетмаган бу бола қандай каромат кўрсатаркин деб, минглаб кўзлар унга қадалди (Б. М. Али. Кўктўнлилар). **Денгиздай чайқалиб** турган оломон ҳар томондан ёпирилиб келиб, миршаблар маҳкамасини қуршаб олди (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Устознинг бошига сиртмоқ ташланди, аммо шу пайт ҳамон **денгиздай гувуллаган** оломон узра яна ўша илоҳий овоз янгради (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Давлат майдонини зир титратган ногоралар гумбури, осмону фалакни ларзага келтирган карнай садолари тиниб, **денгиздай гувуллаган** оломон бирдан сув қуйгандай жим бўлди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Ҳарҳолда шу нарса аниқ бўлмоқдаки, ...инкилобий талотўплар даврида дунёга келган истеъдодли кишиларнинг **денгиз янглиг** тинимсиз **чайқалиб турган** ҳаётдан ўз ўринларини топишлари ва, айниқса, ижод билан шуғулланишлари қийин кечар экан (Н. Каримов. Муҳаммадшариф Сўфизода).

2. *Поёнсиз, беҳудуд, кенг, катта, тугамайдиган.*

Сув омбори дегани **денгиздай поёнсиз**, чайқалиб ётарди. (М. Ҳазраткулов. Кўккўл). Шукронаки, ўзгаларнинг, нафчил мухлисларнинг шукронаси билан қўшилиб, хирмон бўлиб, дарёдай мўл, **денгиздай беҳудуд** афсонага айланади (М. М. Дўст. Лолазор). Саҳройи ўзбекман, толеим кулиб, Муқимман, ўз юртим билан ҳаётман. Ва лекин, дунёда шамолдай елиб, **Денгиздай кенг** қалбни ахтарган зотман (А. Орипов. Денгизга). Унинг саҳийлиги шундаки, **денгиздек** бир бойликка кўзи тушса ҳам, ундан хомтама бўлмайди, лекин кўлида малҳами бўлса-ю, яра кўрса, уни ҳеч аяб ўтирмайди (С. Олим. Меҳр ва мурувват – миллий фазилатимиз).

## Д О В У Л

ДОВУЛДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

*Елмоқ.* Шиддат билан, ўта тез ва жаҳд билан ҳаракат қилмоқ.

Тиш-тирноғигача қуролланган юзлаб отлиқлар **довулдек** чўл бағрини тилиб, *елиб боришмоқда* (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси). Ёғий **довул янглиғ** бостириб келаётган асно оқимга қарши чиқмоқликдин ўзга чора бўлғайми (Э. Самандар. Султон Жалоллиддин). **Довулдай елганинг елган**-да, Азочка, – дерди Мария Власовна зорланиб, – худо ярлақаб, битта-яримтани яхши кўриб колсанг, балки сал қуйилармидинг (А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат). Кўзлари, ҳозирок, ҳозирок... ортга қайтиш, ортга қайтиш... наинки қайтиш, **довулдай** уйига кириб бориб аёлининг сочидан отнинг думига боғлаб чиқиш иштиёқида ёнди (Ш. Бўтаев. Қора туман).

## Д О К А

ДОКАДАЙ

*Оптоқ; оқармоқ.* Кўркув, ғазаб каби ҳиссий ҳолат натижасида оқ рангда бўлмоқ ёки одатдаги рангдан бошқа тусга кирмоқ. Асосан, одамнинг юзи ҳақида.

Домла Шомуродов қалт-қалт титраб ўрнидан турмоқда, унинг дағал, ялпоқ юзи, кўллари **докадай оқариб кетган эди** (О. Ёкубов. Диёнат). Ойнадан термулиб сочингни силайман, Юзингдан ўпаман **докадек оптоқ** (М. Юсуф. Туғруқхона). Э, кечирасиз доктор, – Ҳатамжон Мирсидиқни кўриб қолиб, **докадек** юзига қон югурди (Ў. Умарбеков. Ҳаёт кўшиғи). Онам яна нималардир дедилар-у, овозлари чиқмади. Ранглари **докадай оқариб** деворга суянганча орқалари билан сирғалиб тушиб, ҳушдан кетдилар (Х. Дўстмуҳаммад. Беозор қушнинг қарғиши). Юзи **докадай оқариб кетган** Малик муаллим бир култум сув ичганидан кейин аранг кўзини очди (А. Кўчимов. Оқ каптарлар ороли).

## Д О Ш Қ О З О Н

ДОШҚОЗОНДЕК

*Қайнамоқ.* Тинимсиз ва жунбушли ҳаракатда бўлмоқ. Бир жойда тўпланган оломоннинг ҳаракати, гап-сўзи, шунингдек, тараф туйғулар тугёни ҳақида.

Меҳржоннинг оёғи, ҳадемай Самарқанднинг қаҳратон киши келгай. Илло бозор **дошқозондек қайнайди** (С. Сиёев.

Ясавийнинг сўнгги сафари). Риштони дилкушо уч кундан буён дошқозондек бикирлаб қайнаб турибди (Х. Тўхтабоев. Йиллар ва йўллар). Табиийки, Бобур номи туфайли миллий-диний эҳтирослар дошқозондек қайнаб ётган бу мамлакатга ёнбошига «Бобур экспедицияси» деб ёзилган машина билан кириб бориш ғирт нодонлик бўлур эди, албатта (Х. Султон. Бобурийнома). Усмон тоғам хонтахтани тапиллатиб, холаларимни инсофга чақирдилар. Лекин улар қайнаб турган дошқозондай вақирлаб, гапларидан қолишмас эди (М. Мансур. Жудолик диёри).

#### ДУМ

#### ДУМДЕК

Ажралмасдан юрмоқ, доим эргашиб юрмоқ.

Маҳмуд икковимиз болаликдан унга ҳавас қилиб, кетидан думдек эргашиб катта бўлганмиз (Э. Аъзам. Ступка). Ўшанда оғайнисидан ҳар тепки еганда, у ўксик ўйларга берилган. Нега мен бунга думдай бўлиб юрибман ўзи, деб ўйлаган. Амалига-ям, ўзига-ям тупураман деган (Н. Норқобилов. Ғанимлар). Кунча ўғлон ҳам бежизга сиз билан менга, қолаверса, Темурга думдек эргашигани йўқ (Н. Қобул. Тахт тагидаги зиндон).

#### ДУО

#### ДУОДАЙ

Тез-тез қайтармоқ, бот-бот такрорламоқ, ёд айтмоқ.

Унсин бояги гапни дуодай тез-тез қайтариб, кўркувни ўзига йўлатмаётган бўлса ҳам, кўнглига «ўликнинг қорнимикин» деган гаплар келди-ю, юраги орзиқиб, оёғини дарров суғуриб олди ва чуқурда қолган бир пой кавушини олгани юрак қилолмай маҳсичан кетаверди (А. Қаҳҳор. Даҳшат). Ҳижронлар ханжарин қайраган пайти Дунёдан кўз юмиб кетсам ногаҳон, Бир сўзни дуодай уч бора айтинг, Тирилиб келаман шунда бегумон (А. Анвар. Севгилим, исмингиз қандай чиройли). Мен сени изладим, Паризод, Номингни дуодек Қилиб ёд (Қ. Дехқон. Шерьят).

#### ДУР

#### ДУРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

1. Ноёб, қимматбаҳо.

Тафаккур дур каби ноёблигидан Мудом тутмиш макон чанок ичинда (С. Ҳаким. Гўзал шу боғ ичинда). Қирқин қизи бирдай

бўлиб, Жаннатдаги хурдай бўлиб... Оғзидан чиққан сўзлари кимматбаҳо **дурдай** бўлиб, Ноз билан ойим жўнади (Қундуз билан Юлдуз). Бу китобнинг уммон қаъридан чиқарилган **дурянглиғ қимматбаҳо** маълумотларидан она шаҳрим Ромитанга меҳру муҳаббатим ўн чандон ошди (Ғ. Каримий. Буюк муаррих).

2. Оппоқ ва ялтирайдиган. Кўпроқ одамнинг тиши ҳақида.

Ойдаи жамолига зеб бериб турган **дур каби** тишлари эса умр ўтиши билан жилосини йўқотиб, соҳибасини тарк этди (У. Рўзиев. Райҳонли уй). Равшанбек зехнини қўйиб қараса, ясанган хурдай, тишлари **дурдай**, кўзлари юлдуздай, кошлари кундуздай, лаблари қирмиздай, оғизлари ўймоқдай, лаблари қаймоқдай, икки юзи ойдаи, тарлон-қарчиғай учадиган қушдай, муҳрланган қоғоздай ялт-юлт этиб ўтирибди. (Равшан). Еттига тўлмиш, тўкилмиш Катта қизнинг тишлари, Оқ садафми ушбу ёнда – **Дур каби** дандонда қор (А. Орипов. Қор).

## Д Ҷ З А Х

### ДҶЗАХДАЙ

Азобга солувчи; бениҳоя иссиқ; ўта қизимоқ, ёнмоқ.

Салимни нукул **дўзахдай** Тар саҳроси томонга юбораётган ота Дониёлга Ганга бўйидаги жаннатдай жой – Оллоҳободни бериб қўйди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Мавҳум бир хаёл, интиҳоси йўқ бир хаёлга ўхшарди. Унутиб – унута олмайсан, хаёл суриб – кўз олдинга келтиролмайсан, хуноб бўлиб кетасан, дунё кўзинга **дўзахдай** кўринади (Н. Боқий. Гулзамира). Машқ пайти танкнинг ичи **дўзахдек ёниб кетади**. Танк ичи чиндан ҳам **дўзахдек қизиб** борар эди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

## Д Ҷ Л

### ДҶЛДАЙ

**Ёғмоқ, ёғилмоқ.** Қаттиқ тегадиган, азоб берадиган нарса (конкрет ёки мавҳум)нинг бирин-кетин, мўл-мўл тушиши ҳақида.

Лекин мирзоларнинг кўшини сон жиҳатидан беҳад кўп эди. Ўқлар **дўлдай ёғила бошлади** (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Эртага унинг устига **дўлдай ёғиладиган** тошларнинг оғриғи қанчалик даҳшатли бўларкин? (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Жавлон кампир Хабар топиб келди, Қаҳру ғазабидан титради томлар. Нинанинг бошига **дўлдай ёғилди** Таъналар, қарғишлар, дашномлар (Ж. Камол. Эшикда ой тўлқини). Инсон зоти зинҳор-базинҳор беташвиш, беғалва умргузаронлик учун келмайди бу

ёруғ дунёга, балки у йўқ ерлардан бошига **дўлдек** *ёгадиган* баллоқазоларни излаб-истаб топади (Х. Дўстмуҳаммад. Жажман). Карим ён-веридан бошига **дўлдек** *ёгаётган* саволларга ҳали жавоб бериб бўлмаган эди ҳамки, уни мактаб директорининг кабинетига чақириб қолдилар (О. Ёқубов. Каптар). Оташини **дўлдай** *ёгдирсин* осмон (М. Мирзо. Дуоибад).

## Д Ў М Б И Р А

(БАМИСОЛИ) ДЎМБИРАДАЙ

*Шишмоқ*; шишган. Кўпроқ қорин, кўз, қовоқ ва шу кабилар ҳақида.

Шундан кейин у кишининг **дўмбирадек** *шишиб кетган* қорнига булоқнинг муздек сувидан роппа-роса йигирма саккиз хуржун келтириб қўйдим (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). Сарвар чап оёғи синганини кейин, қор остидан бир амаллаб чиқиб олганидан сўнг сизди. Аъзонинг синиши қизик бўларкан: **дўмбирадек** *шишиб*, измингга бўйсунмай қўяркан (Н. Норқобилов. Ғанимлар). Илгари ойим фермага ишга кирмасидан аввал ола сигиримиз бўларди. Нафси ёмон бўлгани сабабли арқонни узиб, кўпинча боғимиз орқасидаги кўк йўнғичқадан кўп еб қўйиб, қорни *шишиб*, **бамисоли дўмбира** бўлиб кетарди (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). Ғўё зулмат қўйнида «йилт» этган чакмоқ шу заҳоти сўнгандек, Шоймирзанинг ёшли кўзлари **дўмбирадек** қовоқлари орасида ғойиб бўлди (Ғ. Шермуҳаммад. Баракасани берсин). Кампир бечора ўзини унутиб, чала тўйиш туфайли неварасининг кўзлари киртайиб бораётганига қуюнса, хўратомоқ бола **дўмбирадек** қорни кун сайин пучмайиб, белида иштон ўрнашмай қолаётганидан ичикиб юрди (А. Обиджон. Мешполвоннинг жанглари).

## Д Ў П П И

ДЎППИДАЙ

*Кичкина*, ихчам. Асосан, думалоққа мойил шаклдаги нарса, жойлар ҳақида.

Идорамиз унча катта эмас. Ҳаммамиз **дўппидай** хонада ўтирамиз (А. Абдуғафуров. Аччиқ йўтал). Етимқишлоқ **дўппидек** *кичкинагина* эди (С. Аҳмад. Жимжитлик). Кампирнинг **дўппидеккина** қозончаси бор экан, аям шунда ош дамларди (А. Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар). Энг пойғакда басавлат, сочлари кумушранг, ялтираб турган, **дўппидек** қоринчаси қимматбаҳо

кўйлагини туртиб чиққан қирқ яшар чамаси бир киши билан қорачадан келган, ранги совуқроқ бир жувон ўтиришарди (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Бугун **дўппидеккина** ош қиладиганга ўхшаб турибмиз (О. Мухтор. Эгилган бош). Отақўзи қалъа ичидаги тор кўчалар, бир-бирига тутшиб кетган уйлар, **дўппидеккина** ҳовлилар, мачитлар, дўконлар, хўроз ва қўчқор уриштирадиган бозор майдонларини элас-элас эслайди (О. Ёқубов. Дийнат). **Дўппидек** ҳовлича, ёзув-чизувим билан унга сиғмай, тепага – болохонага чиқиб олганман (А. Аъзам. Ватан ҳақида ёзишга кучим етмаган шеърим).

## Е

### Е Л

#### ЕЛДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Учмоқ, югурмоқ*, бениҳоя тез ҳаракатланмоқ, бениҳоя тез *ўтмоқ*; жуда тез, *учқур*.

Келишарди яқин-йироқ, ясов-ясов, Машиналар *елдай учқур*, оглар асов (Миртемир. Тўй). Тунда бориб олиб қочдим, келиб орим, *Елдек учиб кетаверди* жониворим (М. Юсуф. Ота). Бобур эса тўгрига кетган тор сўқмоқдан, қалин дарахтлар орасидан *елдай учиб боряпти* (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Ҳайдовчи йигит чаптастгина эди. Йўлда юришнинг конун-қоидалари бор, деб ўтирмай, машинани *елдай учириб* борди (Т. Малик. Шайтанат). Инсон умри, ахир, *елдек ўтади*, Бош кўтариб атрофинга карагин (Э. Воҳидов. Учи тугук дастрўмол). Чинорбек хаёлининг бир чеккасидан *елдек ўтган* бу фикрни ҳатто мулоҳаза қилиб улгурмаган ҳам эдики, бошини қўйган суянчиқ оҳиста орқага сурилди (Х. Дўстмуҳаммад. Жозиба). *Елдек* келиб, селдек ол-маса, рози эмасман (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Самандар найнов ҳамроҳининг олдидан *елдек учиб ўтди* (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Қариндош, акраболар қошига *елдек югургайсиз* (Ж. Камол. Хорижлик ватандошларга).

### Е Л И М

#### ЕЛИМДАЙ

1. *Ёпишмоқ*, қаттик, ажралмайдиган бўлиб бирикмоқ, қаттик ўрнашиб қолмоқ.

Бир хил нон. Қоп-қора сақичдай. Жониворга пичоқ ўтмайди, ўтса, *елимдай ёпишади* (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Азиз ўз ўрнига келиб ўтирганда ҳам ўша ёвуз фикр миясига *елимдек ёпишиб*, аста-секин уни қийноққа сола бошлади (Ў. Усмонов. Гирдоб). Ажаб, тупуги оғзидан чикди-ю, ёрилган лабига шилимшиқ *елимдек ёпишиб қолди* (Ў. Ҳошимов. Ўзбек иши). Қулоғига шипшиб айтилган ўша бир чимдимгина жумла Умиднинг тилига *елимдек ёпишди-қолди* (Х. Дўстмуҳаммад. Куза...).

2. *Ёпишмоқ*, бировга хиралик билан тирғалмоқ, хиралик қилмоқ.

Кўриб турибсан-ку, **елимдай ёпишиб олди** (О. Ёқубов. Излайман).

Ўз хатидан ўзи эзилиб кетган Музаффар тик турганча бир кадаҳ коньяк ичиб, хайр-маъзур қилмоқчи эди, бироқ қудагайи «кетмайсиз» деб, **елимдай ёпишиб олди** (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Бозордан чиқишда биттаси «Пул жудаям зарил эди, шу эчкини сотиб олинг» деб, **елимдай ёпишиб олди** (Ғ. Шермуҳаммад. Баракасани берсин). Сиз нега бу одам менга **елимдай ёпишиб олди**, нега мени тергагани тергаган деб, ранжир эдингиз (О. Ёқубов. Диёнат). Ҳозир яхши эркаклар тикилиб ётибди! Ҳар қадамда учрайди. Тегаман, десангиз бас, **елимдай ёпишиб олишади** (З. Куролбой қизи. Машаққатлар гирдоби).

## Е Л П И Ш Т О В О Қ

### ЕЛПИШТОВОҚДАЙ

Одатдагидан **катта, кенг**. Юмалоқ шаклдаги нарса, масалан, одамнинг юзи, нон кабилар ҳақида.

У одамларга пича қараб турди, кейин **елпиштовокдай кенг**, салқи юзи бирдан тиржайди, лаблари, қалин, каттакон оғзининг икки чеккасида қора зулукдай осилиб турган йўғон мўйловлари бир-икки учди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Балхдаги эсда сақлашга лойиқ иккинчи ҳодиса шаҳар марказидаги кўримсиз чойхоналардан бирида **елпиштовокдай катта** юпқа нон билан қилган кабохўрлигимиз бўлди (Қ. Кенжа. Буюклар изидан). Кўча эшиги тарақлаб очилишидан хаёли бўлинди. Ҳовлида **елпиштовокдек** дастурхонни аранг кўтарганича ойиси кўринди (Муштум).

## Е М О Қ

### ЕБ ҚҮЙГУДАЙ

**Тикилмоқ, ўқраймоқ, қарамоқ, ўта ғазаб ёки ҳирс билан қарамоқ.**

У Шералига **еб қўйгудек тикилиб қолди** (С. Кароматов. Олтин кум). Котибга **еб қўйгудай ўқрайди**-ю ўзи минбарга чиқди (М. М. Дўст. Лозазор). Ортимга қайтиб дўконга шошилдим. Кириб борсам Шодининг ўзи бор экан. Мени кўриб, **еб қўйгудек ўқрайиб қаради** (И. Исмоил. Соат қутисидаги маржон). (Азизбек) Орқасига ўгирилиб, Мирвалига қаради. У **еб қўйгудай бўлиб тикилиб** турарди (С. Аҳмад. Жимжитлик). Онабоши унга **еб**

кўйгудай бўлиб бир қаради-да, сўнг дераза томон ишора қилди (Ж. Эргашева. Қайтиш азоби). Бировлар Қутбиддиновга еб кўйгудек бўлиб ўқрайди (А. Жўраев. Ҳаёт ўйини).

## Е Т И М

ЕТИМ (ЧА) (БОЛА) ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Маъюс бўлмоқ, мунгаймоқ, ҳар кимга мўлтирамоқ, умуман, сиқинди, ночор ҳолатда қолмоқ.*

Шундай шўх бола ота-онаси тўғрисида гап чикса, **етимдек маъюс бўлиб** қолишини кўрган Мохим энага кўзига ёш олиб, шивирлаб ҳасрат қилди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Юрагидан сирқийсан тошга, **Етим каби мўлтираб** ҳар ён (Ж. Камол. Бир томчи қон). – Эпласаям, энлай олмасаям бировнинг уйида **етимчадек бошини эгиб** юришини ўйланг, дадаси, – у шу сўзни зўрға айта олди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Бу мовий кўзларинг сўзлар, кушим **етим каби бўзлар** (Э. Аъзам. Шоирнинг тўйи). Хаёллари ҳукмига ўзини топширган Зоҳид сувоқлари кўчиб, олачалпоқ бўлиб кетган, кўримсиз **етимдай мунгайиб** турган тўрт қаватли уйга келиб қолганини ўзи ҳам сезмади (Т. Малик. Шайтанат). Манзар полвон гуручли таом емайди, – деди Ғуччи чол. – Еса, томоғига тикилиб қолади. Бировлар ош еганда, **етимчадай** қараб ўтираверади. Кейин лаган бўшагандан кейин тагида қолган ёғнинг юки билан маҳсисини мойлайди (М. М. Дўст. Бир тойчоқнинг хуни).

ЕТИМ КЎЗИ(ЧОҚ)ДАЙ (КАБИ, ЯНГЛИҒ)

*Жавдирамоқ, бўзламоқ, мўлтирамоқ. Умуман, қийин, ночор аҳволда қолган одам ҳақида.*

Етар, яна меҳмонлар **етим кўзидай жавдираб қолишмасин** (А. Абдуллаев. Дард). У қамалса, Булоқбоши эгасиз қолади, **етим кўзидай бўзлаб қолади** (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Ҳар водийни бир-бир изладим, **Етим кўзи янглиғ бўзладим** (Х. Олимжон. Зайнаб ва Омон). **Етим кўзичоқдай** кўзинг *мўлтираб турса...* мен нима қилай? – деди ая яна жеркинқираб (О. Ёқубов. Биллур қандиллар). Хаёлида фақат бир жумла айланарди: «Ё Раб, хотинимни мендан тортиб олма, унга шифо бер, ёлғиз ўғлимни чирқиратиб, ўзимни **етим кўзидай** чирқиратиб қўйма!» (А. Абдуллаев. Дард). Ҳар ким зўр бир ташвиш чангалида қолганга ўхшар, мусибатдан нес ва гаранг бўлиб бир-бирларига **етим кўзилардек** боқиб сасланишарди (У. Ҳамдам. Кўзини очиб юмган одам).

## Ё

### Ёв

(ХУДДИ) ЁВ ҚУВГАНДАЙ

*Чопмоқ, югурмоқ, кочмоқ.* Жуда тез ва шошилиб ҳаракатланмоқ. Одам ҳақида.

Бу орада у ичкаридан чиқаётган охирги одамлардан ҳам ўтиб, икки-уч қадам лўкиллаб борди-ю, кейин **ёв қувгандек чопиб кетди** (М. Мансур. Жудолик диёри). Аммо оёққа туриши билан шифохонадан **ёв қувгандек**, ҳатто халоскори билан хайрлашмай чиқиб кетганди (Ж. Эргашева. Зулфизар). **Ёв қувгандек** эшик томон юрдим (З. Куролбой қизи. Машаққатлар гирдоби). Назар Махсум ҳам олисда, худди **ёв қувгандай** ортга қараш йўқ, тойхарини қичаб боряпти (М. М. Дўст. Дашту далаларда). Ўртадаги йўлдан отамларникига, ундан ташқарига **ёв қувгандек югургилашиб** чиқиб кетдик (М. Мансур. Жудолик диёри).

### Ёй

### Ёйдай

Ярим доира шаклида *эгик, эгилган; эгилмоқ, букилмоқ.* Асо-сан, одамнинг қадди-қомати, қоши, шунингдек, қилич ва шу кабилар ҳақида.

Бобурнинг яроғбардори олиб юрган тиглар орасида **ёйдай эгик** катта бағдодий қилич бор эди, Бобур бир-икки марта таққанда жуда оғир туюлган эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Аёлнинг боқишлари суқли, қошлари қалин – **ёйдек эгилган**, пешонаси кенг, юзи чўзинчоқ, ҳавасланганча тикилиб турарди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Такдир кўлида **ёйдек Эгилиб** борар қаддим (А. Орипов. Дил оғриғи). Келиной чикди ойдай бўб, Кўйилган қоши **ёйдай** бўб. Гардондан ташлаган зулфаги Чўпон тортган найдай бўб (Келиной). Қоши қора, **ёйдай** бўлди, Кўзлари ҳам шахло (Миртемир. Ойсулув). Бўз тупроққа қирмизи қон Сепилди майдон ичинда. Не гўзаллар қадди **ёйдай Букилди** майдон ичинда (Равшан).

## ЁМҒИР

(МИСОЛИ) ЁМҒИРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ёғмоқ, ёгилмоқ, тўкилмоқ, қуйилмоқ, кетма-кет, устма-уст, келмоқ, мўл-мўл тушмоқ.*

Нимани гапиради... Кўпкари чопса бўладиган катта ер... Ўқ **ёмғирдай** *ёғиб турибди* (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). У... ракеталар **ёмғирдай** *ёгилиб турган* аэропортда БТР ичида жон ҳовучлаб ўлтирган (Х. Султон. Бобурийнома). Ойлар бўйича кўз ёшимни **ёмғир каби** *тўқдим*, чунки менга бундан бошқа бир овунчоқ қолмаган эди (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Ҳар кун ахвол шу: дил қоронғи, дил оғрийди, баъзан кўз ёшлари **ёмғир каби** *қуйилади* (Т. Малик. Шайтанат). Қони қочиб юзилан, Қизнинг қора кўзидан **Ёмғир каби** ёш келди (Ҳ. Олимжон. Ойгул билан Бахтиёр). Шамлар ёруғида ялт-юлт учкунлар сочган тангалар **ёмғирдай** *ёгиларди* (М. Али. Улуғ салтанат). Энди сиз ҳам урушни бир тасаввур этинг, Муҳсинахон, ўқ **мисоли ёмғирдай** *ёгилиб турибди*, ҳар қадамда бомба портлайди (М. М. Дўст. Лолазор). Асар олтмишинчи йилларда ёшлар ўртасида анча-мунча баҳсларга сабаб бўлган. Хатлар **ёмғирдай** *ёгилиб келгани* ҳам эсимда (М. Ёқубова. Улуғ ва садоқатли муҳаббат).

## ЁНҒОҚ

ЁНҒОҚДАЙ

*Юмалоқ, нисбатан катта. Кўпроқ шаклан юмалоқ катта-кичик нарсалар ҳақида.*

Нури поччасининг сўзларига эътибор қилмагандай ўрнидан турди, тоқчадан **ёнғоқдай** юмалоқ бир нарса ва бир талай игна олиб, тик турган ҳолда ҳалиги юмалоқ нарсага игналарни санчаверди (Ойбек. Қутлуғ қон). Қора бахмал мато орасидан олмосга ўхшаш сержилва бир тош юлдуздай чарақлаб кўринди. Лекин тошнинг **ёнғоқдай** *катталигига* қараб, Бобур унинг олмослигига ишонгиси келмасди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Белларига денг, иккита **ёнғоқдай** чипқон чиққан экан, ҳалиги курашда белбоғ сиқиб юборибди (Т. Малик. Фалак). Лекин кўзлари ёмон экан, ҳар биттаси **ёнғоқдай** келади (С. Сиёев. Ёруғлик). Хўрлиги келиб, томоғига **ёнғоқдай** нарса тикилди (С. Кароматов. Олтин қум).

(БАМИСОЛИ) БИР ҚОП ЁНҒОҚДАЙ (КАБИ)

*Шалдир-шулдур*. Хушчақчақ, кўп гапириб, кўп кулиб юради-ган, кўнглида кири йўк одам ҳақида.

Гапинг тўғри, қизим. Сан **бир қоп ёнғоқдай шалдир-шулдур** эдинг, опанг ҳам шўх, қақилдоққина эди (Ойбек. Қутлуғ қон). Уни синамаган баъзи аёллар енгиллигини кўриб: «**Бир қоп ёнғоқдай шалдир-шулдур**, қувноқ қиз экан» десалар-да, лекин Нуринисони яқиндан таниганлар у билан ҳар вақт жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилар эдилар (Ойбек. Қутлуғ қон). Калон тоға айтмоқчи, (Тўрабек) **бамисоли бир қоп ёнғоқ**. Қинғирлик нима – билмас экан, «Мунча ошиғич жўнамасангиз, ёв қувяптими, ё бир нима топдингизми?» деб сўраб қўймабди (М. Мансуров. Ёмби). Туни билан изғиган одамнинг **бир қоп ёнғоқ каби шалдур-шулдурлиги**-ю вағирлаб келиши қизиқ эди (М. Мансур. Жудолик диёри).

Ё С Т И Қ

ЁСТИҚДАЙ

*Қалин*, катта. Кўпроқ китоб ҳажми катталигининг муболағали ифодаси учун қўлланади.

Шоир, китоб ёздинг **ёстикдай қалин**, Юз минг тираж билан нашр этдинг, бас. Ўқиб чиққан мард бормикин, билмадим, Ўқийдиган номард лекин топилмас (Ж. Камол. Менинг увоқ шеърим – менинг дилпорам). Унинг ўзи ҳам чакана эмас – фан кандидати, ана шундай ҳикматли гапларга тўла **ёстикдек** дарслик ёзган (Э. Аъзамов. Отойининг туғилган йили). Аслида қишлоққа шаҳарнинг шовқин-суронидан қочиб, ...синовга тайёрланиш учун келганман, аммо қизил муқовали **ёстикдай** китоб икки кундан буён хонтахта устида қаровсиз ётибди. (Х. Султон. Бобурийнома). Бутун шаҳарни кезиб, ўн беш сатр хабар топсам-у бу хабар саҳифага чиқса... **ёстикдай** роман ёзган адибдай гердайиб юраман (О. Ёқубов. Излайман). Нормурод Шомуродов у ёқ-бу ёққа тимирскиланиб, отадиган нарса қидирди-ю, қўлига илинган **ёстикдай** китобни боши узра кўтарди (О. Ёқубов. Диёнат).

Ё Қ У Т

(МИСЛИ) ЁҚУТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қизил, қип-қизил*; қизил ранг билан *товланмоқ*.

Гулхан совиниб, **ёкутдай қизил** чўғларнинг устини аста-аста кул босаркан, Шоқосим ўғлининг олдига ўтиб ётди (Ойбек. Қутлуғ қон). Кўзгу ичидан кўринган малак ўз эгасини ҳам кайф-

шигириб, секингина илжайиб кўйган эди, нариги ёқдаги фитнан даврон ҳам садафдек оқ тишларини ёқут каби иринлари орасидан кўрсаткандек бўлди (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Кумушбибининг сезилар-сезилмас кулимсирашидан ёқутдек иринлари остидаги садафдек оқ тишлари кўриниб кетди эрсалди, бироқ унинг бу ҳоли тезлик билан тундликка алишинди (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Танасини куршаб ўт, Қип-қизил, мисли ёқут, Титрагувчи лаб қолди (Х. Олимжон. Ойгул билан Бахтиёр). Бир туп жайдари қизил олма мевасининг мўллигидан ҳовузга энгашиб тушган; ҳовуз сувида бир қанча қизил олма ёқутдай товланиб, жимиллаб сузади (Ойбек. Қутлуғ қон). Икки чакиримча юрмасданоқ ям-яшил ўтлар орасида ёқутдек товланаётган лолалар кўрина бошлади (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор).

## Ё Ғ

### ЁҒДАЙ

1. Ёқмоқ, хуш келмоқ, беҳад маъқул бўлмоқ.

Дала ҳавоси сизга ёғдек ёқади, бутун иллатни, хамирдан қил суғургандай, тортиб олади, кейин тоза қимиз ичинг (Ойбек. Қутлуғ қон). Хушомад Муҳсина хонимга ёғдай ёқади. Ялиниш камаяди, хона ҳавоси салқинлагандай бўлади, юздаги булутлар ариб, кайфият хуш тортади. (М. М. Дўст. Лолазор). Ҳар бир сўзи қулоғига ёғдай ёқаётган, кулишларини жон деб тинглаган, қарашлари, қош-кўзлари юрагини ўртаб юргани қиз — Гулгина (М. Ҳазраткулов. Кўккўл). Улуғбекнинг сўзлари унга ёғдек ёқиб тушган эди (Н. Қобул. Буёқ Турон амири ёхуд ақл ва қилич).

2. Эримок, руҳий илиқлик уйгонмоқ, хуш кайфият пайдо қилмоқ.

Комрон мақтовдан ёғдай эриб, илжайиб турар, ҳатто шоирликда отасидан ўзганлиги ҳақидаги сўзларга ҳам эътироз қилмас эди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Азизхон табиатан кўнгилчан йигит, икки оғиз гапдан ёғдек эриб кетадиганлардан эди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Агар битта-яримта одамни гапимга кўндиролмасам, дарров уни мақташга тушиб кетаман. Мақтайвериб, энг қайсар одамни ҳам бир зум ўтар-ўтмас ёғдек эритиб юбораман (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб).

## ЁҒ ТУШСА (ТОМСА) ЯЛАГУДАЙ

Бенихоя тоза, озода, *топ-тоза*; маромидан ўтказиб *тоза-ламоқ*, *супуриб-сидирмоқ*. Ўрин-жой ҳақида.

Ҳамма ёқ **ёғ тушса ялагудай** *топ-тоза* (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Ўзим ҳам мана шунақанги ишларни соғиниб қолган эканман, уч кун деганда ҳамма ёқни **ёғ тушса ялагудай** қилиб *тозалаб*, томорқаларидаги макка пояларини йиғиштиришга ўтдим (Х. Тўхтабоев. Беш болали йигитча). Одатда бу маҳалда катта чарм мешларини бўйинларига осиб олган мешкоччилар кўчага сув сепиб, фаррошлар ҳаммаёқни **ёғ тушса ялагудек** қилиб *супуриб-сидириб* қўйишарди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Кўз юмиб-очгунча аввал молхонани, сўнгра чўчқaxonани **ёғ томса ялагудек** қилиб *тозалаб ташладик* (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб).

## ЗИҒИР ЁҒДАЙ

*Кўнгилга урмоқ (тегмоқ)*, жуда ҳам ёқмай қолмоқ, безор қилмоқ, жонга тегмоқ.

Такрор қилавериш ҳамманинг *кўнгилга зиғир ёғдай урса* ҳам, Алиқулга жуда-жуда ёқиб тушарди (Ш. Рашидов. Бўрондан кучли). Меҳри **зиғир ёғдай** *кўнгилга урган* насихатни ...чидам билан эшитди (Ш. Рашидов. Бўрондан кучли). Ҳозир бу бойваччангиз ҳам меъдага **зиғир ёғдек** *тегиб турибди* (Ҳамза. Майсаранинг иши).

## ЁҒОЧ

### ЁҒОЧДАЙ

*Қотмоқ*. Ҳаракатсиз ҳолатда қотиб қолган одам, шунингдек, қуруқшаб, асли юмшоқлигини йўқотган нарса ҳақида.

Эс-ҳуши ўзида бўлмаган бу жонсиз суратнинг **ёғочдай қотиб қолган** қўллари ва бармоқлари ила рўзғор ишларини яна бурунгидай пухта бажаришлари — онанинг қуриган кўзларини ҳам яна ёш билан тўлғазиб юборарди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Низом ул-Мулк Хоразмшоҳ рўпарасида бир сўз деёлмай **ёғочдек қотиб қолди** (Мирмуҳсин. Темур Малик). Узоқ кенгашдан сўнг бирон маъқул чора топилмагач, **ёғочдай қотган** жунсиз, тақир пўстақда хужра тўрида ўтирган Алоиддин Машҳадий... бошини чайқади (Ойбек. Навоий). Чолнинг товуши юмшаган эди; қизил кўзларида ёш ғилтиллаб, тамаки ўрай бошлади, **ёғочдай қотган** сап-сарик бармоқлари сал қалтирарди (А. Мухтор. Бухоронинг жин кўчалари).

## Ж

### ЖАННАТ

(БАМИСОЛИ) ЖАННАТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

Жуда ҳам *гўзал*, обод, хушманзара; *яшнамоқ*, *яшинаммоқ*, обод қилмоқ.

Табиатан жуда таъсирчан бўлган Гулбадан бегим шавқ-завқни ичига сигдиролмай хитоб қилди: – Ҳазрати Акбаржон, айланай сиздан, кекса аммангизни Адандаги жаҳаннам азобидан қутқариб, **жаннатдай гўзал** Кашмирга олиб келдингиз-а (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). У маҳалда саҳни камида ярим гектар келадиган бу боғу ҳовли **бамисоли жаннатдай яш-наб ётар**, ўртадаги ёғоч сўри атрофига экилган хина, райҳон, гултожикўрозлар ҳовлига ажиб бир гўзаллик бахш этарди (О. Ёкубов. Адолат манзили). Улар бутун боғ ишини ўз кучлари билан бажариб, хўжайинлари кўчиб келишигача ҳамма ёқни **жаннатдай яшнатишлари** лозим (Ойбек. Қутлуғ қон). Аммо гап бошлашдан илгари теварагидаги **жаннатдек** боғларга яна ўйчан тикилди-да, қандайдир ичидан хўрсиниш келди (Шукрулло. Тирик руҳлар). Харсангтош ётқизилган йўлнинг икки томони ариқ, шилдираб сув окмоқда. **Бамисоли жаннат** (Мирмуҳсин. Темур Малик). У йўқ! .. **Жаннат янглиғ** Қрим боғлари, Хаста адиб ортиқ юрмас соянгда (Миртемир. Асарлар). Тангри бермиш сенга **Жаннатдек** Ватан (Ж. Камол. Нақш айлагил).

### ЖАҲАННАМ

ЖАҲАННАМДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

*Қоп-қоронги*, кўрқинчли; *қорайиб*, кўрқинчли бўлиб кўрин-моқ.

Нарвон ўрамининг бир томони **жаҳаннамдай қоп-қоронги** пастлик қаърига туширилди (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Дарёнинг суви қуриган, ўзани **жаҳаннамдай қорайиб кўринар эди** (М. М. Дўст. Лолазор). Қорадаранинг **жаҳаннам янглиғ** чуқур тубига бир-бир кўз ташларкан, ички бир қатъият билан таъкидлади (Н. Норқобилов. Тоғ одами). **Жаҳаннамдай** жарда эса улкан аждаҳо оғзини очиб турибди (Б. Қосимов. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти).

## ЖИМЖИЛОҚ

### ЖИМЖИЛОҚДАЙ

Жуда кичкина, калта.

Ёшларнинг диққатини тортган нарса – узунлиги жимжилоқдай, йўғонлиги қаламдай келадиган, ерда типирчилаб ётган иккита илон боласи эди (Т. Малик. Фалак). Муаллим кўлига бўр олиб, доскага жимжилоқдайгина тикка таёқча чизди (П. Турсун. Ўқитувчи). Охири у нимчасининг чўнтагидан бир парча оқ қоғозни, дўконнинг аллақасерига беркитиб қўйган жимжилоқдек кемтик қаламни топиб олди-да, секин Она-хон томонга юрди (А. Мухтор. Опа-сингиллар). Ёдимда: жимжилоқдай келадиган пичоқчам бўларди. Йўқ-йўқ, паккича эмас, қаламтарош ҳам эмас, садаф бандли митти пичоқча (М. Мансур. Жудолик диёри).

## ЖИННИ

### ЖИННИДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ)

Гайриодатий ҳаракатлар, ўзига ярашмаган, аҳмоқона қилиқлар қилмоқ.

Унинг фикри, уйқуси, бутун борлиғи Гулнор хаёли билан банд; танҳо қолган чоқларда жинни каби ўзи-ўзи билан гаплашади, ҳақиқатда эса, Гулнор билан ҳасратлашади (Ойбек. Қутлуғ кон). У гўё буни мендан олдин эшитгандек ўрнидан дик турди-да: – Саман, бу Саман! – деди жиннига ўхшаб сакрай-сакрай (А. Ҳотамов. Айғир кишнаши). У бутун кун куйиб-ёниб, боши оққан ерларда жиннилардай тентираб, хуфтон вақтида бойникига санғиб келиб қолди (Ойбек. Қутлуғ кон). Биринчи тунни худди жиннидай алаҳсираб ўтказди. Кейинги тун яримламай, кўчага чиқиб кетди (Т. Малик. Шайтанат).

## ЖОН

### ЖОНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Жуда азиз, ардоқли, кадрли; дил-дилидан севмоқ.

Асл тупроқ, қутлуғ юрт – Сўлим, дилрабо, шинам, Жондай азиз, азалдан Ардоқли меҳнаткашинг (Миртемир. Шундоғам севаманки). Жон каби эди азиз Ўша сўзнинг дийдори (С. Ҳаким. Сўз жамоли). Миришкор дехқон-у, меҳнаткаш, танти, Унга жондек азиз ҳар қиёқ, шона (А. Кўчимов. Подадай ёйилиб бормоқда боғлар). Бўшашган пайтда ҳам бўлолдинг тетик. Билардинг – у

сени **жонидек севарди** (Миртемир. Тошбу). Илоё, **жондай** дугоналарим войвойхон Зубайдабону бирлан дўмбокқина Билқис бегимларга кўчқордай куёвлар ато этгин (М. Али. Улуғ салтанат).

### Ж Ҷ Ж А Х Ҷ Р О З

#### (ХУДДИ) ЖҶЖАХҶРОЗДАЙ

*Хурпаймоқ, бўйинини чўзмоқ, хезланмоқ, урушмоқчи бўлмоқ, ўзини урушмоқчи бўлган ҳолатга киритмоқ. Одам ҳақида.*

Болалар ҳам ҳадиксираб, четдаги одамларга қараб олишди-да, бегона кўрмагач, бир-бирига худди **жўжахўрозлардай хурпайиб**, кичик даврани айлана бошлашди (Н. Эшонкул. Уруш одамлари). Саркул энг олдинда **жўжахўроздай хурпайиб** келётган Мамаюсуфни кўриб, бўшашиб кетди (А. Кўчимов. Оқ каптарлар ороли). Ориқ косиб йигитча **жўжахўроздай бўйинини чўзиб** кичкирди (Ойбек. Қутлуғ қон). Мактаб деганда менинг кўз олдимга мачитнинг ташландиқ хужраси, бўйра, *уришқоқ жўжахўроздай* бўйни қип-қизил ва хожи дўппи кийган Валихон сўфи келар, қулоғимга болаларнинг чуғур-чуғури, «апалам-за ал» эшитилар эди (А. Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар). Ойбек худди **жўжахўроздай** Турдига *хезланаётганида* Салим тутиб қолади (А. Кўчимов. Ҳовлидаги майдонча). Сартарош унга **жўжахўроздай хезланади** (С. Вафо. Устюрт).

### 3

#### З А Н Ж И

##### ЗАНЖИ (ЗАНГИ)ДАЙ

*Қоп-қора.* Одамнинг ранги ҳақида.

Сипоҳлардан кейин сурмаранг салла ўраган *занжидай қоп-қора* нотаниш ясовул кириб таъзим қилди ва жимгина эшикка имлади (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Беруний гарчи зойичага ишонмаса ҳам, бу гапни хушнуд қилиб гапира бошлаган эди, эшик берухсат очилиб, салласига нишон қадалган баланд бўйли, *занжидек қоп-қора* бир сарбоз кириб келди (О. Ёқубов. Кўхна дунё). Бир кеч ўша азамат истехком тагида коржома кийган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги *зангидек қоп-қора* йигитни учратиб, гап олгим келди (Э. Аъзам. Қиёфадош). Тушдан кейин эса қизлар билан бирга чўпдай озгин, *занжидай қоп-қора*, сал дудукроқ бир одам салом бериб кириб келди (О. Ёқубов. Диёнат). Афтидан, домла қаттиқ янглишган, арча тўғрисидаги гаплари учун яхши кўриниб қолган, *занжидай қоп-қора* бу чўп-устухон одам турмушда ҳеч бир яхши нарсани кўрмайдиган, ҳамма жойдан фақат камчилик қидириб юрадиган ғаламислар тоифасига кирарди (О. Ёқубов. Диёнат).

#### З А Н Ж И Р

##### ЗАНЖИРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Уланмоқ, чирмашмоқ.* Бир-бири билан чамбарчас, тиғиз боғланган одамлар ёки ўй-фикр, нарсалар ҳақида.

Учқўрғондан то Конибодомгача икки юз етмиш километрлик масофада бир-бирига *занжирдек уланиб кетган* юз олтмиш минг қурувчи кечани кеча, кундузни кундуз демай ер қазияпти (С. Аҳмад. Уфқ). Фалокат бир илашмасин, илашдими, *занжирдек* бир-бирига *чирмашиб* келаверади (Т. Ашуров. Оқ от). Ҳали тонгга узок, бедор аёлнинг ўйлари *занжирдай уланаверар* (О. Суюндиқова. Ҳали тонгга узок...).

## ЗАРРА

### ЗАРРАДАЙ

Жуда озгина; жуда ҳам кичик.

Жамоатчилик фикрининг ифодаси бўлмиш бу матнда андак лутф, жиндак илтимос, **заррадеккина** талаб ҳам бор эди (Э. Аъзам. Аралашкўрғон). Дўзахнинг ўтидин **заррадек** олиб, уни тоғ устига қўйдилар (З. Қуролбой қизи. Қадимий кўшик). Йўқ, сен **заррадек** ҳа-шаротни эмас, шу кичкина жониворнинг кўзидаги ёрқин куёшни сўндирасан (С. Нуоров. Нарвон). Хотирингиз панд бермаса, деган эрдимки, қисмат деган шумшук кўргулук вужудингга бигизини бот-бот суқиб олмоқни хуш кўрадур. Гоҳида ноарзанда, яъниким **заррадай** хушбахтлик ато этиб, эвазига катта дилсиёхликка рўбарў этадур (Н. Раҳмат. Қалвак махсум номалари). Кенгликлар, саҳролар ва уммонлар қаршида бир **заррадай** бўлиб турарди (С. Вафо. Аргимчок).

## ЗАЪФАРОН

### (МИСЛИ) ЗАЪФАРОНДАЙ

*Саргаймоқ, саргайтирмоқ; саргиш, сап-сарик; сап-сарик рангга кир(ит)моқ. Кўнроқ одам юзининг ранги ҳақида.*

**Заъфарондай саргайтирма** юзингни. Уйқудан очгайсан икки кўзингни! Хабарини берди ёру дўстларинг, Не сабабдан кетди сенинг эсларинг? (Кунтуғмиш). Ёш тўлдириб менинг нарғис кўзимни, **Заъфарондай саргайтириб** юзимни, Нега отдинг менинг янги ғозимни? (Ширин билан Шакар). Мен турибман, ўламан деб, муғойиб, Гулдай юзим **заъфарондай саргайиб** (Муродхон). Куз куни кўзлара ямон кўринур, Яфроғи **мисли заъфарон** кўринур (А. Авлоний. Куз). Бугун Холхўжа шу йўлкалардан... кетаётса, **заъфарондай саргиш** ўша корпус томондан букчайганроқ, ранги захил бир одам яқинлашиб келаверди (А. Мухтор. Фано ва бақо).

## ЗАҲАР

### ЗАҲАРДЕК

*Аччиқ, ачитувчи, азоб берувчи; қаттиқ совук.*

Кун совук, осмондан **заҳардек аччиқ** зарралар ёғилар эди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Уларнинг тундек қаро, тоғдек оғир, **заҳардек аччиқ** қиссалари то хануз Шайхнинг кўксига қатқат бўлиб қатланиб ётибди (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнги сафа-

ри). Аёл меҳри – асалдек тотли. Аёл макри – **заҳардек** хавфли (Ў. Ҳошимов. Меҳр ва макр). Жиддий қатъият бор чехраларида, мардона кўзларин қисиб қарашар... Зулматда юз йиллаб сургунда ётган **заҳардай** шаробдан ичмоқ ярашар (Ш. Раҳмон. Аравон кўринишлари). Чой ҳам **заҳардай** туюлади — ичмайди. Кўзига уйку келмайди (Т. Малик. Сўнгги ўқ). Ҳаво совуқ, осмонда **заҳардек аччиқ** қор учкунлари эринчоқ кезади (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

## З И Л

### ЗИЛДАЙ

*Оғир*, жуда оғир; азобли.

Ҳумоюн соғ кўли билан мешга жонҳолатда ёпишди-ю, Низомнинг ёрдамида кўкрагини ва **зилдай оғир** ўнг елкасини меш устига чиқариб олди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Ҳавода **зилдек оғир**, қорамтир булутлар айланар... эди (Ш. Холмирзаев. Ўзбеклар). Ўғлим, мен аҳмоқ бўлиб, пари деб икки душманни **зилдай** қилиб кўтариб юрган эканман (Малика айёр). Поезд жўнашига учинчи кўнгиروق урилганда икки кўлида **зилдек** чамадон кўтарган, бўйни елкасига туташиб кетган бир киши кирди (С. Аҳмад. Юк). Лекин **зилдай оғир** ҳислар вужудини босиб ётар, руҳи тушкун, бўлажак мақбара режаси хаёлидан нари кетмасди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар).

## З И Н Д О Н

### ЗИНДОНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қоп-қоронғи, тор, зах*. Нобон ўрин-жой ҳақида.

Ҳамидабону, унинг ўғилчаси Акбар ва қизалоғи Жаҳонбегим ўз энагалари билан мана шу **зиндондай** эшиксиз ва даричасиз уйда беш ой қамал азобини тортдилар (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). **Зиндон каби тор** уйдан чиқолмай... (Чўлпон. Наврўз кунда). Унга қадар Кесакполвон ҳам, Жамшид ҳам **зиндон каби қоп-қоронғи** ва **зах** ертўлада маҳбус каби сакландилар (Т. Малик. Шайтанат). Уй **зиндон сингари қоронғи** ва совуқ, унда нима борлигини ғира-шира кўриш ҳам анча қийин (Ойбек. Қутлуғ қон).

## ЗИҒИР

### ЗИҒИРДАЙ

Жуда кичкина; жуда оз, жуда ҳам арзимаган.

Ўн кун ғулхона – сизнинг тоғдай гуноҳларингиз ўтрисида **зиғирдай кичик** бир жазо, холос, – деди Салимга. – Ўз оёғингиз билан келганингиз учун сизни аядим, оналарингизнинг юзидан ўта олмадим (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Бек, ишонинг, Нисоранинг **зиғирдек** айби йўқ, барига мен айбдорман (Б. М. Али. Кўктўнлиллар). Мен овсар, боя сенинг тавалло қилиб ёзган хатингни олганимда, ўйлабманки, **зиғирдек** бўлса-да, қилган ишларидан пушаймон чекаётгандир деб (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Кафтимда йўқ эди **зиғирдек** гуноҳ, йўқ эди кафтимнинг заррадек кадри (И. Мирзо. Ўшанда). У номард **зиғирдай** сочма ўққа додлаб ўтирибди (Н. Норқобилов. Тоғ одами).

## ЗУЛУК

### ЗУЛУКДАЙ

1. *Қоп-қора*, тим қора.

У **зулукдай қоп-қора** отини ўйнатиб, қалъа томонга келарди (М. Қориев. Спитамен). **Зулукдек қора** қошлари, қирра бурни, бежирим ияклари болага алоҳида бир ҳусн бағишларди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Сирожиддин **зулукдек қоп-қора** «Волга»ни пишиқ ғиштдан қурилган темир дарвозали гараждан тислангириб олиб чиқди-да, цементланган майдончада тўхтаб, бир учи водопроводга уланган резинка ичак билан юва бошладди (Ҳ. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). **Зулукдек** икки от кўрганларнинг ҳушини олаёзди (Т. Малик. Шайтанат). Қошлари *қоп-қора зулукдек* Ўсмир йиғит турарди кулиб (С. Ҳаким. Олис юлдуз). **Зулукдай** қошлари чимирилди, икки чеккасидаги қора зулфи аламдан гажакдай кайрилиб ўзини сочлар орасига урди (М. Али. Улуғ салтанат).

2. Қаттиқ *ёпишиб олмоқ*; қонини сўрмоқ, ўзгага тегишли нарсаларни шафқатсизлик билан ўзлаштирмоқ.

– Мирҳайдар одамларни Эшмат қилмаганими бу? – деди Тиллабува давом этиб, – ҳукуматга чап бериб кучсиз хўжаликларнинг баданига **зулукдай ёпишиб олган** мана шунақа одамларнинг танобини тортиш керак (А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари). Бу жафо, муруватсизликдан дунё безор бўлур-у, аммо «Оч тўймас, ўғри бойимас» деганларидек, Туркистонни **зулукдек сўрган**

босқинчилар инсофга келишларига ишонмоқ энди ҳаддан зиёд нодонлик бўлур (Шукрулло. Тирик рухлар). Бир ёқдан, подшо амалдорлари, иккинчи ёқдан, ерлик бойлар, рухонийлар эзиб, **зулукдай сўриб ётишса**, бунга чидаб бўладими, ахир? (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

### З У М Р А Д

ЗУМРАДДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, МИСОЛИ)

Ям-яшил; ям-яшил товланмоқ.

**Зумраддек** пахтазор, осмон фируза, Ҳар тупи тагида бир олтин кўза (Миртемир. Куз). Ўзингиз ўйлаб кўринг: ям-яшил қир остидаги **зумраддек** ўтлоқ ўртасида қад кўтарган оппоқ иморат устида – тепасида бир баҳайбат қуш айланаётир (Ш. Холмирзаев. Банди бургут). Япроқлари **зумрад мисоли** Шабнам ўпган гунчалар мудроқ (М. Имомова. Шеърлар). Кўм-кўк Шоҳимардон тоғлари **зумраддек** товланади (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё).

## И

### ИГНА

#### ИГНА (НИНА)ДАЙ (КАБИ)

1. Жуда кичик, жуда ҳам арзимайдиган.

Мирёкуб акамнинг сиздан бошқа ҳеч кими йўқ. Сизга ҳеч қачон **игнадек** бир ёмонликни раво кўрмайди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Туядай бўй бергунча, **игнадай** ақл берсин (Мақол). Меҳрибонликда тенги йўқ, лекин **игнадай** хатоимни эшитса, ваҳима кўтариб, соатлаб нанд-насихат қилади (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Рўйхат билан олинган, рўйхат билан қайтарилади, **игнадек** нарса ҳам йўқолмайди, Ойеанам опа, – Зоҳид шундай деб жувонга тик қаради (Т. Малик. Шайтанат). **Игнадай** тешиқдан кириб бўлса ҳам вазифасини белгиланган кун, соат, дақиқа, сония, нафасда бажарди (Т. Малик. Шайтанат). У танини, жонини хўжайинлардан аямаса, **нинадай** нарсага хиёнат қилмаса, ўл десанг – ўлса, тирил десанг – тирилса! (Ойбек. Қутлуғ қон). Ўзи ҳам **игнадай** гапни туядай қилади (А. Аъзам. Ойнинг гардиши).

2. *Санчилмоқ*. Қаттиқ жисмоний, руҳий азоб берадиган даражада таъсир қилмоқ.

Нам пайтавадан ўтиб, совуқ **игнадай санчиларди** (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида). Аччиқ изғирин юз-кўзга **игнадек санчилади**, суяк-суякларни зиркиратади, бўғотлардаги, томлар бошидаги сумалакларни қамчиси билан савалайди (Х. Султон. Бунчалар ширинсан, эй аччиқ ҳаёт!). Пахтани оламан деса, қуриб, шалдираб ётган чаноклар бармоқларига **игнадай санчилади**, тарашадай қотиб қолган бели чим-чим оғрийди (А. Кўчимов. Қочоқ). Хотиннинг ёқимли, жаранглаб чиқадиған қувноқ овози Мирёкубнинг танларига **игна ботгандай ботар**, лекин ниҳоят даражада кайфини келтирарди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Тинимсиз увлаб юз-кўзларига **игнадек санчилаётган** афғон шамолидан ёқа-енгини беркитиб олган Султон шу ҳақда ўйлайди (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Аввалгиларидан фарқ этувчи ҳозирги гап оҳангидан ёвузлик Жалилнинг вужудига минглаб **игна каби санчилик**, сескантириб юборган бўлсада, дўстининг руҳиятини инобатга олиб, жавобдан ўзини тийди (Т. Малик. Шайтанат).

(МИСОЛИ, ХУДДИ) ИГНА (НИНА) УСТИДА ЎТИРГАН (ТУРГАН) ДАЙ

Жуда *бетоқат*, *безовта*, ноқулай ва нотинч аҳволда бўлмоқ.

У **игна устида ўтиргандай** жуда *бетоқат* эди, дам-бадам томоғини қириб йўталиб, соатига қарарди (Р. Раҳмонов. Қўшнилар). Амир Хусайн эса отда **нина устида ўтиргандек** ҳеч бир манзилда тўхтамай, Соли Сарой томон елиб бормоқда эди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Нима бўлганда ҳам Фотима ҳозир Набининг голиб чиқишини, қишлоқ шаънини кўтаришини дилдан истар, шунинг учун уларнинг курашини **мисоли нина устида тургандек** кузатар эди (Т. Ашуров. Оқ от). Буниси оздек, ўзи **игнанинг устида ўтиргандек безовта**, ҳардамхаёл... (Х. Дўстмуҳаммад. Куза...). Акам **худди игнанинг устида ўтиргандай**, зўр бериб тиззасини уқалайди, аммага тикилади (М. Мансур. Жудолик диёри).

#### ИГНА(НИНА)НИНГ УЧИДАЙ

Бениҳоя кичик, заррача.

– Ҳе-хе-хе, – эллиқбоши кулиб, кўзларини артди, – **игнанинг учидай** ёлғони йўқ, қулинг бўлай, бойвачча (Ойбек. Қутлуғ қон). Ҳар кеч ётишдан аввал мебеллар, ошхона жиҳозлари, ванна унинг назаридан ўтказилади, **игнанинг учидай** ғуборни қўймайди (А. Абдуллаев. Дард). Бироқ менинг гуноҳим **игнанинг учидай** бўлса, сизларнинг айбингиз туядай (Ш. Рашидов. Бўрондан кучли). У «**игна учидек** тешиқдан туядек шамол киради» деб, кечаси қалин пахталик нимчаси билан оёғидаги наMAT этигини ечмай ётарди (Мирмуҳсин. Занглаган қилич).

#### И Л О Н

ИЛОНДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ)

1. *Чақмоқ, заҳар сочмоқ*. Аччиқ гаплар билан бировнинг кўнглини оғритмоқ; нархи жуда қимматлик қилмоқ.

Ман яқинлашсам, жим бўлишади. Нури опа **илондай чаққуси** келади. Ҳартугул, бу кун уйига йўқолди, ух... жуда жаҳлим чиқди, оий (Ойбек. Қутлуғ қон). Анови аблаҳ бўлса бир сўз билан **илондек чақиб** қариянинг кўнглини чилпарчин қилган (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Энг ёмони – Толмас Азимовчи? Мен аҳмоқ ўшани одам деб ишга олиб ўтирибман. Қайси кунги гапини қара-я. Кўзинг борми, юзинг борми демай, кўпчиликнинг ичида **илондай чақди** (Ў. Усмонов. Гирдоб). Гоҳ ёнасиз ловиллаб, Гоҳи қақшаб музлайсиз, **Илон каби** ҳар ким-

га *сочманг захар*, афандим (Гулдаста). Учта лакма ўзбекнинг судраб келган чоригини тобутга айлантириб бериш қийин иш эканми? Қийин эмас, фақат озгина чиқими бор. «Чиқим» дегани сени **илондай чақади** (Т. Малик. Шайтанат).

2. *Совуқ*. Ўта ёқимсиз, одамни сескантирадиган.

Бир сафар **илондай совуқ**, шилимшиқ бир нарса бўйнига шалоп этиб тушди-ю, тирноқларигача зиркиратиб юборди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Даргазаб шамол уни изига қайтариш учун сочларидан, этакларидан тортқилаяпти, пана-панада **илондай совуқ** ва бадбашара қўллар унга тош отяпти (Н. Эшонкул. Момокўшиқ). Ҳайдарнинг вужудидан **илондай совуқ** бир ваҳима ўрмалаб ўтди (О. Ёкубов. Диёнат). Гоҳида танамга куртдек шилимшиқ, **илондек совуқ** алланималар тегиб кетар, кўркувдан вужудимга қалтироқ аралашарди (А. Абдиев. Муаллақ одам). **Илондек** совуқ куз ўшал кез Найзасин санчади, тифлайди (Қ. Дехқон. Япроқлар тўкилар...).

3. *Тўлганмоқ*, тўлқинли ҳаракат қилмоқ, чайқалмоқ; ўзини ҳар томонга ташламоқ, изтиробдан ўзини ҳар ёнга урмоқ, руҳан қийналмоқ, безовталанмоқ.

Бир зумда оғиз-бурни коп-қора қон бўлган зиндонбеги қўллари билан юзини, бошини тўсишга уриниб, ерда **илондай тўлганар**, қон туфлаб алланималарни ғўлдирар, ялиниб-ёлворар эди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Кўплар янги жойга ўрганолмай, ётган жойларида **илондай тўлганиб**, ярим кечагача мижжа қоқмадилар (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Парча бу гал ҳам қочмади. Лекин **илондек тўлганаётган** қамчини маҳкам чангаллаб олди (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Қуриган шохига баҳорда илиниб қолган варракнинг қамиш қовургалари скелетдек бўлиб турибди. Фақат узун латта думи шамолда **илондек тўлганади** (С. Аҳмад. Қоракўз мажнун). Ҳақимбойвачча **илондай тўлганди**. Бу қандай шармандагарчилик? (Ойбек. Қутлуғ қон). Холбека ҳам уйкудан уйғониб, тўранинг ишқида **илондай тўлғониб**, асло ором-қарори қолмади (Кунтуғмиш).

4. *Ўрмаламоқ*, судралмоқ. Вертикал ёки горизонтал иланг-биланг ҳаракат қилмоқ, секин-секин ҳаракатланмоқ.

Ёлқиннинг юпқа тиллари **илон каби ўрмалаб**, лапанглаб ўтин орасига кириб кетарди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Кўнглимга **илондай шубҳа ўрмалаб** кирди – китоб ўқийвериб, мен китобга айланиб қолгандай эдим (Н. Эшонкул. Қора китоб). Отни хуркитгудек олифта савлат, Кўксида **илондек ўрмалар** риё (О. Ҳожиёва. Истиклол тарихнинг имтиҳонидир). Элим, қатлингга қасд этган Ёвузлар озми тарихда? **Илондек судралиб** етган Жосуслар озми тарихда? (Ж. Камол. Тарихда). Унинг

кўксидан сизиб чиқаётган қон ерда худди илондек ўрмалаётганга ўхшарди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Тор, кийшиқ кўчалар адашиб қолиб, **Илондек ўрмалар** нурафшон тунда (Х. Даврон. Эски шаҳар).

5. *Буралмоқ, билангламоқ.* Эгри-бугри йўналишга тушмоқ, шундай йўналишда ҳаракатланмоқ, эгри-бугри, тўлқинланган ҳолатда бўлмоқ.

Дарёнинг адирлар орасидан **илондай буралиб** ўтган жойи Гирдоби Боғлон дейиларкан (Қ. Кенжа. Буюклар изидан). Хоннинг белига боғланган ингичка олтин камарнинг учи чалмашган оёқлар тагидан худди қорамтир бошли сариқ **илонга ўхшаб буралиб** турар эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Чақмоқнинг бир лаҳзалик совуқ нури ғамгин бош эгиб турган толларни ... йўлнинг шундоққина чеккасидан тик тушиб кетган жаҳаннам жарлигида **илондай биланглаб** оқаётган сойни ёритиб ўтди (Ў. Ҳошимов. Баҳор қайтмайди). Сим **илондай биланглаб** пушта устига тушди (Ў. Ҳошимов. Урушнинг сўнгги қурбони). Ҳовлида қуриб, **илондек** ерда **буралиб** ётган биргина ток бор, холос (О. Мухтор. Эгилган бош).

6. *Вишилламоқ.* Қўрқинчли овоз чиқармоқ, кўпол оҳангда гапирмоқ, ваҳшат солмоқ.

Ой нури жилваланиб, кумушдай товланган тўлқинлар бир-бирини қувлайди, бешик-бешик тебранади, **илондай вишиллади** (Ж. Абдуллахонов. Хонадон). Қаршимизда **илондай вишиллаб**, захрини сочмоқ бўлуб турғон малъунларни ер тишлатгаймиз, Оллоҳ ёримиз бўлғай (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Асал холам ўша ёкқа қараб, афтларини бужмайтирдилар: Қоранг ўчсин, илойим, сув **илондай вишилламай** (М. Мансуров. Жудолик диёри). Ҳамон бир қарорга келолмай, эшик ортида турган йигитнинг қўлидан сеткани юлиб олиб, **илондай вишиллади**: – Бу ерда энди қорангизни кўрмай! (З. Қуролбой қизи. Муҳаббат ва нафрат). Остига дори сепишган экан, ваҳшийлар! – деди у **илондай вишиллаб** ва дарахт пойига судралиб келдида, тупроқни сидириб, томирларини ушлаб кўрди (Ш. Ҳамроев. Ҳовлидаги дарахт).

7. *Аврамоқ.* Турли хйла-найранглар билан алдамоқ, ўз йўлига юргизмоқ.

Дехқон хўжалигининг кучсизлигидан, пулга, от-уловга, асбоб-ускунага муҳтожлигидан фойдаланиб қимирлаб қолган, ер ислохотида қирқилган тирноғи ўсган ва ўсаётган, кучсиз хўжаликларни **илондай авраб** дамига тортаётган одамлар зиён қилади (А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари). (Дилора Бўрсикқа:) Бўрсик бўлсанг ҳам, **илондай аврайсан-а**, бургага тузоқ кўйган

дўтгивоз? (О. Ёқубов. Бир кошона сирлари). (Дилора:) Ҳа, ер юнтур, шумтака. Мени **илондай авраб**, қуён бўлишини қаранг буни (О. Ёқубов. Бир кошона сирлари).

БОШИ (КАЛЛАСИ) КЕСИЛГАН (ЯНЧИЛГАН, ЭЗИЛГАН) ИЛОНДАЙ

*Талвасага тушмоқ, тўлганмоқ.* Қийин руҳий ҳолатга тушган одам ҳақида.

Қамал пайтида кўргонни аждаҳодай ўраб ётган минглаб мўғул аскарлари энди ўз сардорларидан ажралиб, **боши кесилган илондек талваса ичида** гўё думалаб кетмоқда эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Офтоб ойим **боши янчилган илондек тўлганди**: – Қизим устига кундош?! (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Вали ака ўғлини етаклаб ташқарига олиб чиқиб кетди. Қози **калласи эзилган илондай тўлганиб**, элликбошига кичқирди: – Синдир ҳаммасини! Ташқарига чиқар! Ёк, ўт кўй (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

(ХУДДИ) ИЛОН ЧАҚҚАНДАЙ

Қаттиқ сесканмоқ, бирдан кўрқиб кетмоқ, кутилмаганда кескин ҳаракат қилмоқ.

Бироқ Шарофат ундай қилмади. У ўзини ерга отиб урди-ю, худди **илон чаққандай** тўлғониб йиғи бошлади (А. Қахҳор. Кўшчинор чироклари). Кўлидан ушлаган эдим, ойим **илон чаққандек** кўлини тортиб олди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Тугал **илон чаққандек** сапчиб кетди (А. Кўчимов. Қочок). Хўжанинг ойиси ярқ этиб қаради-ю, **илон чаққандек** сапчиб ўрнидан туриб кетди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

## И П

ИПДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Жуда ҳам *ингичка*, озғин, тор; ингичка қилиб *чўзмоқ*.

Кузда ариқ шунақанги тиниқ бўладики, кирғокқа ётиб олиб, сув ичаётганингизда ариқ тагида соч толасидай силкиниб ётган сув ўтларини, иланг-биланг қилиб юрган **ипдай ингичка** «чувалчанг болалари»ни аниқ кўрасиз (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Эй нодон, – деди Чаён. – Менинг нишим **ипдай ингичка**, қилдай заиф бўлса, қанча уринсам ҳам бу қаттиқ тошга ўтмаслигини билатуриб, шундай деяпсанми? (И. Султон. Озод). Бийдай кенг, кимсасиз дала ўртасидаги **ипдек ингичка** йўлдан ўтгунча зерикиб кетамап (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Мад-расанинг ҳовлиси лиқ тўла қари-қартанг, жулдур кийинган ва

бўйни **ипдай** болалар (А. Қаххор. Ўтмишдан эртақлар). Пошнаси бир қарич туфли кийган хушрўйгина қиз **ипдек** қошини чимириб рўпарасида турарди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). **Ипдеккина** бўлиб юрган Ҳури эридан чикди-ю, семириб кетди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Ғам ёмон, фил бўлсанг ҳам бора-бора **ипдай** чўзиб қўяди (Ойбек. Қутлуғ қон).

## И П А К

### ИПАКДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Майин, юмшоқ, мулойим, ёқимли; майин товланмоқ.*

Навоий **ипакдай майин** қийматбаҳо қоғозни очиб, табассум билан подшога бир қараб қўйди (Ойбек. Навоий). Тиниқ осмонда сўфитўрғайлар тинимсиз вижирлашади, мусаффо ҳавода **ипакдай майин**, оппоқ мезонлар унсизгина сузиб юради (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Зулфиянинг қўллари **Ипакдайин мулойим** Китобимнинг ичида Жилмаяди сумбати (И. Мирзо. Зулфия). Ёмғирда чўмилган кўм-кўк барра майсалар ғир-ғир эсган тонг шабадасида майин чайқалар, гўё **ипакдай товланиб**, кишининг руҳини эркалар эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Унинг ...боягина **ипакдек майин товланган** овози энди темирдек жаранглаб чиқарди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Битта гўзал нозик қиз **ипакдек** бармоқлари чанокларга тилиниб, қони чиқиб, дока билан боғлаб олиб, энди зўрға тераётганини кўрсангиз: «Э, шаҳарлик ойимқиз! Сояпар-да, сояпар!» – деб ичдан ҳақорат қилар эдингиз (Ш. Холмирзаев. Ўзбеклар). Орқаси билан битта **ипакдек** сочи уни кинолардаги француз гўзалларига ўхшатиб юборди (А. Ибодинов. Бир томчи ёш). Самарқанднинг сув ўтмас, **ипакдек мулойим** ва сип-силлиқ қоғозлари атайин тилга олинмайди. Туркистон маданиятидан кўз юмиб ўтиш чоризм сиёсатининг бир кўриниши эди (А. Иброҳимов. Ёруғлуғ). Яшаш қандай енгил – шамолдан кейин Ажиб бир хушҳоллик, бир ажиб сурур. Ғуборсиз ҳаволар **ипакдек майин...** Шамол, сенга қуллуқ, сенга ташаккур! (И. Мирзо. Қўқон шамоли).

2. *Майин, мулойим; майин бўлмоқ, мулойимлашмоқ.* Жуда ҳам хушмуомала, юмшоқтабиат, нозиктабиат одам ҳақида.

**Ипакдайин мулойимларни**, Аёлларни асранг, эркақлар! (С. Тўйчиева. Санамгина). Ҳар қалай, бошда, тахтни олишда тавозе билан қўл қовуштириб турса-да, тахтга ўтиргандан кейин темурзодалигини кўрсатар, деб ўйлаган эди. Йўқ, шаҳзода нечундир васвасага тушиб, **ипакдай майин бўлиб қолибди** (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Вой, Латифжоннинг олдида ич қўйлақда ўтирамиз-ку. Бирам юмшоқ, бирам **ипакдек майин** нарсаки

(С. Аҳмад. Қирк беш кун). Шундин бу ёғига хотин **ипакдай** бўлиб қолди (С. Сиёев. Ясавийнинг сўнгги сафари).

3. *Эшилмоқ*. Юмшоқ, енгил ҳаракат қилмоқ; аёлларга хос ҳаракат қилмоқ.

Бинафшаранг чучмомалар **ипакдай эшилади**, сачратқи ва нўхатак гулларида асаларилар визиллайди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Ёрдамани ниҳоясига етказолмаганидан ранжиб, чоклари тердан оқарган чопонини елкасига ташлаб чиқаркан, суяклидай қотиб кетган тили беихтиёр **ипакдай эшилиб**, ичидагини ошкор қилди (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Бефарқ эмасман деб тараб, Фарқ очса сочдан зеб эмас. Доим **ипакдек эшилиб** Юрмак йигитга эб эмас (Чархий. Ўпкангни бос). Зайниддин **ипакдай эшилиб**, узрни қалаштирди, ит ётишу мирза туришдан тўйганини ҳам қистирди (А. Дилмурод. Кунсулув). Олтинсой туманидаги Хўжаипок жамоа хўжалигида келин уйга киришида оёқлари тагига «**ипакдай эшилиб** юрсин» деган маънода ипак матодан пояндоз ташлайдилар (Л. Худойкулова. Сурхондарё тўй маросим кўшиқлари).

## И Т

### ИТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Қопмоқ, таламоқ*. Кўпол, дагал гапирмоқ, жеркиб гапириб, кўнглини оғритмоқ.

Зоҳид шоиртабиат ҳам эмас, бу аёлнинг кўнглини овлаш нияти ҳам йўқ. Бундан ташқари, хонасига кирувчини **ит каби қонадиган** раҳбару раҳбарчаларга азалдан тобу тоқати йўқ (Т. Малик. Шайтанат). Қиз боланинг ёмони тушиб қолса, ёр-ёр, Ёмон **итдай** бетингдан *қопиб олар*, ёр-ёр (Оқ олма, қизил олма). Идора ходимларига ачинаман-да. Баъзан дуч келганни **итдай қонади** (Т. Малик. Шайтанат). Эчкисига сал текканимга **итдай талади** (А. Обиджон. Серкахоним).

2. *Садоқатли, вафодор*.

Устози ҳаёт вақтида ипакдай мулойим, **итдай садоқатли** бўлган бу букри савдогар Райҳонабонуга тажовуз қилган (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Мажидиддин *вафодор ит сингари* қараб, мурожаат этди (Ойбек. Навоий). Шунда Абдурахмон тақдир бу қиз билан уни чамбарчас боғлаганини, энди у ҳозиргина дуч келгани – меҳр остонасида **итдай садоқат билан** умр кечиршини юраги зиркираб англади (У. Азим. Севги). Соддалиги боис, кишлоқда унчалик обрўи йўқ. Бироқ дўстга **итдай содиқ** (Н. Норқобилов. Ғанимлар). Ғуччи пакана эса унга **итдай содиқ** (Н. Норқобилов. Ғанимлар).

3. *Ақилламоқ, ирилламоқ*. Бировга ғашлик билан кўпол ва ўринсиз гапирмоқ. Салбий муносабат ифодаланади.

Ноҳақ одам **итдай** *акилласа* ҳам, мақсадига эриша олмайди (Сўзлашувдан). Ана, Берди тажанг **итдай** *ириллаб*, нима бўлди (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Одамнинг табиати қизик: бир-бирини кўрмаса соғинади, кўришганида **итдек** *ириллайди* (И. Зойир. Қисмат ўчи). Арзимас бир жондорни деб **итдай** *ириллашманглар!* Уят бўлади-я! (Н. Норқобилов. Ғанимлар).

4. *Югурмоқ*. Бирор нарса умидида тинимсиз ҳаракатда бўлмоқ.

Ул кишим одамлар йиллаб **итдек** *югуриб* топган бойликни меҳмонхонасида ўтириб, ҳисоб-китоб билан топади (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Беш минг сўм учун киночиларнинг кетидан **итдай** тилини чиқариб, *югурадиган* аҳмоқ йўқ! Ана, ёшлар бор, ўшалар қилсин! (М. М. Дўст. Лолазор). На ҳалол, на ҳаром нелигин билмай, Иккисин ортидан **итдек** *югурдик* (А. Маҳкам. Иймон деб...).

5. *Изғимоқ, санқимоқ, дайдимок, тентирамоқ*. Ҳар ерда бирон мунтазамсизлик билан кезмоқ. Одам ҳақида.

Шайбонийнинг навкарлари **итдай** *изғишиб* юрибди (Ойсулук). Етим қолдим ёшлигимда мен ҳам отамдан, Одамларнинг эшигида *санқидим* **итдай** (А. Орипов. Жаннатга йўл). Ҳар кўчада **ит қаби** *Дайдишим*нинг сабаби – Изларингни соғиндим (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Шаҳарга бориб ўқияпман, деб барчани алдаб, бозорда **итдек** *санқиб юриш* шармандалик эмасми? (Ч. Айтматов. Болалигим). Индамагин калга – ўзи келар ҳолга, дейдилар. Отангизга раҳмат. Ана, кўчада **итдай** *тентираб* қолди (Т. Мурод. От кишнаган оқшом). Сирасини айтганда, чўлда **итдай** *изғиш* унга умуман ёқмайди (Н. Норқобилов. Ғанимлар).

6. *Эргашимоқ*. Бировнинг ортидан астойдил, аммо анчайин беқадр ҳолатда доимо юрмоқ.

– Зўрласанг-да, қолмайди бу, – Жондош Қоплонга қараб қўйди. – **Итдай** *эргашиб* юраверади (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Фақат сен қолган эдинг, мана, сен ҳам меникисан, энди тамомсан, ортимдан **итдай** *эргашиб* юраверасан, энди ўз ҳолингча кун кечиролмайсан (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Мана ярим йилдирки, **итдек** унинг орқасидан *эргашиб* юрибди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Бир мункир у зотни таклиф этиб, уйига қадар олиб боради. Эшигига етгач: «Томоғинг учун бир **итдек** менга *эргашиб* келдинг, уйимда ҳеч вақо йўқ», деб ҳақорат қила-қила ҳайдади (Т. Малик. Келинлар дафтарига). Йўқ, янглишдинг, мен Шосалим эмасман! Сенга **итдек** *эргашиб* юрган, бир пайтлари обрўйингни сақлаб қолиш учун туни билан мижжа қоқмаган, садоқат билан хизматингни қилиб, охир-оқибат кадр-қиммати топталган сояман (Ф. Тиловат. Қора кузғун).

7. *Ишламоқ, меҳнат қилмоқ, хизмат қилмоқ.* Ўлар-қоларига қарамай ишламоқ, бутун кучини бермоқ, ҳар қандай ишни миннатсиз бажармоқ.

Савил қоғур чорак бугдойни ўн барабар қилиб қайтардим, ўн йилдан бери *итдай ишлаб* ҳам бердим, яна гуноҳ менда экан-да, тақсир! (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Бу жоҳил, омиқавмга Яратган кўмак этмаса, ўзи *итдек ишламаса*, менинғ елиб-югурганимдан фойда йўқ дерди ҳар ганида (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). *Итдек меҳнат қилиб*, обрў-эътибор қозониб юрган пайтингда кимнингдир ғаламислиги, ҳасадгўйлиги, кўнгли қоралиги туфайли озор чекиб... юрганинда бирдан... ишинг юришиб кетса, бу орзиқиб кутилган улкан бахтни юрагингга сиғдириб ололмайсан, киши (Н. Каримов. Миртемир). Кўнглинг бўлса, уйлан шунга. Яхши нарса лекин, тул қолган-у, бўй қизларга бўй бермайди. Уйлан, *итдай хизматингни қилади* (М. М. Дўст. Лолазор).

8. *Отмоқ; хор қилмоқ (бўлмоқ); ўлмоқ; ҳайдамоқ.* Ҳеч бир раҳм-шафқат қилмасдан ўлдирмоқ, қимматсиз бир нарса сифатида маҳв этмоқ; аямасдан қийин аҳволга солмоқ; эътиборсиз, хор-зор бўлиб ўлмоқ; умуман, кадрсиз нарсага қарагандай муносабатда бўлмоқ.

Паст-пастлигига, туя мастлигига бораркан-да, мени тутиб бериб тирик қолмоқчи бўлдингми, янглишгансан, сениям *итдай отиб ташилашади*, вангиллаганингням биров эшитмайди (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Ўзига ярашасини олди. *Итдай хор бўлди* (Т. Малик. Шайтанат). Байна момо бир пайтлар фақат қишлоқ эмас, бутун тоғли халқнинг орини кўтарган, номини чиқарган Райим полвонни кулоқ дея таъқиб қилишларига, сўнг *итдай хор қилиб, отиб ташилашларига* йўл қўйган ва ўғли билан эрини замоннинг эгаси, бир найтлар Райим полвоннинг малайи Замон отбоқар ихтиёрига бериб қўйган (Н. Эшонкул. Шамолни тутиб бўлмайди). Душманига раҳм қилса ким, ўзи *ўлиб кетади итдай* (А. Ўқтам. Машқ майдонидаги ўйлар). Курилга жўнатилганми, ундан наригами, *итдек ўлиб кетмаганига* шукр қилмайдими! (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Замон отбоқар *итдай ўлим топганди* (Н. Эшонкул. Шамолни тутиб бўлмайди). Қора балчиқли ўрмонларда азоб-укубатлар билан *итдай ўлиб кетиши* кимга ёқади? (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Тўшакка миҳланиб ётган манави устухон хотин айни чоғда ўзидан кучлироқ эканини туйди, ҳар ҳолда, бу ер унинг хос жойи, ҳар ҳолда, у манави хотинни эмас, хотин уни *итдай ҳайдаяпти* (М. М. Дўст. Лолазор). Мени *итдек ҳайдади* аёл, Мен вафодор *итдек...* кетмадим (И. Мирзо. Муҳаббатсиз висол ҳақида).

9. *Чарчамоқ, қийналмоқ.* Ўлар ҳолатга келадиган даражада хоримоқ, ўта мушкул аҳволга тушмоқ.

Кўрмайсизми, чақалоқ тинчимаяпти. Ўзим **итдай чарчаганман** (Ў. Ҳошимов. Урушнинг сўнгги қурбони). Бултур ўзимиз ҳам **итдай қийналдик**, бола-чақамиз ҳам бўлганича бўлди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). **Итдай чарчаганимиз** учун юмшоқ ўринга таппа ташлагимиз келарди (Х. Султон. Бобурийнома). Кўксаройдан **итдай чарчаб** қайтган амир Султон Жондор тўшакка кириб, энди кўзи илинган ҳам эди, кимдир елкасидан секин туртди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

10. *Қутурмоқ.* Ҳаддан ортиқ жаҳлга минмоқ, жуда ҳам ҳаддидан ошмоқ.

Аваз хали бундан бешбаттар аччиқ шеърлар битишини, бу шеърлари хонни, хон валиаҳдини, аркони давлатни беҳаловат этиб, **итдек қутуртириб** қўйишини билмайди (С. Сиёев. Ёруғлик). Қонга ташна **итдай қутуриб**, Учраганга чангал солади (Т. Жўра. Шамол).

11. *Яшамоқ, турмуш кечирмоқ.* Ниҳоятда ночор, қийин, афтода аҳволда умргузаронлик қилмоқ.

Бу ерда на илму фанни, на санъатни, на қўшиқни тушунишадди; ҳаммалари ота-боболаридан қолган катакларда **итдай турмуш кечиршиади** (Н. Эшонкул. Момоқўшиқ).

12. *Ичмоқ.* Орқа-олдига қарамай, меъеридан жуда ортиқ даражада, кўп спиртли ичимлик истеъмол қилмоқ.

Бир кун **итдек ичиб** келганида, чолим раҳматли қаттиқ койиди, жуда қаттиқ койиди (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Олдин унақа эмасди, ҳозир **итдек ичади** (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Азонлаб бориб Мансур акадан узр сўрадим: «Мен ўшанда аҳмоқлик қилган эканман. **Итдай ичиб**, нима деганимни билмабман...» (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Оҳо, бу кишини қаранг-а?.. **Итдай ичиб олиб**, тухмат қилади. Энди шуниси етмай турган эди (А. Жўраев. Қайтим).

#### КУЧАЛА ЕГАН ИТДАЙ

*Тиришмоқ*, қийналмоқ, жуда ҳам нотинчланмоқ. Одам ҳақида; кучли салбий муносабат ифодаланади.

Недир ўт ичра бемажол инграниб, аранг эс-хушимни ўнглаб эканман, аввал ғира-шира ёруғда сокин товланаётган девордаги картиналарни илғадим, ўзим эса қайси бир дастгоҳ ёнида **кучала еган итдек тиришиб** ётардим... (А. Дилмурод. Хаёл чўғланиши). Ўшанда... тепки еб, қалин арчалар орасида **кучала еган итдай** ғингшиб ётаркан, энди ўлсам керак, деган ўйга борганди (Н. Норқобилов. Тоғдаги ёлғиз одам). **Кучала еган итдек**

чодиррида у ёқдан бу ёққа ағнаб, ухлолмаса керак, – деди Идику чодир тўрига оғир чўкаркан (Н. Қобул. Тахт тагидаги зиндон).

### МУСОФИР ИТДАЙ

*Думини қисиб юрмоқ;* бегонадай ажралиб турмоқ. Торти-ниб, кўп нарсдан ўзини тийиб, бошқалардан ўзини кам тутиб яшамоқ.

Мен ўз юртимда **мусофир итдай** думимни қисиб юришни хоҳламайман (А. Қаҳхор. Қўшчинор чироклари). Мендай бегона одам **мусофир итдай** кўзга ташланишим мумкин (Т. Абдураззоқ. Сарсон бўлган асар).

### ИТ ҚУВГАНДАЙ

Кочмоқ, югурмоқ. Қўркув билан шошилинич, тез ҳаракатланмоқ.

Йигит **ит қувгандай** шошиб уйига кириб кетди (Н. Жалолиддин. Тупроқ). Мен Қизилқоя қошидаги дўнгда қўйларимни ёйиб юриб эдим, у киз раҳматли, **ит қувгандай** қоя ёқалаб пирпиракдай елиб келди-да, Оқартошга тушиб қолиб, пайраҳадай пастга эниб кетди (Н. Норқобилов. Тоғдаги ёлғиз одам). Ҳей, мунча **ит қувгандай** хансирайсан? (Х. Сафаров. Тўти Момо).

### И Ч А К

#### АЧЧИҚ ИЧАКДАЙ

*Чўз(ил)моқ;* узун. Керагидан ортиқ узайтирмоқ, жуда ҳам чўзилган. Асосан, гап, нутқ ҳақида, баъзан бошқа нарсалар ҳақида.

Вақти келганда буни Худонинг ўзи ажратиб олади. Сен гапни **аччиқ ичакдай** чўзмасдан мақсадингни ўғил болачасига очиқ гапир (Т. Малик. Шайтанат). Маҳзунанинг назарида табрик **аччиқ ичакдек** чўзилди, хотини бетоқат бўлаётганини кўрган эри «жим ўтирсанг-чи» деган мазмунда уни туртди (Х. Дўстмуҳаммад. Маҳзуна). Диссертациянгиз ўзингизнинг шахсий ишингиз, ука. Биз сизга қайишиб, тагинам бир ой ҳамма юмушлардан озод қилиб, бор шароитни яратиб бердик. Энди **аччиқ ичакдек** чўзавермасдан... ёзинг-қўйинг-да! (У. Усмонов. Гирдоб). Бўлиб ўтган **аччиқ ичакдай** узун гапларни ҳеч кимга, ҳатто қўрбошига ҳам айтмади (А. Кўчимов. Тубсиз қудуқ). Бу ишни ўзимиз юритмасак бўлмайди. Милиция **аччиқ ичакдек** чўзиб юборди. Ишни чўзган улар-у, гапни мен эшитаман (Т. Малик. Шайтанат).

## Й

### ЙИГИТ

ЙИГИТ(ЛАР)ДАЙ

*Чандаст, мард*, бакувват; чарчашни билмай *ишламоқ*. Катта ёшли одам ҳақида.

Ёши элликларга бориб қолган бўлса-да, **йигитдай чандаст**, ўйин-кулги деса, жонини берар, кулганда кичкина қийиқ кўзлари юмилиб кетар, қийқириб, қотиб-қотиб куларди (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). У гапини тугатмай, **йигитлардек** чаққонлик билан зинадан тушиб кетди (С. Аҳмад. Сумбул). Гоҳо Эшкул полвон ҳайвонлар, қушлар, кемирувчилар ҳийласини кузатиб, завкланиб кетади. Айниқса, тулкининг найранги уни ром этади. Бўзбўрининг чапани **йигитлардай мардлиги**, таваккалчилигига тан беради (А. Расулов. Икки дунё – бир қадам). Мана, **йигитдай ишлар** Умрзоқ ота, Кетмоннинг зарбидан ерлар ларзада (Ойбек. Шодиёна).

## Й И Л

(БИР) ЙИЛ(ЛАР)ДАЙ

*Узун; узаймоқ*. Қисқа бир фурсатнинг беҳад узоқ вақт ўлароқ туюлиши ҳақида.

Салқин оқшом, чиройли оқшом, Япроқларга тушар аста нам. Йўлларингга боқдим интизор, **Йилдай узун** ва турғун ҳар дам (Миртемир. Дам). Шу кейинги бир ҳафта мен учун **бир йилдек узун** туюлди (П. Кодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Реал борлик ҳам, инсон тафаккури ҳам чексиз, гарчанд юлдузлар оламининг дақиқалари **йилдек узоқ** бўлса-да, инсон тафаккури буюк (Ўзбек тили ва адабиёти). Укаларимдан «қорахат» келгач, менга уйқу ҳаром бўлиб қолди. Тонг отиши назаримда **йилдек узайиб кетди**. (Н. Сафаров. Оловли излар). Шоир айтган экан: ... Ва лекин ҳижронга тўла кунларим **йиллардек** кўринди менинг кўзимга (Т. Малик. Келинлар дафтариغا).

## БИР (МИНГ) ЙИЛ (ОЙ) КЎРМАГАНДАЙ

Жуда қаттиқ *согинмоқ*.

Гира-шира қоронғиликда Ҳумоюн саропардага кириб келар экан, Ҳамида бонун **бир йил кўрмагандай соғиниб қолганини** сезди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). У Сатторни бундан бир ҳафта олдин кўрган, аммо **бир ой кўрмагандай соғинган** (П. Қодиров. Эрк). Шундай дақиқаларда Сизни *минг йилдан буён кўрмагандек* ҳолатга тушаман, *соғинаман...* (Х. Дўстмуҳаммад. Мен – сенсиз, сен – менсиз).

## Й И Р Т Қ И Ч

(ХУДДИ) ЙИРТҚИЧ(ЛАР)ДЕК

✓ Ваҳшиёна ҳаракатлар қилмоқ. Одам ҳақида.

Шу лаҳза бояги очилиб қолган дарбоза олдида супа устида бир мўғул **йиртқиҷлардек** хотин кишини босиб, зўрлаётгани, қичкириқ-фарёди кулоғига эшитилиб кетди (Мирмуҳсин. Темур Малик). Бир гал Воҳид шиппакни Мунчоқдан тортиб олмоқчи бўлди, балки шу шиппак деб нарса емаётгандир бу жонивор? Қайда, Мунчоқ шиппакни бермади, оламан деб узалган қўлга **худди йиртқиҷлардек** ташланди (С. Ашур. Мунчоқ). Қўрбоши **йиртқиҷлардек** бўқирди: – Кечириш йўқ! (А. Қодирий. Ўткан кунлар).

## Й Ў Л Б А Р С

ЙЎЛБАРСДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Кучли, баҳодир; ташланмоқ, ўқирмоқ, баҳодирона хужум қилмоқ, кўрқув солиб ҳайқирмоқ. Асосан, эркак киши ҳақида.*

Ҳа, **йўлбарсдай кучли**, вазмин йигит. Тегмаганга тегмайди (М. Қориев. Спитамен). Насиб этса, иншооллох, **йўлбарсдай баҳодир** бўлғусидир (Х. Султон. Бобурийнома). **Йўлбарсдай** йигит эдим, ҳа, бир оз чўккандайман (Миртемир. Асо). Бобур мутелигу хор-зорликдан кўра бир ўлимни бўйнига олиб, Шайбонийхонга **йўлбарсдай** дадил *ташланишини* афзал кўрган ва бекларни ҳам шунга кўндирган эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Кейин, базўр ўзини тўхтатиб, қаршисида кулимсираб турган мухолифига **йўлбарсдек ташланди** (М. Қориев. Спитамен). У яна ҳамлага ўтиб, **йўлбарсдек ўқириб**, наъра тортиб, душманга ташланарди (Мирмуҳсин. Темур Малик).

## К

### КАЛАМУШ

#### КАЛАМУШДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Кемирмоқ, емирмоқ.* Таталаб қаттиқ қийнамоқ, азоб бермоқ. Кўпроқ инсоннинг руҳий ҳолатлари ҳақида.

Ким билсин, Абу Шилқимнинг юрагини **каламушдек кемирган** ҳасад ва рақобат туйғуси ўшанда, ғазабдан соқоли дир-дир титраган надари бузрукворининг илк тепкисини еган кечаси туғилгандир? (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Ҳар бири ўзича ўйлар, ўзича фикр юритар, аммо икковининг ҳам ўйлари мағзида афғон уруши, унинг жароҳати, ҳали неча-неча йиллар минглаб, миллионлаб одамларнинг юрагини парма каби ўядиган, **каламуш каби емирадиган** сўнгсиз ўкинч, ўчмас армон ётарди (М. Ҳазратқулов. Чироқ ўчмаган кеча). Малик муаллим миясини **каламушдай кемираётган** изтиробли ўйлардан қутулмоқчи бўлиб, кўзларини юмиб олди (А. Кўчимов. Оқ каптарлар ороли). Билдимки, сиртдан ўзини хотиржам тутса-да, ботинида ғам-гусса ичини **каламушдай кемиряпти** (А. Абдуллаев. Дард). Дард, у кўринмасдир, аммо ботинингни **каламуш каби кемиради** (Х. Тўлибоев. Куйган кўнгил ноласи).

### КАЛЛА

#### КАЛЛАДАЙ

Юмалоқ ва унча катта бўлмаган. Кўпроқ тош, қовун-тарвуз кабилар ҳақида.

Қоф тогида бир мерган ов қилиб юрган экан, қараса, **калладай** келадиган бир тош пастга юмалаб кетаётган эмиш (А. Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар). Шундай одам кичкина, бор-йўғи **калладай** келадиган тошнинг остида қолиб ўлган (Н. Эшонқул. Уруш одамлари). Қалай, маза қилдингми? – деди чол Амирдан уч-тўрт одим нарида тўхтаб, сўнг **калладек** келадиган тошга омонатгина ўтирди (У. Ҳамдам. Мувозанат). Буни номи туяқуш. Озарбойжонда бўлади. – Тухумиям **калладек** бордир? (А. Обиджон. Мешполвоннинг жанглари).

## КУЙДИРГАН КАЛЛАДАЙ

*Иршаймоқ, ишшаймоқ, иржсаймоқ, тиржсаймоқ.* Жуда хунук, юзларини ёйиб, тишларини кўрсатиб кулимсирамоқ, давомли шундай ҳолатда бўлмоқ.

Сенга кулиш бўлса, – деди Сафар ота жаҳл билан. – **Куйдирган калладай иршайиб** юраверсанг! Ким тегади бунақада сенга?! (Ў. Умарбеков. Кимнинг ташвиши йўк). Кулиб қараши ғашимни келтирди. Нега **куйдирган калладек ишшайди!** Нияти нима ўзи! (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Фосих афанди бўлса, кеча мингбоши катта умидлар билан ювдириб, таратиб ҳоким кўзига боғлатиб қўйган қора дулдул устида **куйдирган калладек иржайиб** ўтирар эди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Қўлчани дабдала қипсан-ку, – **куйдирилган калладай тиржайди** Ҳожи (А. Кўчимов. Қочоқ). Бу ерда нимага **куйдирган калладай тиржайиб** турибсан? (Ғ. Шермуҳаммад. Баракасини берсин).

## КАЛТАКЕСАК

### КАЛТАКЕСАКДАЙ

*Совуқ.* Жуда ҳам ёқимсиз, гап-сўзи, килиғи-қиёфаси билан одамни жиркантирадиган. Одам ҳақида.

Мажбур қилмади, мажбур қилгани бундан беҳроқ эди, кекса бағрига заха едирмас эди, ўзини-ўзи **калтакесакдай совуқ** кўрсатиб, қадрини пастлатмас эди (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Бозор оксоқолининг **калтакесакдек совуқ** башараси бир лаҳзада йўқолиб, Темур Малик кўз олдида раққоса Нигина пайдо бўлди (Мирмуҳсин. Темур Малик).

## КАЛХАТ

### КАЛХАТДЕК (КАБИ, СИНГАРИ)

*Чанг солмоқ.* Тортинмасдан, беандиша қўл урмоқ, ушламоқ, хужум қилмоқ. Асосан, одам ҳақида.

Жамила опа қўлимдаги мактубга **калхатдек чанг солди**-да, уни юлиб олди, очиб ҳам ўтирмай йиртиб ташлади (Ж. Фозил. Болалик боғлари). Немисларнинг самолётлари **худди қора калхатдек** учиб келишди-ю, бирпасда қишлоғимиз дўзахга айланди-қўйди. Шошилинч ҳаммани кўчириша бошлади (Ў. Умарбеков. Қиёмат қарз). Уч-тўртта хотин оч **калхатдай** ёпирилиб, қарғаб, тортқилаб кийимларини ечдилар (С. Вафо. Тутилган ой).

## КАМАЛАК

### КАМАЛАКДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Эгилган, эгик; эгилмоқ, қийшаймоқ.* Кўпроқ кош, қад-қомат ва шу кабилар ҳақида.

Зоҳид ўзини танитгач, дарвоза ўртасидаги эшик қия очилиб, эгнига пахталик нимча кийиб, елкасига жун рўмол ташлаган, киприклари узун-узун, қошлари **камалак каби эгилган** чиройли жувон кўринди (Т. Малик. Шайтанат). Энди диканглиги қолибдими буни, нашани чекиб, ана, **камалакдай эгилиб**, бурни сандалга теккудай бўлиб ўтирибди (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Арра ҳадеб **камалакдек қийшаяди**. «Жинг-жинг» деб овоз чиқаради (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Тоби қочган кунлари **қадди камалакдай**, даҳани тиззасига теккудай эди, ҳарна дўхтирларнинг фойдаси тегибди (И. Зойир. Қисмат ўчи).

2. *Товланмоқ, ранго-ранг кўринмоқ.* Турли рангда жил-валанмоқ.

Айвонга чиқадиган эшикнинг устидаги куббасимон токчага терилган бу китобларга, афтидан, ҳеч ким тегмаган, уларнинг кўк, сарик, қизил чарм жилдлари олтин қандилга терилган шамлар шуъласида хил-хил жило таратиб **камалакдай товланарди** (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Хонзода бегимнинг нафис қадди-қомати, ҳафткор ипак матодан кийган **камалакдай товланувчи** қабоси Аҳмад Танбалга бугун ҳар қачонгидан ҳам жозибали кўринади (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Шифти баланд, тоқилари **камалакдай ранго-ранг**, устунлари ўймакор, ерга ташланган қизил гиламлар, оқ наматлар устида ўтирган мартабадор кишиларнинг нигоҳи тахтда (Мирмуҳсин. Темур Малик). Чиройли олтин қафасларга солинган тўтиқушларнинг **камалакдай товланган** патлари Гулбаданнинг эътиборини ўзига тортди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Шийпоннинг атрофидаги кумуш фавворалардан отилиб чиққан сув чинни ариқчаларга қуйнлар, қатор устунларга осилган кўк-қизил фонуслар шуъласида фаввораларнинг суви **камалакдай товланиб**, ажиб бир манзара касб этган эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

## КАМОН

### КАМОНДЕК

*Эгик, эгилмоқ.* Асосан, кош, қад-қомат ва шу кабилар ҳақида. Иттифоқо, богбоннинг бир ошнаси бор эди. Қарилик юки коматини **камондек эгиб қўйган эди** (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Қошларинг **камондек** тортилар таранг. Тутдек тўкилади сўнги

бардошим (И. Мирзо. Собик аскар). Фаришта актёрлар қотишади донг, **Камондай** тортилар директор қоши. Ўзим кўрқиб кетиб куламан: – Шайтон! Саҳна билан ҳаёт кетди адашиб (У. Азим. Роль). Бувим уни кўтариб олиб, ҳамду сано ўқий бошладилар. – ... Кўзлари коп-қора, қошлари **камондай** (Н. Раҳмат. Буни ҳаёт дебдилар ёки ўғлим Улуғбекнинг кундалиги). **Камондек** қошларингдан киприкларинг ўқ отар доим (Х. Олимжон. Куйгай). Ҳар вақт суратингга тикилганимда **камондек** қошинг, ўйчан ва маънос кўзингга термулиб, оқибат кимсасиз оролдек хувуллаган кўнгилга ва ёлғизликка гирифтор бўлишимни қайдан билибман?! (Х. Тўлибоев. Куйган кўнгил ноласи).

## КАНА

### КАНАДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ)

1. *Ёпишмоқ*. Маҳкам ушлаб олмоқ, бировга хиралик билан тирғалмоқ.

Бизнинг Муҳсина хонимлар унинг олдига тўйга борсам ярашаркан. **Канадай ёпишиб олди-я!**.. Лекин мен ҳам бўш келмадим (М. М. Дўст. Лолазор). Ҳаммасини экаман, тинч кўясанми, йўқми?! Нега менга **канага ўхшаб ёпишиб олдинг?**! (Н. Эшонкул. Уруш одамлари). У бу тўрт нафар бечора жоннинг қайси бирисига ачинишни билмас эди. Эшак яғринига **канадек ёпишиб олиб**, уни ҳадеб хи-хилаб кистаётган мурғак болага ачинсинми? (М. Исмоилий. Фаргона тонг отгунча). Шоди ака ...уриш-сўкишларга бошини ҳам қилиб, шундоқ номдор оиланинг кизини йўлдан урган, улуғларга **канадай ёпишиб олган** устмон куёв бўлиб юраверади (А. Аъзам. Аскартоғ томонларда).

2. *Сон-саноқсиз*, ҳамма ёқни босиб кетган. Одам ҳақида.

Бу ёқда бўлса – ҳали сиз айтган **канадай сон-саноқсиз** йўқсил бир парча нонга зор (Э. Аъзам. Жаннат ўзи қайдадир). Йўқсил деганингиз рўйи жаҳонни **канадай босиб кетган**, эҳ-ҳэ! Уни барибир тўйдириб бўлмайди, ишонинг (Э. Аъзам. Жаннат ўзи қайдадир).

## КАПАЛАК

### (ХУДДИ) КАПАЛАКДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Енгил*, енгил учмоқ.

Гуллари тўкилар ўша бодомнинг, **Капалакдай** келиб юзингга кўнар (М. Юсуф. Мактуб). «Бокдим тевааракка, шунда ўзимни Ҳис этдим **капалак каби енгил**, шод» деб ёзган шеъримми? (Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар). Одамлар у ёқдан-бу ёқка

юғулар, мен эса **худди капалакдай** *учиб* юрардим (Н. Эшонкул. Қора китоб). Жуда олисларда, далаларнинг уфққа тутаниб кетган жойларида ҳам оппоқ қоғозлар **капалакдек** пилдираб *учар*, гоҳо енгил шамол боғлар устидан уларни очиқ далаларга қараб суриб кетарди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун).

2. *Гулдан-гулга ўтмоқ*, кўнимсиз. Гоҳ уни, гоҳ буни яхши кўраверадиган, интим муносабатда бўлаверадиган, бир жойда муқим ишламайдиган одам ҳақида.

Акбарга меҳр кўйган бу ёш оналар энди ундан оқибат кўрмаганлари учун шундай ўртаниб йиғлашади, фарзанд доғида шундай куйишадики, Акбарнинг **капалакдай** *гулдан-гулга ўтиб* олган лаззатлари энди заҳарга айланиб, бурнидан чиққандай бўлади (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Онаси ҳақ. **Капалакдек** *у гулдан-бу гулга сакрайдиган* даври тугади. Энди унинг уйи, рўзғори, севимли кишиси бўлиши керак (Ў. Умарбеков. Одам бўлиш қийин). Баъзилар бир умр **капалакдек** *гулдан-гулга кўниб* юрадилар, ширали жойлардан узоклашмайдилар, ақлли пашшадек ахлат тепасида чарх уришдан ҳам ҳазар қилишмайди (А. Мелибоев. Қирқ бешинчи бекат). Суҳбатдошимиз **капалакдек** *гулдан-гулга кўниб* юрадиган бундай ширахўр, «даврон келди сур бегим»ларни устомонлар деб атайди (А. Мелибоев. Қирқ бешинчи бекат).

## КАТАЛАК

### КАТАЛАКДАЙ

*Тор*, кичкина. Жуда ҳам кўримсиз ва кичик ҳовли, уй, хона, умуман, жой ҳақида.

**Каталакдек** *тор* хона тўрида ингичка стол турар, столга каттакон тошойна тик қилиб кўйилганди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Мен улардан **каталакдай**, шифти жуда паст хонани сотиб олганман (Н. Эшонкул. Тун панжаралари). Улар дастлабки йили бир дехқоннинг **каталакдек** уйидан паноҳ топишди (Т. Малик. Шайтанат). Унинг **каталакдек** хужраси газета-журналга тўла (Э. Аъзамов. Кўк эшик). Хўжа бувиси, дадаси билан **каталакдек** ҳовлида турарди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Учта рўзғор **каталакдай** жойга тикилиб ўтирган бўлса-ю, сиз томорқа ололмасангиз (А. Кўчимов. Оқ каптарлар ороли). Отам кишлок марказидаги **каталакдек** сартарошхонасидан қайтди (С. Тўраев. Ой юзидаги аёл).

## КАФАН

### КАФАНДАЙ

1. *Совуқ*. Жуда ҳам ёқимсиз, этни жунжиктирадиган даражада нохуш.

Бу қаттиқ совуқда уларнинг отдан тушгилари келмасди, чунки отнинг баданидан озгина бўлса ҳам иссиқлик чиқиб, суворийга илиқ тафти уриб турар, пастдаги одам бўйи қор эса **кафандай совуқ** туюларди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Тўғри, тўйда янги либослар кийдиришганди. Аммо у кийимлар **кафандек совуқ** туюлган эди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Ҳозир Бобурнинг тасавурида баланд чўққиларнинг асрий қорлари **кафандай** беҳаракат ва *совуқ*, ўлимдай абадий бўлиб гавдаланди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар).

2. *Оппоқ*. Нохуш оқ ранг ҳақида.

Еру кўкни **кафандек оппоқ** туман чулғайди. Оқ зулмат орасидан қарғаларнинг хосиятсиз фиғони эшитилади (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Турмушни янғичасига куриш ҳам бош мақсад эмас: Жалололдиннинг отаси, энаси уйни *оппоқ* қилиб **кафандай** бўяб қўйган татар муаллимга ножўя иши учун танбех берадилар (А. Расулов. Шарофат ёғдусидан баҳрамандлик).

## КАФТ

### КАФТДАЙ

1. Кичкина, мўъжаз.

Алберт қўйнидаги яширин чўнтақдан чарм ичида авайлаб, асралган **кафтдай** бир рангли сурат олди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Одамлар тепага қараб савол берар, Шайх ёнидан **кафтдай** қоғоз олиб бепарвогина пастга ташлар эмиш (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнги сафари). **Кафтдек** телефонни савдогар ишга солишни ҳам унутмаган эди (О. Мухтор. Майдон). Профессор **кафтдай** аппарат қопқоғини очиб, қулоғига яқинлаштирди (А. Абдуллаев. Дард). Йўлдан қайноқ ҳовур кўтарилар, аксига олиб, **кафтдек** соя жой йўқ эди (Ў. Ҳошимов. Нимадир бўлди). **Кафтдек** ҳовлиси бор одамнинг сигир сақлаганини кўрганман (Ш. Холмирзаев. Ўзбек бобо).

2. *Текис, равон*. Муайян сатҳ ҳақида.

Тепаликнинг орқасида катта, **кафтдай текис** майдонда қирқ-эллик чоғли ёш-ёш йигитчалар (Ойбек. Навоий). У **кафтдай текис**, кенг Беруний кўчасига чиққанидан кейингина анча ўзини босди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Минг йиллар давомида авлодларни боқиб келган **кафтдек** далаларга, олисда,

куёш нурида кўзни қамаштириб жилваланаётган Сайхун дарёсига, унга бориб қўшиладиган Турксув ирмоғига тикилиб қолди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Бу пайтлар бир юз ўттиз йил аввал Олтин Ўрда хони Баракахон томонидан Идил бўйидаги **кафтдек текис** ерда барпо этилган Сарой-Берка шаҳри Евронада машхур пойтахтлардан ҳисобланарди (М. Али. Улуғ салтанат). Шу кеча тун қоронғиси билан йўл босиб, кун анча ёйилиб қолганида **кафтдек текис** бир мавзеда ўрнашган Сомсарак деган икки юз уйлик кичкина кентга етиб келинди (Х. Султон. Бобурийнома). Уфқлар **кафтдек равон**, кўк сочган бор бисотин (А. Орипов. Қарши кўшиғи).

#### КАФТДАГИДАЙ

*Яққол кўринмоқ, аниқ кўринмоқ.* Бутун икир-чикиригача, равшан намоён бўлмоқ.

Бинонинг орқа – шимол томонидаги айвондан Тошпўлат Аҳмад эъюзлаган, авайлаган шаҳарнинг асосий қисми – Бухоро шарқи, шимоли, ғарби **кафтдагидай яққол кўриниб турарди** (Қ. Кенжа. Буюклар изидан). Тоғ қиррасида турган ҳужрадан бутун Ўш шаҳри ва унинг атрофлари **кафтдагидек аниқ кўринар эди** (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Бутун шаҳар **кафтдагидек яққол**, ҳатто бир оз мунғайиб, ҳукмга маҳталдай бўлиб **кўринади** (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Бу ердан довоннинг нариги тарафи **кафтдагидай кўринар экан** (М. М. Дўст. Лолазор). Денгиз бўйида, юз газ баланд қоядаги қасрда ўтирган Тўхтамишхонга узоқ-узоқлар **кафтдагидек намоён эди** (М. Али. Улуғ салтанат). Еттинчи қаватдан теварак **кафтдагидек аниқ кўринади** (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар).

#### КАЪБА

#### КАЪБАДЕК

*Беҳад муқаддас.*

Шеърият унинг учун **Каъбадек муқаддас** маскан эди (Н. Каримов. Миртемир). Мансаб пиллапояларидан кўтарилиб, номинг ва руҳинг осмон қадар бўлганда, сўнг бир лаҳзада барисини йўқотганинда, сени бағрига босгувчи, далда бўлгувчи, таскин бергувчи шу мунис маскан – **Каъбадек муқаддас** оиладир (О. Дадаева. Муносабатларга путур етмасин).

## К Е Л И Н ( Ч А К )

### КЕЛИН(ЧАК)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Нозланмоқ, сузилмоқ, солланмоқ, безанмоқ, гўзал бўлмоқ.* Нозик, инжа, жуда ярашиқли ҳаракатлар қилмоқ, жозибали ҳолатга тушмоқ.

Водийи **келиндек** *нозланган* бу юрт, Воҳаси куёвдек отланган юрт бу (Г. Асқарова. Ўзбекистон мадҳи). Қараса, унинг олдида икки йўл бор экан: биринчиси, тақдирга тан бериб, Зубайдабонунинг акасига узатилиб, парда ортида гўзал **келинчақдай** *сузилиб* ўлтириш... Иккинчиси – тезда Самарқандга қайтиш (М. Али. Улуғ салтанат). Шу куннинг эртасига Маша ясантусанни ўрнига қўйиб, ишга **келинчақдай** *безаниб* келди (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Сулув **келинчақдек** *безанмиш* баҳор, Далалар ҳам гулзор, боғлар ҳам гулзор (У. Азим. Деразадан боқар соҳибжамол ой...). *Солланасан* **келинчақдай** бошинг эгиб, Жайрон ўтган сўқмоқларга ёшинг тўкиб (М. Юсуф. Қизғалдоқ). Ўқтамхон қочиримни тушуниб, **келинчақ каби** юзлари лов-лов ёнди (А. Абдуллаев. Дард). Уйдан жомеъга келиб, жомеъдан уйига қайтгунча салом-алиқдан бошқага оғиз очмайдиган, онда-сонда янги **келинчақдай** мулойим ва юмшоқ йўталиб қўядиган ингичка овозли домла-имом бир неча оғиз сўз қилиб, суд раисининг илтимосини расман ўрнига қўйди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Авжи баҳор, Ўзбекистон дилбар **келинчақдек** *гўзал*, ям-яшил манзаралар кўзга роҳат бағишлайди (Х. Султон. Бобурийнома).

## К Е М А

### КЕМАДАЙ

*Чайқалмоқ, тебранмоқ.* Турли нарса-буюмларнинг тебранма ҳаракати ҳақида.

**Кемадай** *чайқалар* беланчақ, Шамоллар солади ҳалинчақ, Эна қиз ухласин, эна қиз (Э. Шукур. Меҳринисога айтган алламиз). Кўз олдида худди кечагидай яна қонли дарё келиб, қамоқхона шу дарёдаги пачоқ **кемадай** *чайқала* бошлади (Т. Малик. Эркин). Саҳройи қуюнга дўнди булутлар, **Кемадай** *чайқалиб* сузар тобутлар, Сен омон кабутар, ҳайрон кабутар, Кўнглим рисолати, қанисан, қани? (Э. Шукур. Йўқлов). Шифтдаги чироқ, манави хона худди тўфон турган денгизда сузиб кетаётган **кемадай** оҳиста *тебрана* бошлади (З. Куролбой қизи. Машаққатлар гирдоби). Умиднинг бирдан кўзи тиниб, олам коронгилаша бошлади. Ер ҳам **кемадек** *чайқалиб*, оз бўлмаса, турган жойида йиқилиб тушай деди (Мирмуҳсин. Умид).

## КЕСАК

### КЕСАКДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ҳиссиз, ҳаракатсиз; қотмоқ, увушмоқ.* Асосан, одам ва унинг аъзолари ҳақида.

Чеккасини зах ерга бериб йиқилган ва **кесак каби ҳиссиз** кизини жон ҳолатда кучоғига олди (А. Қодирий. *Ўткан кунлар*). Узоқ вақт **кесак каби ҳаракатсиз** қолгач, куч орқасида тилимини базўр сўзга ҳаракатлантирдим (А. Қодирий. *Ўткан кунлар*). Кейин аёл бечора шундай ҳолга тушинтики, юзидан ифода ғойиб бўпти. **Кесакдай** эмиш. На ғам, на ташвиш, на меҳр, на қаҳр – ҳеч нарса сезилмайдиган бўп қопти (Ш. Холмирзаев. *Кузда баҳор ҳавоси*). Ая қанча муддатдир турган жойида **кесакдай қотиб қолди** (У. Ҳамдам. *Сабо ва Самандар*). Шермат ака **кесакдек увушган** баданларини ишқалай-ишқалай, қишлоқча томон йўл олди (А. Асил. *Олишув*).

## КЕТМОН

### КЕТМОНДАЙ

Катта, энли. Муболағали ифода учун, асосан, одам кафтига нисбатан.

Мойчиरोқ шуъласида уста Темур Самарқандий Қаландарни бағрига босиб, кўзига ёш олиб хайрлашди, пешанасидан ўпиб, оқ йўл тилади. Лекин худди шу маҳал, уста **кетмондай** кафтларини очиб оқ фотиҳа бераётганида, ногаҳон эшик тақиллаб қолди (О. Ёқубов. *Улуғбек хазинаси*). Амиркул полвон ана шу терак тагига етганда пешонаси тиришди ва **кетмондек** кафтини дарахт танасига босиб хиёл итарганди, шундай баҳайбат терак бемалол қимирлади (Ш. Холмирзаев. *Ўзбек бобо*). Энқайиб болақайнинг юзларини **кетмондек** кафти билан силади (А. Кўчимов. *Бойчечак*). Бир вақт бўйнига оғир бир нима текканини сезиб, у сапчиб тушади. Қараса – ишшайиб орқасида Фозилбой турибди, шунинг **кетмондек кафти** экан (Э. Аъзам. *Забаржад*).

## К И Й И К

### КИЙИКДАЙ

1. *Чаққон, ҳушёр, беозор, учқур; учмоқ, жуда тез ҳаракатланмоқ.* Одам ва бошқа ҳаракатланувчи нарсалар ҳақида.

**Кийикдай чаққон** Хонзода бегим йигитнинг елкасидан тутиб, ўзини тез ўнглади ва унга секин раҳмат айтди (П. Қодиров. *Юлдузли тунлар*). Ойиша бегим ҳуркович **кийикдек чаққонлик** би-

лан ўрнидан турди ва қочишга ҳозирланди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Шовурсиз оламда у ўзини айиқдек хотиржам, бўридек ёвқур, **кийикдек хушёр** сезади (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Бобур қашқирлар қуршовига тушиб қолгандек безовталанар эди. Онасининг «Сулҳ тузинг, бинокор бўлинг!» дегани «**кийикдай беозор** яшанг» дегани эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Жамолзода билан Ботир орқага ўтиришди. Гулгина машинани **кийикдай учирди** (М. Ҳазратқулов. Кўккўл). Бўлди! Ўргилдим сендақа «бечора»дан... Ўз иззатини билмаган нонкўр! **Кийикдай** машинанинг рулини тутқазиб қўйибман-а, сен кўрнамакка (М. Ҳазратқулов. Момақалдирик). Садафбиби хуркак **кийикдай** чопқиллаб чиқиб кетди (О. Ёқубов. Кўхна дунё).

2. *Хуркак; хуркмоқ, кўркүв, уялиш ёки тортинчоқлик билан ўзини четга олмоқ. Асосан, одам ҳақида.*

Бу маҳалда бу санаторий ҳали қурилмаган, Матлуба эса эндигина саккизинчини битирган, **кийикдай хуркак** бир қизча эди (О. Ёқубов. Матлуба). Нилуфарнинг ёқимтой қилиқлари, жозибали кулгиси, оппоқ қўлларининг қонни кўпиртирувчи майинлиги, дам суйканиб, дам **кийикдай хуркиб** қочишлари бир умр эсида қолди унинг (О. Ёқубов. Биллур қандиллар). Онам кириб деди: «Совчи келар ҳозир», **Кийикдайин хуркиб** панага қочдим (Х. Худойбердиева. Бир аёлнинг кундалигидан). Кўчадан келар чақириб, Ўлдингми, деб бақириб. Болалар кўрқишади, **Кийикдай хуркишади** (Халқ кўшиқлари).

## КИНО ЛЕНТАСИ

(ХУДДИ) КИНО ЛЕНТАСИДАЙ

*Липиллаб ўтмоқ.* Инсоннинг кўз ўнгидан бир-бир ўтмоқ, кетма-кет тасаввурда жонланмоқ.

Азизнинг кўз ўнгиди Маҳамат чатоқнинг ўша айвонда ётиши, танчага беркингани, боши узилган отаси... ҳамма-ҳаммаси **худди кино лентасидек** бир-бир *липиллаб ўтди*-ю, баттар уйқуси қочди (Ў. Усмонов. Гирдоб). Машина нам, силлиқ асфальтда вишиллаганча йўлга тушди, йўл четидаги дов-дарахтлар тезлаштирилган **кино лентасидек липиллаб ўтадики**, кўз илғаб улгурмайди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Бир вақт келиб, худди анави аёлни кўриб қолганимдек, энди бир эркакнинг юзига кўзим тушди ва шу заҳотиёқ аллақандай сирли-сеҳрли куч остида унинг ўтмиши **кинолентадек** ботинимнинг аллабир кунжида айланиб улгурди (У. Ҳамдам. Пиллапоя). Шу бир неча сония ичида унинг кўз олдидан бутун ҳаёти **кинолентадай лип-лип ўтди** (З. Қуролбой қизи. Икки манзил).

## КОПТОК

### КОПТОКДАЙ

1. *Думалоқ*. Шундай ёки шу шаклга мойил нарсалар ҳақида. Домимизда Қурбоной хола деган хотин бор. Фаррош. **Коптоқдек думалоқ**, қачон қараса, қўлидан супурги тушмайди. (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Думалоқ **коптоқдек** боши танасидан катта бўлганидан тўғри юролмас, тумшуги билан ерни сидириб, йўлида учраган нарсани босиб, ағдариб, ўзи ҳам юмалаб юарди (Ў. Ҳошимов. Бўрибосар).

2. *Сакрамоқ, учмоқ, думаламоқ, от(ил)моқ*. Одам ёки муайян нарсанинг энгил ҳаракати ҳақида.

Машина нотекис йўллардан **коптоқдек сакраб-сакраб**, охири кенг, текис асфальтга чикди (С. Аҳмад. Жимжитлик). Машинанинг икки чироғи икки нузли **коптоқдек сакраб-сакраб** келарди (С. Аҳмад. Жимжитлик). Туриш баробарида Жумабойнинг биқинига чунонам тепдики, у **коптоқдай** *учиб* бориб, теракнинг шохига осилиб қолди (А. Кўчимов. Оқ каптарлар ороли). Ҳавода гир-гир айланиб, **коптоқдай** пастга қараб *думалаб кетдим* (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Комрон жон ҳолатда зина панжарасини тутиб қолмаса, пастга қараб **коптоқдек думалаб-юмалаб кетиши** муқаррар эди (Х. Дўстмуҳаммад. Шабада). Азизхон **коптоқдек отилиб** ташқарига чикди (С. Аҳмад. Қирк беш кун). Кучук бўлса мени кўриб руҳланиб кетди, пакана хотинга **коптоқдек отилди** (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Шу ондаёқ машинанинг ўнг қанотиға алланима қаттиқ урилганини, мотоцикл **коптоқдек** бир чеккага *учиб кетганини* кўриб қолди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Жума ака энг аввал мен чиқарган икки пудлик тошларни **коптоқдай** юқорига улоқтириб ўйнай бошлади: уларни навбатма-навбат ирғитар, сўнг кўкраги билан уриб юборар, чўян тошлар зарб билан полга урилар, тахталар бир оз майишиб кетар, энгил чанг кўтариларди (Н. Раҳмат. Иқбол).

## КОСОВ

### КОСОВДАЙ

*Қора, қоп-қора*; шунингдек, *ингичка, озгин*. Асосан, одам ва унинг тана аъзолари ҳақида.

Оломон орасида ғала-ғовур бошланди. **Косовдек қоп-қора, озгин** чол қўлини паҳса қилиб, бир нима деб чийиллади (Ў. Ҳошимов. Ўзбек иши). Бир куни у **косовдай қора** ва шанғи хотини билан ғижиллашиб турганда, эшиги олдида бир ара-

ва тўхтайдди ва эшик уч марта тақиллайди (Н. Эшонқул. Тун панжаралари). Бунга ўша «қора чигиртка» сабаб бўлди: қизил шоҳи кўйлагининг ёқалари осилиб ётган, оёқлари **косовдай озгин, қоп-қора** қиз билетдаги учала саволга яхши жавоб берди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Сирожиддиннинг кўлидан имтиҳон варақасини юлқиб олди-да, **косовдек қора, ингичка** оёқлари билан полни қарсиллатганича юриб чиқиб кетди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Чойхоначи оловга энгашди. **Косовдек** кўлида газетага ўралган китоб (С. Афлотуний. Гумроҳлар).

## КУЛЧА

### КУЛЧАДАЙ

*Юм-юмалоқ*, кичкина. Асосан, ой, одамнинг юзи ҳақида.

Икки соат чамаси булутлар орасида яшириниб юрган **кулчадек** ой сезилар-сезилмас нур сочяпти (Ў. Умарбеков. Йўлда). Кўкда кумушдан ясалган **кулчадай** ой. Ҳаво – намхуш (А. Кўчимов. Қочоқ). У бидирлоқ мухбирчани силтаб ташламоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Олтиной **кулчадай юм-юмалоқ** юзлари лов-лов ёниб: – Тухмат ҳаммаси! – деб хитоб қилди-ю кўзига ёш олди (О. Ёкубов. Адолат манзили). Мавлуд қори қирқни қоралаган, жунсавағичдай ингичка, кўй кўзлари мастона сузилган, юзи **кулчадек** бир парча, мўминқобил йигит эди (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Рангрўйи кетиб, докадай оқарган, кўзойнаги **кулчадек** юзига ярашиб тушган, оёқ оғриги жон-жонидан ўтиб кетаётганига қарамай кулимсираб ўтирган опаси қуйиб кўйган онасининг ўзгинаси!.. (Х. Дўстмуҳаммад. Паноҳ). Тўфақиз **кулчадай** юзчасини Дилшодга ўгирди-да, қора кўзчаларини ўйнатиб туриб бирдан ашула айтиб юборди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Отақўзининг кўз олдига кампирнинг **кулчадеккина юм-юмалоқ** юзи келди, қулоқлари остида мулойим ва синиқ овози янграгандай бўлди (О. Ёкубов. Диёнат).

## КУМУШ

### КУМУШДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Оппоқ*. Кўпроқ одамнинг сочи, соқоли ҳақида.

**Кумушдай** *оппоқ* соқол Кўкрагини босган чол, Ёш гўдақлар, жувонлар, Навқирон паҳлавонлар (Ҳ. Олимжон. Ойгул билан Бахтиёр). Шеъримни бошларкан, ой болққан эди **Кумушдек** сочимни эркалаб ўтиб (Ғ. Фулом. Виждон ҳурмати). Устоз ҳам бу

қадар нуфузли эътибордан миннатдорлигини айтди. Пировардида сочи **кумушдай оқ**, кекса шифокор бўйдор йигитни Устозга, опоқига таништирди (Х. Дўстмуҳаммад. Куза...). Олисда тоғ. Кўкка бўй чўзган, чўққилари **кумушдек оппоқ** тоғ... (Ў. Умарбеков. Одам бўлиш қийин).

2. *Товланмоқ, ялтирамоқ.* Оқиш нурли ранглар билан жилоланмоқ.

Музликнинг баъзи ерлари офтобда **кумушдай товланади**. Ҳаво совуқ (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида). Олисда **кумушдек товланиб** дарё оқмоқда (Ў. Умарбеков. Баҳор). Нури куёшда **кумушдай ялтировчи** банорас паранжида; юзи қат-қат шойи рўмоллар билан ёпиқ, хонанинг остонаси ёнида сал эгилиб туради (Ойбек. Қутлуғ қон). Куёшнинг акси тушган шабнамлар эса **кумуш каби ялтираб**, кўзни қамаштиради (М. Ҳазратқулов. Кўккўл). У ердаги оппоқ қорлар ёзнинг иссиқ кунларида **кумушдек товланади**, шабада майин эсиб, кишига ором бахш этади (М. Қориев. Спитамен). Улар шошди, **кумушдек товланиб** турган даранинг чиройига учишди (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Ювилиб топ-тоза бўлиб кетган кумларни лойқалатмоқчи бўлган балиқларнинг **кумушдек товланишлари**, туш пайтида бирдан жимжит бўлиб қоладиган, тунлари гўё аллақандай жинлар базм қиладиган бу оромгоҳ энди унга бегона бўлиб қолгандек (С. Аҳмад. Жимжитлик). Кампир қимирламай туриб қолди. Ой орқа томондалигидан унинг юзи кўринмас, фақат сочлари **кумушдек йилтирарди** (С. Аҳмад. Раҳмат, азизларим).

## КУН

### КУНДАЙ

1. *Ёруғ, чароғон, гўзал; покиза, бахтли.*

Иккинчини эгаллашга Бор зехнимни қилай сарф. **Кундай ёруғ** бу синфда Аталган ўз ўрним бор (Ғ. Фулом. Биринчи дарс). Ғафлат босиб, **кундай ёруғ** йўлдан чиқма, Оқ сут билан танга кирган тилдан чиқма (С. Тўйчиева. Биз кечиримли халқмиз). Қалблари булоқ сувидай тоза, ниятлари **кундай ёруғ**, инсоният жамоасининг келажаги, бахтини ўйлайдиган, ҳақиқий маърифатпарвар инсон эдилар (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Боланинг юраги сиқилиб, сандиқни очишди. Очиб қараса, ўзи тушида кўрган қиз ётган эмиш. Жамоли ойдек, қошлари ёйдек, юзлари **кундек**, сочлари тундек қиз экан (Қирон ботир). Кўзлари **кундай** ёришган, Юзлари яшноқ эмиш (Ж. Камол. Оҳ, гўзал Фарғонанинг...).

2. *Равшан, аён*. Ҳар жиҳатдан маълум, ҳеч бир иштибоҳсиз аниқ билинган.

Бир китобнинг икки бети, Туташгандир еримиз, Бир-бировга **қундай равшан** Аёнимиз, сиримиз (Ғ. Ғулом. Қозоқ элининг улуғ тўйи). Қанча буюк зотларга макон бўлган Хоразм, Ўтган, кетган тарихинг барчага **қундай аён** (А. Орипов. Аллома). На- жот калити фақат султон илгида эканлиги **қундай равшан** эди (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Камина қулингизнинг сао- дати ҳам, жасорати ҳам зоти муборақларига **қундек равшандур** (Х. Султон. Бобурийнома). Бу воқеалардан сўнг Темур қўшини сукут саклаб тура олмаслиги барчага **қундай равшан** эди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Гарчи орала- рида ҳали ҳеч қандай изҳорлар, изҳори диллар бўлмаган эса-да, ҳаммаси **қундек равшан** эди: борини кўзлар ифшо айлаганди (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар).

## К У Н Д У З

### (ХУДДИ) КУНДУЗДАЙ

*Ёруғ, чарогон; беҳад ёритмоқ.*

Тўйхонада ёш-яланглар билан тўлиб-тошган рақс майдони **қундуздай ёруғ** (Сўзлашувдан). Ўртага осилган каттакон, жуда ҳам аломат бир чироқ кўзни қамаштириб айвон ва саҳндаги одам тўла сўриларни **қундуздай ёритиб турарди** (А. Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар). Ой тоғлар орасидан ўтиб чодирнинг олд тарафини **қундуздек ёритиб туради** (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Олдинда шаҳар чироқлари йўлларни **қундуздек ёритиб туриб- ди** (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Ой ҳам тўлин. Атроф худди **қун- дуздек ён-ёруғ** (Б. Наби. Сурур). Худди **қундуздек ёруғ** сокин кўчанинг ўртасида, асфальтда битта-битта босиб милиционер юрибди (С. Аҳмад. Суд).

## К У Р А К

### КУРАҚДАЙ

Катта, бесунақай, беўхшов. Кўпинча, одамнинг қўли, кафти, тишлари ҳақида.

Аканг қарағай **курақдай** кафтлари билан гўштдор бўйнини ишқалади (А. Кўчимов. Тубсиз қудуқ). Нозимхон тўра уч со- тихли ҳовлисининг деворига пешонаси урилишидан қўрққандек ўртада туриб, чойхона ҳиди унникқан, ёғ ва тердан ялтираб кет- ган каллапўшини бошидан олиб, **курақдай** кафтига бир-икки

урди-да, қайта кийди (Ў. Мирзаёр. Ямоқ). Бувимнинг тишлари бўлмаса ҳамки, ҳаммадан яхшилар-ку! Мен суяк ғажирмидимки, **куракдай-куракдай** тиш керак бўлса?! (Н. Раҳмат. Менинг бувижоним). Бўйи мирзатеракдек, ҳар бир тиши **куракдек**, кўзи араваининг ғилдирагидек, товуши баҳорнинг момагулдирагидек бўлиб, Мешполвоннинг тепасида аждардай айлана бошлади (А. Обиджон. Мешполвоннинг жанглари).

## КЎЗ

### КЎЗДАЙ

Жуда *яқин*, кадрдон. Асосан, кўшни, дўст-ёр ҳақида.

Кўйиб берсанг, баъзилар юлдузни бенарвон ураман дейди-ю, **кўздай** *яқин* кўшнисига бир оғиз ширин сўз айтишга қурби етмайди (И. Зойир. Қисмат ўчи). **Кўздек** кўшнининг тўйига чиқмасанглар, уят бўлмайдами? (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Энди, – деди чайналиб, – **кўздек** кўшни бўлсак (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Тахтни сақлаш учун **кўздек** дўстлар ўртасидан мафкуравий зиддият излашда, уларни олов билан сув, нур билан қоронгуликка монанд ёв қилиб кўрсатишда тарихий ҳақиқатдан чекиниш бор (Н. Раҳимжонов. Ижодкор шахси ва бадиий асар биографияси).

### КЎЗ ЁШИДАЙ

*Тиниқ*, бегубор, жуда тоза.

Атрофни ўшайган қоялар қуршаган кафтдек водий ўртасида **кўз ёшидек тиниқ** кўл сокин мавжланиб ётар эди (А. Ибодинов. Кўл бўйида). Фозилбек қачонлардир бир сафар суҳбатлашганининг ўзидаёқ Қадриянинг бокира туйғуларини илғаб олган, ўзи садафдек оппоқ аёлларнинг қалби ҳам ёш боланинг **кўз ёшидай тиниқ**, раҳм-шафқатга лиммо-лим бўлади, бундай аёллар ҳар қанча суйишга, эъзозлашга ва ардоқланишга лойиқ деб ҳисоблар эди (Х. Дўстмуҳаммад. Беозор қушнинг қаргиши). Ҳозир ўлат чиққандан бери шаҳримиз файзсиз бўлиб қолди, у пайтлар эса шаҳарни нақ хаёлнинг жилвалари деб ўйлардингиз: нафис гумбазлар, сержило бўёқлар, нозик ва эҳтиросли қалбнинг нарчалари каби мрамрлар, абадиятни суяб тура оладиган устунлар, қиз боланинг **кўз ёшидай** фавворалар – ҳаммаси гўзал бир тарзда уйғунлашиб кетганди (Н. Эшонкул. Тобут).

*Сақламоқ, асрамоқ, авайламоқ.* Беҳад ноёб нарса сифатида жуда ҳам эҳтиётламоқ.

Ноумид шайтон, фақир ҳам, Мовароуннахрни чулғаган бу зулмат тарқаган кунда қайтамен, деган умиддамен. Ва лекин қайтмай мусофирликда оламдан ўтсам... бу хазинани **кўз қорачиқларингиздай сақлангиз**, сўнг инонган шогирдларингизга топширингиз, улар ҳам ўз шогирдларига топширғай (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Одатда, олис даврларда она юртини шундай азамат кишилар ёвдан ҳимоя қилишган, она юртининг ҳар бир қарич ерини **кўз қорачиғидек асрашган** (Н. Каримов. Тўрғай). Подшоҳ ҳазратлари Бобурни **кўз қорачиғидай асрашни** Эсон Давлат бегимга топшириб, чорбоғ ва қасрни ҳамма хизматкорлари билан унинг ихтиёрига бериб қўйган (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Убайдуллахон халқ қалбида ҳурриятга муҳаббат, уни **кўз қорачиғидай асраш** ҳиссини уйғотиш, Лениннинг ёлғон ваъдаларига учиб, алданиб қолмасликнинг олдини олиш шу куннинг энг муҳим иши эканини юрагига қаттиқ туккан эди (Шукрулло. Тирик руҳлар). Одатда, бировнинг боласини етаклаган киши уни **кўз қорачиғидек асраши** керак (О. Мухтор. Эгилган бош). Халқ **кўз қорачиғидай авайлаб** эъзозлаётган мўътабар зиёратгоҳлар оёкости бўлади (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё).

## К Ў З Г У

### КЎЗГУДАЙ

*Ялтирамоқ, ялтилламоқ;* ялтирок, *тиниқ.* Конкрет ва мавхум тушунчаларга нисбатан.

Амир белидаги эгри қилични **кўзгудай ялтираган** этигига шақ-шақ уриб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Капитан Оляни кўриб, бир қадам орқага чекинди, **кўзгудай ялтираб турган** хром этиklarини шақ-шақ уриб, ғоз турди (О. Ёқубов. Излайман). **Кўзгудек тиниқ** шеър ёз, Кўзгудек чин айт, Эркин, Шунда назм маржонинг Дур қилиб тақар кўзгу (Э. Воҳидов. Кўзгу). Мармар каби салқин тун... **Кўзгудек тиниқ**, ойдин. Дала яйраб ётади, Янграмай куй, чиқмай ун (Х. Олимжон. Ўзбекистон). Одатдагидай башанг кийинган, оёгидаги туфлилари **кўзгудай ялтиллаб турган**, бошидаги сийрак сочлари силлиқ таралган Воҳид Миробидов кулоч ёзиб куёвининг истиқболига юрди (О. Ёқубов. Диёнат). Эгнида энг-

сиз гулдор финка, оёғида **кўзгудек** ялтиллаган учи бигиз туфли, тўзғиган қалин сочлари ўзига ярашиб тушган (О. Ёкубов. Матлуба).

## КЎМИР

КЎМИРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қора, қоп-қора; қораймоқ.* Шундай ранг ёки унга мойил нарсалар ҳақида.

Отам кўз олдимда шу тахлит гавдаланади: қоп-қора қуюқ сочи, **кўмирдай** қора сочининг бир тарафидаги тиккайган бўлаги, ишга киядиган ҳарбийча кўйлаги, кўнжи узун булғори этиги... (Ч. Айтматов. Болалигим). Кўк юзида *қоп-қора* **Кўмир каби** қатор-қатор булутлар Иблисларнинг кўзларидай оп-ола ёнган нима? (Чўлпон. Яна олдим созимни). Эгнида этаги ер супурган узун кўйлак, бошида бир томонга оғиб қолган кўк рўмол, юзлари **кўмирдай** *қорайиб кетган* Маржонной дастлаб унга ёнғинда қолиб, барча шоху бутуқлари куйиб, сўппайиб турган ёлғиз арчани эслатди (О. Ёкубов. Адолат манзили). Юзлари офтобда **кўмирдай** *қорайиб кетган*, калта соқолига, қоши ва мўйловига чанг ўтириб, кулранг тусга кирган қирқ беш яшар Браҳмажит Гаур таъзимга бош эгди (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Кўйлак ҳам, рўмол ҳам тамаки ширасидан **кўмирдай** *қорайиб кетган* (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола).

## КЎРПА

КЎРПАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Қопламоқ, ёпилмоқ, сатҳни бутунлай эгалламоқ.*

Оқ бахмал **кўрпадай** пахта *қопламиш* Республикамининг далаларини (Ғ. Ғулом. Теримчи қизларга). Йигитга **кўрпадай** *ёпилган* қорлар Очиқ кўзигача тўлгани ҳаққи, Тунда ўт-ўлан еб шишган беморлар Тонгда қаторлашиб ўлгани ҳаққи... (Х. Худойбердиева. Ватан бахти). Бу манзара баҳор келишини кузатганларга таниш: қиш бўйи гир-атрофни оқ **кўрпадек** *қоплаб* ётган қор, аввалига гулдор кўрпачадек олатароқ тус олади, кейин шоша-пиша эриб, тарам-тарам кокилсимон жилғаларга айланади (А. Кўчимов. Қовурдоқ).

2. *Юмшоқ.* Дагал эмас.

Менинг ота юртим, эй она қишлоқ, Тошлоқ кўчаларинг **кўрпадек юмшоқ** (И. Мирзо. Видолашув). Ер бир неча дақиқа *юмшоқ* **кўрпадек** туюлиб, роҳатландилар (Т. Малик. Ов). **Кўр-**

надай билқиллаб ётган йўлнинг танобини тортиб бораётган оқсоч киши ортига қараб: – Кўрдингми, ўғлим, қушлар ҳам анчайин мугамбир чиқади. Анов муллатўрғай Бўбигингни алдади, – деди (А. Суюнов. Ота ва ўғил).

#### ҚУРОҚ КЎРПАДЕК

Турли рангда, бир тусли эмас, *олачалтоқ*.

Ташқарида сийрак қор **қуроқ кўрпадек** *олачалтоқ* бўлиб ётар, ер оқариб улгурмасидан эриб кетмоқда эди (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида).

#### КЎЧКИ

#### КЎЧКИДАЙ

*Ёпирилмоқ, бостириб келмоқ*, шиддат ва ваҳшат билан гала бўлиб *босиб келмоқ*.

Ғира-шира қоронғилик тушиб, одам одамни яхши танимайдиган пайт бўлганда Кўпакбий барча аскарлари билан юқоридан **кўчкидай ёпирилиб** тушди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Кўнглимни **кўчкидай босади** бир ғам – Йиғлашни ҳам билмас менинг қизларим (М. Юсуф. Хавотир). Кўприк устида қолганлар жонҳолатда орқага бурилиб, қочмоқчи бўлишди. Аммо орқадан ҳамон отликлар, аравалар, туялар **кўчкидай бостириб келмоқда эди** (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Шайбонийзодалар дара ичидан ва тепадан **тоғ кўчкисидай** отилиб тушиб келаётган ўн беш минг қўшин қаршисида шошиб қолдилар (П. Қодиров. Юлдузли тунлар).

## Л

### ЛАВЛАГИ

#### ЛАВЛАГИДАЙ

*Қизармоқ.* Муайян хиссий-руҳий таъсир натижасида одам юзи рангининг қизилга мойил тусга кириши ҳақида.

Тешабойнинг авзойи бузилди. Қош-қовоғи тамоман солинди, йиғлаб ё додлаб юборишга тайёрдек эди. – Хўш, нима қиппан? – деди у **лавлагидай қизариб** (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Отабек дадасининг киноясига тушуниб **қип-қизил лавлагидек бўлди** (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Ҳиммат **лавлагидай қизариб кетди** (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Тешабойнинг **лавлагидай қизариб кетган** юзи бирдан бўзарди, қатра қон қолмади, вужуди титради, кўзлари ўчмас олов билан ёнди, тили гапга келмади (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Таъсирланган у киши, лекин Сапура кеннойим **лавлагидек қизариб**, ер сузиб қолдилар (М. Мансур. Жудолик диёри). Йигитчанинг қўлидаги коса тушиб кетай деди. Ўзи **лавлагидай қип-қизариб кетди** (С. Аҳмад. Кўриқхона).

### ЛАТГА

#### ЛАТГАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Бўшашимоқ,* шалвирамоқ. Кўпроқ одам ва унинг муайян аъзолари ҳақида.

Танаси **латгадай бўшашиб қолган** Салимни хизматкорлар икки кўлтиғидан олишди, қасрнинг бир четидаги ғулхонага олиб бориб, қамаб кўйишди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Энди унинг юраги нотоб бўлган каби жуда суст урмоқда, ранги оқарган, бутун вужуди **латга каби бўшашиган эди** (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Ҳар бир дори куч-қувватимни сиқиб-эзиб, ўзимни **латгадай мажмағил қилади** (Ойбек. Қутлуғ қон). Синфга ...дармоним қуриб, **латгадай бўшашиб кириб бордим** (Э. Раимов. Ажаб кишлок). Ранги оқарган, бутун вужуди **латга каби бўшашиган эди** (Чўлпон. Кеча ва кундуз).

2. *Бўшашмоқ, шалвирамоқ*. Рухан тушкун бўлмоқ, қатъиятини йўқотмоқ.

Сан бўлсанг, *латгадай бўшашиб*, кўз ёши қилиб ўтирибсан (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Искандар раис бюродан *латгадай шалвираб* чикди (М. Ҳазраткулов. Момақалдирик). Тутди-ю, жигарбандининг бошини силаб, узоқ туриб қолди, тили калимага келмади, босиқ, кўпни кўрган одам *латгадек бўшашиб тушди* (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Боятдан бери *латгадай бўшашиб турган* эрининг эркакларга хос қаттиқроқ гапирганини Маҳкам ака энди эшитиб туриши эди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Йигит ҳам *латгадай бўшашидими?* – киноя қилди баланд бўйли йигит (А. Убайдуллаев. Қонли издан). Аввал *латгадай бўшашиб тушган* Ортиқ бирдан ўз-ўзидан алами қайнаб келиб, сўкинди (М. Мансуров. Ёмби). Акмал ўрис бирдан *латгадай бўшашиб*, пиқ-пиқ йиғлашга тушди (М. Мансур. Жудолик диёри). Қобилжон директорнинг кабинетидан *латгадек бўшашиб* чикди (С. Аҳмад. Узун тил).

## ЛОЙ

ЛОЙДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Юмшоқ; юмшамоқ, бўшашмоқ*. Кўпроқ одам ҳақида.

Маматкуловда шумлик йўқ, *мисоли лойдай юмшоқ*, пишитиб, истаган шаклга киритса бўлади. (М. М. Дўст. Лолазор). Зайнаб зимнан Кумушни чакиб олди. Кумуш *лой каби бўшашиб*, Офтоб ойим ҳам оғир тортди (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Дарвоза ёнида бир лаган *лойдай бўшашиб қолган* Келдиёр акага бир қарашданоқ ҳаммасини тушундим: Тошкентбойни армияга олишмоқда эди (А. Йўлдош. Ҳаёт энди бошланади). Ақллари ва хунарлари сабабли тошлар гўё уларга *лойдек юмшоқ* бўлди (Ҳидоят). Ота бир лаган *лойдай бўшашиб*, оёгини базўр кўтариб босган кўйи бир амаллаб ортга қайтди (А. Йўлдош. Отасининг кизи).

2. *Ёпишмоқ, тақилмоқ*.

Кампир бошда Ҳикматиллога унча ёқмаган бўлса ҳам – ая унга биринчи куниеқ «сўйлоқ» деб лақаб қўйган, бу лақаб унга деворга отилган *лойдек ёпишиб қолган эди* – кейинчалик иноқлашиб кетиб, икки йилдан кўпроқ турган, бултур кузда, учинчи курсдан армияга чақирилганида ҳам шу уйдан жўнаган эди (О. Ёкубов. Биллур қандиллар).

## ЛОЛА

ЛОЛАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

*Қизил, қип-қизил, қирмизи; қизармоқ.*

**Лоладек қип-қизил** Ўт шафақ ўчди (У. Носир. Нахшон). **Лола каби** юзим қизил, ичим ғам (Х. Олимжон. Муқанна). **Лоладай қирмизи**, гул янглиғ хушбўй, Тонглар тиниқлиги, ёз ҳарорати (Миртемир. Шароб). Ияқларини, қошларини қийиқ билан танғиб олган етти новвой худди кудуққа шўнғигандек тандир тўла олов ичига бош сукиб, **лоладек қип-қизил** нонларни узиб устига сув сепар, оппоқ чойшаб ёзилган сўри устига беозор отарди (С. Ахмад. Қирк беш кун). Аня ҳозиргина лаб бўёқ суртилган **лола янглиғ** дудоқларини чўччайтириб Анварга қаради (А. Абдуллаев. Дард). Гулбаданбегим **лоладек қизариб**, отасига ҳайрон боқди (Х. Султон. Бобурийнома). Унинг юзлари **лоладек қизариб кетган** (М. Ҳазраткулов. Чўли ироқ). Мен жўшиб, тошиб кетганимдан маймунга ўхшаб сакраб олмага чиқаман, шохларининг уч-учида **лоладек қип-қизариб турган** қирмизи олма-ларни қоқаман, у теради (А. Кўчимов. Бир жуфт олма). Чўққиларнинг бошлари **лоладек қизарди** (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё).

## М

### МАЙМУН

МАЙМУНДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ, МИСОЛ)

1. *Сакрамоқ, иргишламоқ, бениҳоя абжир ҳаракатлар қилмоқ. Одам ҳақида.*

Тарзанни биласизми? Худди **маймундек** дарахтдан-дарахтга *сакрайди* (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Мен жўшиб, тошиб қетганимдан **маймунга ўхшаб сакраб** олмага чиқаман, шохларининг уч-учида лоладек кип-қизариб турган қирмизи олмаларни қоқаман, у теради (А. Кўчимов. Бир жуфт олма). Дарвоқе, бу «безори, муштумзўр, арвоҳ»нинг маҳалладаги лақаби «Тарзан» эди, ўша вақтларда «Тарзан» фильми қўйилган, ҳў-ў, у – бақувват, ...дарахтдан дарахтга **маймундек сакраб** ўтадиган ёввойи йигитга тақлид қилиб, неча-неча болаларнинг қўл-оёғи синган эди (Ш. Холмирзаев. Тўп ўйин). Ҳаммаси завқланиб кулади. Ҳусанхўжа тупроқ чангитиб, **маймундек иргишлайди** (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Ноила бир дам гангиб турди. Кейин **маймундек иргишлаб**, у ҳам эрининг сочига ёпишди (О. Муҳтор. Эгилган бош).

2. *Ўйнатмоқ, ҳар мақомга йўрғалатмоқ, мазах-калака қилмоқ. Одам ҳақида.*

Иккинчи гуруҳдагиларга бирмунча дўқ қилади, шу билан складларда чўкиб қолган газламаларни яхши баҳо билан уларга ўтказиб юборади. Учинчиларнинг эса думларидан маҳкам ушлаб олиб, **маймундай ўйнатади** (Ойбек. Қутлуғ қон). Салдан кейиноқ қишлоқ аҳлини зир титратиб, одамларни **маймун мисол ўйнатган** бу икки бесавод, гумроҳ аёл ишдан ҳайдалди (О. Ёкубов. Қарноқ).

### МАЛИКА

МАЛИКА(ЛАР)ДАЙ

1. Чиройли, жуда гўзал. Аёл ҳақида.

Шўрим қурсин, кампир хотинни узатгандай, тўртта-бешта хотин билан бирга **маликадай** қизимни олиб чиқармишман, эшигимга карнай-сурнай билан, бир тўда йигит билан куё-

вим келса, устидан сочки сочилса, куёвимнинг бошига жиға тақсам, деган орзуларим бор эди (Ойбек. Кутлуғ қон). Дунё ягонаси бўлган **маликадай** қамарсиймо ўзининг монанди йўқ гўзаллиги, нодир ақлу фаросати ила тақдир томонидан шундай сийловга муносиб кўрилдими? (М. Али. Улуғ салтанат). Кўзларига Гулбахор тенгсиз бир **маликадек**, аввалгидан ҳам сўлим, аввалгидан ҳам гўзал кўриниб кетди (Ё. Раҳимова. Бойчечак).

## 2. Шоҳона яшмоқ.

Шундан кейин ҳур бўламан мен, Ғилмонларнинг кўзин ёшлайман, Муродимга етиб, тахтимда **Маликадай яшай бошлайман** (Г. Асқарова. Эртақ фасли). **Маликадай яшар** энди моҳитобонимиз деб, Орада қолмади бирорта ҳам ёмонимиз деб, Турарга жой излаб, изимизни тахт деб кўрсатдик (Й. Сулаймон. Дардим сиғмас дунёга). Севган йигити унга, энди бу ишингни ташлайсан, мен сени шоҳи-атласларга буркайман, **маликалардай** яшайсан, деб айтади (З. Исомиддинов. Икки аёл). Унинг худди қушдай учгиси келарди. Учиб-учиб ўзи қизлик пайтлари хаёлида яратган оппоқ эртаксимон дунёга бориб қолишни, у ерда **маликалардай** бахтли ва осойишта кун кечиришни, бир-биридан гўзал, мард, паҳлавон шаҳзодалар туғиб беришни орзу қиларди (Н. Эшонқул. Очилмаган эшик).

## МАЛҲАМ

### (БАМИСОЛИ) МАЛҲАМДАЙ

*Ёқмоқ, хуш ёқмоқ*, дардга шифо сифатида қабул қилинмоқ.

Юртинг чўлу биёбон бўлса-да, унинг чанг-тўзон шамоллари жонингга **малҳамдек ёқаркан** (И. Зойир. Қисмат ўчи). Кўнгилларга **малҳамдай хуш ёққан** суҳбат алламаҳалгача чўзилди (М. Али. Улуғ салтанат). Устознинг киши руҳига **малҳамдек ёқувчи** майин ва таскинли овози Темур руҳиятини аллалар эди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Айтма чолга, онангга зинҳор! Вақт **малҳамдек** дардга шифокор (Ойбек. Қизлар). Умрида чойга бу қадар ташналик сезмаган одамга у энди шунчаки чой эмас, **бамисоли бир малҳамдек** татимокда эди (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Қизнинг бу сўзи йигитга **малҳамдек** таъсир қилди ва у индамай чиқиб кетди (И. Зойир. Қисмат ўчи).

## МАРВАРИД

### МАРВАРИДДАЙ

*Ялтирамоқ, ярқирамоқ, товланмоқ.*

Ёмғир томчилари **марвариддек ялтираб турган** ям-яшил ўрмонларда югургинг, ўмбалоқ ошиб, яйрагинг келади (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Абдулла ўғирилди. Рўнарасида оппоқ гуруч тишлари **марвариддек ярқираб** Гулчеҳра турарди (Ў. Умарбеков. Одам бўлиш қийин). Йўлнинг икки бетидаги қорамтир, оқ, қизил дарахтларнинг танга-танга барглари илиқ куёш нурида **марвариддек товланади** (Ў. Умарбеков. Хайкал). Нигора сувдан чиққанда баданидаги томчилар гўё бегона суқли кўзларни қайтаришга қасд қилгандай куёш нурида **марвариддек ялтиради** (С. Анорбоев. Оқсой шалолалари).

## МАРЖОН

### МАРЖОНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Тиз(ил)моқ, бежирим бир йўсинда, тартиб билан бир қаторга тер(ил)моқ.*

Луччак шафтолилар шоҳида пуштиранг ғунчалар **маржондай тизилган**, гулзордаги атиргулларнинг калта қилиб қирқилган ўзаги диккайиб турар, ҳовли ўртасидаги шийпон остида кўмиб қўйилган ток ҳали очилмаган эди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Эл кезиб топганим бу, элимга хос, Бир ипга **маржон каби тиздим**, холос (С. Ҳаким. Эл ҳикмати). Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, хиргойининг сўзлари хаёлига **маржондай тизилиб** кела бошлади (Қ. Кенжа. Палахмои тошлари). Фикрларини бир нуқтага жамлаб, оппоқ қоғозга ҳарфларни **маржондай тиза бошлади** (М. Ҳазратқулов. Чироқ ўчмаган кеча). Дам ўтмай Ҳиндистондан, Суриядан, Табриз, Шамоҳа, Дамашқ, Шероз, Хўрмуз, Самарқанд ва Бухородан моллар ортилган туя карвонлари **маржондай тизилиб**, шаҳарга кириб келади (М. Али. Улуғ салтанат). Далани айлантирдим. Кўрадики, ҳосил жуда мўл. Ҳар тупда кўсақлар **маржондай** (Ойбек. Қутлуғ қон).

## МАРМАР

### МАРМАРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Силлиқ, таранг, текис, ялтироқ.*

Робия чакмонни елкасига туширди. Шунда ёқасининг битта боғичи ечилиб кетди-ю, қизғиш **мармардай силлиқ** бўйнининг пасти кўринди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Бўйни оқ **мар-**

**мардай силлиқ**, лаблари эҳтиросли (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Ҳаворанг қимматбаҳо яшил гулли матодан тиктирган кўйлаги қоматини яширмоққа ожиз, боз устига **мармар каби таранг** кўкраклари, оппоқ бўйни, кўйлаги енгини ёриб юборгудек билаклари, ҳаммадан ҳам юрганида турфа рақсга тушаётган майин сочлари ҳар қандай эркакни ақлдан оздиргудай даражада жозибали эди (А. Абдуллаев. Дард). Тақир чўлларда, изғирин ялаган совуқ **мармардек ялтироқ** тепаликларда ўтган йилги шувокнинг қуруқ новдалари титрар, икки кундан буён жон эгаси кўринмас эди (А. Мухтор. Бухоронинг жин кўчалари). Қиз **мармардай** билакларигача шимариб қўйилган кўйлак енглари орасидан кичик шоҳи рўмолчасини олиб, бурун учлари, дудок устларига қўнган шабнамдай тоза терларни арта бошлади (Ғ. Ғулом. Ёдгор).

2. *Совуқ*. Мехр-муҳаббатга эга эмас.

Элдаги навқиронлар Унга асло ёқмайди. Ошиқларга боқмайди, Юрагида севги йўқ, Қалби **мармардай совуқ** (Ҳ. Олимжон. Семурғ ёки Паризод ва Бунёд).

## М А С Т

(ХУДДИ) МАСТ(КИШИ, ОДАМ)ДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ)

*Гандиракламоқ*, чайқалмоқ, умуман, ғайриодатий ҳаракатлар қилмоқ, ғайриодатий ҳолатда бўлмоқ. Асосан, маст бўлмаган одам ҳақида.

Ал-Маҳдий нима қилиб қўйганини ўзи ҳам билмай, **маст кишидек гандираклар**, кўчанинг у чеккасидан, бу чеккасига телбатескари қадам ташлаб, бирдан гурс этиб йиқилди (Мирмуҳсин. Ал-Маҳдий). **Маест одамга ўхшаб гандираклаганича** саҳнадан тушиб, от олдига келди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). **Худди маест одамдек гандираклар-гандираклар** чодирдан узоқлашди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). У **маст одамдек** машинадан тушди, аргувон ёғочидан нақшинкор қилиб ясалган дарвоза очилиб, остонада оқсоч кўринди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Мурзин кечгача **маест кишидек** бўлиб юрди (Шухрат. Шинелли йиллар). У от-аравалар тизилган майдонда **худди мастдай** айланиб, оти боғланган жойдан икки марта ўтди (И. Сулаймон. Армон). Эшик очилиб йўл-йўлакай қўлидаги капрон қўлқопини ечиб ориқ доктор кириб келди. Пешонасидан, юзларидан тер қуйиляпти, жуда чарчаган кўринади. **Маст одамдек гандираклар-гандираклар** кетяпти (Х. Тўхтабоев. Сариқ девни миниб).

## МАШЪАЛ(А)

### МАШЪАЛ(А)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ёнмоқ, ловулламоқ, порламоқ, ёритмоқ.* Ёниқ шуъла таратмоқ.

Қуёш нури тушиб, **машъалдек ёниб турибди** (Х. Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлакати). Чўғ каби, **машъал каби** ол товляниб, жон куйдириб... (Тоҳир ва Зухра). Аширбекнинг ҳар кўзи **машъалдай** бўлиб, ҳар туклари чопонини тешиб ўтаверди (Юсуф ва Аҳмад). Унинг хаёлида кўлидаги бойчечак **машъала сингари** ҳаммаларининг йўлини *ёритаётгандек* туюлар ва шунинг учун ҳам қўлини баланд кўтариб кетиб борарди (А. Кўчимов. Бойчечак). Бир вақтлар урушдан олдин у бу симларни базмларга олиб борар, одамларнинг ҳовлисини **машъалдай ёритиб берарди** (Ў. Ҳошимов. Урушнинг сўнгги қурбони). Оппоқ, **машъалдай ловуллаб турувчи** бу юлдуз – Олтин қозик (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Гумбазлари мовий, куббалари зар, **Машъалдек порлаган** нур – маёқ сарой (Р. Мусурмон. Авлодлар фаҳри).

## М Е Т И Н

### МЕТИНДАЙ

*Мустаҳкам, маҳкам; қотмоқ, нами қочмоқ.*

Унинг чегараси **метиндек мустаҳкам**, хитой деворидек узун бўлмағи керак эди (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Қасос туйғуси бир гулни **метиндек маҳкам** эманга айлантирибди-я (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Форс ҳукмдори Умаршайх Мирзо баъзи беклар уриниб ололмаган **метиндай** Сиржон қалъаси қамалини охирига етказаётганда, олийнишон фармон кўлига тегди (М. Али. Улуғ салтанат). Аввалбек, деди, фарзандларнинг аввали, давлатимнинг аввали, бу **метиндек** заминга отган илк томирим, деди, токи заха етмагай (М. М. Дўст. Лолазор). **Метиндек** қоялар нозик қизғалдоқ Пойига бош эгиб, завқ олар бу дам (Ҳ. Карим. Баҳорнинг оромбахш майин еллари...). Аммо бахт саройини қуриш учун аёлдан **метиндек** ирода, сабр талаб этилади (Т. Малик. Келинлар дафтарига). Тез орада ҳосилдор заминдаги ўт-ўланлар қуриб-қовжираб, **метиндек қотиб ётган** тақир сахрога айланибди (Ғ. Шермуҳаммад. Баракасани берсин).

## М Е Ш

### МЕШДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Шишмоқ, семирмоқ; семиз, қалин.*

Товуқ уни яхшигина меҳмон қилибди, лекин тулки овқатларни кўп еганига ва қорни **мешдай** *ишииб кетганига* қарамай, яна ўз ишини қилибди: товукнинг жўжаларини бўғиб, уйига ўт кўйибди (Бир коса заҳар). У нимадир балога дучор бўлиб, **мешдек** *семира бошлади* (Э. Аъзам. Шоирнинг тўйи). **Меш каби семиз** ёзган асари – Маза-матрасиз сув экан бари (Муштум). Аёлларни йўлдан ургич сартнинг **мешдек** қорнию ёғ босган қисик кўзлари (айнан кўз олдига келтирди-да!) тўғрисида яна бирон нима кистирмасмикан? (С. Афлотуний. Гумроҳлар). Ҳа, у тунги базми жамшидларда жўшиб жунбушга келар, эрталаб эса, **мешдай** қорнини чангаллаб, дод-фарёд чекар, кечаги «фотиҳи музаффар» эрталаб кучала еган итдек тиришиб, илтижо тўла кўзлари билан Ибн Синонинг кўзларига мўлтираб қарарди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё).

## М Е Х М О Н

### (ХУДДИ) МЕХМОНДАЙ

*Эъозламоқ, илтифот кўрсатмоқ, иззат-икром билан кутиб олмоқ.*

Ана, яшил боғларга бурканган Сўх, Хушёр кишлоқлари. Булар ҳам чингизийлар хуружидан ҳимоя истаб, Бобурни уч юзгача навқари билан йил бўйи **меҳмондай** *эъозлаб* юришибди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Ўзбекчилик-да, – деди Элчин кулимсираб, – буларни ҳам **меҳмондай** кутиб олаверамиз. Меҳмоннинг кўкрагидан итариш одати бизда йўқ (Т. Малик. Шайтанат). Хонгирей бу таширфдан норози бўлса ҳам, уни худди кутилган азиз **меҳмондай** қарши олди (Т. Малик. Шайтанат).

## М И С

### МИСДАЙ

*Қизимоқ; қизғиш-қора тусда ялтирамоқ. Кўпроқ одам ва унинг тана аъзолари ҳақида.*

Куни бўйи офтобда отлиқ юриб, бадани **мисдай** *қизиб кетган* Бобур кечки найт салқинроқ жой излаб Жамна дарёсининг бўйига келди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Шундан бери Нодирнинг ичига чироқ ёқсанг ёришмайди, шундан бери ўз хонасига қамалиб олиб, **мисдек** *қизиб бораётган* тўшини ерга бериб

ётгани-ётган, ...куйиб бораётган юраги ҳовурини босиш учун яхдек сувни босиб-босиб ичгани-ичган (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Унинг бирдан иссиги кўтарилиб, бадани **мисдек қизий бошлади** (Мирмуҳсин. Темур Малик). Унга шу кифоя эди: **мисдай қизиб кетган** юзини ушлай-ушлай эшикка томон йўналди (П. Қодиров. Уч илди). Саттор безовтадир... Ўйлари бежо, **мисдай қизиб кетар** боши, юзлари (Ж. Жабборов. Тоғлар садоси). Елкасига ташлаб ўтирган жун пўстагини ирғитиб юборди. Тани **мисдай ялтиради** (Э. Самандар. Султон Жалолиддин).

## МИХ

### МИХДАЙ

*Қоқилмоқ, қадалмоқ.* Одамнинг бирон сезги органига қаттиқ ботмоқ, азоб берадиган даражада таъсир қилмоқ, қаттиқ ўрнашиб қолмоқ.

Дадасининг баланд овози яна унинг кулоқларига **михдай қоқилди** (Ў. Ҳошимов. Қалбингга кулоқ сол). 1946 йилда партиянинг космополитизм ва ғоясизликка қарши деб чиқарган қарори, Ждановнинг «Ленинград» ва «Звезда» журналларини қоралаб қилган маърузаси сенинг ақлингга **михдек қоқилиб**, юрагингни олиб кўйган (Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар). Бой яхши овқатларни – палов, норин, қази-қартани емас экан. Палов меъдамга **михдек қадалади**, қази-қарта мижозимга тўғри келмайди, дер экан (Ойбек. Қутлуғ қон).

### МИХЛАНГАНДАЙ

*Қотиб турмоқ, қимир этмай турмоқ.* Ҳеч бир ҳаракат иложини топмай бир жойда турмоқ, бирон объектдан ажралмай турмоқ.

Истам полвон, ерга **михлаб кўйилгандек қотиб тураверди** (С. Аҳмад. Жимжитлик). Аравакаш елкасини губчакка тираб итарса ҳам, от тўрт оёғи ерга **михлангандай қимир этмасди** (Ойбек. Қутлуғ қон). Жонсиз бу хабарни эшитган Отабекнинг хуши бошидан учган каби бўлди-да, одим узган жойида **михлангандек қотиб қолди** (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Кумуш ичкарига кириб кўздан ғойиб бўлди, лекин Отабек яна бир неча дақиқа ерга **михлангандек қотиб турди** (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Бу иккиси қоғозга **михлангандек гап-сўзсиз савағич қаламни қиррр-қиррр қоғоз устида юритиб турар эди** (А. Қодирий. Меҳробдан чаён). Аслида, **михлангандек қимир этмаслик** керак эди, мен бўлсам... ярим кун кўчада санқиш би-

лан ўтди (О. Мухтор. Эгилган бош). У михлаб қўйгандек қотиб турар эди. Юракда хаяжон, фикри чувалашар: нимага керак бўлдим экан? (Шухрат. Шинелли йиллар).

## МОЗОР

(МИСОЛИ) МОЗОРДАЙ

*Совуқ*, сокин; *хувулламоқ*. Ёқимсиз ва нохуш кўринадиган жимжит ўрин-жой ҳақида.

Қатор дўконлар қорайиб кулга айланган, чойхона эгасиз ҳовлидай хувиллайди, чархпалак синиб огиб ётар, гузар **мозордай совуқ** эди (Б. М. Али. Кўктўнлилар). **Мозордай совуқ** кўринган уйнинг уй файзини берган бир нарса бор эдики, ана шугина кишининг руҳиятига таскин бериб ўзига тортади. (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Офтоб акси тушиб нақшларга бўғилади бакироқ бозор. Сукут чўқар улкан шаҳарга, тиниб қолар **мисоли мазор** (Х. Даврон. Тунги боғлар). **Мозордек хувуллаб** ётган уйга тириклай кўмилгандай яшашнинг кимга кераги бор? (З. Қуролбой кизи. Ёлғизлик қурбони).

## МОЙ

МОЙДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Ёқмоқ*; ёқимли. Одамнинг кўнглига жуда ҳам хуш келадиган нарса, кўпинча, гап, сўз, муайян ҳаракат-ҳолат ҳақида.

Бу гап барчага **мойдай ёқди**, «тўғри-тўғри», деган маъкулловчи овозлар ҳам эшитилди (Х. Дўстмуҳаммад. Чимбой-кўчаллик кўшниллар). Пучуқнинг келишдан мақсади фақат шу ёзиб бериладиган хатгина эди. Кумушнинг ўтинчи унга **мой каби ёқиб тушди** (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Бу гап қоровулга **мойдай ёқар**, йиллар аро юрагини ёқиб ётган алам шу бақириш билан босилгандай бўларди (Н. Эшонқул. Бевақт чалинган бонг). Зухранинг баъзан тўнғиллаб қўйишлари ҳам унга **мойдай ёқиб**, таранглашган асабларини ўрнига туширади (О. Мухтор. Эгилган бош). Тили билан тенг айланадиган, Хизматига шайланадиган, Тўйдан қуруқ қайтмайдиган, Сўзлари **мойдай**, юзлари ойдаи, Қайнонасига сало-о-м (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Ой деса-сам ойдаин қизлар йўқ эмас, Сўзлари **мойдайин** қизлар йўқ эмас (С. Ҳаким. Кўшик).

2. *Эримоқ*. Одамнинг руҳан илиқлик ва мамнуният ҳисси уйғониб, меҳри товланган ҳолати ҳақида.

Матқовулнинг кенг дунёдаги тор кулбасида тантана бутун дабдабаси билан бошланди. Мўл ёғни кўриб Салтонбувининг

ўзи ҳам **мойдай эриб кетди** (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Бегойимнинг кўнглини асти билиб бўлмас экан-да! Гоҳ **мойдай эриydi**, гоҳ тошдай қотади (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Ҳожикурбон **мойдек эриб** бўлган хотинининг кўзларига синчковлик билан тикилди (А. Обиджон. Похол дўк). Бу гаплардан **мойдай эриб**, кўнглим аллатовур юмшаб кетди (О. Эргаш. Олис юлдузлар). Мақтовдан **мойдек эриш** гали энди Бахтиёрга келди (Л. Бўрихон. Бир томчи ёш).

## МОЛ

### МОЛДАЙ (-ГА ҲХШАБ)

1. *Бефаҳм, ақлсиз*; бепарво, бефарқ ҳолатда бўлмоқ. Одам хақида.

Йигитнинг ҳамхоналарини менсимагандай бамайлихотир кириши, ўзидан катта жувонга одобсиз тикилиши Нусратбекка ёқмади: «**Молдай бефаҳм** экан» (С. Нуров. Нарвон). У ўзини аллақандай товламачи, бировнинг бахтини кўролмайдиган ичи қора, гулни босган **молдай бефаҳм**, кўринган аёлмиқизми орқасидан эргашиб, севги изҳор этадиган суюқоёқ ё бетавфиқ киффасига кираётгандай ҳис қилиб, от устида келган уйкусини қочирмоқчи бўлган аравақашдай бошини силқитди (Й. Сулаймон. Армон). Наҳанг ўлпончи Сепкилшоҳнинг **молдек фаҳмсиз**, бўридек раҳмсиз солиқчиси эди (А. Обиджон. Мешполвоннинг жанглари). Даҳо ашулага қўл силтаб ўтирди. — Одам эмас булар! — деди. — Эшитсаям, эшитмасликка олиб, **молга Ҳхшаб** ўтира беради (Т. Мурод. Момо Ер қўшиғи). Соат ўн бўлди, ётишингни қара **молга Ҳхшаб** (Б. Исмоилзода. Ширин ва армонли кунлар).

2. *Ишламоқ*. Жуда қаттиқ, бутун кучини сарфлаб, фойдазарарини ўйламай меҳнат қилмоқ.

Эшак-аравада янтоқ ташиганинг ташиган эди. Ўзинг ҳам **молдек ишладинг** (С. Аҳмад. Жимжитлик). Ўлик саҳрода, бадбўй ертўлаларда, кундузи **молдай ишлаб**, кечаси тош қоғиб ухлайдиган одамларда гўзал ҳисга бало борми? (А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат).

3. *Ичмоқ, бўкмоқ*. Спиртли ичимликни, овқатни ҳеч нарсага қарамай, меъеридан ортиқ истеъмол қилмоқ.

«Кейинги кунларда **молдай ичяпти**, бунга бир бало бўлган», деб ўйлаб, Кесақполвонга қаттиқ тикилди (Т. Малик. Шайтанат). Буларга тайёри керак! Биров нақдлаб кўйса-да, булар **молдек бўкиб**, еб ётаверса (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Шунақаям **ичасанми молга Ҳхшаб**? Шу шайтонни сувини ташлайман деб

неча марта сўз берганман ўзимга (Б. Исмоилзода. Ширин ва армонли кунлар). Э, оғайни, ўша оқшом ўзиям **молдай бўкиб ичган** эканман. Ҳеч нарсани эслай олмайман, — дея бошидан ўтганларни ҳикоя қилди Сафарали баракда ўтирганимизда (З. Қуролбой қизи. Машаққатлар гирдоби). Ҳе, Ҳебби полвон бўлмай, ҳар нарса бўлинг. **Молдек ичволиб**, транспортни чойхонада қолдириб кетибсиз-ку (А. Обиджон. Хориж радиоси ва ... калиш).

4. *Сўймоқ*. Одамни одатдаги ҳол сифатида, ҳеч бир шафқатсиз ўлдирмоқ.

Чингизхон ўйлаб туриб: «Мол ердан ўсиб чиққан ўтни ейди, ўт ейдиган молни биз еймиз. Булар ўт еса, мол экан! Буларни **молдек сўйиб** ташлайверинглар», дебди у одамларга (Мирмуҳсин. Темур Малик). Типирлатиб, **молдай** қилиб *сўй* деди. Хуршидой номаҳрамнинг юзини кўрган йўқ эди (Хуршидой). Таажжуб, ёғий қалъа аҳлини **молдай сўйса-ю** унинг шайхига «марҳамат» кўрсатишга журъат айласа, халқ бошқаю шайх бошқа, деб ўйларми, бу нокаслар?! (Э. Самандар. Ғайб қушлари).

## МОМАҚАЛДИРОҚ

(ХУДДИ) МОМАҚАЛДИРОҚДАЙ  
(КАБИ, СИНГАРИ)

*Гумбурламоқ, гулдурамоқ, қалдирамоқ*, баланд, йўгон, ваҳимали овоз чиқармоқ, шундай тасаввур туғдирмоқ. Асосан, одамнинг овозига нисбатан.

Султоннинг овози ногаҳон **момақалдиरोқдай қалдираб**, улкан танобий хонани янградиб юборди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Умаршайх отасининг **момақалдироқ каби гулдураб** эшитилаётган сўзларини икки қўлини кўксига қўйганча диққат билан тинглади (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Залда чапак, қийқириқлар **момақалдироқдек гумбурлаб** кетди (Мирмуҳсин. Йўқолган жавоҳир). Бироқ қишнинг бошларида **худди момақалдироқдек гумбурлаб** Нормат полвон урушдан қайтиб келди (Н. Эшонқул. Уруш одамлари). Ҳозир ўша оғиздан чиққан ўша гап хонада **момақалдироқ сингари гулдурагандек** бўлди (Т. Малик. Шайтанат). Ва баногоҳ... дарғазаб фармон ўрнига **момақалдироқдек қаҳқаҳа** янгради (Х. Султон. Бобурийнома). Бир вақтлар **момақалдироқдек гумбурлаб** одамларнинг юрагини ларзага солган, чакмоқдек чакнаб кишиларнинг кўзини қамаштирган Алимардон Тўраевнинг қисмати

шу бўлдимиз? (Ў. Ҳошимов. Баҳор қайтмайди). Ҳозироқ отга ми-  
наман, қилични яланғочламай, **момақалдиروقдай** хайқираман,  
овозимни ҳамма жойга етказаман (Й. Сулаймон. Армон).

## М О М И Қ

### МОМИҚДАЙ

#### 1. Жуда ҳам оқ, оппоқ.

Оппоқ қуёнларни силай бошладилар. Каримкулнинг наза-  
рида ҳадиксираброқ, ғалати-ғалати тикилиб, чўчиброқ турган  
**момикдек оппоқ** юнгли, узун кулоқли, қоп-қора кўзли бу жони-  
ворлар бамисоли жаннатдан чиққандек (Х. Тўхтабоев. Қуёнлар  
салтанатининг шаҳаншоҳи). Ҳадеб маишатга муккасидан кетиб,  
ҳали у мамлакатга, ҳали бунисига чопавермай, гоҳ қизил, гоҳ  
**момикдек оқ** бадан қизларнинг кучоғида ётавермай, мундоқ  
атрофдан, бўлаётган ўзгаришлардан бохабар бўлиб туриш ке-  
раклигини, йўқса, кимсан – Саид Азимнинг дўсти эканлиги ҳам  
қўл келмай қолиши мумкинлигини эслатиб, қаттиқ танбех берди  
(У. Ҳамдам. Мувозанат). Ёмғирдан мусаффо бўлган осмонда-  
ги **момикдек оппоқ** булут парчалари асфальт юзида йиғилиб  
қолган сув парчаларида нозик жилва бера бошлади (М. Жаббо-  
ров. Севинч ёшлари). Буви ўша ўтирган кўйи **момикдай оппоқ**  
қўлларини дуога очдилар (М. Мансур. Жудолик диёри).

#### 2. Беҳад юмшоқ.

Ширакайф бойвачча аста чайқалар, Қора чарм ёстиклар  
**момикдай юмшоқ** (Ойбек. Ўч). **Момикдай** қўл унинг кафти-  
га тушганда, аллақасери жаз этиб, энтиккандай бўлди (Р. Фай-  
зий. Чўлга баҳор келди). Сарвқомат дилбарининг **момикдай**  
қўлларини ушлади (А. Абдуллаев. Дард). Унинг рўпарасида  
кўкрагини ёстикқа бериб, дум тушиб ётган **момикдай** жувон  
юмалоқ, оппоқ юзини Ҳожи холага ўгирди (М. Исмоилий.  
Фарғона тонг отгунча). Салқин хонага кирди-ю, уст-бошини  
ечиб ташлаб, **момикдек** хобжойга ястанди (Н. Жалолиддин.  
Юрак).

## М О Ш

### МОШДАЙ

#### 1. Кичкина. Асосан, холга нисбатан.

Ўрта бўй, қорачадан келган, бурнида **мошдай** қора холи  
бор (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Қирра бурни ёнидаги  
**мошдек** холга кўзи тушди-ю, ханг-манг бўлиб қолди (Ў. Умар-  
беков. Ҳаёт кўшиғи). Лекин нимасидир, сал чўзикроқ рангпар

юзига омонатгина ўрнатилиб қўйилган кичкина думалок бурни-ми ва тийрак, қўнғир кўзларими, ё бўлмаса, ўнг кулгичи устидаги **мошдек** холими, билмадим, ишкилиб алланимаси ўзига маҳлиё қиларди (Ў. Умарбеков. Йўлда). Унинг юзида, шундай бурнининг учида холи бор. **Мошдек** келади (Ў. Умарбеков. Ёз ёмғири). Қизиллик қочган оппоқ бетидаги **мошдек** холи янада қорайиб кўринарди (С. Аҳмад. Жимжитлик). Узукнинг иккита **мошдек** олмос кўзи бор эди (С. Аҳмад. Азроил ўтган йўлларда). Бедананинг **мошдек** кўзлари косасидан ўйнаб чиккудек питраб турибди (М. Мансур. Жудолик диёри).

2. *Кўзи оч(ил)моқ*. Ақли жойига келмоқ, муайян воқеа-ҳолатнинг моҳиятини тушуниб етадиган ҳолга келмоқ.

Бу саволдан унинг кайфи тарқалгандек бўлиб, *кўзлари мошдек очилди* (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Тоғлик усрушанлар қаршилиқ кўрсатганларида уларнинг бир қисмини қириб, бир қисмини қул қилиб олди. Шундан сўнг ерли халқнинг *кўзи мошдек очилди* (М. Осим. Аждодларимиз қиссаси). *Очилди кўзларим мошдай*, Қилибман қанча кўрликлар (А. Ўктам. Гўдаклик). Ҳали бунинг моҳиятига тўла тушуниб етмаган, дийдаси қаттиқрок баъзиларнинг *кўзини мошдек очиб*, қатта ҳаёт йўлига назар ташлашга даъват этарди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Бехуш одам юзига муздек сув сепилса, *кўзи мошдек очилгани* каби Шариф ҳам ўзи кутмаган ҳолда бирдан сергак тортди (Т. Малик. Шайтанат). Мана энди раиснинг *кўзини мошдай очиб қўяди* (А. Кўчимов. Оқ кантарлар ороли).

## МУЗ

### МУЗДАЙ

*Совуқ*, жуда ҳам совуқ.

Онасининг оёқлари **муздек совуқ**, таёкдек қаттиқ эди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Қаландар Қарноқий тиз чўкиб, чўғдай пешанасини дахманинг **муздай** тошига босди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Маҳзуна оёқларига ботмон-ботмон тош боғлагандек оғир юриб йўлакка чиқди, телефоннинг **муздек** дастасини қўл учида тутиб, қулоғига яқинлаштиради (Х. Дўстмуҳаммад. Маҳзуна). Раҳматилланинг вужудидан **муздай** тер чиқиб кетди (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида). Ту-нука чойнак жўмрагидан **муздек** булоқ сувини симираётган йигит мўйловига томган сувни кафти билан артиб жавоб қилди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Хотин ваҳимага тушиб, эшик қолиб деразадан сарпойчанг ошиб, **муздек** ерга оёқ босди (С. Аҳмад.

Кирк беш кун). **Муздай** ҳаво этни жунжиктиради (Й. Сулаймон. Армон). Паришон сочлари ёр кўкси эмас, **Муздайин** болишда қолди бир умр (А. Орипов. Аёл).

## МУМ

### МУМДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Эримоқ, мулойим бўлмоқ*. Одамнинг руҳан илиқлик ва мамнуният ҳисси уйғониб, табиатан юмшаган ҳолати ҳақида.

Мингбоши, Николай пошшо номини эшитиш билан калласини ҳам қилиб, **мумдай эриб турган** қози домла ва қатордаги аъёнлар ҳоким тўранинг юксак хотиралари олдида эмас, мўтабар шахслари олдида тургандек лаб-лунжларини қийшайтириб илжайдилар (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Не-не тошбағирларни **мумдай эритмадинг** (М. Ҳазраткулов. Чўли ироқ). Таассуротлар, тафсилотлар баёнига тил ожиз, ҳар қадамда юрак тўликиб кетади, кўнгиллар **мум каби эриб боради** (Х. Султон. Бобурийнома). Шу он олтин чинордаги булбулигўё чунон сайрабдики, халқи олам **мумдек эрибди** (Булбулигўё). Ҳа, бугун базм, бизлар эрса **мумдек мулойиммиз** (Э. Самандар. Султон Жалолоддин). Курашда темирдек қаттиқ, базмда **мумдек мулойимсиз** (Э. Самандар. Султон Жалолоддин).

2. *Саргаймоқ, сарғиш бўлмоқ*. Одамнинг ранги ҳақида.

Нигора унинг дардлашиш истагида бир-икки марта кўзлари мўлтираб қараганини сезиб, кўнгли хиёл эриди, бироқ ҳар сафар чўндай озиб кетган Шоқосимнинг **мумдай саргайиб қолган** юзига кўзи тушиши билан эрий бошлаган юраги қайта тош бўлиб қотарди (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Султоннинг **мумдай сарғиш** юзига қизиллик югуриб, мунгли кўзлари аллақандай ички бир исъндан чарақлаб кетди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Султоннинг **мумдай сарғиш** чехраси бирдан ёришди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Унинг ияги олдинга туртиб чиққан рангпар юзи **мумдек** заҳил тортиб, пешонасидаги ажинлари қуюқлашди (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар).

### МУМ ТИШЛАГАНДАЙ

Тамоман жим қолмоқ, ҳеч бир сўзга оғиз очмай турмоқ.

Кампирнинг муштдай юзи яна ҳам кичрайиб кетган, чакагини ушлаб, **мум тишлагандек** ўтирар, афт-ангоридан нимани ўйлаётганини билиб бўлмас эди (Х. Султонов. Ё, Жамшид). У **мум тишлагандек** қотиб ўтирар, айтса-ю ўтмаса, сўнгра сайланган хон терисини шилсинми? (Н. Қобул. Буюк Турон амири

ёхуд ақл ва қилич). Ўша Ботир ўтирган уйдаги гурунгни демасангиз, ҳовлида юрган аёллар ҳаммамиз **мум тишлагандай** эдик (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Норматнинг тили гапга келмайди. **Мум тишлагандек** гунг бўлиб олган (С. Аҳмад. Азоб).

## МУНЧОҚ

МУНЧОҚДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Митти*, бежирим, чиройли, чакноқ. Асосан, кўз ҳақида.

Четан деворлар билан ўралган кўралар ёнида тўпиғига тушадиган узун чакмон кийган чоллар, кокил кўйган, **мунчоқдай митти** кўзлари ялт-ялт этган болакайлар кўринар, улар бизни жимгина қарши олиб, жимгина кузатиб қолишар эди (О. Ёқубов. Излайман). Атрофда **мунчоқдек** кўзларини қадаб, ажиб томоша кўраётгандек турган жиянлари олдида ҳисларига эрк беришдан ўзини тийди (С. Аҳмад. Жимжитлик). Чақалок **мунчоқ каби** кўзларини мўлтиллашиб унга қаради (Т. Малик. Шайтанат). Атлас кўйлак, атлас лозим кийгизиб кўйилган... Кўзлари **мунчоқдек**. «Қаёқдан келди» десам, Шаҳноза кўғирчокни олиб, бағрига босди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Мусича бир бурчакка қисилиб олган, шамол кучайган сари момик патларининг ораси очилиб кулранг тусга кирар, жажжи оёқлари билан соябон қиррасига ёпишганча, мункиб-мункиб кетар, **мунчоқдек** кўзини жавдиратиб атрофга қараб кўяр эди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Кўринишидан ҳалим табиат, тортинчоқ, кўхликкина бу кизнинг **мунчоқдек** кўзлари мунгли боқарди (М. Али. Улуғ салтанат).

## МУРДА

МУРДАДАЙ

1. *Қимирламай ётмоқ*, ҳаракатсиз, гап-сўзсиз, жим қолмоқ.

Ҳамманинг кўзи машиналардан туширилаётган, бири инга раган, бири бақириб юборган, бошқаси аъзойи бадани бинтлаб ташланганича **мурдадай қимирламай ётган** оғир ярадорларда (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Таниш-билишлар, дўсту ёрлардан аллақачон ўғилларим туфайли узилиб бўлгандим – жуда оқибатлилари эса икки-уч келиб, мени **мурдадай** на гапга, на имога жавоб қилмай ётишимни кўргач, бошқа келмай кўя қолишди (Н. Эшонкул. Қора китоб). Иссиқ шаъбон кунлари бозорлари гавжум Хўжанд шаҳри мўғуллар оёғи остида топталиб, **мурдадек** жонсизланиб қолди (Мирмуҳсин. Темур Малик).

Фийвсиз бундай қиш оқшомларида юраги шундоғам ғамга тўлган зеклар **мурдадек қимирламай** ўтираверардилар (С. Аҳмад. Тақдир, тақдир, мунча шафқатсизсан).

2. *Оқармоқ, онпок, қонсиз тусга кирмоқ. Одамнинг ранги ҳақида.*

Зайнаб югуриб уйга кирди. Туси **мурдадек оқарган** эди (А. Қодирий. Уткан кунлар). Зебодан дарак бўлмагач, жонсиз **мурдадек оқариб** уйга қайтиб келди (Мирмуҳсин. Темур Малик). Мирзо Абдуллатифнинг ичига ботган телба кўзларида, **мурдадай қонсиз** юзида, бошини сарак-сарак қилишида, зотан, бутун важоҳатида аёвсиз бир нарса бор эди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Раис **мурдадай оқариб кетган** Ўсарга тикилиб, огир ютинди (А. Кўчимов. Оқ каптарлар ороли). Ранги **мурдадек оқариб кетган** Широқ ўзини бардам тутишга уринар, уруғдошларининг саволларига жавоб бермас эди (М. Осим. Широқ). Дино Кортенинг рангида ранг қолмади, у **мурдадек** гезариб кетганди (Х. Дўстмуҳаммад. Жимжитхонага йўл).

## МУСИЧА

### МУСИЧАДАЙ

*Беозор, ювош, беғуноҳ. Одам ҳақида.*

Уялиш керак, ўртоқ директор, мендай **мусичадек беозор** кишини ранжитгани қандай кўнглингиз бўлди, – деди Қобилжон (С. Аҳмад. Чўл бургути). Кечагина кўзига илондек захарли, тулкидек айёр кўринган манави одамлар нега бугун **мусичадек беозор** туюлмоқда?.. (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Бунинг устига, юзингизга айтмай-у, **мусичадек беозор** одамсиз, ишқилиб омадингизни берсин (У. Усмонов. Гирдоб). Сиз ёзувчилар инжиқ одамсизлар. Яхши одам деганда, албатта, сутдек оқ, **мусичадек беозор** одамни тушунасизлар (Ш. Холмирзаев. Ўзбеклар). Бора-бора **мусичадек беозор** дадам чиндан ҳам ойимдан кўрқишига ишондим (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Икки кундан сўнг у **мусичадек ювош** ва мулойим бўлган эди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Оғир меҳнат ва оиладаги бахтсизлик бу аёлнинг сочларини бевақт оқартириб **мусичадай ювош** қилиб қўйган (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида). Охудай гўзал, **мусичадай беғуноҳ** бу қиз унинг чироқсиз хужрадай нурсиз, шуъласиз ҳаётида милт этиб ёнган бир шам эди (О. Ёкубов. Кўҳна дунё). Ҳой, бурга деб, сен тўшакни куйдирма. Арабда ҳам **мусичадай беғуноҳ**, Сенга ўхшаш бечоралар жуда кўп (Х. Олимжон. Муқанна).

## МУШТ

### МУШТДАЙ

Кичкина, ихчам, майда. Кўпроқ шаклан юмалоқ ёки юма-лоққа мойил нарсалар, шунингдек, ёш бола, катта одамнинг унча йирик бўлмаган ёки озиб, кичрайган жуссаси ҳақида.

Аҳмад Танбал эгар устидан улоқчиларга ўхшаб пастга энгашиди-ю, узун кўли билан ердан **муштдай** бир тошни олди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). **Муштдай** қорни бир амаллаб отди. Қор тегмай ўтиб кетди (Н. Эшонқул. Уруш одамлари). Пиёламга **муштдек** новвот солиб чой қуйиб берди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Ё, етти иқлим эгаси! **Муштдек** юрак порасига буткул олам илмини жам қилибсанми, дарҳақиқат, қудратингнинг чегараси йўқ! (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Бошқаларнинг карами **муштдек** бўлгунча, буларники чойнакдек бўлиб «қайнаб кетади» (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Бу йигитнинг **муштдек** юрагини қоядек дард босиб турганини Зелихоннинг синчков нигоҳи илғади (Т. Малик. Шайтанат). **Муштдек** болакайлар унинг кўзига масхара қилаётгандек кўринарди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Бу уч кун илгари йўлакдан палатага олинган ўша **муштдеккина** гавдали чол эди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Чет элдан қайтгач, уни кўриб қолдим: шундай савлат, шундай шавкат эгаси **муштдай** бўлиб қолибди (Н. Эшонқул. Қора китоб). Хуршида ишдан келса, Пошша хола айвон ўртасида чўккалаб олганча кўрпа қавиб ўтирибди. Энкайиб олгани учунми, **муштдек** гавдаси янаям кичрайиб қолганга ўхшайди (Ў. Ҳошимов. Умр савдоси). Йўлакнинг қоқ ўртасида, девор тагидаги йиғма каравотда икки букилиб ўтирган, ранги сарғайиб кетган **муштдеккина** чол Шерзоднинг кўз ўнгига келди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Додходай одам гўристон деганда тиззаси қалтираса, биров «оламга подшо қиламан» деган тақдирда ҳам бормаса, боролмаса-ю, бу қиз **муштдай** боши билан «арзийдиган нарса бўлса, мен бораман» деса! (А. Қаҳҳор. Даҳшат).

### МУШТУМДАЙ

Айнан МУШТДАЙ.

Сув ҳам чиқар-у, лекин ўша мингбоши билан Содиқ аминлар **муштумдай** тошни бир ердан иккинчи ерга жилдириб кўйишмас (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Ишлар беш оғайни, – деди у бу чапани сўзини **муштумдек** ўғли тушунадигандек, – ҳа, ишлар беш (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). «Кўзларини

туз тутди» деган гапнинг маъниси шу экан-да», дея кўнглидан ўтказди Бобур ва оёғи остидан муштумдек бир чағир тош олиб, сувга ирғитди (Х. Султон. Бобурийнома). **Муштумдек** тош думалаб-думалаб, кўм-кўк арча танасига урилиб тўхтади (Ў. Умарбеков. Оқсоқол).

## МУШУК

(ХУДДИ) МУШУКДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ЎХШАБ, МИСОЛИ)

1. *Сапчимоқ, сакрамоқ, ташланмоқ.* Бирдан кескин ҳаракат қилиб, ўзини отмоқ. Асосан, одам ҳақида.

Ақбарали **мушукдек сапчиб** йўлакка бориб қолди. Орқасига ўгирилиб қаради (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Бунга сабаб, ёшлик чоғларида, ҳали «карате», «ушу» деган гаплар йўқ пайтида Кесак полвон муштлашгудай бўлса **мушукдай сапчиб**, уч-тўрт давангирга бас кела оларди (Т. Малик. Шайтанат). Яна бир аёл жон аччиғида **мушукдек сапчиб**, бошқа мўғулнинг томоғига ёпишди (Мирмуҳсин. Темур Малик). Сўнг тарақлаб очилди эшик, Бурун тикди уйга автомат. Сўнг бир *сакраб мисоли мушук*, Ичкарига кирди уч солдат (Ҳ. Шарипов. Бир савол). Иккимиз бир вақтда **мушукдай** олмага *ташланамиз* (А. Кўчимов. Бир жуфт олма).

2. *Шарпасиз, товушсиз юрмоқ, писиб юрмоқ.* Эҳтиёткорлик билан, билдирмасдан, паналаб ҳаракат қилмоқ. Асосан, одам ҳақида.

Ҳовли бетида юрган Абдушукур маҳдум кўча эшик тагидаги оёқ шарпасини сезиб, маҳси-калишда **мушукдай товушсиз** қадам босиб келиб, эшикни очди (Й. Сулаймон. Армон). Ярим соатлардан сўнг хужрага **мушукдай шарпасиз, сассиз** кириб бордим (Н. Эшонқул. Қора китоб). Олдинда чироқ тутган онаси, орқасида чарм пальтосининг ўнг чўнтагига қўл солган, **мушукдек** эҳтиёткорлик билан қадам босаётган шапкали... (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Аксарий амирлар ила сизнинг отингиздан сўзлашиб, ишни битириб қўйғонмен, – деди **мушукдек писиб** Бердибекнинг олдига етиб борганда Тўғлибий (Н. Қобул. Буёк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Жамшид? – Асадбек шундай деб қаддини сал кўтарди. – Нега **мушукка ўхшаб писиб юрибсан?** (Т. Малик. Шайтанат). Тўракул буталар тагида **мушукдек шарпасиз юрар**, меваларни қўллари ва ҳатто лаблари билан узиб оларди (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида).

3. *Суйкалмоқ, ялаб-юлқамоқ.* Эркаланиб ёпишавермоқ, керагидан ортиқ меҳрибончилик қилмоқ.

Бор умиди пучга чикқан жувон Асқаралибекка яқинлашди, **мушукдай суйкалди** (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Кучукдай ғингши-

син, мушукдай суйкалсин, чатаноқларини ўзим айираман (Б. М. Али. Кўктўнлилар). **Мушукдай** бир-бирига суйкаладиган оилалардан баъзан кўчага шовқин чиққанидан кейин, қолганларини кўяверасиз (О. Мухтор. Эгилган бош). **Мушукдай суйкалиб** келса ҳам музлаб, Бетидан бир ўпмай уйдан ҳайдайман (М. Юсуф. Узр). Қарашиб юборасанми? Кутганимдан кечроқ келдинг, – деди Сабо улар бир-бирига **мушукдек суйкалишиб** бўлишгач (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Ноила Ғозиддинга сигинар, суянар, уни **мушукдек ялаб-юлқар**, ўзини дунёда энг бахтли аёл деб билар ва дунёда у фақат бир нарсадан – севгилисини йўқотиб кўйишдан кўрқарди (О. Мухтор. Эгилган бош).

4. *Хурпаймоқ*. Жаҳлланган, ҳафа бўлган киёфага кирмоқ.

**Мушукка ўхшаб хурпайиб** олганинг нимаси? Ғалаба қилганингда гердайиб юришни билардинг (Т. Малик. Шайтанат). Айвон-балконга қадам босиб, қишлоғимдан кейин кўрганим ёғоч рандалаётган уста Шодмону, бурчакда худди малла **мушук каби хурпайиб турган** бургут бўлди (Ш. Холмирзаев. Банди бургут). Довул Даврон ўлжага шайланган **мушукдай** бир **хурпайиб**, яна писиб олди (Қ. Норқобил. Элакда сув турмайди).

#### СУВГА ТУШГАН (БЎККАН) МУШУКДАЙ

*Шалвирамоқ*, бўшашмоқ. Одамнинг беҳад тушкун руҳий-ҳиссий ҳолати ҳақида.

Пулим йўқ, дейди. Ўзи сувга тушган мушукдек *шалвираб қопти* (М. Ҳазраткулов. Севги сози). Ёшлар бунақа ... **сувга тушган мушукдай** эмас, олов бўлиши керак (О. Ёқубов. Диёнат). Аммо бунақа ... **сувга тушган мушукдек** бўлиб юрсанг, ... хотининг ҳам бир пулга олмайди сени (О. Ёқубов. Диёнат). Эри ютқизиб келса, **сувга бўккан мушукдай** қунишиб олади (Т. Малик. Шайтанат).

#### (БАМИСОЛИ) ЎҒРИ МУШУКДАЙ

Кўрқув, ҳадик билан ҳаракат қилмоқ; кучли салбий муносабат ифодаланади.

**Ўғри мушукдай** пусиб кун ўтказиш, хушхабар илинжида чонар йўлини пойлаш бекнинг жонига теккан, ўйлари мисоли чоҳ, ҳеч тагига етолмайди (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Қози кулгидан ўнғайсизланиб, ён-верига **ўғри мушукдай** қараб олди (М. Исмоилий. Фаргона тонг отгунча). Мусофирдек кўча-кўйда Жавдирайсиз аланглаб, **Бамисоли ўғри мушук** Тўрт томонга жаланглаб (А. Орипов. Тарбия). Азиз нима деса барини маъқуллашга

ўтган Фарҳоднинг кутилмаганда мулойимлашиб, ичида йигиб турган захрини пуркаш мавридини **ўғри мушукдай** пусиб пойлаётганини ҳам тахмин қилиб тургани (Х. Дўстмуҳаммад. Куза...).

## МЎР-МАЛАХ

(ХУДДИ) МЎР-МАЛАХДАЙ

1. *Беҳисоб*, санаб санафига етиб бўлмайдиган даражада кўп. Салбий муносабат ифодаланади.

Шайх Нуриддин билан Чингиз ўғлонининг **мўр-малахдай беҳисоб** кўшини уни аёвсиз таъқиб этиб келарди (П. Қодиров. Шохруҳ ва Гавҳаршод). Ёғий эса **мўр-малахдай беҳисоб** (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Қорар у тупрокқа элатлар зорин, Сочар лашкарини – **худди мўр-малах** (М. Мирзо. Ўтрор).

2. *Ёпирилмоқ, бостириб келмоқ, босиб кетмоқ*. Ҳаддан ортиқ кўп миқдорда жамланиб, бирлашиб, даҳшат солиб, қирғин қилиб ҳаракатланмоқ. Салбий муносабат ифодаланади.

Лашкари, қоровулхоналаридан унинг кўнгли тўқ, уларга суяниб, **мўр-малахдай ёпирилиб келаётган** душманнинг йўлини тўсиб, Сайхун ёқасига етказмай тор-мор этишни ният қилиб қўйган эди (Мирмуҳсин. Темур Малик). Шовкин-суронлар билан **мўр-малахдай ёпирилиб** шаҳар кўчаларига кирган тўда-тўда мўгул суворийлари рўпара келган болани ҳам, кексани ҳам чониб, ерга қулатар, ҳовлиларга кириб, ёш жувонлар кўринса, уларни булғар эдилар (Мирмуҳсин. Темур Малик). Қўрғонлар, қасрлар, кўркам иморатларни вайрон, ҳамма ёқни пайҳон қилганча, **мўр-малахдек ёпирилиб келишмоқда** (О. Мухтор. Хотин подшоҳ). Искандарнинг амр-фармони билан сипохийлар **мўр-малахдек** қояга *ёпирилишиди* (М. Қориев. Спитамен). Энди Чингиздай ҳам қудратли, ҳам шайтони лаъин ёғий **мўр-малахдай бостириб келаётгани**нда қалбингизда бир вақтлар ҳукм сургон ўшал ғолиблик туйғуси ўрнини ҳимоя ҳисси эгаллаб олганига ақлим бовар қилмас (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Хуфтон намози ўқилгач, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо бошчилигидаги йигирма минг отлик-яёв кўшин шаҳар дарвозасидан гурас-гурас чиқиб, Агра сари **мўр-малахдай бостириб келаётган** душман қаршисига – ҳаёт-мамот жангига жўнади (Х. Султон. Бобурийнома). Душман чинданами кўп экан. Атрофни **мўр-малахдай босиб кетди** (М. Ҳазратқулов. Чирок ўчмаган кеча).

## Н

### НАЙЗА

НАЙЗАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, МИСОЛИ)

1. *Учили*. Асосан, учи ингичка предметлар ҳақида.

Оёғидаги жигарранг этигининг **найзадек** *учли* пошнаси тошларга тегиб тақ-тақ овоз чиқазиб келарди (С. Аҳмад. Жимжитлик). Қаламнинг учини **найзадек** қилиб очиш учун яхши қаламтарош керак бўлади (Сўзлашувдан). Жағим **найзадек** *учли*, Тишим аррадек кучли, Мен ғаройиб тусдаман, Тез сузишга устаман (К. Турдиева. Найза балиқ).

2. *Ўтқир, узун*. Кўпроқ кўзнинг киприкларига нисбатан.

Бахтиёр шифтга термулиб ётар, Муҳаббат эрининг **найзадек** *ўтқир, узун* ва қалин киприклари қуршаб олган тиниқ, ҳаётидан мамнунлик сезилиб турган чакноқ кўзларидан нигоҳини узмайди, аммо хаёли паришон (М. Ҳазратқулов. Чўли ирок). Унинг чаросдай қоп-қора кўзларини **найза каби** киприклари кўриқлаб турарди (М. Ҳазратқулов. Кўккўл). Ё қудратингдан, ҳамон ўша-ўша, қоп-қора қошлар, ёниб турган кўзлару **найза мисоли** киприклар, елкаси билан битта бўлиб тўлғониб ётган кўнғироқ сочлар – ҳамма-ҳаммаси ўша-ўша (М. Ҳазратқулов. Кўккўл). Бунинг устига, куёшнинг **найзадек** *ўтқир* тиғи бошга санчилгудек бўлар, сал фурсат топсам-у, нафасни ростлаб олсам, дердим (Н. Ҳайитқулов. Томчи).

3. *Қадамоқ, санчмоқ; санчилмоқ*. Қаттиқ ғазаб билан тикилмоқ; азоб берадиган даражада таъсир қилмоқ.

Сўзга кулоқ сол, шаллақи макиён! – Ёрмат кўзларини **найзадай қадади** (Ойбек. Қутлуғ қон). Қозининг туссиз кўзлари атрофидаги сийрак киприклари пилпиллади, лаблари пичирлади. Аммо мингбоши одамларга кўзини **найзадай санчиб** тураверди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Маҳамад Расул ўз умрида бойларнинг тухматини кўп эшитган бўлса-да, Мирзакаримбойнинг бу тухмати унинг юрагига **найзадай санчилди** (Ойбек. Қутлуғ қон). «Кимки кўнғилни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳарли **найзадек санчи-**

*иди*, – деганлар ҳазрат Навоий. – Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас, у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас...» (Т. Малик. Келинлар дафтариға).

## НАШТАР

### НАШТАРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ботмоқ, санчилмоқ, тилмоқ.* Ўта азобли даражада таъсир қилмоқ. Кўпроқ гап, сўз, муайян ҳаракат-ҳолат ва шу кабилар ҳақида.

Айниқса, Кенжа бобонинг «Қодирвой, энди этакни бир уриб, ўзингиз майдонга тушмасангиз чатоғ-ов», деган пичинги отамга **наштардай ботди** (А. Кўчимов. Ишқибозлар). Мусофир девонанинг гапи «чинор» Султонга **наштардек ботди** (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнги сафари). Бегона юртда ҳеч кими йўқ севгилиси аҳволини ҳис қилишнинг ўзи юрагига **наштар каби ботар**, чорасизлигидан бошини деворга ургиси келарди (А. Абдуллаев. Дард). Устанинг чехрасидаги маҳзунлик, овозидаги дард Қаландарнинг юрагига **наштардек санчилди** (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Сулаймон келтирган шумхабар унинг кекса қалбини **наштардек тилиб юборган эди** (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнги сафари). Уларнинг гаплари юрагимга **наштардек санчилар**, ичимни тилка-пора қилиб ташларди (Б. Исмоилзода. Ширин ва армонли кунлар).

## НАҲАНГ

### НАҲАНГДАЙ (КАБИ, МИСОЛИ)

*Ютмоқ.* Еб ташламоқ, эгалламоқ, йўқ қилмоқ; ҳар қандай кучни маҳв этишга қодир.

Давлатпаноҳ! – деди амир Жондор. – Шаҳзодаи жувонбахт камида ўн минг сипоҳни пистирмага қўйиб, довонда кутиб ётган эркан. Бизнинг қўшинларни қопқонга тушириб, **наҳангдай ютиб юборди** (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Аёл кўз ёшидан ҳўл бўлиб болиш, Уни *ютар эди мисоли наҳанг* (С. Зуннунова. Танланган асарлар). **Наҳангдай** каттадаҳан беку аъёнларни идо-ра этиш осонми? Аммо Хумоюн доим унинг ёнида бўлмоқчи, ҳамма ишни бамаслаҳат амалга оширмоқчи эди (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар).

## НИҲОЛ

### НИҲОЛДАЙ

*Нозик, хипча.* Кўпроқ аёлнинг чиройли, ихчам қадди-қомати ҳақида.

**Ниҳолдай** *нозик* вужудда шунча куч, шунча ғайрат!.. (М. Али. Улуғ салтанат). Хонага гунафшаранг бахмал муқовали альбом кўтариб Дилноза кирди. **Ниҳолдек** *нозик* (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Ўзи қотмагина, **ниҳолдай** *хипча*, Нарӣ борса ўттиз-ўттиз бир ёшлар (Э. Воҳидов. Ҳозирги ёшлар). Ано-ранинг **ниҳолдек** бир тутам *нозик* қадди-қомати бошқалардан ажралиб турар, жуссаси кичик бўлса-да, кулганида қўнғирокдек жаранглайдиган шўх овози ўтиришга алоҳида бир файз бағишлар эди (М. Хайруллаев. Тилла маржон).

## НОВАДА

### НОВАДАЙ

*Ингичка, ёш,* *нозик.* Чиройли қадди-қомат ҳақида.

Абдулвоҳид узун бўйли, **новдадай** *ингичка*, ҳаракатлари мулойим, мош-гурунч соқоли эчкиникидай кўримсизгина. Қирқ саккиз яшар киши эди (Ойбек. Нур қидириб). Келин ҳам **новдадеккина**. Ўйинчи бўлса ҳам, камсухан, шикасталигини айтмайсизми! (А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат). Гулсанам **новдадек**, суҳсур бўлиб ўсди (Ойдин. Гулсанам). Тезда **новдадек** *ёш* раққосанинг шуҳрати кетиб, атрофида хушомадгўйлар пайдо бўлиб, йўлига қанчалаб пулларни нисор этдилар (Мирмуҳсин. Йўқолган жавоҳир).

## НОН

### НОНДАЙ

*Азиз, арзанда.* Жуда қадрли, юксак эъзоз-эътиборга лойиқ нарса ҳақида.

Мен унинг ҳаром пулини ҳожатга ишлатаман! Ҳар хил найранг билан, лўттивозлик билан топган пулини... Гапини қаранг-а. Бу ер, бу ер тугул... ана, анави ташландиқ вайроназор ҳам мен учун **нондай** *азиз* (Ш. Холмирзаев. Ўзбек бобо). Бир оғиз ширин сўз **нондек** *арзанда* (Ғ. Гулом. Сен етим эмассан). Бу бош, бу елка неча йиллар мобайнида силовчи бир меҳрибон қўлга муҳтож эди. Ширин сўз **нондек** *арзанда* бўлган кезлари ҳақорат

ишитди (Т. Малик. Шайтанат). Севишганлар учун эса дунё бир жаннат, Ой-чи, **нондек** туюлади қорни очларга (А. Орипов. Диалектика). Китоб – жаҳолат тунини кувгувчи чироқдир, – деди Акбар. – Шунинг учун мен уни **нондек** эъзозлаб кўзга сурдим (Ш. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Кичик-кичик қадам излари – Сенинг изларингни – **Нондай** кўзга суриб ўпаман (Х. Худойбердиева. Бағишлов).

#### СУВГА ТУШГАН (БЎККАН) (БЎЛКА) НОНДАЙ

*Бўшашимоқ.* Ҳовуридан тушмоқ, қатъияти йўқолмоқ, ҳафсаласи пир бўлиб, бўш келмоқ.

Дўхтир билан гаплашиб, бирдан **сувга тушган бўлка нондай** *бўшашиб қолди* (М. Ҳазратқулов. Тўқайда). Аброр **сувга тушган бўлка нондек** *бўшашиб қолди* (О. Мухтор. Эгилган бош). Билсанг... намуноча **сувга тушган бўлка нондай** бўкиб қолдинг! Ўрнингдан туриб, ҳаракатингни қил! (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Уста Баҳром воқеани эшитиб, **сувга бўккан нондек** *бўшашиган эди* (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Аммо бунақа юриш, битта қийинчиликка дуч келмай туриб бунақа ... **сувга бўккан бўлка нондай** илвираб қолиш!.. (О. Ёқубов. Диёнат).

#### НОР

#### НОРДАЙ

Бақувват, мард. Соғлом, етилган йигит ҳақида.

Гўрўғлибек шердай бўлиб, Қатордаги **нордай** бўлиб, Елкалари қирдай бўлиб... (Гулнор пари). Отаси билан онаси... сингиллари уйли бўп кетган... икки укаси йўқ... келмайди... хувиллаган ҳовли, қари чол билан кампир, бири қар, бирининг кўзи хира, иккита **нордай** ўғилдан айрилган (М. М. Дўст. Лолазор). **Нордек** йигит бўпти, – деди қувониб. – Исталавойда шепповар экан. Худоё, умридан барака топсин (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Абдурасул жон талашиб ётганда бадавлат бўлган экан, ёнида **нордай** ўғли, бирин-кетин бўй етиб келаётган неча невараси бор эди (Ж. Эргашева. Зулфизар).

## Н У Р

### НУРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Тоза, пок; ёруғ.*

«У менга жой берди, ўзи билан тенг кўриб, одам ўрнида қабул қилди, мендан бурнини жийирмади, унинг кўнгли **нурдай тоза**, бундай улуғ одам қаерда бор?!» – ўйларди у (Н. Эшонқул. Бевақт чалинган бонг). Бор экан-да мен билмаган оғир гуноҳинг, Ўғлим, ахир *пок* эдинг-ку, **нур каби**, эвоҳ! (А. Орипов. Жаннатга йўл). Мунис нигоҳини қадаб куёшга Турар у **нурдай пок**, ишқдай безавол (А. Орипов. Генетика). «Қадрдон оғам ўрнидасиз, – деб ёзмокда эди. – Орамиз **нурдай пок**. Фақат менга ёзган мактубингиз туфайли бошингизга оғир кунлар тушмадимикин деган изтиробдамен» (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Ҳозир дилим **нурдай ёруғ** туйғуларга тўлиб турибди. Бу туйғулар пок бўлгани учун сизга ҳам тортинмай сўзламокдамен, ҳазрат бегим (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Барқашдаги олтинранг кишмиш Бобурга шу булутларни ёриб ўтиб, узок Самарқанддан етиб келган *ёруғ* бир **нурдек** кўринарди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар).

## Н У Қ Р А

### НУҚРАДАЙ (КАБИ)

*Товланмоқ, порламоқ.* Оқиш тусда, кумуш рангида жилоланмоқ.

**Нуқра каби товланган...** Сочларингга термулгим келди (С. Тўйчиева. Термулгим келди). Жийдага ўхшаган кумушранг баргли бу азим дарахтлар куёшда **нуқрадай** оқиш бўлиб кўринади ва оқ мрамор қасрга жуда мос келади (П. Қодиров. Шохруҳ ва Гавҳаршод). Ҳозир бўлса бутун дарахт оппоқ рўмол ўраб олганга ўхшар, ўрик новдалари тўлин ой нурида **нуқрадай порлаб**, кишининг қалбини ларзага солиб юборадиган даражада сукутбахш афсонавий манзара касб этади (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Атрофга шудрингдан кумушранг пойандоз тўшалган, куёшнинг илиқ нурларидан еру кўк **нуқрадек товларди** (Ғ. Каримий. Наршах қальаси).

## Н У Қ Т А

### НУҚТАДЕК

Кичкина, бенихоя кичкина. Анъанада кўпроқ хол ҳақида.

**Нуқтадек** бир холи бормиш Гунча лабнинг устида, Ул бири ошкор эмишдир, Ул бири пинҳон эмиш (Э. Воҳидов. Бир гўзалким...). Бўйлари ҳам бор эди самбит мисол, Лаъли узра **нуқтадек** бир дона хол (Ж. Камол. Куёш чашмаси). Ана, Шероз жононининг **нуқтадек** каро холига ўйлаб-нетиб ўтирмай, бир-варакайига Самарқанду Бухорони нисор этишга шай Ҳофизнинг хотамтойлигини эсланг! (Э. Аъзам. Дунёнинг ўзи шундай). Кенг, кўнғир даштда бир неча қора **нуқтадек** бўлиб, Чўли бобонинг узокдаги пастқам уйлари, ундан нарироқдаги кўтон атрофида оту аравалар, фишт уюмлари, асбоб-ускуналар сочилиб ётарди (Мирмуҳсин. Меъмор). Менинг мўлжалим бўйича, кема сиртининг бирор жойида **нуқтадек**, эҳтимол, ундан ҳам кичикроқ бир дог бўлиши керак эди (Ҳ. Шайхов. Пуштиранг фалокат).

## Н Ў Х А Т

### НЎХАТДАЙ

Кичкина. Думалоқ ёки думалоққа мойил, ҳажман анчайин кичик нарсалар ҳақида.

Манглайида ҳинд қизлариникига ўхшаган **нўхатдай** холи бор (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). А Кўка? Сенга маъкулма, Кўка? – сўради бит кўзларини қисиб Тармочук хаёл сурганча бурнининг учидаги қалин тук билан қошланган **нўхатдай** ...холини силаб ўтирган Кўкамандан (М. Али. Улуғ салтанат). Сиррибой ҳам беихтиёр қочиб тандир қошига етиб келган эди, шошиб жилиши билан **нўхатдек-нўхатдек** оппоқ дўллар ўйноқлаб кетаётган ерда тойиб, чалқанча йиқилди (Ш. Холмирзаев. Ўзбек бобо). Элликбоши бойваччага чой куйиб берди, ўзи тиши билан **нўхатдек** қандни ушатиб олиб, бир култум чой ичди (Ойбек. Қутлуғ қон). Жаҳли чиқса, **нўхатдек** холли юкори лаби титраб кетарди (А. Ҳотамов. Муз устида).

## О

### О Д А М

#### ОДАМ(ЛАР)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ЎХШАБ)

Барчага хос шарт-шароит ва имкониятларда *яшамоқ*, муайян чекловларсиз умргузаронлик қилмоқ.

Шунга қарамай, ит ҳам ўтирадиган жойини думи билан су-пуриб қўяди, дейишади, ремонт керак, **одамдек яшашга** ҳаракат қилиш керак (О. Мухтор. Эгилган бош). Бир зум **одам каби яшайин** мен ҳам, Мен ҳам *яшай* бир зум бир **одам каби** (А. Орипов. Ҳолат). Хўп ажойиб табиатимиз бор-да, – деб Мансурнинг нигоҳини тоғ тизмаларига қаратиб, гап маъкуллатди. – Бугун ўша томонларга қочиб кетамиз. Бир **яйраб** келайлик биз ҳам, **одамга ўхшаб** (И. Зойир. Қисмат ўчи). У фақат катта бувисидан, унинг мудҳиш таъқибидан, ҳаётнинг зўрлик ва хўрликларидан бош олиб қочишни, ёри билан беташвиш ўйнаб-қулишни, **одам боласи каби**, инсон каби *яшашни* орзу қилар эди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Одамлар орасида **одамлардек яшаётганингизда**, атрофингизда суянчиқларингиз борлигидан қувонасиз, кўнглингиз тоғдек ўсади (А. Иброхимов. Ёруғлуғ). Мен ҳам одамман-ку, ахир! **Одамга ўхшаб** бир дам олай мен ҳам! (О. Ёкубов. Диёнат). Хотин тураётиб баралла йиғлаб юборди. – Бу ер юткур қандай бало экан!.. **одамлардай** гулутага, тузга, кесакка бошқоронғи бўлсам-чи! (А. Қаҳҳор. Анор).

#### БИР НИМА (НАРСА)СИНИ ЙЎҚОТГАН ОДАМДАЙ

*Гангиб қолмоқ, парижон бўлмоқ*, шошиб, руҳан муаллақ ҳолатга тушиб қолмоқ. Одамнинг руҳий-ҳиссий ҳолати ҳақида.

Лекин меъмор Бухорий бунда эканида ҳасадгўйлик қилиб турадиган устод Қавом Нажмиддин кетганидан сўнг, кўнгли бўм-бўш бўлиб қолиб, **бир нимасини йўқотган одамдек гангиб юрди** (Мирмуҳсин. Меъмор). Айниқса, у кеча Адҳамлар кўчи ортилган машинанинг кетидан анча жойгача қийқиришиб, хайрлашиб боришга борди-ю, сўнг **бир нарсасини йўқотган одам**

дай *паршион бўлиб қолди* (Х. Дўстмуҳаммад. Кўчиш). Бу йигит ҳам дўсти Зулфиқор Бухорога жўнатилган кундан буён қўли ишга бормай юрар, **бир нимасини йўқотган одамдек** хомуш эди (Мирмуҳсин. Меъмор).

## ОЙ

ОЙДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. Чиройли, гўзал. Асосан, аёллар ҳақида.

Исмига муносиб тўлин **ойдай** *гўзал* аёл эди Тўлун оқа (М. Али. Улуғ салтанат). Равшанбек зеҳнини қўйиб қараса, ясанган хурдай, тишлари дурдай, кўзлари юлдуздай, қошлари кундуздай, лаблари қирмиздай, огизлари ўймоқдай, лаблари қаймоқдай, икки юзи **ойдай**, тарлон-қарчиғай учадиган кушдай, мухрланган қоғоздай ялт-юлт этиб ўтирибди (Равшан). Қоп-қора кўзинг Ёшларга тўлмиш. **Ой каби** юзинг Япроқдай сўлмиш (Миртемир. Туткун қиз). *Гўзал* бўлди, **ойдай** бўлди, Мактабида – аъло (Миртемир. Ойсулув). Ой десам, **ойдайин** қизлар йўқ эмас, Сўзлари мойдайин қизлар йўқ эмас (С. Ҳақим. Кўшиқ). Шаҳзода офатижон қайлигининг **ойдай** чехрасига тикилди (М. Али. Улуғ салтанат). Нечун **ойдек** юзингиздан қайғу кетмас, Ҳажр азобин сиз ҳам энди тотдингизми? (М. Юсуф. Келинчак). Йиллар ўтаверди, кўзим ўнгидан, Сизнинг **ойдек** рухсорингиз кетмади (М. Юсуф. Мактуб). Кўхлик жувон нордон нарса еб қўйгандек бурнини жийирди. Ҳатто **ойдек** юзи ҳам хунуклашиб кетгандай бўлди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

2. *Порламоқ, балқмоқ, ажралиб турмоқ, кучаймоқ.*

Олтмиш ёшин кутлаб деймиз: – Соғ бўлсин Ойбек, Шеърятнинг осмонида *порласин* **ойдек** (Х. Салоҳ. Устоз Ойбекка). Гоҳ хотир, гоҳида хаёлни ёллаб, Гоҳ юлдуз, гоҳида **ой каби** *порлаб*, Ширин жилмайиш-ла ёнида орлаб, Олисдан ғамзалар қилганинг алам (М. Юсуф. Муҳаббат). Унда буюк эди эътиқод, имон, Сурури дилларда *балқарди* **ойдек** (Ж. Камол. Алвидо).

3. *Тўлмоқ, янада гўзаллашмоқ.*

Фараҳли бир ойдин кеча, Ё фараҳли субҳидам, **Ойдек** *тўлиб*, тушларингга Кирар зебо бир санам (Ж. Камол. Тилак). Тўлган **ойдек** *тўлибсан*, омон-ёр, Тумор олгин мулладан, омон-ёр (Оқ олма, қизил олма). Бешиқда **ойдай** *тўлиб* нахлавон гўдак жилмайиб ётибди (Х. Султон. Бобурийнома). **Ойдек** *тўл-у* кундай кул, Сен – кундузим, ўргилай (Миртемир. Ёрим бору ёрим бор). Ҳолбуки, орзулардан жудо ҳам бўлганим йўқ, Юлдуздай кулганим йўқ, **ой каби** *тўлганим* йўқ (А. Орипов. Биринчи муҳаббатим). Юрар эди **ой каби** *тўлиб*, Шайдо бўлган

юракни тилиб. Севасанми? – десам гар кулиб, Лабларини бурарди шу киз (Ш. Рустамов. Шу киз).

4. *Равшан, аён*, маълум, шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ билинган.

Зеби суд раисининг бола эмаслигини қайдан билсин? Шу ерда ўтирган шунча эракнинг *ойдай равшан* бир нарсани англамасликларини қайдан билсин? (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Одамлар ҳар қандай катта-кичик ғалабани барибир унга эмас, Темурга бағишлашлари *ойдай равшан* бўлиб қолганди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Хўжайиннинг эътиборидаги одамга ола қараш мумкин эмаслиги унга *ойдай равшан* (Т. Малик. Шайтанат). Холбуки, *ойдек равшан* ҳақиқат бор: худосизда иймон бўлмаиди (Ў. Ҳошимов. Шўронинг хатоси). У кишига қирғийнинг ўтмишию Кўктўнли отанинг тарихигача *ойдек аён* эди (Б. М. Али. Кўктўнлилар).

#### ЎН ТЎРТ КУНЛИК ОЙДАЙ

Жуда ҳам чиройли, беҳад *гўзал*. Асосан, аёл, унинг юзи ҳақида.

Уйда қолди *ўн тўрт кунлик ойдек гўзал* қайлиғи, уйда қолди чимилдиқдан кеча чиққан Людмила (Ў. Умарбеков. Гул водийси). Бу даврда Мехринисо балоғат ёшига етган, сарвқомат, *ўн тўрт кунлик ойдек* киз эди (Т. Файзиев. Темурий маликалар). Ҳой овсинча, тузукмисиз, бай-бай жудаям очилиб, *ўн тўрт кунлик ойдай* бўлиб кетибсиз-ку (А. Абдуллаев. Дард). Ошпок, кулча юзлари *ўн тўрт кунлик ойдек* сулув, кўзлари худди кўрингувчини эркалаётгандай хумор боқарди (А. Абдуллаев. Дард).

#### ОЙНА

ОЙНАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Ялтирамоқ, ярақламоқ, ярқирамоқ*. Муайян сатҳнинг жи-лоланиши ҳақида.

Денгиз *ойна каби ялтирар*, Тўлқинларда суқим оқади (У. Носир. Денгиз ойна каби ялтирар...). Ёғлиқ қўлларини арта бермоқдан унинг эски бедана маҳсиси *ойнадай ялтираб кетди* (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Йўл қоронғидаги *ойнадек ялтирайди* (Э. Аъзам. Шовқин). Йўл равон, ёмғир ёққанигами, асфальт *ойнадек ялтирар*, шамол йўл четидаги, қовжираб, қорайиб кетган ўт-ўланларни титратар, юлинганларини саргардон этиб, ўз измига соларди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Қор пастга тушибди,

Саидкул ака, – деди Тўпори. – Тулпоркўлга ўтолмаймиз, шекилли. Лекин узоқдан бўлсаям бир кўрсатаман, зўр кўл, **ойнадай ярақлаб** ётади (М. М. Дўст. Лолазор). Кичкина **ойнадай ярқираб** кетган сирпанчиқни, суви куриб қолган ҳовузчани айланиб чопади (А. Кўчимов. Ҳовлидаги майдонча). Ўшшайган қоялар қамалидаги Ойдинкўл **ойнадек ялтирар**, гўё ерда ҳам яна битга ой товланиб ётганга ўхшар эди (А. Ибодинов. Кўл бўйида).

2. *Тиниқ*. Кўпроқ сув ҳавзалари, уларнинг сатҳи ҳақида.

Бир-бирига тутшиб кетган ўн иккита зилол кўлнинг **ойнадай тиниқ** сатҳида қорли Ҳимолай тоғлари, арчазор ва қарағайзор ёнбағирлар, қирғоқ яқинидаги мирзатераклар, чинорлар, санобар дарахтлари беҳад кўпайиб акс этади (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Йўлларимда зангори кўллар **Ойна каби тиниқ** ва бежон (Х. Олимжон. Чимён эсдаликлари). Дарё сувининг бир қисми боғ ичидан оқиб ўтар экан, **ойнадай тиниқ** кўлчалар ҳосил қилган (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Кўл **ойнадай тиниқ** (И. Зойир. Қисмат ўчи). Қора канда ердан келадиган ширин, **ойнадай тиниқ** булоқ сувларининг кадри ўтмоқда эди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари).

3. *Текис, силлиқ; сирпанчиқ*.

Йўл текис, **ойнадек силлиқ**, машиналар шувиллаб кетиб боради (Х. Султон. Бобурийнома). Кампир билан жўнадик. Қиш кечаси. Совуқ. Ер **ойнадай** (Ойбек. Қутлуғ қон). Қаср олдидаги майдонга **ойнадай** мрамор тошлардан «гилам» тўшалган (М. Али. Улуғ салтанат). Кўчаларни **ойнадек** муз босган, машиналар эмаклагандек кўрқа-писа имиллайди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Шундоққина оёғи остида олти-етти қулоч келадиган анҳор оқиб ётар, бу ер чуқур бўлса керак, сув текис, сокин, **ойнадек** сатҳида қоп-қора сузғичлар чакқон сузиб юрар эди (Ў. Ҳошимов. Нимадир бўлди).

## О Л М А

(НАҚШ) ОЛМАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қизил, қип-қизил; гўзал; қизармоқ*. Асосан, аёлнинг юзи, ёноғи, лаби ҳақида.

Кампир нима қилганини ўзи ҳам пайқамай, тез бориб ёшли кўзларини қизнинг **олмадай қизил** юзига босди (А. Мухтор. Опа-сингиллар). Ҳалиги танноз унга яна ўкраяди. **Олмадай қизил** лабларини жийириб, ўрнидан туриб, нари кетади (А. Жўраев. Қайтим). Унинг **нақш олмадай қип-қизил** юзида вазиятига номуносиб бир мамнунлик барқ урарди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Икки бети **нақш олмадай қип-қизил**, дўмбоқ-

дўмбоқ одамлар ҳар хил машғулотлар билан банд (Х. Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлакати). Довдир қизларнинг юзлари **нақш олмадай қизаришини** кўринг эди (М. М. Дўст. Лолазор). Шу палла чодирга кирган малика Чўлпон Мулк оқанинг бу гапларини эшитиб, юраги қон бўлди, индамай Соҳибқирон оёқларини уқалар экан, қоп-қора кийик кўзларидан қуйилган ёшлар **нақшин олмадай гўзал** чехрасини бетиним юварди (М. Али. Улуғ салтанат). Қандоқ ўлдирдимми? – саркарданинг ўзига қиймириб караб турганидан ёноқлари **олмадек қизарганча** деди Қамбарнисо (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Қачондир кўзида кўргандим юлдуз, **Юзи олма каби** таранг ва **қирмиз** (И. Мирзо. Қачондир). Икки бети **нақш олмадек**, тугмадаккина оғизчасининг четларидаги кулдиргичлар эндигина учмоққа шайланган қушчага монанд (Б. М. Али. Кўктўнлилар).

## ОЛМОС

### ОЛМОСДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Ўтқир*. Тиғи жуда кескир нарсалар ҳақида.

Ўша муттаҳамнинг юнги майин бўлсаям, тирноқлари **олмосдай ўтқир**. Панжасига илинганинг – асфаласопилинга кетганинг (А. Обиджон. Ҳакка холанинг иғволари). Отлари минг фарсангдан ортиқ йўл боссаям ҳали толиқмаган ва шамолдек учқур, қиличлари **олмосдай ўтқир**, юракларга қўрқув тушмаган эди (Х. Даврон. Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақида ривоят). Савлатидан от хуркадиган чўлоқ Гулқизни хонага чақиради-да, **олмосдек ўтқир** пичоғини бўғзига тирайди (А. Карим. Тоғбеги). Қайнаб юракда ўчинг, Ортсин билакда кучинг. Юртга қуёш келтирсин **Олмос каби қиличинг!**.. (Ж. Камол. Жамила).

2. *Кескир*, бебаҳо, ноёб. Қадрли сўз, фикр, ақл ва шу кабилар ҳақида.

Шавкат Раҳмон қисқа умр кўрди. Аммо ундан «ўзбекнинг қорақўз болаларига» **олмосдай кескир**, тоғдек мустаҳкам, ҳар бири юзта умрга етадиган эзгу, боқий ва ўтқир сўз қолди (Б. Карим. Шоирнинг ўтқир сўзи). **Олмос каби** ақл китоблардадир, Курашларда яшар пўлат ирода (Ж. Камол. Менинг увоқ шеърим – менинг дилпорам). Улар ўтган аср келинларидек андиша қилиб ўтиришмайди: бўлажак куёвнинг баланд бўйию келишган қадди-қомати, **олмосдек** ақлидан ташқари қўлларининг «узун-қисқалиги»га асосий эътиборни қаратади. (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар).

3. *Ялтирамоқ, ярқирамоқ, товланмоқ*. Шуъла таратиб жилоланадиган нарсалар ҳақида.

Бобур қиличнинг олтин сопидан секин тортиб, уни бир қаричча кинидан чиқарди. Шунда **олмосдай ялтираган** қисқа бир ёзув кўзига жилваланиб кўринди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). **Олмос каби** оппоқ қор **ялтирар** (У. Носир. Юр, тоғларга чиқайлик). Тоғлар яғрини оппоқ, куёш нурида **олмос каби ялтираб** кўринади. (М. Ҳазратқулов. Чироқ ўчмаган кеча). Кўрғондан ўтиш билан йўл бирдан ўрлаб кетди-ю, олдинда, тўлин ой шуъласида **олмосдай ярқираган** қорли тоғ ўркачида расадхона биниси кўзга чалинди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Минг бир дона минг бир хил қимматбаҳо тошлар билан безатилган тахт баҳор куёшида **олмос каби товланарди** (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич).

## О Л О В

(БАМИСОЛИ) ОЛОВДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

1. **Ёнмоқ**, қизимоқ. Одам танаси ҳароратининг ўта юқори даражага чиқиши ҳақида.

Бир томони, мавлонога ҳам қийин, у ҳибсга тушган дастлабки кунлари қаттиқ ётиб қолди, кечалари **оловдай ёниб**, алаҳлаб чиқар, ёмон тушлар кўриб, уввос тортиб уйғониб кетарди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). У бир кўлини қизнинг нешонасига кўйди: нақ **оловдай** (Ойбек. Қутлуғ қон). Хайём муздек аёқни тутгандан сўнгина бутун вужуди **олов янғлиғ ёнаётганлигини** фахмлади. Нафас олишини енгиллатмоқ учун кўйлагининг ёқасини бир оз бўшатди (Н. Жалолiddин. Умар Хайём). Ўғай онаси, она тили ўқитувчиси, яна аллакимлар уни қидириб топишганда, қоронғи тушган, юз-кўзлари, бутун бадани **оловдек ёнарди** (Ў. Умарбеков. Ҳотамтой).

2. **Ёнмоқ**, **ловулламоқ**, **қизармоқ**, товланмоқ; кип-қизил. Бирор нарсанинг ўта қизил, кип-қизил тусда кўриниши, жилоланиши ҳақида.

Бугун шанба бўлгани учун бозор гавжум, расталарда янги узилган кўкатлар иси анқир, сув солинган пақирларга тўлдириб қўйилган лолалар узокдан **оловдай ёниб турар эди** (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Тўқ қизгиш рангли немис гарнитурини **оловдай ёнган** гиламлар шуъласида баттар жозибали кўринади (Ў. Усмонов. Гирдоб). Улар ёрдан қайтиб чиққанда водий куз офтобига ғарқ бўлган, қизил зиркнинг қирмизи япроқлари куёшда **оловдай** ланғиллаб ёнар, ям-яшил арчалар худди чўмилгандай яшнаб кетган эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Ҳовли ўртасидаги бир туп шафтолининг баҳорда пушти гулга бурканишини, ёзда сап-сарик мевалар ларзон бўлишини,

кузда барғлари **оловдек ёнишини**, қишда яланғоч новдаларига булдуриқ кўнишини кўриб ўтаман (С. Аҳмад. Таъзим). Шу пайт чироқ ўчиб, қизил бахмал парда очилди. Саҳна орқасидан **оловдай** ял-ял **ёнган** кўйлак кийиб, бошини заррин дурра билан танғиган Тамарахоним чиқиб келди (О. Мухтор. Эгилган бош). Ҳар ер-ҳар ерда тўда-тўда бўлиб очилган лолалар шамолда чайқалиб турар, худди **оловдек ловуллаб** кўзни оларди (Ў. Ҳошимов. Жинтепа). Энгашиб уздим **оловдек** лоладан (Ж. Камол. Куёш чашмаси).

3. **Ёнмоқ**; чиройли. Беҳад жозибали, гўзал, бошқалардан шу хусусияти билан ажралиб турган аёл ҳақида.

Яна суратларга тикилдим. **Оловдай ёниб турган** битта қиз юрагимни жиз эткизди. Индамай олиб чўнтакка урдим (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Дадангиз бу тўғрида шундай бир мулоҳаза юргиздилар: ўз кўлимизда ўсган мўмин-маъқул, синашта қиз, сиримизга ошна... Аммо, менимча, кўз олдиларида **оловдай ёниб** юрган чиройли қиз бўлса керак у, кўнгил у қизга андак мойилдак кўринади (Ойбек. Қутлуғ қон). Ўттизда ҳам ўзгармадинг, **оловдайсан**, Ўнг бетингдан ўпганимга ким ишонар... (М. Юсуф. Анор). Шуни айтади-да, болам, одамга либос, деб. **Оловдек ёнясан-а** (С. Аҳмад. Қирқ беш кун).

4. **Ёнмоқ**, **ловулламоқ**, **қизармоқ**. Ўта даражада тутакмоқ, жаҳлланмоқ, асабий ҳолатда бўлмоқ ёки уялмоқ.

Ҳасан полвон ўзи **оловдай ёниб**, дуддай тутаниб турган эди (Равшан). Дўсара кўрингани билан баджаҳл, жаҳли чиқса, **оловдек ёнади**, ўзини саришта қилолмайди; катта-кичикни бирдек сансирайди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Лутфинисо: «Вой жувон ўлгур!» деб лабини тишлади. У қизининг сўзларига ишончи тўла бўлганидан «Ким айтди?», «Қаердан билдинг?» ва ҳоказо саволларни сўрашга ҳожат топмади. Шамол теккан **оловдек ловуллаб кетди** (Ойбек. Қутлуғ қон). Ўзига ўзи жаврай бошлаган аёлга бола эътибор ҳам бермайди. **Оловдай ловуллаб** кейин босилишини билади (М. Тиловова. Лайлак уяси). Адолатнинг юзи **оловдай ёнди**, нима дейишини билмай ерга қаради (С. Зуннунова. Олов). Ҳаммамиз ўша томонга қарадик, Валининг сариқ юзи **оловдек ёниб кетди** (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Унинг исмини сўраётганимда, овозим қалтираб, юзим **оловдек ёнганидан** ерга қараб олдим (М. Шариф. Кушлар байрами). Илёс саватга қўл узатаётиб, бехосдан унинг билагига тегиб кетди, қиз билаги куйиб кетгандай қўлини тортди ва юзлари **оловдай қизарди** (И. Зойир. Қисмат ўчи).

5. **Ёнмоқ**, жаҳл билан чакнамоқ. Асосан, кўзлар ҳақида.

Момақалди роқ гумбураганда, «Ваҳий эмасмикан?» деб

руҳида зилзила кўзгалгани каби ҳозир ҳам вужуди жунбушга келди. Кўзлари **оловдай** ёниб: – Мен осмондан кутган нидоларни сиздан эшитдим, онажон! – деди (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Бу йигит тўладан келган, кўзлари **оловдай ёнган**, бир нарсадан қайтадиган эмас (Ойсулов). Полвоннинг қаҳри келиб, аждардай тўлғониб, кўзлари **оловдай ёниб**, Гўрўғлибек отасига қараб ... бир сўз айтаётир (Равшан). Унга қапишиб ўтирган оёқ-кўлсиз тасқара бир вужуд, бароқ қошлар остидан кўзлари **оловдек ёниб**, Оқсоқолга ташланди-ю бўғзидан ғиппа бўғиб олди (Э. Аъзам. Шоирнинг тўйи). Унинг **оловдек ёнган** кўзлари, чеҳрасида ғазаб, бошидаги одми рўмолини ҳам, кенггина кўйлагини ҳам бўрон учириб кетмоқчидай (Р. Файзий. Ҳазрати инсон).

6. *Кўринмоқ, иссиқ кўринмоқ.* Жуда танишдай, иссиқ, жозибали туюлмоқ.

Қоп-қора жингалак сочли, қалин қошлари туташ, лоларанг юзидаги сепкиллари ўзига ярашган, лўлигами, арманигами ўхшаб кетадиган шу қиз менинг ҳам кўзимга **оловдек кўриниб**, ичкилик таъсирида унга бир-икки оғиз «олифта» гап отган эканман, чоғи (Э. Аъзам. Шовқин). Муҳайё кўзига **оловдай кўринди** ўшанда. Муҳайё уни ора йўлда ташлаб кетди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Потҳурда Ҳамида бону келинчаклик пайтида «мурод уйи» деб аталган пуштиранг мовут чодир ҳозир кўзига **оловдай иссиқ кўринди** (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Вокзалда, одамлар орасида пилдираб юрган бола кўзимга **оловдек кўринди** (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Таксир, ўзлари ким бўладилар, кўзимга **оловдай кўриндингиз?** – Аваз мухтасибни таниб, танимаганга олди (С. Сиёев. Ёруғлик).

7. *Ёнмоқ, қайнамоқ, қуйдирмоқ, ўртанмоқ.* Ҳиссий-руҳий қийналиш ёки ўта тўлқинланиш ҳақида.

**Оловдек** ловуллаб дил ёнар, Бахтлиман, жангларга ярасам! (У. Носир. Насимага деганим). Оҳ деганда, юрагим **Оловдайин ёнади** (Ойсулов). Севги ҳам айнан қизамиқнинг ўзи, кутилмаганда бош кўтариб, бутун вужудингни **оловдай ёндиради** (А. Абдуллаев. Дард). Томирларим **олов каби қайнаган**, Қонларини кечмишлардан олмишдир (Чўлпон. Юрт йўли). **Оловдайин** лов-лов ёниб, Тақдирдан ўпкалайман (Т. Адашбоев. Болалиқдан бир лавҳа). **Оловдай қуйдирмоқдайди** у сўз юракбағримни. Айтаман десамам айта олмасдим (М. Мансур. Жудолик диёри).

8. Жўшқин, ҳаракатчан, ғайрати ичига сиғмайдиган. Асосан, ёш болалар ҳақида.

У ҳам яқинда кичкина, **оловдай** бола эди (Ойбек. Қутлуғ қон). Хурихон деган **ўт-оловдай** қизимиз бор эди (С. Зуннуно-

ва. Олов). Э-э... Мазанг бўлмапти, дўстим! Меники ўғил! Ўғил бўлгандаям қанақа дегин – **бамисоли олов!** (О. Ёқубов. Учрашув).

9. *Ҳароратли, куйдирувчи, иссиқ.* Жуда ҳам кучли, таъсирли туйғу, сўз, фикр кабилар ҳақида.

Раҳмоний меҳр-шафқат, туйғу **оловдек ҳароратли, иссиқ** (Н. Раҳимжонов. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти). Масалан, Пруст холисона, объектив равишда Баальбек курортида дам олаётган ва соғлиғини тиклаётган одамлар ташкил этган жамият ҳаётини, уларнинг кундалик турмушини зарда ва нафрат, гўё ям-яшил далани қовжиратган чўлга айлантирган **оловдек куйдирувчи** сўзлар билан тасвирлайди (М. Холбеков. Марсель Пруст прозаси). Избосканда изларим қолди, **Оловдайин** сўзларим қолди (С. Тўйчиева. Тушингизга кирсин Андижон). Шу топда ўлган Кўчқор эмас, Гуландом эди. Орзулари, кўксида ёнган **оловдек муҳаббат**, эркаланишлари бир зумда жон берди-қўйди (С. Аҳмад. Азроил ўтган йўлларда).

#### ОЛОВ (ЎТ)ГА МОЙ (ЁҒ) СЕПГАНДАЙ

Қиздирмоқ, алангалатмоқ. Бирон-бир муаммони янада кескинлаштирмоқ, жаҳл, қизиққонликнинг янада ортишига туртки бермоқ.

Атрофидагилар эса бутун айбни Акбарга тўнкаб, **оловга мой сепгандай** исёнкор гаплар қилишади (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Сабоҳиддиннинг бу фикри **ўтга мой сепгандек** бўлиб, Шоазиз билан Салимхўжа унга қарши баҳсга берилдилар (Т. Малик. Девона). Аммо унинг гапи **оловга ёғ сепгандай** бўлди (Т. Малик. Девона). Дастлабки қурбонларнинг жон талвасасидаги чинқириқлари ва қон ҳиди жангтоҳни чирмаган қахру қазаб **оловнга мой сепгандек** таъсир қилди (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси).

#### ОЛТИН

##### ОЛТИНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Сап-сарик; саргаймоқ.* Шундай рангдаги нарсалар ҳақида.

Офтобда **олтиндек саргайиб кетган** теп-текис адирда у худди баҳайбат юмронқозикдай қаққайиб турарди (Ў. Умарбеков. Кимнинг ташвиши йўқ). Ўшанда бўйчан ўснирин Ғирдак отаси билан бирга экиб, нарваришлаган буғдой **олтиндек саргайиб** нишаётган эди (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси). **Сап-сарик олтиндай** чўғирилар, кўк беқасам тўн кийиб, қатор чўзилишиб ётган

ананасларни егани кўзингиз қиймайди (Ў. Умарбеков. Абдулла қовунчи). Ўртадаги кичкина думалоқ стол усти ноз-неъматга тўлиб кетган эди. Катта гулдор вазада шафтоли, узум, **олтиндек** анжир, алоҳида тақсимчада Самарқанд данаги... (Ў. Умарбеков. Одам бўлиш қийин). Олиб кирдилар, сариғ **олтиндек сарғайган**, пиёладек-пиёладек беҳилар шодасини (М. Мансур. Жудолик дидари).

2. *Товланмоқ*. Сарғиш рангда жилоланадиган нарса ҳақида.

Боғларда лимулар ва норинжлар **олтиндай товланиб** пишган (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Кун ботган, боя **олтиндай товланиб** турган ибодатхона энди жигарранг тусга кирган эди (О. Ёқубов. Излайман). Япроқ қуёш нурида **олтиндек товланиб**, енгил тебранганича кўкка дадил бўй чўзиб турарди (Ў. Умарбеков. Олтин япроқлар). Оқ рўмол ўраб отиндай, *Товланса* менга **олтиндай**. Бола кўрмаган хотиндай – Алласи ёлғон дунёсан! (М. Юсуф. Машраб хиргойиси). Сахий дастурхон: чинни лаганларга терилган чойнақдай-чойнақдай анорлар, **олтиндай товланган** нок, беҳи ва уларнинг устидаги хусайни ва қора чарослар шундай назокат билан ясатилганки, эшиқдан кирган кишига дабдурустдан гениал бир натюрморти эслатади (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ кушлар). Хомтоқ қилинган ишқомда хусайни узумлар **олтиндек товланмоқда** (И. Раҳим. Ихлос).

3. Қимматли, бебаҳо.

Булар сўзлаб берган ҳар бир хикоя, Ўзи шундоққина **олтиндай** китоб (Зулфия. Қуёшли қалам). Тузнинг табиий конлари топилгач, одамлар уни **олтиндай** кадрлайдиган бўлишган (К. Маҳмудов. Қизикарли пазандалик). Навбатга туришга турдим-у ичимга ғулғула тушди: наҳотки, бир пиёла сув ҳақини тўлайман деб шунча одамни пойласам, **олтиндек** вақтимни кўкларга совурсам? (У. Ҳамдам. Бир пиёла сув).

## О М Б У Р

### ОМБУРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қисмоқ, сиқмоқ*; жуда қаттиқ, жуда қаттиқ қисадиган. Жонни оғритадиган даражада куч билан қисмоқ; шундай кучга эга.

Бир маҳал чап ёнида ўтирган полвон нимагадир узатган қўлини **омбурдай қисди**, қолганлари шуни кутиб туришган эканми, ташландилар (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Шу вақтнинг қўлтиғи остидан узатилган қўл ҳиқилдоғидан **омбир каби сиқиб олди** (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Келинингизди хурсанд қиламан! – шундай дебоқ ўрnidан турди ва шимининг киссаларини кавлай бошлаганди, чол ориқ бармоқлари ила йигитнинг

билагини **омбирдек қисиб қўйди** (Ш. Холмирзаев. Ўзбек бобо). Ўзимни эшикка урмоқчи эдим, дадам билагимдан **омбирдек қисиб олди** (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Бақувват панжалари билан бўйнидан **омбурдай сиқиб**, бурнини ерга ишқай бошлади (А. Кўчимов. Қочоқ). Отаси қамалганидан бери бундай хорлик тузини татиб кўраётган Асадбек қочмоқчи бўлди. Аммо синф раҳбарининг **омбурдай** қўллари қулоғини бураб, жойидан жилдирмай қўйди (Т. Малик. Шайтанат).

## О Н А

### ОНАДАЙ (КАБИ)

1. *Меҳрибон, азиз, яқин, қадрдон.*

**Онамдек меҳрибон**, мунис Ватан бор, ғамгузорим бор (А. Орипов. Ватан). Онамга ўхшайди менинг ватаним, **Онамдай меҳрибон, онамдай** хоксор (М. Юсуф. Менинг Ватаним). Жонимни ҳам сендан аямайман деймизми, демак, Ватан **онадек азиз** экан! (Шукрулло. Тирик руҳлар). Ҳар туп ниҳол – новдани, **она каби меҳрибон**, Ғамхўр бўлиб, парваришлаб ўстирадурсан, боғбон (Н. Маматов. Боғбон). **Онасидек** бўлиб қолган бу боёқиш кампирни купша-кундуз кунни алдаган эди, ахир (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Ахир у Тошкентни, салкам уч йил яшаган, энг ширин, энг масъул студентлик йиллари ўтган бу бағрикенг, тукқан **онадай меҳрибон**, сахий шаҳарни шундай соғинган, шундай соғинган!.. (О. Ёқубов. Биллур қандиллар). Синф раҳбарлари ўқувчиларга **онадек** бўлиб қолади (Х. Тўхтабоев. Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи). Онаси ўрнига **онадек** бўлиб қолган эди, ҳеч кимга айтмайдиган, қалбининг туб-губида беркиниб ётган сирларини фақат шу муаллимга айтарди (Х. Тўхтабоев. Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи).

2. *Эъзозла(н)моқ, ардоқламоқ, бағрига олмоқ.*

Мажнунтол азалдан аёл, **онадай эъзозланган** (А. Расулов. Толерантлик ва руҳий покланиш). Офарин, **бағрингга олдинг онадек**, Талпиниб меҳрингга биз парвонадек (Ж. Камол. Қуёш чашмаси). **Онадай ардоқлаб**, боладай севиб, Сақлаймиз тупроқни, шарафни, донгни, Ўтқир кўзимизни уфқдан узмай, Ҳар кун қаршилаймиз сафобахш тонгни (Зулфия. Биз тонгни севган-чун). Раҳматли қайнона келинини жони-дилидан яхши кўрарди, чунки Рисолат ҳам уни ўз **онасидай эъзозлар**, юзига тик қарамасди (Қ. Кенжа. Тошқин).

## (ХУДДИ) ОНА-БОЛАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Яқин, бир-бирига жуда меҳрибон. Қариндош бўлмаган катталар ва кичиклар ўртасидаги муносабат ҳақида.

Бу бечоранинг ҳам ҳеч кими йўқ экан. **Она-боладай** бўлиб қолдик (А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари). Бир-бирига **она-боладек** бўлиб қолган бу дил ришталарини кузатиб, беихтиёр қалбингиз ҳайратга тўлади (Э. Норбўтаева. Кўнгли осмон қадар кенг). Мен ўзим раҳматли қайнонам билан **худди она-боладек** эдик. Ҳалигача қариндошларимиз билан ҳам жуда яхши муносабатдамиз (Г. Иброҳимбекова. Ҳаётдаги қайноналар). Дастлабки йиллар қайнонаси билан **она-боладек** бўлиб кетди (Ш. Улуғ. Фақат сен йиғлама...).

## О С М О Н

### ОСМОНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

#### 1. Кенг, бепоён.

Кейин шивирлаб айтиб ҳам қўярди: «Лекин ён босганиям тўғри, мулла бўлганиям рост. Ҳа, у одамларнинг бағри **осмондай кенг** эди...» (Ш. Холмирзаев. Кушлар қишловдан қайтди). Бу хаёл сўнгсиздир, **осмон каби кенг**, Бу хаёл тугамас ҳеч ҳалибери. Унинг бойликлари умрларга тенг, Ҳамон белгисиздир бошланган ери (Х. Олимжон. Куйчининг хаёли). Дашт **осмондай бепоён** бўлди (Т. Мурод. Момо Ер қўшиғи). Борлиқ туюларди завкли ва сирли, **Осмондай кенг** эди отамнинг боғи (А. Сулаймон. Болалик).

#### 2. Кўм-кўк, мовий; тиниқ; ёришмоқ.

Гулрухсорнинг кўллари онаси Ситорабонунинг кўлларидан ҳам майин, мулойим, чиройли. Кўзлари **осмондай кўм-кўк**, тили новвотдан ҳам ширин (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Бу ердан **осмондай кўм-кўк** кўл, ... узоқларда ўрдакдай сузишаётган болалар яққол кўринди (Х. Назир. Ёнар дарё). Хаёлим **осмондай ёришди** яна, Ёруғ кунларимдай порлади куёш. (А. Орипов. Кўпдан кутган эдим...). Рўпарадаги икки ошёналик ҳаворанг мармар сарой мовий **осмондай тиниқ** ярқирайди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё).

### (ГҶЁ, ХУДДИ) ОСМОНДАН ТУШГАНДАЙ

*Кутилмаганда, тўсатдан пайдо бўлмоқ.* Бировнинг кўзи ўнгида бирдан, ҳеч кутмаган ҳолда пайдо бўлган одам, нарса ҳақида.

Балки, у менинг кутилмаганда **осмондан тушгандек пай-**

до бўлиб қолганим ва бениҳоя ҳайратдан чақчайиб кетган кўзларимдан кўрқиб талвасага тушгандир (У. Рўзиев. Яхши одам). *Тусатдан, худди осмондан тушгандек* кўргазма савдо бозорининг раис ўринбосари *пайдо бўлиб қолди* (Х. Тўхтабоев. Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи). Бўри полвоннинг худди **осмондан тушгандай** фавқулодда *пайдо бўлиши* барча-барчани ҳайрон қолдирди (Т. Мурод. Юлдузлар мангу ёнади). Ҳафиф яна тааж-жубга тушди, негаки бу каналарни намоздан илгари кўрмаганди. Энди эса **гўё осмондан тушгандай** дарё ёқасида қад ростлашибди (А. Абдуллаев. Ҳазрати Аттор). Ёзнинг ўрталарими эди, **осмондан тушгандек** бўлиб тоғамиз Тошкентга келиб қолди (Э. Аъзам. Бизнинг тоға).

## О Т

### ОТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ЎХШАБ)

1. *Пишқирмоқ*, гайриодатий овоз чиқармоқ, бакириб, баланд овозда гапирмоқ.

Ювинаётганингизда ҳар доим **отга ўхшаб пишқирасиз-а...** Қаранг, кўйлагимни жикқа сув қилиб юбордингиз, – деди Муяссар хўл бўлган этакларини кўрсатиб (Ў. Ҳошимов. Деҳқоннинг бир куни). Қоронғида Азизхон **отга ўхшаб пишқириб** жавоб қилди (С. Аҳмад. Қирк беш кун). Назаровнинг бурун катаклари керилиб, безовта **отдай пишқирди** (А. Кўчимов. Оқ каптарлар ороли). У тинимсиз чайқалар, гоҳ-гоҳда **отга ўхшаб пишқирарди** (С. Аҳмад. Уфк). Турсунбой тушунди. Тушунди-ю, юраги ўртаниб кетганини билдириш учун **отга ўхшаб пишқириб** хўрсинди (С. Аҳмад. Ҳижрон кунлари).

2. Соғлом; тамоман соғаймоқ, касалликдан бутунлай фориг бўлмоқ. Одам ҳақида.

«Қалай, ота, соғлигингиз яхшими?» – деди. «Худога шукр, **отдайман**, ҳали дўхтирга ишимиз тушгани йўқ», – дедим (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Кўриб турибсан-ку, **отдайман!** – Шерзод қўлларини ёзди. – Редакцияда нима янгиликлар? (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Юринг, ўғлим, – деди Маҳкам Эшон Турсуналига, – дард чекинди, эрта-индин **отдай** бўлиб кетади (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Мана бу кишилар биладилар, ўша бемор **отдек** бўлиб кетувди, тўғрими? (Э. Аъзам. Шовқин). Чинор тўртгами – бешгами кирди, чол бўлса ҳали **отдай** (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). «Худо хоҳласа, **отдек** бўлиб кетади», деб Манзурани юпатса ҳам, бу юпанч сўзларига ўзи ҳам ишонмай борарди (Т. Малик. Шайтанат).

Тартиб-қоидага бўй бермайдиган, ўжар, чапдаст; ноодатий, номезъерий шиддатли ҳаракатлар қилмоқ.

Бу минилмаган **асов отдек** йигит қандай адолат қидираётганини ўзи билмасди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Оч йўлбарсдай наъра тортиб келишинг бор! **Асов отдай** телбаланиб елишинг бор! (Чўлпон. Норин дарё). Ер деган нарса ҳам **асов отдек** ирғишлай берса бир ёмон экан (Мирмуҳсин. Бир хумча тилла). **Асов отдай** эркакларнинг борар ери – сен (Х. Худойбердиева. Муқаддас аёл).

### ОТНИНГ КАЛЛАСИДАЙ

Катта. Асосан, одам юрагининг ботирлиги, кўркмаслиги, бақувватлигининг муболағали ифодаси учун; шунингдек, одатдагидан катта қулфга нисбатан; баъзан бошқа айрим нарсалар катталигининг муболағали ифодаси учун ҳам қўлланади.

**Отнинг калласидай** юрагинг бор экан, бола, – деди унинг елкасига қўлини ташлаб (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Юрагингам **отнинг калласидай** бор экан, Анвар, – деди Шарофат (М. Ҳазраткулов. Таътил кунлари). Кўркмаган-да, болам, Жонузоқ кўркмаган, бунинг отаси Тешабой кўркқан, бўлмасам, бунинг отасига Абдулла раис яширикча наган бериб қўювди. Энди Жонузоқда **отнинг калласидай** юрак бор-да, болам!.. (М. М. Дўст. Лолазор). Бу Салоҳиддин заргарнинг дўконлари бўлиб, улар ҳам берк, ҳар бир эшикда **отнинг калласидай** қулф (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Барот Исроил оёғини қўлига олиб подвалга югуриб борса, кўрадики, **отнинг калласидек** қулф осилган (Н. Каримов. Тўрғай). У оғзини очишга улгурмай гараж илгагига **отнинг калласидек** қулфни солиб шарақ-шуруқ қулфладим-да, чорраҳадаги дўконга қараб чопдим (Ў. Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар). Кошона олдидаги гулзор, гулзор ўртасидаги мрамар ҳовуз, ҳаммаси хазонга тўлган, фақат ток япроқлари ҳали тўкилмаган, баланд сўрилардаги тоқларда ҳар бири **отнинг калласидай** чарос бошлари қора марвариддай товланиб турарди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Ўн йилми ё ўн беш йилми олдин биқиним оғриб дўхтирхонага борувдим. Биттаси иккинчисига рўпара қилди, униси ўнинчисига юборди, хуллас, **отнинг калласидек** қоғозга касалларимни ёзиб беришди (Т. Малик. Шайтанат). **Отнинг калласидек** план қўйиб қўйган, бажаришга мажбурмиз (Т. Малик. Шайтанат). Нотаниш йигитнинг сенсирашга ўтиб, **отнинг калласидай** гуноҳни зиммасига қўйиши кампирни саросимага солди (Т. Малик. Шайтанат).

## ОТНИНГ ҚАШҚАСИДАЙ

*Маълум, танилган.* Барчага маълум бўлган одам, феъл-атвор, нарса ва шу кабилар ҳақида; кучли салбий муносабат ифодаланади.

Қайси бир суд мажлисида «ёлгон гувоҳ»га ҳожат кўрилса – Обрезқора тайёр. Унинг бу хислати ҳам ҳаммага **отнинг қашқасидай маълум** (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Аммо касб-кор туфайли ҳаммага **отнинг қашқасидек танилганлари** кам, бошқа бир томондан ҳам ном чиқариш керак (О. Мухтор. Эгилган бош). Бу – қишлоқ, нотаниш кимса **отнинг қашқасидек маълум** (И. Зойир. Қисмат ўчи). Икки киши катта ариқ устидаги кўприқдан ўтиб, тўғрига кетди. Саидғози уларнинг бичимига қараб дарров таниди: давангирдай қаққайгани – бутун районга **отнинг қашқасидай таниглиқ** Тўлават мўйлов (С. Анорбоев. Оксой).

## О Т А

### ОТАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Меҳрибон, азиз*, яқин, кадрдон; хурмат қилмоқ, ардоқламоқ. Катта одамга нисбатан.

Юрагидаги шунча гам-ғуссани кўтариб, яна синглисига онадай, **отадай меҳрибон** ва ғамхўр акадан айрилиш!... Унсин йиғлайди ва ўйлайди (Ойбек. Қутлуғ қон). Ҳаёт-мамот олдида шоҳу гадо баробар, жаноб Султон. Қосимбек кекса одам, менга **отадек азиз** (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Ишонинглар, Тохир ҳамон Эсиргап акани отаси ўрнида **отадек** кўради – у кишига суянади (Ш. Холмирзаев. Кузда баҳор ҳавоси). Мен уни ... ўз **отамдай ардоқлаб**, қўлимдан келган яхшилиқни қилсам, уни деб маломат тоши остида қолсам-у ... у киши раҳмат ўрнига лаънат ёғдирса? (О. Ёқубов. Диёнат).

2. *Ғамхўрлик қилмоқ, бошини силамоқ*, тарбияламоқ. Кичик одамга нисбатан.

Отам ўлгандан бери менга **отадек ғамхўрлик қилдингиз**. Мен сиздан кўрган садоқату яхшилиқни ҳали бошқа ҳеч қайси бекдан кўрган эмасмен (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Бечора қайнотам-чи, ота меҳрига қонмаган эдим, **отамдек бошимни силади** (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши). Ахтам унинг пешонасини меҳрибон **ота каби** силаб, гапини хотиржам равишда давом эттирди (Т. Малик. Шайтанат). Шу ноччаси уни ўқитди, гап-сўзга қолдирмай **отадек** қанотига олди (С. Аҳмад. Ҳижрон кунлари).

## ОТА-БОЛАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Яқин, иноқ*, бир-бирига жуда меҳрибон. Катталар ва кичиклар ўртасидаги муносабат ҳақида.

Шу учрашув сабаб Шухрат ака билан **ота-боладай яқин** бўлиб кетдик (М. Али. Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича). Бугун у минган Фавждор кучи ошиб-тошганидан маст бўлгани маълум. Бироқ **ота-боладай иноқ** бўлган Акбар билан Байрамхон энди очикчасига рақибга айланиб, фил уриштиришса, оқибати қандоқ бўларкин? (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Улар бир-бирлари билан чиқишиб қолган, **ота-боладек иноқ**, ҳазилкаш эдилар (А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат). Агар сиз енгилсангиз, мен учун ҳам бу қора кун бўлмай. Чунки **ота-боладай** одамларнинг бир-бири билан жанг қилиб, қон тўкишини Худо ҳам кечирмамай, тарих ҳам (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Бу чўрткесар йигит(ча) билан «қаттиққўл» ўқитувчи орасида **ота-боладек** бир муносабат вужудга келган (Ш. Холмирзаев. Ўзбек бобо). Мен Ғафур ака билан узоқ йиллар **ота-боладек** бирга бўлганим, бекиёс гўзал, сермаъно шеърларнинг ёзилишида ёнида бўлганим учун ҳам бу зукко шоирнинг ижод жараёнини яхши биламан (С. Аҳмад. Назм чорраҳасида).

## ОТА-ОНАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Меҳрибон*, яқин, кадрдон.

Ҳар куни бир неча бор дарсга чакирган кўнғирок товушичи, **ота-онадек меҳрибон** ўқитувчилар-чи... Ҳаммаси энг ширин хотира бўлиб ёдда қолади (С. Аҳмад. Муҳаббатнинг туғилиши). – Ота-она яқинми, Устоз яқинми? Деди: – Иккиси ҳам. Ота-онанинг яқинлиги – агарки улар фарзандига устоздек тарбия бера олса, Устознинг яқинлиги – худди **ота-онадек** шогирдига нисбатан *меҳрибон* бўлса... (О. Маҳмуд. Ота нега фарзандига танбех беради?). **Ота-онадек** бўлиб, бундай меҳрибонлик кўрсатаётган инсонларнинг ҳаммасига миннатдорчилик билдираман (Н. Фармонов. Тинч ва фаровон юртга хосдир бу тўйлар). Устозларимиз ҳаммамизга бирдек ғамхўр. Шу билан бирга, хўжалик ҳудудидаги қишлоқлар аҳолиси ҳам бизларга **ота-онадек меҳрибон** (А. Ҳайдаров. Пахтазорга кўчган жўшқинлик).

## (ХУДДИ) ОТАСИ ТИРИЛИБ КЕЛГАНДАЙ

*Қувонмоқ, севинмоқ*, ҳаддан ортиқ даражада хурсанд бўлмоқ.

Касалхонага борсак, бечора Аширмат давосиз дардга учраб, ёлғиз ўзи бир кишилиқ палатада ётган экан. Абдулла Қаҳҳорни

кўргач, худди **отаси тирилиб келгандай қувониб кетди** (К. Қаҳ-хорова. Чорак аср ҳамнафас). **Отаси тирилиб қайтиб келгандай** кучоғидан бўшатгиси келмади (Т. Малик. Шайтанат). Эндигина жойига ўтирган, болалигидан сағир қолган раис худди **отаси тирилиб келгандай ўрнидан туриб кетганини билмай қолди** (Ш. Қодиров, А. Самадов. Дехқонқул билан учрашув). Келинг, Йўлдош-бой, келинг-э! – Собир омборчи худди **отаси тирилиб келган-дек севинади** (О. Жорқинбоев. Портрет).

## О Т А Ш

### ОТАШДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Ёнмоқ*, ҳарорати беҳад кўтарилмоқ; *иссиқ*, қайноқ.

Иситмаси кўтарилиб кетган, вужуди **оташдек ёнар**, ахволи оғир эди (Ч. Айтматов. Болалигим). Навбат қўл бериб кўришиш-га келганда, қўлим олдинги ипақдек майин, ҳамиша **оташдек иссиқ** кафтларга эмас, аллақандай ...совуқ новдаларга теккандай бўлди (Х. Ҳомидий. Ҳикоят ва нақлиёт).

2. *Ёнмоқ*; ҳароратли, дилни *ёндирадиган*, *ўртайдиган*. Турли хиссий-руҳий ҳолатларни сифатлаш ҳақида.

Ҳордиқ билмас, толган дилни парчалаб, Ҳислар мендан кутар **оташдай** сўзлар (Зулфия. Иқрорга вақт етди). Жасур гарчи кинолардаги «саргузашт»ларни кўриб пишиб қолган бўлса-да, ҳозир негадир **оташдек ёнарди** (А. Сатторов. Хилватдаги шамчироқ). Тўрамни олиб кетмоққа кўндира олмаган кезимизда ҳам шунга яқин бир ҳолга тушиб, вужудимни бир нарса **оташдек ўртаб ёндирган** эди (М. Мансур. Жудолик диёри). Аниқки, шоирни тўлқинлантирадиган, уни илҳомга ундайдиган, **оташ каби ловлов ёндирадиган** кўнгил изтироби, илоҳий-руҳий кечинмалардир (З. Пардаев. Энг узоқ сафардир кўнгил сафари). Биргина шу андиша билан юнатаман ўзимни. Лекин уни кўрганимда икки юзим **оташдай ёнади** (Э. Охунова. Умр фасллари). Саккиз ботур – саккиз довқур сарҳад ошиб, аждаҳо комига кириб бориб, Тўрамни олиб кетмоққа кўндира олмаган кезимизда ҳам шунга яқин бир ҳолга тушиб, вужудимни бир нарса **оташдек ўртаб ёндирган эди** (М. Мансур. Жудолик диёри).

## О Ф Т О Б

### ОФТОБДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

1. *Балқимоқ*, *ёритмоқ*, *чарақламоқ*, нур таратмоқ, гўзал кўринмоқ.

Олам гўзал, дунё ширин, қутлуг мужда еткизган Сарой-

мулкхоним **офтобдай** *балқиб*, чодир ичини ёритиб юборгандай бўлди (М. Али. Улуғ салтанат). «Узоқроқ тикилди» десак, ёлгон бўлар, очиғи, қиз **офтобдай** *балқиган* йигитдан кўзини узолмай қолди (М. Али. Улуғ салтанат). Улуғбек устурлобни жойига қўйди-да, деворга суяниб кўзини юмди. Шунда ҳар эслаганда дилини **офтобдай** *ёритадиган* ажиб бир манзара нигоҳи олди-да қайта жонланди (О. Ёқубов. Улуғбек хазиnasi). Муҳаббатга йўғрилган қалб кўзгусида қиз **бамисоли** **офтобдай** *чарақларди* (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Салима кўзи ёриб, бирам очилиб кетган эдики, Меҳриниса уни қизлигида ҳам, келинлигида ҳам бунчалик сухсур, чўғдай ёниб, **офтобдай** *чарақлаб турган* ҳолда кўрмаганди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Зум ўтмай, тўрт томондан кўтарилган аланганинг қизғиш тиллари муаззам ибодатхонани аждаҳо янглиғ ялаб, **офтобдай** *чарақлаган* олтин қуббаларини ямлаб ютди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё).

2. *Равшан*, ҳар жиҳатдан маълум, аниқ билинган.

Жанобларига **офтобдай** *равшанки*, хазинага маблаг элулусдан қатра-қатра томиб келади (Ойбек. Навоий). Ҳазратим, сиз бугун улуғ бир мақсадни менинг кўзимга **офтобдай** *равшан* қилиб кўрсатдингиз (П. Қодиров. Шохруҳ ва Гавҳаршод).

## О Ш Қ О В О Қ

### ОШҚОВОҚДАЙ

*Катта*, беўхшов. Кўпроқ одамнинг калласи, салла ва шу қабилар ҳақида; кучли салбий муносабат ифодаланади.

Жалолиддин ёнида турган фидойи йигитлар шу лаҳза қон оқиб турган **ошқовоқдек** *катта* каллани чойшабга ўраб, вақтни қўлдан бермаслик учун тезда ташқарига чиқиб, отларига минишди (Мирмуҳсин. Темур Малик). Сартарошлик ёмон касб эмас, ... электр машинкалар ҳар қандай **ошқовоқдай** бошни ҳам бир зумда шилиб ташлайди (Э. Раимов. Ажаб қишлоқ). Бисмилло, — деб хонақоҳдан Зоҳир шайх чиқди. Бошида **ошқовоқдек** дастор, бир қўлида тасбеҳ, узун чопон кийганигами басавлат кўринарди (С. Сиёев. Аваз). Ҳарфлар тақсиримнинг бошларидай ёки салла **ошқовоқдай** кўринса, алифлар у киши ютиб юборган катта ҳасилдай кўринаркан (А. Абдуғафуров. Аччиқ йўтал).

## ОҒА

### ОҒАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Меҳрибон*, яқин; *яхши кўрмоқ*, *сийламоқ*, яқин тутмоқ. Кўнгли мулойим ва раисага **оғадай** *меҳрибон* Эшбойнинг

кўзларига ғилт-ғилт ёш келди-да, аста чиқиб кетди (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар). Султон Шукшиннинг деярли барча асарларини ўқиган, фильмларини кўрган, юрагида дарди бор бу одамни **оғасидек яхши кўради**, бу гапни эшитиб, титраб кетди (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Оллоҳ назар қилган жониворларни, **Оғадай**, сингилдай *сийлади* Ҳазрат (Э. Шукур. Нақшбанд).

#### ОҒА-ИНИДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Айнан АКА-УКАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ).*

Шу билан бирга, у Жўра темирчи билан **оға-инидай яқин**, *қадрдон*, *қалин дўст* эди (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Бир куйда яшарди икки улуғ зот, **Оға-ини каби** эди *қадрдон* (Б. Бойқобилов. Ойбек ҳақида тўртликлар). Бу жувоннинг эри Надимбек Хумоюн билан бир онани эмган кўкалдош, **оға-инидек** бирга ўсиб энг яқин мулозимига айланган, Мохим биби ҳам шу туфайли подшога яқин келиндек бўлиб қолган (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Романинг отаси менинг отам билан қадрдон эди, болалари ҳам **оға-инидек** бўлиб кетишганди (А. Қодиров. Дўстимнинг эътирози ёки яна қабристонлар хусусида).

#### ИНИДАЙ

*Қадрдон, яқин; яхши кўрмоқ.* Катта нуқтаи назаридан ёши кичикка нисбатан.

Ориф отага қолса ўтирарди ҳам, бегона жоймас, ўзи кириб-чиқиб юрган, **инисидек қадрдон** дўстининг ҳовлиси (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Бу ҳолатда Алишер бир оз жиддийлашган эса-да, қаттиқ тегмади. Чунки Шайх Баҳлулни ўз **инисидек яхши кўрарди** (О. Тожибоева. Олмос сир). У менга **инидек яқин, қадрдон**. У билан Ёзувчилар уюшмасида, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида анча вақт ёнма-ён ишладик (А. Кўчимов. Кўкка учсин сен айтган баёт). Мирза кечкурун Шерниёз билан Жуманбойни ўз **инисидек** илтифот билан кутиб олди (Х.Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши).

#### ОҲАНРАБО

#### ОҲАНРАБОДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ўзига тортмоқ.* Ўзига жалб этувчи, бутун диққат-этиборни тортувчи одам ёки бошқа нарсаларга нисбатан.

Ҳиндда сизни **оҳанрабодай ўзига тортган** яна бир сиймо

Хисрав Дехлавийдир (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Тахт хою ҳаваси, ҳокимлик нияти Шоҳ Шужоъ билан Шоҳ Маҳмудни **оҳанрабодай ўзига тортиб**, ўй-хаёлларини чунонам қамраб олдики, кечаларни пинҳона бедор ўтказишарди (М. Али. Улуғ салтанат). Секри тоғининг сарин шабадаси, мовий кўлнинг салқини, Боғи Фатҳдан қайнаб чиқиб турган булоқнинг зилол суви ва бир эмас, икки ўғли туғилган жойлар уни **ўзига оҳанрабодай тортарди** (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Аждаров эшикни очишдан олдин ойнадан бошини чиқариб пастга, пишқириб оқаятган сойга қаради, пастдаги сув уни **оҳанрабодай ўзига тортди** (И. Зойир. Қисмат ўчи). Бу қувончли, серзавқ юмуш нафақат маликаларни, балки бошқа амиру лашкарбошилар хотинлари ва фарзандларини ҳам **оҳанрабодай ўзига тортди** (М. Али. Улуғ салтанат). Бунинг натижасида бадий асар тилига бўлган муносабат ҳам турланиши, тилнинг кеча **ўзига оҳанрабодек тортиган** сифатлари бугун ё эртага ўз жозибасини йўқотиши мумкин (У. Ҳамдам. Қодирийнинг хизмати нимада?). Мени холамнинг хонадонига **оҳанрабодек тортадиган** нарса – китоблар эди (Х. Даврон. Олис болаликдан қолган хотира).

## ОҲУ

### ОҲУДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, МИСОЛИ)

*Чаққон, тутқич бермас; учмоқ, елмоқ*, енгил ва тез ҳаракат қилмоқ; *ҳуркак*, нозик. Асосан, аёллар ҳақида.

Қора, шириндан келган, **оҳудай чаққон** Чанд биби Ҳумоюнга тегмасдан олдин қанчалик шўх ва қувноқ эди! (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Илгарилар ҳуркович **оҳудек тутқич бермайдиган** Робия ҳозир алланечук ювош бўлиб қолган эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). У шундай деб югурди. **Оҳу мисоли** енгил *учиб бораркан*, орқасига ўгирилиб: «Хайр, Жалил муаллим. Соғ ўлинг!» деди (М. Ҳазраткулов. Кўккўл). Шундай деб, Фарида ҳуркак **оҳудек** бир сапчиб кўздан ғойиб бўлди (И. Зойир. Қисмат ўчи). **Оҳу каби ҳуркак** юрагим билан Омонат бу дунёга кираман (М. Эгамбердиева. Гулбарг). **Оҳудек** эркин югуриб юрган қиз биринчи бор ҳуқуқсизлик ва қийналиш исканжасида қолган, на она ва на отага, на Зулфиқору Завракка шикоят қила олар, лекин ўзини ҳамма вақт мамнун кўрсатишга уринар эди (Мирмуҳсин. Меъмор). Ҳайратга тушмасман бу ҳолдан сира, Дунё бу – қувғинди **оҳудай елар** (А. Орипов. Хотирот).

## П

### П А Н Ж А

#### БЕШ ПАНЖАДАЙ

Мукаммал, икир-чикиригача *билмоқ*; ҳар тарафлама билинган, *аён*. **БЕШ ҚҮЛДАЙ** вариантыга қараганда кам қўлланади.

Энди бутун табиатини **беш панжамдай** *билиб олдим*, деганида, мутлақ кутилмаган фазилати ёки феъл-атвориға дуч келиб, ҳатто эсанкираб қолади (А. Абдуллаев. Дард). Баҳор ўтган муддат ичида севгилиси сийратини **беш панжасидай** *билиб олди* (А. Абдуллаев. Дард). Закот бобидаги барча таомил, ... тартиб каминаға **беш панжамдай аён** (Ойбек. Навоий). Ҳазрат эса бу ердаги ҳар туп дарахт, ҳар бир гиёҳни **беш панжасидай** *билади* (А. Абдуллаев. Ҳазрати Аттор).

### П А Р

#### (БАМИСОЛИ) ПАРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Енгил*. Нарса вазнининг ҳаддан ташқари озлиги ҳақида.

Мунча ҳур!.. **Пар каби** *енгил* капалак (Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар). Башараси, соч-соқоли кўринмас бир соме тепаға боқиб ниманидир сўрар, Шайх жавоб ўрниға **пардай** *енгил* қоғоз ташлаб, қовоғини уйиб ўтираверармиш (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Туя жунидан қавилган **пардай** *енгил*, иссиқ кўрпани тешиб ташлаб, қаддини ростлади (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Вой боласи тушмагур, бу ботқоқда **пардек** *енгил* одам юролмайдю, оғирлиги неча тонна келадиған тракторға йўл бўлсин (С. Аҳмад. Уфқ). Абдул Маҳак **пардай** *енгил* кўрпачаға чўккалади (Э. Самандар. Султон Жалолиддин).

2. *Енгил*. Инсоннинг руҳан эркин, тетик, *енгил* ҳолати ҳақида.

Аудиторияда ҳам ўзини **пардек** *енгил* ҳис қилар, ўқиётган маърузалари илгаригиларидан жўшқинлиги, ҳарорати билан ажралиб турарди (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Сабо Самандар билан учрашувдан **пардек** *енгил* бўлиб уйқуга кетди (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Биродарлар, **пардай** *енгил* бўлдим! (Т. Мурод. От кишнаған оқшом). Баъзи-баъзида, *енгил*рок

зиёфат куриб, энгилроқ мусаллас ичиб, қайфиятлари ҳам **пардай энгил** тортиб қолган кезларда, Ошнонинг кўнгли баттар иярдида, Назар жўра, дер эди, сен бор экансан – юким ерда қолмагай (М. М. Дўст. Лолазор). Ҳамида бонунинг юмуқ кўзлари чарақлаб очилди. Назарида, шифт ва деворлар лониллаб юриб кетаётгандай кўринди. Ўзининг танаси эса **пардай энгил** бўлиб қолди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар).

3. *Тўзгимоқ*, майдаланиб, ҳар томонга бетартиб тарқалмоқ. Конкрет ва мавҳум нарсаларга нисбатан.

Назарида, фақат кийим алмашингани эмас, идорадаги тўс-тўнолон, Қодиржоннинг писмиқлиги-ю, кўчада учратган Насимнинг ҳақиқатпарастлиги учун ҳам, ҳаттоки кутилмаганда **пардай тўзгиган** қор учун ҳам Зухра айбдор эди (О. Мухтор. Эгилган бош). Телефон дастагини илгакка осдим-йўқми – билмайди. Унинг хаёллари **пардай тўзгиди** (М. Ҳазратқулов. Севги сози). Дунёга *тўзгидинг бамисоли пар*, На салжук, на Чингиз қилмади шафқат (А. Орипов. Арманистон). Рисолатнинг охуники каби химоя излаб, шафқат тилаётган чиройли, маъсума кўзларига нигоҳи тушиши билан ажралишга оид хаёллари **пардай тўзирди** (Қ. Кенжа. Тошқин).

## ПАРВОНА

### ПАРВОНАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Айланмоқ, айланишмоқ, талпинмоқ, ўзини урмоқ; ёнмоқ, қуймоқ.* Меҳрибонлик ёки хушомадгўйлик ва ёки бошқа мақсад билан бирон объектга интилган, унинг атрофида гирдикапалак бўлган одам ёки бошқа нарса ҳақида.

Лекин чиқиб кетаётганларида ҳаммалари энди Ҳумоюннинг атрофида **парвонадай айланиб**, янги иноятлар умидида кўзлари тама билан ёнганини Бобур кўриб қолди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Лекин қазо яқинлигини сезган бошқа маслаҳатгўйлар ҳам Амир Темур атрофида **парвонадай айланишмоқда эди** (П. Қодиров. Шохруҳ ва Гавҳаршод). Гарчанд маърифатли мурғак кўнгли илму зиё сари **парвонадек талпиниб турса**да, тақдир унга на Бухорои шариф мадрасаларида, на Бағдод байтулҳикмаларида таҳсил кўрмоқликни насиб этди (Х. Султон. Бобурийнома). Офарин, бағринга олдинг онадек, *Талпиниб* меҳринга биз **парвонадек** (Ж. Камол. Қуёш чашмаси). **Парвонадек** жонимдан минг ўргулади, Сени ўйлаб бағрим тилим-тилим менинг (М. Юсуф. Соғинч сатрлари). Уйку оғушида ҳозир барчаси, **парвонадек** гир-гир ёлғиз ачаси (Миртемир. Ача). Эрк дея аталган табаррук шамга Интилдинг бир умр **парвона**

бўлиб. **Парвонадек куйиб ўртанган** жоним – Ўзбекистоним (Э. Воҳидов. Ўзбекистон). **Ёнарман** тонггача **парвонадек** Шайми чироғингда (Ж. Камол. Согиниш).

## ПАТНИС

### ПАТНИСДАЙ

Кичкина; катта. Умуман, тўртбурчак шаклдаги нарса ҳақида; одатдаги катта нарсага нисбатан «кичкина» маъносида, одатдаги кичик нарсага нисбатан эса «катта» маъносида қўлланади.

Пастқам, **патнисдай** дарчали узунчоқ уйчадан аввал ялангоёқ қора-кура икки бола чикди (С. Сиёев. Аваз). Тахта вагонлар дарвозадек кенг эшигини очиб турибди. Дераза йўқ. Ўрнида **патнисдек** туйнук (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Фойтуннинг кичкина **патнисдай** дарчасидан нимёруғ тушиб турибди (С. Сиёев. Ёруғлик). Немисларнинг қўлида мана бу **патнисдек катта** кон дафтари бўлади (С. Сиёев. Ёруғлик).

## ПАХТА

### ПАХТАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Оқ, оппоқ; оқармоқ*. Шундай ёки шунга мойил ранг ҳақида.

Фозилбек ...кўзини хиёл очиб, рўнарасида – растанинг у томонида – шамшоддек қоматини тик тутиб турган жувоннинг **пахтадай оқ**, булоқ сувидек тиниқ юзига... разм солди (Х. Дўстмуҳаммад. Беозор қушнинг қаргиши). Ажаб, қушнинг оёқлари ғўзага ўхшар, Қанотлари эса унинг **пахтадек оппоқ** (А. Орипов. Минорайи калон тепасидаги лайлак). Қирқ ёшида соч **пахта каби оқ**, Титроқ, асабий (Миртемир. Холтош). Олам тинч. Хўрсиниб сочингни силайман, Юзингдан ўпаман **пахтадек оппоқ** (М. Юсуф. Туғруқхона). Коҳийнинг сийрак соқоли **пахтадай оппоқ**, яккам-дуккам қолган жағ тишлари ейлиб, милкига тенглашиб қолган, жуссаси ҳам кичкина (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Ранги **пахтадек оқарган**, қовоқлари буришта учиб тушарди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Ёши қирқни қораламай сочлари **пахтадай оқариб кетганини** мен меҳнатнинг оғирлигидан деб билардим (Х. Худойбердиева. Юрагимнинг оғриқ нуқталари).

### 2. *Юмшоқ*.

Бу ном бобога кулгилироқ, эрмакнамо туюлди: па-пай, па-палаш, пўпалаш, **пахтадек юмшоққина**, момикқина, ёқимтой (Э. Аъзам. Тиш оғриғи). Ўн минутлардан кейин у гулларни бағрига босганча **пахтадай юмшоқ** бўлиб чикди (С. Нуоров. Нар-

нон). Ер **пахтадек юмшоқ**ми ёки булутларда сузиб юрибдими? (Нилуфар. Беошён яралган аёл). Кушни олаётиб бехос унинг **пахтадек юмшоқ** кўлига тегиб кетдим. Қиз дув қизарди, кейин оргига ўгирилмай, чопкиллаб кетди (М. Шариф. Кушлар байрами). Кўм-кўк осмонда сузиб юрган **пахтадек юмшоқ** булутлар ёнаётгандек ловулларди (С. Аҳмад. Учинчи минора).

3. *Ювмоқ, оппоқ қилиб ювмоқ*, яхшилаб тозаламоқ. Кўпроқ кийим-кечак каби ювиладиган нарсалар ҳақида.

Оппоқ **пахтадай** қилиб *ювилиб*, шундоққина қозикқа илиб қўйилган кўйлак-иштонини кийди (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Сўнг **пахтадай оппоқ қилиб ювилиб**, токчага тартиб билан тахлаб қўйилган оқ ятак ва почаси узун лозимни кўрсатди (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё).

## ПАШША

### ПАШШАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. Жуда кичкина, *майда*, арзимас.

Арзимаган **пашшадай** гап сизларга филдай ваҳимали бўлиб етиб борганга ўхшайди (Т. Малик. Шайтанат). Боёқиш Мадумар ҳар қанча жонкуярлик қилса ҳам, иши тушганларнинг **пашшадай** ишларини филдай қилиб берса ҳам, ношукур одамларнинг ҳеч кўнгиллари тўлмас экан-да (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Ичимда, худо урди, бу девнинг олдида мен бечора **пашшадай** бўп қолдим, ишқилиб, хотин кўрмасин-да, деб ўйладим (М. М. Дўст. Лолазор). Мен ўзим устимдан ўқиган ҳукм олдида бошқа ҳукмлар бургут олдида **пашшадай** гап (Н. Эшонқул. Қора китоб). Сен энди фақат ўзгаларга маслаҳат берасан, ақл ўргатасан, ёзув-чизув ҳам, бошқаси ҳам назарингда **пашшадек майда**, кераксиз бир машғулотга ўхшаб қолган (Э. Аъзам. Шовкин).

2. *Ёпишмоқ, гужгон ўйнамоқ*, одам ёки муайян нарса, жой атрофида тўпланмоқ; салбий маъно ифодаланади.

Майли, – Мамажон Жанғилга ўгирилди. – Нега мухбирлар сенга асалга ёпишган **пашшадай ёпишиб** олишади-я! (С. Нуоров. Нарвон). Бир қорихона олдида оломон қовунга ёпишган **пашшадек гужгон ўйнапти** (С. Сиёев. Аваз). Матлуба навбат олиб, ташқарига чиқди. У чорбурчак гулзорнинг четидаги скамейкага ўтириб, кўчадан ғизиллаб ўтаётган машиналарга, трамвай ва троллейбусларга **пашшадай ёпишиб олган** болаларга тикилди (О. Ёкубов. Матлуба).

3. *Эзгиламоқ, эзмоқ*, назар-писанд қилмай азоб бермоқ. Кўпроқ одам ҳақида.

Бажармаганларни эса турли йўллар билан таъқибга оласиз. Ўрни келганда **пашшадай** *эзгилаб* ташлайсиз (А. Жўраев. Ҳаёт йўлини). Шошмай турларинг ҳали. **Пашшадек** *эзгилаб* ташлайман ҳаммангни... (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши). Даврон Давлатович бир киприк қоқиш билан уни **пашшадай** *эзиб* ташлайди (У. Рўзиев. Нотинч рух).

#### ОШГА ТУШГАН ПАШШАДАЙ

Бевақт, ноўрин ва ортиқча бўлиб, бирон даврага даврадагиларнинг истагига номувофиқ ўлароқ келмоқ.

Уйингни меҳмон босадиганга ўхшайди, **ошга тушган пашшадайн** ўтирмайн (Т. Малик. Шайтанат).

#### ПАШША ЧАҚҚАНДАЙ

Жуда кучсиз, сезиларсиз таъсир қилмоқ. Кўпроқ рухий таъсир ҳақида.

Улар санъат йўлида ўзларини фидо қила олганлар, ижод олдида турмуш машаққатлари уларга **пашша чаққандай** ҳам таъсир этмаган (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Лекин мўйловни даҳшатга солган бу ҳолат Соқижон Обидовга **пашша чаққандай** ҳам таъсир этмади (О. Ёқубов. Диёнат).

#### ХИРА ПАШШАДАЙ

Бирор жой ёки одам атрофида ҳадеб ўралашавермоқ; кучли салбий муносабат ифодаланади.

Шундай довдираб келишларидан бирида Асрора йўлини тўсиб: – Сен ўлгур, нима қилиб **хира пашшадек** баттан кетаёлмай қолдинг, – деди (С. Аҳмад. Ҳижрон кунлари). Жалил тунги қўнғироқлардан беҳабар, дўстининг «тузалиб қолганидан» мамнун бўлиб, «буларнинг Масковда битадиган иши бордир, **хира пашшадай** юраманми орқаларидан» деб уйга ёлғиз қайтишга кўнди (Т. Малик. Шайтанат). Унинг уйида ҳар кунда бўлмаса ҳам, ҳар уч кунда бир семиз қўй сўйилганидан имомлар, эшонлар **хира пашшадай** унинг даргоҳида айланиб қолдилар (Ойбек. Қутлуғ қон). Унинг дарвозасига тамба қўйиб, ўзининг уйида ўзи қамалиб ўтириши бригадир йигитнинг **хира пашшадек** ўралашиб келаверганидан, «сарғайиб қолибсиз, ишга чиқаверинг»лаб ялтоқланавериши жонига текканидан эди (Б. М. Али. Кўктўнлилар).

## П И Ё З

### ПИЁЗ (ПЎСТИ)ДАЙ

Жуда ҳам *юпқа, нозик*; ниҳоятда оч.

Индамай, бир нарасдан ғазабланаётган кишидек лабини тиш-либ, қошлари тугилганича, нон ушатди, **пиёздай юпқа** қилиб қолбаса тўғради (О. Мухтор. Эгилган бош). Илик ёз оқшомлари кўш ботар-ботмас кунчиқар томонда найдо бўлган **пиёзнинг пўстидек юпқагина** ойни ҳеч ким пайқамаслиги мумкин эмас (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Тўрдаги ҳаворанг хитой гилами тўшалган диванда ғаройиб суратли ипак пижама кийган Ҳалим Салимович ёнидаги **пиёз пўстидай нозик** ликопчадан ниста олиб чаққанича, узала тушиб китоб кўриб ётибди (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Хонага мадраса талабасига ўхшаган ёш маҳрам кириб, ўртага дастурхон ёзди, кумуш баркашларда иссиқ нон, сомса, **пиёз пўстидай нозик** чинни ликопчаларда асал, бодом, майиз олиб келиб қўйди (О. Ёқубов. Улуғбек хази-наси). Аммо қасамёд қилиб айтамикки, қоринларимиз **пиёзнинг пўстидай** бўлиб кетди (Ш. Рашидов. Бўрондан кучли). Чойной ичсак бўлар эди. Қорин ҳам **пиёз пўстидай** сирилиб кетди (О. Толибов. Анқов). Юринглар энди. Қорин ҳам **пиёз пўстидай** бўлиб кетди (С. Нуров. Карвон).

## П И Ё Л А

### ПИЁЛАДАЙ

*Катта*. Кўпинча кўз, гул, олма ва шу кабилар ҳақида.

**Пиёладай катта-катта** кўзларида доимий бир ҳайрат қотиб қолгандай кўринадиган бу от Акбарга ўн йилдан ортиқ хизмат қилди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Энди «имнерия»ни сўраб олай дейман. Шундай гапларни гапирадими, кўзим **пиёладай** бўлди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Майдоннинг бир чеккаси ясси қирга туташиб кетган, баланд-баланд ўтлар орасида **пиёладек** бўлиб очилган лолалар ловиллаб ёнар, фируза чучмўмалар ерга мунис бош эгиб турарди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Ҳар кўзлари **пиёладай-пиёладай** келадиган ажина сочларини ёйиб, олдиндан чиқмадимми? (А. Аъзам. Ойнинг гардиши).

## П О Д А

### ПОДАДАЙ

*Ҳайдамоқ*. Ҳайвон галаси сифатида муайян томон ҳаракат-ланишга мажбур қилмоқ. Одамлар ҳақида.

Аёл, болаларни **подадай ҳайдаб**, Бир саройга қамаб фашист ўт қўйди, Вақт топиб тез-тез бор ўша жойга, Сен шу култепани юракка ўйгин (Х. Худойбердиева. Хато такрорланмас). Бизларни, уст-бошимиз чок-чокидан кетган, кийимларимиз Гоби саҳроси чангалзорларида дабдала бўлиб, фақат пайтавада қолган, соч-соқолларимиз тикандай ғовлаб кетган шўрпешона солдатларни шу водий бўйлаб яна **подадай ҳайдаб кетишди** (О. Ёқубов. Қайдасан, Морико?). Отлиқ аскарлар бандиларни камчилаб, найза билан никтаб-туртиб, **подадек ҳайдай бошлашди** (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси).

### ПОПУК

#### ПОПУКДАЙ

Чиройли, *гўзал*, бежирим, келишган. Кўпроқ қош-кўз, аёл, гўдак ҳақида.

Қош-кўзи **попукдай**, доим кулиб турадиган Шоира деган дўндикқина жувон беморларга укол қилишга киришади (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Қошу кўзи **попукдай**, қадди-қомати сирикдай қиз унинг қўлидан қогозию дориларини олди (М. Ҳазратқулов. Кўккўл). Турсунбой ҳуснда тенгсиз йигит эди. Қош-кўзлари **попукдек** (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Қабулхонада **попукдек гўзал** қиз лабини бўяб ўтирган экан (Т. Малик. Шайтанат). Унинг рўпарасида кўкрагини ёстикқа бериб, дум тушиб ётган **попукдай** жувон юмалок, оппоқ юзини Ҳожи холага ўгирди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Беш ой деганда бир эмас, иккита **попукдек** кизалоқ туғиб берди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). **Попукдай** қизлар, нозаниндай жувонлар, норасида болалар худога нола қилишибди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

### ПУФАК

#### ПУФАКДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Семиз; семирмоқ*. Кўпроқ одам ҳақида; салбий муносабат ифодаланади.

Безориларнинг **пуфакдай семиз** битгаси бошқаларига қараганда чакқонроқ ҳаракат қиларди (З. Алиев. Ҳашар). Ёшгина йигит ҳеч қанча вақт ўтмасдан **пуфакдек семириб кетганига** ҳамма ҳайрон эди (Сўзлашувдан). Ҳожихон ажинанинг жуссаси **пуфакдек** тез катталаша борди (А. Обиджон. Мешполвоннинг жанглари).

## ДАМИ (ЕЛИ) ЧИҚҚАН ПУФАКДАЙ

*Шалвирамоқ, шалтаймоқ, бўшаимоқ.* Одамнинг руҳан тушқун, бўшашган ҳолати ҳақида.

Шундай деди-ю, **дами чиққан пуфакдай шалвираб қолди.** Ортниқ айтарга сўз тополмади, минбардан тушди (М. М. Дўст. Лоззор). Оҳистахон **ели чиқиб кетган пуфакдек** бирдан *шалтайиб тушди*, хижолат тортди (Шухрат. Умр поғоналари). Унинг бирдан ранги ўчиб, **дами чиққан пуфакдай бўшашиб кетди** (С. Кокилов. Қозон бошига хужум). Нафиса **дами чиққан пуфакдай шалвираб қолди** (А. Йўлдош. Юлдузнинг йўли). Пишиқриб келган Салимхон Обидий **ели чиқиб кетган пуфакдай бўшашиб**, бир чеккада ўтирарди (Мирмуҳсин. Умид).

## ПЎЛАТ

### ПЎЛАТДАЙ

*Қаттиқ, мустаҳкам, пишиқ; тобланмоқ, чиниқмоқ.*

Уч-тўртта ўқ шохлар орасидан ўтиб филнинг орқасига урилди, лекин **нўлатдай қаттиқ** ва қалин фил терисига ботолмай, ерга учиб тушди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Фронтни-ку мана ўзингиз айтиб берянсиз, Ваҳоб ака, илло мана шу ернинг ўзида одамларимизнинг азаматлиги, **пўлатдай мустаҳкам**лигини қаранг (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Биз Тошбу ҳаёти саҳифаларига ...назар ташлар эканмиз, тарихнинг суронли йилларида унинг **нўлатдек тоблангани**, ...оёғига этик кийиб, қош қорайгунга қадар жўяқлар ичидан чиқмаганини кўрамиз (Н. Каримов. Миртемир). **Пўлатдек пишиқлик**, матонат берди Темир кишанларнинг даҳшатли ёди (Чўлпон. Ўн олти).

## ПЎРТАНА

### ПЎРТАНАДАЙ

*Қайнаб тошмоқ, отилмоқ, кўпаймоқ; кучли, шиддатли.*

Ҳаммасини яна бошдан бошлаш керак эди. Мавлонқуловлар бурчак-бурчакларда биқиниб ётарди... Иш деганлари **пўртанадек қайнаб тошарди** – борлиғинг билан шўнғиб кетдинг (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Аллақандай намхуш, тупрокдай майин бу кумликларнинг чегараси кўринмас, **пўртанадай «тошиб»** бир-бирдан баландлашиб кетган эди (О. Ёқубов. Излайман). Баданни жизиллатиб куйдирадиган иссиқ шамол чанг аралаш қум зарраларини **пўртанадай** кўтариб машина устига ота бошлади (С. Кароматов. Сўнгги бархан). Кўз ёшининг **пўртанадай кучли**лиги, баъзан уни тўхтатиб бўлмаслигини ўшанда билганман (Қ. Кенжа. Тоғ йўлида бир оқшом).

## Р

### РАПИДА

#### РАПИДАДАЙ

*Кенг, юм-юмалоқ*, катта, ўхшовсиз. Кўпроқ одамнинг юзи, кўли, кафти кабиларга нисбатан.

Заррин тўн кийиб, камарига олтин бандли шамшир таққан доруға Мироншоҳ Али Қушчига ер остидан бир қараб қўйди-да, **рапидадай кенг** юзини тескари буриб, мармар пиллапояларни дукурлатиб, пастга тушиб кетди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Мироншоҳ олтмишлардан ошган, йўғон, норғул одам эди. Унинг **рапидадай юм-юмалоқ**, қип-қизил юзида, аланг-жалаңг кўзларида аллақандай тараддуд бор эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Ўв, Раҳимтой! – Оқсоқол **рапидадек** кўлини пахса қилди. – Бердисини айтгунча уриб ўлдирма-да, одамни (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). «Айиқ» йиғлаётган болани унинг кўлидан авайлаб олди. Бир кўллаб болани кўтарганча, **рапидадек** кафти билан аёлнинг бошини силади (Ў. Ҳошимов. Ўзбек иши). Саломатмисиз, омонмисиз? – у новча кишининг **рапидадек** кўлини ўзининг дўмбоқ қафтлари орасига олиб, беозор силкитарди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор).

### РЕЗИНКА

#### РЕЗИНКАДАЙ

*Чўзмоқ*. Гапни керагидан ортиқ узун қилмоқ ёки муайян ишни вақтида бажармай, пайсалга солмоқ.

Гапни ҳам **резинкадай чўзиб юбордимми**, ажабланманг, мен азалдан эзароқман (Т. Малик. Шайтанат). Омадингиз йўқ экан, ланж у одам, ишни **резинкадай чўзади** (Т. Малик. Шайтанат). Бу латтачайнарлигингиздан маънили иш чиқмайди, оғайничалиш. Ё бориб Мабийига очиқ айтинг, ё ундан тамом воз кечинг. Бунақа **резинкадек чўзманг** (А. Аъзам. Алмисоқдан қолган Карим). Гапнинг бўлса, **резинкадай чўзавермай**, айтиб қўя қолмайсанми? (О. Ёқубов. Матлуба).

## РИСОЛА

(ХУДДИ) РИСОЛАДАГИДАЙ

Талабга жавоб берадиган, меъёрга мувофиқ келадиган; ҳаракат ёки ҳолатнинг ана шу даражада бўлмоғи.

Бу «қора иш»ни мулозимлари **рисоладагидай** бажарар эдилар (Т. Малик. Шайтанат). Тўнғич Александра ...шариат қоидаларининг барчасига амал қилади, маҳаллий тилни билади, эрини оқлагани оқлаган, у мени йўлдан ургани йўқ, **рисоладагидек** эр, турмушимиз яхши, қорним тўқ, эгним бут, илгарилари оч-юпун эдим, дейди (С. Афлотуний. Гумроҳлар). Бу оилада ҳар қандай хангома одоб чегарасидан чиқмас, ички маданият, муомала тартиби **худди рисоладагидай** сақланарди (А. Абдуллаев. Дард). Шу зайлда Кесакполвоннинг ҳомийлари ҳам ўзгараверди. Ёзилмаган қонун асосида янги Зўр салафининг ишини **рисоладагидай** давом эттирарди (Т. Малик. Шайтанат). Икки ёрти бир бутун бўлиб, **рисоладагидай** оила яратолмадиг-у, сиз аллақандай корхона ҳақида орзулайсиз-а (А. Абдуллаев. Дард).

## РУСТАМ

(ХУДДИ) РУСТАМ(И ДОСТОН) ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Зўр, паҳлавон. Бақувват эркак киши ҳақида.

Фарид Бухорий Салимни Сухробга ўхшатиб, «отангиз **Рустами** достоидай зўр бўлса ҳам, сиз уни, албатта, енггайсиз!» деб ишонтиргандан бери унинг ўзи тўғрисидаги фикрлари беҳад юксак эди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Гўзал юрт Сусамбилда Бир подачи бор эди, ... Қиличдай ўткир эди, **Рустам каби зўр** эди (Ҳ. Олимжон. Ойгул билан Бахтиёр). Ҳаммаси ҳам қиличдан ўткир, Ҳаммаси ҳам **Рустам каби зўр**. Нега севди Омонни, нечун. Зайнаб билмас қалбининг кучин (Ҳ. Олимжон. Зайнаб ва Омон). Чошнагир аёл Қорақўз бегимга илтижо қилди: – Илоҳо **Рустамдай** ўғил кўринг, бегим!.. (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Сиз умр бўйи **худди** афсонавий **Рустами** **достон каби** мағлубият кўрмай келмоқдасиз (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Шукур, бефарзанд эмассиз! Учта **Рустамдай** ўғлингиз бор (Н. Раҳмат. Буни ҳаёт дебдилар ёки ўғлим Улуғбекнинг кундалиги).

## С

### САВАТ

#### САВАТДЕК

*Катта*; хурпайган. Асосан, салла, бош, соч кабилар ҳақида; салбий муносабат ифодаланади.

Уларнинг наздида авлиё – девқомат, соқоли кўкрагига тушган, салласи **саватдек**, тўнининг енгию этакларига турли хил оятлар чекилган ҳайбатли бир кимса бўлиши керак эди (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Най мисол шим кийган ул, Сандикдайн туфли билан, *Хурпайиб турган саватдек* Соч анинг бошиндадир (Э. Воҳидов. Бошиндадир). Учунчисини Ёнғоқ қори дейишади. Ўзиям худди пўсти арчилмаган ёнғоқдек думдумалоқ. Бунинг устига, доим бошига **саватдек** салла ўраб юради (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). Нимқоронғи уй эшиги ғийкиллаб, **саватдек** сочи устидан рўмол ўраб олган фолбин чикди (А. Кўчимов. Бойчечак). Бошида **саватдек** салла, узун мовут яктак кийган – биппа-бинойи мулла бўлиб олибди (Э. Аъзам. Шовқин).

### САВДОЙИ

#### САВДОЙИДАЙ (КАБИ, МИСОЛ, -ГА ЎХШАБ)

Ғайриодатий, руҳан нормал одамга хос бўлмаган ҳаракатлар қилмоқ.

Ҳали оқ-қорани дурустгина танимаган йигитча бу кийинчиликлар, виждон изтироблари олдида **савдойидек** каловлаб, тақдирнинг аёвсиз ўйинидан гаранг бўлиб қоларди (С. Аҳмад. Уфқ). Хотинимнинг назарида, у **савдойига ўхшаб** қолди: пишиллаб сўрига чиқиб ўтиради (Й. Шамшаров. Тошқин). Бундай кезларда дарсдан бўшадим дегунча одам исидан қочиб, чет-чет овлоқ кўчаларда **савдойи мисол** бир ўзим дайдиб юриш одатим бор эди (Э. Аъзам. Манзума отин). Эсингни едингми, ука, – деди «гўрков» энди очиқдан-очиқ энсаси қотиб, унга худди **савдойилардек** тикиларкан. – Қанақа уй? Қанақа ҳовли? (Х. Шайхов. Иблис билан мулоқот). У бир жойда ўтира олмас, **савдойи каби** оролчада кезиниб юрар эди (Ш. Улуғ. Фақат сен йиғлама...).

## САДАФ

### САДАФДАЙ (КАБИ, МИСОЛ)

*Оқ, оппоқ; шу рангда ялтирамоқ. Кўпроқ одамнинг тишлари ҳақида.*

Қорағат ширасига беланган **садафдай оппоқ** тишлари бир зумда кўмир чайнагандай қоп-қора рангга бўялди (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида). Кумушбиби ҳам ихтиёрлик, ихтиёрсиз бу кулгуликка тортилиб, унинг ёвошқина илжайишидан ёқутдек лаблари остидаги **садаф каби оқ** тишлари бир оз кўриниб қўйдилар (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Ипак ҳам, бол ҳам бунда, мрамор ҳам, олтин ҳам мўл, Кўмир ҳам, шароб ҳам бор, гурунч – **садаф мисол оқ** (Миртемир. Бу мен тугилган тупроқ). Жиддий бир лат эмас, қиблагоҳ, – деди Умаршайх Мирзо **садафдек оппоқ** тишларини ярқиратиб (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Консулхона котиби Баҳромжон Қосимов менга йўлдош бўлди, рудда эса **садафдек** тишларини ярқиратиб Роберт ўлтирнбди (Х. Султон. Бобурийнома). Фарида паришон сочларига кўмилиб ётар, оппоқ думалоқ юзини ёноғидаги қизиллик безар, ярим очик лаблари ортида оппоқ тишлари **садафдек ялтирар**, кўзларида ҳаётга ташналик, шу билан бирга мунг яширин эди (И. Зоёир. Қисмат ўчи). Сутдек бадан, **садафдек** тиш, пок чехра, Яна яхши кўз оқи ҳам оқ бўлса (С. Ҳаким. Аёллар).

## САКСОВУЛ

### (БАМИСОЛИ) САКСОВУЛДАЙ

*Бужмаймоқ, буришмоқ, ориқламоқ; озгин. Одам ҳақида.*

Бутун Фарғона водийсига Ёғоч полвон деб ном чиқарган, **саксовулдек** танлари *бужмайиб* кетган новча полвон бир қўли билан ерга тиралиб, ё пирим, деб ўрнидан турди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Ҳали олтмишга ҳам бормаган онаизор **бамисоли саксовулдай ориқлаб**, юзларига ажиндан нақш урилибди (А. Абдуллаев. Ҳазрати Аттор). **Саксовулдек озгин**, тажанг ҳамшира шопилмасдан ўрнидан турди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Юзлари худди **саксовулдай буришиб кетганга** ўхшарди (С. Аҳмад. Ҳижрон кунлари).

## САМАНДАР

### САМАНДАРДАЙ (КАБИ, МИСОЛИ)

*Ўлмайдиган, оловда куймайдиган.*

Отқил мани оташлара, бер бўйла рохатим, **Самандардек** ўтлар

кечиб, ёнмоқ – саодатим (Ж. Камол. Фузулий газалига мухаммас). Яхшиям боқийдир дилбар шеърият, **Самандар мисоли** ўлим билмас жон (А. Орипов. Ҳамид Олимжон хотирасига). Билмадим, ул оташ ичра Ўртаниб бўлгум адо Ё **Самандардек** чиқарман Ўт аросидан бутун (Э. Воҳидов. Севги оташи). Оловингда **Самандардек** куймадим, Асли мудом ҳақ қўшиқлар куйладим (М. Ражаб. Дунёдан бир сўровим бор). Сен ҳозир кул бағримни чўкиб, Кўзларимга тўлдир, майли, кум. **Самандардек** ўтдан соғ чиқиб, Такрор сени енгади руҳим! (О. Толиб. Ҳаёт). **Самандардек** қайта *туғилдим*?! Узун бўйли йиллар оралаб (У. Ҳамдам. Сўлмаган гулим...).

## САМБИТ

### САМБИТДАЙ (КАБИ)

*Тик, дуркун*, келишган. Одамнинг қадди-қомати ҳақида.

Қомати **самбитдек тик**, мусулмон ғиштдек япалоқ юзли... судья жаноблари савлат тўкиб кириб кела бошлади (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши). Умумий бўлимга кирди. Хўжайиннинг **самбитдай дуркун** гавдасини кўриб, мудир ирғиб турди (С. Сиёев. Отлиқ аёл). **Самбитдек** қоматларингга Муқимжон аканг гиргиттон! (С. Аҳмад. Биринчи муҳаббат). Йўқ, қизим, танидим, танимай худо урдими! – деди Яхшибоев аёлнинг таънасига парво қилмай. – Сал озибсиз, холос. Лекин озғинлик сизга ярашади, ўзиям, танишган пайтимизда **самбитдай** қиз эдингиз-да (М. М. Дўст. Лолазор). **Самбитдек** эдинг, чинордай тўлишиб, оқ теракдай бўй чўзибсан (М. Мансур. Жудолик диёри). Қиз уйга қирар экан, она орқасидан **самбитдек келишган** қаддига махлиё бўлди, кўз тегмасин, «туф-туф» деб қўйди (Ш. Ғуломов. Соф ҳаво). Ўктамхон қизнинг **самбитдек** қадди-бастига тикилиб ўтирганди (Ш. Ғуломов. Ёрқин уфқлар).

## САНДИК

### САНДИКДАЙ

Одатдагидан *катта*. Шаклан тўртбурчакка мойил нарсалар ҳақида.

Миртемир **сандикдек катта** папкани кўз олдига келтириб, юраги шув этиб кетди (Н. Қаримов. Миртемир). Бир радиоси бор, **сандикдек** келади (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Миртемир қишлоқ манзараларини тасвирлаб, култепа устида ўрнатилган **сандикдай** кўктошни тилга олган эди (Н. Қаримов).

Миртемир). (Бобур) Чукур яқинига **сандикдай-сандикдай** иккига харсангтошни юмалатиб келтириб ўрнатгирди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Қорахитой қавмидан бўлган, қорачадан келган, елкалари **сандикдек**, кафтлари паншаха сифат Хитой баҳодир жангда орқа-олдига қарамай савашар, сермаган қиличи беҳуда кетмас эди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич).

## САПЧА

### САПЧАДАЙ (КАБИ)

*Узмоқ, кесмоқ, қимматсиз нарсадай кесиб ташламоқ. Асосан, одамнинг боши ҳақида.*

Кенгаш иштирокчилари ҳам «ялт» этиб унга ўгирилишди, уларнинг назарида Юнусхўжанинг шу вазоҳати Тархоннинг калласини **сапчадек узиб ташлагудек эди** (Х. Дўстмуҳаммад. Оқ либос). Қозонхон руҳи ҳам амирзода Хусайн каби баҳодир куёв билан фахрланиб, **сапчадек узилган** бошига ортиқ ачимаса керак, – ҳазил қилди маст амирлардан бири (Ғ. Каримий. Кўрагон). Агар шулар бўлганда бир бошидан тегиб, барининг бўйнини қийиб, деҳқонлар қовунни узгандай, барининг калласини **сапчадай узиб**, бир ерга уйиб кетар эдим-да (Қундуз билан Юлдуз). **Сапча каби** шартта *узарди* Қилич солиб бадкор бошини (С. Ҳаким. Олис юлдуз). Анқо Тўра қўшини Андижонга бостириб келганда ҳам қаттиқ жанг кечди, майдонда ҳар икки томондан ҳам каллалар **сапчадай узилди**, кўп талафотларга учраган ганим қочиб кутулди (М. Али. Улуғ салтанат). Эвоҳ, ким билсин, кўкка етган шу азиз ва мўътабар бошини бешикда беозор тамшаниб ётган шу гўдак бир кун келиб **сапчадай уздириб** ташлашини билганида... (Х. Султон. Бобурийнома). Гулга тикилган кўзингни ўйиб, бошингни **сапчадек узиб ташлаймен**, амир!.. (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси).

## САРВ

### САРВДАЙ (КАБИ, МИСОЛИ)

*Тик, адил, келишган. Одамнинг қадди-қомати ҳақида.*

Унинг **сарвдек тик** қомати йигитни бефарқ қолдирмади (М. Ҳазратқулов. Султон билан малика). Ҳовлингиздан шарқираган сой ўтса, Елкагиздан куёш ўтса, ой ўтса. Қошларингиз мангу камон ёй ўтса, **Сарв мисоли адил** қолса бўйингиз, Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз? (С. Саййид. Сизга). Тикилиб бўй, қад-

га, **Сарвидай** коматига (Т. Сулаймон. Қирк шахсувор). **Сарвдек** бўй-бастингга дейман тасанно (М. Мирзо. Маликаи жаҳон). Ўлар бўлсам, Сенгина деб ўлойин, **Сарвдай** коматингни кули бўлойин (Х. Худойбердиева. Кўзи борлар тўғри йўлдан юрмаса...).

## САРОБ

САРОБДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Йўқолмоқ.* Тамоман асарсиз, изсиз йўқ бўлмоқ.

Наҳот, бир умр жозиб ранглар олами фуқароси бўлиш на-сиб қилмай, шалвираганча мискину ноумид яшасам, егиму есирлик азобига маҳкум тўйгуларим зим-зиё бағрим кунжакла-рида **саробдай** ному нишонсиз *йўқолса*?! (А. Дилмурод. Хаёл чўғланиши). Ўша тушунуксиз издиҳом сирли йўсинда комига тортар экан, бирдан орзу-умидларим **сароб каби** қаёққадир че-кинади (А. Дилмурод. Хаёл чўғланиши). Бу савол миямда қайта-қайта такрорланар ва ҳар гал унинг ўйчан юзига боқишим билан қарорим **сароб сингари** изсиз *йўқоларди* (Н. Хайитқулов. Том-чи). Табассумида нафис бир жозиб ақсланди. Шунда юраги-ни эзаётган нохуш ўйлар **саробдек** тарқалаётганини ҳис этди (Х. Мусурмонова. Қиёфа).

## САРОЙ

САРОЙДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Кенг, катта, ҳашаматли.* Одатдагидан фарқли жой-макон ҳақида.

Хол Бўтаевич ўглининг **саройдай** кенг кабинетда елкасигача креслога ботиб ўтиришини истади (А. Кўчимов. Ҳалқа). Кенг ички-ташқи дангиллама ҳовлида, **саройдай ҳашаматли**, бой безакли уйларда уни ҳеч нарса қизиқтирмас, бу хонадоннинг одамлари ҳам, нарсалари ҳам душман, ёт, совуқ кўринар эди (Ойбек. Қутлуғ қон). Покиза аёл экан. Гўри нақ **саройдай кенг-катта** очилибди (Ойбек. Қутлуғ қон). **Саройдек** келадиган бу мухташам ресторандаги бор-йўқ хўранда шугина эди. Қолганлар кеча жўнаб кетган (Э. Аъзам. Чапақлар мамлақати). **Саройдай** уй хувуллаб қолди (И. Зойир. Тўтинома).

## САҚИЧ

(ХУДДИ) САҚИЧДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Қора, қоп-қора.* Қора ёки шунга мойил рангдаги нарсалар ҳақида.

Унинг бошидаги дубулғаси бир томонга қийшайган,

**сақичдай қоп-қора** соқол-мўйлови, бўғриққан юзи қора терга ботган, ўзи хансираб нафас оларди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Қайси бирини олишни билмай гаранг бўлардинг киши. Ҳаҳ, ношукур эканмиз. Энди-чи? Бир хил нон. **Қоп-қора сақичдай** (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Беруний билган Ибн Синонинг соқол-мўйловлари **сақичдай қоп-қора** ва бежирим эди, бу хорғин мўйсафиднинг мош-гуруч соқоли эса кўксига тушган (О. Ёқубов. Кўхна дунё). Дорилфунунга аввалгидай автобусларда эмас, куёв боланинг **сақичдай қоп-қора** «Мерседес»ида қатнайди (М. Салом. Қарз).

2. *Чўз(ил)моқ*. Муайян бир ҳаракатни узоқ вақт давом эттирмак. Одам ҳақида.

**Сақичдек чўзмасдан**, шартта айт қўй! – сабри тошиб кетди табиатан шошқалоқ Назиранинг (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Кунлар худди **сақичга ўхшаб чўзилишни** бошлади (Б. Исмоилзода. Ширин ва армонли кунлар). Раҳматилла нонни икки кавшашда лўқ эткизиб ютиб юборди-ю, лекин гўштни **сақичдай** узоқ чайнади (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида).

3. *Ялтилламоқ, ялтирамоқ*. Қора рангда жилоланмоқ.

Офтоб терак бўйи кўтарилган, эрталаб машинада сув сепилган асфальт йўллар **сақичдай ялтиллаб турар**, кўчанинг икки юзидаги учлари чирмашиб кетган чинор ва оқ тераклар ерга тангадек ҳам нур ўтказмас эди (О. Ёқубов. Диёнат). Тоғ этакларидан қор кетиб, пастликлар яхшиланиб қолган апрель ўрталарида байталиб қулунлади. Қарасам, боласи қора **сақичдек ялтираб** турипти (С. Аҳмад. Жимжитлик). Йўл жимжит, қора асфальт ой ёруғида эриган **сақичдек ялтирарди** (Ў. Умарбеков. Тун).

## САҲРО

САҲРОДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Чексиз, бепоён, яйдоқ, бўм-бўш.*

Шу боисдан ўшанда хайратга тушиб, соддадил кишиларга хос, денгиз ҳам **сахродай чексиз** экан, деган фикр хаёлидан кечган эди (О. Мухтор. Эгилган бош). Дарё. Сахронинг азалий сирдоши. У ҳам кум рангида тўлғанади, у ҳам **сахродек чексиз** ва қадимий (А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда). Заргаров атрофдаги буюк сахрони, шу **сахродек чексиз** сукунатни сезар, ўзининг беҳаловат руҳи шу бўшлиқларни бус-бутун тўлдириб тургандек туюларди (А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат). Яна қовжирай бошлаган дил салтанатидан ҳаёт нишонаси ниш урмасинму, **сахродай яйдоқ** юрагида чечак атри уфурмасинму? (Б. М. Али. Кўктўнлилар).

## СЕЛДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Оқмоқ, ёпирилмоқ, бостириб келмоқ.* Одамларнинг катта миқдордаги тўдаси, кўшин, лашкар ва шу кабиларнинг жадал ва тигиз ҳаракати ҳақида.

Қўл бағрига **сел каби** *оқди* Адоғи йўқ жанговар кўшин (С. Ҳаким. Олис юлдуз). Шу-шу бўлди-ю, Узунқулоқ ниримнинг овозаси етти музофотга тарқалиб зиёратчилар бу-ерга **селдек оқиб кела бошлашди** (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). Ёзувни эшитиш бошқа, саҳна бошқа. Саҳнада узоқ туриш қийин, ёшларнинг окими **сел каби ёпирилиб**, ҳар қандай машҳур санъаткорни суриб ташлайди (Т. Малик. Шайтанат). Пирмуҳаммад атка бошлиқ кўшин бу қалъага **селдай ёпирилиб кириши** ва Байрамхонни ҳалок этиши ёки асир олиб, кўлини орқасига боғлаб чиқиши муқаррар эди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). **Селдай ёпирилиб келаётган** Шерхон отличлари ялангоёқ-ялангбош қочиб кетаётганларни қувиб етиб, қилич билан чопиб ташламоқда (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Шайбонийхон Бобурнинг кеча кўққисдан майдонга кўшин тортиб чиқолмаслигини олдиндан биларди, чунки ҳеч бир ақлли-хушли саркарда бу қоронғи тунда **селдай ёпирилиб келган** лашкар қаршисига тайёргарликсиз бетартиб отилиб чиқмаслиги ўз-ўзидан аён эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Сўнг узоқдаги адирлар орасидан бирин-кетин уч тавила йилқи отилиб чиқди-ю, бериги томонга қараб **селдай бостириб кела бошлади** (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). **Селдай бостириб келаётган** ёв отличлари уларни дарёлар томонга суриб кетди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар).

2. *Оқмоқ, ёпирилмоқ.* Муайян нарсаларнинг бир жойга кўп миқдорда келиши ҳақида.

**Сел каби оқиб келаётган** қимматбаҳо совғалар орасида табиб юборган майдақавиқ икки тўн, қийик, дўппи, икки кийимлик хонатлас ғарибгина кўринарди (Т. Малик. Шайтанат). Зимдан пухта тайёрланган бу тўнтариш Байрамхонни эсанкиратиб қўйди. **Селдай ёпирилиб келаётган** ўзгаришларни таҳлил қиладиган аҳволда эмас, нукул куйиб-ёнади (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). **Селдай ёпирилиб келаётган** бу қарама-қарши фикрлар таъсирида Акбарнинг ўзи ҳам ғалати бўлиб юрибди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар).

3. *Ёғмоқ.* Кўп миқдордаги ўқ, найза ва шу кабиларнинг ҳаракати ҳақида.

Сўнгра ўқлар *ёғди* – **селдай**... Телба ёв – Иккимизни қилди шу майдонда «ов»... (Ж. Камол. Қуёш чашмаси). Қирқ йил қирғин бўлса ҳамки, **Селдай ёғса**, найза, ўқ, Аёл учун жангга қирган Эр йигитга ўлим йўқ (Ф. Афрўз. Зобитлар қўшиғи). Босқинчилар Темур Малик қўшинига камон ўқини **селдай ёғдирадди** (Ш. Улуғ. Фақат сен йиглама...). Ана-мана дегунча, немис танклари кенг майдоннинг тенг ярмига етаёздилар; йўл-йўлакай автоматларидан тариллатиб ажал ўқини **селдай ёғдириб** келаётган фашистлар эса уларнинг нанасида!.. (Н. Қилич. Зилзила).

4. *Куй(ил)моқ, ювмоқ, оқ(из)моқ*. Кўп миқдорда шиддат билан ёғадиган ёмғир, шундай келадиган кўз ёши, айрим мавҳум тушунча кабилар ҳақида.

Шу дамда **сел каби қуяётган** ёмғир ишнинг белига тенди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Абдульазизнинг кўзларидан тиркираб оққан ёш томчилари қорайиб кетган сўлғин юзини **селдай ювиб**, таралмай патак бўлиб кетган соқолига қуйиларди (О. Ёқубов. Улуғбек хазиnasi). Қизгиналар... кўп миннатдор бўлдилар, кўзёшларини **селдек оқизиб**, ... умр-бод муқаддас насроний дини кучоғида қолажаклари тўғрисида ўз қўллари билан тилхат ёзиб бердилар (С. Афлотуний. Гумроҳлар). Шу шеърнинг давоми Усмон ўзи айтгандек хотирамда **селдек қуйилиб кела бошлади** (Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар).

## СЕҲРЛАНМОҚ

### СЕҲРЛАНГАНДАЙ (КАБИ)

*Қотиб қолмоқ*. Тамоман ҳаракатсиз ҳолатда қолмоқ. Одам ҳақида.

Хон гапирар экан, ўнлаб кишилар унинг салмоқдор, вазмин овозидан, дона-дона қилиб айтаётган сўзларидан **сеҳрлангандай қотиб**, қулоқ сола бошлади (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). У (Шерзод) ташқарига қаради-ю, **сеҳрлангандек қотиб қолди** (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Ўрмон ўз ҳуснига **сеҳрланган каби** муаззам ва мунгли бир сокинлик сақлайди (Ойбек. Қуёш қораймас). Ҳаммамиз **сеҳрлангандек тош қотиб қолдик** («Тошкент оқшоми»). Аёллар ҳар хил алфозда **сеҳрлангандек қотиб қолишган**, баҳор чечаклари барқ урган дарахтзор орасида оқиш-пушти ўрик гуллари қанотида, Ҳожи бувининг кизғалдоқлардан ловуллаган пастак томи устида нурдек майин куй тараларди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

## СИМОБ

### СИМОБДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Серҳаракат, беқарор.* Доимий ҳаракатда бўладиган, абжир, тиниб-тинчимайдиган одам ҳақида.

Феъли ҳам Салимникидан бошқача – ўй суриб ўтиришни суймайди, **симобдай серҳаракат**, шўх (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Мушглашишга ўч, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини оладиган **симобдек беқарор** эди (С. Аҳмад. Жимжитлик). **Симобдек беқарор**, куч-ғайрати танига сиғмаган ўт-олов йигит энди сўлган, тақдирнинг бемаҳал зарбасидан эсанкираб қолганди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Дарбадарликдан, ўзимнинг **симобдай беқарор** саёқлигимдан жуда ўқинар эдим (Ғ. Ғулом. Шум бола).

2. *Эримоқ.* Бўшашмоқ, руҳан илиқлик ҳисси уйғонмоқ, шундай ҳис оғушида бўлмоқ.

Назарида, вужуди **симобдек эриб тушди**, бошини деворга суяб унсиз йиғлайверди, йиғлайверди (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Қиз **симобдай эриб** турди жимгина. Барча гапни одоб билан эшитди (Ҳ. Олимжон. Жиноят). Хадичанинг аъзойи бадани оловдай ёниб, унинг ҳароратли оғушида **симобдай эриб кетди** (Ж. Шарипов. Хоразм). У хотинига қараб туриб, **симобдек эриб кетди** (М. Ҳазратқулов. Чўли ироқ).

3. *Ялтирамоқ, ярқирамоқ, йилтирамоқ.* Оқиш рангда жилоланмоқ; кўпроқ сув, булут кабилар ҳақида.

Йўллар қадим... тутлар қариган... сувлар **симоб каби ялтирар**. Сукунатнинг теран қаърида уйғонмоқда саслар қалтираб (Ш. Раҳмон. Манзара). Қари тутлар гувоҳ, қадим йўлларда излари қолган, **симобдек ялтираб** тинч оқаётган сувда аксланиб, вақт чархпалагида айланаётган армоннинг саси узоқ чўзилган сукунатни бузиб, овоз бермоқда (Р. Муллахўжаева. Янгиланган сўз). Уфқда туби ер билан туташган наға-паға оқ булутлар кўпчиб турар, уларнинг турли шаклдаги гардишлари терак бўйи кўтарилган куёш остида **симобдай ярқиради** (Ғ. Фазлиев. Болакай). Шунда... тебранишдан тўхтамаган илдизнинг у учиди бир томчи сув **симобдай йилтираб** кўринди. (Х. Дўстмуҳаммад. Тўхтабойнинг бойликлари).

## СИЧҚОН

### (МИСОЛИ) СИЧҚОНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Кемирмоқ.* Ўзгага тегишли бирор нарсадан ҳақсиз равишда олмоқ, ўзиники қилмоқ.

Бир ҳафта бурун «мутавалли масжид ҳақини **сичқондек** ке-

*мириб ётибди*», деган гапни эшитиб, «етимларнинг ҳақидан кўрқмаган, масжид ҳақидан кўрқармиди», деб ғижинган, лекин чора кўришга шошилмаган эди (Т. Малик. Шайтанат). Барча қилгиликни қилар у нодон, Гуноҳини шайтон юради ортиб. Бошқаси кўз тикар ўзга молига, Халқ мулкин *кемирар мисоли сичқон*. Маймун йиғлар бўлса бир кун ҳолига, Яна айбдор бўлар албатта шайтон. (Н. Муҳаммадиев. Шайтоннинг истеъфонмаси). Булар мана шу назардан қочиб бирон эшикка киргани, у ерда одамларни *сичқондай кемиргани*, уларнинг меҳнати ҳисобига мол-дунё, шараф ва шуҳрат орттиргани уринади (А. Қахҳор. Иғвогар).

2. *Юраги (ичи)ни кемирмоқ*. Рухий қийноққа солмоқ.

Зайнаб ўғирланганида Жалил томонидан айтилган бу гап унутилмай, *юрагини сичқон каби кемириб ётган эди* (Т. Малик. Шайтанат). Бу фикрлар Бахтиёрнинг *ичини сичқондек кемирар*, юраги гупиллаб урарди (М. Ҳазраткулов. Чўли ирок).

#### СИЧҚОННИНГ ДУМИДАЙ

*Ингичка*. Кўпроқ мўйлов, соч, қош кабилар ҳақида.

Мўйлов ҳам соқол сингари сийрак. Уста Тўхташнинг «асирдийда» дўкати икки кунда бир кириб турганлигидан лаб устидан калта ва текис бўлса ҳам, умуман ўзи, ярмидан кўпи йиқитилган дарахтзор сингари хунук кўринади, икки учуда олтигадан ўн иккита узун қил, *сичқоннинг думидай ингичка* бўлиб пастга чўзилган (Чўлпон. Кеча ва кундуз). «Осмон» деб лақаб олган (балки лақабни ҳам Кокила қўйгандир), бурни япаски йигит *сичқоннинг думидек ингичка* мўйловини бураб, унга маъноли илжайиб қўйди (С. Аҳмад. Одам ва бўрон). Истеҳзо билан лабини бурди, терила-терила *сичқоннинг думидек ингичка* бўлиб кетган қошларини чимирди (А. Аъзам. Бир кам дунё). Қиз Раҳим Саидовнинг негадир кулгисини келтирарди. Сабабини билолмади. Балки, калта, орқасига *сичқоннинг думидек ингичка* ўриб ташланган сочидаги бесўнақай қизил лентадир, балки, муомаласидир? (Ў. Умарбеков. Ёз ёмғири).

#### СОАТ \

#### СОАТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ишламоқ, ҳаракатланмоқ*, бир маромда, аниқ, мунтазам ишламоқ.

Ҳар кунги ташриҳлар, ташхислар сира ўзини оқламаяпти. Қаранги, ҳамма аъзо *соат каби* бир маромда *ишляпти*, лекин соғлиқ кун сайин орқага чекиняпти (А. Абдуллаев. Дард). Бу шундай муҳит эдики, гарчанд ерда машиналар, осмонда са-

молёту ракеталар учиб юрса-да, **соат сингари** бир маромда *ҳаракатланувчи* табиати бор эди (У. Ҳамдам. Мувозанат). Конвейерлар гўёки бешик, Мафтун этиб ўз жамолига, Йиғув цехи очади эшик. Мотор қўйди, ихчам, лек абжир, **Соат каби ишлар** бу юрак (А. Эргашев. Сўнгги «Тико»). Бир-икки жойи урилган бўлса ҳам, беш йил бурун олган «Москвич»лари бор. Мотори **соатдек ишлайди**, баллонлари ҳам ўзиники, ҳеч қаеридан ёғ, сув оқмайди (Ў. Умарбеков. Гаров). Мотор гуриллаб ўт олди. У **соатдай** бир маромда *ишлай бошлади* (Н. Раҳмат. Буни ҳаёт дебдилар ёки ўғлим Улуғбекнинг кундалиги).

## С О В У Н

### СОВУНДАЙ

*Кўпирмоқ*. Асоссиз мақтанмоқ, беҳуда чиранмоқ.

Сен билан менга **совундай кўпиришни** ким қўйибди. Тутуннинг аччигини мўри, сенинг аҳволингни мен биламан (А. Кўчиров. Тубсиз қудуқ).

### СОВУН КЎПИГИДЕК

*Омонат, пуч; ёрилмоқ*. Асоссиз, ўринсиз, ҳеч нарсага арзи-майдиған гап-сўз, фикр, чираниш ва шу кабилар ҳақида.

**Совун кўпигидек омонат, пуч** сўзлар билан оқ қоғозни қора қилмоқ орифлар учун фазилат эмас (Х. Султон. Бобурийнома). Китоб муаллифининг қоровул бобо уруғи ҳақида берган тасавури Миртемирнинг тарихан ва мантиқан асосланган сўзлари олдида **совун кўпигидек гап** (Н. Каримов. Миртемир). Аммо манави, ҳеч кимга бўйин бермайман, деб турган олифтанинг чиранишлари **совун кўпигидек ёрилиб кетишни** ҳам биларди (С. Аҳмад. Жимжитлик).

## С О Й

### СОЙДАЙ

*Шовулламоқ, гувулламоқ; жўшқин*. Одамнинг кўтаринки, хуш руҳий ҳолати ҳақида.

Лекин ёшлигидан норози деманг, **Сойдек шовуллади** шўх йигитлик ҳам (Миртемир. Абдулҳаққа айтганим). Чена тортиб, Юзлар бўртиб Бошланади шўхликлар, Нурдай учкур, **Сойдек жўшқин** Кўп ёқимли қилиқлар (Х. Салоҳ. Чашма). Олтин созим ойдайин, Тошиб турган **сойдайин** (Халқ кўшиқлари). Сўнг мактабда ўн йиллик ҳаёт, Ёшлик кечар **сойдек гувуллаб** (Ж. Жабборов. Умр мазмуни).

## СОМОН

(МИСОЛИ) СОМОНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Сарғаймоқ*. Одам юзининг ранги ҳақида.

Салтанат эса кайфияти кўтарилиш ўрнига тагин эзилиб, ранги **сомондай сарғайиб**, тинка-мадори куриб бораётганга ўхшайди (Ў. Усмонов. Гирдоб). Ўқишни тамомлаш арафасида Анварнинг ранг-рўйи **сомондай сарғайиб**, кескин озиб кетди (А. Абдуллаев. Дард). Унинг тириш босган, **сомондек сарғайган** чўзиқ юзидаги мунг Турсуной юзидаги мунгдан кам эмас эди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Юзларига қаранглар – **мисоли сомон** (О. Ёқубов. Эр бошига иш тушса). Шу бир-икки кун ичида анча озиб, йиғидан, очликдан, севги ва севгисизликдан кўзлари кир-тайиб, ранги **сомондек** заъфарон тортиб қолганди қизи тушма-гурнинг (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар).

2. *Совур(ил)моқ*. Бехуда сарф этмоқ, йўққа чикмоқ.

Мени кечирасан, жиян, аммо мен бундай базм, пул деган **сомондай совурилайётган** ноҳалол тўйда иштирок этолмайман (О. Ёқубов. Қарноқ). Бўронларда **сомондек** талай-талай *соврилмиш*, Бу дунёнинг ўзидай қадимий тил бу (Миртемир. Она тилим). ...Идорама-идора бир имзога сарғайиб, ҳафталаб умримни елга берган вақтларим бўлди, мангу яшайдиган, олтин дамларимни **сомондек совурдим** (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Бахтга зор бўлсам-да куйладим бахтни, Саробга термулиб, бой бердим нақдни. Гоҳида **сомондек совурдим** вақтни, Кўрганлар тамоми ҳайрон бўлдило (А. Орипов. Шоир юраги). Лекин тақдир осмонда, мен ерда, Мен ердаги офатларга қоврилдим, Хазон бўлдим, **сомон каби соврилдим** (Х. Олимжон. Муқанна).

## СОЧ

СОЧ (ТОЛАСИ)ДАЙ (КАБИ)

*Ингичка*. Асосан, узунчоқ нарсалар ҳақида.

Диққат билан тикилиб, **соч каби ингичка** куртларнинг қимирлайётганини кўрдим (Ч. Айтматов. Болалигим). Табиб чаккаларига, билакларига, кўкракларига **соч толасидай ингичка** тилла игналар қадагач, янада енгиллашиб, уйкуга кетганини ўзи ҳам сезмай қолди (Т. Малик. Шайтанат). Кечкурун Хосият буви билан бирга угра қилишди. Адолат хамирни ёйиб, **соч толасидай ингичка**, чиройли қилиб кесиб берди (С. Зуннунова. Олов). Кейин у қизларнинг майда **сочидай ингичка** ўрилган

ва учи боғичли қилиб тугилган, юлгун сопи йилтиллаб кетган қамчинини «Ма!» деб узатарди (Қ. Кенжа. Балиқ ови). Пазандалигини айтмай қўя қолай. Лағмонни **сочнинг толасидек ингичка** чўзади, чучварани данакдек тугади (С. Аҳмад. Келинлар кўзғолони).

## СОЯ

### СОЯДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Эргашимоқ, эргашиб юрмоқ.* Бошқанинг ортидан доим ажралмасдан юрмоқ, изма-из юрмоқ.

Энди мени аросатда ташлаб кетмоқчимисан. Қаёққа борсанг, орқангдан **соядек эргашаман** (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). У ўзининг кечаги кунини томоша қилади, кечаги кунида ортидан **соя каби эргашиб юрган** «халоп-халоп» Аламазонни кўради (А. Обиджон. Аканг қарағай Гулмат). Назарида кимдир орқасидан кузатиб, **соя каби эргашарди**, орқага қарай деса, бўйни ёр бермасди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Менинг ғанимларим булутдан ҳам кўп, Орқамдан **соядек юришар** тўп-тўп (М. Юсуф. Ўп мени...). Байрам кунлари болалар тугул, йўриқчимиз Асолат опа ҳам **соядай** орқамдан *эргашиб юрса...* Байрам зўр-да (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Бошда ўртача мушукдан сал каттароқ бўлган қоплон итга нисбатан ғанимлиқ сезмай, ортидан **соядай эргашиб юрарди** (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Хасталик **соя янглиғ** Миртемир билан изма-из юрганига қарамай, шоир яшаш ва ижод қилиш учун куч топишга интилди (Н. Каримов. Миртемир). Мен унинг изларидан юрдим **соядек**. ...Ойбек юрган йўллардан ўтаман яна (Ж. Камол. Тоштуғён). Муҳаббат кўчасига кириб, мен у зотни бир йил севдим. Бир йил орқасидан **соядек** ношудларча *эргашиб юрдим* (Э. Аъзамов. Отойининг туғилган йили).

2. Шарпасиз ҳаракат қилмоқ, шарпасиз ҳолатда бўлмоқ.

Илёс хонадан **соядек** чиқиб кетди (И. Зойир. Қисмат ўчи). У **соядек** сирғалганича, ўзи ишлайдиган хона эшигини очди (О. Мухтор. Эгилган бош). Оқшом... Тун **соядай** келади жимжит, Ҳар дам бир умрдай сезилади зил (Миртемир. Қиз). Ҳазрат Низомиддин мақсадга ўтишдан олдин бир оз иккиланди. Кетида **соядек** турган Низом «Эҳтиёт бўлинг, синамаган кишингизга сир берманг!» деб шивирлади (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Боласининг товушини эшитибдими, Аҳмад бригадирнинг хотини сулага **соядек** шарпасиз келди (С. Нурув. Нарвон).

## СОҚОВ

(ХУДДИ) СОҚОВДАЙ (КАБИ)

*Миқ этмаслик, тамоман жим, сассиз-садосиз қолмоқ.*

Рухоний худди соқовдек миқ этмай ўтирибди (С. Афлогуний. Гумроҳлар). Соқов каби миқ этмайдиган сардордан хафсаласи пир бўлиб изига қайтди (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Лекин миқ этмасди, албатта, куёв соқовдай жим бўлгач, келин нима ҳам дерди? (Қ. Кенжа. Илаҳмон тоши). Абдушукур махдум «нега» деб сўрамади. Худди соқовдай мўлтираб турган қизчасининг пешонасини силаб... деди (Й. Сулаймон. Армон). Кел, соқовдек турма, сайрона бўлайлик, Бир-бирова шаъму парвона бўлайлик (А. Обиджон. Безгакшамол).

## ИТ ҚУВГАН СОҚОВДАЙ

*Югурмоқ, ҳаллосламоқ, ҳовлиқмоқ, қочмоқ. Салбий муносабат ифодаланади.*

Чойхоначи чирокни пуфлаб чиқиб кетгач, кун бўйи ит қувган соқовдек югуравериб, чарчаган эканмиз, гапиришга ҳам ҳолимиз келмай қотиб ухлаб қолдик (Х. Тўхтабоев. Беш болали йигитча). Ит қувган соқовдек ҳаллослаб кирганимни кўриб, бир нафас қангу манг бўлиб қолди (Х. Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлақати). Бирпасда бозорнинг чеккасига чиқиб, ит қувлаган соқовдай нафасимиз оғзимизга тикилган, орқамизга қараб-қараб кета бошладик (Ғ. Гулом. Шум бола). Ҳа, Мирза, ит қувган соқовдек бунча ҳовлиқмасанг? – сўради Ҳамдамбой (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши).

## СОҚЧИ

(ХУДДИ) СОҚЧИДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ғоз турмоқ, тик турмоқ, ҳушёр турмоқ, шай турмоқ. Зийрак ҳолатда бўлмоқ, аскарый ҳаракат қилмоқ.*

Бўтабой ака қўштиг милтиқни кўтариб, худди соқчидай ғоз турар, Мирҳайдар унинг оёғи остида дам-бадам ўқчиб ётар эди (А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари). Илиб қолган тошлар орасидан чиққан юмронқозиклар орқа оёқларида соқчидек тик қотиб турардилар (С. Аҳмад. Жимжитлик). Биримиз кўчада, биримиз ҳовлида, ҳаммамизнинг кўзимиз осмонга тикилган – постда турган соқчидек ҳушёр турибмиз (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). Қулоқларида бодомой – арабак исирға, сийнасида зебигар-

дон, манглайдўзи эса пайваста қошларини парвоздан сақлашга кўйилган **соқчидек шай турибди** (С. Сиёев. Аваз). Радиодан гапириши лозим бўлиб чақирилган кишиларни ҳам ўзи наstdа хўмрайганча кутиб олнб, **худди соқчидек** уни олдига солиб чиқар эди (Ш. Холмирзаев. Ўзбек бобо).

## СОҚҚА

### СОҚҚАДАЙ

*Думалоқ, дум-думалоқ.* Кўпроқ кўз ҳақида.

Бувимнинг кўзлари чақчайиб, **соққадай думалоқ** бўлиб кетди (Э. Раимов. Ажаб қишлоқ). Эр икки кўзини **соққадек дум-думалоқ** қилиб, «вой-бўй» деб юборганини билмай қолди (С. Аҳмад. Тамом, давоми йўқ). Унинг **соққадай** кўзлари айёрона ўйнаб турарди (А. Кўчимов. Бойчечак).

## СУВ

### СУВДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Ичмоқ, билмоқ.* Пухта эгалламоқ, бемалол гапирмоқ, тўла ёд олмоқ, мукамал, миридан-сиригача билиб олмоқ,

Кейин Ғози абзий деган татар бола ҳам бор, татар бўлгани билан ўрисчани **сувдек ичади** у, шерикларим кўз юмиб очгунча икковларини оёғини ерга тегизмай олиб келишди (Х. Тўхтабоев. Беш болали йигитча). Акбаржон ҳам ҳиндийчани **сувдек билур**. Фақат унинг атрофида... одамни бузадиган ёмонлар кўп (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Ўзбекчани **сувдек биладиган** бу ажнабий қаёқдан пайдо бўлди? (Ў. Ҳошимов. Америкага саёҳат). Товба қилдим... Оғзида илми билан ёлғонни **сувдай ичади-я** (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Ҳай-ҳай, қизим, пахта илмини **сувдай ичган** одам ҳам шундай қиладими? – деб куюнди Яхшибоев (М. М. Дўст. Лолазор). Қуръонни бўлса, **сувдай** ёд билиб олдим. Атрофда менинг олдимга тушадиган қори йўқ эди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

2. *Оқмоқ, ўтмоқ.* Вақтнинг тез, жадал кечиши ҳақида.

Одам умри ҳам худди шу **сув каби** жуда шитоб **оқиб** ўтиб кетаркан. (Н. Жалололиддин. Умар Хайём). Қара-я, кунлар **сувдай ўтиб кетавераркан**. Бугун кўрган болачанг эртага бўй чўзиб, йигитга айланиб турибди-да. (И. Зойир. Қисмат ўчи). Айланади чархпалак, гулдирайди тегирмон, Умр **ўтар сув каби**, буғдой мисол тўкилар (И. Мирзо. Рамазон). Ҳаёт оқар **сув каби ўтаверар экан** (А. Абдуллаев. Дард). Икки йил ҳам оқар

суддай ўтди-кетди (А. Жўраев. Кўзмунчок). Кунлар ҳам суддай ўтаверар экан, ҳаш-паш дегунча бир ой ўтиб кетиб, амакимиз қарз қисташга тушадилар (А. Абдуғафуров. Аччиқ йўтал). Суддай оқар умр бекорми, Не етишмас? Саволлар оғир (О. Суюндиқова. Бой одам).

3. *Оқмоқ*. Ҳисобсиз даражада келмоқ, муайян жойга тўпланиб келмоқ. Одамлар, бойлик, фойда ва шу қабилар ҳақида.

Эшон бобо худойимнинг севган қули, нозу неъмат тўрт томондан суддай оқиб туради (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Барча-нинг Темур томон сувдек оқиб келаётганини кўрган амир Ҳусайннинг Қундуздаги вакили Ўлжайту ҳам иқбол куёши порлаб чиқаётган буюк султон ҳузурига ошиқди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Ана ўшанда Садриддин Меҳриддиновни бугун менсимай юрган душманлари куйиб кул бўлади. Ана ўшанда Садриддин Меҳриддиновга пул суддай оқиб келади (А. Йўлдош. Юлдузнинг йўли).

#### СУВ ҚУЙГАН (СЕПГАН)ДАЙ (КАБИ)

*Жимжит*; *жимжит* бўлмоқ. Тамоман сукунат огушида бўлмоқ; кўпроқ жой-макон ҳақида.

Бу пайтда нонвойлар нон ёпишга, ҳолвафурушлар ҳолва, сом-сапазлар сомса, кабобпазлар кабоб пиширишга киришар, ҳаво иссиқ нон ва сомса, пиёз ва кабобнинг тутун аралаш аччиқ ва хушбўй хидига тўларди. Ҳозир эса дўконлар берк, ҳаммаёқ сув қуйгандай *жимжит* (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Сув қуйгандек *жимжит* уйда аллақайси эшикнинг қирс этиб ёпилгани аниқ-тиниқ эшитилди (Х. Дўстмуҳаммад. Шабада). Жума кунлари қурилишда иш тўхтар, ҳаммаёқ сув қуйгандай *жимжит* бўлиб қолар эди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Боядан бери сув қуйгандек *жимжит* бўлиб турган синфхонада тўсатдан қаҳқаҳа портлади (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Бахтига гузар сув қуйгандек, одам боласи кўринмайди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Синф сув сепгандай *жим* бўлди-қолди (М. Ҳазратқулов. Таътил кунлари). Саҳарлик ейилиб, оғиз ёпилиши билан атрофда сув сепгандек сокинлик бошланади (Шукрулло. Тирик руҳлар).

#### УСТИ (БОШИ)ДАН СОВУҚ (МУЗДАЙ) СУВ ҚУЙГАНДАЙ

*Сесканмоқ*, *титрамоқ*. Кутилмаган, бирдан бўлган таъсирдан ноқулай ҳиссий ҳолатга тушмоқ.

Нималар деяпти ўзи, деб эсим оғиб қолди, устимдан муздай

сув куйгандай бўлди (Х. Назир. Ёнар дарё). Устимдан муздек сув қуйиб юборгандек бўлди (Б. Исмоилзода. Ширин ва армонли кунлар). Бир дўхтир буни секин қулоғимга айтганида, бошимдан совуқ сув қуйиб юборгандек *титраб кетдим* (И. Зофир. Қисмат ўчи). Бошимдан бир челақ совуқ сув қуйилгандек *сесканиб кетдим* (Ш. Отабек. Тақдир сўқмоқлари). Мен турган жойимда серрайиб, устимдан совуқ сув қуйиб юборгандай қотиб қолдим (Х. Дўстмуҳаммад. Ҳашарчилар).

#### СУВ БИЛАН (ВА) ҲАВОДАЙ (КАБИ)

*Зарур, зарур бўлмоқ.* Жуда ҳам керакли бўлмоқ, ҳаётий эҳтиёжга айланмоқ.

Хунар ҳар қандай кишига сув билан ҳаводай зарур (Лайлак келди – ёз бўлди). Уларга ётиғи билан муомала қилиш, эшигини қоқиб бориб, ҳолидан хабар олиш, икки оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтариб қўйиш сув билан ҳаводек зарур бўлиб қолганди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Сени яна учратганимдан, ўзим билган Шердилни учратганимдан бошим осмонга етди, Шер! Ҳаётда одамга дўст сув билан ҳаводек зарур бўларкан (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Нахотки, Баҳор унинг учун сув ва ҳаво каби биринчи ҳаётий эҳтиёжига айланиб қолди? (А. Абдуллаев. Дард). Бу борада қудратли иттифоқчилар сув ва ҳаводек зарур (Ғ. Каримий. Темирчилар исёни).

#### ИККИ ТОМЧИ СУВДАЙ

*Ўхшамоқ; ўхшаш.* Бир-бирига жуда ҳам ўхшамоқ; асосан, одамлар ҳақида.

Салима улғайган сари онаси Гулранг бегимга икки томчи сувдай *ўхшайдиган* гўзал қиз бўлиб бормоқда эди (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Кўклам эшикни очганида остонада бир-бирига икки томчи сувдек *ўхшаш*, ёш эгизаклардек бир хил кийинган, қадди-басти бир хил ўрта ёшлардаги икки нафар эркак, уларнинг ортида атлас қўйлакли жувон турарди (Х. Дўстмуҳаммад. Жажман). У отаси билан амакиси тўғрисида, икки томчи сувдек *ўхшаш*, деган гапни эшитганди (О. Мухтор. Эгилган бош). Ана шунда қора туйнукдан бир жуфт баҳайбат ҳовуч кўринди... ҳовучлар ичкарига суқилиб кирди-ю, улардан ҳозиргина базўр, минг бир азобда ўлдирилган Жажманга икки томчи сувдек *ўхшаш* бошқа бир Жажман сакраб ерга тушди, фақат у олдингисидан хийла дуркунроқ – бўйи икки қарич эди...

(Х. Дўстмухаммад. Жажман). Мақбара ҳозирги Бобур миллий боғининг кифтида қад ростлаган рамзий қабр-марқадига **икки томчи сувдай ўхшаш эди** (Қ. Кенжа. Буюқлар изидан). Лекин у ким бўлганда ҳам бир топиб, сўнг йўқотган жигаргўшамнзга **икки томчи сувдек ўхшаб кетмоқда**, унга алоқадор кўп тарихларни ёдга тушириб, бошим ўзимга хуш ёқадурган тарзда айланнб-айланиб бормоқда эди (М. Мансур. Жудолик диёри).

#### ЎТ БИЛАН (ВА) СУВДАЙ (КАБИ)

Қарама-қарши, бир-бири билан ҳеч ҳам келиша олмайдиган даражада зид.

Энг яқинларимдан, синаганларимдан бошлайман. Бу ишда шошқалоқлик, енгиллик ярамайди. Мана Қоратой. У жамики тўраларга, жамики бойларга **ўт билан сувдай**. (Ойбек. Қутлуг кон). Илгарилари **ўт билан сувдек** бўлган кундошлар энди сирдош бўлиб, чекка-чеккада пичирлашадиган бўлдилар (А. Мухтор. Опа-сингиллар). Иккита бухороликнинг **ўт билан сувдай** келишолмаслиги Салимни ҳам ҳайратга соларди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). **Ўт ва сувдек** муросасиз икки лашкар бир-бири томон ёпирилди (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси).

#### СУПА

#### СУПАДАЙ

Катта, *кенг*. Кўпроқ елка, яғрин, шунингдек, харсангтош, ўрин-жой кабилар ҳақида.

Бир жойда (ҳайкаллардан) каттасининг бўлаклари ётган экан, этикнинг ўзи қайрағочдай баҳайбат, елканинг ўзи **сунадай**, каллани шу ерга кўндиришса керак-да (А. Аъзам. Гўзаллик кирралари). Бу ерда домла яхши кўрадиган ажойиб жойлар бор: тошлар орасидан ўсиб чиққан наъматак буталари, қуёшда қизиб ётган **супадай-супадай** харсанглар (А. Мухтор. Қора домла). **Супадек кенг** ва ясси харсанг четида кўлидаги таёққа ияк тираб ўтирган Бозоркул йўталиб ўзидан дарак берди (Н. Норқобилов. Тогдаги ёлғиз одам). Шундай қилиб, Ҳазрат Алимиз мункиб йиқилган, елка, яғрини **супадай**, бир элни кўтаргулик саман отларини бир силтаниб кўтариб оёққа тургизибдилар-у, ҳайрон қолган оломонга қараб бир сўз дебдилар (Х. Худойбердиева. Юрагимнинг оғриқ нукталари).

## СУПРА

### СУПРАДАЙ

Кичик, арзимаган сатх; асосан, жой ҳақида. Баъзан «одатдагидан *катта*» маъносида ҳам (қулоқ, уя кабиларга нисбатан) қўлланади.

Клубнинг **супрадай** жойини ҳам қолдирмай гиламлар ва гулдор кигизлар тўшалди (Й. Сулаймон. Армон). У икки кунгача гоҳ уй ичида, гоҳ **супрадай** ҳовли бетида айланди, аммо кўча эшик остонасидан ҳатламади (Й. Сулаймон. Армон). Сўнг филнинг **супрадай катта** қулоқларига тиззалари билан ниқтаб, ...тўп ортилган араваларга қараб кетди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Бола дарахтни кўриб анграйиб қолди: чинорнинг тарвақайлаб ўсган шохида **супрадек каттакон** уя қорайиб кўринар, уяда эса оёғи, тумшуғи узун бир қуш турар эди (Ў. Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар). Аммо бувижоним ... бу киши келганларидан буён қулоқларим чўзилавериб, ҳар биттаси **супрадай** бўлиб кетди-я (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб).

## СУРАТ

### СУРАТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қотмоқ.* Ҳайрат, кўркув ва шу каби таъсирлар натижасида тамоман ҳаракатсиз ҳолатда бўлмоқ.

Аммо дарвозанинг зулфини кўлига олди-да, тақиллатиш ўрнига бир нафас **суратдай қотди** (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Қутидор **суратдек қотиб қолди**, Отабек бўлса ўзидаги ҳаяжонни куч ҳол билан тарқатишга тиришар эди (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Қумрибуш кутилмаган бу гапдан оқарди, кўкарди, **сувратдек қотиб**, деворга суялиб қолди (Чўлпон. Қор қўйнида лола). Қизишиб кетиб анча-мунча ўринсиз гапларни айтиб юборганимни кейин пайқадим. Аммо у заррача парво қилмади, юзида нимтабассум, **суратдек қотиб тураверди** (Э. Аъзамов. Отойининг туғилган йили). Алимардон **суратдай** жонсиз бўлиб қолган, кўзлари ўтдай ёниб, уларга тикилиб турарди (Ў. Ҳошимов. Баҳор қайтмайди). Йўқ, мажусий эмас эрдим, лекин **суратдай қотдим**, Биродарлар, бундай гўзал келмагай ҳеч дунёга (А. Орипов. Ереван кўчасида).

1. *Оқ, оппоқ, Ўта* тиниқ шундай ранг ҳақида.

Бунақа чиройли қизни умрим бино бўлиб кўрмаганман! Қаламда тортилгандек қошлари, ёниб турган қоп-қора хумор кўзлар, *сутдай оппоқ* юз, ингичка иягидаги митти холи, ангишвонадек оғзи – ҳаммаси атайлаб чизиб қўйилган суратга ўхшайди (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Димишққа етмасдан ўнг қўлдаги яланглиқда «Боғи жаҳон» кўринди. Баланд девор билан ўралган улкан боғ ўртасида *сутдай оппоқ* кошона кўзга чалинди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Тоққа калин қор ёғди. Ҳаммаёқ *сутдай оппоқ* (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Ҳозир ўзи гаплашган йигитнинг қиёфасини кўз олдига келтирди: ёши қирқда, лекин нари борса, ўттизлик кўриниши бор... тўқ ранг костюму *сутдай оппоқ* кўйлақда (М. М. Дўст. Лолазор).

2. *Ойдин, оқ, ёруғ; ёритмоқ, ёришмоқ.* Тун, кеча, тонг, ой кабилар ҳақида.

Ярим кечаси энам ҳовлига чиқибдилар. *Сутдай ойдин* кеча экан (М. Ҳазраткулов. Таътил кунлари). Тун носбони – ой тўлиб чиққан, кеча *сутдек оқ* (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Улар неон чироклар *сутдай ёритиб турган* йўлақдан гўё қадамини санаётгандай бир-бир босиб боришарди (М. Ҳазраткулов. Кўккўл). Шоҳимардон, мунча ҳам хушхон экан булбулларинг, *Сутдек ойдин* кечаларда жон экан булбулларинг (Ж. Камол. Шоҳимардон булбуллари). Бундай пайтларда Бобур ўрнидан туриб кетар, *сутдай ойдинда* шарқираб ётган сой бўйига тушиб борар ва субҳидамгача соҳил ёқалаб гоҳ асабий, гоҳ паришон кезиб юрар эди (Х. Султон. Бобурийнома). Пўлат чол қорни шишиб кетган эчкиларни ҳайдаб келганда Байна момони уйдан тополмади: у алламаҳал, ой атрофни *сутдай ёритганда* шарпадай кириб келди ва уйга кириб кетиб, то миршаблар сўраб келмагунча уйдан чиқмади (Н. Эшонқул. Шамолни тутиб бўлмайди). *Сутдек тонг ёриша бошлайди* (А. Мухтор. Опа-сингиллар). Ой *сутдек ёруғ* нур сочган оқшомлари узоқ сайр қилардик (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

3. *Оқ, оппоқ, пок, покиза,* тамоман тоза, ҳеч бир айбсиз, барча гуноҳлардан фориғ.

Бирдан-бир ниятим – бул норасо дунёнинг шаккок юмушларидан овлоқ юрмоқ, куним битиб, дорилбакога рихлат этсам, тонгла маҳшар сирот кўпригига *сутдай оқ* бўлиб бормоқдур, болам (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Демак, вазиралик

қора-ю, сиз **сутдай оппоқ** экансиз-да (А. Абдуллаев. Дард). У олифтанинг хушомадларига учганим рост, сиздан гина қилиб адашганларим, уни ҳалол, уддабурон, билағон раҳбар деб, чалғиб юрганларим рост, бироқ... сизнинг олдингизда **сутдай оқман** (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Ул буюк илҳомнинг элга қарзидир, Виждоннинг **сутдай пок** қарори – Ойбек (О. Ҳожиева. Ойбек). Ҳа, шундоқ. Мен ўтган йўл узунроқ бўлгани рост, Оқибатда кенг, донғил, **сутдай оқ** бўлгани рост (Миртемир. Асо). Сиз ёзувчилар, яхши одам деганда, албатта, **сутдек оқ**, мусичадек беозор одамни тушунасизлар (Ш. Холмирзаев. Ўзбеклар). Кулоҳнинг оқ ранги эса она сутнга ишорадир, бундай кулоҳни кийган киши ўзини **сут каби покиза** сезгай (М. Али. Улуғ салтанат).

### ОНА СУТИДАЙ

*Ҳалол, тоза*, пок. Ҳеч бир қалбакилик, ҳаром аралашмаган.

Пулни олмадим, минг марта розиман, сизга **она сутидай** ҳалол бўлсин, деб ўзига қайтариб бердим (А. Қахҳор. Қўшчинор чироқлари). Олис яйловлар ҳиди, номсиз чечаклар ҳиди, **Она сутидай тоза**, маъжундан сирлироқ куч (Миртемир. Қимиз). Мен сизга эҳсон бераётганим йўқ, мулла Бекназар, бу – **она сутидай ҳалол** меҳнат ҳақингиз (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Алалхусус, «**Она сутидек ҳалол**» дейилишида ҳам ҳикмат кўп (С. Эшматова. Таърифига сўз ожиз).

### СУТГА ЧАЙИЛГАН (ЧАЙҚАЛГАН)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Оппоқ*. Асосан, одам, унинг тана аъзоларининг ранги ҳақида.

Яна у фарангистонлик Мария деган **сутга чайилгандай оппоқ** бир гўзални ҳам никоҳига олганини Салим яқинда Алибекдан эшитди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Юзлари **сутга чайилгандай оппоқ**, шунданми, қош-кўзлари яна ҳам қорароқ кўринган фариштасифат Муҳаббат ўтирипти (М. Ҳазраткулов. Чўли ироқ). **Сутга чайқалгандек оппоқ** юзларига, анордек кип-қизил лабларига, нилдек қора қош-кўзларига тикилиб туриб, бирдан шеър айтиб юборган (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Зоҳид Яқин ҳамширанинг қалам қошига, узун-узун киприklarига, **сутга чайилгандек оппоқ** манглайига суқланиб қаради (Х. Дўстмуҳаммад. Жимжитхонага йўл). Елкаси кичик, хипча бел, оёқлари **сутга чайилган каби** мармар ранг (А. Абдуллаев. Дард). Онам раҳматли **сутга чайилгандек оппоқ**, ниҳоятда хушрўй аёл эдилар (Х. Дўстмуҳаммад. Беозор қушнинг

қарғиши). Мирвали унинг қадди-қоматиға, сутға чайилган-дек *оптоқ* юзи, зулукдек қошлариға, чакнаб турган кўзлариға боқиб, жинни бўлай деганди (С. Аҳмад. Жимжитлик).

## СУҚСУР

### СУҚСУРДАЙ

Чиройли, гўзал, келишган. Йигит-қизларға нисбатан.

Илгари ҳам **суқсурдай** қиз эди. Аммо мана шу ўтган уч йил ичида шунчалик очилиб, ўзгариб кетдики, унинг олдида суқсур ҳам ип эшолмай қолгандай. Умуман, негадир гўзалликни суқсурға ўхшатадилар. Суқсур – бу қуш, ўрдакнинг бир тури (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Башор опа Тошкентға серқатнов бўлиб қолибди. Бир куни қош-кўзи қоп-қора, **суқсурдай** йигитни бошлаб кенти (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Пардаев боғчада ошпаз бўлиб ишлайдиган ориқ, лекин чаққон, уддабурон хотинини, тикувчилик қилаётган **суқсурдай** қизини кўз олдига келтирди (Т. Ҳайит. Одамнинг яхшиси). **Суқсурдай** икки ўглингиз бор ахир... (М. Али. Улуг салтанат). ...У пайтлари Туйғуноининг ҳомиладорлиги унча билинмаган чиқар, ўзи **суқсурдай** нарса, Шоди ака уни севиб қолганми, балки бир инсонни хор-зорликда юришиға кўнгли чидамагандир, ўзига турмушға чиқишни таклиф қилади (А. Аъзам. Асқартоғ томонларда).

## СЎК

### ОҒЗИГА СЎК СОЛГАНДАЙ

*Чурқ этмаслик, жим қолмоқ.* Ҳеч нарса демай, товуш чиқармай турмоқ.

Муқаддас эса менинг нима демоқчи эканимни яхши сезса керак, институтдан ўзи бошлаб чиққан бўлса ҳам, энди гап очолмас, **оғзига сўк солгандек чурқ этмасдан** ерга тикилиб борарди (О. Ёқубов. Муқаддас). **Оғзига сўк солиб олгандай уста** жойида *чурқ этмай* тураверди (И. Зойир. Қисмат ўчи). **Оғзига сўк солиб олгандай чурқ этмай** ўтирган Илёс шунчаки бошини сарак-сарак қилиб кўйди (И. Зойир. Қисмат ўчи).

## СЎЛАҚМОН

### СЎЛАҚМОНДАЙ

Жуда ҳам гавдали, беўхшов катта. Асосан, одам ҳақида; кучли салбий муносабат ифодаланади.

«Бечоранинг ичагига юк ҳам бўлмагандир», деб ўйлади Бобо-

қул малла меҳмоннинг **сўлақмондай** гавдасига разм солиб (С. Анорбоев. Оксой). Мансур **сўлақмондай** йигит бўлганида ҳам ўша кичкина эркатойлигидаги одатини қўймай, дадасини «ада» деб атар эди (С. Анорбоев. Оксой). Кейин рақибига ташланмоқчи бўлаётгандай ўкрайди-ю, **сўлақмондай** гавдасини даст кўтарди (Ж. Абдуллахонов. Хонадон). Остонада Азимжон кўринди, у иссиқда ярашмаган беқасам тўнда, шу бўйи билан **сўлақмондай** бўлиб Темирнинг орқасидан эргашиб юрибди (А. Мухтор. Чинор). Қайси бир бекатдан чиққан **сўлақмондек** йигит бўш ўрин қидириб, у ёқ-бу ёққа аланглади (Э. Аъзамов. Бир оқшом). Нимага бундай қилганини ўзи ҳам айтолмайди: бу уйда **сўлақмондек** бўлиб ётишни ор билдими ёки эрталаб негадир Гуляга кўрингиси келмадими, меҳмонимиз сассизгина ван-нахонага кириб юз-қўлини чайди-да, ташқари эшик сари юрди (Э. Аъзам. Шовқин).

## СЎҚИМ

### СЎҚИМДАЙ

Жуда ҳам семиз, боқилган; семиртириш учун атай *боқмоқ*; кап-катта. Объектга нисбатан кучли салбий муносабат ифодаланади.

**Сўқимдай** гавданг билан босқинчилик қилгани уял! – деди Жоникул ота нафратланиб (Шухрат. Умр поғоналари). **Сўқимдек** йигит ишласа ўладими! – дейди қоровул (Мирмуҳсин. Чиникиш). Иккита ўғлим бор, Саидкул, **сўқимдай** *боқилган*, шуларни обориб... бир терлатайлик! (М. М. Дўст. Лолазор). Столнинг нариги бошида **сўқимдек** бир оламушук бакрайиб турарди (Э. Аъзам. Шовқин). Бора-бора узун кириб, узун чиқиб юрган Ёдгорни ўзиям ёмон кўра бошлади. Топиш-тутишининг тайини йўқ «қора рабочий»ни **сўқимдек** *боқиб* ўтириш ота-онасига малол кела бошлади (Ў. Ҳошимов. Қалбингга қулоқ сол). **Сўқимдай** бўлиб, ўт ўришни билмайсанми? (С. Сиёев. Ёруғлик).

## Т

### ТАЁК

#### ТАЁКДАЙ

1. *Тўғри*. Ахлоқ-одоб доирасидан чиқмайдиган, қинғирлик, қаллоблик нималигини билмайдиган ҳалол одам ҳақида.

Йўқ, бу дунёда бола-чақали одамнинг **таёкдек тўғри** бўлиши ёки киройи бир жасорат кўрсатиши мушкул экан (Э. Аъзам. Шоирнинг тўйи). Мақтаниш эмас, пешана шўри – менга муғам-бирлик, сир сақлаш аввалдан битмаган. **Таёкдек тўғри** одамман! (О. Мухтор. Майдон).

2. *Қотмоқ*. Ҳеч бир ҳаракатсиз ҳолатда қолмоқ.

Темир гангиб қолди, ёнидаги аскарлар эса **таёкдек қотган**, нима қилишни, қайққа қочишни билмасди (М. Ҳазратқулов. Чироқ ўчмаган кеча). Билмаганлар сал жиғига тегишса, **таёкдек қотиб қолган** ўнг оёгининг товонини ерга уриб-уриб қўяди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Илонларни кўрган боланинг Ранги бўздек оқариб кетди. Тик **таёқдай қотди** оёқда, Бир лаҳзага йитди ақлу хуш (Х. Раҳим. Говургон).

### ТАНГА

#### ТАНГАДАЙ

Жуда кичик.

Танаси иккита қатга қулочга сиғмайдиган бир туп сада те-варакка **тангадай** офтоб туширмайди (Ойбек. Қутлуғ қон). Ер-да **тангадек** очиқ жой қолмади (Ў. Умарбеков. Олтин япроқлар). Тақир гиламдаги **тангадек** сиёҳ доғига тикилганча ўтира-верди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). **Тангадек** тилла соати-га қаради (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Ҳамиша лиммо-лим, сал қалқиса, қирғоққа чопадиган сувнинг салқини, унинг тиним-сиз шовуллашига ҳамоҳанг шивирлашиб суҳбат курадиган, кўкка бўй чўзган кекса толлар, минг кокилини сувга ёйиб таш-лаган мажнунтолларнинг енгил шабадаси **тангадек** офтоб тушмайдиган шийпон, анҳор ёқалаб қўйилган тахта сўриларда ўтирганларга ором бахш этади (Р. Файзий. Ҳазрати инсон).

## ТАНДИР

(БАМИСОЛИ) ТАНДИРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Кизимоқ, ёнмоқ.* Асосан, ҳаво ҳарорати ҳақида.

Офтоб терак бўйи кўтарилган, гиёҳлари қовжираб, тап-тақир бўлиб қолган дашт **тандирдай қизий бошлаган эди** (О. Ёқубов. Излайман). Кун қиёмга келгани сари **Тандир каби қизир эди** чўл (С. Ҳақим. Олис юлдуз). Осмон боягина феруза шишадек тип-тиниқ эди, ҳозир эса найзага келган қуёш тафтида **бамисоли тандирдек ёнар**, Азиз анҳор лабидаги тарвақайлаб ўсган кекса жийда тагида ёнбошлаб уйдан келтирган бир шиша қатиғини нон билан тамадди қиялпти (Ў. Усмонов. Гирдоб). Пешинга бориб кун **тандирдек қизиб кетди** (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Сал ўтмайин соя излар қушлар ҳам, Ҳаво **қизир тандирдек** (Миртемир. Босириқ тушдай...). Эрталабдан ҳамма ёқ **тандирдек қизиб**, шаҳар кўчаларида барча соядек судралар, киши озгина ором, кўнгли хушликка сув сингари ташналик туяр эди (О. Мухтор. Хотин подшоҳ).

## ТАРАША

(МИСОЛИ) ТАРАШАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Қотмоқ.* Ҳаракатланиш, кимирлаш хусусиятини йўқотмоқ. Кўпроқ тана аъзолари ҳақида.

Фақат кўкрагида ётган қўллари, айниқса, томирлари бўртиб чиққан катта суякдор кафтлари, гарчанд **тарашадай қотиб кетган** ва дағал бўлса ҳам, бурунгидай бакувват ва гўзал кўринади (О. Ёқубов. Видо). Оёқларинг музлаб, белинг **тарашадай қотиб кетади** (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Асадбек «Ёзув ўчиб қолса, навбатдан чиқариб ташлашади», деб кўрқиб, кафтини юммасди, бармоқлари совқотиб, **тарашадек қотиб қолса** ҳам, чидаб турарди (Т. Малик. Шайтанат). Мадали ака қайтиб келди, кўкариб **тарашадай қотган** бармоқлари қалтирар, пешонасида катта-катта совуқ тер томчилари йилтиллар эди (А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда). У гапининг исботи учун **тарашадек қотиб қолган**, букилмайдиган ўнг оёғининг товонини ўтирган жойида ерга уриб-уриб кўяди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Пахтани оламан деса, қуриб, шалдираб ётган чаноклар бармоқларига игнадай санчилади, **тарашадай қотиб қолган** бели чим-чим оғрийди (А. Кўчимов. Қочоқ). Маҳам амаки ўзи сезмаган ҳолда ғужанак бўлиб олган эди, усти очилиб, бели **тарашадек қотиб қолибди** (Н. Отахонов. Шу ерлик киши).

2. *Қотмоқ*. Букилиш, эгилиш, умуман, эластиклик хусусиятини йўқотмоқ; кўпроқ тўқимачилик материалларидан тайёрланган буюмлар ҳақида.

Бехзод меҳмонхона ҳовлисида турган «Москвичи» устидан **тарашадай қотиб қолган** брезентни аранг «ечиб», машинасини ўт олдирди (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ кушлар). Қопларни ташиб бўлган болалар гулханга қараб чопишди, шолғомдай қизариб кетган оёқ-қўлларини, **тарашадай қотиб қолган** пайтаваларини ёниб турган оловга сукишди (О. Ёқубов. Эр бошига иш тушса). Эркиналининг эгни юпун, ўша эски гимнастёрка, **тарашадай қотиб кетган** узун шим, боши яланг (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Ундан шийпон томонга сезилиб-сезилмай, чайқалиб-чайқалмай оқиб келар, дурралар, рўмоллар, **тарашадек қотган** дўппилар... (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Каравондан бериб юборишган бўлка нонлар **тарашадек қотиб ётибди** (Т. Адашбоев. Тогларга термулган хаёл).

3. *Қотмоқ*. Қаттиқ ухламоқ, донг қотмоқ.

Қорасоч эшикни аста очди-да, қоровулнинг **тарашадай қотиб** ухлаётганини кўргач, дадил ташқари йўналди (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). **Тарашадек қотиб** ухлаётган Бозор енгил-елпи жавоб минан қутулмади, охири момосини жеркиб ташлади (Х. Дўстмуҳаммад. Жажман). Куни билан терга ботиб ишлаймиз-у кечаси аёз, юлдузлар жуда кўп бўлади... Жабдукқа бош кўйиб, **тарашадай қотиб** ухлаймиз (А. Мухтор. Бухоронинг жин кўчалари).

4. *Озгин*. Асосан, одам ҳақида.

Даврадагилар орасидан **тарашадай озгин**, бурни сўппайган, кўзлари чақчайган дароз бир йигит ажралиб чиқиб: – Ким айтди? – дея қайталаб сўради (Ш. Бўтаев. Бир кунлик меҳмон). Раиснинг рўпарасида **тарашадек озгин** бир киши турар, афтидан, икковлари қизғин суҳбатлашаётганларида Шерзод кириб, гапнинг белига тепганди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Шундоққина олдимизда **тарашадек озгин**, пешонаси тиришган, тажанглиги афтидан кўриниб турган киши қизил бабақ хўрознинг оёғидан боғланган ипдан тутиб, чўккалаб ўтирар, дам-бадам нос отиб, ўзича аллакимни сўкар эди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

#### ТОМДАН ТАРАША ТУШГАНДАЙ

*Бирданига*, кутилмаганда, тўсатдан; ўйламай-нетмай, кўпол шаклда. Кўпроқ гап-сўз, айрим ҳаракат ҳақида.

**Томдан тараша тушгандек** қилиб сўзланган юқоридаги

гапларга бошда уларнинг иккави ҳам тушунмади (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Йўқ, англади, фақат **томдан тараша тушгандай бирданига** айтилган хабар уни довдиратиб қўйган эди (И. Зойир. Қисмат ўчи). **Томдан тараша тушгандай** берилган бу сўроқдан шофёр ҳам гангиб қолди (М. Ҳазраткулов. Севги сози). Унинг нега **томдан тараша тушгандай** гап бошлагани менга бир оз эриш туюлди (Н. Эшонкул. Қора китоб). Стрилокнинг **томдан тараша тушгандек** қилиб Қисматиллога «сенда ватан ҳам йўқ» дейиши Комилжонни «хитой» қилиб юборган эди (Ш. Холмирзаев. Ўзбек бобо). Гулгина шартта Ботир томонга қаради-да, **томдан тараша тушгандек** пақ этказиб савол ташлади (М. Ҳазраткулов. Кўккўл)..

### ТАРВУЗ

#### ТАРВУЗДАЙ

*Дум-думалоқ, юмалоқ.* Асосан, одам, унинг қорнига нисбатан.

У тилла сочли, **тарвуздай думалоқ**, ўзи лўппигина ва оппоқ момиқдай бир бола эди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Тоға **тарвуздай дум-думалоқ**, шув-шув этиб, нишиллаб юради (С. Сиёев. Ёруғлик). Ниҳоят, **тарвуздек дум-думалоқ** бир киши юриб эмас, думалаб чиқиб келди (Х. Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлаката). Раис ҳам **тарвуздек дум-думалоқ** қорнини силкитиб бир оз кулиб турди-да, тўсатдан соғ қўли билан столни муштлаб: – Жим! – деб бақириб юборди (Х. Тўхтабоев. Беш болали йигитча). У ёш бўлса ҳам, қорни **тарвуздек юмалоқ**, оёқлари ингичка, елкалари тор бир кимса эди (Мирмуҳсин. Меъмор). Бир шоир бўлар эди, **Тарвуздек** қорин қўйган (С. Ҳаким. Афанди).

### ТАРИҚ

#### ТАРИҚДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. Жуда ҳам кичик, майда, арзимаган.

Вой ўлай, Кумуш опа! – деди Зайнаб бўшашган оҳангда. – Чиндан ҳам кўнглингизга олибсиз дейман. Кўнглимда **тариқдек** ёмонлик бўлса, эртагача етмайин (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Кўрдингизми баттол ўлгурни! Закотчилар орасида **тариқдай** инсофи бор одамни кўрмаганмен (Ойбек. Навоий). Қўшалогии пастда, палапонлар ҳам, Хушвақт ўшаларнинг жононлигидан, Хушвақт ўшаларнинг омонлигидан, **Тариқдек** қалбида жаҳондек ишқ жам (Миртемир. Бўзтўрғай). Абил тентак Бўри

полвон авзойида **тариқдай** бўлса-да, ҳайиқиш кўрса бўлди, дархол ҳамлага ўтади (Т. Мурод. Юлдузлар мангу ёнади). **Тариқдай** заминнинг устида беун Яшаб ўтди шундоқ буюк бир юрак (А. Орипов. Номаълум одам).

2. *Сочилмоқ.* Турли томонларга тартибли-тартибсиз тарқалмоқ; одам ва бошқа нарсалар ҳақида.

Ер бўйлаб **тариқдай** *сочилган* инсон, Бир қушнинг олдига келиб тизилмиш. Абасдир бу жойда миллат, ирк, лисон, Замин йўриқлари бунда бузилмиш (А. Орипов. Аллоҳ даргоҳи). Тақдир тақозоси билан ер юзига **тариқдай** *сочилиб кетган* бобурийларнинг авлодлари борми? (Х. Султон. Бобурийнома). Турли томонга **тариқдай** *сочилиб кетган* зиёли одамлар ва толиби илмлар яна Ҳиротга йиғилиб кела бошладилар (П. Қодиров. Шохруҳ ва Гавҳаршод). Бечора қизнинг бутун бу ширин хаёллари шу биргина «мингбоши» сўзи келиб чиқиши билан бирваракасига наришон бўлиб сочилади, тўкилган **тариқ каби** ҳар томонга тизгираб кетади (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Ҳамма ёқ гулхан, тўғрироғи, сўнаётган гулханларнинг заиф шуъласи, гўё осмон тўла юлдузлар ўша оқшом ерга ёмғирдай ёғилган-у ҳудудсиз сахрога **тариқдай** *сочилиб кетган* (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Ахир, ҳадемай, бор-йўғи олти ойдан кейин мактаб тугайди, кейин ҳамма чор томонга **тариқдек** *сочилиб кетади* (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Нахотки, умрим **тариқдай** шу китоб саҳифаларига *сочилиб кетган бўлса* (Н. Эшонкул. Қалб тўзони).

## ТАРРАК

### ТАРРАКДАЙ

1. *Қотмоқ.* Қаттиқ уйкуга кетмоқ, донг қотмоқ.

Асли бунинг ҳам чораси бор: кундузи босиброқ ишласам бас, тунда **таррақдай** *қотаман* (М. М. Дўст. Лолазор). Ошга гиёҳ солинган экан, ош еган одамларнинг ҳаммаси **таррақдай** *қотиб қолибди* (А. Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар). Подшога май берган вақтда, ичига уйқусизлик дорисини қўшиб бериб эди; подшоҳ ва гадойдан бошқа кишиларнинг ҳаммаси **таррақдай** *қотиб* ухлаб қолишди (Кулса – гул, йиғласа – дур). «Йўл азоби – гўр азоби» деб шунга айтишса керак-да. Абдулла эрта саҳарда мўъжазгина меҳмонхонага бориб жойлашди-ю, **таррақдай** *қотиб* ухлади (Г. Мамарасулова. Париўй). Чарчаб келган эканми, ичкари кириб **таррақдай** *қотиб* қолди! (Э. Аъзам. Жаннат ўзи қайдадир?).

2. *Қотмоқ.* Тамоман ҳаракатсиз, қимир этмасдан қолмоқ.

Бир култур сувлари йўқлигидан қумга йиқилиб, ҳаммаси **тарракдай қотиб**, ўлиб ётишарди (Лайлак келди – ёз бўлди). Бошимни шундоқ кўтардим-у, ишонсангиз, **тарракдек қотиб қолдим** (Х. Тўхтабоев. Беш болали йигитча). Бир айланиб келса, жонивор ғалати ҳансираяпти, кўп ўтмай хириллашга ўтди, кечга бориб, **тарракдек қотди** (И. Зойир. Қисмат ўчи). Майли, ўзинг деразамни черт, бўлмаса, **тарракдек қотиб қоламан**, – кўлини хавода кўтариб, Ҳамидникига «тарс» этиб уриб хайрлашди Самандар (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Оқбарснинг гапи чала қолди. Дўнгдадан пастга тикилганича, бир зум **тарракдек қотиб** турди. Пичадан кейин ўзига келиб: «Ана у! Қара, қара, кўряпсанми? Бу ўша – кезаргон Бойчечак!» – дея ирғишлаб юборди (А. Обиджон. Кезаргон бойчечак).

## ТАХТА

### ТАХТАДАЙ

*Қотмоқ.* Муайян таъсир натижасида тамоман ҳаракатсиз, кимир этмасдан қолмоқ.

Кетди! **Тахтадай қотиб қолавердим** жойимда. Олапар итимиз ғингшиб этагимдан тишлаб тортади (А. Ибодинов. Кўл бўйида). Шошиб кетаётган Ботир бу соҳибжамолни кўриб, **тахтадай қотиб қолди** (М. Ҳазратқулов. Кўкқўл). Ўгирилиб, бирикки қадам кўйгач, тўхтади. Бошини буриб, **тахтадек қотиб қолган** Шарифга қаради (Т. Малик. Шайтанат). Қизи билан йигитнинг шармандали ҳолатини кўриб, **тахтадек қотди** (Т. Малик. Шайтанат). Аброрнинг қисматини эшитгач, **тахтадек қотиб қолдим** (О. Мухтор. Эгилган бош). Ана у киши нимага ишламаяпти? – деди у ёзув столи ёнида **тахтадай қотиб турган** Олтинчига ишора қилиб (А. Мухтор. Чодирхаёл).

## ТЕЛБА

### ТЕЛБА(ЛАР)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Ғайриодатий, нормал одамга хос бўлмаган ҳаракатлар қилмоқ, ноодатий ҳолатларда бўлмоқ.

Хона ичида **телбадай** тебраниб судралар, муштларини қисиб, «Ишқилиб, кулаб тушмасам бўлгани», дея пичирларди лаблари (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). **Телбадек** сапчиб ўрнидан турди-ю айвон томонга чекинди (С. Аҳмад. Қорақўз мажнун). Рукниддиннинг бағри ёнар, нима қилишини билмай, кўчаларда у ёқдан-бу ёққа **телбадек** югурарди (Мирмуҳсин. Темур Малик).

Ненидир излайман, Бўзлайман, **телбадек** ўзимча Сўзлайман (Қ. Дехқон. Шеърят). Бас қилинг!.. – **телбалардай** ўкириб ўрнидан турди Анзират (Н. Эшонкул. Уруш одамлари). Рукниддин Зеболар эшигида анча вақтгача **телбалардек** серрайиб туриб, кейин яна орқасига қайтди (Мирмуҳсин. Темур Малик). **Телбадек** йўлдин адашдим, қайда карвоним кетур (А. Жумабоев. Ёр истаб).

## ТЕМИР

### ТЕМИРДАЙ

1. *Қаттиқ; чидамли; бақувват, кучли.* Муайян таъсирдан ўзгармайдиган, ортиқ куч билан таъсир қилиши мумкин бўлган нарсалар ҳақида.

Қайиш бўлгандаям бегона эмас, ўз отининг юганидан қирқишган. Сиқиб ташланганидан **темирдай қаттиқ** эди, ёмғир еб юмшади (Б. М. Али. Кўктўнлилар). У бургутга, аникроғи, унинг эркин парвозига ҳавасланиб боқаркан, бирдан ўнг билагида, сўнг чап билагида **темирдек қаттиқ** панжаларни сезди (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Сенга тегишли, ammo... сен **темирдай чидамли** йигитсан, бу чатоқликка бардош берасан-да. Бошида чақилган чакмоққа бардош берадиган йигитни роса йигит дейман (Ойбек. Қутлуғ қон). Туёқларинг **темирдек**, Бошокни еб семирдинг. Тоғ-тоғ буғдой сомонни Бир пешинда емирдинг (Лайлак келди – ёз бўлди). Дониёрнинг юзига олов иссиғи урилса-да, назарида ўлик совуқ лаблари билан унинг юзларини ялагандай туюлди-ю, тошқин бир қўрқув билан чекинмоқчи бўлди. Лекин икки йигитнинг **темирдек** панжасидан чиқа олмади (Т. Малик. Шайтанат).

2. *Қаттиқ, мустаҳкам,* қатъий, барқарор, ўзгармас. Эътиқод, ирода, интизом каби маънавий-руҳий тушунчалар ҳақида.

Курашда **темирдек қаттиқ**, базмда мумдек мулойимсиз (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Имом ал-Бухорий диний ва дунёвий эътиқоди **темирдек мустаҳкам**, илм-маърифат нури билан инсониятга эзгулик қилган алломадир (З. Ғофуров. Маънавий юксалиш ва ҳуқуқий баркамоллик). У ўз кучи, қудрати ва салоҳиятига, **темирдек мустаҳкам** иродасига қаттиқ ишонарди (Ш. Улуғ. Фақат сен йиғлама...). Султон лашкарлари орасида **темирдек** интизом ўрнатди ва қўшинни беш қисмга бўлди (Ш. Улуғ. Фақат сен йиғлама...).

## Т Е П А

### ТЕПАДАЙ

Жуда катта, йирик. Одамнинг танаси, елкаси, кифти ва шу кабилар ҳақида.

Алпомиш чодирда ўтириб эди, шундай қаради, ҳар қалмоқлар келяпти, калласи қападай, танаси **тепадай**. (Алпомиш). Генерал унинг устидаги оқ ятакка, ёлдор кўксига, **тепадек** кифтига, икки қават белбогига, ағдарма этигига, осиб олгани – жез пойнакли пичоғига ҳам мароқ билан қаради (Мирмуҳсин. Тунги чакмоқлар). Арслоннинг ...қадок қафтлари, **тепадек** кўкси фарёд чеккандай бўларди (Мирмуҳсин. Яширинган куч). Саркарда Темур Малик бу девқомат, елкалари **тепадек**, қорамағиз, калин мўйлаби ҳам ярашиғлиқ йигитга қараб туриб, завқи келди (Мирмуҳсин. Темур Малик).

## Т Е Р А К

### ТЕРАКДАЙ

*Баланд, новча, узун.* Кўпроқ одамнинг бўйи ҳақида.

Туя жунидан тўкилган оқ чакмон ичида унинг куриган **теракдай баланд** бўй-басти яна ҳам баландроқ кўринар, бирдан чарақлаб кетган қисик кўзларида, бутун важоҳатида илгариги куч, илгариги иқтидор барқ урар эди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Узини агроном қилиб кўрсатиб юрган бу шахс, аслида, шаҳар жиннихоналарининг биридан қочиб келган кимсадир. Бўйи **теракдек новча**, ўзи игна ютгандек озғин, юрганда бир оз оқсаб юради (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). Тентак, – деди дадам аччиғи чиқиб, – мана шунақа бемаъни ишларнинг кетидан қувиб, бўйинг **теракдек** бўлса ҳам, ўқишни битира олмай юрасан (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). «Туя» амаки ниҳоятда жиддий қиёфада **теракдай** гавдасини ғоз тутиб, ховлидаги одамларга мурожаат қилди (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси).

## Т И К А Н (А К)

### ТИКАН(АК)ДАЙ

1. *Қадалмоқ, ботмоқ;* қаттиқ. Одамнинг танаси, тана аъзола-рига ботиб, жисмоний азоб бермоқ, шундай таъсир қиладиган.

Қовжираган чаноклар бармоқларига **тикандай қадалади** (А. Кўчимов. Ўғил). Товонимга чақир **тиканакдай ботгувчи** – ғашлик, Бедаво сизловикдай сизлатгувчи – ғашлик (Миртемир. Ғашлик). Леся жавоб ўрнига, Отанинг бўйнидан қаттиқ

кучоқлаб, юзларидан ўпди, кейин **тикандек ботган** мўйловига тикилиб туриб, кўли билан ушлаб кўрди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). У оёқ учида чўзилиб, дадасининг кўкариб турган **тиканакдек** соқолли юзларини силади (А. Мухтор. Бўронларда бордек қаловат).

2. **Қадалмоқ, санчилмоқ.** Одамнинг кўнглига огир ботмоқ, унга руҳан азоб бермоқ.

Лекин отасининг сўнги сўзлари унинг дилига **тикандай қадалиб** қолганди (П. Қодиров. Шохрух ва Гавҳаршод). Айниқса, камал пайтида ундан жабр кўрган одамларнинг кўзларидаги кудурат Комронга **тикандай санчилади**, қариндош аёллар билан кўришганда Ҳамида бону унга кўзлари тўла мусибат билан шундай тикилдики, Комроннинг кўнгли аллақандай бўлиб кетди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Уч нарса юрагимга **тикандек санчиладур**, азизим, уч нарса! – Сархуш султон юрагини чангаллаб, бетоқат бўлди. – Тўрт юз савдогарни ўлдирганим хато бўлди (Мирмуҳсин. Темур Малик).

3. **Қадалмоқ.** Қаттиқ тикилиб қарамоқ, кўзини узмасдан боқиб турмоқ.

Нега честь бермайсан, сержант? – деди кўзимга **тикандек қадалиб** (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Ғувуллаб кетаётган бошимни кўтариб қарасам, Закунчи менга **тикандек қадалиб турибди** (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Чолнинг қалин қошлари тагига яширинган чағир кўзлари **тикандай қадалиб турарди** (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Домла Шомуродов бир зум, бир дақиқа Жамол Бўрибоев ўтирган жойга **тикандай қадалиб қолди**, сўнг ўзини стулнинг суянчиғига ташлаб, кўзини юмди (О. Ёкубов. Диёнат).

## ТИЛЛА

### (ХУДДИ) ТИЛЛАДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ)

1. **Сап-сарик; саргаймоқ.** Шундай ранг ёки шундай ранга кириш ҳақида.

Сой бўйида **сап-сарик** тилладек кум (А. Мухтор. Опасингиллар). Дарҳақиқат, Ўрик домла ўриқдан гапириб кунни кеч қилса-я! ...«Кал йўлдош»дан солинган баргакни олтингургуртнинг тутунига димланса, худди **тиллага ўхшаб сап-сарик** бўлишини роса тушунтириб кетди (С. Аҳмад. Ўрик домла). – Хўш, қўғирчоғинг қандай бўлишини хоҳлайсан? – Чиройли! Кўзлари кўм-кўк, сочлари **тилладай сап-сарик**, устида оппоқ кўйлаги бўлсин (М. Ҳамроев. Ўйинчоқ – овуначоқ эмас).

2. *Товланмоқ, ялтирамоқ.* Нур таратмоқ, ўткир ёруғ тусда жилоланмоқ. Сарғишга мойил турли нарсалар ҳақида.

Бойчечакнинг сап-сарик япроқлари куёш нурида **тилладай товланиб** кетди (А. Кўчимов. *Бойчечак*). Муроднинг чилласи чиққандан кейин Акбар уни кўришга келди. Салима бегимни кучиб табриклади-да, йўрғакдаги болани кўлига олиб, оқиш юзига ва **тилладай товланган** сочларига қаради (П. Қодиров. *Хумоюн ва Акбар*). Саҳифалардаги йирик-йирик ҳарфлар, хошиясидаги расмлар **тилладек ялтирарди** (А. Кўчимов. *Баланд тоғлар остида*). **Тилладай товланиб** турган япроқлар Оловли йиллардан тутар эсдалик (О. Толиб. *Куз*).

3. *Қимматбаҳо, қадрли, бебаҳо.* Конкрет ва мавҳум тушунчаларга нисбатан.

Шербек ёнидан блокнот, қалам олди. Шу пайт профессорнинг ҳар бир сўзи унинг учун **тилладай қимматбаҳо...** Йўқ, ипакдай майин ғарам-ғарам жун олиш тилсимининг калити эди (С. Анорбоев. *Оқсой шалолалари*). Тирикчилик ташвишлари кетидан югуравериб, униб-ўсган тупроқлари ҳидини унутиб кўйдилар. Хуллас, кўшнижон, ўйлаб кўрсам, мен фарзандларимга илм ўргатибман-у, аммо уларнинг қалбига юрт, Ватан, миллат деган **тилладай** туйғуларни жо қила олмабман (Т. Аҳмад. *Кўнглим гули – набирам*). Чунки ўша кезларда мурч **тилла каби қадрли** бўлган ва бир қоп мурчга эга бўлган киши бой ҳисобланган (К. Маҳмудов. *Қизикарли пазандалик*).

## ТИРНОҚ

### ТИРНОҚДАЙ

Жуда ҳам кичик, арзимайдиган.

Отаси ҳақидаги миш-мишлар синдирди уни, отасининг **тириоқдай** гуноҳи тоғ бўлиб босди бола бечорани (А. Кўчимов. *Ўғил*). Уйда **тирноқдай** ҳам кўмир қолгани йўқ (Э. Раимов. *Ажаб кишлок*). Муз ерга кетмон урсанг, ортга сапчийди, кўчса, **тирноқдек** ер кўчади, лекин майлийди, Маҳам амаки сира огринмасди (Н. Отахонов. *Шу ерлик киши*). Четдан келганга **тирноқдай** нарса ҳам туядай кўриниши тайин (С. Кокілов. *Текширувчилар келармиш*). Кеч бўлганда, кўр ҳассасини йўқотгандай қайга боравуз? – ...**Тирноқдек** норозичиликка ҳам тоби йўқ ҳосилот ўдағайлади (Ҳ. Сатторий. *Соғинч*).

## ЭТ БИЛАН ТИРНОҚДАЙ

Бениҳоя *яқин*, бир-бирдан ажралмайдиган. Асосан, одамлар ўртасидаги яқинлик ҳақида.

Туриб-туриб нашъа қилади одамга – битта шопулбоп тиракни деб **эт билан тирноқдай** икки жўра сан-манга бориб қолишган (А. Аъзам. Ойнинг гардиши). Майли, элим мени кувгинди деб атасин, халқим сиғинди деб билсин, мен ўзимни улар билан **эту тирноқдек** деб биларман (М. Мансур. Жудолик диёри). Тилак тилаш билан дуо қилиш орасида жуда катта фарқ бор. Мен халқимизнинг «Ота-онасига меҳрибон бўлсин» деган дуолари борлигидан фахрланаман. Эҳтимол, шунинг учун ота-она ва фарзанд бир-бирига **эт билан тирноқдай яқиндир** (Ф. Иқбол қизи. Ўзбеклигимдан фахрланаман).

## ТИҒ

ТИҒДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Санчилмоқ, тилмоқ, тилимламоқ, ботмоқ.* Асосан, рухий азоб, қийноқ ҳақида.

Бу гап Мансурнинг бағрига **тиғ каби санчилган** бўлса ҳам, индамади (М. Ҳазраткулов. Атрофда баҳор). Фашист! – деди ярим хириллаб ва бу сўз **тиғ каби** кўксини *тилимлаб* ташлади (Н. Эшонкул. Уруш одамлари). Жафо бағрини **тиғдай тилади**, шодлик кутилмаганда келади, у шуни Элёрдан унсиз тилади (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Бу савол Эшоннинг юрагига **тиғдай ботди** (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Киприги кўксимга **тиғдек ботган** гул, Сенга нима керак яна, эй кўнгил (М. Юсуф. Қизил гул). Бироқ бу фикр бирдан енгил тортиб, ором тилаган юрагига **мисоли бир тиғ** бўлиб *санчилгани* учун домла уни хаёлидан хайдади-да, кўзини юмди (О. Ёқубов. Диёнат).

## ТОВОҚ

ТОВОҚДАЙ

Катта, беўхшов. Асосан, одамнинг юзи ҳақида; кучли салбий муносабат ифодаланади.

Белини икки еридан боғлаган, бети **товоқдай**, семиз киши эшик очди (С. Сиёев. Аваз). У кундан-кун семириб, шишиб кетаётган, юзи **товоқдай** лорсиллаб қолганди (Н. Эшонкул. Қалб тўзони). Бўйни бир томонга қийшайган, қорни кўйлагининг тугмаларини узгудек дўппайган, оёқлари тиззадан икки ёққа тоб ташлаган, бети **товоқдай** (А. Обиджон. Олтин юракли ав-

тобола). Унинг ёшига номуносиб қоринчаси, қирғий бурнию **товокдай** юзига қараб ижирғаниб кетдик (А. Ҳамро. Олотнинг одамлари).

## Т О В У С

ТОВУСДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

1. *Товланмоқ, турланмоқ.* Турли рангларда жилоланмоқ, аксланмоқ.

**Товусдай** *товлангил*, эй, қоши камон, Висол чаманида бўлайлик омон. Айрилиқ ғуссаси ўлимдан ёмон... Қолмайин заррача армон, ўйнасин (Миртемир. Сурат). Дўмбиралик бахши ҳам Тўрғайга жўр оҳ уриб, **Товус янглиғ** *товланмиш* Ширакайф, шўх раққоса (Миртемир. Заранг коса синиғи). **Товус каби** *турланиб*, Сузилади хушрўйлар (И. Мирзо. Девор). **Товус янглиғ** *товланиб* кўклам, Гулларини сочар йўлимга (Б. Бойқобилов. Мени кутинг, юлдузлар). Ўртада бахшилар, таърифи аввалдан ҳинд элига ёйилган Хоразм хофизлари, Самарқанду Бухоро навозандалари хониш айлар. Ҳинд раққослари **товусдек** *товланар* (Э. Самандар. Султон Жалолоддин).

2. *Хиром айламоқ; хиромон.* Нозик, назокат билан қадам ташламоқ, ноз-таманно билан юрмоқ, рақсга тушмоқ.

Ўзингиз *айланг* **товус янглиғ** *хиром*, Шеърятдай тотли бўлсин ҳар таом (Э. Воҳидов. Қорхат). Шу ғала-ғовурли тонгда тонг ҳуснига ҳусн бергулик бир чирой билан, кулоқларида қашқари балдоқ, кўкрагида тилла баргак, хурмойи бўйнида марварид маржон, манглайи устида тиллақош билан, шарқ шоирлари айтмоқчи, **товусдек** *хиромон қилиб* бораётган бу гўзал ёноқлари – эгнидаги лолагул кўйлак товиданми ё энди уйғониб, ўзининг илк зарларини дунё юзига мўл-кўл соча бошлаган дилбар куёш шафақиданми, кип-қизил эди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). **Товусдай** *хиромон* сузар раққоса, Шу кўзлар юлдуздай абадий кулсин (Зулфия. Келинчак).

## Т О В У Қ

ТОВУҚДАЙ

*Қийқиллатмоқ.* Қийнамоқ, азоб бермоқ. Одам ҳақида.

Кўраман кирмаганингни, – деди Бўтабой отланаётиб, – шу қилганингга сеними... бошим омон бўлса, **товуқдай** *қийқиллатиб* олиб кираман (А. Қаҳҳор. Кўшчинор чироқлари).

## ОЁГИ КУЙГАН ТОВУКДАЙ

*Типирчиламоқ, питирламоқ, нотинчланмоқ.* Қаттиқ безовта бўлмоқ, чорасизликдан, иложсизликдан ўзини ҳар томонга урмоқ.

Жувонни кўриб, Шамси Салоҳ кизариб кетди; талмовсиради, негадир **оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди** (Н. Эшонқул. Момоқўшиқ). Саид охун ҳовлиқиб, негадир чопонининг барини силкий-силкий, шундан бошқа сўзга тили айланмай, **оёғи куйган товукдек типирчилаб турар эди** (Ш. Бўтаев. Катта одамнинг дадаси). Мен бора қолай бўлмаса, Сожидахон, – Муродилла **оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди** (М. Ҳазраткулов. Тарози). Сен **оёғи куйган товукдай питирлайверма**. Қумгонингни қўйиб, чойга сув қайнатсанг бас (Т. Малик. Шайтанат). Аммо адолат баъзан кўча-қўйда тутилганида, уни ўйлаб бекорга оромим йўқолиб, **оёғи куйган товукдай тўрт томонга югурган пайтларим кўп бўлган** (О. Мухтор. Эгилган бош). Шамол зўрайиб, дарахтларни силкитган сари, баргларини осмонга пириллатиб учирган сари биз севинамиз. Бой бизларни сўқади, **оёғи куйган товукдай нотинчланади** (Ойбек. Қутлуг қон). Чикқач, **оёғи куйган товукдек тўрт томонга югура бошладим** (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Эрталаб ҳамма **оёғи куйган товукдай** зир югуриб қолди (М. М. Дўст. Лолазор).

## Т О Й Л О Қ

### Т О Й Л О Қ Д А Й

Жажжи, эркатой. Ёш бола ҳақида.

Бирининг елкасида кетмон, бирининг қўлида урушдан олдин туғилган, **тойлоқдек** бўлиб қолган боласи... (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Тўққизинчи синфга кўчганимизда Ғойибжон **тойлоқдай** бола эди, – деди Қумри (М. Жўра. Изтироб). Дарахтни бир тепсанг, юзта қиз ёғилади-ю, бу йигит ўлгур мана шу жувонни оламан дейди! Орқасида **тойлоқдай** боласи бўлмасаям гўргайди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Лўмбоздек бўлиб қолганимда ҳам **тойлоқдек** қилиб, опичиб юрдим. Ана шундай қилиб, бошимга чиқазиб олдим (С. Аҳмад. Куёв). Эртаси бўлса, хотиним **тойлоқдай-тойлоқдай** иккита ўғил туғиб берса бўладими? (А. Эргашев. Хиёнатни кечириб бўлмайди).

## ТОЙ ЧОК

### ТОЙЧОКДАЙ

*Гижингламоқ, шаталоқ отмоқ, ўйноқламоқ, иргишламоқ;* шўх, ёқимтой. Ёш болалар ва машина, сув, сой каби ҳаракатли нарсалар ҳақида.

Ҳозир **тойчоқдай** *гижинглашиб* юборамиз (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Ур-ре-э-э! – у бойчечакни кўлида ҳил-пирашиб, **тойчоқдек** *шаталоқ отиб* чопар эди (А. Кўчимов. Бойчечак). Қишлоқнинг паст томонидан тошдан-тошга урилиб, яйловдаги **тойчоқдек** *ўйноқлаб* катта сой оқади (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). **Тойчоқдекки**на неваралари бор эмиш. Ўғли эсли-хушли, юмшоқ супургидеккина эмиш (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Бензин келмаяпти, шекилли, хавотирланма, Фима, машина янги, балки карбюраторга бирон нима тиқилиб қолгандир. Очиб, бир пуфланса, **тойчоқдек** *иргишлаб*, чопиб кетади (Т. Малик. Шайтанат).

## ТОК

### ТОК УРГАНДАЙ

*Санчимоқ, сесканмоқ, кутилмаган қаттиқ таъсирдан турли ҳаракатлар қилмоқ, турли ҳолатларга тушмоқ.*

Жувон **ток ургандай** *санчиб тушиди* (С. Сиёев. Ёруғлик). Йигиталининг оғзидан келаётган кўланса ҳиддан унинг қаттиқ маст эканлигини сезган Назира **ток ургандай** *санчиб* ўрnidан туриб кетди (Д. Нурий. Осмон устуни). **Ток ургандай** кўлларини тортиб олиб, пул-ордерни тепиб юборибди (А. Жўраев. Тегирмон қаршисидаги уй). Йигит ҳам, қиз ҳам худди **ток ургандай** ўзларини икки ёнга олишди ва бундан ўзлари кулиб юборишди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Аҳмад бу гапни сира кутмаган эди, **ток ургандек** эти жимирлашиб кетди (Ф. Мусажонов. Ҳиммат). Зухра... эшикка келганда, электр **токи ургандай** орқасига тисланди (С. Зуннунова. Янги директор).

## ТОЛ ЧИВИК

### ТОЛ ЧИВИКДАЙ

*Нозик, ингичка, хипча, бежирим. Бел, қомат, умуман, ёш йигит-қизлар ҳақида.*

Али Қушчи ҳовлига кирганда ўнг томондаги уйнинг эшиги оҳиста очилиб, бошида тўқ ҳаворанг ипак рўмол, эгнида

тўпигига тушган хаворанг шойи кўйлак, оёғида учига ёқут кадалган бежирим кобулий кавуш, **тол чивикдай нозик** бир киз кўринди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Бўй-басти келишган, мўйлови эндигина сабза ура бошлаган, **тол чивикдай нозик** бу йигитчада ўз элининг ҳамма фазилатлари – мулойимлиги, меҳнатсеварлиги, камтарлиги юз фоиз мужассам (О. Ёқубов. Кўхна дунё). Назаримда, хонам, наинки хонам, бутун жаҳон ажиб бир нурга тўлгандай туюлди-ю, кизнинг илтижоси ёдимдан чиқиб, **тол чивикдай ингичка** эгик белидан кучдим (О. Ёқубов. Қайдасан, Морико?). Кўзи юмилган заҳоти хаёлида Розик гавдаланар, дам **тол чивикдай нозик** қомати ... эсига тушиб, бутун вужуди ловуллаб кетарди (О. Ёқубов. Тилла узук). **Тол чивикдай нозик** қоматли қиз гоҳ хандон ташлаб кулади, гоҳ қийқириб дарахт орқасига яширинади (С. Сиёев. Райҳон).

## ТОЛҚОН

### ОҒЗИГА ТОЛҚОН СОЛГАНДАЙ

#### *Айнан ОҒЗИГА СЎК СОЛГАНДАЙ*

**Оғзингга толқон солгандай миқ этмай** юрасан! (Т. Мурод. От кишнаган оқшом). Нонушта пайтида ҳамма **оғзига толқон солгандай жим** ўтирди (Н. Гуломова. Шаҳарлик келинчак). Тўхта, – дедим, – сен барини мендек билгансан, фақат ичингга ютгансан, шундайми?! – деб терговласам, у **оғзига толқон солгандек жим** (А. Исмоил. Аборт). Оқсоқоллар **оғизларига толқон солгандек жим бўлиб қолишди** (Ғ. Каримий. Темирчи исёни). Йўқ, ҳаммасини эмас, сен **оғзингга толқон солгандай миқ этмай** ўтирдинг (У. Ҳамдам. Мувозанат).

## ТОШ

### (МИСОЛИ) ТОШДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, МИСОЛ)

1. *Қаттиқ*. Шундай хусусиятга ортиқ даражада эга нарсалар ҳақида.

Қоратой қишлоқ аҳволи, Йўлчининг укалари ва ҳоказо тўғрисида сўзлашиб, танчадан чой олди, дастурхон ёзиб, арпа унидан ясалган **тошдай қаттиқ** иккита нон қўйди (Ойбек. Кутлуғ қон). Белимни маҳкам тутганидан билдимки, зўр полвон чиқади. Қўллари **тош мисол қаттиқ** (А. Ҳотамов. Айғир кишнаши). Ғадир-будур, **тошдай қаттиқ** ёғочнинг баданга ботиши ва остимиздаги курсиларнинг ночор, аянчли гичирлаб нола қилишларини ҳисобга олмаганда, шоҳона тўшак бўлди

(Х. Султон. Бобурийнома). **Тошдай қаттиқ** девор қоришмасини кўчириб олди (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Қуйи томони яланғоч ер, тахмонда бир эски яшиқ. Унинг устида иккита увада кўрпа, **тошдай қаттиқ**, кир, «шапарак» ёстик (Ойбек. Қутлуғ қон). Ўғлининг елкалари, билаклари **тошдай қаттиқ** эди (О. Ёқубов. Адолат манзили).

2. *Кўнгли (дили) қаттиқ*. Мехр-шафқат туйғуси йўқ одам ҳақида.

Давлатманд одамнинг кўнгли **тошдек қаттиқ** бўлади (Лайлак келди – ёз бўлди). Дилларингиз мисли **тошдек қаттиқ**, балки ундан ҳам қаттиқроқдир, ...баъзи тошлар Парвардигоридан кўрққанидан пораланиб, майда-майда бўлиб кетади. Аммо сизларнинг дилларингиз ҳаргиз таъсирланмайди (Т. Малик. Шайтанат). Бу гўдакнинг кўзларидаги мунг **тошдай** багрингга шафқат солмадими?! (Н. Раҳмат. Буни ҳаёт дебдилар ёки ўғлим Улуғбекнинг кундалиги).

3. *Ботмоқ, қаттиқ тегмоқ*. Ортиқ даражадаги жисмоний ва руҳий таъсир қилмоқ.

Қопни туртиб турган хандалаклар, айниқса, сапчалар бикинига **мисоли** кирра **тошдай ботиб**, суяк-суягини зирқиратиб юборди (О. Ёқубов. Эр бошига иш тушса). Пешона суяги Тохирнинг кўлига **тошдай қаттиқ тегди**, бош бармоғи «қирс» этди-ю, ўткир бир оғриқ миясига чиқиб борди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Лекин дилга **тошдек ботди** Илк хўрсиниқ (М. Мирзо. Куздан дарак...).

3. *Қотмоқ*. Тамоман ҳаракатсиз ҳолатда бўлмоқ; нами қочиб, заранглашмоқ. Асосан, одам ва унинг тана аъзолари ҳақида; шунингдек, ер ва бошқа нарсалар ҳақида.

Ўқиб битиргач, ул даҳшат ва таажжуб ичида **тошдек қотиб қолган эди** (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Домла Шомуродов ўтирган жойида **тошдай қотиб қолди** (О. Ёқубов. Диёнат). **Тошдай қотдим** ўшал они, Бор тоқатдан айрилиб (А. Орипов. Онажон). «Яхши боринг, оғам», деб Ойтуман сой бўйида **тошдай қотди** (У. Азим. Бахшиёна). Кўрганлар борки, «оҳ-оҳ»лаб ёқасини тутсин, қойил қолиб, **тошдай қотсин** (Лайлак келди – ёз бўлди). У бу хабардан ажабланмади ҳам, ўтирган жойидан остонадаги аёлларга бурилиб ҳам қарамади – ҳайкалдай, гўё **тошдай қотиб** ўтираверди (Н. Эшонкул. Шамолни тутиб бўлмади). Англайдиган ҳолим қолмайди, этим жимиллайди, қулоқларим том битади, кўзим тинади, бошим айланади, серрайганча **тошдай қотиб қоламан** (А. Кўчимов. Бир жуфт олма). Ўлтирганлар уларга кўзлари тушди-ю ўтирган ерларида ранглари ўчиб, **тошдай қотиб қолишди** (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Ҳатто гардани **тошдай қотиб**, зириллай бошлади (Т. Малик. Шайтанат).

Бироқ... қурғоқчилик бошланиб, ер **тошдек қотди** (Ў. Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар). Очикда қолган нон шабадада **тошдек қотиб қолибди** (Сўзлашувдан).

4. *Қотмоқ.* Ҳис-сезгисиз ёки меҳр туйғуси йўқ ҳолатда бўлмоқ.

Оқаётган кўз ёшлари музга айланган, юраклар **тош каби қотиб қолган**, барча бирдек ўзини ўлимга, шаҳидликка ҳозирларди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). **Тош каби қотибди** бизнинг дийдамиз, ёмғир ювган тунлар ориқ юзини кўрқмасдан эсладик сархуш пайтимиз. Фақат эсламоқдан кўрқдик кўзини (Х. Даврон. Шухратни ёдлаб).

5. *Қотмоқ.* Қаттиқ ухламоқ, донг қотмоқ.

Шишани бўшатиб, кабобни паққос туширган, сўнг **тошдай қотган** (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Гулшод **тошдай қотиб** ухлади (Х. Дўстмуҳаммад. Жажман). **Тошдай қотиб** ухладик, афсуски, уйку қисқа бўлди (Х. Султон. Бобурийнома). Жангда ўлган эмас бирор баҳодир, Бари ҳалок бўлган хиёнатлардан, **Тошдай** ухлаганда тўшларин очиб, Ё заҳар кўшилган зиёфатлардан (Ш. Раҳмон. Жангда ўлган эмас бирор баҳодир...). Ярим тунда амаллаб уйга етиб келган Қоратош кун чиққунча **тошдай қотиб** ухлади (М. Тиловова. Чол ва Қоратош). Бинобарин, ошиқ-маъшук тўғрисидаги ривоят ҳам беҳуда тўқилмаган ва руҳиятидаги ажабтовур беқарорлик ҳам бежиз эмас. Чунки уйда уйкуга ётарди-ю, **тошдек қотиб** ухлаб коларди (Н. Қилич. Ошиқдара тутқунлари).

#### (ХУДДИ) СУВГА ЧЎККАН (ТАШЛАНГАН) ТОШДАЙ

*Ном-нишонсиз йўқолмоқ, жим бўлиб кетмоқ.* Изсиз, бедарак кетмоқ. Асосан, одам ҳақида.

Бегимқул хайрон бўлиб ошхонага чиқди, ваннага қаради, ҳатто тарақ-туруқ қилиб, девор шкафларини очиб кўрди – Нилуфар худди **сувга чўккан тошдай ном-нишонсиз йўқолган эди** (О. Ёкубов. Биллур қандиллар). Телефонда бир дақиқагина гаплашардиг-у, шу билан **сувга чўккан тошдек жим бўлиб кетардик** (Х. Дўстмуҳаммад. Мен – сенсиз, сен – менсиз). Қўқон мухторияти тугатилганига қадар Аълохон ҳазратдан хабар келиб турди. Кейин эса **сувга ташланган тошдай жимиб кетди** (Й. Сулаймон. Армон). Йўқ, – деди. – **Сувга ташланган тошдай** жимжит. Ановиларнинг иккитаси йўқ (Й. Сулаймон. Армон). Қаёққадир сургун қилинган Қудратхўжа **сувга чўккан тошдай** бедарак бўлиб кетган эди, эллингинчи йилларнинг ўрталарида эсон-омон қайтиб келди (О. Ёкубов. Диёнат).

## ТЕГИРМОН ТОШИДАЙ

*Эзмоқ; оғир.* Рухий азоб бермоқ, рухий кийноққа солмоқ; каттиқ рухий азобга солувчи.

Мени **тегирмон тошидай** *эзиб ётган* мағлубият аламлари, тожу тахт армонлари – ҳаммаси ҳозир хаёлимдан узоқлашди, худди кечиб ўтилган ботқоқликдек орқада қолди (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Аллақандай мудҳиш бир ғашлик **тегирмон тошидек** юрак-бағрини *эзарди* (Ф. Мусажонов. Ҳиммат). Шундай хотинлари бўла туриб, ҳалигача биронта фарзанди йўқлиги уни **тегирмон тошидай** *эзади* (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Пошшахонни ҳайҳотдай ҳовлида кичик бир ўгил билан ерга михланиб ўтиравериш **тегирмон тошидек** кун сайин *эзиб юборарди* (Д. Нурий. Осмон уступи). Бу ҳукм қабр тошидек совуқ, **тегирмон тошидек** *оғир*, мавҳум сатрлар эди (Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар).

## ТОШБАҚА

ТОШБАҚАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ЎХШАБ)

*Имилламоқ, судралмоқ.* Ҳеч бир шошилмасдан юрмоқ, жуда ҳам секин ҳаракатланмоқ, секин ўтмоқ.

Тоғни ағдариб ташлайдиган шиддат билан киришганда ҳам бир кунлик ишни энди бир соатда эплаёлмайсан! **Тошбақадек имиллаган** кишини айтмаса ҳам бўлаверади!.. (О. Мухтор. Эгилган бош). Вақт илдамлаган сари тун **тошбақадай судралади** (И. Зойир. Қисмат ўчи). Отманг, жон ака! – Ҳусан тиз чўкди. Қорда **тошбақадек судралиб** келди-да, оёғини кучоқлади (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Кунлар **тошбақадай оғир судралар**, Ҳувуллаган уйда ёлғиз чол, кампир (Э. Шукур. Худойберди чол ҳикояси).

## ТОҒ

ТОҒДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. Катта, улкан; мустаҳкам; зўр, буюк, улуг.

Фарғона водийсида «Кичкина» деган ўйин бўларкан. Бир кўрик танловга борганимизда кўрувдим. «Кичкина» деб куйлаганингиз сари **тоғдай** одам бора-бора муштдек бўлиб қолади (Ш. Холмирзаев. Кузда баҳор ҳавоси). Йўқ эса қалбида **тоғдай** матонат Яшашдан не маъно эди Машрабга (А. Орипов. Ирода). Ўн кун ғулхона – сизнинг **тоғдай** гуноҳларингиз ўтрусида зиғирдай кичик бир жазо холос, – деди Салимга (П. Қодиров.

Ҳумоюн ва Акбар). **Тоғдай-тоғдай** гуноҳлар ҳам унча-мунча бўлар экан-да (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Кўрпа-тўшакни ҳовлига ташиб ётган Зеби бу ҳасратларни тингларкан, шўрлик онанинг **тоғдай** бардошига қойил бўларди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Бу дард етар Сизга ўла-ўлгунча, Бардошингиз **тоғдек** бўлмаса бунча? (М. Юсуф. Хурсаной опа). Кўзига одамлар гоҳ **тоғдек**, гоҳ чу-молидек бўлиб кўринади (О. Мухтор. Майдон). Нега у бунчалик ўзига бино қўйган. **Тоғдек** таянчи бор учунми? (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Ботир бўл. Олға югур. Кўркма ҳар хил қотилдан. Ахир, **тоғдек** суянчинг – Ўзбекистон ортингда (У. Азим. Юравер...).

2. *Баланд, юксак; юксалмоқ.* Конкрет ва мавҳум тушунчаларга нисбатан.

Кичкина жуссали, озғин Лаъл Чанд **тоғдай баланд** қора филга яна унинг хартуми ёрдамида минди (П. Қодиров. Юлдуз-ли тунлар). У шоҳ билан навкар орасида **тоғдай баланд** девор борлигини билар, Бобур бу девордан бир сакраб ошиб ўтмоқчи бўлаётгани ғалати туюларди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Бах-малмиди, Ғаллаорол, жаннатлардан не фарқи бор, Буғдойлари таъзим берган **тоғдай** хирмонлар яшар (С. Тўйчиева. Жиззах алёри). **Тоғдай** хирмон, яна учта арава ёниб кул бўлган (Й. Су-лаймон. Армон). Девлар келаяпти – машъаллар ёкиб, Булутларга тегиб **тоғдек** бошлари (У. Азим. Учинчи баллада). Тарихинг **тоғ каби юксак**, Янграр ғурур, шонлар саси, Жиззахим (С. Ҳаким. Жиззахим). Бу – қат-қат **тоғ каби юксалган**, муаззам кулалари, кунгурадор қалин деворлари, тепа-тепа тупроқ уюмлари билан Ҳирот самосига ҳокимлик қилган қалъа эди (Ойбек. Навоий). Севгинг юрагимда **тоғдай юксалди**, Унга юлдузлар ҳам очдилар дилин (У. Азим. Севгинг юрагимда...).

3. *Оғир, зил.* Конкрет ва мавҳум тушунчаларга нисбатан.

**Тоғдай оғир** юкни кифтига олиб, Кушдай енгил бўлиб юра-ди шоир (А. Орипов. Шоир). Бўғмоқ истар мени дув-дув кўз ёшим, **Тоғдай зил** мунг мавжи шу зум бўлар паст (Миртемир. Кучоқ). Сени жиндак хушвақт қилгани, Сени жиндак хушбахт қилгани – Тагсиз жарлардан ўтолмаганим, Сени сўнги йўлга ўзим узатолмаганим – **Тоғдай зил** (Миртемир. Онагинам). Нов-дадек қадди-басти **тоғдек зил** юк остида сингудек букиб ташланди (Н. Раҳимжонов. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти). Жанг олдидан яғриндор, гўштдор елкасида **тоғдек** юк борлигини ҳис қилган Жобир эса энди рингдан кушдай енгил тушиб келар, хаё-лига кўзлари йўлига интизор онажони, отажони, ютуқларини бирма-бир ёзиб борадиган акажони Шокир келар, шу дамда

дафъатан уларни соғиниб қолгандай сезарди ўзини (Б. Жумаев. Оқпўлатлик полвон).

4. *Уюлмоқ*. Бир жойга тўпланиб, ғарам, уюм, тепалик ҳосил қилмоқ.

Разм солиб қараса, тарвузлар *тоғдек уюлиб ётибди* (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Бир муддат туриб қолдим, кўзим қоронғиликка ўргангандан кейин омборнинг бир бурчагида *тоғдек уюлиб ётган* пиёз, нариги бурчагидаги карамларни илғадим (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Оддийгина сопол тақсимчаларда писта ва бодом, асал ва шиннилар, мураббоблар, улкан лаганларда *тоғдай уюлган* бедана ковордоқлар... (О. Ёкубов. Кўҳна дунё). Кенг даҳлизнинг ўнг томонидаги чоғроқ хонага гилам ва кўрпачалар тўшалган, диванлар, сервантлар кўйилган, чап кўлдаги катта меҳмонхонада эса ... китоблар *тоғдай уюлиб ётарди* (О. Ёкубов. Диёнат). Аравакашлар сўкинган, эшаклар ханграган, оғзидан тупуги осилган, устига қоп-қоп сомон *тоғдек уюлган* туялар ҳам ўтиб қолади (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

5. *Кўнгли(ни) кўтар(ил)моқ, ўс(тир)моқ*. Руҳан жуда ҳам енгиллашмоқ, шундай руҳ бағишламоқ, кайфияти чоғ бўлмоқ (қилмоқ).

Қабулдан *кўнгли тоғдай кўтарилиб* чиқди. Чиқди-ю Курбоюнга ошиғич телеграмма жўнатди (М. М. Дўст. Лолазор). Айбга буюрмайдилар, биз ғарибларга илтифот кўрсатиб, *кўнглимизни тоғдай кўтардингизлар* (Т. Малик. Фалак). Болам дунёдан ўтгунча пешонам бир марта саждага тегмади. Ҳеч бўлмаса охирги келишида ёнида туриб, намоз ўқисам эди... *кўнгли тоғдай кўтарилармиди?* (Т. Малик. Шайтанат). Қамар Шариповичнинг бу таъкидидан *кўнглинг* лаҳза ичра *тоғдек ўсди* (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Отақўзи гап ўзи ҳақида бўлишини сезди, сезди-ю, кенгашдаги мақтовлар, дастурхон тепасидаги алёрлардан *тоғдай ўсган кўнгли* яна намозшом бўлиб, питирлаб қолди (О. Ёкубов. Диёнат). Сизни кўрсам, *кўнглим тоғдай кўтарилади*, яшашга завқим ошади (А. Абдуллаев. Дард).

#### ЕЛКАСИ (УСТИ)ДАН ТОҒ АҒДАРИЛГАН (ҚУЛАГАН)ДАЙ

*Енгил тортмоқ*. Бирор ғам, ташвиш, машаққат, қийинчилик кабилардан халос бўлиб, руҳан енгил, сокин ҳолатга кирмоқ.

Билдинг-ку, билиб турибсан-ку. Энди... шу битта қизгада... – *елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортди* Холмат (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Хабар келгандан кейин эса

гўё елкасидан тоғ ағдарилгандай *енгил тортиб*, ўзини Амир Темурнинг олтин курсисига ташлади-ю, ухлаб қолди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Али Қушчи уста Темур Самарқандий билан хайрлашиб, Қаландар икковлон ғордан чиқаркан, гўё елкасидан тоғ қулагандай *енгил тортиди* (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Жумлалари кўнгилдагидек чиқса, **елкасидан тоғ ағдарилгандек** *енгил тортар*, юзлари ёришиб кетарди (О. Мўминов. Хиёбондаги уч учрашув). Ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. **Устимдан тоғ ағдарилгандай** *енгилман* (А. Жўраев. Чорраҳалар).

## ТОҒОРА

### ТОҒОРАДАЙ

Катта. Шаклан юмалоққа мойил, одатдагига нисбатан катта нарсалар ҳақида; кучли салбий муносабат ифодаланади.

Кенг қўйлак ичида **тоғорадай** қорнини осилтириб, пишиллаган ҳомиладор опаси Умринисо ҳовлида майда-чуйда ишларни саранжомлаб бўлгач, чироқни ўчирди, эрининг ёнига кириб кетди (Ойбек. Қутлуғ қон). Қози **тоғорадай** салла остидаги хум калласини лиқиллатиб ҳиринглади-ю, секин кўчага қараб юрди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Кўз очиб юмгунча олдидаги **тоғорадек** кулдон тахта омборхонасидаги хода уюмига ўхшаб қолди (С. Аҳмад. Экология ва биз).

## ТУГМА

### ТУГМА(ЧА)ДАЙ

Бежирим; кичкина. Кўпроқ бурун, оғизнинг бежиримлиги, бошқа нарсаларнинг кичиклиги ҳақида.

Қиз пўстиниинг ичидан ҳам қат-қат кийим кийган бўлса керак, матрешка деган юм-юмалоқ кўғирчоққа ўхшар, **туғмадеккина** бурни, юпқа лаблари, катта-катта кўм-кўк кўзлари бу ўхшашликни яна ҳам кучайтирар эди (О. Ёкубов. Биллур қандиллар). Кўзичоғингиз олдингиздан ўйноқлаб чиқиб қолгандай. Тўғрими, пучуктой? – деб эркалаб, бармоғини боланинг **туғмачадай** бурунчасига теккизмоқчи эди (М. Мансур. Жудолик диёри). Икки бети нақш олмадек, **туғмадаккина** оғизчасининг четларидаги кулдиргичлар эндигина учмоққа шайланган қушчага монанд (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Сенинг бундай узлуксиз хаёлларингни фақат ўзини-ўзи осиб қўймадими ёки деворни тешиб қочишни мўлжаллаётгани йўқми, деб назоратчининг дам-бадам темир эшикнинг **туғмадек** тешигидан

қарашигина бузади, қамоқда эканингни эслатиб туради (Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар). Югуриб кириб, тугмачадай бир дона дорини олиб чиқиб, унинг оғзига солди (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё).

## ТУЗ

### ТУЗ СЕПГАНДАЙ

1. *Ачишмоқ, ачитмоқ.* Жисмоний азобнинг ўта ортиши ҳақида.

Шилиниб кетган чап тиззасини **туз сепгандай ачишиб** азоб бераётган кўллари билан сийпади (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида). Шилинган тиззаси **туз сепгандай ачишади** (А. Кўчимов. Ҳовлидаги майдонча). Ҳали ағанаганида устидаги яғири шилиниб кетганми, нима бало, худди **туз сепгандек ачишиб**, игна санчилгандек оғрийди (Отаули. Шафқат).

2. *Юраги ачишмоқ, юрагини ачитмоқ.* Руҳий азобнинг ўта ортиши ҳақида.

Фақат бир нарса баъзи-баъзида тинчини бузиб, *юрагини туз сепгандай ачитар*, у ҳам бўлса, яна ўша эски рақиби Абу Али эди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Шораҳим унга тикилган сайин *юраги туз сепгандай ачишиб борар*, бироқ нима деб юпатишини, қандай тасалли беришини билмас эди (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Шундай деб борардинг-у, *юрагинг туз сепгандек ловиллаб ачишарди* (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида).

## ТУЛКИ

### ТУЛКИДАЙ

*Айёр, қув, ҳийлакор.* Одам ҳақида.

Умрида кам рост ганирадиган, рост гапирсам ишим келишмай қолади, деб кўрқадиган ғоят хушёр, **тулкидек айёр** Забиҳилла заргар бир амаллаб тиллолар бу йигитчалар чўнтагига қандай тушиб қолди экан, ана шуни билишим керак, деб боряпти (Х. Тўхтабоев. Қуёнлар салтанатининг шаҳаншоҳи). Кечагина кўзига илондек заҳарли, **тулкидек айёр** кўринган манави одамлар нега бугун мусичадек беозор туюлмоқда? (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). **Тулкидай қув** эмасми? Ҳуши келганда, хизматкорлар билан аския ҳам қилиб қўяди у (Ойбек. Қутлуғ қон). У энди **тулкидек айёр**, бўридек сезгир бўлиб қолган эди. Атрофда қимирлаганни кўрар, кулоқлари эса ҳар бир шарпани тинглар

эди (П. Турсун. Ўқитувчи). Бу дунёда худди шу **тулки каби айёр** кимсалар бор (Т. Малик. Келинлар дафтарига). Бу одамларнинг даврасидан **тулки каби ҳийлакор** бўлсанг, жой топасан, бўридай бешафқат бўлсанг – ўрин эгаллайсан (Ф. Тиловат. Қора кузгун).

## ТУМАН

ТУМАНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИГ)

*Тарқамоқ, йўқолмоқ, эримоқ.* Асосан, хафалик, шубҳа, хаёл каби мавҳум тушунчалар ҳақида.

Гўринг нурга тўлгур Шариф мақтов деган нарсага зўр эди, ажабмаски, мақтовлари билан аёлнинг хафалигини **тумандай тарқатиб юборган** бўлса (М. М. Дўст. Лолазор). Маъруф Жалил деган шоир шу одамлигини билганимдан сўнг кечадан буён кўнглимни безовта қилиб юрган ташвишлар **тумандай тарқалди** (А. Кўчимов. Камтарликнинг баланд чўққиси). Қишлоқда кўнглини қоплаган мубҳам ғубор қўрғонга қайтиши биланоқ **тумандек тарқаб кетарди** (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Дунёдаги ҳамма нарсалар унутилгани каби ўша гўдаклик хотираси ҳам бора-бора тонгги **тумандай тарқалди-кетди** (Ж. Абдуллахонов. Орият). У ўз шаҳрида зерикар... Табассуму жилмайишлар жонга тегиб, аста-секин тонгги **тумандай йўқолиб**, хомуш, ковок солиб юрадиган кунлар бошланди (Мирмуҳсин. Меъмор). **Туман янглиғ эрир** шубҳа булути (Э. Охунова. Шеърлар). Кўп ўтмай, «самоларга бўй чўзиб кўринган» шаҳар ҳам **тумандек** ғойиб бўлди (Н. Каримов. Миртемир).

## ТУМОР

ТУМОРДАЙ

*Сақлаб юрмоқ, тақиб юрмоқ,* азиз, қадрли нарса сифатида хамиша ўзи билан олиб юрмоқ, асраб юрмоқ.

Худо ҳаққи агар... – Проводник туйкус йиғламсиради. – Лев Николаевични қанчалар хурмат қилишимизни билсангиз эди... – У хатни олиб, авайлаб буклади. – Буни **тумордек сақлаб юраман**, синглим, – деди ва авайлаб чўнтагига солди (Ш. Холмирзаев. Танҳолик). Мана, ўша юлдузча, **тумордай тақиб юрибман** (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Сўнг дилни **тумордай** бўйнингга илсам. Юрар сўқмогингга юлдузлар қўйсам, Тунлар суйсам сени, Кундузлар суйсам (С. Саййид. Уйингдаги бешиклар).

## ТУН

### ТУНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қора*. Асосан, одам сочи, кўзининг ранги ҳақида.

Кел, энди ташлама, кўйма Бу туннинг кўйнида ёлғиз. Ҳижронни бошимга ёйма, Эй **тундек** сочи *қора* қиз (Чўлпон. Тун). Эй сочлари тўлқини **тун сингари** сим-сиёҳ, Хол каби пайдо бўлгум ёноғинг ё қошингда (Миртемир. Мен сени...). Боланинг юраги сиқилиб, сандикни очишди. Очиб қараса, ўзи тушида кўрган қиз ётган эмиш. Жамоли ойдек, қошлари ёйдек, юзлари кундек, сочлари **тундек** қиз экан (Қирон ботир). **Тундай қора** кўзда тонглар яшайди. (О. Суюндиқова. Анхор шовуллайди...). **Тун каби** бирдек қоронгу кўзларимга Субҳу шом, Тонг аро сен келмасанг, оқшом аро Сен келмасанг (Ж. Камол. Сен келмасанг). Теппамдан **тун каби** қуюлади соч, Қора тун ёнади оташ юзларда (А. Орипов. Дерзангни қоплар...).

## ТУТ

### ТУТДАЙ

1. *Тўқилмоқ*. Бирваракайига қирилмоқ, ялписига маҳв бўлмоқ.

Аср вақтига келиб беш юз қадам, шомга яқин эса юз-юз эллик қадам қолади. Йигитлар **тутдай тўқилади** (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Темур қайтганида кўшин парокандаликка учраган, бир қисми ёғий билан савашда **тутдай тўқилган** эди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Ёғийлар эгри карнайларини чалиб кўчани тўлдириб юришганида пистирма кўйдириб **тутдай тўққан** (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Ҳар қилич солганда у **тутдек тўқиларди** ёв (Ў. Умарбеков. Булғор кўшиқлари). Боғий бўлуки сон жиҳатдан устун душман зарбасидан **тутдай тўқилаётганини** кўрган Ҳаким эҳтиёт кучларни ишга солишга ошиқди (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси). Йиллар ўтди, фақир хонадон Мухтожликда таслим этди жон. Ғамхонада қашшоқлик кулди Ва оила **тутдай тўқилди** (Х. Олимжон. Зайнаб ва Омон).

2. *Тўқилмоқ*. Путурдан кетмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ; вайрон бўлмоқ.

Низомжон шундагина ўзига разм солиб, кийим-бошининг **тутдек тўқилиб кетганини** билди (С. Аҳмад. Ҳижрон кунлари). Йўлчи унинг орқасидан сердарахт, лекин уй-жойи **тутдай тўқилиб турган** катта ҳовлига кирди (Ойбек. Қутлуғ қон). Энди қизиқиш зўр келиб, ошиғич илгари босдим, босдим-у хангу манг

бўзардим, ахир, **тутдек тўкилган** ҳайҳотдек кенг ҳовлида Сайис билан Файласуф недир масалада юзма-юз тортишаётган эди (Л. Дилмурод. Хаёл чўғланиши).

3. *Юраги (ичи) тўкилмоқ.* Каттиқ изтироб чекмоқ, беҳад дилгир бўлмоқ.

Бобур Мирзониинг аламзада *юраги тутдай тўкилар* эди (Х. Султон. Бобурийнома). Киндик қони томган юртларни, энди эслаган чоғ *юраклари тутдек тўкилиб* кетадиган жаннатмонанд вилоятларни қон билан сугорадими? (Х. Султон. Бобурийнома). Ўзига оро бергандай бўлди-ю, бироқ *ичи тутдай тўкилиб турарди* (Р.Файзий. Ҳазрати инсон). Ўҳ-хў, жойидан олдинг-ку, сен бола. Қачон келин қиларканман, деб *юрагим тутдай тўкиларканда* (И. Зойир. Қисмат ўчи).

## ТУТУН

(ТАМАКИ) ТУТУН(И)ДАЙ

*Тарқамоқ, кўкка учмоқ, йўқ бўлмоқ; муаллақ қолмоқ.*

Чарчоқлик ҳам *тарқаб тутундек*, мизғиб олар бежо сувчи сал (Миртемир. Кўк чой). Аброрнинг юрагини кемирган норизолик **тамаки тутунидек тарқади-кетди** (О. Мухтор. Эгилган бош). Базми жамшидларда, кўнглим тиламаган давраларда, сафсата бозорларида кунларим **тамаки тутунидай кўкка учди**, ...бироқ белимнинг қуввати, кўзимнинг нури, юрагимнинг харорати қолган шу даргоҳни бир келиб кўрмоққа, бағрига бир кеча оёқ узатиб ором олмоққа фурсат топмадим (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Прицепли трактор ортидан кўтарилган чанг **тамаки тутунидек** анчагача ҳавода *муаллақ туриб қоларди* (Э. Усмонов. Ёлқин).

## ТУХУМ

(АРЧИЛГАН) ТУХУМДАЙ

*Силлиқ.* Кўпроқ эркак кишининг қиёфаси, юзи ҳақида.

Турди Ҳамдамовнинг эшигини биров тақиллатди. Турди ака ташқарига чиқиб қараса, **арчилган тухумдай силлиқ** бир йигит тиржайиб турибди (Э. Узоқов. Сомони чикди). Абдурахим илиқ сувда узоқ ювинди. Охирида соқолини ҳам киртишлаб, **арчилган тухумдек силлиққина** бўлиб чиқиб келди (Б. Абдураззоқ. Қирон). Эллиқбоши майин тўкилган чакмонини ечди, **тухумдай силлиқ** ва оппоқ салласини олиб, қозиққа илди (Ойбек. Қутлуғ қон).

## ТУШ

### ТУШДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, МИСОЛИ)

*Ўтиб кетмоқ, унутилмоқ.* Бирон из қолдирмасдан кечмоқ, изсиз хотирадан чиқмоқ

**Тушдай** *ўтиб кетди* бугун ҳаммаси, Юракни фойдасиз ўртамоқ нечун? (Х. Худойбердиева. Тақдир улаганда умрлар занжирини...). Бу кунлар ҳам **тушдай** *ўтар-кетар*, гаразғўйларнинг томоша қилгани, яқиним деб билганларимизнинг ўзини олиб қочгани қолар (Й. Сулаймон. Армон). Бу хуш онлар бир **тушдайин** *ўтдию кетди* (М. Юсуф. Сайланма). Жанг даҳшати, мудҳиш қирғинлар **Тушдек** осон *унутиларди*. Сен ёнимда куйлаган тунлар, Қонлар эди дилни ишқ дарди (Н. Маматов. Ифтихор). Мусофир бўлмаган – мусулмон бўлмас. Балки, бегона заминда бу кунлар **тушдек** *унутилиб кетар?* (Х. Султон. Бобурийнома). Биламан, ёшлик ҳам кетди бетакрор, Бари *ўтиб кетди* бир **туш мисоли**. (А. Орипов. Бир танишим ҳақида баллада). Бу ёруғ дунёда севги-муҳаббатдан ким рўшнолик кўрибдики, сен ўзингни қийнайсан, жон олиб, жон берасан? Айтдим-ку, вақт ўтиши билан ҳаммаси ёмон **тушдай** *унутилади* (А. Абдуллаев. Дард).

## ТУЯ

### ТУЯДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ)

1. Баланд; *катта*.

**Туядай** бўй бергунча, игнадай ақл берсин (Мақол). Болаларнинг ўйинига аралашадими **туядай** хотин! (А. Кўчимов. Ҳовлидаги майдонча). Ҳамма **туядай** айби бўлса, қўйнига яширади, бу акам қилдай нарсани филдай қилиб кўрсатади (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Энди таъзирини егандир деб четга ирғитсам, «шув» этиб осмонга кўтарилди, **туядек** *каттакон* бургутнинг тусига кирди (А. Обиджон. Мешполвоннинг жанглари).

2. *Луқилламоқ; бўқирмоқ, ўқирмоқ.* Асосан, одамнинг лопиллаб, лўк-лўк қилиб юриши, норози ҳолатда баланд овоз чиқариши ҳақида.

Ёши каттароқ икки шериги жўрттага **туяга ўхшаб** *луқиллайди* (А. Кўчимов. Ҳовлидаги майдонча). Неча кунларки чойнинг хуморига чидолмай, **туядай** *буқириб* келяпсиз (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Жинниларнинг бири йигитга орқасини бериб жим, ҳатто гаврон тушганда ҳам сесканмасдан тахт турибди, иккинчиси эса ҳар гаврон тушганда **туя-**

дай ўқираётибди (А. Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар). У юзи-ни кўрсатмасликка ҳаракат қилиб, туядек *лўкиллаб*, тоғ томон қочди (Мирмуҳсин. Темур Малик).

## ТУҒИШГАН

### ТУҒИШГАНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қадрдон, азиз, яқин, қалин.* Қариндош бўлмаган кишилар ўргасидаги илик, қалин муносабат ҳақида.

Ботир мен учун **туғишгандек қадрдон** эди (А. Жўраев. Юрак бўронлари). Чиндан ҳам, хонадон бекаси Анварни **туғишганидай** кутиб олди (А. Абдуллаев. Дард). Кўникиб кетишади, деб айтсам жуда хунук эшитиларкан. Йўқ, улар билан **туғишгандай** бўлиб кетишади. (М. М. Дўст. Лолазор). Менга **туғушқонимдек азиз** ва мухтарам Низомиддин (П. Қодиров. Хумоюн ва Акбар). Шоир Шамси Одил... ҳам Каттакўргон тарафлардан бўлгани туфайлими, Маъруф Жалил билан **туғишганлар сингари қалин, қадрдон** ога-ини эди (А. Кўчимов. Камтарликнинг баланд чўққиси).

## ТЎЗҒОҚ

### ТЎЗҒОҚДАЙ

*Тўзиб кетмоқ, тўзғиб кетмоқ,* ҳар тарафга тартибсиз равишда тарқалмоқ; хаёллари паришон бўлмоқ.

Бу давлатлар, обрўлар, катталиклар... – ҳаммаси қамишнинг **тўзғоғидай** бир нафасда *тўзиб кетадими* (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Ўрта Осиё минтақаси тарафга отишар ва улар **тўзғоқдай** ҳар томонга ёйилиб туришарди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Кўнгилсиз воқеа ҳақидаги хабарни эшитгач, онанинг хаёллари **тўзғоқдай тўзиб кетди** (Сўзлашувдан). Ўша кимсалар қаторида Замира ҳам шарпадек ивирсиб юрарди. Хаёллари паришон эди, **тўзғоқдек тўзиб кетган** эди хаёллари (Н. Бокий. Гулзамира).

## ТЎНҒИЗ

### ТЎНҒИЗДАЙ

*Семирмоқ;* катта бўлмоқ. Ҳаддан ортиқ семиз, катта, қўпол, фаросатсиз одам ҳақида; кучли салбий муносабат ифодаланади.

**Тўнғиздай семириб кетибсен.** Тагин хастамен деб зорланасен! Биламен! Сен баттол тўшақда ётиб, менга қарши ўргимчакдай тўр тўқийсен (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

Бўйнининг йўғонлашиб кетганини қаранг, **тўнғиздек семирибди** ўзиям (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши). Қандай беҳаё боласан! Кап-катта **тўнғиздай** бўлиб қолибсан-у, шарму ҳаё қилмасдан номаҳрам бор ҳовлига қарайсан-а (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Дарди-касали томоқ, пул. Бозорнинг бўриси. **Тўнғиздай** тўқ, деган фикр кечди (А. Кўчимов. Тубсиз қудук). **Тўнғиздай** бўлиб қолсанг ҳам, фойданг тегмаса! Даданг кетаётганида тайинлаган гаплари эсингдан чиқдими, уятсиз? (Р. Раҳмонов. Чангалзордаги шарпа).

## Т Ў Р В А

### ТЎРВАДАЙ

Узун кўйилган, кўпол. Асосан, соқол ҳақида; салбий муносабат ифодаланади.

Аларни ҳақ йўлга чақирмоқ ҳикматдан холи эрмас, илло, бир тўда ялангоёқ билан урушиш шаънимизга нораво, – деди у кўксини қоплаган **тўрвадек** соқолини селкиллайтиб (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси). Бу вақт чий эшик аста кўтарилиб **тўрвадай** соқол кўринди (А. Мухтор. Қорақалпоқ қиссаси).

## Т Ў Т И

### ТЎТИ(ҚУШ)ДАЙ (КАБИ, ЯНГЛИҒ, МИСОЛ)

1. *Такрорламоқ, қайтармоқ, сайрамоқ*, бир гапни ҳадеб айтавермоқ.

Ваъда қилинган «дориламон» кунлардан кўзлар сўқир, тиллар ўргатилган гапларни **тўтиқушдай такрорлаш**га одатланган (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Сув бўйида севишганлар бир-бирларига ўла-ўлгунча айрилмаслик ҳақида оташин қасамлар ичишар экан, бу ёқда – Нилуфарнинг уйида Камол раҳбар ҳокимнинг «элчи»ларига бошига ўлим келса ҳам, сўздан қайтмаслигини **тўтиқушдек такрорлаб** онт ичарди (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Ғилай садоқатлироқ экан, чурқ этмади. Сенлар ўргатган гапни **тўтиқушдай такрорлайвердиларинг** (Т. Малик. Шайтанат). Бу гаплар Аждаровнинг ўзиники эмас эди, унга кимдир ўргатиб қўйган ва у ўргатилган сўзларни **тўтиқушдек такрорларди**, холос (И. Зоёир. Қисмат ўчи). Шаҳар ёқдан ким келса, бари **Тўтидек** бир сўзни *қайтарар*: Кўришмадик, ўғлингиз, балки, Келиб қолар, дейди занғарлар (М. Юсуф. Кечикиш). Дарвеш жавоб

бермай ўзича сўкинди-да, **тўтиқушдек сайраганича** «Боғи майдон» томонга ўтиб кетди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). «Хўп бўлади, бажарамиз!» – деб **тўтиқушдай сайраб туршиларининг** ўзи катта гап (О. Ёқубов. Диёнат).

2. **Ширин** тилли; чиройли. Аёл ҳақида.

Жоним итобингдан оловланаркан, Такаллум бошлайсан бир **тўти** мисол (Ж. Камол. Ишқ ва орзу). Олмадай тўлишган оли бор эди, Чап юзида қўша холи бор эди, Баён этсам, адолатли султоним, **Тўти яиглиғ** шакар тили бор эди (Тоҳир ва Зухра). Иккита **тўтидек** хотинингиз бек акам учун сочини тараб ўлтирадир... тагин қанақа каму кўст? (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Хуш қилиқли олдидаги қизлари, Оқчадир, қорадир келган кўзлари, Ҳар қайсисин **тўтидайин** сўзлари, Ақли расо сиздай шохнинг дилбари (Гулихиромон).

## ТЎҚМОҚ

### ТЎҚМОҚДАЙ (КАБИ)

1. Зарбли, зарби кучли. Мушт, қўл кабилар ҳақида.

Сўфи яна сасийверган экан, Али лайлак бир куни сўфини хилватга тортиб, **тўқмоқдай** муштини унинг иягига тирабди: «Устани тирикчилик қилгани кўясанми, ё кекирдагингни суғуриб қўлингга берайми», дебди (А. Қахҳор. Ўтмишдан эртаклар). Шу вақтда Йўлчининг кўкрагига қаттиқ ва салмоқли мушт тушди. Йўлчи ҳам Қора Аҳмаднинг башарасига, кўксига, қорнига **тўқмоқдай** муштуми билан тўхтовсиз тушира бошлади (Ойбек. Қутлуг қон).

2. Зарб билан **урилмоқ**, қаттиқ рухий-ҳиссий таъсир қилмоқ. Асосан, гап, сўз, турли ҳаракат-ҳолатлар ҳақида.

Унинг назарида, бу оҳанг Манзурага далда бериши лозим эди. Аммо ичкарида титраб турган жувонга ҳар бир сўзи **тўқмоқ каби** зарба берганини билмади (Т. Малик. Шайтанат). Асадбек суҳбат мавзуини қисман англаган бўлса-да, бошига **тўқмоқ каби урилган** гапнинг захридан кутула олмади (Т. Малик. Шайтанат). Бу гап Асадбекнинг миясига **тўқмоқдек урилиб**, то-вонигача зириллатиб юборди (Т. Малик. Шайтанат). Миясига эса Ўктамнинг сўнги сўзлари **тўқмоқдек уриларди**: «Харидори йўк, харидори йўк!» (Л. Бўрихон. Бир томчи ёш).

## У

### УЗУК

(ХУДДИ, БАМИСЛИ) УЗУККА КЎЗ ҚЎЙГАНДАЙ

*Мос, муносиб, уйғун.* Бир-бирига жуда ҳам ярашган, бири иккинчисига ниҳоятда муносиб келган.

Бу гапларимни хушомадга йўйманг-у, назаримда, шу ташбеҳлар ўзингизга нисбатан айтилса, худди узукка кўз қўйгандай *мос* тушарди (А. Абдуллаев. Дард). Бизнингча, адашмаган йигит, ҳаққирост, бир-бирига жуда монанд, узукка кўз қўйгандай *муносиблар* икковлари (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Бўйлари ҳам баробар, нозикликлари ҳам бир хил, иккиси ҳам хушфеъл – худди узукка кўз қўйгандай (М. М. Дўст. Лолазор). Сўнг шеърини хатни ёзаётганидан хабардор эканини айтиб, шу хатнинг тагига унинг ҳам имзоси қўйилса, тилла узукка ёкут кўз қўйгандек бўлишини айтди (Н. Каримов. Тўрғай). Фавкулудда бежамали қурилган, тепаликда бамисли узукка кўз қўйгандек чиройли жойлашган, теварак-атроф кафтдек кўриниб турадиган ғиштин кўҳна қалъа амирзодага, Кешнинг Оқсаройидай бўлмаса ҳам, ҳар қалай улуғвор, фариштали, дилтортар, шинам бир маскандай туюлди (М. Али. Улуғ салтанат).

### УКПАР

#### УКПАРДАЙ

*Майин, момик; енгл.* Кўпроқ соч, соқол, қор ва шу кабилар ҳақида.

Нормурод Шомуродов чаккаларидаги *укнардай майин*, оппоқ соч толаларини силаб сукут сақларди (О. Ёкубов. Диёнат). Кўкрагигача ёпирилган оппоқ *укпардай майин* соқоллари юз-кўзларини қоплади (Х. Назир. Бир туп ғўза). Паға-паға ёғаётган қорда, *укпардек момик* қор кўрпасида ўмбалоқ ошиш, эркаланиб-тантиқланиш энг масрур онлар эди унинг учун!.. (Х. Дўстмуҳаммад. Ибн Муғанний). Низомжон кетмон дастасига тирсагини қўйиб, онда-сонда сузиб юрган *укпардек енгл* булутларни томоша қилаётганда нимадир шитирлагандек бўлди (С. Аҳмад. Уфқ).

## У М М О Н

### УММОНДАЙ (КАБИ)

*Тошмоқ, тўлқинланмоқ; чексиз.* Жўшқин ҳаракатда бўлмоқ; ноёни йўқ, ҳаддан ортиқ кўп.

Ташқарида эса ҳаёт **Уммон каби тошади**, Қитғалардан қитғаларга Чўнг булутлар ошади (А. Орипов. Тарбия). Мамлакат ҳайқириб, **Уммондек тошди**, Жанггоҳлар оташи Кўкка туташди (Ж. Камол. Армон). Теварак худди **уммон каби тўлқинланар**, сахро бир китоб каби варақланар, балки қумларнинг янги саҳифалари очилмоқдайди (И. Султон. Боқий дарбадар). Ойчечак бегим айтган афсона ҳаёлидан ўтади, юраги **уммон каби тўлқинланади** (Ш. Улуғ. Фақат сен йиғлама...). Одам топсак, маблағ топилмас эди, маблағ топсак, яна бирон нарса етишмас эди. Бу ерда ҳаммаси бор. Кучу кудрат **уммондай чексиз** (П. Қодиров. Юлдузли тунлар).

## У Н

### УНДАЙ

*Майин.* Қўл ёки бошқа сезги аъзосига дағал ботмайдиган.

Кўчаларнинг **ундай майин** тупроғи ҳам қизиб ётибди (М. Ҳазраткулов. Таътил кунлари). Тупроқ **ундек майин**, қизғиш тусда эди. Ер юзиде юрган одам тупроқни кафтига олиб томоша қилганида бунақа аҳволга тушмайди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). **Ундек майин**, салқин тупроқ бармоқларингиз орасидан билқ-билқ отилиб чиқади. Кетаверасиз, кетаверасиз, ҳечам чарчамайсиз (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

## У Ш О Қ

### УШОҚДАЙ

Жуда ҳам кичик. Асосан, одамнинг жуссаси ва баъзи нарсалар ҳақида.

**Ушоқдай** аёлнинг юраги ҳам шунчалик тоғдек бўладими-а? (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). **Ушоқдай** тилла тақинчоқни олиш учун... аёлни пичоқлаб кетяпти. Фалакми кажрафтор, турмушми бемаза?.. Йўқ, бу иқтисодий қийинчиликдан эмас, йўқ. Бу – мафкуравий ожизликдан, кампир, мафкуравий заифликдан (Т. Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди). Унинг норғуллиги, улкан одамлардек бир ерга сиғмай қолиши шунда яққол сезилиб қолар эди. Мен унинг олдида ўзимни **ушоқдек** ҳис эта бошлар эдим, тавба (М. Мансур. Жудолик диёри).

## Ф

### ФАВВОРА

#### ФАВВОРАДАЙ

*Отилмоқ, отилиб чиқмоқ.* Куч, шиддат билан ташқарига отилмоқ.

Шу талваса, шу зўриқишдан – бирдан **фавворадек отилди** кони (Ж. Камол. Ражаб Ашуоров достони). Неча фурсатдир кўнглига тўлиб борган ва ниҳоят, такмил топиб, ташқарига **фавворадек отилиб чиқиб кетган** «оҳ»га қарши ҳеч нима қила олмади Самандар (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Ҳар гал уни йиртиш учун қўлга олганимда, аёл қирқиб ташланган ўнг қўлининг ўрнидан **фавворадек қип-қизил қон отилаётган** қиёфада кўз ўнгимда жонланаверар ва бармоқларим титраб, сурат ерга тушиб кетар эди (Ш. Ҳамро. Суратдаги аёл).

### ФАРЗАНД

#### (ЎЗ) ФАРЗАНД(И)ДАЙ

*Яхши кўрмоқ, тарбияламоқ; қадрдон, яқин, суюкли.* Одам, жонивор ва бошқа нарсалар ҳақида.

Устози ҳам шу боисдан уни **ўз фарзандидай** астойдил *яхши кўради* (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Ая бечоранинг уни **ўз фарзандидай** *яхши кўришининг* битта сири бор, у ҳам бўлса, Отақўзи ёш бўлса ҳам, Жабборнинг сирдоши бўлган (О. Ёқубов. Диёнат). У томони Кавказдан, бу томони Тожикистонун Туркманистондан, отингни сотасанми, деб харидорлар кела бошлади. Гўрни сотаманми? Одам ўз боласини ҳам сотадими? Қора Жайрон **фарзандимдек** гап-ку (С. Аҳмад. Жимжитлик). Ҳиндол Дилдор оғачадан туғилганда менинг худо раҳмати онам уни мана шу боғда **ўз фарзандидек тарбия қилган эди** (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). **Фарзанддек қадрдон** бўлиб қолган эди-да, жонивор (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Йўлда кетиб бораркансан, хаёлингга шундай бир фикр келди: инсон, агар касбига астойдил меҳр кўйган бўлса, иши ҳам бора-бора **фарзандидек** бўлиб қоларкан (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Биз домланинг уйига тез-тез бориб турар, Ваҳобжон эса домланинг **фарзандидек** бўлиб қолган эди (Н. Каримов. Миртемир).

## Ф А Р И Ш Т А

### ФАРИШТАДАЙ (КАБИ, МИСОЛ)

*Пок, покиза, бегуноҳ, тоза; гўзал.* Асосан, яхши ахлоқ-одобга эга бўлган, ҳар жиҳатдан тоза, файзли одамлар ҳақида.

Сиз **фариштадай пок**, софдил, бегараз дўстимиз (П. Қодиров. Шохруҳ ва Гавҳаршод). Бунақа гапни **фариштадай покиза**, гуноҳсиз одам айтса ярашарди (Т. Малик. Шайтанат). Уни **фариштадай бегуноҳ** деб билганиданми, хушсувратлиги таъсиридами, салобати юмшатдимми, ўлдирмоққа ҳадеганда кўли боравермади (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Дадангда гуноҳ йўқ, болам! Даданг – **фариштадек тоза** одам (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). **Фариштадек гўзал, фариштадек покиза** бир кизни севиб қолдим (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Мирзакаримбойдек бадавлат бир кишининг **фариштадек** қизига уйланишдан кечиб, топган роҳатинг шу бўлдимми? (Шукрулло. Тирик руҳлар). Боболар дунёдан ўтдилар шундоқ, Биз ҳам етукликка бўлмадик тимсол, Лекин сен бўларсан бокира мутлоқ, Лекин сен яшарсан **фаришта мисол** (А. Орипов. Генетика). Сизнинг **фариштадай** жамолингизга Ҳеч ким бизнингдек зор эмас (Оқ олма, қизил олма). **Фариштадай** одамни ўлдирганидан ўзини-ўзи ёмон кўриб кетди (Э. Самандар. Султон Жалолиддин).

## Ф И Л

### ФИЛДАЙ

*Қудратли, бардошли,* бақувват, катта. Асосан, одам ва бошқа нарсалар ҳақида.

Невараларим, сизлар ҳам шу **филдай қудратли, филдай бардошли** бўлинглар! – деди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Ўшанда тишлари сўйлоқ, ўзи нимжонгина, зангидай қоп-қора, кўримсизгина бир бола эди, мана энди **филдек** йигит бўлди (О. Ёқубов. Биллур қандиллар). Боёқиш Мадумар ҳар қанча жонкуярлик қилса ҳам, иши тушганларнинг пашшадай ишларини **филдай** қилиб берса ҳам, ношукур одамларнинг ҳеч кўнгиллари тўлмас экан-да (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Ўзига ўхшаган бўйдор, қари, бесўнақай, ёлдор, ниҳоятда *бақувват*, **филдай** от эди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Ҳамма туядай айби бўлса, кўйнига яширади, бу акам қилдай нарсани **филдай** қилиб кўрсатади (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг).

## Х

### Х А Ё Л

#### ХАЁЛДАЙ

1. *Учқур; учмоқ.* Тез, шиддат билан учадиган (ҳаракатланмоқ), бир онда ҳар ерга етадиган (етмоқ).

Чакмоқдай тутқусиз, **хаёлдай** *учқур*, Куёш шуълалари сувлар остида (Миртемир. Денгиз бўйида). Бу кун **хаёлдайин** шиддатинг *учқур*, Оппоқ орзуларинг ўзингдайин ҳур (Н. Жалолиддин. Бағримда бир кўшиқ кулар). ...Покизалик жирканчликнинг **хаёлдай** *учқур*, филникидай баҳайбат оёқлари етмаган жой, таассуфки, бундай жой қанча қолди... (Ж. Кенжабоев. Ҳавочин). Мени кечиргайсиз туйғулар учун, Ҳаяжонлар ҳаққи мени кечиринг. Юрагим адашган **хаёлдай** *учиб*, Сизнинг пойингизга борар яширин (Э. Шукур. Табассум хотираси).

2. *Чексиз.* Поёни, интиҳоси, чеку чегараси йўқ.

**Хаёлдай** *чеки йўқ*, ойдин уфқлар Халқимнинг уфқдай хаёлин айтур (Ж. Камол. Ўзбекистон тун). **Хаёлимдай** *чексиз*, тубсиз бу осмон, Куёш чўккан денгиздай мавжланар бу кеч (Х. Карим. Юрак билан сўзлашув). Бу йўллар **хаёлдек** билмас интихо, Шошилар ўзининг манзилотига (А. Орипов. Бу йўллар). Қозоқ саҳроси – бу беадад саҳро, **Хаёлдай** *бепоён, чексиз* ва йирок (А. Орипов. Қозоғистон). Кеча узун, **хаёлдай** узун, Ундан узун қоронғи сукун, Ҳадиксираб тураман фақат, Ногоҳ келиб қолмасайди кун (Ш. Раҳмон. Сайланма).

### Х А З О Н

#### ХАЗОНДАЙ (КАБИ, МИСОЛИ, ЯНГЛИҒ)

1. *Сариқ, заъфарон; саргаймоқ.* Асосан, одамнинг ранги ҳақида.

Навойи шам каби ёниб, **Хазондек** *саргайиб* сўлмиш, Варақлар ҳам олибдур Соҳиби девони рангидан (Э. Воҳидов. Ҳазина). Йигитнинг ёнида ранги **хазондек** *заъфарон* кекса бир кампир кўзларини юмганча муштдай бўлиб жим ўтирар эди (Х. Султон. Бобурийнома). Беихтиёр жону жаҳоним қақшаб, юрагим увушди, ахир, қадрдон биродарим Шоир етти ёт бегонага

ўхшарди: эти бориб нақд устухонига ёпишган, маънос кўзлари ўрасига чўккан, ранг-рўйи кузги **хазон мисоли** *заъфарон*, лабла-ри гармсел ялагандек гезарган (А. Дилмурод. Хаёл чўғланиши).

2. *Сочилмоқ, учмоқ, тўзгимоқ*. Ҳар томонга бетартиб тарқал-моқ; хаёли қочмоқ.

**Хазондек** *сочилди* неча бор таквим, Юрак ҳам тўкилди япроққа ўхшаб (И. Мирзо. Хазондек сочилди неча бор таквим...). Довул *учирган хазондай* ватанидан қувилган қанча маърифат-лик олиму санъаткорлар, қанча нодир истеъдодлар беҳуда ҳайф бўлиб кетмоқдалар (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Бир маҳал қўрбошининг хаёллари **хазондек** *тўзгиб*, бутун вужуди титраб кетди (Л. Бўрихон. Алдоқчи тунлар). Уни кўзига тўтиё этгув-чи ҳам, оёқлар остига **хазондек** *сочгувчи* ҳам аслида ижодкор (Н. Раҳимжонов. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти). Бу салтанат барги **хазон янглиғ** *тўзгиб* кетиши муқаррар эди (Ш. Улуғ. Фақат сен йиғлама...).

3. *Тўкилмоқ, сўлмоқ; сўлгин*. Асосан, тушқун руҳий-ҳиссий ҳолатлар ҳақида.

Баъзида инсон ғам-ғуссага ботганда, юраги **хазондай** *тўкилади* (И. Зойир. Қисмат ўчи). Гоҳо шиддатқорман дарё мисоли, Гоҳида тураман **хазондай** *сўлгин* (Ж. Камол. Менинг увоқ шеърим – менинг дилпорам). Бандасан, не бўлсанг, бировдан кўрма, Йиғласанг ё кулсанг, бировдан кўрма, Эгилсанг, букилсанг, бировдан кўрма, **Хазондек** *тўкилсанг*, бировдан кўрма. (А. Жумабоев. Бировдан кўрма). Парвариш етмади ишқ ниҳолига, **Хазондек** *тўкилдим* куз шамолига (А. Жумабоев. Эй кўнгил...).

## Х А Л Т А

### ХАЛТАДАЙ

*Осилмоқ*, салқи ҳолатда бўлмоқ. Асосан, одамнинг қовоғи, лунжи, танаси, бадани, шунингдек, кийим-кечакнинг муайян қисмлари ҳақида.

Баширжоннинг ранги синиқиб, семиз лунжлари **халтадек** *осилиб қолди* (Н. Аминов. Суварак). Унинг кенг манглайи, **халтадек** *осилган* лунжлари, қони қочган лаблари алланималар деб унсиз пичирларди (Н. Аминов. Суварак). Шундай пайтда ҳамкасабаларимнинг қовоқлари айрон **халтадай** *осилиб кетади* (Х. Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлақати). Бакрайган кўзларига бўёқ чаплаб, заҳил юзига қизил суркаб, **халтадек** *осилган* танасини кўйлак билан тортиб олади (Н. Аббосхон. Шўрқишлок). Теваракка қарасам, ўнг кўзим жимир-жимир қилади, қовоғим **халтадай** *осилганга* ўхшайди (С. Ўнар. Бибисо-

ра). Узоқ давом этган касалдан кейин сарғайиб кетган, халтадек осилган баданларига яна аллақандай уколлар қадашди (А. Мухтор. Тўққизинчи палата).

## Х А М И Р

### ХАМИРДАЙ

1. *Юмшоқ; юмшамоқ.* Мулойим, осонликча турли шаклга кирадиган; осонликча турли шаклга кирадиган ҳолатга келтирмоқ.

Қор сувига тўйган ер **хамирдек юмшоқ** эди (С. Аҳмад. Ҳижрон кунлари). Сени қара-ю... – деди-да, қип-қизариб энкайганча тўрт кулоқли ниҳолларни **хамирдай юмшоқ** ерга қадай кетди (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Устоди кабир лутф иноятдан Темирни **хамирдек юмшатди** Довуд (С. Ҳаким. Юлдуз шуъласи). Ана энди, тоғни толқон қиладиган темирни **хамирдек** яссилайдиган азаматлар қатори унинг қизи Мўътабарга ҳам навбат келди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон).

2. *Кўпчимоқ.* Шишиб, етилиб кўтарилмоқ. Асосан, ер, тупрок кабилар ҳақида.

Қиши билан қор сувига обдан қониққан ер **хамирдек кўпчиб** турибди (С. Аҳмад. Ҳукм). Трактор ҳайдагандан кейин ер **хамирдай кўпчиб кетди** (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Ёмғир сувини бўкиб ичиб, **хамирдек кўпчиб** қолган ерга чўзилишди (Т. Малик. Ов). Тоғорадаги **хамирдек кўпчиб** турган ерга трактор ишлови билан совлиқ кўйнинг қуйруғидек палахса-палахса нам ердан ажиб бир хуш бўй таралди (С. Аҳмад. Юлдуз). Тупрокнинг томир-томирига сингган томчилар ерни **хамирдек кўпчитди**, деҳқон ташлаган чигитини кулоғидан тортиб чиқарди (Тошкент ҳақиқати). Офтоб осмондан олов куйяпти. Станция майдонидаги асфальт **хамирдек кўпчиб**, машина ғилдирақларига ёпишади (С. Аҳмад. Таъзим).

3. *Бўшашимоқ, ёйилмоқ.* Ҳовуридан тушмоқ, қатъиятидан, шаштидан қайтмоқ, хурсанд бўлмоқ.

Қори тузсиз **хамирдай бўшашиб** турар, энди ундан истаган зувалани яшаш мумкин эди (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Аъзам ака юзидаги хурсандчилик ифодасини яширмай, ачиб – идиш гирдидан кўпчиб тошган **хамирдай ёйилиб** жилмайди (У. Ҳамдам. Мувозанат). Отам мошина олди, – зўр янглиқдан хабар бергани учун юзи кўпчиган **хамирдай ёйилиб кетди** (У. Ҳамдам. Мувозанат). Бошига бу галагулдурлар тушмаган бўлса, ҳозир ичига нон тўғралган қаймоқни лўнда-лўнда қилиб ямлаётган бўларди. Кейин **хамирдек ёйилиб** ухларди (А. Обиджон. Кезаргон бойчечак).

## ХАМИРДАН ҚИЛ СУҒУРГАНДАЙ

*Осон, қулай, силлиқ.* Муайян иш, муаммонинг ҳеч бир қийинчиликсиз, осонлик билан ҳал бўлиши ҳақида.

Бекназар ишнинг бу қадар жўн, **хамирдан қил суғургандай** осон битаётгани учун мамнун (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Боботурк бош қотириб юрган муаммо **хамирдан қил суғургандек осон** битган эди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Нима, сизнингча, ҳамма нарса **хамирдан қил суғургандек оппа-осон** ҳал бўлиши керакмиди?! (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Унга қарашли икки муттаҳам йигит кеча кеч Салимнинг кўмаги билан қизни **хамирдан қил суғургандай** жимгина, *қулайгина* ўгирлаб чиқди (Ойбек. Қутлуг қон). Зотан, сафарга чиқиш фикри раҳбарда дабдурустдан туғилмайди ва фикр туғилиб, режа тузилиши биланок **иш хамирдан қил суғургандек силлиқ** кетавермайди (Қ. Кенжа. Буюклар изидан). Аччиқ шўрва ичиб кўрпага ўралиб ётсангиз, чунонам бир терлайсизки, дардингиз **хамирдан қил суғургандек** чиқди кетади. (С. Аҳмад. Ҳукм). Ишнинг **хамирдан қил суғургандай** кетаётганини кўрмайсизми? (О. Мухтор. Эгилган бош).

## Х А Н Ж А Р

ХАНЖАРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Тилмоқ, санчилмоқ, ботмоқ.* Кўнгилга жуда қаттиқ азоб берадиган гап-сўз, ҳаракат-ҳолат кабилар ҳақида.

Унинг увуллаши Ботирнинг юрагини **ханжардай тиллар**, назарида бутун Боку унга қўшилиб йиғлар, оҳ чекар эди (М. Ҳазраткулов. Кўккўл). Иниси Ҳайдаршоҳ ҳақида келаётган бир-бирига тескари хабарлар хаста кўнглига **ханжар каби санчилар** (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). Тавба... – деди Шохмурод, – бу кимсанинг тоғлиқ бўлгани юрагимга **ханжардек санчилди** (Мирмуҳсин. Темур Малик). Бу гап Темур Маликка ёкмади, юрагига **ханжардек ботди** (Мирмуҳсин. Темур Малик).

## Х А С

(МИСОЛИ) ХАСДАЙ (КАБИ)

1. *Қадрсиз, арзимас.*

Бу ерда етти кўк бир ховуч тупроқча, жаннатда ўсадиган сидра ва тўби каби дарахтлар эса **хас каби қадрсиз** эди (И. Султон.

Озод). **Хасдек қадрсиз** мендек бир одамнинг жаҳон шоҳига даркор бўлиб қолганлигидан таажжубдаман (М. Қориев. Спитамен). Бу гирдоб қаршисида у ўзини бир **хас каби** хис этарди (Т. Малик. Шайтанат).

2. Вазнсиз, қадрсиз нарсадай ҳаракатлан(тир)моқ. Асосан, конкрет нарсалар ҳақида.

Филлар гоҳо бир-бирига шундай қаттиқ уриладики, маҳават бўшроқ ўлтирган бўлса, **хасдай** учиб кетади (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Белинг чиқиб кетмасмикан, Султон огайни? Ахир, улар сенга ўхшаган не-не одамларни ўз йўлидан **хасдек** супуриб ташлаган экан?! (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Унинг қайиғи денгиз сатҳида **мисоли хасдек** ўйнарди (М. Ҳазратқулов. Кўккўл). Тоғлардан сел келди. Ўрқач-ўрқач лопиллаган тўлқинлар азамат дарахтларни, ҳайбатли қоятошларни, темир-терсақларни **хасдек** ўйнатиб чирпирак қилади (Х. Султон. Бобурийнома). Тоғ ёнида дарё тошса, тоғларни сураб, Халқ довули келгиндини **хасдек** учираб (Ж. Камол. Жамила).

## Х А С Т А

### ХАСТА(ЛАР)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Касалмандларга хос белгиларга эга бўлмоқ, шундай белгилар билан ҳаракат қилмоқ.

Ораларида ўн тўрт-ўн беш ёшли, **хаста каби** рангсиз, ориқ болалар, юк кўтариш у ёқда турсин, афтидан, ўзини базўр эплаб юрадиган тинка-мадорсиз, елкаси чиқик, бели букик чоллар ҳам бор (Ойбек. Қутлуғ қон). Каттаси Ойсара ўттиз беш ёшларда, хали ўз хуснини йўқотмаган, лекин **хасталардек** паришонҳол, ингичка, нозик хотин (Ойбек. Қутлуғ қон). Ҳазин товуш билан саломлашиб, Бобур таклиф қилган зарбоф кўрпача устига **хасталардек** бўшашиб ўлтирди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар).

## Х И П Ч И Н

### ХИПЧИН (ХИВИЧ)ДАЙ

Новча, озғин, *нозик*. Одамнинг гавдаси, бўйи ҳақида.

Қудратилла ёшлигида **хипчиндек** йигит эди: ўткир, чаққон, *новча*. Энди анча эт қўйибди (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Дам ўтмай хонага сочларини силлиқ тараган, **хипчиндай** йигит кириб келди (Т. Малик. Шайтанат). Ҳайдарнинг ёши катта бўлгани билан новча, **хипчиндай** қилтириқ Маҳмуд билан бўйи қарийб баравар эди (Т. Малик. Шайтанат). Озиб, **хипчиндек** бўлиб қолган қиз акасига ҳасратини тўкиб сололмай, фақат

йиғларди (Т. Малик. Девона). У хали **хивичдек нозик**, ёшлик-ўсмирлик беғуборлиги, чиройига тўлғин (О. Мухтор. Хотин подшоҳ).

## ХОДА

### ХОДАДАЙ

*Узун.*

Ховлининг этагида яна бир трико кийган ёш қиз **ходадай узун** оёқларини навбатма-навбат кўтариб, оққушнинг бўйнидай нозик, оппоқ кўлларини ўйнатиб, машқ қиларди (О. Ёкубов. Биллур қандиллар).

### ХОДА ЮТГАНДАЙ (КАБИ)

*Қаққаймоқ, гўдаймоқ, гердаймоқ.* Қаддини тик тутмоқ. Кўпинча салбий муносабат ифодаланади.

Менга қара, Бурҳон Тиллаевичга, айниқса, Турди Баҳриевга учраганинда, бунақа **хода ютгандай қаққайиб** турма, тушундингми?! (О. Мухтор. Эгилган бош). Асилбек бундай қарасаки, рақиби хали-вери чурқ этадиган эмас, турибди **хода ютгандек қаққайиб**, шунинг учун илондек вишиллаб деди: – Аввал милтигингни ташла, агар йигит бўсанг (Н. Норқобилов. Тоғдаги ёлғиз одам). Извош «фон Кауфман» хайкали олдидан тарақлаб кетди. Бу ерда **хода ютган каби гердайган**, шоп мўйлов офицерлар кезар эди (Ойбек. Кутлуғ қон). Бола **хода ютгандай гўдайиб** тураверди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Чол яна боягидай пишиқ қаддини **хода ютгандай** тик тутиб, олтин бандлик асоси билан ерни дук-дук уриб, Қаландарнинг ёнидан ўтиб кетди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси).

## ХОТИН

### ХОТИН(ЛАР)ДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ)

Аёлларга хос сифатларга эга бўлмоқ, уларга хос ҳаракатлар қилмоқ. Эркаклар ҳақида.

Эркак деган, эркакдай бўлиши керак, – дерди у эркаклар ҳақида. – **Хотинга ўхшаб** мижғов бўлмасин (Н. Эшонқул. Уруш одамлари). Чопар ҳамма нарсани тушунтириб бергунча, **хотинлардай** пиқиллаб йиғлашдан ўзини тиёлмади (М. Али. Улуғ салтанат). **Хотинларга ўхшаб** қарганиб гапиргани наша қилиб, кулдим (М. Мансур. Жудолик диёри). Акмал ўрис бирдан латтадай бўшашиб, пиқ-пиқ йиғлашга тушди, кейин ўпкаси тўлиб,

юз-кўзлари жикқа ёшга буланиб, хотин кишидай ҳиқиллади (М. Мансур. Жудолик диёри).

## Х У М

### ХУМДАЙ

Жуда катта. Асосан, одамнинг, ҳайвонларнинг боши ҳақида.

Горнинг ичидан боши **хумдай**, узунлиги харидай бир нарса ўрмалаб, булар сари кела бошлади (Уч оға-ини ботирлар). Агар у бир оз ҳаракатсиз турса, қайси ношуд ҳайкалтарош ёш болага катта одамнинг **хумдай** бошини ўрнатиб қўйибди, деб ўйлаш ҳам мумкин эди (Т. Малик. Шайтанат). **Хумдай** бошида йирик «тугма»ли, куроқи чарм кепка, чойнакнинг қопқоғидек келади – гўёки неварасиникини эрмакка қўндириб олган (Э. Аъзам. Шовқин). Зокиров ҳам уни кўриб, бир он тўхтади, сўнг бошидаги кулранг шляпасини кўтариб, жингалак сочли **хумдай** бошини тавозе билан эгди (О. Ёкубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Паст бўйли, елкалари кенг, калласи **хумдек**, бошида телпаги, бўйни кўринмас, телпакли калласи нақ елкасига қўндириб қўйилгандек туюларди (Ш. Холмирзаев. Қулоқчўзма). Ҳовли атрофида нурай-вериб ер бағирлаб қолган пахса девор чўкиб ётган туя, калласи **хумдек** айиқ ва яна алланима балоларни эслатарди (А. Кўчимов. Бойчечак).

## Х Ҳ Р О З

### ХҲРОЗДАЙ

1. *Кеккаймоқ, гўдаймоқ, гердаймоқ.* Қаддини тик тутган ҳолатда бўлмоқ, ҳаракатланмоқ.

Отақўзи ранги ўчиб, рўпарасида **хўроздай кеккайиб турган** муштдеккина чолга еб қўйгудек ўқрайиб қаради (О. Ёкубов. Диёнат). Бетини без қилиб, бўлғуси қайнота ҳузурида **хўроздай** бўп турса эздан бўлмас (Қ. Норқобил. Осмон остидаги сир). Мирзакаримбой астагина ўрнидан турди. «Ёрасулулло» деб минғирлади, супадан тушиб, кечагина сотиб олингандай, яркираган чиройли, ихчам «содиқи» кавушни оёқларига илди, кавушни ғижирлатиб, қари бўлса ҳам **хўроздай кеккайиб**, кўрғон томонга юрди (Ойбек. Қутлуғ қон). Ақлли бола экансан, ука, ота қарзини узишга бел боғлабсан. Бир томондан, дадангнинг арвоҳи хушнуд бўлади, иккинчи томондан, ўзинг жўраларинг орасида бошингни кўтариб, **хўроздай** юрасан (Ойбек. Қутлуғ қон). **Хўроздай** бунча *гўдаясан!* – Тиркашга яна пешхезланган эди, бир-икки киши унинг йўлини тўсди (И. Зойир. Қисмат ўчи).

2. *Хурнаймоқ, бўйни (кекирдаги)ни чўзмоқ, хезланмоқ.* Урушмоққа чоғланган ҳолатда бўлмоқ. Асосан, одам ҳақида.

Лочин Суюн бургутнинг қошларидай қалин қошларини чиририб, урушқоқ **хўроздай хурнайди** (О. Ёкубов. Адолат манзили). Арзимаган нарса устида масалахонлик қилиб, бир-бирлари билан талашади. Кўяверсанг, **хўроздай** парт-парт тегишмоқчи бўлишади (Ойбек. Қутлуғ қон). Ҳатто ҳозиргина урушқоқ **хўроздек хурнайиб турган** Муруднинг вужуди ҳам ток ургандек зирқиради (А. Кўчимов. Бойчечак). Ўв! – деди *бўйинини хўроздек чўзиб*. Раисман, деб жа ўзингдан кетма! (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Яна икки кундош хужумга ҳозирланган **хўрозлардек** бир-бирларининг устларига *хурнайшидилар* (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Нима фақат? – деди Белобородов, уришқоқ **хўроздай кекирдагини чўзиб** (О. Ёкубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Ўроққул уришқоқ **хўроздай хезланиб** олдинга талпинди (О. Ёкубов. Диёнат).

#### МОШ (ДОН) ЕГАН (ЮТГАН) ХЎРОЗДАЙ

*Қип-қизил; қизармоқ.* Семизликдап юзлари қизил ва таранг, гердайган. Салбий муносабат ифодаланади.

Расул борганда шишани аллақачон яримлатган Фармонов лўппи юзи **мош еган хўроздай қип-қизил**, чамаси, аллақачон бўлғуси «жангу жадал»га шайланиб олганди (О. Ёкубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Ҳа, хумпарлар, ҳамиша **дон еган хўроздай қизариб** юрасанлар (Ойбек. Улуғ йўл). Телевизорда эса **мош ютган хўроздай** бўлиб олган нотик кулимсираган ҳолда ваъз айтарди (Т. Малик. Мурдалар гапирмайдилар). **Мош еган хўроздай** ошпазлар қозон бошида куймаланмоқда эдилар (Ойбек. Навоий).

#### ХЎРОЗНИНГ ТОЖИ(СИ)ДАЙ

*Қип-қизил; қизармоқ.* Асосан, одамнинг юзи ҳақида.

У гўштдор ҳам эмас, ориқ ҳам эмас, кичик, айёр юзи **хўрознинг тожисидай қип-қизил**; оппоқ соқоли ва мийиғлари тоза ва таралган (Ойбек. Қутлуғ қон). Отамнинг олдиларига бо-раётган эдим, – деди-ю, юзлари **хўрознинг тожндай қизарди** (И. Зойир. Қисмат ўчи). Мансур бошини кўтариб қоматдор, юзлари **хўрознинг тожисидай қип-қизил**, кўкси орден-медаллар билан тўла олтмиш ёшлардаги бакуват бир одамни кўрди-ю, ирғиб ўрнидан турди (М. Ҳазратқулов. Атрофда баҳор).

## Ч

### ЧАЁН

#### ЧАЁНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Чақмоқ.* Аччиқ гап билан озор бермоқ.

Нақадар доносиз, Моҳим! Подшоҳимизни бу шеърдан ўзингиз огоҳ қилинг, оталиғининг **чаёндай чақишини** билиб қўйсинлар (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Биламан, сўзларим уларни **чаёндек чақиб-чақиб олмоқда эди.** (М. Мансур. Жудолик диёри). Бечора, қандай чидади экан бу эговга, Худонинг бу бошли-кўзли балосига? Унинг заҳар-заққум сўзларига? **Чаёндек чақишларига?** Ўзининг ёзуқлари, бошига тушган мусибатлар кам эканми? (М. Мансур. Жудолик диёри). Думини гажак қилган **чаён каби** энди заҳрини солишга шайланганида эшик очилиб, Чувринди кириб келди (Т. Малик. Шайтанат).

2. *Чақмоқ.* Ҳаддан ортиқ совуқнинг озорли таъсири ҳақида.

Тунлар совуқ – **чаёндай чақади,** хуфтон намозидан сўнг қора уйнинг мўрисида бодраган юлдузларга термулади (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Кўрпа теккан жойини **чаёндек чақади.** Ичидан иссиқ ўрнига совуқ чиқаётгандек (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

#### ЧАЁН ЧАҚҚАН (ОДАМ)ДАЙ

*Сапчимоқ,* сакраб кетмоқ, кескин ҳаракат қилмоқ. Бирданига, тезлик билан бирон ҳаракат қилмоқ.

Бас! – Қодиржон **чаён чаққандай** ўрнидан *сапчиб турди.* – Университетда ўқийман деб, жа ақлли бўп кетибсан (О. Ёқубов. Диёнат). Умар акам бу гапни шу қадар ишонч билан айтдики, **чаён чаққан одамдай сапчиб** туриб, бора солиб ёқасига ёпишгим келди (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Пардаев **чаён чаққандек** оғир тўлғанди (Т. Ҳайит. Одамнинг яхшиси). Мушарраф **чаён чаққандек сапчиб** ўрнидан турди (Х. Дўстмуҳаммад. Шабада). У киши нима дея қолдиларки, Зокир милиса **чаён чаққандек** бу хонадондан чиқиб бораркан, йўлакай орқасига ўгирилиб: – Ҳали шошмай турунг. Шам қанақалигини кўрсатиб қўяман! Милиса билан олишишни кўрасиз ҳали! – деб

жавраб-саннар эди (М. Мансур. Жудолик диёри). Мингбонни кўкқисдан чаён чақиб олгандай сесканиб кетди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

## Ч А М А Н

### ЧАМАНДАЙ

*Очилмоқ, гулламоқ, товланмоқ, яшинамоқ.* Кўпроқ кийгос очилган гуллар, гўзал нақш, буюм, жой ва шу кабилар ҳақида.

Малик муаллим ёнбошлаб, рўпарасида **чамандай** *очилиб турган* гулларга хавас билан боқди (А. Кўчимов. Оқ каптарлар ороли). Хув наридаги бир туп настарин **чамандай** *очилипти* (М. Ҳазраткулов. Чироқ ўчмаган кеча). Ерда **чамандай** *гуллаган* ипак гиламлар, баланд шиплардан осилган олтин қандиллар, токчалардаги асил ажойиб хитой идишлар зийнати ақлни шоширар эди (Ойбек. Навоий). **Чамандек** *товланиб ётган* бу нозик нақшлар мрамор сатҳига феруза, ақик, зумрад, забаржад, ёкут сингари қимматбаҳо тошларни қадаб зийнат бериш орқали вужудга келтирилган (Х. Султон. Бобурийнома). Шом тароватдан **чамандек** *Яшинаган* жонона кун (Ж. Камол. Кун).

## Ч А Р О С

### ЧАРΟΣДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қора.* Асосан, одамнинг кўзлари ҳақида.

Ғуломжон шошиб қолди. Нозик қилиб терилган қалам қошларида – ўсма; **чарос каби қора**, сузук кўзлар теварагидаги қалин, узун киприкларда – сурма... (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Бу – Сўпининг кўзлари **чаросдай** *қоп-қора* шаддод келини эди (Ш. Бўтаев. Бир кунлик меҳмон). Унинг **чаросдай** *қоп-қора* кўзларини найза каби киприклари кўриқлаб турарди (М. Ҳазраткулов. Кўккўл). Нега кўришмайсизлар, – деди Маҳкам ака қоп-қора сочлари ўсган, **чаросдек** кўзлари ёниб турган кичкина, оппоқ кулча юзли Абрамга қараб, – бизникига бориб турсанг, кўришаверасан-да (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Кўзларинг бир жуфт **чаросдек**, лабларинг гул баргидек, коматинг шамшоддек (Х. Даврон. Бибиҳоним киссаси ёхуд тугамаган дoston).

## Ч А Р Х П А Л А К

### ЧАРХПАЛАКДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Айланмоқ.* Чирпирамоқ, ост-уст бўлмоқ, шундай ҳолатдагидай тасаввурда бўлмоқ.

Хаёли **чархпалакдек айланди**, кўз ўнгида ота-онаси, Гавҳар, опа-сингиллари гавдаланди (М. Ҳазратқулов. Чирок ўчмаган кеча). Овқатдан кейин аччиқ кўк чой устида гурунг бошланди. Аниқроғи, у кейинги воқеалар ҳаётини **чархпалак каби айлан-тириб юборганини** айтиб берди (А. Абдуллаев. Дард). Гулгина-нинг боши бахтдан сархуш бўлиб, кўз ўнгида хонадаги буюм-лар **чархпалакдек айланиб кетди** (И. Зойир. Қисмат ўчи). Оёғи остидаги ер **чархпалакдек айландими**, гандираклади (И. Зойир. Қисмат ўчи). Шу пайт кўзлари тиниб, атроф қоронғилашди, боши оғирлашиб, ер **чархпалакдек айланди** (И. Зойир. Қисмат ўчи).

## Ч А Ш М А

### ЧАШМАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Тиниқ; тинмоқ.* Ҳар қандай нодурустликлардан холи, тоза, ёкимли, шундай хусусиятга эга бўлмоқ.

**Чашмадай тиниқ**, дилрабо куй тобора авжига чикмоқда, Бобо Сеторий бошлиқ хонандалар бошларини эгиб, гўё ўз куйларидан ўзлари эриб кетаётгандай кўзларини юмиб, тебраниб чалишар, кекса букри найчининг эса кўм-кўм маъсум кўзларидан тиркираб ёш оқарди (О. Ёкубов. Кўҳна дунё). Тонг отар чоғида жуда соғиниб, Бедил ўқир эдим, чикди офтоб. Лойқа хаёлотлар **чашмадай тинди**, Пок-покиза юрак — бир қатра симоб (Ғ. Ғулом. Соғиниш). Энг теран **чашмадек тиниб**, сизилиб, Асрлар қаъридан келади хабар (А. Орипов. Куёш шаҳри). Бугун фикрларим **чашмадай тиниқ**, руҳим ҳам куш каби енгил (Т. Жўра. Шоир дўстларимга мактуб).

## Ч А Қ М О Қ

### ЧАҚМОҚДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Чақнамоқ, урилмоқ.* Мия, хаёл, хотирага бирдан келган, қаттиқ таъсир қилган воқеа-ходиса, ўй-фикр ва шу кабилар ҳақида.

Расулнинг кўз олдига лоп этиб пастда кўрган Мардон Зокиров келди. Хаёлида «Ўша ифвогарнинг иши!» деган гап **чақмоқдай чақнади** (О. Ёкубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). «Бону!» — Бу фикр миясида **чақмоқдай чақнаган** Қаландар аргумоғига камчи урди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Бу савол унинг миясига сўнги бор **чақмоқдай урилди**-ю, мажолсиз оёқларини аранг судраб, машинадан тушди (Ў. Ҳошимов. Ўзбеклар). Ҳозир **чақмоқдай чақнаган** умид унинг вазоҳатига момақалдироқ ларзасини соляпти (П. Қодиров. Юлдузли тун-

лар). Балки хаёлига **чақмоқ каби урилган** беўхшов манзара унга тушдай туюлгандир (Т. Малик. Шайтанат). Унинг миясига фикрлар қуюни **чақмоқдай урила бошлади** (Ш. Бўтаев. Ҳисомиддин Ал-Ёғий). Кўнгли бир оз тинчланиб, метрога туша бошларкан, хаёлига бир матал **чақмоқдай урилди** (У. Ҳамдам. Мувозанат).

2. *Бир ёниб-ўчмоқ; қисқа.* Инсон умрининг қисқалиги ҳақида.

Замонларнинг абадий жараёни, унга нибатан одам умрининг **чақмоқ сингари бир он ёниб-ўчиши**, ҳаётнинг маъноси ва сири ҳақида бу тош Навоийнинг бошида фикрлар бўронини кўзгади (Ойбек. Навоий). Бу дунёга кимлар келиб, кимлар кетмади дейсиз. Буюк шоҳлар, саркардалар, алломалар... Сиёвушдек жаҳон паҳлавони ҳам бир **чақмоқдек ёниб ўчди** (М. Қориев. Спитамен). Бу ерга келганимдан буён иккита ҳикоя ёзилди... Иккинчиси тарихий: «Ой ботган паллада». Бобур Мирзонинг Паркент ва Сомсарақда кечган **чақмоқдай қисқа** ва ёрқин кунлари ҳақида (Х. Султон. Бобурийнома).

3. Ёниб турган, ғайратли, шижоатли; келишган. Маънавий-рухий ва жисмоний, умуман, ҳар жиҳатдан тугаллиги билан ажралиб турадиган одам ҳақида.

Амир Темур **чақмоқдай** аскарларига руҳ бағишлагувчи сўзлар айтар, кўнгилларини кўтарарди (М. Али. Улуғ салтанат). Муҳаммад Султон эндигина ўн олтини қоралаган, лаблари устини ўсмирлик мўйлаби сабзадай беагаган, кўзлари каттакатта, оқ-сарик юзли, нозик табиатли, ҳиссиётли, билимга интиқ, ҳозирданоқ довбюраклиги тилга тушган **чақмоқдай** йигит эди (М. Али. Улуғ салтанат). У – адл қоматли, **чақмоқдай** бир қиз. Чақмоқдан бино бўлган! Чақмоқнинг чиройлилигини, кўклардан ерга отилиб тушишини, куйдириб, кул қилишини кўрганмисиз? Дилором ана шундай гўзал ва шиддатли! (И. Султон. Озод). Қизларнинг айтишича, шаҳзода Муҳаммад Султон Юсуф алайҳиссаломдай гўзал сумбатли, тенги йўқ, **чақмоқдай** йигит эмиш (М. Али. Улуғ салтанат).

## ЧИВИН

### чивиндай

Жуда кичкина, лекин тирик, чидамли. Одам ҳақида.

Менга сенинг **чивиндек** жонинг керак (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Ҳаммамизнинг ичимизда энг камгап, энг хокисор (шу **чивиндек** жони билан бу кураш-сўқишларда қандай юрибди экан?) шу одам бир оғиз сўз билан унинг ҳикматини айтиб қўя қолдилар (М. Мансур. Жудолик диёри). Шунча сабр-бардошни қаердан топди экан? **Чивиндек** жони, аёл бошига? Сабил экан-ей тагин ҳам жони (М. Мансур. Жудолик диёри).

## ЧИГИРТКА

### ЧИГИРТКАДАЙ

Кичик, нимжон, *озгин*. Асосан, одам, жонивор ҳақида.

Зоҳид **чигирткадай** кўринган аёлнинг бу даражадаги офат эканини тасаввур ҳам қилолмаган эди (Т. Малик. Шайтанат). Ўғлини уйлантиргач, келиннинг овқат ейишини кўриб, юраги зил кетди. «Ўзи **чигирткадек** бўлса ҳам бало экан», деб қўйди (Т. Малик. Шайтанат). Миниб юрган **чигирткадай** отинг бор, Қумурсқадай сенинг бир жасадинг бор (Малика айёр). Кечқурун мана шу **чигирткадай** *озгин*, қоп-қора хотин Анварнинг олдига келиб кетган эди (Ў. Ҳошимов. Уч хил одам).

## ЧИГИТ

### ЧИГИТДАЙ

Жуда кичкина. Одатдаги ҳажмдан кичикликнинг муболағали ифодаси учун.

Кап-катта одам **чигитдай** болани алдаб ўтирган бўлса-ю... (А. Кўчимов. Ўғил). **Чигитдай** гўдакни қонига бўяган қўлларинг синсин, илойим! (А. Кўчимов. Ҳовлидаги майдонча). Ғўра чигитдан катта эмас эди, лекин еганимда ҳамма ёқни баҳор ҳиди тутиб кетди, бутун баҳорни шу **чигитдаккина** ғўранинг ичига қамаб қўйилгандай туюлди (А. Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар). Зарбдор бўлган чол отанг Қирчиллама йигитдек. Филдир теримда онанг, Ўзи кичик **чигитдек** (Ойбек. Қишлоқ кизи – студент). **Чигитдай-чигитдай** арилар ўқловдай илонни чакиб шишириб юборишади (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари).

## ЧИЛЛАК

### ЧИЛЛАКДАЙ

*Ориқ, ингичка*. Кўпроқ одам, жонивор кабилар ва уларнинг тана аъзолари ҳақида.

Чамаси, саксон ёшларга етган, **чиллақдай** *ориқ, ингичка* ва елкаси туртиб чиққан Бобо Ҳокий ҳали жуда тетик эди (Ойбек. Навоий). Ойимга юзландим. У **чиллақдек** *ингичка*, титроқ бармоқлари билан яна гуруч теришга тушди (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Қора эшак **чиллақдай** *ингичка* оёқлари билан тупроқ чангитиб, аравани судраб борар, ғилдирақлари нола чеккан каби ҳазин ғийқилларди (Ў. Ҳошимов. Ўзбеклар). Уйнинг ўртасида оёқлари **чиллақдек** бир бола чол-кампирга қараб,

тиржайиб турган эмиш (Зумрад ва Қиммат). Хусан **чиллакдек** кўллари билан маҳкам тирмашиб олган, кўзлари мушукникидек ёнар эди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

## Ч И Н Н И

### ЧИННИДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Тоза; тозаламоқ.* Асосан, ўрин-жой ҳақида.

Ботинда эса дилига лой суртяпсиз, қалб кошонасини тонгапсиз, **чиннидай тоза** жойга ахлат ташляпсиз (А. Абдуллаев. Дард). Ён томонда чет эл мебеллари... Муҳими, бирон жойга гард қўнмаган, ҳаммаёқ **чиннидай топ-тоза** (А. Абдуллаев. Дард). Текис асфальт ҳовли **чиннидай** қилиб супурилган, икки лабига зичлаб пишиқ ғишт ётқизилган арикчадан шарқираб сув оқиб ётар, ариқ четида гулсафсарлар найзадор япроқларини шай тутиб саф тортиб турарди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Кўчани **чиннидай тозаллагандан** сўнг, мачитдаги ҳовуздан обкашлаб сув ташимокқа бошлади (Ойбек. Қутлуғ қон). Ҳамма ёқ **топ-тоза, чиннидай** (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Хизматчилар келганда ҳамма ёқ **чиннидек тоза, саришта** (Ў. Умарбеков. Куз ҳавоси). Эртасига тонгдан туриб, остонани, ҳовлини, дарвоза тагини супуриб-сидираман, **чиннидай** қилиб *тозалайман* (М. Исмоил. Таслима).

## Ч И Н О Р

### ЧИНОРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Баланд, бақувват; улкан, салобатли, суянч бўладиган.* Кўпрок эркак киши ҳақида.

Давра ўртасида Барот полвоннинг **чинордек баланд, бақувват** гавдаси пайдо бўлди. Гузар сув сепгандек жимиди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). **Чинор каби улкан** гавдада Нозик қалбни оғир асрамоқ (Ҳ. Карим. Юрак билан сўзлашув). Етмаса, **чинордай** ўғилларим бор! Боласини боқиб, хомини пишириб ўтирсам ҳам бир кунимни кўраман (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Ҳамиша оёқда тик юрадиган, чарчаш нима билмайдиган **чинордай** валинеъмат соҳибқироннинг энди чорасиз азиз бошларини ёстикқа қўйиб, роҳатсизланиб ётганларини бир зум кўз олдига келтирди (М. Али. Улуғ салтанат). Ойбек соҳилингда турар **чинордай**, Барча улканлигинг завқли нигоҳда (Зулфия. Қуёшли қалам). Бир оқсоқол кўрдим – бўйи **чинордек**, Эгнида банорас, кўкраги очик (Миртемир. Оқсоқол).

Сандикдан бир жонивор Қоматини кўтарди, **Чинордайин** бўйи бор, Одамга ўхшар эди (Ҳ. Олимжон. Ойгул билан Бахтиёр).

## ЧИРМОВУҚ

ЧИРМОВУҚДАЙ (КАБИ, МИСОЛ)

*Ўрамоқ, чирмаймоқ, ёпишмоқ*, тамоман қамраб олмоқ, қўшилиб кетмоқ, ўз доирасидан чиқармай қўймоқ.

Абдулатифни **чирмовуқдай ўраб олган** вазирлар ва аъёнлар унинг ҳовлиқма феълени кўзғатдилар (П. Қодиров. Шохруҳ ва Гавхаршод). Наҳотки, буям Ҳандалак шаҳри меҳнаткашларининг оёғини **чирмовуқдай ўраган** иллатлардан бири бўлса (Х. Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлакати). Ҳаётнинг бўйнига *чирмашиб кетсин* Иккала қўлим ҳам **чирмовуқ мисол** (У. Азим. Шубҳа). Ўтаган бува жадаллаб бориб, унга **чирмовуқдек ёпишди** (Ғ. Шермуҳаммад. Баракасини берсин). Уларнинг миясини «Мен сенга, сен манга тегма» деган ақида **чирмовуқдек ўраб олган** (И. Зойир. Қисмат ўчи). У Ҳожи отанинг ёнига, аввало, ўзини **чирмовуқдай ўраб олган** хаёлларидан бир оз чалғиш мақсадида кирган, вазиятга қараб бошига тушган савдонинг бир учини чиқармоқчи эди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари).

## ЧОЙНАК

ЧОЙНАКДАЙ (-ЧОЙНАКДАЙ)

Одатдагидан катта. Кўпроқ анор, нок кабилар ҳақида.

Бошқаларнинг карами муштдек бўлгунча, буларники **чойнакдек** бўлиб «қайнаб кетади» (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Кўряпсанми буни? – Пояга бармоғи учини тегизди. – Нок эди бу. **Чойнакдай-чойнакдай** ҳосил берадиган навидан эди (Ш. Холмирзаев. Ўзбек бобо). Анор дарахтларида анор шиғил, **чойнакдай-чойнакдай** бўлиб осилиб ётибди (А. Қаҳҳор. Анор). Сахий дастурхон: чинни лаганларга терилган **чойнакдай-чойнакдай** анорлар, олтиндай товланган нок, беҳи ва уларнинг устидаги хусайни ва қора чарослар шундай назокат билан ясалганки, эшиқдан кирган кишига дабдурустан гениал бир натюрмортни эслатади (О. Ёкубов. Оққушлар, оппоқ кушлар). Эрта баҳордан парвариш қилиб кузда ҳар бири **чойнакдай-чойнакдай** келадиган анорларни узаман (С. Аҳмад. Елкасини ҳақиқат силаган ижодкор).

## ЧУМОЛИ

### ЧУМОЛИДАЙ (КАБИ, МИСОЛИ)

1. *Беҳисоб*, жуда кўп. Асосан, одамлар ҳақида.

Кўприкдан **чумолидай беҳисоб** одамлар, отлар, моллар, аралар тизилиб ўтиб келаётгани ёмғир пардаси орасидан эласмас кўзга чалинади (П. Қодиров. Юлдузли тунлар).

2. *Ўрмаламоқ, гивирламоқ, уймалашмоқ*. Кўплашиб, биргаликда ҳаракат қилмоқ; муайян бир жойда тартибли-тартибсиз ҳаракат қилмоқ, ғужғон ўйнамоқ.

Дарё ёқасида **чумолидай ўрмалаган**, ўлган-тирилганига қарамай шаҳар деворлари сари интилаётган мўғулларнинг ҳисоби йўқ (Мирмуҳсин. Темур Малик). Кечагина отда қалъани айланиб дўқ ураётган суворийлар энди **чумолидек ўрмалашар**, ёғий қалъадан отда чиқиб босса, ҳолимиз не кечади, дея дуч келган тарафга қоча бошлаганди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Ҳатто ёв ҳам шу ерда, оёқ остида эди. Озод уларнинг тупроқ узра **чумолилар каби** ночор-ночор *ўрмалаб* юришганини кўрди (И. Султон. Озод). Қирларда қўй галалари **чумолидай ўрмалаб** юрар, баланд адирларда ёнбошлаб ётган чўпон-чўлиқлар учрар, хазон тўшалган қирмизиранг боғларда киз-жувонларнинг гулдор рўмоллари хилпираб қолар, болаларнинг қий-чуви кулоққа чалинар эди (О. Ёқубов. Улугбек хази-наси). Араваларнинг остида болалар **чумолидай гивирлашади**, қоплардан, яшиқлардан тўкилиб, тупроққа, лойга қоришган меваларни теришади (Ойбек. Қутлуғ қон). Шундоқ бекат рўпарасида икки қаватли универмаг ойнаванд эшикларини очган, харидорлар **чумолидай гивирлашиб** кириб-чиқиб туришар эди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Узокдан қараган одам **чумолидай уймалашган** нўёнлару амирлар, баҳодирлару аскарларнинг ўзларини бирин-кетин дарёга отганларини кўрарди (М. Али. Улуғ салтанат). Расталар орасидаги торгина йўлакда **чумолидек уймалашиб ётган** одамлар орасидан илгарилаб бо-раётган Ўтаган бува нимадир эсига тушгандек сергак тортиб, шеригига юзланди (Ғ. Шермуҳаммад. Баракасини берсин).

3. *Ишламоқ, меҳнат қилмоқ, ҳаракат қилмоқ*. Ғайрат, жонсараклик билан кўплашиб тиним билмай меҳнат қилмоқ.

Тирикчилигимиз шу бог орқасида бир нав ўтиб турарди. Ердан қор кетиши билан кўчиб келиб, бутун оила **чумолидай ишлар эдик** (Ойбек. Қутлуғ қон). Улар дарё ёқасига келиб, жимирлаб, буралиб оқаётган Сайхунга соатларча тикилишар, узокда, дарё ичидаги узун оролга боқишиб, бунда **чумолидек** тинимсиз

*ҳаракат қилаётган* хўжандликларни кузатишарди (Мирмуҳсин Темур Малик). Ҳасан сўфи билан Алим бува тоққа чиқишди-ю, атрофда одамларнинг **чумолидек** қайнашиб, *ишлашиб ётган*ларини кўришди, кўнгиллари яна баттар оғриди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). У **чумолидек** бетиним ғимирлаб *меҳнат қилаётган* одамлар нималарга қодир эканини кўрди (Мирмуҳсин. Меъмор).

#### 4. Тизилмоқ, саф бўлмоқ.

Ана, барчалари эгни тўзган, ҳаммаёғи тимдаланган, хаста-мажруҳ ҳолатда **чумолидек тизилиб** йўл босишяпти (О. Мухтор. Хотин подшоҳ). Инсон ҳам **чумоли мисоли саф бўлиб** суринаверар экан (О. Мухторов. Вазифа).

#### 5. Жуда ҳам кичкина; кичкина бўлиб кўринмоқ.

Куйганёрдан бошлаб пардада кети узилмай, узоқ вақтгача трассадаги одамлар **чумолидек** бўлиб кўринаверди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун).

Кўзига одамлар гоҳ тоғдек, гоҳ **чумолидек** бўлиб кўринади (О. Мухтор. Майдон). **Чумолидек** бир кишининг номи тоғдек бўлиб туюлади одамлар назарида (О. Мухтор. Эгилган бош). У чўл ўртасида шамолдек олдинга югуриб кетди, боя **чумолидек** увоқ кўринган қиздек йигит, энди кийикдек ел кувиб олдинда учиб борарди (С. Аҳмад. Чўл бургути).

### ЧУМОЛИ ЎРМАЛАГАНДАЙ

#### *Сесканмоқ, эти жимирламоқ.*

Абул Ҳасанак султоннинг аллақандай сирли ҳикоясига кулоқ солиб ўтираркан, аъзойи бадани гўё **чумоли ўрмалагандай жимирлаб кетди** (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Шералининг аъзойи баданидан **чумоли ўрмалагаидай** бўлди. (С. Кароматов. Олтин қум). Этим жунжикиб, елкамда **чумоли ўрмалагаидай** бўлди (С. Сиёев. Ёруғлик). Танимдан сон-саноксиз **чумоли ўрмалагандек** ғалати *сесканиши* билан чамадончамни ўриндикқа қўйдим-у яна хотинга қарадим (С. Аҳмад. Ялпиз хиди).

### ЧУМЧУҚ

#### ЧУМЧУҚДАЙ

#### 1. Кичкина. Асосан, одам, юрак кабилар ҳақида.

Кимсан – мен, Илҳом, **чумчукдай** шу қизчанинг буйруғига бўйсуним керакмиш (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). **Чумчукдек** юрагинг бўлса керак, деб юрардим, маладес! – деди Ҳакимбек ака (Ў. Умарбеков. Маруся холанинг милтиғи).

Холдан тойгунча Бувигул холани гир-гир айлантриб, сўнг авайлаб ерга қўяркан, хансираганча пичирлади: – **Чумчукдай** бўлиб қолибсиз-ку, энажон (З. Қуролбой қизи. Ёзсиз йил). Катталарнинг кўзи менинг **чумчукдай** ўғлимга, яна бир қанча оғзи бўш камбағалга тикилибди. Йўк, бунда гап бор (Ойбек. Қутлуг қон).

2. *Чирқилламоқ.* Илтижо қилиб, зорланиб, куйиниб гапирмоқ.

Ойим унга кўзи тушиши билан **чумчукдек чирқиллаб қолди** (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Ойим **чумчукдек чирқиллаб**, эчкининг арқонига ёпишди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Ҳой қизим, бола-я, бола-я! – онам **чумчукдек чирқиллаб жу-вонга ёпишди** (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Дадаси! – Ойим **чумчукдек чирқиллаб**, дадамнинг камар ечаётган қўлига ёпишди. – Урманг! Иккинчи қилмайди (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси).

## ЧУГУРЧУК

### ЧУГУРЧУКДАЙ

*Ёпирилмоқ, ёпишмоқ.* Одамлар ҳақида.

Ўз устига **чуғурчукдай ёпирилиб** келмоқда бўлган кўконлик ва тошкентликларга қарши ўзида куч йўқлигини билган Мусулмонкул бир от ва бир қамчи аранг қўшиндан чиқиб қочди (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Бу от устида ўтирган Шайбоний-хоннинг кўзлари эса пастдаги кенг текисликда **чуғурчукдай ёпирилиб** пойга ўтказаётган отликларда эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Ҳалиги муштумзўр йигит уни бир туртди-да: «Юр, юр, итвачча, жинни-минни бўлдингми?» – деб судрай бошлади, бошқалар ҳам унга тўрт томондан **чуғурчукдек ёпишидилар** (А. Қодирий. Ўткан кунлар).

## ЧЎМИЧ

### ЧЎМИЧДАЙ (-ГА ЎХШАШ)

Катта, қўпол, ярашиқсиз. Кўпроқ одамнинг бурни ҳақида.

Новча кишининг юз тузилиши қўпол, **чўмичдай** бурни бор хуснини ҳам йўқотиб юборганга ўхшар, рангсиз юзидан бирон маъно уқиб олиш қийин эди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Ўғиллари уни касалхонага олиб боришди. **Чўмичга ўхшаш** бурнли бир врач узоқ текширди (А. Жўраев. Кўзмунчоқ). Бурни **чўмичдек** харидор пинагини бузмади (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Қарасам, стол тўрида бурни **чўмичдек** кимса ўтирибди

(Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Шу пайт айвони катта оқ каламинка шапка кийган, **чўмичдек** бурнининг тешигидан жуни чиқиб турган киши хўрознинг тепасида тўхтади (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

## Ч Ў П

### ЧЎПДАЙ

1. *Ингичка*. Кўпроқ оёқ, кўл, бармоқлар ҳақида.

Чиркин, кир сочлари ҳалиги кучукнинг юнги тусида ва ўшандай дағал, қалин, узун, **чўпдай** *ингичка* суяк бармоқлари билан эшик ҳалқасини ушлаб, Нурига анча вақт бақрайиб қарагандан кейин кўйлак этагини ерда судраб, икки қадам олдинга юрди (Ойбек. Қутлуғ қон). Кампирнинг **чўпдек** *ингичка*, буришиқ бармоқлари ориқ тиззаларига ёпиб кўйилган қора капанак устида гўё алланарса ахтарган каби тимирскиланар эди (Х. Султон. Бобурийнома).

2. *Ориқ, озгин; озиб кетмоқ, қуримоқ*, жуссаси жуда ҳам кичраймоқ. Асосан, одам, жониворлар ҳақида.

Қабулхонада **чўпдай** *ориқ* бир қиз машинка чиқиллатиб ўтирарди (О. Мухтор. Эгилган бош). Сирожиддин биринчи қаватга тушган эди, рўпарасида қора атлас кўйлак кийган, юзлари ҳам қоп-қора, **чўпдай** *озгин* қиз чиқиб қолди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Мана, взвод бошида **чўпдай** *озгин* ва узун Иванов, ўз ишига пишиқ, унга ишонса бўлади (А. Ибодинов. Онанинг самантойи). У Домланинг хотинини келинойи деб қақирар, ўзи **чўпдай** *озгин*, оёқлари салга шишиб кетадиган, доим соғлиғининг ёмонлигидан нолиб юрадиган бу аёлни ҳар кўрганида табиати хира бўларди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). У, Йўлчининг эшитишига қараганда, кўпдан буён сил касалига дучор. Бир вақтлар гавдали ва чиройли бўлган ўттиз яшар йигит ҳозир **чўпдай** *озиб кетган* (Ойбек. Қутлуғ қон). Мирзо Абдуллатиф бир-икки кундаёқ лунжлари ўйиб олингандай ичига ботиб, кўзлари катта-катта бўлиб, **чўпдай** *озиб кетди* (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Девдек одам уч-тўрт ой ичида **чўпдек** *озиб*, ранги заъфарон бўлиб кетди (Э. Аъзам. Ступка). Анави кўк хангимиз бор эди-ку, ўша жонивор қишдан чикиши билан ўлиб қолди. Ўзиям **чўпдай** *қуриб кетувди* (А. Жўраев. Шакарнинг мактублари). **Чўпдай** *озиб кетган* қиз беҳудликдан уч кун ўзига келмади (М. Али. Улуғ салтанат). Юзида қон қолмаган, аввалги жуссасидан асар ҳам йўқ, **чўпдай** бўлиб ўтирибди (М. М. Дўст. Лолазор). Эҳ, шундай кампир икки ойда **чўпдай** бўлиб қолди-я (Н. Эшонкул. Уруш одамлари).

## Ч Ҷ Ч Қ А

### ЧҶЧҚАДАЙ

1. *Семирмоқ*; семиз. Одам ҳақида.

Сидиқжон нималар демоқчи бўлиб икки-уч оғиз ростлаганидан кейин Ўрмонжоннинг гапи эсига тушиб: – Одам дунёга **чўчқадай семириш**-у, битдай болалаш учун келмайди, – деди (А. Қаххор. Кўшчинор чироқлари). Яна кечирасиз, тилим ёмон, шу, ўзи ҳам **чўчқадай семирибди** лекин (А. Аъзам. Ҳали ҳаёт бор...). Сухбатдоши эса унинг нигоҳларидан «Сен пулнинг кулига ўхшайсан, майшатпарастликдан **чўчқадай семириб** кетгансан», деган фикрни уқиб олди (Н. Раҳмат. Санаторияда).

2. *Ичмоқ*. Меъёрини билмасдан, одамлик қиёфасини йўқотиб, кўп спиртли ичимлик истеъмол қилмоқ.

Володям қани ўзи, қакир! Табриклаб қўяй. Ётибди?.. Ичгандир-да?.. **Чўчқадай ичди**?! Ухлаб қолдими? Ҳа, ичкиликка қирон кесин! (Х. Дўстмуҳаммад. Масковлик яхши одам).

## Ч Ҷ Я Н

### ЧҶЯНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қоп-қора; қораймоқ*. Асосан, одам, тана аъзоларининг ранги ҳақида.

Валинеъмат падари Қорағулом – Олло унинг руҳини шод этгай – **чўяндай қоп-қора**, алпқомат одам эди (О. Ёқубов. Кўхна дунё). Худди отасининг кўзларидай қийғоч кўзлари қонталашган, ёноқлари бўртиб чиққан **чўяндай қоп-қора** юзи аллақандай кўкариб кетган (О. Ёқубов. Кўхна дунё). Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўрди: соҳибқироннинг ҳалигина ғазабдан **чўяндай қорайиб кетган** юзларига нур иниб, чеҳраси очилди (М. Али. Улуғ салтанат). Отақўзининг қорамтир юзи **чўяндай қорайиб кетди**, учбурчак мўйлови ғалати қимирлаб: – Бошқа жой тўғри келмас эди! – деди (О. Ёқубов. Диёнат). Турар эди йўлкада ёлғиз **Чўян каби қорайган** Саттор (Х. Шарипов. Бир савол). Ҳақиқатан ҳам, ҳар куни шу йўсин «чиниқиб» юрган солдатларнинг таналари **чўяндай қорайган**, ҳатто балиқдай оппоқ Вая ҳам мисдай қизарган эди (О. Ёқубов. Излайман).

## Ч Ҷ Ғ

### (ЛАХЧА) ЧҶҒДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Ёнмоқ, қизимоқ*. Тана ҳароратининг беҳад юқори даражага чиқиши ҳақида.

Ўша кечаси бир ёмғир куйди-ей... Мен бўлсам **лахча чўгдек ёниб** ётибман, ўчириш ёмғирга йўл бўлсин (А. Ибодинов. Кўл бўйида). Ҳофиз Кўйкий унинг **чўғ каби** ёнаётган юз-кўзларини, пешанасини силади (Х. Султон. Бобурийнома). Шахзода **чўғдай қизиган** пешанасини олтин тахтнинг совуқ суянчиғига тираганича узоқ ўтирди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Қаландар **чўғдай ёнган** бу кўлларни қисаркан, бутун вужуди ловуллаб кетди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Икковининг бармоқлари ҳам шилиниб қонаб кетган, Раҳматилланинг эса тошчалар кириб кетган тиззалари шилинган, кафтлари **чўғдай қизиб** ачишарди (А. Кўчимов. Баланд тоғлар остида).

2. *Қизимоқ, ёнмоқ.* Ортиқ даражадаги ҳарорат ҳақида; асосан, турли нарсалар, ҳаво ва шу кабиларга нисбатан.

Капитан айтган қир камида бир чақирим келарди. Кўлимда стволи офтобда **чўғдай қизиган** пулемёт, мен ярим йўлга бормасданок ҳансираб қолдим (О. Ёкубов. Излайман). Қаландар Қарнокий тиз чўкиб, **чўғдай** пешанасини дахманинг муздай тошига босди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Дадам вариллаб турган ўчокдан **чўғдай қизиган** бир парча темирни олиб тешаётган эди (А. Қахҳор. Ўтмишдан эртаклар).

3. *Ёнмоқ, порламоқ.* Асосан, ғазаб, қувонч каби ҳиссий таъсирлардан кўзнинг қаттиқ ёлқинланиши ҳақида.

Гавҳаршод бегим **лахча чўғдай ёнган** кўзларини Абусайидга тикди (П. Қодиров. Шоҳруҳ ва Гавҳаршод). Унгача бояги йигитлар пешвоз келди. Кўзлари **чўғдай ёнади** (М. Ҳазраткулов. Чирок ўчмаган кеча). Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар лашкарига қирон келтирганини, Чингизхон бу эркесвар йигитнинг ўғлини тутиб олганини, ёш боланинг юрагини суғуриб олиб, итига егизганини айтаётганда қизнинг кўзлари **чўғдай порлаб кетди** (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Ҳа, бек ака, қарғишдан кўрқяпсизми? – деди у **чўғдай порлаётган** кўзларини Асадбекка қадаб (Т. Малик. Шайтанат). Қувончнинг зўридан унинг кўзлари **чўгдек ёнаётган эди** (Х. Дўстмуҳаммад. Ёлғизим – Сиз). Қаландар бошини кўтариб, шайхнинг **чўғдай ёниб турган** кўзларига тик қаради (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси).

4. *Ёнмоқ, товланмоқ, ловулламоқ, қизармоқ; қип-қизил.* Қизил, кизғиш рангда жилоланмоқ; бениҳоя қизил. Асосан, жонсиз нарсалар ҳақида.

Шу куни Бердикул бобо отига Бек исмини кўйиб, олдига **чўғдай ёниб турган қип-қизил** гиламни ўнгариб уйига қайтди (М. Ҳазраткулов. Таътил кунлари). Дарвоза ланг очик, куролли йигитлар ичкаридан жимжимали сандиқлар ва **чўғдай** гиламлар кўтариб чиқмоқда эдилар (П. Қодиров. Юлдузли тунлар).

Қосимбекнинг назарида, саллага қадалган ёқутларнинг **чўғдай ёниши** заҳарли илоннинг қизғиш кўзлари қонга тўлиб ёнишига ўхшарди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Хув, анавини ололмайсиз, – дейди Насиба, энг баландда **лахча чўғдай товланиб турган** олмани кўрсатиб (А. Кўчимов. Бир жуфт олма). **Чўғдек ловуллаган** қизғалдоқлар, саф тортган гулсафсарлар орасида мрамар тошлар кўринади (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Дов-дарахтлару тоғу тошлар ҳам **чўғдай қип-қизил** (А. Кўчимов. Қайта тугилган бола). Кўпи билан бир-икки ҳафтадан сўнг бу ерлар бутунлай ўзгариб кетиши, чўл бети келинчак уйидек минг гуллик туркман гиламлари, **чўғдек қип-қизил** палақлар билан ясаниб олишини йўловчилар билишарди (Ў. Умарбеков. Кўприк). Куёш ботиб бўлган, фақат чўққилар ичигина **лахча чўғдек қизариб**, қабристонга алвон туман пуркаган шоми ғарибонда Толибжонни тупроққа қўйдилар (С. Аҳмад. Жимжитлик).

5. **Ёнмоқ, қизармоқ.** Ҳаяжон, асабийлик, уят, хижолатлик қабилар таъсирида одам тусининг ўзгариши ҳақида.

Нечун юзингда қизил **чўғ каби ёниш, қизариш**? Яра-ми менга-да билмак, нечун, нечун бу иш? (Чўлпон. Қизариш). Дилдор **чўғдек қизариб кетди** (С. Аҳмад. Уфқ). Баъзан юзлари **чўғдай қизариб кетар**, ўзини қаерга қўйишни билмай типирчиларди (У. Ҳамдам. Мувозанат). Қосимбек боргоҳдан **чўғдай қизарган**, асабий бир алпозда чиқиб кетди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар).

6. (*Юраги*) **ёнмоқ, куймоқ, ўртанмоқ, ичи куймоқ.**

Том бир маъюсият ичида бошини қуйи солган эди, ўтиб турувчиларни пайқамас, **лахча чўғ каби ёниб турган** юрак ўти билан сархушдек эди (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Юрагим **лахча чўғдек ёниб кетяпти-ю**, Раънога қайрилиб қарамайман (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Миннатли ош, бу – сочма ўқдек Ич-ичимни **куйдирар чўғдек**, Қорин оч-у, назарим тоғдек Мени азиз билган йўқчилик (И. Мирзо. Мерос). «Шикоят» бир ҳафтача **лахча чўғдай** кўкрагини **куйдириб юрди** (А. Кўчимов. Оқ қаптарлар ороли). Бу хабар Соҳибқироннинг ичларини **лахча чўғдай ўртаб ўтди** (А. Мухтор. Инсонга қуллуқ қиладурмен). Юрагини **чўғ каби** доимий равишда **куйдириб турувчи** соғинч чўғи бирдан аланга олди (Т. Малик. Шайтанат).

7. **Қизармоқ.** Қизил тусга кирмоқ. Жонсиз нарсалар ҳақида.

Тушга яқин олов ёқилди, соат милига ўхшаш узунчоқ пўлат миллари **чўғдай қизаргунча** қиздирилди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Тун ярмидан оғиб, ташқарида дизель товуши тинди, чироклар **чўғдай қизариб ўчиб** қолди (А. Мухтор. Давр ме-

нинг тақдиримда). Икки бошида иккита қўлбола ўчоқ – бетон тахтага тортилган пружина **чўғдек қизариб** турибди. (Э. Аъзам. Шовқин).

8. *Безатмоқ, ясатмоқ.*

Хартумидан думигача **чўғдай безатилган**, бўйнига улкан гулшодалар осилган подшо филини юзлаб отликлар ўраб, кўриқлаб бормоқда (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Акбар **чўғдай ясатилган** филлардан бирига Вирсал Прасадни миндирди (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Хона ўртасида **чўғдай** қилиб кийинтириб қўйилган болакай «ғоз-ғоз» турар, бу – рус йигитнинг ўғилчаси бўлса керак (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор).

9. *Ёнмоқ, беҳад жозибали кўринмоқ; жозиб ва жилоланган.*

Заргаров ҳамон индаёлмай турарди. Жуссаси чоғроққина, қош-кўзи қийғоч бу сахро қизи рўпарасида **чўғдек ёниб** ўтирарди (А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат). Сўнагул **чўғдай ёнганча** бошини эгиб турар, назарида шундай бахтиёр эдики, уй торлик қилаётгандай, ҳозир гўё Қизилкумга ҳам сиғмайдигандай эди (А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда). Техникумда бирга ўқиган дугонасининг тўйига борди-ю, косагуллик қилган йигит кўзига **чўғдек кўринди** (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Уни даст кўтариб жингала сочларини силади, силаётиб қизалоқнинг **чўғдек** атлас кўйлагига қараб кўзи қамашиб кетди (Х. Дўстмуҳаммад. Нигоҳ).

### ЧЎҒ ТЕККАНДАЙ

*Юраги жаз этмоқ, ачишмоқ, жисзилламоқ.* Қаттиқ рухий оғриқ сезмоқ.

Мирзо Улуғбекнинг эсига кўзлари бўтанинг кўзларидай мўлтираб турадиган маъюс канизак тушиб, *юраги чўғ теккандай жаз этди* (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). У ҳар хил юмушлар билан ўзини овунтирмоқчи бўлар, тақдирга тан бермоқ керак, деган ўй билан кўнглини кўтаришга уринар, лекин барибир элидан жудо бўлиш ҳақидаги хаёл қайта-қайта ёпирилиб келиб, *юраги чўғ теккандай ачишиб кетарди* (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Бекназар юракка яқин жойига **чўғ теккандай** бўлиб титранди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Машрабнинг *юраги чўғ теккандай жисзиллаб кетди* (О. Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

### Ш

#### Ш А М

##### ШАМДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Қотмоқ*. Муайян ҳиссий-руҳий таъсир натижасида тамоман ҳаракатсиз ҳолатда бўлмоқ. Асосан, одам ҳақида.

Ғозиддин энди нима деярини билмай, *шамдай қотди* (О. Мухтор. Эгилган бош). Иккинчи ҳикоямнинг қаҳрамони эса бир куни эрталаб уйғониб, кўчага чиқади-ю, ҳайратдан *шамдай қотиб қолади*: қараса, ҳамма нарса ўзгарган (Н. Эшонкул. Тун панжаралари). Алишернинг онаси: « – Вой болам, қайда қолдинг!» – деб йиғлай бошлади. Отаси докадек оқариб, турган жойида *шамдек қотиб қолди* (М. Осим. Зулмат ичра нур). Кураш томошасига бораётгандек тўн кийиб чиққан Аширмат бувани кўрган Саид охун бир муддат *шамдек қотди*, сўнг ҳовлиққанча сўзлай кетди (Ш. Бўтаев. Катта одамнинг дадаси). Шамси Салоҳ *шамдай қотиб қолганди*: унинг вужудида хотиралар, хаёллар, туйғулар ғалаёнга келганди (Н. Эшонкул. Момокўшиқ).

2. *Сўнмоқ*, кучсизланмоқ, сусаймоқ, ўчмоқ, йўқолмоқ. Асосан, одам ҳаётининг тугаши, айрим тушунчалардаги шиддатнинг камайиши ёки йўқолиши ҳақида.

Менинг ҳасратимда кетди бевақтроқ, *Сўнди шам каби* (Миртемир. Холтош). Шамолда *шам каби сўнғум*, дема, эй, ғофили даврон, Ўлармен, кул бўлармен, бир уюм тупроққа дўнгаймен (Ж. Камол. Нечун бу гапга кўнгаймен). Гадо *шамдек сўниб* битар тутиб шоҳ қўлин, Шу йўсинда тенгсизликнинг ўзи йўқолгай (М. Қориев. Спитамен). Чунки бу пайт дадамлар озод бўлади деган умид ожиз милтираб турган *шамдай сўнган*, у кишини узоқларга олиб кетишлари, чамаси, ойимларга аён эди (О. Ёкубов. Музқаймоқ). Не ажабки, шугина умиди ҳам *шамдек сўнди* (И. Зойир. Қисмат ўчи). Она умидланиб, кутиб, йилдан-йилга *шамдек сўна борди* (О. Мухтор. Эгилган бош). Тоғда янграган ўқ овози волиданинг алласини *шамдек сўндирди* (А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда). Дадил айтилаётган гаплар аста ўчаётган *шамдек сўна бошлади* (Т. Малик. Шайтанат).

3. *Эримоқ*. Юрак, кўнгилнинг бениҳоя юмшаши, бўшаши-ши ҳақида.

Агар кўнгилнинг тошдан ё темирдан бўлмаса, беихтиёр сиз ҳам мутаассир бўлиб, юрагингиз **шам каби эриб** оқади, зиёрат чоғи ўз-ўзидан йиғлайверасиз, йиғлайверасиз... (Х. Султон. Бобурийнома). Ҳозиргина Маҳмудхон қиблагўҳининг арвоҳи олдида тавба-тазарру келтириб, кўнгли **шамдай эриб** турганини у қайдин билсин? (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Гирт сурбет экан-ку! Мен унинг кўзларига қараб **шамдай эриб** ўтирибман-а! (С. Бобоев. Олатўнлик). Билиб-сезиб турганим: аёл ... мени тобора маҳв этиб борар, мен эса **шамдек эриб бораётгандим**. (У. Ҳамдам. Тош).

4. *Милтирамоқ*, кучсиз, заиф ёруғлик бериб турмоқ.

Қоронғи гумбаз ичра **шамдай милтираб турган** беҳисоб юлдузларга тикилиб энтикади (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Тонг отган, уфқдаги қорли чўққиларнинг тепаси оқариб қолган, артилган шишадай тиниқ мовий осмоннинг у ер-бу ерида сўнгги юлдузлар сўнаётган **шамдай заиф милтирарди** (О. Ёқубов. Кўҳна дунё).

5. *Милтирамоқ, милтилламоқ*. Муайян туйғу, ўй-хаёлнинг кучсиз тарзда намоён бўлиши ҳақида.

Албатта, маълум муддат норозилик туйғуси **шамдек милтираб туради** (О. Мухтор. Эгилган бош). Унинг кўнглида заиф **шамдай милтираган** бу фаразлар ўшанда, расадхонада бедор ўтган тунларда туғилган эди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Ажаб ҳол: устод Масиҳийни эслаши билан Берунийнинг миясида гўё заиф **шамдай милтираб турган** нарса «лип» этиб ўчди-ю, «ярк» этиб бошқа бир чироқ ёнди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Балки юрагида ёнган сўнг дафъа **Шам каби милтиллаб** ўтинчи – зори (М. Мирзо. Шаҳидлар хиёбони).

## Ш А М О Л

### ШАМОЛДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Елмоқ, учмоқ*. Жуда тез ҳаракатланмоқ, тез югурмоқ, тез ўтмоқ.

Сиз ҳам дунёнинг устидан **шамол каби** елиб ўтиб кетибсиз (И. Султон. Озод). Одамларни ҳар томонга юборайлик, **шамол каби елишсун**, сув кидириб келишсун (М. Али. Улуғ салтанат). Ва лекин дунёда **шамолдай елиб**, Денгиздай кенг қалбни ахтарган зотман (А. Орипов. Денгизга). Машиналар бир-бирини қувиб, **шамолдек елади** (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

**Шамолдек** *елиб*, кўзлари ваҳимага тўлган жайронлар тўдаси отгилиб чиқади (Х. Султон. Бобурийнома). Лекин Акбар чопарлар каби от ва туяларни ҳар куни бир неча марта алмаштириб, **шамолдай** *учиб* бора бошлади (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Ит **шамолдек** *учиб кетди*. Унинг орқасидан Акбарали бос, бос, деб овозининг борича қичқирди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Қаёққа! – Сартарош қайишини силтаб қўйиб юборди. – **Шамолдай** *учиб* келди-ю, урди-кетди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Умр **шамол** *каби учади* (И. Мирзо. Бегона).

## Ш А М Ш О Д

### ШАМШОДДЕК

*Тик*, келишган. Асосан, одамнинг қадди-қомати ҳақида.

Малакнинг бўғма ёқали узун, ўзига ярашган қўйлаги остидаги **шамшоддек** *тик* қомати, бир оз қимтиниб юриши ҳам кишини ўзига махлиё қиларди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Тирикчилик?... – Фозилбек шундай деди-ю, тиши симиллаб огриган одамдай афтини бужмайтирди, кўзини хиёл очиб, рўпарасида – растанинг у томонида – **шамшоддек** қоматини тик тутиб турган жувоннинг пахтадай оқ, булоқ сувидек тиниқ юзига, бўйнига... қирмизи олмадек ёноғига разм солди (Х. Дўстмуҳаммад. Беозор қушнинг қарғиши). Эшикдан киришим билан бурчакда ўтирган Борбад ўрнидан турди. **Шамшоддек** қомати дол, арғувондек рухсори заъфарон бўлган (Х. Ҳомидий. Устоз қалби). Кўзларинг бир жуфт чаросдек, лабларинг гул баргидек, қоматинг **шамшоддек** (Х. Даврон. Бибихоним қиссаси ёхуд тугамаган дoston).

## Ш А П А Л О Қ

### ШАПАЛОҚДАЙ

Кичкина, унча катта бўлмаган. Асосан, ер, ҳовли, коғоз, газета каби сатҳга эга бўлган нарсалар ҳақида.

Гап **шاپалокдай** ерда эмас, почча! Дунёда ҳамият, иззат-нафс деган нарсалар ҳам борлигини биласизми ўзи? (А. Кўчимов. Оқ каптарлар ороли). Ахир, Матқовулнинг жўжабирдек болалари зўрға сиғиб ётган саҳни **шاپалокдай** ҳовлига, эртаю кеч ғам аримаган қора кулбага эрталаб кун келиб, тун кетади, кечкурун тун келиб, кун кетади (М. Исмоилий. Фаргона тонг отгунча). Улар меҳмонхонага жойлашишгач, Асадбекнинг ювингани кирганидан фойдаланиб, кузатувчи йигит Чувриндига кимнингдир исми ёзилган бир **шаналокдай** қоғоз берди (Т. Малик. Шайта-

нат). Улкан нақшинкор қопка олдида одам сийраклашган. Келгани кўлидаги **шاپалоқдек** қоғозни кўрсатиб кириб кетаётир (Э. Аъзам. Шоирнинг тўйи). Шоша-пиша ўқиб чиқдим. Мақола **шاپалоқдеккина** эди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Директор шкафдан Баратовнинг **шاپалоқдай** суратини олди (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг).

## ШАРПА

### ШАРПАДАЙ

*Унсиз, сассиз, шовурсиз. Овоз ва шовурсиз амалга оширилган ҳаракат ҳақида.*

Кейин зиналардан энкайиб тушди-ю, **шарпадай** *унсиз* юрганча, ҳовли этагига қараб кетди (Ў. Ҳошимов. Урушнинг сўнгги қурбони). Ранги уникқан чит кўйлак устидан нимча кийиб олган Умри хола **шарпадай** *унсиз* юриб келди-да, япалоқ «мусулмон» ғиштдан ясалган зинадан айвонга кўтарилди (Ў. Ҳошимов. Урушнинг сўнгги қурбони). Пўлат чол қорни шишиб кетган эчкиларни ҳайдаб келганда Байна момони уйдан тополмади: у алламаҳал, ой атрофни сутдай ёритганда **шарпадай** кириб келди (Н. Эшонқул. Шамолни тутиб бўлмайди). Уни ажаблантирган нарса **шарпадай** кириб келган аёл бўлди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Абдурауф тиззасига суяниб аста турди. Асосини олди-да, **шарпадек** судралиб чиқиб кетди (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Турарди **шарпадек** чиқмайин саси (М. Мирзо. Осмон қора эди).

## ШАФАҚ

### ШАФАҚДАЙ

*Қизил; қизармоқ, товланмоқ. Қип-қизил рангли; қизил тусга кирмоқ, шу рангда жилоланмоқ.*

Мева берди етилиб бу йил Мен ардоқлаб ўстирган ниҳол. Олмаларки, **шафақдай** *қизил*, Лекин номи олма эмас, ол (Э. Воҳидов. Олма). Ўрик, олча барглари ўз бутуқлари билан видолашиш олдидан **шафақдай** *қизил* тус олган (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Алвон қизғалдоқлар билан қопланган тепалик бағри **шафақдай** қизарган, аллақерда тўрғай фарёд соларди (Ў. Ҳошимов. Қалбингга кулоқ сол). Ёнар дунё, ёнар дунё, **Шафақдек** *товланар* дунё (Ж. Камол. Умр).

## ШАФТОЛИҚОҚИ

### ШАФТОЛИҚОҚИДАЙ

*Буришмоқ; буришиқ.* Асосан, одамнинг серажин, осилган юзи ҳақида.

Болалардан кейин юзлари **шафтолиқоқидай** *буришган* аллақандай митти кампирлар, мункиллаб қолган кўса чоллар кўринди (О. Ёқубов. Излайман). Оғалиқ эшикдан кирар экан, кичкина жуссасига, **шафтолиқоқидай** *буришган-тиришган* бўлса ҳам ҳалим юз ифодасига мос келадиган кичкина ва мулойим товуш билан: – Ассалому алайкум, контурлар! – деди (А. Қаҳҳор. Зилзила). Матпанонинг эти увушиб чўрт бурилди. Қараса, юзлари **шафтолиқоқидек** *буришиқ* бир кампир қандолатфурушга кумуш танга чўзиб турарди (С. Сиёев. Аваз). У шундай деди-ю, чолнинг қиёфасига кириш учун букчайди, юзини **шафтолиқоқидай** *буриштириб*, башарасини бечораҳол одамга ўхшатди ва унинг гапларини мазах қилишга киришди (Н. Раҳмат. Буни ҳаёт дебдилар ёки ўғлим Улуғбекнинг кундалиги).

## ШЕР

### ШЕРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Олишмоқ.* Кўрқув билмай, мардона жанг қилмоқ, жасурлик билан курашмоқ.

Ўнг қанотнинг олдинги сафида жангга кирган Абдуллатиф қасос туйғусига тўлиб, Алауддавланинг аскарлари билан **шердай** *олишди*, бир ўзи ўндан ортиқ душманининг бошини кесди (П. Қодиров. Шоҳруҳ ва Гавҳаршод). Спитамен Мароқанддан қайтаётганларида Шердорнинг Искандар айғоқчилари билан **шердай** *олишганлигини* эслади (М. Қориев. Спитамен). Жангда **шер каби** *олишадиган* бу суворийлар билан савашмоқнинг ўзи бўлмасди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Асадбек билан **шердек** *олишаман*, деб ўйлаган эди, аммо ғанимнинг куён эмас, ўз номига яраша арслон эканини ҳисобга олмабди (Т. Малик. Шайтанат). Хайриятки, Шерниёз жўранг бориб қолди, **шердек** *олишди* азамат (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши).

2. *Ҳамла қилмоқ, ташланмоқ.* Кўрқув билмай ҳужум қилмоқ.

«Ёв қочса ботир кўнаяди» деганларидек, ёв чеккиганига ишонган дарадаги аскарлар даҳана ташқарисига **шердай** *далил ҳамла қилиб* чикдилар (П. Қодиров. Юлдузли тушлар). Ўнгир

ма ёшли Шохзода Султоним чодирга кириб таъзим қилди-да, Таҳмаспнинг овдаги жасоратини, архарларга ҳақиқий **шер каби ҳамла қилганини** шавқ-завқ билан сўзлай бошлади (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Лекин пистирмада ётган Исломқул кўрбоши тўдаси қиличларини яланғочлаб, уларнинг устига **шердай ташланади** (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Ўзини ўраб келаётган ёғий тўпига **шердек ҳамла этар**, мўғулларни кетма-кет жаҳаннамга жўнатар эди (Э. Самандар. Султон Жалолиддин).

3. *Наъра тортмоқ, ўқирмоқ, бўқирмоқ.* Қаттиқ, ларзали товуш чиқармоқ.

Ҳийла-найранг, фиск-фасод бош кўтарган чоғ **Шер мисоли наъра тортар** виждони борлар (Ф. Афрўз. Томчисини кизганмайди уммони борлар...). «Нега шундай бўлади? Нега!» – Мирёқуб **шердай ўқирарди** (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Азизхон нима қилишини билмай **шердек ўқириб** атрофга қаради (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Азизхон унга жавоб бермади. Яқин келаверди. Акбарали **шердек ўқириб** унга ташланди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Бошида шляпа, эгнида қимматбаҳо макен-тош, тоғаси тобутни кўриб, бирдан **шердай ўқириб юборганди** (О. Ёқубов. Диёнат). Низомжон **шердай бўқириб**, ўрнидан туриб кетди (С. Аҳмад. Уфқ).

5. *Азамат, кўркмас; бақувват.* Асосан, одам, унинг билакларини ҳақида.

Авазхон айтди: «Ҳай аттанг, шу ерда қирқ йигитим, **шердай азаматим**, отам Гўрўғли валламатим даркор бўлди-да» (Қундуз билан Юлдуз). Султон Аҳмад мирзонинг ўғли йўқ эди, Бобурга подшоҳ оиласи ҳавас билан қарар эди. Шунинг учун кайвонилар «янги тушган келин ҳам мана шу **шердек ўғил кўрсинлар**», дейишиб, бет очишга Бобурни муносиб топдилар (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). **Шердай** билакларинг – меҳнатга гадо Қордек яқтагингни куйдирадир қон (О. Ҳожиева. Ойбек). **Шердай-шердай ўғилларингиз бор**, қизингиз бор (Э. Аъзам. Сув ёқалаб).

## Ш И Ш А

(АРТИЛГАН) ШИШАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

1. *Тиниқ, тип-тиниқ, мусаффо.* Асосан, сув, кўл, ариқ, осмон кабилар ҳақида.

Сувлар оқар секин, **шишадай тиниқ**, Осмон чўкиб олган сувларга гўё (Ойбек. Кузда). Ҳовузнинг **шишадай тиниқ** сувида уларнинг акслари бир-бирига кўпилиб кетди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). **Шишадай тиниқ** осмонда эса оғзида чўп олиб,

чуғурлашиб учаётган қалдирғочлар кўзга чалинади (Ў. Усмонов. Гирдоб). Атроф ёришиб қолган, кўкдаги булутлар сийраклашган, осмоннинг **артилган шишадай тиниқ** жойларида сўнгги юлдузлар милтираб турар, кечаси ёмғирда чўмилган катта боғ булбулларнинг хонишига тўлиб кетган эди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Ариқлар бўйидаги ўтлар сарғайиб қолган, дарахтларнинг барги тўкилиб, оёқлар остида шилдирайди, осмон **шишадай тиниқ** (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). Осмон **артилган шиша каби тип-тиниқ** (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Икки кун муқаддам ёққан қордан ном-нишон қолмаган, осмон **артилган шишадай мусаффо**, офтоб ҳали чиқмаса ҳам, ажиб шаффоф хавода олис тоғлар гўё ўн қақирим яқин кенқолган эди (О. Ёкубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Кўл **шишадай тип-тиниқ**, шаффоф, соҳилга яқин жойларида олма гулларининг тўкилган гулбарглари оқиш капалаклар сингари сув устида қалқинар, ораларида қорамтир тезсузар сув қўнғизлари зувуллаб сузиб юрарди (И. Султон. Озод). Бошингда **шиша янглиғ** Осмон бўлса, ажаб эрмас (Э. Воҳидов. Ажаб эрмас).

2. *Ялтирамоқ, йилтирамоқ.* Жилоланмоқ, ялт-юлт қилмоқ.

Бўйинбоғ чироқ нурида **шишадай ялтираб**, кўзимни қамаштирди (Х. Дўстмуҳаммад. Отамнинг ошнаси). Ҳовли бетидаги чуқурчаларда ҳосил бўлган кўлмаклар бети ойдинда **шишадек йилтирарди** (С. Аҳмад. Ҳижрон кунлари). Тепа ёнбағридан чўзилиб тушган яхмалак йўл **шишадек йилтирар эди** (Х. Дўстмуҳаммад. Алам). Изғирин шамолдан қотган, ой ёғдусида **шишадек йилтиллаётган** қорли кимсасиз кўчаларда тентирай-тентирай амаллаб гулхан атрофида ухлашаётган шериклари ёнига етиб борди (Э. Норсафар. Зулмат ва аланга).

3. *Кўм-кўк.* Асосан, одам кўзининг ранги ҳақида.

Шайх алик олиб, мусофирга тикилиб боқди. Тили туркий, кўзлари **шишадек кўм-кўк**, рўмолига менгзайди (С. Сиёев. Ясавийнинг сўнгги сафари). Ольга Петровнанинг шафқатли кучоғида унинг тароватли юзига, **шиша сингари кўм-кўк** чиройли кўзларига тикилиб тураверди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

## Ш О Л Ф О М

### ШОЛФОМДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қизармоқ.* Қаттиқ изза бўлиш, уялиш, хижолат бўлиш натижасида одам рангининг ўзгариши, қизилга мойил тусга кириши ҳақида.

Ишинғни қил деяпман, – шундай деб нотаниш бола секин бо-  
шини кўтарди. Кўтарди-ю, уялғанидан бўлса керак, **шолғомдек қизариб кетди** (Х. Тўхтабоев. Сарик девни миниб). Ҳеч кимга қаролмайди, икки юзи **шолғомдай қизариб кетибди** (Ў. Умарбеков. Йўлда). Қанақасига файласуф бўлай? – деди Пирриев **шолғомдай қизариб**. – Ростини айтяпман-да. Нух замонида одамлар очик жойларини яширишган (И. Зойир. Қисмат ўчи). У кўрпачани муштлаб-муштлаб кулар, боши ҳам, гавдаси ҳам муттасил силкинар, сарғиш юзи **шолғомдек қизариб кетган** эди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Ҳеч нарса... – деди-ю, **шолғомдек қизариб кетди** (Ш. Бўтаев. Тунда кўринган боғ). Қўлларингиз бирам юмшоқки! – деди Розик тоғам негадир **шолғомдек қизариб** (Х. Тўхтабоев. Беш болали йигитча).

## Ш О П

### ШОПДАЙ

Катта ва узун. Асосан, мўйлов ҳақида.

Кармонни катта очган, Аямай пулни сочган, Қоринлари қопдай, Мўйловлари **шопдай** Қайнотасига сало-о-м! (Ёр-ёр). Дадам Маҳкамнинг бобосининг улоқ чопишини гапираверса, киши ҳайрон қолади, – деди яна бир мўйлови **шопдек** йигит (А. Қодирий. Улоқда). Назар қаради: мурти **шопдай**, уртлари қопдай, туриши бургутдай, кўзи ёнган ўтдай бир киши тикилиб турибди (Ойсулув). Сал ўтмай эшик журъатсизгина тақиллади ва юзи қассобларникидек ёғли, **шопдай** мўйлови ҳам йилтираб турган бир киши кириб келди (П. Қодиров. Уч илдиз). Ҳайрон бўлиб, бошқасига борса, у ерда ҳам мўйлови **шопдай** бир азамат хамир чўзаётган экан (З. Исомиддинов. Икки аёл).

## Э

### Э Г И З А К

(ХУДДИ) ЭГИЗАК(ЛАР)ДАЙ

*Ўхшаши; ўхшамоқ.* Бир-бирига жуда ҳам ўхшаб кетмоқ.

Гарчанд опа-сингиллар бир хил оппоқ либосда ва **эгизакдек** *ўхшаши* бўлишса ҳамки, тасаввуримда унинг сўзлари, ҳаракатлари қайта тикланди (Н. Раҳмат. Буни ҳаёт дебдилар ёки ўғлим Улуғбекнинг кундалиғи). Кўпинча шоирни ўзи ёзган шеърларига ўхшатишади. Шеърларингизга ўхшайсизми? – Албатта. **Худди эгизаклардек**, худди бир томчи сувдек бир-биримизга *ўхшаймиз* (Н. Розикова, М. Исмоил. Дунёдаги энг юксак чўкки – Адабиёт). Уч-қуйруги йўқ, деб таърифланадиган бу шаҳарнинг чекка мавзеларидан биридаги кўп қаватли уйлар **худди эгизаклардек** бир-бирига *ўхшаши* (Ҳ. Тўйманова. Бола).

### Э Р А М Б О Ғ И (БОҒИ ЭРАМ)

(МИСОЛИ) ЭРАМ БОҒИ (БОҒИ ЭРАМ)ДЕК

*Бетимсол, муҳташам,* бениҳоя гўзал.

Бир ёнда ҳаёлий **эрам боғидек** Буюк ва *бетимсол* менинг Ватаним (А. Орипов. Она сайёра). Ривоят қиладиларки, Ҳазрати Умарнинг **Боғи эрамдек муҳташам** боғи бор экан (У. Ҳамдам. Муслмон). Далалар яшнайти **боғи эрамдай** Табиатга шайдо адиб кўзида (Зулфия. Қуёшли қалам). Бу дунёда бир-биридан кўркам юрт кўп, Гўзалликда **мисли боғи эрам** юрт кўп! (О. Ҳаким. Ўзбекистон дерлар).

### Э Р К А К

(ХУДДИ) ЭРКАК(ЛАР)ДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАШ)

Эркакларга хос ҳаракатлар қилмоқ, уларга хос белгиларга эга бўлмоқ. Аёллар ҳақида.

Ариқ бўйида Асрора икки қўлини белига қўйиб **эркаклардек** чираниб турарди (С. Аҳмад. Уфқ). Унсиной **эркаклардек** хоҳлаб кулди (Ш. Холмирзаев. Кечаги кун кеча). Бувим, тагида

наMAT, худди эркаклардай чўккалаб ўтирар, лаблари ниманидир пичирлар, афтидан, авлиёга илтижо қилар эди (О. Ёкубов. Яхшилик). Эркаклардек барваста гавдали, қоп-қора бу хотиннинг йўғон овози ҳам, узун қирра бурни, кетмонни елкасига ташлаганча этик кийиб ғоз юриши ҳам бошқа аёлларга ўхшамас, ҳатто қорамтир сийрак мўйловигача бор эди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

## ЭРТАК

(ХУДДИ) ЭРТАК(ДАГИ)ДАЙ (КАБИ)

*Гўзал, гаройиб, қизиқ*, афсонавий. Давр, манзара, ўрин-макон, воқеа-ҳодиса кабиларнинг бениҳоя чиройлилиги, диққатни жалб қилувчилиги, тасаввурга сиғмаслиги ҳақида.

Болалик субҳидамга ўхшайди. Тонгдек тиник, **эртакдек гўзал** (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Худди мана шу **эртак каби гўзал** манзара сеҳрини янаям чуқурлаштирмоқчи бўлгандек «Наво» куйининг титроқ садоси янгради (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Бир тонг... худди **эртактагидек гаройиб** воқеалар рўй берди. Сен орзиқиб кутган кунлар келган эди! (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Хуршида бонунинг эсига негадир яна ўша **эртакдай қизиқ** ёзилган рисола тушди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Ҳайратлана туриб, ўзлари «Шарқ гумбази» деб атай бошлаган **эртакдек** ўлкани энди батамом босиб олиш, хароб қилишга отланишади (О. Мухтор. Хотин нодшоҳ). Келиношша, бу воқеа сизга **эртакдай** туюлгандир? Лекин бу эртак эмас (Т. Малик. Келинлар дафтарига). Худди **эртактагидек** эдида ахир! Ўпканг тўлиб кетди. Одамлар... одамлар сени унутмаган экан-да!.. (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида).

## ЭЧКИ

ЭЧКИДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ)

*Сакрамоқ, дикангламоқ, ўйноқламоқ*. Сапчимоқ, пастга – юқорига ёки олдинга кескин, нотекис ҳаракат қилмоқ. Кўпроқ одам, ҳайвон ва бошқа ҳаракатланувчи нарсалар ҳақида.

Йигитлар кетиб, куним мана шу диканг-дикангларга қолди. Кечаю кундуз **эчкидай сакрашгани сакрашган** (О. Ёкубов. Биллур қандиллар). **Эчкига ўхшаб сакрайвермай**, сал секинроқ юр, – деди акам (Ш. Отабек. Тақдир сўқмоқлари). Кал **эчкидай диканглайвермай**, жойини билибгина юрса бўлмасмиди! (Н. Норқобилов. Тоғдаги ёлғиз одам). Толибжон кабинадан

чикди. Қоядан тўкилган тошлардан эчкига ўхшаб *сакраб-сакраб* юрган машинада силкиनावериб, бели оғриб кетган эди (С. Аҳмад. Жимжитлик). Ана, тоғда эчкидек *уйноқлаб* юришибди. Ахир, ундан қанча сут соғиб олиш мумкин? (Ш. Холмирзаев. Кузда баҳор ҳавоси).

## Э Ш А К

### ЭШАКДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. Катта. Кўпроқ, эшакдан бошқа ҳайвонлар ҳақида.

*Эшакдек* бўри еб кетса нима бўларди? Биласанми, бу тарафларда нақ *эшакдек* келадиган бўрилар бор-а (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Худойберганнинг уйида *эшакдек* ваданги ити бор (О. Мухтор. Майдон). Эй, бувим тушмагур, соддасиз-да, содда, – деди ўғри. – Бойларнинг уйига тушиб бўладими, уларнинг паҳсаси саккиз қават, эшиклари темирдан, ҳар биттасининг кўрасида *эшакдай-эшакдай* иккита, учтадан итлари бор (Ғ. Ғулом. Менинг ўғригина болам). Ўсмирларга Акмал исмли қирқларга бориб қолган, шу ёшида безорилиги учун икки марта «ўтириб чиқишга» ҳам улгурган, баданига турли расмларни низиб ташлаган зўравон баттол нақ *эшакдай* келадиган «Барон» лақабли кучуги билан бригадирлик қиларди (А. Йўлдош. Жавоби бор...). Сиз чўпонларнинг итини биласизми? «*Эшакдай* ити бор экан», дейишади бизда (Ш. Холмирзаев. Зов остида адашув).

2. *Ишламоқ, ишлатмоқ*. Ўзини аямай қаттиқ меҳнат қилмоқ, ана шундай ишлашга мажбур қилмоқ.

Қилдирмаган иши қолмади. Участка курди. *Эшакдек ишладим* (Ў. Ҳошимов. Нимадир бўлди). Домласи ҳам шунинг учун унинг бурнини ишқаб, ўз фойдасига *эшакдай ишлатади* (Ў. Ҳошимов. Нимадир бўлди). Ў, сенга ўхшаганлардан директор чиқмасин – Собирни *эшакдай ишлатасан*, Аввалбойга... чой ташитасан!.. (А. Аъзам. Бу куннинг давоми). Бу хунаса бошқаларни *эшшакдай ишлатиб*, ўзи маишатини суриб юрган (Т. Малик. Мурдалар гапирмайдилар). Султон феълдор, кўнгли хушласа, *эшакдай ишлайди*, хушламаса, яна ўша эшакка ўхшаб, тўрт оёғини бир жойга тираб тураверади (Х. Тўхтабоев. Беш болали йигитча). Нега, дейди, одамлар маза қилиб юришибди, мен эртадан кечгача *эшакдай ишлашим* керак, дейди! (Ш. Бошбеков. Темир хотин).

3. *Қайсар*, бефаҳм. Одам ҳақида.

Ҳосил шунинг тарафдори эди. Лекин сенинг хўжайининг – *эшшакдай қайсар*, буни истамайди (Т. Малик. Шайтанат). Тилов-

кул эса жуда-а эшшакдай бўлмаса ҳам, сал қайсарроқ. «Ишонмайман» деб тураверади (Т. Малик. Сатира театри, қайдасан?). Ё Намозни бизга кўрсатасан, ёки уни озод қиласан деб, хира эшшакдек оёқларини тираб туриб олишди (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши).

#### МУЛЛА МИНГАН ЭШАКДАЙ

*Ювош*, жуда ҳам итоатли. Асосан, одам ҳақида; кучли салбий муносабат ифодаланади.

Азиза ҳам эри бир кунмас-бир кун мулла минган эшакдек ювош тортиб кириб келишини кутиб юрди (Ў. Ҳошимов. Қалбингга қулоқ сол). У тузалмайди. Қамокда эзилса, мулла минган эшакдай бўйнини солиб, бир кунмас-бир кун, балки, чиқиб келар, қўявериш керак, жияним, Унсин (Ойбек. Қутлуг қон). Бадбашара бир оз оёқ тиради-ю, Ҳамдам бақириб, гарданига бир мушт ургач, мулла минган эшакдай бўлди-қолди (Т. Малик. Шайтанат). Ҳозир мулла минган эшакдай бўлиб қолган, бизникига келсаям, аввал рухсат сўраб, кейин келади, ковоғимни уйганим заҳоти зинғиллаб жўнаб қолади (С. Ўнар. Дунё шундай турарми?). Ҳеч нима бўлмайди, бедовингиз чопачопа ҳолдан тойиб, мулла минган эшакдай ювош тортиб олдингизга қайтиб келади (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё).

## Ю

### Ю Л Д У З

(МИСОЛИ) ЮЛДУЗДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, МИСОЛ)

1. *Ярқирамоқ, чарақламоқ, милтилламоқ.* Ялтирамоқ, ялт-ялт килмоқ, нур чиқармоқ. Турли нарса-буюмлар ҳақида.

Нури олтин занжирни бўйнига осди, соат кўкрагидан пастрокда **юлдуздай** *ярқиради* (Ойбек. Қутлуғ қон). Бобур кутичани кўлига олиб шошилмай очди. Қора бахмал мато орасидан олмосга ўхшаш сержилва бир тош **юлдуздай** *чарақлаб* кўринди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Олис-олисларда чироқлар **юлдузлардай** *милтиллайди* (Т. Мурод. Ойдинда юрган одамлар). Узук кўзидаги катта гавҳар ғира-шира қоронғида **худди юлдуздек милтиларди** (М. Қorieв. Спитамен).

2. *Чақнамоқ, чарақламоқ, нур сочмоқ.* Ўт сочмоқ, нурли кўринмоқ. Асосан, жўшқин, гўзал, бениҳоя жозибали, мамнунликдан чарақлаган кўзлар, юзлар ҳақида.

Тим қора кўзлари **юлдуздай** *чақнаган* ёш малак (О. Ёкубов. Кўҳна дунё). Қизча жуда таниш, айниқса, унинг мунчоқдек икки кўзи **мисоли** бир жуфт **юлдуздек** *чақнарди* (И. Зойир. Қисмат ўчи). Ситон Равшанакнинг **юлдуздек** *чарақлаб турган* жон офати кўзларига тикилди (М. Қorieв. Спитамен). Чонар ғира-ширада аёлнинг ёйилиб кетган сочларига, **юлдуздек** *чақнаб турган* кўзларига тикилганча лом-мим дея олмай қолди (М. Қorieв. Спитамен). Иккаласи юзлари **юлдуздай** *чарақлагани* ҳолда даричадан ичкарига ҳатлаган вақтларида Зебининг «Қора сочим» куйига айтаётган ашуласи кулоқларни ширин-ширин китикламоқда эди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Шахло кўзи **юлдуз** **мисол**, Қирқ кокили кундуз **мисол** (Миртемир. Кўзларим йўли устида). Орзум шул, ўчмасин ёнган чироғинг, **Юлдуздай** *нур сочсин* чашминг – қароғинг (А. Орипов. Тўртлик).

## Ю Х О

### ЮХОДАЙ

*Ямлаб ютмоқ, емоқ.* Ҳеч нарсанинг фаркига бормаи, еб ташлайверадиган, жиғилдонига ураверадиган одам, ҳайвон кабилар ҳақида.

Яхшиям, чекланган инсонда имкон, Барча истакка ҳам етавермас қўл. Йўқса, кўзи очлар **юҳодай**, ишон, *Ямлаб ютар* эди дунёни буткул (Ж. Исмоилов. Яхшиям...). У сон-саноксиз оломон тажовузига парво қилмай, гоҳ у, гоҳ бу раста устида пайдо бўлар, майизми, бодомми, ёнғоқ ё туршакними – бирдек иштаҳа билан митти **юҳодек** *еб*, қопчиғига тикиштирарди (Х. Дўстмуҳаммад. Жажман). Лекин шу оннинг ўзидаёқ ўша саволлар жавоб-павобига қўшилиб Козимжон вужудини ўз қаърига **юҳодек** тортаётган кайф ва эҳтироснинг ҳароратли бағрида иссиқ тупроққа бевақт тушган қор парчасидек эриди-кетди (У. Ҳамдам. Узоқдаги Дилнура). Бас, у энди Истеъмолчидир! Бўлгандаям **юҳодек** Истеъмолчи! Одамзод пайдо бўлгандан бери бундай еярмон, бундай ичармон ва бундай киярмон туғилмаган эди, кўрилмаган эди! (У. Ҳамдам. Янги инсон).

## Я

### Я Л М О Г И З

#### ЯЛМОҒИЗ (КАМПИР)ДАЙ

*Догоули*, жуда ҳам хунук, кўрқинчли; *ямлаб ютмоқ*. Асосан, аёллар ҳақида.

Кўнглига яқин келинчакларга бу аёлни **ялмоғиздай** *догоули*, жодугар, эримни макр-ҳийлалар билан домига илинтирган деб қарғар, оғзига келган сўзлар билан ҳақорат қилар, ўлимини яратгандан тун бўйи тилаб чиқарди (Н. Эшонқул. Очилмаган эшик). Қолаверса, етимхоналардан қочган ёхуд, умуман, ўғрилик, қиссавурлик билан кун ўтказадиган ёшларнинг ҳам етарли даражада эканидан билинар, «зўравон»нинг гарчи уй-ҳовлиси ҳамда ҳассага таяниб юрадиган **ялмоғиздек** бувиси бўлса-да, ўша «кўча болалари»дан бири ва энг ашаддийси эди (Ш. Холмирзаев. Тўп ўйин). Бад ниятни минг бадиият билан ифодаласанг ҳам, худди гўзал либос кийган **ялмоғиз кампирдай** хунуклигича қолади (Д. Ражаб. Ён дафтардаги битиклар). У оламга шу қадар алам, қаҳр билан ҳаёсизларча санчилиб қарайдик, беихтиёр юрагинг орқага тортиб кетади. Кўйиб берсанг дунёни эртақлардаги **ялмоғиз кампирдек** икки *ямлаб бир ютса* (И. Қўшшаева. Юрагини мерос қолдирган инсон).

### Я П Р О Қ

#### ЯПРОҚДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*(Юраги) титрамоқ, қалтирамоқ*. Жуда ҳам озурда, оғриқли хиссий ҳолат ҳақида.

Фарзандим, ўғлим ўрнида ўғлим Хонзода хоним тақдирини ўйлаганимда кўнглим **япроқдай титраб туради** (М. Али. Улуғ салтанат). Дам бўлурки, қалбим тонгнинг шамоли Қаршисида *қалтираган япроқдек...* (Чўлпон. Дамлар). Бу хатни ёзар экан, муҳаббатингиз билан тўлиқ бўлган юрагим мудҳиш бир ҳақиқат эҳтимолидан **япроқ каби титрар** ва ўзининг тўлиб-тошган ҳасратларининг, фарёдларининг ифодасидан аданар эди (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Шунинг учун қизишгизга эр оти-

дан сўзламанг-да, **япроқ каби титрайдиган** юрагига дахшат хам солманг (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Теварақдаги оддий ходисаларнинг ўз низомидан хиёлгина четга чиқиши киши кўнглида ақлга итоат қилмайдиган ҳиссиётларни ва кўрқувларни бино қилар, онг ҳарчанд уринмасин, юрак **япроқдай** дир-дир *титрашини кўймасди* (И. Султон. Боқий дарбадар).

## Я Ш И Н

ЯШИНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

(*Миясига*) *урилмоқ, ярқ этмоқ, ялт этмоқ*. Мияга, хаёлга кутилмаганда, бирдан келган таҳликали, озорли ўй-фикр, гап ҳақида.

«Зухра!» Шерзоднинг хаёлига шу фикр **яшиндек** ёрқин, **яшиндек** бир куч билан *урилди-ю*, дарров трубкани олди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). «Наҳотки менинг қизим ҳам шундай бўлса?!» деган фикр миясига **яшин каби урилиб**, жонини суғуриб олгандай бўлди (Т. Малик. Шайтанат). Икки дўстнинг юракларига ғулғула тушди, иккаласининг миясига бир фикр **яшиндек урилди** – айрилиқ! (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Бу савол **яшин каби урилиб**, Зарипованинг вужудини парчалаб, кўмирга айлантириб юборгандай бўлди (Т. Малик. Шайтанат). «Мина кўйяпти!» Хаёлимга **яшиндек урилган** фикрдан сесканиб кетдим (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Бурноғи кун хуфтонда қайда эрдинг? – Қаландарнинг миясида «билади!» деган сўз **яшиндай ярқ этди** (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Миясида **яшиндай ялт этиб** фикр чакнади: «Тамом! Тайёргарлик кўриш керак!» (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Оқсоқол **яшиндек** миясини ёриб ўтган саволни дарҳол бошидан ҳайдади (Ў. Умарбеков. Оқсоқол).

ЯШИН УРГАНДАЙ (КАБИ)

*Сесканмоқ, йиқилмоқ, таъсирланмоқ*. Муайян таъсир натижасида бирданига кескин бир тарзда муайян ҳолатга тушмоқ ёки ҳаракатга келмоқ.

Баъзан-баъзан теграмга боқиб, *сесканамаман яшин урган-дек* (А. Ўктам. Машқ майдонидаги ўйлар). Гулнорнинг ғойиб бўлиши Йўлчига **яшин урган каби таъсир кўрсатди**. У хушсизлангандай, анча вақтгача қотиб қолди (Ойбек. Кутлуг қон). Муҳаррам ён томонидаги креслога **яшин ургандек гул этиб тушди**, бир неча дақиқа қимир этмай ётди, фақат икки

елкаси пир-пир учарди, «пик-пик» йиғларди (Шухрат. Шинелли йиллар). Карахт қотган эдим **яшин ургандек** Ўғри дастин кўриб кулбамда алҳол (М. Мирзо. Эзгу тилак).

**Я Ъ Ж У Ж – М А Ъ Ж У Ж**

**ЯЪЖУЖ-МАЪЖУЖ(ЛАР) КАБИ**

*Бостириб келмоқ, ёпирилмоқ*, ҳамма нарсани йўқ қилмоқ, *қўрқинчли тус олмақ*. Асосан, одамларнинг ваҳшатли ҳаракатлари ҳақида.

Кириш нима экан, ҳатто мўралаб қарамоғига ҳам ижозат йўқ эди. Уни Элчин бузди. **Яъжуж-маъжуж каби бостириб келди**, бузди, топтади (Т. Малик. Шайтанат). Иш шу қадар шитоб, эртадан қора кечгача иш, тоғ ўйиш, ариқ қазиш, тош ташиш, чим босиш, яна нима балолар. Одамларнинг упингсиз ҳам хароб эгни-бошлари тўкилди, афсоналардаги **яъжуж-маъжужлар каби қўрқинчли тус олди** (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Сенку битта ўзинг бормоқдасан, улар эса худди тоғлардан селдай тушиб келадиган **яъжуж-маъжужлар каби ёппасига ёпирилган эмишлар** (И. Султон. Озод).

## Ў

### ЎЙМОҚ

#### ЎЙМОҚДАЙ

*Кичкина, бежирим, тор.* Кўпроқ оғиз ҳақида.

Муфти қозининг кўпириб кетган **ўймоқдек** *кичкина* оғзига қаради, хаёлга толди: Ўзи ҳам, сўзи ҳам кўпик бунинг (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Равшанбек зехнини кўйиб қараса, ясанган хурдай, тишлари дурдай, кўзлари юлдуздай, қошлари кундуздай, лаблари қирмиздай, оғизлари **ўймоқдай**, лаблари қаймоқдай, икки юзи ойдай, тарлон-қарчиғай учадиган қушдай, муҳрланган қоғоздай ялт-юлт этиб ўтирибди (Равшан). Унинг нозик қирра бурни, **ўймоқдаккина** оғзи, аллақандай самимият билан боқувчи тим қора кўзлари биринчи кўришдаёқ Мунавварни ўзига тортди (С. Анорбоев. Мехр). Оғизгинаси **ўймоқдай**, Бақиргани тойлоқдай. (Топишмоқ: Милтиқ ўқи).

### ЎЛИК

#### ЎЛИКДАЙ

*Ҳаракатсиз ётмоқ, чўзилиб қолмоқ, қимир этмаслик; ҳиссиз.* Тирик одамнинг ҳаракатсиз ва ҳиссиз ҳолати ҳақида.

Салтонбу мўлтираб турган нурсиз кўзларини гуноҳкор кишидай ерга олди, ранги ўчди, тиззасида тириклик нишонасини кўрсатмай **ўликдай** *ҳаракатсиз ётган* боласининг сўлгин юзидаги хира пашшани ҳайдади (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Жондор вагончиниқида «базми Жамшидий» қурганлар кечга яқин мастликдан **ўликдай** *чўзилиб қолишган* эди (Ойбек. Қутлуғ қон). Ўғилларимни бошқа суриштирадим: хонага кириб олиб, **ўликдай** *чўзилиб ётар*, яратгандан ўзимга ўлим тилардим (Н. Эшонкул. Қора китоб). Гулсумбиби **ўликдай** *чўзилиб ётаверди* (Ойбек. Қутлуғ қон). У ҳозир шу қадар умидсизликка тушган, оламда ўзини шу қадар кимсасиз, кераксиз, одамларнинг чиқиндиси ҳисоблар эдики, Мирвоҳид уни юпатган бўлиб аввал пешонасидан, кейин юзидан ўпганида **ўликдай** *қимир этмади* (А. Қаҳҳор. Зилзила). Самандар **ўликдек** *қимирламай* ётарди (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Гуломжоннинг ёнига келди, кўли билан итариб-туртиб кўрди. Гуломжон **ўликдай** *ҳиссиз*,

жонсиз эди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Холхўжа индамади. Турткилаб-торткиласа ҳам ўликдай ётаверди (А. Мухтор. Фано ва бақо).

#### (БАМИСОЛИ) ЎЛИК ЧИҚҚАН (УЙ, ХОНАДОН)ДАЙ

*Хувулламоқ; жимжит.* Кимсасиз ва сукунат ҳолатида бўлмоқ. Кўпроқ ўрин-жой ҳақида.

Хадича кетди-ю, кўнглидан хаёлот ҳам кетди. Уй **бамисоли ўлик чиққандай хувуллаиди** (М. М. Дўст. Дашту далаларда). Қишлоқ яна **ўлик чиққан хонадондек** сукунат босиб, *хувуллаб қолар эди* (Э. Аъзам. Гули-гули). Уй ичи **ўлик чиққандек жимжит бўлиб қолди** (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Рустам ғор оғзидай ютаман деб турган, **ўлик чиққан уйдаи** нохуш хужрага, харобадай фэйзсиз ховлига оркасидан биров сургандай калла суқишини ...кўз олдига келтирди-ю, этлари жимирашиб кетди (Қ. Кенжа. Тошқин).

#### Ў П Қ О Н

#### ЎПҚОНДАЙ

*Тортмоқ.* Куч билан ичига ютмоқ, комига тортмоқ, йўқ қилмоқ.

Турмуш савдолари, рўзғор ташвишлари тубсиз **ўпқондек тортиб кетаверади** одамни, айниқса, Сендаги яқинларингга ўзингни унутар даражадаги куюнчаклик нечоғли таҳсинга сазовор бўлмасин, жоним, ўз жонинг ва қадринг – ўз ҳаловатинг ҳақида ҳам вақти-вақти билан қайғуриб тургин (Х. Дўстмуҳаммад. Мен – сенсиз, сен – менсиз). Нимаики нарса найранг ишлатиб **ўпқондай ўз домига тортмасин**, барибир у инсоннинг ақл-заковати, олий қудрати олдида таъзим қилишга мажбур (Ж. Абуллахонов. Тўфон). Бироқ дунёнинг айёр ва доғулилиги, не-не зотларни **ўпқондай комига тортганича** яна ҳеч нарса кўрмагандай эврилишда давом этавериши Искандарга ҳали номаълум эди (Ш. Бўтаев. Қора Клит). От! – кичқирди генерал пастдаги шарсимон маҳлуқнинг дуч келган арчага ўзини урганини ҳайрат билан кузатаркан. – Мана, у арчани **ўпқондай ичига тортиди** (Х. Шайхов. Мутамах).

#### Ў Р А

#### ЎРАДАЙ

1. *Ўпирилмоқ, ўйилмоқ.* Маълум қисми ўйилган, бузилган, кўчирилган, емирилган нарса, жой кабилар ҳақида.

Ховли ўртасида чирик гавдаси **ўрадай** ўпирилган, қари баҳайбат бир туп тол (Ойбек. Қутлуғ қон). Ҳаммаёқ ўйдимчукур, баъзи ерлар **ўрадек** ўпирилиб кетган (Шухрат. Умр поғоналари). Гулрух олиб ташлаган ўқларнинг ўрни **ўрадек** ўйлиб, ...йирингнинг бадбўй ҳиди анқирди (З. Куролбой қизи. Машаққатлар гирдоби).

2. Катта, кенг; очмоқ. Одатдагидан катта оғиз, унинг катта очилиши ҳақида.

Аммо Хўжамкулбийнинг хон-хон қилиб яшайдиган **ўрадай** оғзи, икки тиззасининг устига осилиб тушган билқилдоқ қорни, ғадир-будир товоқдай башараси кўз ўнғидан кетмади (С. Анорбоев. Ҳамсухбатлар). Унинг **ўрадай** оғзида қолган яккам-дуккам тишлари кўриниб кетди (Ў. Мирзаёр. Тупроқ ҳиди). Унинг қиёфаси қанчалар даҳшатли бўлмасин, якка-ярим қолган сарғиш-қорамтир тишли **ўрадек** кенг оғзидан чиқаётган сўзлари шунчалик майин ва хушёқар эдики, улар бирдан чолнинг тинимсиз сўзлашини истаб қолдилар (Б. Абдураззоқ. У). Ахурамазда оёқда туролмай, ёнбошига ағдарилди, ағдарилаётган жойида оғзини **ўрадек** очган Ахриманнинг башарасига ўт пуркади, Ахриман сапчиб шифтга кўтарилди (Х. Дўстмуҳаммад. Жажман). Ўрозкул оғайнисининг кўнглини кўтармоқчи бўлиб, яна «офатижон кампирлар»дан сўз очган эди. Қудратхўжа оғзини **ўрадай** очиб, тишсиз милқларини кўрсатиб ишшайди (О. Ёқубов. Диёнат).

## ЎРГИМЧАК

ЎРГИМЧАК (ТҶРИ)ДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ)

**Ўрамоқ, чирмамоқ.** Атрофини ўраб, тамоман ўз доирасига олмоқ.

Унинг бу ожиз томонидан фойдаланган саройдаги хушомадгўйлар султонни **ўргимчакдек** ўраб, мактов иплари билан оёқ-қўлини тамом чирмаб ташлаган эдилар (Мирмуҳсин. Темур Малик). Бегим, гап фақат Жаҳонгирда эмас, ҳозир Али Дўстбек билан Аҳмад Танбал бизни **ўргимчак тўридай** чирмаб келурлар, – деди Бобур Ойиша бегимга (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Ҳар хил фикрлар яна унинг миясини **ўргимчакдай** чирмай бошлади-ю, олис хаёл денгизи сари етаклаб кетди (Ж. Абдуллахонов. Орият). Тўнғиздай семириб кетибсен. Тагин хастамен деб зорланасен! Биламен! Сен баттол тўшакда ётиб, менга қарши **ўргимчакдай** тўр тўқийсен (О. Ёқубов. Улугбек хазинаси).

## ЎРДА

### ЎРДАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Кенг, катта.* Одатдагидан катта, кенг ва мухташам ўрин-жой ҳақида.

Али Қушчи тепаси ёпиқ қоронғи бостирмага кирди ва тор йўлакдан ўтиб, **ўрдадай кенг** ҳовлига чиқди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Деворлари оқ мрамар билан қопланган **ўрдадай кенг** машваратхонанинг шифтидаги биллур қандилда бир неча шам ёнар, бу шамлар шуъласида тўрдаги суянчиқларига инжу қадалган олтин тахт ажиб жило сочиб ярқираб турарди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Назарида, **ўрдадай кенг**, шоҳона хонанинг қоронғи бурчакларида, чир айлана саф тортган олтин курсилар тагида, тўрға осилган оғир дарпарда орқасида кимлардир яшириниб олган-у, ундан кўзларини узмай хатти-ҳаракатларини кузатишар эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Меҳмонлар кириб боришганда **ўрдадай катта** ҳовлининг ўртасидаги қудуқ ёнида иккита аёл гаплашиб туришарди (О. Ёқубов. Диёнат). Бўлмаса, кўчада қолган мусофир эмасман. Ана, икки қадам нарида жиянимнинг **ўрдадек уйи** (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Ҳа, чол-камнир қариб қолишди чоғи, бу ўй, «ўғлимиз ҳаёт бўлганда шу аҳволга тушармидик, **ўрдадай** бу ҳовлида мунғайиб ўтирармидик», деган бу армонли ўй сўнгги йилларда тез-тез эсларига тушадиган, ҳар тушганда юракларини тилка-пора қилиб кетадиган бўлди (О. Ёқубов. Диёнат).

## ЎРДАК

### ЎРДАКДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, -ГА ЎХШАБ)

*Лапангламоқ.* У ёкка, бу ёкка ташланиб, чайқалиб юрмоқ. Асо-сан, одам ҳақида.

Таомил ўзгармабди: сочи қошигача тушган йигит қўлларини чўнтакка солганча, **ўрдакдай лапанглаб** келиб, унинг қаршисида тўхтади (Т. Малик. Сўнгги ўк). Бу орада ҳовлига гавдали, аёл «чолим» дегани билан кўриниши чоллик мартабасига етмаган, оёқлари оғир гавдани кўтаришга мажолсизлигиданми, **ўрдак каби лапанглаб** юрувчи уй эгаси кирди (Т. Малик. Шайтанат). Жувон шоша-пиша салом берди ва **ўрдакдек лапанглаган** кўйи ичкарига кириб кетаркан, йўл-йўлакай: – Ғозибой ака! Қишлоқдан, – дея овоз берди (А. Йўлдош. Ёлғон ва ҳақиқат). Кутилмаганда орага бояги, хона билан ошхона ўртасида **ўрдакдек лапанглаб** юрган жувон аралашиб қолса бўладими? (А. Йўлдош.

Ёлғон ва ҳақиқат). Йигит **ўрдакка ўхшаб лапанглаб** келиб су-  
ратларга узоқ тикилди-да, битгасини кўрсатди (Т. Малик. Шай-  
танат).

## Ў Т

### ЎТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. **Ёнмоқ, чақнамоқ.** Асосан, кўзга нисбатан; жуда асабий ёки хурсанд, жозибали ҳолат ҳақида.

Фотима кўзлари **ўтдек ёниб** соатга чақчайди-да, тиззалари-га шапатилаб, фарёд солди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умр-лар). Шундай бўлса ҳам, ичида қайнаган ҳиссиёт ўз шарпаси-ни унинг юзига очиқ ташлаб турмоқда, кўзи **ўт каби ёнар** ва юзи юз хил тусга кирар эди (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Қоши қора, бети оққа ким берар аччиқ шароб, Кўзлари **ўтдай ёнадир**, қилди бағримни кабоб (Оқ олма, қизил олма). Султон новча бўй-бастини ростлаб, ҳаммаси бир хил қора арғумоқларини ўйнатиб турган лашкарбошиларга юзланди, қаҳрли қисиқ кўзлари **ўтдай чақнаб**: – Амир Нуштегин! – деб наъра тортди (О. Ёкубов. Кўхна дунё).

2. **Ёнмоқ, куймоқ.** Асосан, юрак, жон, ичга нисбатан; муайян таъсир натижасида юзага келган руҳий қийноқ, азоб ҳақида.

Биродар, бул кун ёмон, **Ўтдай куяр** танда жон, Бошингга кулар осмон, Дўстим мени сотган кун (С. Тўйчиева. Дўстим мени сотган кун). Бир нима **ўт каби куйдирди** ичим Маҳкам лаб тишлашга етди-да кучим (А. Ўктам. Синглимга). Ҳайҳотдай масжиднинг этни жунжиктирувчи зах ва намхуш хавоси ҳам, елкаси тиралган деворнинг совуғи ҳам, сонол қумғондан дам-бадам ютоқиб ичаётган муздек сув ҳам **ўтдек ёнаётган** юра-гининг тафтини босолмади (Н. Қобул. Буёк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Бу-ку майли, лекин ўшанда ўртада бўлиб ўтган гап-сўзлар ханузгача кўксини **ўтдек куйдириб** келмаяптими? (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Энди гоҳ чонар, йиқилар, ўрнидан турар, бир нималарни четлаб ўтиши билан бирга чуқурликлардан сакраб ўтар, қоқилиб, энтак-тентак қадам ташлар, алам, нафрат ва ғазабдан вужуди **ўтдек ёнарди** (И. Зойир. Қисмат ўчи).

3. **Ёнмоқ, қизимоқ.** Тана ҳароратининг ўта юқори даражага чиқиши ҳақида.

**Ўтдек ёнган** манглайида салқингина... қўлни сезди (А. Мух-тор. Чинор). Меъдаси оғир, худди бир ҳовуч симоб ютгандай. Аъзойи бадани **ўтдай** (А. Қаҳҳор. Қотилнинг туғилиши). Бу чок сенинг танингнинг **ўтдек қизигони** ҳолда менга яқинлашқонини билдим (Чўлпон. Клеопатра).

4. *Кўринмоқ, кўзга ташланмоқ*. Жуда таниш, ёқимли, гўзал туюлмоқ.

Давлатшоҳ бахши, Амир Шоҳмалик, Шайх Нуриддин Баходир кизлари ичида бир киз кўзимга *ўтдай кўринсами!* (М. Али. Улуғ салтанат). Ойим холанинг назарида жонидан ортиқ кўргани, келин бўлиб тушган куниёқ *кўзига ўтдай ташланган* бу ҳовли нега энди кўзига бунчалар ҳувуллаган, файзсиз, кўрқинчли кўриняпти? (Й. Сулаймон. Армон). Узоқдан паранжингиз кўзимга *ўтдай кўринди* (Ойбек. Улуғ йўл). Зеро, Шухрат, ҳозиргина кўзига *ўтдай кўриниб турган* куёви, қизига, унинг суюкли Мадинасига қараб ўшқириброқ гапиргандай бўлганди (А. Йўлдош. Отасининг қизи).

## Ў Қ

### ЎҚДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Тўғри*, адил. Асосан, эгри бўлмаган кўча, йўл ва бошқа нарсалар ҳақида.

Ҳаммасини ер юзидан сидириб ташлаб, ўрнига боғ-роғга кўмилган, кўчалари *ўқдай тўғри*, оппоқ, кўркам кишлоқ барпо қилди (О. Ёқубов. Диёнат). Шаҳарнинг қоқ ўртасидан кесиб жанубдан шимолга қараб ўтадиган, охири бориб ям-яшил адирлар оша юқорилаб осмонга чиқиб кетаётгандай кўринган йўл хайратланарли даражада адил ва *ўқдай тўғри эди* (М. Али. Улуғ салтанат). Ҳозир қадимги қалъа ўрнидаги тепаликдан тўрт томонга *ўқдай тўғри* кўчалар ўтган, асфальт билан қопланган бу кенг, чиройли кўчаларнинг икки ёнида оппоқ, мухташам уйлар саф тортган (О. Ёқубов. Диёнат). Ҳўкизларнинг бошини аранг буриб, орқага қарасам, мен олган биринчи пол *ўқдай тўғри* бўлиш қайда, илонизи бўп кетибди (О. Ёқубов. Қарноқ).

2. *Тўғри*. Рост, адолатли сўз, шунингдек, ғирромликни билмайдиган одам ҳақида.

*Ўқдек тўғри* бўлмоқлик, кибру ҳавога йўл очмаслиги лозим... – негадир ўйланиб қолди соҳибқирон (М. Али. Улуғ салтанат). Ҳақиқатан ҳам, элда ёмон кетиб, яхши келмас деган гап бор, – деди Темур ҳам кулиб. – Сўзларингиз *ўқ каби*дир Акрамбек (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич).

2. *Ботмоқ, тегмоқ, тешиб ўтмоқ, санчилмоқ, қадалмоқ*. Одамга қаттиқ руҳий азоб бермоқ. Асосан, гап-сўз, ўй-хаёл ҳақида.

Унинг сўzlари гарчи *ўқ каби ботаётган* бўлса-да, Элчин учун янгилик эмасди (Т. Малик. Шайтанат). Оғир сукунатда Бобурнинг: – Яна бу шўрликлардан ўлжа олмоқчи бўлулар! –

деган кинояли сўзлари эшитилди-ю, Аҳмад Танбал билан Хонкулибекка **ўқдай тегди** (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Бу саволим мутлақо самимий эди. Бирок гоҳида бехосдан айтилган сўз отилган **ўқ каби** юракни *тешиб ўтади* (А. Абдуллаев. Дард). У кетди, кетди-ю энди шум ўйлар *Санчилаверади* қалбга **мисли ўқ** (А. Ўктам. У кетди...). Бу фикр юрагига **ўқдек санчилди** ва жон халпида бошини кўтарганда, ўзини нохуш сезиб, боши айланди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Бу савол Абдусамаднинг юрагига **ўқдай қадалиб**, яралади (Т. Малик. Шайтанат). Тошмурад полвоннинг бу сўзлари Бешим чавандознинг юрагига **ўқдай қадалди** (Ғ. Шермуҳаммад. Саман той). Санарангиз ва унинг сафдошлари ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабар Тўмариснинг ва барча аёлларнинг юракларини **ўқдек тешиб ўтди** (М. Осим. Аждодларимиз қиссаси).

3. *Учмоқ*. Жуда ҳам тез ҳаракатланмоқ; зарб, шиддат билан чиқиб кетмоқ.

Ватан, айланарман бир кескир тошга, Қошингга **ўқ каби учиб** борарман (Р. Парфи. Она Туркистон). Қорабайир олд оёқларини кўтарди, тўлиқиб хайкирганча ёғий устига **ўқдай учди** (Э. Самандар. Султон Жалололдин). Шу гап берганда, **ўқдек учиб бо-раётган** този ҳам буриларкан-у, эпсизроқ бўлса, думалаб, бели синиб кетаркан (Ш. Холмирзаев. Банди бургут). Биздан узр сўраб, «пат-пат»ига ўтирди-ю **ўқдай учириб кетди** (М. М. Дўст. Лолазор). **Ўқдай учиб** келиб, иккаласи икки томондан ёпишди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). У шишанинг орқасига шاپатилаганди, қонқоғи **ўқдай учиб**, арокнинг бир қисми полга тўкилди (А. Абдуллаев. Дард). У суҳбатдошига суйкаланиб, афтидан, ниманидир шивирлаётганида қувғин мухлис унинг хар ёқни кўрадиган кўзини шамғалат қилиб **ўқдек учганича** очик эшиқдан тор-қоронғи йўлак бўйлаб ичкарига кириб кетди (Э. Аъзам. Шоирнинг тўйи).

4. *Отилмоқ*. Кескин, шиддат билан бирор томонга ташланмоқ. Одам, жонивор ва бошқа ҳаракатланувчи нарсалар ҳақида.

Абрам **ўқдай отилиб** келди. Кела солиб, Галяни кучоклаб олди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Иккинчи фикр тўғрига ўхшаб кўринди-ю саваш ноғорасини чалиб юборди. Кўшини олдинга **ўқдай отилди** (Э. Самандар. Султон Жалололдин). Қамчи еб ўрганмаган учқур бедов олдинга **ўқдай отилиб**, эгасини бало-қазодан олиб чиқиб кетди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Онам даҳлизга, даҳлиздан равонга **ўқдай отилиб** кирдилар (Х. Дўстмуҳаммад. Беозор кушнинг қарғиши). Ҳовлида куртга барг қирқаётган укаси Обиджон новдалар орасидан **ўқдек отилиб чиқиб** унинг бўйнига осилди ва «акажон!» деб

шундай кичқирдики, аллақаерда ётган хўроз қақоқлаб юборди (А. Қахҳор. Қўшчинор чироқлари). Одам шарпасини сезган кат-такон оқ ит чайла орқасидан **ўқдек отилиб чиқди** (С. Аҳмад. Қирк беш кун).

5. *Отилиб чиқмоқ*. Асосан, қаттиқ ҳаяжон, ҳиссий таранглик билан айтилган гап-сўз, хитоб ва шу кабилар ҳақида.

Кўкрагидан шу сўзлар **ўқдай отилиб чиқди**: «Отамнинг камалиши эмас, сизнинг қилмишингиз мени ўртоқларим олдида ерга киргизиб юборди. Ҳеч бир халқ душманининг хотини, бола-си...» Исмаи хўнграб, ўрнидан туриб кетди (А. Қахҳор. Зилзила). Унинг нимадир дегиси келар, лекин озгин ёзувчининг оғзидан **ўқдай отилиб чиқаётган** савлатли гаплар уни аввалига шаштидан туширган, бу гапларда жон борга ўхшар, ишонгиси келар эди (Н. Эшонкул. Момоқўшик).

6. *Кирмоқ, санчилмоқ, қадалмоқ, урилмоқ*. Қаттиқ, дағал, кулоққа озор берадиган даражада эшитиладиган овоз, гап-сўз ҳақида.

Ухлаб қолдингизми, нима бало! – режиссёрнинг тажанг кичкириғи Зухранинг кулоқларига **ўқдай кирди** (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Аммо овози кулогимга **ўқдек кирди** (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Унинг ҳар бир нолакор ва заиф товуши йигитнинг кулоғига **ўқдек санчилар**, бироқ унга ёрдам беришдан ожиз эканлигидан, имконсизлигидан бўридек улиб юборгиси келарди (Б. Абдураззоқ. У). Хотин кирди... унинг... «аям», бу хотиннинг «қизим» дейиши унинг кулоғига **ўқдек қадалди** (С. Аҳмад. Мехрибон). Ер остидан қанчали тикилмасин, у директорнинг ҳазиллашаётганини ҳам, жиддий айтаётганини ҳам фарқлолмади. Кулоғига яна ўша сўз **ўқдек урилди** (Ш. Бўтаев. Мактаб қоровули).

7. *Қадамоқ, тикмоқ*. Қаттиқ тикилиб қарамок. Асосан, кўз ҳақида.

Элчин хатни ўқиб, Валяга нигоҳини **ўқдек қадади** (Т. Малик. Шайтанат). У «иложи топилур!» деб юборгиси келди-ю, кўзи Қаландарнинг **ўқдай қадалиб турган** кўзларига тушиб, тили гулдираб қолди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Тикилиб қарасам, момом Гавҳаршод бегим! Кўзларини **ўқдай тикиб** менга қараганда кўрқиб кичқириб юборибмен (П. Қодиров. Шохруҳ ва Гавҳаршод). Эрталаб ҳайкалнинг очилишидан қайтаётиб, машина ойнасидан ўзига **ўқдек қадалиб турган** бир жуфт кўзни кўриб қолди (Э. Аъзам. Шоирнинг тўйи). У сопол косадаги қимизни бир кўтаришда бўшатиб, кабобга киришаркан, қуйроқда ўтирган, чан кўзи кўр бир дарвеш ёлғиз кўзини унга **ўқдек қадаб**, тикилиб-тикилиб қараётганини пайқаб қолди

(О. Ёқубов. Кўхна дунё). Бирок ўсиқ қошлари ва юзидаги баттар қора мўйлари орасидан **ўкдай қадалиб** боқувчи кўк кўзлари ҳамон эсимга тушади (С. Ўнар. Бибисора).

#### МИЛТИҚНИНГ ЎҚИДАЙ

Соғлом, тетик, ҳаракатли. Асосан, одам ҳақида.

Бир нуроний, лекин ҳали ҳам милтиқнинг **ўкидек** чол бор экан, шу: – Ёшим саксонга боряпти. Нима, энди шунча йиллик хизматим бекор кетадими? – деб бақариб қолди (А. Аъзам. Рўё ёхуд Ғулистонга сафар). Дада, чарчамай юрибсизми, ойимлар яхши юрибдиларми? – Онанг милтиқнинг **ўкидай**, – яна гап қўшди чол (С. Сиёев. Чол билан кампир). Милтиқнинг **ўкидек** одам... нечук туйқусдан бошлари оғриб қолармиш? (О. Ёқубов. Биллур қандиллар). Энди кўрсам, милтиқнинг **ўкидек**, пушти гулнинг тўкидек келиним бор экан (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Ўзинг қочоқ! Милтиқнинг **ўкидай** одам, ўзинг бу тоғ орасида нима қилиб юрибсан, қилтирик? (О. Ёқубов. Қарнок).

#### ЎҚЛОВ

#### ЎҚЛОВДАЙ

*Қабармоқ, бўртмоқ, туртиб чиқмоқ;* йирик, йўғон. Асосан, бармоқ, томир, шунингдек, ҳарф, ёғоч кабилар ҳақида.

Ҳалиги киши орқага ташланиб ориқ-чандир бўйнидаги томирлари **ўқловдай қабариб**, сигирни базўр тўхтатди (Ойбек. Қутлуғ қон). Унинг лаблари кўкариб, икки чаккасидаги томири **ўқловдай туртиб чиққанди** (З. Қуролбой қизи. Ёзсиз йил). Шофёр йигит қўлларини ёйганча бақрайиб турар, томирлари **ўқлоғдай-ўқлоғдай бўртиб турган** билагидан тирқираб қон оқаётганди (Х. Дўстмуҳаммад. Йўлакдаги одамлар). Кейин ўша **ўқловдек** бармоқлари билан новда тагини чўкилай кетди (Ш. Холмирзаев. Ўзбек бобо). Қисматилло чўнқайиб ўтиргач, чол ўнг қўлининг **ўқловдек** кўрсаткич бармоғи билан беданинг кертилган поялари ва эзғиланган шалдиртикан ичидан кўтарилиб турган сарғишгина чўпни... кўрсатди (Ш. Холмирзаев. Ўзбек бобо). Кўрғончанинг кун юриш тарафида эшик ўрни бўлиб, молқўй кириб кетмаслиги учун кўндалангига **ўқловдай** ёғоч тўқиб қўйилган, тўғрироғи, унинг икки учи деворга кўшиб уриб юборилган эди (К. Кенжа. Буюклар изидан). Чизиклар **ўқловдай-ўқловдай** бўлди (Т. Мурод. Юлдузлар мангу ёнади).

## ЎҒИЛ

### ЎҒ(И)ЛИДАЙ

*Қадрдон, яқин; тарбия қилмоқ, яхши кўрмоқ. Жуда яқин, илик муносабат, шундай муносабатда бўлмоқ.*

Аммо **ўғлидек қадрдон**, сирдош, ҳазилкаш Абдуҳафиз қиладиган ишини отадан ҳам яширишга ақли етмасди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Буни ҳеч ким билмайди. Ҳатто Жамшиднинг ўзи ҳам билмайди. Жамшид **ўғлидек қадрдон** эди Бек акамга (Т. Малик. Шайтанат). Раҳматли катта момомиз Моҳим бегим ўғайлик балосидан мудом баланд турар эканлар. Ҳиндол мирзони ўз **ўғилларидай тарбия қилган эканлар** (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Зотан, отамнинг энг қадрдон дўсти бўлган, мени ўз бағрига олиб, яхшигина хунар ўргатган, ниҳоят ўз **ўғлидек яхши кўрган** бу мўйсафидга нима ҳам дердим? (О. Ёқубов. Муқаддас). Туробжон, бошқармада кўп йиллик шофёрлик қилиб, **ўғлидек бўлиб қолган**, дарди ҳасратини ҳам, вақтичоғлигини ҳам баҳам кўрадиган Туробжоннинг фронтга жўнашини эшитди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон).

## ЎҒРИ

### (ХУДДИ) ЎҒРИ (КИШИ)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Турли шубҳали, эҳтиёткорона ҳаракатлар қилмоқ. Ярашиқсиз, ҳуқуқ ва одобдан ташқари ҳаракат қилмайдиган одамлар ҳақида.

Эри ҳали қайтмаган, қайнонаси нариги уйда ухлаб қолган бир кечаси келинчак ётоққа **ўғридай** сирғалиб кирди ва эшикни маҳкам занжирлади (Н. Эшонкул. Очилмаган эшик). Кўча эшик қия очик эди. Асадбек **худди ўғридек** ичкарига бош суқиб, чироқ нури тушиб турган деразага қаради-да, ўзидан ўзи уялди (Т. Малик. Шайтанат). Анвар маҳдумнинг маҳалласига келиб етканда, киши танимаслик даражада қоронғи тушди ва шу қаторда Анварнинг кўнглидаги қоронғилиқ ҳам кучайди, юрак уриши эътидолдан чиқиб, **ўғри кишидек** атрофига қарана бошлади (А. Қодирий. Мехробдан чаён). Ҳув ўша бирдаги нохуш суҳбатдан сўнг Сайфиддин дўконга хийла кам келар, келганда ҳам **ўғридай** у ён-бу ёнга кўз ташлаб, «Бизга хизмат йўқми?» дея тег чиқиб кетарди (С. Сиёев. Ёруғлик). Кетдикми? – дедим ҳалеб **ўғридай** пусиниб ўтиргим келмай (М. Мансур. Жудоник днёр).

## Қ

### ҚАБРИСТОН

ҚАБРИСТОНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Жимжит*; ҳувулламоқ. Сассиз-шарпасиз, совуқ сокинлик ҳолатида бўлмоқ. Асосан, жой-макон ҳақида.

Шу билан уйимиз **қабристондай жимжит** бўлди-қолди (А. Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар). Шамолларда шовуллаб турадиган, сукунатни кесадиган арғувонлар йўқ, теварак-атроф **қабристондай жимжит** (И. Зойир. Қисмат ўчи). Бироқ ҳовли **қабристондай ҳувиллаб** ётарди (Л. Бўрихон. Алдоқчи тунлар). **Қабристондек жимжит** сахро зумда дод-фарёдга тўлди (А. Обиджон. Мешнолвоннинг жанглари).

### ҚАДРДОН

(ХУДДИ) (ЭСКИ, МИНГ ЙИЛЛИК) ҚАДРДОН(ЛАР)ДАЙ

Жуда илиқ, яқин, меҳрли муносабатни намоён қилмоқ. Аслида яқин бўлмаган одамлар ҳақида.

Улар **қадрдонлардай** юзларини юзларига қўйиб кўришдилар. Ислом одобини, хусусан, бу оламдаги одамлар бир-бирларига биродар эканликларини билмаган, тушунмаганлар бу ҳолатдан ажабланишлари табиий (Т. Малик. Шайтанат). Улар **қадрдонлардек** илиқ хайрлашдилар (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). У Маҳмудга термилган сайин, юрагида унга яқинлик ҳис қилар, гўё кўп йиллардан бери у билан **қадрдондек** бўлар эди (С. Зуннунова. Олов). Ўта жиддий, ўта салобатли, чехраларида қандайдир тантанали ифода билан кириб келган совет аъзолари орасида новча бўй-басти, ёшлиги ва ҳатто уст-бошининг оддийлиги билан ҳам ажралиб турган Поликарпов Отақўзи билан **эски қадрдонлардай** куюқ сўрашди (О. Ёқубов. Диёнат). Собирнинг хатига жавобан, худди **қадрдонлардек** ҳамдард бўлаётган кишиларнинг хабарлари босилиб чиқаверди (Р. Файзий. Чўлга баҳор келди). **Эски қадрдонлардай** сўрашдилар. Келган одам фақат: «Шукур, шукур» – деди, директоримиз: «Раҳмат, раҳмат», – деди. (Ш. Холмирзаев. Бир кўрган таниш). **Эски қадрдонлардай** иссиқ хайрлашдик. Кета туриб, яна икки

оғиз ширин сўз айтди (М. М. Дўст. Лолазор). Йигитлар «мингбоши» билан кучоклашиб-ўпишиб кўришишди, улар билан ҳам гўё **минг йиллик қадрдонлардек** куюқ омонлашишди (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Онда-сонда учрашсаларингда, **минг йиллик қадрдондек** бўлиб қолган эдиларинг (Э. Аъзам. Шовқин).

## Қ А Й И Ш

ҚАЙИШДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАБ)

*Қотмоқ; қаттиқ.* Эгилувчанлик ҳолатини йўқотмоқ, шундай ҳолатда бўлмоқ.

Кир ёқанинг иссиқда **қайишдек қотгани** болага азоб бўлди (Н. Жўраев. Куёш қорайди). Бутун умри меҳнатда ўтгани **қайишдек қотиб кетган** қўллари, ажин тўла юзларидан билиниб турган Қўрғонбой ота бундан тўрт йил бурун кўкламда куртга барг қирқаётиб, дарахтдан йиқилиб оёғи синган, салкам ярим йилча гипсда ётса ҳам, суяги яхши битмай, ҳассага таяниб юрадиган бўлиб қолган эди (Ў. Усмонов. Гирдоб). Социям **қайишдай**, шунча ғижимлаб тортаман – бир мўйини узолмасам-а, тавба! (Э. Аъзам. Гули-гули). Темир тоғанинг ориқ, қора юзида жилмайиш пайдо бўлди. Офтобда пишиб, **қайишга ўхшаб кетган** юзларининг териси тортишиб кетди (Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов. Ота).

## Қ А Л А М

ҚАЛАМДАЙ

*Ингичка*, бежирим. Асосан, қош, бармоқ кабилар ҳақида.

Эшик очиб тўрга боқсам, Қадди шамшод ўлтирур, Қошлари гўё **қаламдек**, Бир паризод ўлтирур (Оқ олма, қизил олма). У пайтда хотиним озғин, бармоқлари ҳам **қаламдек ингичка** эди (С. Аҳмад. Азроил ўтган йўлларда). Бармоқлари **қаламдек ингичка** тортди. Бутун вужуди кичрайиб, муштдеккина бўлиб қолди (С. Ашур. Мунчок). Хиёл кўтаринки қирра бурни, юпка лаблари билан отасининг қошларига ўхшаш ингичка, **қаламдек** чизилган қоп-қора қошларига қараб Абдулазизни Самарқанднинг энг гўзал йигити дейиш мумкин (Х. Даврон. Осмонда куёш йўқ эди). **Қаламдек** қошларинг юрагимга ханжардек санчиларди (С. Аҳмад. Биринчи муҳаббат).

## ҚАЛАМПИР

### ҚАЛАМПИРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Аччиқ*. Асосан, кўнгилга озор берадиган, қаттиқ тегадиган гап-сўз, жуда оғриқли изтироб ҳақида.

Кечаги воқеа Гулноранинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетган экан. **Қалампирдай аччиқ** сўзларни бирам қалаштириб ташладики... (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). **Қалампирдек захар** гапларига ўрганиб қолган эканман (С. Аҳмад. Жимжитлик). Азизим, хозиргина Намоз Пайшанбада деб қасам ичаётган эдингиз-ку, – **қалампирдек аччиқ** киноя билан сўради генерал (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши). Тили анча *аччиқ*, **қалампирдай** узиб-узиб олади (А. Аъзам. Ўзи уйланмаган совчи). Эй, севикли ўқувчилар, кечирасиз. Бу гал шеърим **қалампирдек** бир оз *аччиқ*. (Қ. Муҳаммадий. Одам-олам кўшиғи). Бутун бошли майхонада қандайдир эски кўшиқни гўнғирлаб, ўзим билан ўзим рўй-рост улфатчилик қиялпман, кўксимни тушуниксиз бир ғусса қамраганки, ёнирай, қоядек оғиру **қалампир каби аччиқ!** (А. Дилмурод. Хаёл чўғланиши). Кўксимда *аччиқ қалампирдай* бир дард бор, алам бор, азоб бор (С. Сиёев. Гавҳар йўқотган гумроҳ).

2. *Қип-қизил; қизармоқ*. Одам юзининг қизилга мойил ранга кириши ҳақида.

Охирида, кимгадир бир қултум камлик қилди. Яна эллик-эллик кўшиб, бир «мўйсафид»нинг «салласини» олдик. Ҳамманинг бурни **қалампирдек қип-қизил** (М. Аҳад. Туғилган кун). Аччиқ сўзи учун эмас (отам умрида бировнинг кўнглини оғритмаган одам эди), ичганида юзи **қалампирдай қип-қизариб кетиши** сабабидан бу лақабни орттириб олган эди (Х. Даврон. Хотира нарчалари). Порахўр амаким ресторандан пишган **қалампирдек қизариб** чикдилар (Я. Курбон. Порахўр амаким билан виждон).

## ҚАЛДИРҒОЧ

### ҚАЛДИРҒОЧДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Тизилмоқ*. Асосан, одамларнинг ёнма-ён ёки кетма-кет жойлашиб, саф ҳосил қилиши ҳақида.

Хуш деганинг ой десанг ой, кун десанг кун эди. Соч деганинг ерга теғарди. Қишлоқ қизлари томга чиқиб, **қалдирғочдек тизилиб** олиб, уни томоша қилишарди. (С. Аҳмад. Жимжитлик). Гулноранинг нарёғида акамнинг синфдошлари, ундан ке-

йин қариндошларимиз, жами ўттиз киши **қалдирғочдай тизилиб**, тамаки экиб кетяпмиз (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Бир маҳал қараса, анҳор соҳилида болалар **қалдирғочдек тизилиб** ўтирибди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар). Ҳабиба буви қирқ ямоқ бўлиб кетган чодирни олиб чиқади. Камида ўттизта бола **қалдирғочдек тизилиб**, чодирнинг тўрт тарафидан ушлаб туради (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Чор томондаги қўшқаватли иморату ҳовли саҳни **қалдирғочдек тизилиб** ўтирган хўрандалар билан тўла (У. Ҳамдам. Бир пиёла сув).

#### ҚАЛДИРҒОЧ ҚАНОТИДАЙ (-ҒА ЎХШАШ)

*Қайрилма*, чиройли. Асосан, қош ҳақида.

Хона тўридаги катта столга тирсагини тираб ўтирган жик-каккина, **қалдирғоч қанотидай қайрилма** қош остидаги думалоқ кўзларидан қаҳр ёғилиб турган аёл «Бу безбет йигит ким бўлди экан?» деб ўйлаб ҳам ўтирмади (Т. Малик. Шайтанат). Гулойимга ҳам нигоҳинг тушиши билан худди шундай яйраб кетардинг. Ундаги чакноқ кўзлар, **қалдирғоч қанотига ўхшаш** қошлар, оппоқ юз... (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Муҳаббатнинг ёноқлари иссиқдан кизариб кетган, қайрилма қошлари **қалдирғоч қанотидек** ингичка, куралай кўзлари ўтдай ёниб турарди (М. Ҳазраткулов. Чўли ироқ). Ҳозиргина ёш инган киприклари пирпиради, катта, қоп-қора кўзлари болаларча қувонч билан бокди, **қалдирғоч қанотидай** қошлари хайронлик билан чимирилди (И. Султон. Ойдинбулоқ).

#### Қ А Н Д

#### ҚАНДДАЙ

*Ширин*; жуда яхши, соз, кўнгилдагидек. Тотли таъм, беҳад мақбул ҳаракат-холат, кўриниш ҳақида.

Кўтаролмай ҳосилин Шохларин эгган улар, Ҳар бири **қанддек ширин**, Брильянтдек чақнаб, кулар (Х. Салоҳ. Чашма). Аёл деган рўзғорни **қанддай** қилиб юриши керак, булар эса овларини кўрсатиб кўчада ўтиришни яхши кўради (Н. Эшонқул. Уруш одамлари). Икки танобгина ер олсам, оз бўлсин, соз бўлсин дегандай, **қанддай** иш қилар эдим (Ойбек. Қутлуғ қон). Айниқса, Фарҳодни кўмганинг **қанддек** бўлибди, – улардан узоқлашиб бораркан, бироқ қалпоқли кишининг тасанноси Аламазоннинг кулоғига элас-элас чалинди (А. Обиджон. Аканг қарағай Гулмат). «Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ»,

деганларидай хушбичимроқ маҳкумларни қандайдир базмларга қанддай қилиб тайёрлаб бериш ҳам унинг зиммасида эди (Т. Малик. Шайтанат).

## Қ А Р О Қ Ч И

ҚАРОҚЧИ(ЛАР)ДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Ҳужум қилмоқ*, босқин қилмоқ, зулм қилмоқ. Ҳарбий қоидалар, қонун, ҳуқуқ, одоб-ахлоқ доирасидан тамоман ташқарида бўлган ҳаракатлар билан шуғулланадиган одамлар, тўдалар ҳақида.

Олдинда ва ён томонда отлиқ соқчилар чор-атрофга сарасон солиб, кўз-қулоқ бўлиб боришмоқда. Чунки ҳарб иши қоидаларини назар-писанд қилмай, мунтазам кўшинга дафъатан **қароқчилардек ҳужум қилиши** – исёнчиларнинг азалий одати (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси). ...Уларни тўлашга қурби етмаганларнинг тўдаклари озиклигига яраб турган соғин қўй ё эчкисини **қароқчилар каби** судраб чиқиб кетишар, бечоралар чирқираб қолишаверарди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Энг разил **қароқчилардай** болани ўғринча олиб кетибдир (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар).

## Қ А Р Ч И Ғ А Й

ҚАРЧИҒАЙДАЙ

*Ташланмоқ*; абжир, уддабурон, эпчил. Беҳад шиддатли, ғайратли, ушлаган жойидан кесадиған одам ҳақида.

Ўшанда Яхшибоев етган эди, етган-у қиз бечорага **қарчиғайдай ташланган эди**, агар Мухсина уялмаганида, агар қуйироқда қараб турган бир тўда қизлар бўлмаганида эди!.. (М. М. Дўст. Лолазор). Бувимни ухлатиб мен ҳам чикдим. Нимасини айтай, раҳматлик нақ **қарчиғайдай** йигит эди... (А. Ибодинов. Кўл бўйида). Келавер, нақ **қарчиғайдай** йигит экан... Тўйда аралашиб-қуралашиб юраверади киши (Ойбек. Қутлуғ кон). Аъзамжонгинам қандоқ йигит бўлган эди, қандоқ йигит бўлган эди-я. **Қарчиғайдек** укамдан айрилиб ўтирибман (С. Аҳмад. Ҳижрон кунлари). Ўша воқеаларга қанча бўлди экан? Ё раббий, йигирма етти йил! **Қарчиғайдек** бир йигит умри! (Х. Султон. Бобурийнома).

## Қ А С Р

### ҚАСРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

Мухташам, беҳад катта ва гўзал. Асосан, бино, уй-жой ҳақида.

Аммо бир эмас, иккита **қасрдек** участкасининг деворига ёпиштирилган мармар «шуба»ни кўчириб ташлаб бўлмайти-ку! (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). У **қаср сингари** бир бино солади (А. Қаҳҳор. Сароб). У бир неча қадам орқага чекинди-да, **қасрдек** салобат тўкиб турган уйига разм солди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Хўжайиним катта бир завўдни гулдурайтиб турибди. **Қасрдек** идораси бор (А. Обиджон. Пойгакдагилар).

## Қ А Ф А С

### ҚАФАСДАЙ

*Тор.* Асосан, хона, уй, жой кабиларнинг ҳажми ҳақида.

Томирлари тортиб увушиб қолган оёқларини уқалай-уқалай, **қафасдай тор** хонани бир-икки марта айланиб чиқди (О. Ёқубов. Улугбек хазинаси). Кейин, апил-тапил ўрнидан турди-да, **қафасдай тор** хонани гир айланиб, ёнғоқдай-ёнғоқдай бир нечта тош териб келди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Кўчиб келган уйимиз менга ёқмади. **Қафасдек тор**, тўрт томони баланд деворлар билан ўралган ҳовли, гўрга ўхшаган қоронғи уй (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Дарвишлар учун кенг ҳовли **қафасдек торлик** қилаётган эди (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнги сафари).

## Қ А Қ Н У С

### ҚАҚНУСДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қайта тикланмоқ*, ўлиб тирилмоқ, йўқ бўлишни билмаслик. Абодиятга дахлдор нарсалар ҳақида.

Мислсиз кулфатларда топталиб, вайрона култепалар узра **Қақнус сингари қайта** мағрур *қад тиклаган*, асрлар бўйи кимсага бўйин эгмаган она халқи, она юртининг шонли тарихи қалбига ларза солди... (Х. Султон. Бобурийнома). Аслида Бухорои шариф кўксига улкан қоядек юксалган, пойдеворига илк ғишт қўйилиши билан рубъи маскундаги улуғ шаҳарлардан бирининг тарихи бошланган, асрлар тўфонига неча бор вайрон бўлса-да, кул орасидан чиққан **Қақнусдек қайта тикланиб**, Бухоро боқийлигининг рамзига айланган бу мухташам иншоотнинг

тарихини ундан ҳам чуқурроқ ўрганган бошқа бирон банда бу фоний оламда йўқдир (Ғ. Каримий. Буюк муаррих). Кўнгилдан сув ичиб, гоҳида қониб, **Қақнусдай тирилиб**, гоҳида ёниб, Ҳижроннинг шоҳига гоҳида қўниб Муҳаббат турнадай учиб бо-ради (О. Мухтор. Орзулар – сизники, умид – бизники).

## Қ И З

### ҚИЗ (БОЛА)ЛАР)ДАЙ

Кизларга хос хусусиятларга эга бўлмоқ, уларга хос ҳаракатларни қилмоқ.

Ўшанда Ражот **қиз боладай** қизариб, довдираб, отасига тузук-қуруқ бир нарса ҳам деёлмаганди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Умри бино бўлиб, хасталиқдан чиқмаган, **қиздай** нимжон ва ногирон фарзанди бу зах ҳибсхоналарга, қана ва бургаларга тўла машъум зиндонларга тушса... не бўлади? Ҳоли не кечади? (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Илгари, бу хонадонга тез-тез келиб юрган маҳалда у қўйдаи ювош, **қизлардай** тортинчок кўринар, чехраси ҳам бошқача, жуда мулоим эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). У ўйинни қийворгани, **қизлардай** эшилиб рақс туша олгани учун шундай лақаб олган (М. Али. Улуғ салтанат). Тахтиравондан худди ёш **қизлардек** чакқон ва назокат билан тушган Сароймулкхоним юзидаги ҳарир пардасини хиёл кўтариб, соҳибқиронни тавоф этди, тўнининг пешини уч марта ўпиб, кўзга суртди (М. Али. Улуғ салтанат).

## Қ И З Ғ А Л Д О Қ

### ҚИЗҒАЛДОҚДАЙ

*Кизармоқ, яшинамоқ; қип-қизил. Кўпроқ одам ва унинг ранги ҳақида.*

Икки юзи **қизғалдоқдек қип-қизариб кетган** Ойбекнинг се-винчи ичига сиғмайди (А. Кўчимов. Ҳовлидаги майдонча). Ойгул унинг сўзларини эшитиб, **қизғалдоқдек қизариб ўтирарди** («Тошкент оқшоми»). Шу борса, Ҳожар буви кийим кийиб, **қизғалдоқдай яшинаб ўтирган** экан (Юсуф ва Аҳмад). Муҳаммад Юсуфга бормикан қиёс, Ўхшаса ўзига ўхшаб кетди у. Халқи-га, юртига меҳри беқиёс, **Лолақизғалдоқдек яшинаб кетди у** (Ф. Султонқулова. Муҳаммад Юсуф хотирасига).

## Қ И Л

### ҚИЛДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Ингичка*, жуда ҳам инжа, нозик.

Кулимсираган кўзлари, юқорига томон бир оз керила тушган **қилдай** *ингичка* қошлари... ҳавас ва ўйнашнинг чопарлари! (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Тупроқ тортаётиб манглайига нимадир илашди – лаҳад шифтида бир қарич чиқмайдиган **қилдай** *ингичка* илдиз осилиб турган экан (Х. Дўстмуҳаммад. Тўхтабойнинг бойликлари). Шу воқеадан сўнг ораларидаги муносабат **қил каби** *ингичка*лашганини тушунган амир Хусайн Самарқанд сафари орзуси билан бирга қариганини сизди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Сени туққан онанга баракалла, Бетинг ойдай, белингни **қилдай** қилиб (Оқ олма, қизил олма).

2. Жуда озгина, кичкина, арзимаган, *заиф*.

Инсоф деган нарса борми ахир сизда? Буни қаранг: **қилдай** жони қолибди-ю, бу бечоранинг! (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Чинордай юракни букар **қилдай** ғам (Ш. Раҳмон. Рози дил). Эй нодон, – деди Чаён. – Менинг нишим ипдай *ингичка*, **қилдай** *заиф* бўлса, қанча уринсам ҳам бу қаттиқ тошга ўтмаслигини билатуриб, шундай деясанми? (И. Султон. Озод). Тушлик беришди. Собирда яна **қилдай** бўлса ҳам, ҳаётга илинж пайдо бўлди (А. Қаҳҳор. Зилзила). Ҳамма туядай айби бўлса, кўйнига яширади, бу акам **қилдай** нарсани филдай қилиб кўрсатади (С. Сиёев. Ой бориб, омон келинг). Ўзини бахтли ҳис этмоги учун ҳам, бахтсиз қилмоғи учун ҳам **қилдай** нарса кифоя (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). **Қилдай** кумурсқанинг ҳам Кўҳиқофча юки бор (Б. Фазлиддин. Дардсизлик).

## Қ И Л И Ч

### ҚИЛИЧДАЙ (КАБИ, -ГА ЎХШАШ)

1. *Кескир*, *кескин*. Асосли, адолатли, қатъий айтилган гап-сўз, шундай оҳангдаги товуш ҳақида.

Йигит деганнинг гапи **қиличдай** *кескир* бўлса (А. Кўчимов. Ҳалқа). Ингичка, лекин **қиличга** *ўхшаш* *кескир* товуш билан бошқа биров кесатик қилди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Ҳа, ўша «Эрк!» дея ҳайқирган ўзим, Эрк деса *кескир*-дир **қиличдай** сўзим (Х. Карим. Юрак билан сўзлашув). Бу таҳликали жимжитликни Султон ул-орифиннинг **қиличдай** *кескин*, ўқтам овози бузди (С. Сиёев. Ясавийнинг сўнгги сафари).

Кимларга ўзинг эмас, меҳнатинг керак бўлди, **Қиличдай** сўзинг билан шиддатинг керак бўлди (С. Тўйчиева. Таскин). Шунинг учун ҳам бу инсоннинг оловли, **қиличдай кескир** сатрларига махлиё бўлавераман (Х. Тўлибоев. Гамгин шеърлар соғинчи).

2. *Кескир*, қатъиятли. Бир сўзли, ҳар ишни қилишга кодир одам ҳақида.

Давлатни бошқарадиган ҳукмдор эса тошдай қаттик, **қиличдай кескир** бўлмоғи керак (П. Қодиров. Шоҳруҳ ва Гавҳаршод). Ўғил бола деган **қиличдай кескир** бўлиб улғайса, ҳеч ким шаштини қайтаролмайди (А. Кўчимов. Ҳалқа).

3. Қадди-қомати келишган, ҳар жиҳатдан тўқис. Асосан, ёш йигит ҳақида.

Қаршисида чакмоқдай кийинган **қиличдай** йигитлар турар эдилар (М. Мансур. Жудолик диёри). Ичида битталари ўрта ёшлик демаса, қолганлари – **қиличдек** йигитлар эди (М. Мансур. Жудолик диёри). Ҳозир ўн етти яшар қизга эр йўғу **қиличдай** болам шу жувон ўлгурнинг тузоғига илиниб ўтирибди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). **Қиличдек** ўғилларни ўстирган, тўйда елиб-югурган, ой деса, ойдек, Ҳотам Тойдек пошша опасига сало-о-м! (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). **Қиличдай** йигитларимизни қурбон қилганимиз етмагандай, етимларини боққанмизми-эй?.. (З. Мамадалиева. Она).

## Қ И Л К Ў П Р И Қ

### Қ И Л К Ў П Р И Қ Д А Й

*Қалтис*, *омонат*, хатарли. Кўпроқ йўл, йўналиш, жараён-амал кабилар ҳақида.

**Қилкўприкдек қалтис** шу йўллардан Бобур бобомиз отда, туяда, пойи пиёда ўтиб, олис-олис манзилларга етган бўлса! (Х. Султон. Бобурийнома). Манзара ниҳоятда гўзал, ибтидоий, лекин **қилкўприкдек қалтис** йўлдан ўтаётган одамнинг назарига жонидан ўзга нарса кўринмайди (Х. Султон. Бобурийнома). Ҳиндикуш тоғларининг осмонўпар Ҳайбар довонидан – **қилкўприкдек омонат** йўллардан жонимизни гаровга кўйиб ошиб ўтдик (Х. Султон. Бобурийнома).

## Қ И Л Т И Р И Қ

### Қ И Л Т И Р И Қ Д А Й

Ингичка, озғин. Одамнинг оёғи, бўйни, танаси кабилар ҳақида.

Кўлтиғимдан олсангиз сизга вазминлик қилмасмикан? – деди. – **Қилтириқдай** оёғингиз ўзи зўрға сизни кўтариб турибди-ку! (А. Қаҳҳор. Зилзила). Аввал у ҳам: «Менга найза санчиб, онамнинг ўлимига сабаб бўлган ёғийларга хизмат қилгани келганми мен?!» деб аччиқланди-ю, лекин у вада кийинган, бўйинлари **қилтириқдай** бўлиб қолган оч ўсмирларга, чолларга, аёлларга кўзи тушганидан кейин ҳовури босилди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). У кулган сари **қилтириқдай** бўйнига калласи оғирлик қилиб, дам олдига, дам орқасига оғиб кетарди (С. Анорбоев. Оқсой шалолалари). Чолнинг аъзойи бадани кўкарган, ...соч ва соқоллари ўсиб, **қилтириқдай** гавдасига ортиқча юк бўлган эди (З. Фатхуллин. Сўнмас юлдуз). Ўртадаги столда қарама-қарши ўтирган **қилтириқдай** икки киши шошиб ниманидир ёзмоқда (С. Кокилов. Кимёвий ҳодиса). Эй, дсангиз, бизда биттаси бор. Пиёниста, чашмахўр, ранги оппоқ, **қилтириқдай** (С. Кокилов. Реклама).

## Қ О З И Қ

### ҚОҚҚАН ҚОЗИҚДАЙ

*Турмоқ, туриб қолмоқ, қаққайиб турмоқ.* Тамоман ҳаракатсиз, бир жойда туриб қолмоқ.

Ў-ў, нега **қоққан қозикдай турибсизлар?** Неча марта айтиш керак сизларга! Томоша тугади-ку... (А. Аъзам. Қатағон йили). Ўтсангиз-чи. Нега **қоққан қозикдай туриб қолдингиз?** (А. Аъзам. Алмисоқдан қолган Карим). Кўрамизки, қаршимизда тепалик устидаги мошина ёнида **қоққан қозикдек** бир ола-була кийимли аскар *турипти* (Ш. Холмирзаев. Ёзувчи). Қудук ёнидаги гужум панасида кимдир **қоққан қозикдек қаққайиб турарди** (О. Ёқубов. Музқаймоқ). Шитоб юриб бораётган қиз ўн-ўн икки қадамдан сўнг сал секинлаб орқасига – ҳали ҳам **қоққан қозикдай қаққайиб турган** йигитга илкис нигоҳ ташлади-да, бино муъолишида кўздан ғойиб бўлди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). **Қоққан қозикдай** бақрайиб туришини қара буларнинг (А. Кўчимов. Ўғил). Мен бўлсам, **қоққан қозикдек** шу жойдан бир қарич жилолмайман (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Ортасига икки ҳисобчи **қоққан қозикдай** Хонимойнинг ёнида турган (Б. Далимов. Одамдан яхши ном қолсин).

## ҚОЗОН

### ҚОЗОНДАЙ

Катта. Асосан, салла, дўппи кабилар ҳақида.

Ўша бордон орқасидан оқ эшак минган, новча, салласи **қозондай**, қорни эшакнинг ёлига, узун айри соқоли қорнининг икки томонига тушган бир одам чикди (А. Қахҳор. Ўтмишдан эртақлар). **Қозондай** саллани кўтаришдан чарчамаган бош бир оғиз гапга бурнини ерга теккизгудек эгилиб таъзим қилишдан бошқа нарсага ярамади (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Дўхтир маржа сув опке деянти, нега тушунмайсан? – У **қозондек** дўпписини бошидан ечиб тутқазди. – Ма! Югур (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). Бир оз хириглаб тургандан кейин **қозондек** оғир салла остидаги калласини ликанглатиб, ўйинни давом қилди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Эгнига чарм тужурка, бошига айвонли шапка кийиб, биқинига наган тақиб юрар, кўча-кўйда дуч келиб қолса, Юнусбой ҳам, **қозондек** саллалаи Эшон ҳам икки букилиб таъзим қилишарди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

## ҚОН

### ҚОНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Қизил, алвон.* Шундай рангнинг кучли ифодаси учун қўлланади.

Йўлнинг ярмидан ўтганда, уфқларга **қон каби** тоза, *қизил* шуълалар югурди. Чиқаётган куёшни саломлаб, яшил дарахтларда кушлар сайрай бошлади... (Ойбек. Кутлуғ қон). Шаҳидлар **қонидек** *алвон* куёш уфқ сари оғди (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси). Куёш ботса, **қон сингари** шафақлар... (Ҳ. Олимжон. Ўрик гуллаганда). Лавлаг: Ичим **қондек** *қип-қизил*, Қизилдир ҳатто юзим (К. Турдиева. Ҳосил байрами). Атиргул, инсоннинг **қонидай** *қизил* гул, бунчалар багринг хун, атиргул? (У. Ҳамдам. Атиргул). Дам ўтмай хона аста қизара бошлади. Охири **қондек** *тўқ қизил* тусга кириб, атроф чайқала кетди (Т. Малик. Эркин). Момақалди роқ гумбурлар, чақин чақар, атрофимиздан **қондай** *қип-қизил* сув оқарди (Н. Арслон. Яшаш ҳукуки).

## ҚОП

### ҚОПДАЙ

1. Катта, семиз; *шалвирамоқ*. Асосан, одам, унинг қорни ҳақида.

Кармонни катта очган, Аямай пулни сочган, Қоринлари **қопдай**, Мўйловлари шопдай Қайнотасига сало-о-м! (Ёр-ёр). Ёши бир жойга борган **қопдек** хотин, нафақадаги муаллима! (Э. Аъзам. Ступка). Зотан, бир Темур Тарагай Баходур ўғлига кўп нарса керак эмас. Инсон зотининг **қопдек** қорни ва енгдек ичаги йўқдур (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Қорни **қопдай** бўлгандек, Чўчка гўшти егандек (Нурали). Сирожиддин дадасининг кўзлари киртайиб қолганини, шу бир неча кун ичида **қопдек шалвираб тушганини** энди пайқади (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор). Ҳангома, чақ-чақни баринг айтасан, Қорнинг **қопдай** бўлиб ухлаб ётасан (Юсуф ва Аҳмад).

2. Кенг, шалвираган, *осилган*. Асосан, кийим-кечак ҳақида.

Аммо, кун қизиб турганига қарамай, этагидаги **қопдек** кўйлагию бет-бошини чирмаб ўраган увада, доғ-дуғ рўмолини ҳали ечмаган (Э. Аъзам. Ступка). Гулнорага кампирнинг гаплари, ёқасига, енглари учига жияк тутилган **қопдек** кўйлаги, тумшуғи қайрилган кавуши ғаройиб туюлди (А. Ибодинов. Кўл бўйида). Домла ҳам жуда севиниб кетди, Обидовнинг нимжон елкасида **қопдай осилиб турган** эски пижамасига қараб хитоб қилди (О. Ёқубов. Диёнат). Домла Шомуродов, эғнида йўл-йўл оқ кўйлак ва **қопдай осилиб турган** эскироқ шим, баланд қадди сал букчайиб, хижолатдан томоқ қира-қира йўлакдан сахнага қараб ўтди (О. Ёқубов. Диёнат). У чиндан ҳам жуда ғалати, афт-ангори, соч-соқолига қарамас, кийган кийимлари қоқ суяк танасида **қопдек осилиб турар**, пошналари ўйилиб, бир томонга кийшайиб кетган туфлилари ёмғирсиз ёз кунлари ҳам ботмон-ботмон лой бўлиб юрарди (О. Ёқубов. Диёнат).

## Қ О П Л О Н

### ҚОПЛОНДАЙ

*Сакрамоқ, сапчимоқ, ташланмоқ.* Шиддат билан ўзини отмоқ. Асосан, одам ҳақида.

Меҳмон чиндан ҳам **қоплондек сакраб**, рақибини бутун ринг бўйлаб айлантриб чиқди (Ў. Умарбеков. Мўъжиза). Ғулумжон **қоплондек сакраб**, Мирқосим ёқасига чанг солди, тортиб отдан ағдарди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Отасининг қоқсуяк қўли билан қамчи теккан кўзини ушлаб инграётганини кўрган ўғил **қоплондек сакраб**, соқчининг найзасига ёпишди (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси). Супа рўпарасида оти жиловини ушлаб турган Иброҳим Дўлдай **қоплондек сапчиб**, бир лаҳзада саркардани ўз қомати билан тўсди (Мирмуҳсин. Темур Малик). Турклар соқчиларга **қоплондек ташланиб**, ... ўтовга бостириб

киришди (Ғ. Каримий. Темирчилар исёни). Ким – бу тарз муло-  
йим тортиб кетувингдан, ким – мана ҳозир **қоплондек таш-**  
**ланиб қолувингдан** ҳайиқиб, тисарилиб кетардилар (М. Мансур.  
Жудолик диёри).

## Қ О Р

### ҚОРДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

1. *Оқ, оппоқ; оқармоқ.* Шундай ранг ва шундай рангга кирмоқ.

Қорамтир катта кигиз устида қариялар осойишта суҳбат қуришади. Уларнинг ичида бошига оқ салла ўраган, **қордай оппоқ** соқоллари кўксига тушган нуроний мўйсафид алоҳида ажралиб туради (Ҳ. Шайхов. Оловдан чиққан одам). Гарчи сочлар *оқарди қор янглиғ*, Қиссаи гулузор қияпти (Миртемир. Мавлоно Чархийга бағишлаганим). Аёллар уввос солиб йиғлашар экан, энди сочлари **қордай оппоқ**, деярли арвоҳга айланган, қишлоқдошларининг хотирасидан чиқиб кетган Байна момо том устида Райим полвонни итдай отиб ташлашларидан бир неча дақиқа олдин отини эгарлаш учун олиб чиқаётиб, ўққа дучор бўлган (Н. Эшонкул. Шамолни тутиб бўлмади). Кекса донишманднинг соч-соқолигина эмас, қош-киприклари, бошидаги кулоҳга ўхшаган учлик тақяси, эгнидаги чакмони – ҳаммаси **қордай оппоқ** эди (О. Ёкубов. Улуғбек хазинаси). Севинди, доя хотиннинг қўлларидан бир бурда ҳолида олди, юзи **қордай оқарган** Муҳсинага бокди – гўёки айбдордай (М. М. Дўст. Лолазор). Ўша тўн эгнида, похол ҳам бордай, Бобомнинг юзлари **оқарган қордай** (М. Юсуф. Онаизор). **Қордай оқ** банот тўн кийғон Амир Соҳибқирон бирлан мумдай қопқора чакмон кийғон Тўхтамиш ўғлоннинг ёнма-ён туришини кўрингиз (М. Али. Улуғ салтанат). Салимбойвачча катта гавдаси билан стулни қисирлатиб, йўғон, гўштдор қўлларини **қордай оқ** сурп тўшалган столга қўйди (Ойбек. Қутлуғ қон). **Қордек оқ** халат кийган врач, ҳамширалар кириб келиб, ҳар бири болани ўз фарзандидек меҳр билан кўра бошлашди (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Олчалар **қордек оппоқ** гуллабди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор).

2. *Оппоқ, бегубор.* Покиза кўнгил, тоза туйғулар ҳақида.

Қорхат асли **қордай оппоқ** дил хати, Оқ кўнгилнинг меҳри, тафти, ҳурмати (Э. Воҳидов. Қорхат). Қор мўл бу йил, орзулар ҳам Оқ **қор янглиғ бегубор**, ҳа (Миртемир. Йил боши орзулари). Суҳбатларингизга сира тўймайман, чунки қалбингиз,

туйғуларингиз, муҳаббатингиз ушбу **қор сингари безубор**, симобий. Қойилмисиз, мен мана шунақа Инсонни яхши кўраман (Х. Дўстмуҳаммад. Мен – сенсиз, сен – менсиз). Ўт каби исён-қор, **қордек безубор** – Гулхан атрофида учта болакай (И. Мирзо. Оғрик). Мусичадай беозор, **Қордай безубор** эдинг (А. Муборак. Ферузахон марсияси).

## Қ О Ш

### ҚОШУ КЎЗДАЙ

*Яқин.* Кишилар ўртасидаги жуда ҳам яқин муносабат ҳақида.

Чиндан ҳам Яндаш дароз бегона эмас – қариндошлардай аҳил, **қошу кўздай яқин** кўшни – битта ҳовли нарида яшайдиган Сайфи муаллимнинг тўртинчи ўғли (М. Салом. Муҳораба). Биз барчамиз қариндошмиз **қошу кўздек**. Дунёга бок! Толеи нақд ким бор биздек, Куёш сари йўл олмоқда Ҳазрат Ўзбек (С. Тўйчиева. Биз кечиримли халқмиз). Икковингиз бир-бирингизга **қош билан кўздай** ярашдингизлар (Ж. Қодиров. Қовжираган гул).

## Қ О Ш И Қ

### ҚОШИҚДАЙ

*Ихчам,* кичкина, бежирим, чиройли.

Ипак жиякли атлас лозимининг пойчаларидан чиқиб турган мўъжазгина оёқларидаги **қошиқдек ихчам** амиркон ковушларини ғарч-ғурч босишида ва узум доналарини марварид тишлари орасида чарс-чурс эзишида қандайдир бир тажанглик, бетоқатлик бор эди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). У телпагининг қулоқчинини томоғи остидан ўтказиб боғлаб олган, **қошиқдек** юзида кўзойнаги аллақандай кулгили ялтираб турарди (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари). Мавлоно Муҳиддин шоша-пиша ўрнидан турди, ялтироқ қора чармдан тикилган **қошиқдеккина** кавушини оёғига илиб, шип-шип юриб хонадан чиқди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Нигора совуқда қизариб, гул-гул ёнган юзларини **қошиқдеккина** кафтлари билан ишқалаб кулди (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Шерзод дўстининг мўлтираб турган кўзларига, **қошиқдеккина** юзи, сийрак соқол ўсган ингичка иягига қараб, кулиб юборай деди (Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор).

## Қ О Я

### ҚОЯДАЙ

*Мустаҳкам, метин, бақувват, бардошли.*

Эрназар полвон катта оиланинг **қоядай мустаҳкам** таянчи, кишлоқдошларининг етакчиси, Ғайбулла мергандай ақлли одамнинг дўсти (А. Расулов. Икки дунё – бир қадам). Бу кенгликларда оёгинг ерда **қоядек мустаҳкам**, бошинг эса азим чўққилардай баланд туради (М.Тиловова. Чол ва Қоратош). Сурхондарё – ҳудуд. Бу ҳудуд 20,1 минг км<sup>2</sup> га тенг. У юракдай ёлғиз курраи заминда жойлашган, **қоядай мустаҳкам Ўзбекистоннинг** муштарак қисми (Т. Турдиев. Шеър – маънавий кашфиёт). Онанинг **қоядек** ғурурига яна бир марта қойил колди (Э. Самандар. Султон Жалолиддин).

## Қ У Ё Н

### ҚУЁНДАЙ

*Қочмоқ. Орқа-олдига қарамай, қўрқув билан қочмоқ, йўқолмок. Асосан, одам ҳақида.*

Бунинг устига Сталинграддан кейин фашист дегани **қуёндек қочиб** турибди (Ў. Умарбеков. Қиёмат қарз). У шундай деб туриб этагини бир силтаган эди, бари қўлимдан чиқиб кетди. Гапнинг охири оғзида қолиб, мультфильмдаги **қуёндек** бир зумда кўздан ғойиб бўлди (С. Аҳмад. Лаб ҳақида дoston).

## Қ У Ё Ш

### ҚУЁШДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНГЛИҒ)

1. *Ёруғ, порлоқ; иссиқ.* Асосан, некбин, фараҳбахш, гўзал туйғулар ҳақида.

Кўнглинг нурга тўлиқди, Тилакларинг улуғди, Эй ботир қиз, умидинг **Қуёш каби ёруғди** (Миртемир. Йўқ бўлмас). Ташна яшадик биз меҳрга мутлоқ, Ишққа, муҳаббатга ташна ўтдик биз. Гоҳ эса **қуёшдек порлоқ** ва йироқ Ҳаққа, ҳақиқатга ташна ўтдик биз (А. Орипов. Генетика). Зебининг юзларидаги – ойдай тиниқ ва **қуёшдай ёруғ** бу ҳолат моддий ҳақиқатлар қадар очик кўринарди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Кунингиз менсиз нафақат ойдай ўтади, **қуёшдай ёруғ** ўтаверади (М. Исмоил. Забаржад). Юзинг ардоқли **қуёшдай иссиқ** ва маҳваш. Кўзларингда умид ёнар тикилган они... (Ҳ. Худойбердиева. Дориламон кунлар келди...). Сенда кўрк, гўзаллик, ажиб сеҳр бор, **Қуёшдай** қалбингда

чексиз меҳр бор, Яшармиз бағрингда озод, бахтиёр, Ўзимиз бек-мизу ўзимиз султон, Эзгулик диёри – ҳур Ўзбекистон (З. Нёмат. Бахтлар бешиги).

2. *Балқимоқ, яшнамоқ, порламоқ.* Бениҳоя гўзаллиги, жозиба-си, меҳри билан ажралиб турмоқ. Асосан, одам ҳақида.

Яна денг, болагинам аллақаяқларда хизмат қилиб юриб-ди, бир куни бурчини адо этиб, эшикдан **қуёшдай балқиб** кириб келади (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Ўтган азобли кунлар, олис ва зимистон хотиралар ичра Ёдгорой ойдай порлаб, **қуёшдай балқиб**, Хайринисо ҳаётини тиниқ ва ёруғ бир оламга олиб чиқди (Қ. Норқобил. Осмон остидаги сир). Келади, ҳали замон қўйни-қўнжи тўлиб, севгилисига атаганларини яшириб, **қуёшдай яшнаб** қуёв кириб келади (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Одамзод недандир безовта, дилгир, Чўққида **қуёшдай** турибди *порлаб*. Милтигини синдириб у «оҳ» урадир – Одамзод йиглайди охуни чорлаб (У. Азим. Энг сўнгги оху ҳақида баллада). Нисора олдиниға ишонмади, кўзи тушгач, юзларига нур югурди, худди **қуёшдек порлади**, тафти оташ, тиғига бардошинг етмайди (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Аксар талабаларнинг кўзлари **қуёшдай порлаб**, ҳайрат оғушида шоирга тикилар ва унинг фикрлари канотида юксак-юксакларда парвоз этардилар (Н. Жалолиддин. Умар Хайём).

## ҚУЙМОҚ

(ХУДДИ) ҚУЙИБ ҚЎЙГАНДАЙ

1. *Ўхшамоқ.* Худди ўзидай, бир-биридан ажратиб бўлмайдиган даражада ўхшаш. Асосан, одам ҳақида.

Шунда кўрдим, у **қуйиб қўйгандек** Марғу кеннойимга *ўхшар... эди* (М. Мансур. Жудолик диёри). Бу орада мулланнинг чалпахўрлари уч нафарга етган, тўнғичидан кичиклари отасига ҳам, онасига ҳам **қуйиб қўйгандай ўхшарди** (Ғ. Раҳмон. Дунё асбоби). Булар ака-ука бўлса керакми, бир-бирига жуда ўхшаш: қорачадан келган юзлари ҳам, пишиқ-пухта жуссалари ҳам **қуйиб қўйгандай** (А. Мухтор. Чодирхаёл). Йигитнинг суврати шундай кўз олдимда турибди. Қариндошларимиздан кимгадир жуда-жуда *ўхшаб кетади*, **қуйиб қўйгандек-у**, лекин кимлигини ҳеч эслай олмайман (М. Мансур. Жудолик диёри). Овозини эшитиб титраб кетдим. Бу титроқ улар машинага ўтириб кетишганида ҳам босилмади. Тавба, овози ҳам, бўй-басти ҳам **қуйиб қўйгандай** унинг ўзи эди (Г. Авезова. Кутиш).

2. Хушбичим, жуда ҳам келишган.

У ўғли орқасидан бораркан, йўл-йўлакай учраган кишиларнинг унга салом бериши, орқасидан, «Ана Эшни урган нолвон, ана, ўзидан етти баравар оғир юк кўтарадиган» деб ҳавас билан қараб қолаётган кишиларни кўриб, ўғлининг **қуйиб қўйгандек** гавдасига қарар, кўз тегмасин илойим сенга, деб пичирлар, бир зумда яна аллақандай қора ўйлар гирдобига чулғаниб энтикарди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Жуда ҳам чиройли, йигирма тўрт ёшлардаги, қомати худди **қуйиб қўйгандек** бир қиз ариқ бўйида жомашовда гупуллатиб кир ювяпти (С. Аҳмад. Лочин). Усмонли ака унинг **қуйиб қўйгандек** тикмачок гавдасига, қўндаланг бекасамга ўхшаш телняшқасини ёрвораман деб турган кўкракларига, икки қулоғига етай деб турган мўйловига каради (С. Аҳмад. Ер уйғонди).

## Қ У Л

ҚУЛДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Ишламоқ, хизмат қилмоқ.* Биров учун, ўз манфаатидан кечиб, кўр-кўрона, ҳақсиз-ҳуқуқсиз бир тарзда меҳнат қилмоқ.

У Мирзакаримбой даргоҳида йигирма йилга яқин **қулдек ишлаб**, ниҳоят, бу кунги вазиятга тушдики, бу ҳодиса унинг борлигини ост-уст ағдарган эди (Ойбек. Қутлуғ қон). Болабақралари билан Русиянинг олис ўрмонларида, қаҳратон изғиринларида **қулдай ишлаб**, ўлиб кетишларидан маъно йўқ эди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Кейин давлат планларини халқни **қулдай ишлатиб**, тагин припис-мрипис билан ошириб бажариб, герой бўлган (Ш. Холмирзаев. Яшил «Нива»). Бир қошиқ қонимдан кечинг! Авлод-аждодим билан сизга **қул каби хизмат қиладурмен**, – деди Амир Мусо кўз ёшларини зўрға тийиб (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Бой ота, – бошини кўтариб гапирди у, – сизга ва сизнинг каби боёнларимизга **қул сингари хизмат қилган** бир ожиз бандани бу қадар тухматга лойиқ кўрмасангиз эди (Ойбек. Қутлуғ қон). Энди нима қиламиз, Даврон? **Қулдай ишлаб** юраверамизми? (З. Қуролбой қизи. Машаққатлар гирдоби).

2. *Итоаткор, тобе; бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ.* Бутун инонихтиёрини бировга берган, унга қулоқ қокмай бўйсунадиган одам ҳақида.

Котиб эса хона ўртасида ўзининг азми иродасидан бирор марта четга чиқмаган, ўзи айтганидек, хонаки тўриқ каби ювош, фаҳмсиз, ислиқи ва арокхўр, **қулдай итоаткор** қоровулга ғазаб

билан қараб турарди (Н. Эшонкул. Бевақт чалинган бонг). Осмонда куёш нур сочаётганини кўриб ажабланмагани каби Қамариддинга **қулдай тобе** эканига ҳам ҳайрон бўлмайти (Т. Малик. Алвидо, болалик). Лекин у бирор марта буларни дилидан тилига чиқармас, бутун инон-ихтиёрини топширган **қулдай** эди (М. Исмоил. Таслима). Ҳайронман – ҳамма нарсада менга *бўйсунар*, **қулдай** эдинг. (И. Султон. Дўст). Ичмак-емаклари товсилғоч **қулдай мўйин эгиб**, қошингизга чиқиб келгай, иншооллоҳ (С. Сиёев. Яссавийнинг сўнгги сафари). Тўғри айтасиз, хизматкор **қулдай** бўлсин, – эрининг ҳалиги фикрини жўрттага қувватлади Нури, – бунақасини топиш қийин (Ойбек. Қутлуғ қон).

### ҚУМҒОН

#### ҚУМҒОНДАЙ

*Қайнамоқ.* Қизғин, асабий, таранг ҳолатда бўлмоқ.

Ветеран, кўзига ҳеч нарса кўринмай, асфальт йўлда қоқиниб, гўё чўққа кўмилган **қумғондай қайнаб**, хаёлан ҳамон Мансур меш билан олишар эди (О. Ёкубов. Адолат манзили). Қора **қумғондай қайнаб** ўтирган Чўли одам боласи билан жониворлар орасидаги боғлиқ жиҳатларни идрок этолмаса-да, Жондошни таъсирлантира олган талаба йигитга рашки келади (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Келса ҳам келсин-да, булоқдай жимиб, Келмасин **қумғондай** қайнаб дердилар (Н. Каримов. Тўрғай).

### ҚУРТ

#### ҚУРТДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

*Кемирмоқ, емирмоқ.* Оғир руҳий азоб ҳақида.

Бу ўйлар юрагини **қуртдай кемиради** (М. Ҳазратқулов. Чироқ ўчмаган кеча). Бўри Мавлонович юмшоқ, кенг креслода муҳим илмий муаммоларни ўйлаётгандек ўтирар, миясини эса ҳасад туйғуси **қуртдек кемирмоқда эди** (С. Нуров. Майсаларни аёз урмайти). Тубсиз ўйлар аста-секин Мадинахонимни **қурт каби емиради** (М. Ҳазратқулов. Кўккўл). Иш билан бўлиб турмуш ташвишларидан чалғир, хаёлини **қуртдек кемираётган** кечинмалардан бир муддат халос бўларди (Ф. Тиловат. Қора кузғун).

## Қ У Р (У) Т

### ҚУР(У)ТДАЙ

*Санаб бермоқ, санаб олмоқ.* Нақд пул ҳақида.

Дуч келган одамга беш юз сўмни **қуртдай санаб бериш** осон гапми?! (О. Мухтор. Эгилган бош). Кечириб қўясиз, ўша ўн тонна майизнинг пулини **қуртдай санаб олган** ўзлари эмасми? (И. Зойир. Қисмат ўчи). «Сирингни очаман» десам, уч тангани **қуртдай санаб беради** боёқиш (А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат). «Меҳмонхонани қурган бўлсанг, текинга қурибсанми, **қурутдек** қилиб ақчасини *санаб олгандирсан*» дейишинг мумкин эди (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Шунча пулни **қуртдек санаб**, ўз қўли билан кассага топширди (А. Мамара-сулов. Сомончилар).

## Қ У Т И

### ҚУТИ(ЧА)ДАЙ

Кичкина, бежирим. Асосан, ҳовли, уй-жой ҳақида.

Ичкига яккақанот эшикдан кирилгач, **қутидек** ҳовли гир айлана айвонли иморат, япалоқ ғишт ётқизилган йўлакнинг усти томга чиқарилган тоқсўри (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Машина сифмайдиган (унга машинанинг нима кераги бор) тор йўлакдан ўтиб, **қутидеккина** шинам ҳовлига кирасиз (Ў. Ҳошимов. Ўзбеклар). Бу – атрофи янги уйлар билан ўралган **қутичадай** ҳовли эди (Ойбек. Қутлуғ қон). **Қутичадеккина** ҳовли, унинг **кўча** томони узун айвон; айвондан кириладиган ва дарчаси айвонга очиладиган ўн бир ёғочлик вассажуп уй, ўнг томонда дарчасиз бўлса ҳам, ёруғлик туйнукдан тушиб турадиган бир уй (А. Қахҳор. Ўтмишдан эртақлар). **Қутидай** ёғоч кулбага кирди (Т. Мурод. Момо Ер қўшиғи).

## Қ У Ш

### ҚУШДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Учмоқ.* Жуда катта тезликда ҳаракатланмоқ.

У чопқиллаб келади-ю, муз йўлакда **қушдай** учади (А. Кўчимов. Ҳовлидаги майдонча). Бобур отини тоғдан келаётган аскарлар томонга буриб, жиловини бўшатди. Бедов от **қушдай** учиб бора бошлади (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Жайхун сафаридан қайтганидан бери қантариб қўйилган арабий оқ бедов кумуш сувлиғини чайнаб бетоқат талпипар, депсиниб

юлкинар, бу кенг даштда **қушдай** *учгиси келарди* (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). **Қушдек** *учиб бораётган* жайронлардан бири гўё мункиб кетгандек, юзтубан қулайди, оёқларини бир-икки тапирлатиб, жон беради (Х. Султон. Бобурийнома). Уйга **қушдек** *учиб* келдим (Ў. Умарбеков. Абдулла қовунчи). Қишлоқ чеккасидаги қўм-қўк пахтазорлар орасидан **қушдай** *учиб* ўтган машина ғизиллаб қирга чиқди (О. Ёқубов. Диёнат). Оғир қайикни **қушдай** *енгил учираётган* йигитлик куч-қудрати унинг овозида ҳам сезилиб туради (П. Қодиров. Авлодлар довоғи).

2. *Енгил*. Вазни жуда кам, ҳеч бир оғир эмас.

Шу пайт **қушдек** *енгил* бир кампирни етаклаб олиб киришди (С. Аҳмад. Кинрикда қолган тонг). Жисмим **қушдек** *енгил* тортганини, аста-секин ҳавога кўтарилганимни ҳис қилдим (А. Абдиев. Муаллақ одам). Теримчи қизлар Шохлардаги **қушлардай** *енгил*, Қоматлари хаёл, Қуёш иси анкиб турар чехраларидан (Х. Даврон. Теримчи қизлар). Хоннинг паҳлавон гавдаси анча кичрайиб, **қушдек** *енгил* бўлиб қолган, мош-гуруч соқолли юзи рангпар, қалин қошлари остидаги кўзлари ич-ичига чўккан бўлса-да, ҳамон тийрак (Ғ. Каримий. Арслонхон минораси).

3. *Енгил*. Мулоим, ёқимли ҳаракат ҳақнда.

Салима Султон бегим шундай деб сакраб отга минди. Унинг ҳаракатлари **қуш каби** *енгил* ва завқли эди (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Улар нимжонгина, ҳозир тўкилиб тушаман деб турган кампирнинг **қушдай** *енгил* ўйинидан қикирлаб кула бошладилар (Н. Эшонқул. Уруш одамлари). Кўчадан гуррос сурон билан бир тўда йигит келар, саф олдида белига шоҳи қийиқ боғлаған хипча қоматли йигит карнай-сурнай овози ва қўш доира гижбангига **қушдек** *енгил* рақс тушар, ҳар замонда қўлларини қанотдек ёзиб дўстлари томон учиб келиб, «Ҳа-ҳа-а!» деб қичқирар эди (Т. Мақсудов. Қайтмас тўлқинлар).

4. *Енгил, эркин; енгил тортмоқ, енгил сезмоқ*. Руҳан эркин, тетик ҳолат, жуда ёқимли, хуш ҳис-туйғулар ҳақида.

Сен алдасанг, мен алданмадим, Сен ғуссали, мен – **қушдай** *енгил* (Миртемир. Сурат). Тоғдай оғир юкни кифтига олиб, **Қушдай** *енгил* бўлиб юради шоир (А. Оринов. Шоир). Дилинг равшан, ҳаромдан нок, Юрарсан **қуш каби** *енгил* (А. Ўқтам. Гўдаклик...). Ёпирай, наҳот дунёда ҳамма бахтиёр, қувноқ, **қушдай** *эркин-у, ёлғиз у, Музаффар, шунчалик бадбахт, бадном* ва забун аҳволга тушиб қолса? (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Бу кун бир қийикнинг бошини келтирдим. Уни есангиз барча гурбат, барча хасталиқдан фориг бўлиб, **қушдай** *енгил тортасиз*, давлатпаноҳ! (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

Оғриқлар вужудини тарк этиб, **қуш каби энгил тортди** (Т. Малик. Шайтанат). Потхурга келгандан бери у ўзини **қушдай энгил сезади** (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Энди у ўзини **қушдай энгил ҳис қилди** (М. Ҳазратқулов. Иқрор). – Э, йўқ, – деди чол ёрқин, аммо ботинан толғин жилмайиб. – Мен ўзимни **қушдек энгил ҳис этияман**. Шу муҳим (Ш. Холмирзаев. Танҳолик). Довондан ошгунларига қадар эркин **қушдек** эдилар (Т. Малик. Шайтанат).

(ХУДДИ) ТУЗОҚ (КАФАС)ҚА ТУШГАН ҚУШДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, МИСОЛ)

1. *Питирламоқ*. Иложсизликдан ўзини ҳар томонга ташламоқ.

Беҳзод унинг тагида **тузоққа тушган қушдай питирлаб**, қучоғидан чиқиб кетишга интилар, овози хириллаб: «Қўйвор, айиқ полвон, қўйвор!» – деб, жон-жаҳди билан олишар, бироқ Акмал унинг питир-питирларидан баттар завкланиб, тор уйни бошига кўтариб кулар ва ҳадеб: «Латта! Мен сенинг ўрнингда бўлсам, ҳозир бутун дунёга жар солиб, бутун республикага зиёфат берардим, тентак!» – деб кичқирарди (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар). Амир **тузоққа тушган қушдай питир-питир қилиб**, зарбоф тўпи этагидан бошини соқит қилди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Бўрибоев худди **кафасга тушган қушдай питирлаб** қолди (О. Ёқубов. Диёнат).

2. *Юраги потирламоқ, питирламоқ*. Қаттиқ ҳаяжон натижа-сидаги таранг ҳиссий ҳолат ҳақида.

*Юраги тузоқдаги қуш каби потирлади* (Т. Малик. Шайтанат). Қизнинг *юраги худди тузоққа тушган қушдек питирлаб* урар, юзи ловуллаб ёнарди (О. Ёқубов. Баҳор кунларидан бирида). У ҳам шу чокда онасига рўбарў келишни истамайди. *Юраги тузоқдаги қуш мисол потирлайди* (Т. Малик. Сўнгги ўқ). *Юраги кафасдаги ночор қуш каби питирлаб*, беҳаловат қилди (Т. Малик. Алвидо, болалиқ). Икки юрак **кафасга тушган қушдай типирчилар**, кўксини ёриб чикмоққа интиларди гўё (Ж. Абдуллахонов. Орият).

## Қ У Ю Н

ҚУЮНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Елмоқ, учмоқ*. Жуда тез ҳаракатланмоқ, шиддат билан югурмоқ.

Буни ундан кўра олдинроқ оқ тулпор сезгандай шиддат билан ортга ўгирилди ва **қуюндай елиб кетди** (М. Али. Улуғ салтанат).

Бир маҳаллар **қуюндайн** юрардим *елиб*, Энди бўлса у айланар менинг бошимдан (А. Орипов. Сароб). *Елиб ўтган қуюндай* Амир Темур навқари (С. Ҳаким. Излар). Орқадаги қирдан икки суворий кўл силкитишиб **қуюндай** *учиб келар*, адир тепасида эса, учинчи отлик кўринар, у ҳам сипоҳми, йўқми, билиб бўлмас эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Олдинда **қуюндай** *учиб келаетган* отлик – сочлари ва қош-киприклари куйиб сарғайиб кетган ёш йигитнинг олисданоқ зарб билан отган пичоғи биринчи бўлиб тилмочнинг кўксига қадалди (Х. Шайхов. Оловдан чиққан одам). Фотима **қуюндек** *учиб келиб*, Қуръонга ёпишди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

2. *Ёпирилмоқ, бостириб келмоқ*. Тўда бўлиб, кўплашиб келмоқ, таклифсиз келмоқ; гала бўлиб ҳужум қилмоқ.

Улар чақмоқдай чақилиб, боскинчилар устига **қуюндай** *ёпирилишади* (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Рақибларнинг **қуюндай** *бостириб келишлари*, ўточар яроғлардан ўқ ёғдириб, ҳаммаёқнинг вайронасини чиқаришлари учун қулайлик туғилади (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Улар шовқин-сурон билан, **қуюндай** *бостириб келишди*. Жияни билан жўрасини кўриб, унинг бахридили очилиб кетди (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Йигит йўлакка яқинлашмасидан **қуюндай** *ёпирилиб*, уч қиз кириб келди (А. Абдуллаев. Дард). Овози дўриллаб қолган тенгдошлари **қуюндек** *ёпирилиб келди* (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

3. *Чарх урмоқ, айланмоқ*. Одамни рухий қийноққа соладиган ўй-хаёл, хис-туйғу, гап-сўз кабилар ҳақида.

Ибн Сино ҳамон ўйга толиб, пойгақда бош эгиб турар, унинг дилидаги хислар **қуюндай** *чарх урар*, алам заҳархандага, заҳарханда аччиқ аламга айланар эди (О. Ёқубов. Кўҳна дунё). Қаландар Қарноқий усиз ҳам учиб кетаётган бўлиқ арғумоғини аёвсиз қамчилаб бораркан, фикрлари **қуюндай** *чарх урарди* (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Унинг фикру ёдида битта савол **қуюндай** *айланарди* (У. Ҳамдам. Мувозанат). Мирзо Улуғбек хаёли **қуюндай** *чарх уриб*, яна бахмалдай тиниқ тубсиз фалакка кўз тикди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Аброр Шукурович хаёлида **қуюндай** *чарх урган* бу аламли ўйларни аранг жиловлаб қайнатасига қаради. (О. Ёқубов. Диёнат). Мирзо Улуғбек аъзойи баданини чулғаб олган совуқ ваҳимадан тирноқларигача музлаб, гаранг бўлиб турар, хаёлида эса яна ўша нотинч ва исёнкор ўйлар **қуюндай** *чарх урар эди* (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

## ҚЎЗИЧОҚ

### ҚЎЗИЧОҚДАЙ

*Сакрамоқ, иргишламоқ.* Хурсандлик билан сакраб-ўйнамоқ. Асосан, одам ҳақида.

Пари деса дегудек, юришларида бир навозиш, тирқишдан қараётганимни сезгандай эркаланиб, **қўзичоқдай сакраб-сакраб** келади (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Ёдгормурод бир ажиб кувнаб, **қўзичоқдай сакраб** ўйноқлай кетди (М. Мансур. Жудолик диёри). Бепоён адирларда **қўзичоқдек иргишлаб**, майсаларга думаласанг, гирдоб каби ғалаён кўтарсанг (Ф. Мусаёнов. Ҳиммат).

## ҚЎЗИҚОРИН

### (ХУДДИ) ҚЎЗИҚОРИНДАЙ

*Бодраб чиқмоқ (// потраб чиқмоқ), кўпаймоқ.* Дувиллаб чиқмоқ, кўплаб мунтазам пайдо бўлмоқ.

Ажабмаски, Фалония деганлари кейинги йилларда **қўзиқориндай бодраб чиқаётган** янги, мустақил, тинчликпар-вар давлатлардан бўлса (М. М. Дўст. Лолазор). Александра Павловна кибр билан дугоналарига бир-бир назар ташларкан: – Эримнинг айтишича, – дея аллақандай кин билан сўз бошлади. – Ҳамма ёқни қаланғи-қасанғи дайдилар босиб кетганмиш. Ҳар қадамда **қўзиқориндай потраб чиқади** унақалар, дейди (З. Куролбой қизи. Машаққатлар гирдоби). Кеча унинг душмани бир Тўхтамиш бўлган бўлса, энди улар ёмғирдан сўнгги **қўзиқориндек кўпаяди** ва охир-оқибатда Ўрусхонга тинчлик бермайдилар (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Азал шундай: ёв қочса, Кўпаяди ботирлар, **Худди қўзиқориндай Униб чиқар потирлаб** (Т. Адашбоев. Тоғларга термулган хаёл). Нигоҳи Тошкентнинг осмонўпар биноларига, бир-бирини кувиб кетаётган машиналарга, янги массивларда **қўзиқориндек потраб ётган** бетон уйларга тушса-да, хаёл кўзлари Каспий соҳилида эллипс шаклида ястаниб ётган Боқунн, унинг сершовқин кўчаларини кўрар... эди (М. Ҳазраткулов. Кўккўл). «Яхши» дедингизми? Тенгсиз эди! Унинг авжи ҳозир **қўзиқориндай чиқаётганларнинг** ҳеч бирида йўқ эди (Т. Малик. Шайтанат). Шеърятимизда «дард», «оғриқ» деган сўзлар ёмғирдан кейинги **қўзиқориндек бодраб кетди** (Н. Раҳимжонов. Мустақиллик даври ўзбек шеъряти).

## Қ Ұ Й

### ҚҰЙДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ)

1. *Ювош*. Тезда қизишиб кетмайдиган, кескин, қизғин ҳаракатларга мойил бўлмаган.

Ҳамма нарсанинг оқибатини ўйлайвериб, **қўйда**й *ювош*, чумчукдай кўрқоқ бўп қопман, – Садир нозир унинг кўзларига қаттиқ тикилди (Н. Норқобилов. Тоғ одами). Мусулмонқул ...**қўй каби** *ювош* Тошкент ҳокими Салимсоқбекни ўлдириб, ўрнига Азизбекдек золимни белгилади ва ўзини мингбоши эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни хон кўтариб, эл елкасига минди. (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Ҳамманг **қўйда**й *ювош* тортиб келасанлар-да, думчаларингга нам теккач, одамни писанд қилмай қўясанлар (И. Зойир. Қисмат ўчи). Илгари, бу хонадонга тез-тез келиб юрган маҳалда у **қўйда**й *ювош*, қизлардай тортинчоқ кўринар, чеҳраси ҳам бошқача, жуда мулойим эди (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси). Тўқли мерган **қўйдек** *ювош*, мутавозе ўтирибди (Ойбек. Навоий). Шошманглар, кўлга етайлик. Бобомнинг **қўйдек** *ювош* оти бор, миниб роса сайр қиласизлар (А. Ибодинов. Кўл бўйида).

2. *Бўғизламоқ, сўймоқ*. Шафқатсизларча, бераҳмлиқ билан одамнинг бошини танасидан жудо қилмоқ.

Мен сиз каби гўдакларни **қўйдек** *бўғизлаб*, Чаманларни топтаб, хазон этганим йўқ-ку! (Ж. Камол. Жамила). Бирор чоратадбир қўллаб, Алибекни **қўйдек** *бўғизлаб* чиқиб кетиш мумкин эди-ку? (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Сарой Беркага етиб келиб, хонлик тахтига ўтирган Бердибек ундан айрилиб қолмаслик учун қисқа муддат ичида бирин-кетин бир акаси ва ўн бир нафар укасини **қўйдек** *бўғизлатди* (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Булар **қўйдек** *сўйишлиб кетаберадилар!* (Шукрулло. Тирик руҳлар).

## Қ Ұ Л

### БЕШ ҚҰЛДАЙ

Мукаммал, икир-чикиригача *билмоқ*; ҳар тарафлама маълум, билинган, аён, аниқ. Бошқа вариантлари (БЕШ БАРМОҚДАЙ, БЕШ ПАНЖАДАЙ)га қараганда нутқда жуда кенг қўлланади.

Роботларнинг қандай қойилмақом ишлар қилаётгани, ойга неча марта сунъий йўлдош учирилганини **беш қўлда**й *билман* (А. Кўчимов. Қайта туғилган бола). Кинонинг ипиданигнасигача **беш қўлда**й *билган* одам қандай қилиб бу гапни айт-

ган, ҳайронсан киши (Х. Дўстмуҳаммад. Кино – орзулар экран). Шу сабабдан ҳалиги отахонлардан бири – Умаркул отанинг ҳаёти ҳам ҳаммага **беш қўлдай маълум** (О. Муҳтор. Эгилган бош). Тўққиз йил арава ҳайдадим. Дехқонобод, Шаҳрисабз, Китоб йўллари менга **беш қўлдай** таниш (Н. Эшонкул. Уруш одамлари). Бу ёғи энди бари **беш қўлдек аён бўлиб қолади**. (Э. Аъзам. Шовқин). Айни эҳтимол бордай эди. Бордай, деб айтмоқ не, айни эҳтимол **беш қўлдай аён эди** (М. М. Дўст. Лолазор). Каримжон Раҳимжон ўғли қуш тилини тушунгандек боғ боқишни, дов-дарахтларни парвариш қилишни **беш қўлдек биларди** (Н. Раҳимжонов. Ижодкор шахси ва бадиий асар биографияси).

## Қ Ҷ Н Ғ И Р О Қ

### ҚҶНҒИРОҚДАЙ

1. *Жарангдор*, ёқимли; *жарангламоқ*. Асосан, овоз ҳақида.

Гулгинанинг ёғдай майин, тоғ жилғасидек тиник, **қўнғироқдай жарангдор** овозини тингларди, холос (М. Ҳазраткулов. Қўкқўл). Ия, хабарингиз йўқми? – деди кувноқ ва **қўнғироқдек жарангдор** овозда ҳамшира (Х. Дўстмуҳаммад. Жимжитхонага йўл). Сизни бобомлар чақиряптилар! – деди болакай овози **қўнғироқдай жаранглаб** (О. Ёқубов. Адолат манзили). **Қўнғироқдай жаранглаган**, шеvasи ажиб бир ёқимли бу овознинг дангал ва шўхлиги Бекназарнинг ҳайратини янада оширди (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари). Раис бува келдилар! – дейди қайсидир қиз **қўнғироқдай** овоз билан (Ў. Ҳошимов. Дехқоннинг бир куни). Илёс нигоҳи билан кишининг орқасидан кузатаркан, боланинг **қўнғироқдай** овози уни яна ўзига қаратди (И. Зойир. Қисмат ўчи). Супа четига чўнқайиб, кўлига обдаста олди. Энди дарвоза томондан қиз боланинг нозик, **қўнғироқдек** овози аниқ-тиник эшитилди: – Шукур ака-а! (Ш. Бўтаев. Кўчада қолган овоз). Гулсин билан Хонимбиби энди дутор билан кўшиққа ўлтирдилар. Гулсин ўзининг **қўнғироқдек** товуши билан «Йиғларман» куйидан бошлади (А. Қодирий. Ўткан кунлар). Гулбаданбегим ҳам **қўнғироқдек** товуш билан кулиб юборди (Х. Султон. Бобурийнома).

2. Жингалак. Асосан, соч ҳақида.

Хушрўйгина, сочлари **қўнғироқдай** набираси бўйнидаги кўзmunчоқни тортиб, худди узиб олмоқчидай юлқиб ўйнар эди (А. Жўраев. Кўзmunчоқ). Татьяна бўйчангина, сочлари **қўнғироқдай**, малларанг, кўзлари кўм-кўк; ўзи жуда хушфеъл, онасидан ҳам кўнгилчанроқ, онасидан-да саховатлироқ экан (Н. Қилич. Зилзила).

1. *Қора; қораймоқ.* Шундай ранг ва шу рангга мойил тусга кирмоқ. Кўнроқ булут, осмон, сув кабилар ҳақида.

Кунботар томондан **қўрғошиндек қоп-қора** булут шу томонга судралиб келмоқда (С. Аҳмад. Ҳижрон кунлари). Элмурод чексиз-чегарасиз **қўрғошиндай** осмонга кўзларини уқалаб-уқалаб қаради: ҳавонинг авзойи бузук, чувалашган булутлардан қандайдир нохушлик уфурар, тоғ чўққиларида булутлар пастлаб, тўйинаётгандай эди (И. Зойир. Қисмат ўчи). **Қўрғошиндай қорайиб турган** осмонга оппоқ парда тортаётган тонгмикан, куёшнинг жарчисимикан, янги куннинг шарпасимикан? (Б. М. Али. Кўктўнлилар). **Қўрғошиндек қорайган** осмонни у четандан кўряпти (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Кеч ғираширасида сув **қўрғошинга ўхшаб қорайиб** оқарди (С. Аҳмад. Ҳижрон кунлари).

2. *Оғир; оғирлашмоқ.* Вазни катта, одатдаги вазнидан ортик туюлмоқ; меъёри бузук, меъёри бузилган.

Хаёлида режа тузди: ёшлиги ўтган, умрининг яхши-ёмон кунлари кечган бу азим шаҳарнинг обод ва жинкўчаларини, пастбаланд майдонларини, хилват ва қадрдон хиёбонларини, беғам ва серташвиш одамларини яна бир кўрмоқни, **қўрғошиндек оғир**, дим ҳавосини тагин бир бор туймоқни, ўзи билган ва билмаган кўп азиз жойларни зиёрат қилиб, фикран алвидо айтмоқни тилади (Х. Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида). Чикдим худди **қўрғошиндай зил** – Зил бир юкни уйда қолдириб (Ҳ. Худойбердиева. Уйга). Ойшахон ётган кўйича **қўрғошиндай** кўлини зўрға кўтариб, ўғлини бағрига босди (П. Қодиров. Эрк). Суярқулни уйку элтар, киприклари **қўрғошиндай оғирлашиб борарди** (А. Кўчимов. Оқ каптарлар ороли).

3. *Қулогига қуйилмоқ.* Ҳеч бир эсдан чикмайдиган даражада хотирага ўрнашмоқ.

Мадраса биноси Амир Темурнинг қайтишига қадар би-тиши ҳақидаги Бибиҳонимнинг талаби усталарнинг **қулогига қўрғошиндек қуйилган** эди (Х. Даврон. Бибиҳоним қиссаси ёхуд тугамаган дoston). Бу гап **қулогимга қўрғошиндай қуйилиб** қолди (С. Сиёев. Пайваста диллар меъмори). Ҳаётимда бир нарсага иймон келтирдимки, шу сўзларимни **қулогингизга қўрғошиндек қуйиб олинг** (Н. Қобул. Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич). Ахир, қизалоқлигидан **қулогига қўрғошиндай қуйиб** келмайдими бу ҳақда?! (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Ҳазратим, олтиндин аъло ҳикматли ўғитларингиз **қулоқларимга**

**кўрғошиндай қуйлиб**, хотиримга михдай қоқилиб қолур!  
(О. Тожибоева. Олмос сир).

## КЎЧҚОР

### КЎЧҚОРДАЙ

Пахлавон, ботир, суюмли. Асосан, ўғил фарзанд, болалар ҳақида.

**Кўчқордай** ўғил берсин деб, дуо қилиб эдингиз, оти ўзи билан туғилди – Кўчқорбой (Б. М. Али. Кўктўнлилар). Халойик, Ҳумоюн ҳазратлари Наврўз айёмида қилган барча яхши ниятларига етсинлар! Янги йил ҳазратимга **кўчқордай** ўғил ато этсин! (П. Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар). Оллоҳ субҳонаху ва таоло аларга **кўчқордай** ўғул ато айламиш (Э. Самандар. Султон Жалолиддин). **Кўчқордай-кўчқордай** ўғилларим бор! Катта бўлса, отнинг Тарлонини минаман деяпти (Т. Мурод. От кишнаган оқшом). **Кўчқордек** битта Турсунбойим ёнига **кўчқордек** ўғил қўшилса бўларди-да. Ишқилиб, омон-эсон дунёга келсин-да! (С. Аҳмад. Қирк беш кун). Эрта-индин **кўчқордек** ўғил туғиб берадиган хотинига битта қўйлак оберолмайдиган эр қанақа ўзи? Белида белбоғи борми? (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари).

## КЎҒИРЧОҚ

### КЎҒИРЧОҚДАЙ

Жуда ҳам келишган, бежирим, чиройли. Асосан, одам ҳақида. Кўчада Тўтиқиз ўзидан хиёл катта, ўзига ўхшаш чиройли, **кўғирчоқдек** бир қизча билан турар эди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Сизга шуни ҳам айтиб қўяйки, бир кўрган кишингизнинг тусини, албатта, узоқ фурсат хотирингизда тутолмайсиз, лекин бу қиз тўғрисида мен тамом бошқача ҳолатда бўлдим: шундоқки, унинг қошини, кўзини, тусини, **кўғирчоқдек** қаддини кўз ўнгимда тута-тута тамом бир йиллик билишлардек бўлиб қолибман (А. Қодирий. Ўткан кунлар). **Кўғирчоқдай** ясантирилган жажжи қизчанинг қош-кўзи беихтиёр Дилдор оғачани эслатди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Ўшанда гожлик қилганингизда **кўғирчоқдек** бу қиз қаёқда эди сизга! (Шухрат. Жаннат қидирганлар). Шу Соҳибназар аканинг саккизинчига ўтган қизчаси **кўғирчоқдеккина** бўлибди-да (А. Аъзам. Одаминг оласи). У эри билан бу **кўғирчоқдеккина** жувон ўртасида азалдан қандайдир жуда илиқ, жуда самимий муносабатлар борлигини билар... эди (О. Ёқубов. Оққушлар, оппоқ қушлар).

## Ғ

### ҒАЛВИР

#### ҒАЛВИРДЕК

*Илвирамоқ;* тешиқ, суюқликни тутиб турмайдиған. Кўпроқ юракнинг рухий жароҳати, турли нарсаларнинг суюқликни тутмаслиғи ҳақида.

«Юргил!» дея кўнглидаги кишисини тинимсиз чорласада, орзуманда Самандарнинг тақдирдан туҳфа кутишдан, ундангина озурда қалбига, жароҳатлардан гўё **ғалвирдек** *илвираб кетган* юрагига малҳам соғинишдан бошқа чораси йўқ эди (У. Ҳамдам. Сабо ва Самандар). Жуда иссиқ. Биронга ҳам япроқ қимирламайди. Одамнинг олган нафаси ичига иссиқ ҳовур бўлиб қуйилади. Столга қўлини қўйса, чин этиб ёпишади. Ичган чойи, худди бадани **ғалвирдек**, тер бўлиб сирқиб чиқади (А. Аъзам. Бу куннинг давоми).

### ҒОЗ

#### ҒОЗДАЙ

Тик; *бўйинини чўзмоқ, қад кермоқ.* Одамнинг қаддини тик тутиши, бўйинини чўзиши, керилиб юриши ҳақида.

Юрганда қаддини букмай, **ғоздай** юради. Гапирганда башарасини тириштирмай, текис гапиради (С. Аҳмад. Куёв) **Баҳри:** Пигурасиям сақланган. **Ғоздек юради.** Башарасида битта ҳам ажми йўқ (С. Аҳмад. Куёв). Уларнинг муросасозлигидан руҳланган қози ўзини ўнглаб, қаддини тиклади ва *бўйинини ғоздек қилиб*, ваъзхонликка тутинди (Ғ. Каримий. Наршах қалъаси). Шойибаркутга ясаниб, тилла-кумушга безаниб, ўргада **ғоздек қад керган** бекач хотин Мешполвонга масхараомуз оҳанда «Келди кўргани келдингми? Ўзингга ўхшаган пўрдоқисидан тиллаибери деган эди, қизлар типирчилаб қийқиринга тушинди (А. Шабржон. Мешполвоннинг жанглари). Кўнгли тоғдай бўлиб, келган ўтадиган кун **ғоздай керилиб** Тошкентга етиб келди бу қиз (Ў. Мирзаёр. Куёв). Бир кун совға олгач у, Кўнгли қўлиб олган у, Бўйини **ғоздай керди** у, Менга савол берди у (С. Турраева. Менда йўқ нарсани топ). У ҳали бақувват, бахона, келтириш сав

дасини ғоздай тутиб, сурувнинг орқасидан кетди (С. Анорбоев. Оксой шалолалари).

## ҒУНЧА

ҒУНЧАДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, ЯНҒЛИҒ)

*Нозик, гўзал.* Асосан, аёлнинг (қизил ва мўъжаз) лаби, умуман, аёлнинг гўзаллиги ҳақида

Мен шу асрнинг бир митти фарзандиман, Мен унинг бутун кўноллигини, Бутун нозиклигини, Бутун совуқлигини, Бутун хароратини Сенинг шу ғунчадай нозик лабларингга Жойлаштирмақ истайман, севгилим. (А. Орипов. Мен сени куйламоқ истайман). Гулзорингда ғунчадек, Ўпгайман дудоғингдан (Миртемир. Мен келгум). Ҳа, энди, оддий гапни ҳам шундай ваҳима билан айтасизки, тўғриси, шу ғунчадай лаблардан қандай янгилик чиқаркин, деб ҳадиксираб қоларкансан (А. Абдуллаев. Дард). Бобур уни яқин йилларда кўрган эмас, аммо кўрганлар ҳаммаси Ойиша бегимнинг ғунчадек гўзаллигини мақтаб келганини эшитган (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Ярамас гўрсўхтанинг гапини қара-я, ғунчадай қизимни эрка-тантиқ арзандаларига она қилиб берармишман, ҳаҳ, ҳаммомни ҳавас қилган туя-ей (Қ. Кенжа. Палахмон тошлари).

## Ҳ

### ҲАБАШ

#### ҲАБАШДАЙ

*Айнан ЗАНЖИДАЙ.*

Умримда кўрмаган бир одам келди. **Ҳабашдай қоп-қора**, бошида жуни тўкилиб кетган ярғоқ телпак, оёғида чорик (Ш. Холмирзаев. Йўллар, йўлдошлар). Башаранг **ҳабашга ўхшаган қоп-қора**, юришинг айикка ўхшайди (С. Аҳмад. Ҳижрон кунлари). Дарвеш-масхарабоз озғин, **ҳабашдек қора**, Арбоб, аксинча, семиз, опноқ киши эди (О. Мухтор. Майдон). **Ҳабашдай қорайиб кетган** ўсиқ мўйловли йигит қора отнинг сағрисидан сакраб тушди-ю, бостирмага қараб югурди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар). Офтобда пишиб, **ҳабашдай қорайиб кетган**, бунинг устига Ҳошимдай ўзига зеб бериш, чиройли кийишларга ҳам эътибор бермай қўйган эди (Ж. Абдуллахонов. Тўфон). Икромжон бўлса озиб, чўп бўлиб кетган эди. Чўл шамоли унинг баданини **ҳабашдек қорайтирган** (С. Аҳмад. Уфқ).

### ҲАЙВОН

#### ҲАЙВОНДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, МИСОЛ, -ГА ЎХШАБ)

Ҳайвонларга хос ҳаракат-ҳолатларни қилмоқ, уларга хос белги-хусусиятларга эга бўлмоқ. Одамлар ҳақида; кучли салбий муносабат ифодаланади.

**Ҳайвондай** умр кечириб, **ҳайвондай** ўлим топган одам ачишимизга арзимади. Аксинча, яхши одамнинг вафотидан кўнглимиз оғрийди. «Яна яшаса бўларди» деймиз (Т. Малик. Шайтанат). Натижада одамзод эзгуликдан ва унинг учун чидам билан курашнинг азобу роҳатидан бир онда юз ўтириб, **ҳайвон мисол** фақат ва фақат жисмининг истакларини қондириш йўлига ўтади. Ана унда қиёмат кўпди, деяверинг (У. Ҳамдам. Мувозанат). Лекин **ҳайвонга ўхшаб** яшашга одамнинг кўнгли чопмайди-да (У. Ҳамдам. Мувозанат). **Ҳайвон каби** ерга ётиб, тили билан ялаб-ялаб сув ичади, мамнун бўлиб яна ғўлдирайди ўзича, бошини қийшайтириб сув тубига қараб туради (И. Сул-

тон. Озод). Каламуш ҳар тишлаганда жиноятчи хайвондек ўкиради (Ү. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

## Ҳ А Й К А Л

### ҲАЙКАЛДАЙ (КАБИ, СИНГАРИ, МИСОЛИ)

*Қотмоқ.* Тамоман ҳаракатсиз, сассиз-шарпасиз қолмоқ. Асосан, одам ҳақида.

Уйда қий-чув бошланган, катта опамлар ўрта эшикда **ҳайкалдек қотиб қолган** дадамларнинг бўйнига осилиб йиғламоқда (О. Ёқубов. Музқаймоқ). Зобитлар ҳам ўз сафлари олдида қўлларини чаккаларига қўйиб, чест бериб, **ҳайкалдай қотдилар** (Ж. Абдуллахонов. Тарки дунё). Аммо махсус радио-марказ ишга тушиши ҳамон у бутунлай ўзгарди. Дастлаб **ҳайкал каби қотиб** турди (Т. Малик. Фалак). У шу ҳолатида ҳайкалга ўхшар, чиндан ҳам, **ҳайкал каби қотиб** турар эди (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Уларнинг изидан Термулган қўйи Қиз **қотиб қолади ҳайкал мисоли** (Ж. Камол. Эшикда ой тўлкини). Бир неча фурсат **ҳайкал сингари қотиб** тургач, юзига шамол келтириб урган майда ёмгир томчиларидан сесканиб аста юра бошлади (Т. Малик. Шайтанат). Хонада Гавҳар ёлғиз (омаднн қаранг) эди. Темирга кўзи тушди-ю, **ҳайкалдай қотиб қолди** (М. Ҳазраткулов. Чироқ ўчмаган кеча). У бу хабардан ажабланмади ҳам, ўтирган жойидан остонадаги аёлларга бурилиб ҳам қарамади – **ҳайкалдай, гўё тошдай қотиб ўтираверди** (Н. Эшонкул. Шамолни тутиб бўлмади). Айтганда ҳам чунонам бошлаб айтдимки, амаки лапанглаб келаётган жойида пешанаси деворга урилгандек таққа тўхтади, тўхтади эмас, **ҳайкалдек қотди** (Х. Дўстмуҳаммад. Алам).

## Ҳ А Л И М

### ҲАЛИМДАЙ

*Юмшоқ, мулойим; юшмамоқ.* Асосан, одам ва унинг табиати, руҳияти, кайфияти ҳақида.

Ахир, қўйдайд ювош, **ҳалимдай юмшоқ**, пашшагаям озор бермайдиган, бузоқнинг ҳақи бор деб, сигирнинг сутинн ичмайдиган одам (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Бундай пайтларда босиқлик билан, **ҳалимдек юмшоқ бўлиб гапирадиган** Қодирхўжа бу гал ўзини тутолмади (Р. Файзий. Ҳазрати инсон). Совчи бўлган хотин **ҳалимдек юмшоққина экан**. Инобат уни икки кунда шафтолиқоқи қилиб қўяди (С. Аҳмад. Келинлар кўзғолонн). Кўз олдимдан эса **ҳалимдек юмшоқ** чолнинг нурли

юзи ўтиб, ичимдан хўрликми, йиғими – бир нарса тошиб келарди (М. Мансур. Жудолик диёри). Вужуди ҳалимдай юмшади. Ўзини гўё куш каби ҳис қилди (Т. Малик. Шайтанат). Бу ҳассос шоир, бу пешонасида нур, зако ярқираб турадиган, ҳалимдек мулойим инсон Некрасов руҳига, унинг «қасос ва қайғу» лирикасига шу қадар яқинлашган эдики... (Н. Каримов. Миртемир). Пошша хола энг асосийси, ҳалимдай Хайрибиби эътиборини қозонди, ўз тарафига олди (Д. Нурий. Осмон устун). Хотининг раҳматли ҳалимдеккина, паришталиккина эди (С. Аҳмад. Жимжитлик). Эшикдан ҳалимдай мулойим бўлиб кириб келишидан бир балоси боров, деб ўйловдим-а (С. Аҳмад. Келинлар кўзголови).

## ҲАЛҚА

### ҲАЛҚАДАЙ

*Ўрамоқ.* Муайян одамлар, жой-нарсаларнинг чор атрофини курашмоқ.

Курашчилар майдонни ҳалқадай ўраб турганларга яқинлашишди. Одамлар ўзларини орқага ташладилар (Т. Малик. Фалак). Атрофни ҳалқадек ўраб турган милиция ходимлари ҳам ўзларини панага олишди (С. Аҳмад. Қирқ беш кун). Хирмонтепани ҳалқадай ўраб олган кишлоқни оқшом нимранг йўрғанига чирмар, гуллаб ётган олмазорлар орасидан уйларнинг томлари қизариб кўринар эди (Ў. Ҳошимов. Қалбингга қулоқ сол). Ва беадад бир ҳайратдан тек қотди, чиндан ҳам, ер комига тушиб қолгандек туюлганича бор экан – гирд теварани баланд тоғ қоялари ҳалқадек ўраб олган – истироҳатгоҳ кўркама дара кўйнида жойлашган эди (Н. Қилич. Ошиқдара тутқунлари). Шундагина Соат кий-чув тинчиб қолганини, атрофини катта-кичик болалару қизлар ҳалқадек ўраб, ўшшайиб турганини кўрди (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

## ҲАММОМ

### ҲАММОМДАЙ

*Қизимоқ, исимоқ; иссиқ.* Ҳарорати кўтарилмоқ; баланд ҳарорат. Асосан, ҳаво ҳарорати ҳақида.

Кун исиб кетганида бандаргоҳнинг чоғроқ масжидига кириб салқинлар эдик, бугун аксига олиб, ток йўқ экан, ҳаммомдай қизиб кетди (Х. Султон. Бобурийнома). Мана, энди ҳаммомдай қизиб ётган бетон каталакда азоб тортиб ётибман – айтилган муддатга уч кун қолди, ваъда эса битгани йўқ (Х. Султон. Бобу-

рийнома). Зум ўтмай, уйчам ҳаммомдай исиди (Н. Раҳмат. Буни ҳаёт дебдилар ёки ўғлим Улуғбекнинг кундалиги). Ҳар шанба ё дам олиш кунлари солдатлар ...шу қишлоқларга отланишар, томларини қор босган, тор, лекин ҳаммомдай иссиқ клубларда гармонь садоси остида ер депсиниб танца тушишар, янги фильм қўйилса, сахнадан кўра ёнларидаги қизларга кўпроқ эътибор беришиб, ғира-шира залда пиқ-пиқ кулишиб, пинҳона пичирлашиб, кино кўришарди (О. Ёқубов. Биллур қандиллар).

## Ҳ А С С А

### КЎРГА ҲАССАДАЙ (МИСОЛИ)

*Тушунтирмақ; аён.* Нақд қилиб англатмоқ, ҳар қандай шубҳадан холи.

Одам ўғли, завол кўрма, Бўлма одам заволи, *Тушунтирдим* ҳамма гапни **Кўрга ҳасса мисоли** (А. Орипов. Тарбия). «Тошкент окшоми» газетасида таниш мухбирнинг ярим бетдан каттароқ мақоласи чиқибди, ўқиб кўрсам, унинг бир жойида «**кўрга ҳассадай аён**» деган ибора ишлатилган экан (Н. Остон. Қисқа туташув).

## Х Ў К И З

### ХЎКИЗДАЙ

1. *Қайсар*, ўжар, етовга юрмайдиган. Ўз билганидан қолмайдиган одам ҳақида; салбий муносабат ифодаланади.

Биласанми, бундай пайтда ўзбеклар нима дейди? – **Хўкиздеқ қайсар** экансан дейишади (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши). Жувоз кўрмаган **хўкиздеқ қайсарлик қилган** эди, қайсар хўкизларни савалайдиган беҳи гаврон билан роса саваладим (Х. Тўхтабоев. Қасоскорнинг олтин боши).

2. Катта, кўпол. Асосан, одам, ит ва шу қабилар ҳақида; салбий муносабат ифодаланади.

Ишонган одам бундай қилмайди; уйида **хўкиздай** ўғли ағанаб ётса-ю, қорга ботиб қолган машинасини йўлга чиқариш учун кап-катта одам ҳамсоясидан ёрдам сўраб ялиниб юрса-я! (Н. Боқий. Ҳисорақ). **Хўкиздай** бўлмай ўл-да, сен, Улжон. Келиб-келиб бир майибга кучинг етдими? Қўлини синдириб қўйибсан-ку, жувонмарг (Н. Эшонқул. Култой). **Хўкиздай** йигитни авайлайман, деб, ўзингиз йиқилиб қолманг, дейман-да, эна (З. Қуролбой қизи. Ёзсиз йил). Базмга борди – бўлди-да! Хотинхалаж ичида нима бор **хўкиздай** йигитга! (Ў. Ҳошимов. Икки эшик ораси). **Хўкиздеқ-хўкиздеқ** учта ит уч томондан ёпишса! (Э. Аъзам. Шовқин).

3. *Кучли, полвон, бақувват*. Асосан, одам ҳақида.

Шунинг учунми унга кимдир «гўпнон» деб лақаб қўйган-у, уям ўша лақабга ўрганиб қолган. Лекин ўзи **хўкиздек кучли** (Ш. Холмирзаев. Чиллак ўйини). Кечаси алламаҳал. Жалил безовта. Қўрқади. Қуюндан қўрқади. У **хўкиздек кучли** (Ш. Холмирзаев. Табассум). Қўй, Назар жўра, – деб қолди Ошно. – Сенга ярашмас экан. Гавданга қара, **хўкиздай полвон** одам, мандақа бир полвонмасга кунчилик қиянсан (М. М. Дўст. Лолазор). Шунинг учун Рафиқ акамнинг айтганларига кўнинг, – насихатга тушди **хўкиздек бақувват**, сочини тап-тақир қилиб қирдирган Шотир исмли шериги (Ф. Тиловат. Қора кузгун).

4. *Ишламоқ*. Қаттиқ, бор куч-ғайрати билан меҳнат қилмоқ.

Заводда эртадан кечгача **хўкиздек ишлаб**, уч юз маош олиб кўр-чи, минг кишини тўплаб тўй қила олармикансан? (Ў. Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

НИЗОМИДДИН МАҲМУДОВ  
ДУРДОНА ХУДОЙБЕРГАНОВА

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЎХШАТИШЛАРИНИНГ  
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

*Тошкент «Маънавият» 2013*

Муҳаррир *Б. Умаров*  
Мусаввир *К. Попова*  
Техн. муҳаррир *Ш. Соҳибов*  
Мусахҳихлар: *О. Бозорова, О. Пардаев*  
Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия АИ №189, 12.12.2011 й. да берилган. Босишга 18.06.2013 й. да рухсат этилди. Бичими 60x90/<sub>16</sub> Times гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 20,0. Напр т. 15,29. 3000. нусха. Буюртма № 13-611. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Тараққиёт 2-беркўча, 2-уй. Шартнома 18–13.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-магбаа ижодий уйида чоп этилди. 100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2013.



ЎЗБЕК ТИЛИ  
ЎХШАТИШЛАРИНИНГ  
ИВОҲЛИ ДУГАТИ

*Manavijot*

ISBN 978-9943-04-218-6



9 789943 042186